СОЛНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ

ФАОЛИЯТИ ХРОНИКАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН»



С О Л Н О М А

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ

ФАОЛИЯТИ ХРОНИКАСИ

1989 – 2016 йиллар

ТОШКЕНТ – «ЎЗБЕКИСТОН» – 2018

УЎК: 323(575.1)(093.3)
КБК 66.3(5Ў)8
Ў-16

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1989—2016 йиллар давомидаги сиёсий фаолияти хроникаси акс эттирилган ушбу китоб билан танишар эканмиз, давлат раҳбарининг кўп қиррали фаолияти мисолида Ватанимизнинг истиқлол тарихи, тараққиёт йўли бутун мураккаблиги, барча синов ва машаққатлари билан кўз ўнгимизда яққол намоён бўлади.

Тўпламдан ўрин олган маълумот ва ахборотлар юртимизда мустақил, эркин ва демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, кенг кўламли сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини амалга ошириш, маънавий қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш, тинч-осойишта ҳаётни асраш, юртимизни дунёга танитиш, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа кўплаб соҳаларда халқимизнинг фидокорона меҳнати, Биринчи Президентимизнинг сиёсий иродаси, қатъият ва матонати билан эришилган юксак марралар ҳақида атрофлича тасаввур уйготишга хизмат қилади.

ISBN 978-9943-25-444-2



Namangan davlat universiteti
inv. № 232051
Axborot-resurs markazi

ISBN 978-9943 -25-444-2

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2018

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, халқимизнинг азиз ва ардоқли фарзанди Ислом Абдуғаниевич Каримов бутун онгли ҳаёти ва фаолиятини Ўзбекистонимиз учун, унинг озодлиги ва эркинлиги учун бахшида этди.

Ислом Каримов миллий тарихимизнинг энг кескин ва таҳликали, туб бурилиш даврида — 1989 йилнинг июнида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланди. Ўша пайтда республикамиз кескин ижтимоий ва иқтисодий муаммолар, миллатлар ва конфессияларо можаролар гирдобига тушиб қолган эди. Ана шундай ўта оғир даврда у ўзининг улкан раҳбарлик салоҳияти, кучли иродаси ва қатъияти билан халқимиз ва мамлакатимизни мудҳиш фожиалардан сақлаб қолди.

1991 йил 31 август куни Ислом Каримов Ватанимиз мустақиллигини эълон қилди ва 25 йил давомида суверен ва мустақил Ўзбекистон давлатини бошқариб, очиқ фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг чуқур ўйланган стратегиясини муваффақиятли амалга оширди.

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча оламшумул ютуқлар ва натижаларни ҳақли равишда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ, деб ҳисоблайди.

Юртимизда тарихан ғоят қисқа давр мобайнида кенг кўламли таркибий ислоҳотлар амалга оширилди, нефть кимёси, кимё, автомобиль саноати, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик саноати, замонавий қурилиш материаллари саноати каби юқори технологияларга асосланган янги саноат тармоқларига асос солинди. Замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари бунёд этилди. Қишлоқ хўжалигида чуқур ўзгаришлар амалга оширилиб, ернинг ҳақиқий эгаси бўлган янги мулкдорлар синфи — фермерлик ҳаракати шакллантирилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган замонавий Қуролли Кучларни барпо этиш, унинг жанговар салоҳияти ва қудратини оширишни таъминлади.

Биринчи Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда ташкил этиш, маънавий қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ислом Абдуғаниевич ўз фаолияти, бутун онгли ҳаётининг маъно-мазмуни бўлган «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!» деган эзгу ғояни илгари сурган ва бу шиор барчамизнинг, бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган эди. Улуғ Йўлбошчимиз ана шу буюк вазифани ҳамма вақт, ҳар қандай вазиятда ҳам шараф билан адо этди, бу йўлда беқиёс куч-ғайрати ва ақл-заковатини, керак бўлганда, ҳатто азиз жонини ҳам аямади. У бир умр ўзи ўртага ташлаган «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деган даъватга амал қилиб, келажак авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратиб кетди.

Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 26 йиллик байрами арафасида нашр этилаётган ушбу китоб Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги йигирма етти йиллик фаолият хроникасини ўзида мужассам этади.

Тўпламдан ўрин олган расмий маълумот ва ҳужжатларнинг барчаси Биринчи Президентимизнинг улкан давлат ва сиёсат арбоби сифатида қанчалик жўшқин, сермазмун ва самарали фаолият олиб борганидан яққол далолат беради.

Ўзининг ноёб истеъдоди, доимо узоқни кўзлаб иш юритиши, донишмандлик, мардлик ва олижаноблик фазилатлари билан барчамиз учун эл-юртга чексиз меҳр ва садоқат тимсоли бўлиб қолган бу буюк шахснинг фаолият солномаси, ҳеч шубҳасиз, янги тарихимизнинг ажралмас бир қисми сифатида ижтимоий-сиёсий, илмий-назарий ва тарбиявий нуқтаи назардан беқиёс аҳамиятга эга бўлиб, халқимизни янги-янги мақсад ва марралар сари ҳамиша руҳлантиради.

1989 йил

23 июнь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми бўлиб ўтди. Унда Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб келган Ислом Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Бюро аъзоси этиб сайланди.

* * *

24 июнь. Ўзбекистон ССР Министрлар Советида Фаргона водийсидаги областларни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш ҳамда ана шу региондаги аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари лавозимидаги биринчи дастурий чиқиши сифатида мамлакатимизнинг мустақиллик тарихида алоҳида ўрин тутадиган ушбу нутқида Фаргона водийси вилоятларида вужудга келган кескин иқтисодий-ижтимоий вазият мисолида бутун республикамиздаги ўткир ва долзарб муаммолар атрофлича таҳлил этилиб, уларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилди. Ислом Каримов ўз нутқини «Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди», деган сўзлар билан бошлар экан, Ўзбекистон катта ўзгариш ва ислоҳотлар арафасида тургани ва бу тарихий зарурат эканини таъкидлади.

* * *

24 июнь. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов Оммавий ахборот воситаларининг ходимлари билан учрашди. Унда республикадаги аҳвол тўғрисида, юз бераётган воқеаларни ёритишда матбуотнинг вазифалари, республика партия ташкилоти, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари олдида турган муаммоларни ҳал қилишда матбуотнинг иштироки ҳақида жиддий, батафсил, ошкора фикр алмашинди. Учрашув қатнашчилари соғлом кучларни жипслаштириш, Фарғона областидаги вазиятни, миллатлараро муносабатларни нормал изга солиш зарурлиги тўғрисида сўз юритдилар.

* * *

25 июнь. Ислом Каримов Фарғона вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан танишиш мақсадида ушбу вилоятда бўлди. Ўзбекистон раҳбари вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларига бориб, юзага келган нотинч вазият туфайли жабр кўрган одамлар билан суҳбатлашди, аҳволни барқарорлаштириш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича маҳаллий раҳбарларга аниқ кўрсатмалар берди.

* * *

30 июнь. Наманган область партия-хўжалик фаолларининг йигилиши бўлиб ўтди. Унда Фарғона водийсида рўй берган фожиали воқеаларнинг оқибатларини бартараф этиш ва Наманган областидаги вазиятни тезроқ изга тушириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Икки кун мобайнида областдаги вазият билан танишиб, меҳнаткашлар, шу жумладан, месхети турклари вакиллари билан ҳам учрашган Ислом Каримов йиғилишда нутқ сўзлади. Мажлисда кўп йиллар давомида йигилиб қолган мураккаб ва ўткир социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш, жумладан, уй-жой, озиқ-овқат таъминоти, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

5 июль. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов Тошкентдаги Мўғулистон Халқ Республикасининг бош консули Ц.Буянтогтох, Афғонистон Республикасининг бош консули Ҳ.Ҳамгар, Ҳиндистон Республикасининг бош консули Й.Кумар, Ливия Араб Халқ Социалистик Жамаҳириясининг бош консули А.М.А.Г.Омранни қабул қилди.

* * *

6 июль. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиумида бўлиб ўтган кенгаш иқтисодиёт фанининг республика халқ хўжалигини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссасини оши-

риш йўлларига бағишланди. Кенгашда республика академияси, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими аъзолари, Тошкент олий ўқув юртлари мутахассислари, план-молия органлари, Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети, Нархлар давлат комитети, таъминот системаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети аппаратининг масъул ходимлари қатнашди. Кенгашда Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари Ислом Каримов якунловчи нутқ сўзлади. У амалиётчилар ва иқтисодчи олимларнинг ҳамкорлигини системали асосда олиб боришни таклиф этди. Асосий куч-ғайрат — иқтисодиётга ўзбошимчалик билан ёндашувга барҳам бериш, халқ хўжалигининг рентабеллигини, корхона ва ташкилотларнинг даромадини ошириш, энг муҳими, аҳоли жон бошига олинадиган даромадларни кўпайтиришни таъминлаш ва шу негизда халқ фаровонлигини оширишга йўналтирилиши зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, пахтани эмас, балки толани топшириш масаласида ҳам, деҳқонларга ер беришда ҳам, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини буйруқбозлик асосида «планлаштириш»га барҳам беришда ҳам амалий ишларга ўтиш пайти келгани алоҳида таъкидланди.

* * *

9 июль. Ўзбекистон ССР Министрлар Советида республикада шахсий ёрдамчи хўжаликларни ва якка тартибдаги уй-жой қурилишини ривожлантириш муаммоларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади. Нутқда аҳолини уй-жой, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш республикада ҳал қилиниши лозим бўлган ғоят муҳим муаммолар жумласидан экани таъкидланди.

* * *

12 июль. Ўзбекистон ССР Министрлар Советида республика қурувчиларининг уй-жойлар, социал, маданий-маиший ҳамда енгил саноат объектларини барпо этиш юзасидан биринчи ярим йилликдаги иш якунлари кўриб чиқилди. Кенгашда Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

21 июль. Фарғона область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум Фарғона областидаги фожиали воқеалар ҳамда партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг масъулияти тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

23 июль. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Фарғона фожиалари билан боғлиқ мурожаатномаси эълон қилинди.

* * *

24 июль. Сирдарё область фаолларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

26 июль. Қорақалпоғистон область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

27 июль. Қашқадарё область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

1 август. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида жойларда фуқароларнинг меҳнат ва социал шароитларини яхшилаш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда қатнашган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов фуқароларнинг шикоят хатларидан айримларини ўқиб эшиттирди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан резолюция қабул қилинди.

* * *

4 август. Ислом Каримов республика касаба союзларининг раҳбарлари билан учрашиб, бу соҳадаги долзарб масалалар хусусида маъруза қилди.

* * *

11 август. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида агросаноат комплекси ишини яхшилаш, пахта терими мавсумига тайёргарлик масалаларига багишланган селектор кенгаш ўтказилди. Унда Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

17 август. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

* * *

19 август. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бўлиб ўтди. Пленум аҳоли талаб ва эҳтиёжларини қонди-

ришнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

22 август. Хоразм область партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда область социал-иқтисодий тараққиётининг аҳволи ва яқин даврда уни интенсивлаш вазифалари муҳокама қилинди. Йиғилишда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

23 август. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов ва Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Сапармурод Ниёзов Хоразм область Қўшкўпир райони билан қўшни бўлган Туркманистон Республикасининг Тошҳовуз области чегарасида жойлашган янги мактабнинг очилиш маросимида қатнашди.

* * *

26 август. Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

27 август. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида аҳоли талаб ва эҳтиёжларини қондиришга доир кечиктириб бўлмайдиган вазифалар кўриб чиқилиб, ушбу масала юзасидан республика комиссиясининг шахсий таркиби тасдиқланди.

* * *

31 август. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида идеология комиссияси ишчи гуруҳларини тузиш юзасидан таклифлар муҳокама қилинди. Унда тиллар ҳамда халқ байрамлари ва маросимларини ривожлантириш гуруҳларининг фаолияти ҳақида фикр юритилди.

* * *

2 сентябрь. Республика партия фаолларининг йигилиши бўлиб ўтди. Унда қонунчиликни мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вазифалари муҳокама қилинди. Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

3 сентябрь. Қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг тўққизинчи конференциясида қатнашиш учун Белградга бораётган Афгонистон Республикаси Президенти Нажибулло бошлиқ ҳукумат делегацияси Тошкентда тўхтаб ўтди. Мазкур делегацияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов кутиб олди ва кузатиб қўйди.

* * *

5 сентябрь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида пахта териш кампаниясини ташкил этиш ва уни муваффақиятли ўтказишга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

8 сентябрь. Қирғизистон пойтахти Фрунзе (Бишкек) шаҳрида Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон регионларининг озиқ-овқат маҳсулотларига тез ўсиб бораётган эҳтиёжини мумкин қадар тўла таъминлаш ҳамда мамлакатнинг озиқ-овқат фондига мева ва сабзавот етказиб беришни кўпайтиришга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон Республикалари Компартиялари Марказий Комитетлари биринчи секретарларининг ахбороти тингланди.

* * *

11 сентябрь. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов Тошкентда ўтаётган умумий ва амалий химияга доир ўн тўртинчи Менделеев съезди иштирокчиларини табриклади ва уларнинг ишига муваффақиятлар тилади.

* * *

15 сентябрь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республикадаги қатор район газеталари нашрини тиклаш, айрим маҳаллий ва кўп тиражли нашрларнинг номларини, ҳажмини, даврийлигини ва бошқа тилларда чиқарилишини қайта йўлга қўйиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

* * *

17 сентябрь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1991 йилда улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги нишонланишини инобатга олиб, мазкур юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Унда жумладан, Алишер Навоий ёдгорлик комплексининг энг яхши лойиҳаси учун танлов ўтказиш, ёдгорлик тангалари ва почта маркалари чиқариш, Алишер Навоий асарларининг ўзбек ва рус тилларидаги тўла тўпламини нашр этиш, Москва, Ленинград, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида, шунингдек, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида

шоирнинг ижодига бағишланган илмий сессиялар ўтказиш режалаштирилди.

* * *

17 сентябрь. 1994 йилнинг декабрь ойида атоқли ёзувчи Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги нишонланиши муносабати билан ушбу тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унда Абдулла Қодирийнинг адабий мероси ва ҳозирги замон ўзбек романи мавзусида бутуниттифоқ конференцияси, Тошкент, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида ёзувчи ижодига бағишланган театрлаштирилган томоша кўрсатиш, адибнинг асарлар тўпламини ўзбек ва рус тилларида нашр этиш, ёдгорлик уй-музейини ташкил этиш, Қодирий номли боғ лойиҳасини ишлаб чиқиш, Тошкент маданият институти, Жиззах педагогика институти ҳамда Тошкентда қурилаётган метрополитен станцияларидан бирига ёзувчининг номини бериш назарда тутилди. Адиблар, фан ва санъат арбоблари, жамоатчилик вакилларидан иборат республика юбилей комиссияси тузилди.

* * *

20 сентябрь. Москва шаҳрида КПСС Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

27 сентябрь. Ислом Каримовнинг «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари мухбирларининг саволларига жавоблари «Янгиланиш нишоналари» сарлавҳаси билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

5 октябрь. Москва шаҳрида жойлашган Ўзбекистон ССРнинг доимий ваколатхонасида СССР Олий Советининг иккинчи сессияси ишида қатнашаётган ўзбекистонлик СССР халқ депутатлари парламентдаги фаолияти самарадорлигини ошириш, сайловчилар ваколатларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашиб олишди. Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

7 октябрь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республикадаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришда олий ўқув юртлари, уларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари, педагоглар ва барча фаолларнинг ролини ошириш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

17 октябрь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессиясига киритиладиган «Давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди. Мажлисда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

25 октябрь. Ислом Каримов ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида «Ўзбекистон ССР Давлат тили тўғрисидаги Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳаси ҳақида»ги маъруза юзасидан музокараларда якунловчи нутқ сўзлади.

* * *

28 октябрь. Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

2 ноябрь. СССР Олий Советининг иккинчи сессиясида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

4 ноябрь. Ўзбекистон ССР Министрлар Советида республика қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланган амалдаги давлат харид нархларининг адолатли эмаслиги ҳақида фикр юритилди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади. Йиғилишда бундай аҳволдан чиқишнинг ягона йўли — фақат харажатларни қоплаб қолмай, шу билан бирга, хўжалик юритишнинг янги усулига босқичма-босқич ўтиш имконини берадиган харид нархларини, республика Нархлар давлат комитети, олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, пухта ўйлаб, иқтисодий жиҳатдан асослаб, ҳисоблаб чиқиш ва жорий этишдан иборат эканига эътибор қаратилди.

* * *

4 ноябрь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

7 ноябрь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Навоий номидаги ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотлари комитетининг таклифини кўриб чиқиб, адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида энг яхши асарлар учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР

давлат мукофотини бериш ҳақида қарор қабул қилди.

* * *

11-12 ноябрь. СССР Олий Совети депутати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов 582-Шаҳрисабз территориал округи ҳамда Чироқчи район сайловчилари билан учрашди. У ўз нутқида республикадаги сиёсий ва ижтимоий вазиятни ҳар томонлама таҳлил этиб, ҳудуднинг ижтимоий муаммоларига, уйжой қурилиши ва соғлиқни сақлаш борасида ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга алоҳида урғу берди.

* * *

18 ноябрь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги ютуқлари учун Ҳамза номидаги давлат мукофотларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов маросимда ҳозир бўлган лауреатларга юксак мукофотларни топширди.

* * *

19 ноябрь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида республикани 1990 йил иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш давлат плани ҳамда республиканинг 1990 йилга мўлжалланган давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқишга бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

21 ноябрь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Министрлар Советида Фарғона областида рўй берган қонли фожиалар сабабларини атрофлича ўрганишга бағишлаб ўтказилган йиғилишда нутқ сўзлади.

* * *

28 ноябрь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўн саккизинчи пленуми бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримов миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш хусусида маъруза қилди.

* * *

28 ноябрь. Ўзбекистон Фанлар академиясида республикада илм-фаннинг долзарб вазифалари, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда академиянинг ролига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Учрашув қатнашчилари ҳузурида Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

30 ноябрь. Нукусда Қорақалпоғистон область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь пленуми якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

4 декабрь. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг таклифига биноан Македония Социалистик Республикаси ижроия вечесининг раиси Глигорие Гоговски бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Тошкентга келди. Делегация аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов қабул қилди.

* * *

5 декабрь. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида республикадан сайланган СССР халқ депутатларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримов нутқ сўзлади. У республикадаги мавжуд энг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга тўхталиб, уларни ҳал этиш борасида принципиал ёндашувларни баён қилди ва халқ депутатларига мурожаат этиб, уларни ўз олдида турган вазифаларни амалга ошириш учун бор куч ва ғайратларини сарфлашга, бунда Ўзбекистон иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳасини тиклаш масалаларини аниқ мақсадларни кўзлаб ўртага қўйган ҳолда ҳал этишга даъват қилди.

* * *

7 декабрь. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий советлар депутатлари сайлови муносабати билан республикани миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантириш, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишларини ўз ичига олган Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастури матбуотда эълон қилинди.

* * *

11 декабрь. Москвада СССР халқ депутатларининг иккинчи съезди очилиши арафасида республикамиз вакиллари Ўзбекистон ССРнинг доимий ваколатхонасида йиғилишди. Унда Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

18 декабрь. Республика Министрлар Советида «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги қонунни рўёбга чиқаришга доир

давлат дастурини ишлаб чиқувчи комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди.

* * *

22 декабрь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалалари комиссияси ҳузурида малакали миллий ишчи кадрлар тайёрлаш муаммолари билан шуғулланувчи ишчи гуруҳининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Тошкент ва Тошкент области машинасозлик корхоналарида туб миллатга мансуб кишилардан малакали ишчилар тайёрлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

* * *

30 декабрь. Тошкентда бўлиб ўтган республика фаоллари йиғилишида СССР халқ депутатлари иккинчи съезди ҳамда 1989 йил декабрида бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитети пленумининг қарорлари муҳокама қилинди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов нутқ сўзлади.

1990 йил

10 январь. СССР халқ депутати Ислом Каримов КПСС Марказий Комитети пленуми қатнашчиларидан бир гуруҳи таркибида Литва ССРнинг пойтахти Вильнюсга келди. Бу ерда вужудга келган муаммоларни бартараф этишга бағишланган йигилишда иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

* * *

20 январь. СССР Архитекторлар давлат уюшмаси ҳайъати секретариати ҳамда Ўзбекистон ССР Архитекторлар давлат комитети коллегиясининг 17 январь куни Тошкентда бўлган сайёр мажлисида Тошкент шаҳрини ва Тошкент областини ривожлантиришнинг 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош планининг техникавий-иқтисодий асослари муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

23 январь. Тошкент шаҳар партия-хўжалик фаоллари йиғилишида Ислом Каримов Тошкент шаҳри қиёфасини, архитектурасини, ободончилигини тубдан ўзгартириш, уни юксак маданият шаҳрига айлантириш ҳақида нутқ сўзлади.

* * *

25 январь. Ўзбекистон Министрлар Советининг 25 январь куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1989 йилги давлат плани ҳамда республика давлат бюджетининг бажарилиш якунлари кўриб чиқилди, иқтисодиётни соғломлаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Йигилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

24 февраль. Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида СССР, Ўзбекистон ССР, маҳаллий советларнинг халқ депутатлари, корхона ва муассасалар, маҳалла ва уй-жой комитетлари, ўқув юртларининг вакиллари, партия ва уруш ветеранлари йиғилди. Кенгашда Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

20 март. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Д.Ф.Мэтлокни қабул қилди.

* * *

24 март. Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини жорий этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Сессия И.А. Каримовни Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президенти этиб сайлади.

* * *

27 март. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов матбуот конференцияси ўтказди. У журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

* * *

17 апрель. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Индонезия Республикасининг кооперация ишлари министри Б. Арифин бошчилигидаги ҳукумат делегацияси аъзоларини қабул қилди.

* * *

18 апрель. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов СССР Президенти М. Горбачев раислигида ўтган СССР Федерация Кенгаши билан Президентлик кенгашининг қўшма мажлисида мамлакат иқтисодиётини бошқариб туриладиган бозор хўжалигига ўтказиш имкониятлари ва йўллари муҳокамасида сўзга чиқди.

* * *

25 апрель. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 45 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашди.

* * *

26 апрель. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов республика касаба уюшмаси фаоллари ва оммавий ахборот воситалари раҳбарлари билан учрашди.

* * *

3 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашди.

* * *

4 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримовнинг «Кўп болали оналарга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

* * *

4 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш якунлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Улуғ ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига совет халқининг Улуг ватан урушидаги ғалабасининг 45 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримовнинг «Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни емхашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

* * *

15 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов республикадаги ёш иқтисодчи олимлар билан учрашди. Суҳбат республиканинг бўлажак иқтисодий мустақиллиги масалаларига, бозор муносабатларига ўтишга тайёргарлик кўриш муаммоларига бағишланди.

* * *

2 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Бошланғич синф ўқитувчилари иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 июнь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездида маъруза қилди.

* * *

11 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида хомашё ва енгил саноат маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиш бош бошқармаси — «Узглавлегснабсбыт»ни ташкил этиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

* * *

12 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар давлат комитетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

15 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Қозоғистон ССР Президенти Нурсултон Назарбоевни қабул қилди. Унда икки республика ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир қатор масалалар кўриб чиқилди.

* * *

16 июнь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республиканинг иқтисодий мустақилликка ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиши масалаларига багишланган кенгаш бўлди. Кенгашда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

20 июнь. Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Декларацияда ҳуқуқий ва демократик давлат мустақиллигининг устуворлиги, Ўзбекистоннинг иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан муносабатлари шартномалар асосида белгиланиши ва давлат белгилари (герб, байроқ, мадҳия)ни ўзи таъсис этиши қайд этилди.

* * *

20 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Самарқанд область Нурота районидаги қоракўлчиликка ихтисослашган «Қизилча» давлат наслчилик заводининг директори Мирзан Нурбоевга «СССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» нишонини топширди.

* * *

21 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ССР делегацияси Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари раҳбарларининг учрашувида қатнашиш учун Олмаота шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

23 июнь. Олмаотада Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарларининг қўшма баёноти имзоланди. Бу ҳужжатни Ўзбекистон номидан Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов имзолади.

* * *

25 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов раислигида Тошкент шаҳри аҳолисини гўшт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга багишланган йигилиш бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримов мазкур муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

* * *

26 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 июль. КПСС XXVIII съезди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов раислигида ўтди. Шу куни Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов съездда маъруза қилди.

* * *

11 июль. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов КПСС XXVIII съездининг матбуот марказида совет ва чет эл журналистлари билан учрашди.

* * *

17 июль. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов республика партия фаоллари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

22 июль. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримовнинг «Правда» газетаси мухбири саволларига жавоблари «Одамлардаги ишончни тиклайлик» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

25 июль. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Вишванатх Пратап Сингхни қабул қилди.

* * *

28 июль. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 август. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов КПСС XXVIII съездининг якунлари ва Ўзбекистон Компартияси фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида маъруза қилди.

* * *

4 август. Тошкентда касаба уюшмалари Ўзбекистон кенгашининг пленуми бўлди. Пленумда Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

28 август. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида Ўзбекистон ССР Олий Совети комитетлари раисларининг кенгаши бўлди. Унда Ўзбекистондан ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар ўз бурчларини қандай ўтаётгани хусусидаги масалалар кўриб чиқилди. Кенгашда Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

4 сентябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Республика ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 сентябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Аспирантлар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 сентябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Тошкент давлат дорилфунунининг 70 йиллик юбилейи арафасида ўқишга қабул қилинган талабалар ҳузурида нутқ сўзлади.

* * *

13 сентябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигига багишланган халқаро илмий анжуман қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

24 сентябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Халқлар дўстлиги» орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг алоҳида намуна кўрсатган бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 сентябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигини Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши ҳузуридаги Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш республика давлат-кооператив маркази («Узбытцентр»)га айлантириш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

25 сентябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Очилхон Отахонов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Ҳасан Ражабов, Одилжон Юсуповга «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони бериш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

* * *

27 сентябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов ГФР Бундестаги аъзоси,

Иқтисодий алоқалар комиссиясининг раиси Х.Шварц ва Чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш уюшмасининг раҳбари Б. Бишоп (АҚШ) билан учрашди.

* * *

28 сентябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 сентябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги «Красновосточное» трамвай-троллейбус комплекси жамоаси билан учрашди.

* * *

1 октябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг таркиби тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 октябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг биринчи мажлиси бўлди. Мажлисда Кенгаш олдида турган вазифалар, унинг амалий фаолияти масалалари, республикадаги ижтимоий-сиёсий вазият ва бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари муҳокама қилинди.

* * *

2 октябрь. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди. Раёсат мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

* * *

3 октябрь. Термизда халқ депутатлари қишлоқ, посёлка, район, шаҳар ва вилоят советлари депутатларининг вилоят раҳбарлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

6 октябрь. Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раёсати мажлисида 1990 йилги мева ва сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олиш, харид қилиш, етказиб бериш ва сақлаш билан боғлиқ масала кўриб чиқилди. Унда Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

* * *

20 октябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонга ташриф буюрган Корея Республикасининг СССРдаги элчиси Гон Ро Мянни қабул қилди.

* * *

23 октябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонга ташриф буюрган Вьетнам Социалистик Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Нгуен Мань Камни қабул қилди.

* * *

23 октябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консули А.К.Мукержини ушбу лавозимда фаолият бошлаши муносабати билан қабул қилди.

Шу куни Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Мўғулистон Халқ Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Б.Будани ҳам қабул қилди.

* * *

24 октябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

25 октябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Республика аҳолисининг шахсий ёрдамчи хўжаликларидаги чорва ва паррандани озуқа билан таъминлашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

27 октябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Тошкентда ўтказилаётган совет-афғон учрашувида қатнашаётган Афғонистон, Тожикистон ва Туркманистон делегациялари аъзоларини қабул қилди.

* * *

29 октябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг учинчи сессиясида нутқ сўзлади.

* * *

1 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Вьетнам Социалистик Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Чан Дик Лионг бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

* * *

1 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

1 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар кири-

тиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Пахтакор» футбол командаси ва унинг мураббийларини қабул қилди.

* * *

11 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов америкалик таниқли иқтисодчилар — АҚШ Сенати бюджет комитети аппаратининг директори Д.Хилли ва шу комитет аппарати директорининг ўринбосари Д.Олинни қабул қилди.

* * *

12 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон шифокорларининг биринчи қурултойи қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

13 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Молия, Ижтимоий таъминот, Адлия, Савдо, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат режалаш комитети, Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети, Давлат нарх комитети, Давлат ҳисоб комитети, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон маиший хизмат кўрсатиш маркази, Ўзбекистон касаба уюшмалари республика кенгаши, Ўзбекистон давлат банки, Ўзбекистон давлат саноат-қурилиш банки, Ўзбекистон деҳқончилик саноат банки ва бошқа идоралар раҳбарлари ва мутахассислари, республиканинг етакчи иқтисодчи олимлари иштирокида кенгаш ўтказди.

* * *

13 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимияти тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССРнинг Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунига биноан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси таркибини тасдиқлади.

* * *

15 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон ўқитувчилари анжумани қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

19 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар, марказий муассасалар, концернлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди. Мажлисда Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосарларини таништириб, янги ижроия идораси ўз фаолиятини бошлаётган вазиятни таърифлади, ҳеч кечиктирмай ҳал этилишини талаб этаётган навбатдаги ва истиқболдаги вазифаларни баён қилиб берди.

* * *

21 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов республика ва бутуниттифоқ оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашди. Учрашув Ўзбекистон раҳбариятининг бозор муносабатларига ўтиш даврида тутадиган йўлига багишланди.

* * *

21 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Тошкент давлат дорилфунунининг 70 йиллик юбилейи муносабати билан дорилфунун талабалари, профессор-ўқитувчилари ва бутун жамоасига табрик йўллади.

* * *

22 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов меҳр-мурувват мақсадида Совет Иттифоқига келган Қуддус (Исроил)даги мустақил Иоанн орденининг вакили Жан Пьер Терсуни қабул қилди.

* * *

24 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Шинжонг — Уйғур мухтор райони халқ ҳукуматининг раиси Т. Давомат бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чогида ҳар икки томон дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик негизида қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга интилаётганини таъкидлади.

* * *

27 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Испания савдо-саноат доираларининг Совет Иттифоқига келган делегацияси вакиллари — «Порко» фирмасининг президенти жаноб Хорхе Сото Родригес, «Сирекакс» фирмасининг директори Рамон Лопес Лакс ҳамда делегациянинг бошқа аъзоларини қабул қилди.

* * *

28 ноябрь. Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Ислом Каримов республика комсомолининг XXIV съезди делегатлари билан учрашди ва уларнинг ҳузурида нутқ сўзлади.

* * *

7 декабрь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Компартияси XXII съездида республикадаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳамда иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишга тайёргарлик борасидаги вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

* * *

8 декабрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ССР деҳқончилик-саноат комплекси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон ССР Давлат режалаштириш қўмитасини Ўзбекистон ССР иқтисодиёт қўмитасига айлантириш тўғрисида»ги фармонларга имзо чекди.

* * *

13-14 декабрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим масалалари кўриб чиқилди.

* * *

15 декабрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов республика энергетика ва қурилиш ташкилотларининг бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

* * *

29 декабрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, концернлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоят ижроия қўмиталарининг, Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг раислари иштирокидаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда 1990 йилни якунлаш ҳамда 1991 йилнинг биринчи чорагида республика халқ хўжалиги барқарор ишлашини таъминлашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

* * *

31 декабрь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Халқ сўзи»—«Народное слово» газеталарининг нишона сони чиқиши муносабати билан уюштирилган суҳбатда иштирок этиш мақсадида Ленинград кўчаси, 32-уйга — газеталар таҳририятлари биносига ташриф буюрди. Учрашув чоғида Ислом Каримов республика журналистлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида гапирди. Шунингдек, ижодкорларнинг меҳнат шароити ҳамда маиший аҳволи билан танишди.

1991 йил

9 январь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов республика деҳқончилик-саноат мажмуасини бошқариш структурасини такомиллаштириш масалаларига бағишланган кенгаш ўтказди.

* * *

11 январь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларида яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 январь. Президент Кенгашининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Болтиқбўйи республикаларидаги мураккаб вазият ҳақида гапириб, ҳарбий куч ишлатилганини қоралади.

* * *

25 январь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов республика халқ хўжалигининг турли тармоқлари, фан ва санъат ходимларининг катта бир гуруҳига, уруш ва меҳнат фахрийларига давлат мукофотларини тантанали вазиятда топширди.

* * *

25 январь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон журналистларининг саккизинчи съездига табрик йўллади.

* * *

29 январь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Известия» газетаси мухбири М.Бергернинг саволларига жавоблари «Ҳаммасига ўзимиз эришмоғимиз зарур» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

29 январь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Алишер Навоийнинг 550 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги фармонга ва Вазирлар Маҳкамасининг «Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ўзбекистон ССР давлат мукофотлари тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

2 февраль. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида кенгаш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов 1 февраль куни бўлиб ўтган Федерация кенгаши мажлисининг якунлари ҳақида ахборот берди. Федерация кенгашида янги иттифоқ шартномасининг имзоланиши, Болтиқбўйидаги вазият билан боғлиқ ҳамда бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинган эди. Улар қаторида жорий йилнинг 1 январидан бошлаб саноатда янги улгуржи нархлар ҳамда қишлоқ хўжалигида янги харид нархларини тартибга солиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди.

* * *

2 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ТАССнинг махсус мухбирлари Ю.Воробьевский ва Т. Яҳёевни қабул қилди. Суҳбат «Иқтисодий омиллар амал қилса, «темир қўлга» ҳожат қолмайди» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

7 февраль. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигини ўтказиш масаласи муҳокама қилинди. Мажлисда вазирликлар ва идоралар, ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари қатнашди. Учрашувни Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов бошқарди.

* * *

12 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон ССР геология ва минерал ресурслар давлат комитетини ташкил этиш тўғрисида»ги, «Республика ўрмон хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонларга имзо чекди.

* * *

12 февраль. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг маошларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 февраль. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Республикада Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 февраль. Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов маъруза қилди. Президентнинг ушбу маърузаси «Мураккаб вазиятда оқилона сиёсат юритайлик» сарлавҳаси билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

15 февраль. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Банклар ва банк фаолияти

тўғрисида»ги, «Ўзбекистон ССР фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги, «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги, «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунлари ва «Транспорт воситаларини олиб қочганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Олий Кенгаш қарорини тасдиқлади.

* * *

22 февраль. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Совет Армияси ва Ҳарбий денгиз флоти куни муносабати билан Туркистон ҳарбий округи жангчиларига, Совет Армияси ветеранларига табрик йўллади.

Шу куни Президент Ислом Каримов «Туркистон ҳарбий округи хизматчилари ва фахрийларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 февраль. Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашда Ўрта Осиё темир йўлининг ўтган беш йилликдаги иш якунлари, кўпминг кишилик жамоанинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида пассажирлар ва юкларни барқарор ташишни таъминлаш муаммолари муҳокама қилинди. Кенгашда Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

27 февраль. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Қозоғистон ССР Президенти Нурсултон Назарбоевни қабул қилди.

* * *

1 март. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ССР Давлат моддий-техника таъминоти комитетини қайта ўзгартириб, уни Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат-кооператив комитети (Ўзбекистон ССР Госкоопснаби)га айлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 март. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мақоми тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 март. Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Фан ва техника соҳасида Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофоти тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 март. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Фанлар академиясида етакчи олимлар билан учрашди.

* * *

7 март. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Ди цайт» немис ҳафтаномаси саволларига жавоб қайтарди. Суҳбат «Мустақиллик ҳаракати муқаррар» сарлавҳаси билан эълон қилинди.

* * *

7 март. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Комсомольская правда» газетаси мухбирлари — А.Алимов, А.Мурсалиев саволларига жавоб берди. Суҳбат «Бизни капитализмдан сакраб ўтишга ўргатишган» сарлавҳаси билан эълон қилинди.

* * *

9 март. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тупроқшунослик ва деҳқончилик кимёси илмгоҳининг бир гуруҳ илмий ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

* * *

13 март. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Қирғизистон Республикасига ташриф буюрди. Ўзбекистон ва Қирғизистон расмий делегацияларининг музокараларидан сўнг Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов билан Қирғизистон Президенти Асқар Акаев икки республика ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида мазкур ҳужжатни икки халқ тараққиётини белгилаб берадиган дастлабки ва ғоят муҳим ҳужжат, деб таърифлади.

* * *

18 март. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари бўлмиш деҳқонларга молиявий ёрдам бериш ва улар уюшмаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 март. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов республика деҳқончилик-саноат мажмуининг ўрнак кўрсатган ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

* * *

21 март. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Наврўз байрами муносабати билан Афв этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

Инв. № 23205/1

* * *

21 март. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Наврўз байрами муносабати билан республика халқига табрик йўллади. Шу куни Президент Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат раҳбарлари пойтахтдаги Наврўз тантаналарида иштирок этди.

* * *

23 март. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов республика қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойида нутқ сўзлади.

* * *

27 март. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Тошкентда Президент Кенгашининг мажлисини ўтказди.

* * *

29 март. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Чакана нархларни ислоҳ қилиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Келин-куёвларга мебель, гилам ва поёндозларни сотишнинг имтиёзли тартиби тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Чакана нархлар ислоҳоти муносабати билан талабалар ва ўқувчи ёшлар учун имтиёзли умумий овқатланишни жорий этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон ССРда аҳолига энг зарур молларни белгиланган миқдорда сотишни назорат қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 апрель. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Республика вазирликлари ва идоралари, корхоналари ва муассасаларининг иш тартибини ўзгартириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 апрель. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов анъанавий миллий байрам — Рўза ҳайити муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг кўпдан-кўп талаб ва истакларини инобатга олиб, 16 апрелда уларнинг хоҳишига кўра ишга чиқмасликка ва маъмурият билан келишилган ҳолда бу кунни кейинчалик ишлаб бериши тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

* * *

12 апрель. Тошкентда Ўзбекистон ССР Конституция комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни Конституция комиссиясининг раиси, Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов бошқарди.

* * *

12 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон ССР ҳудудида маҳсулот сотишдан олинадиган солиққа оид қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Айрим халқ истеъмоли товарларининг чакана нархларини пасайтириш ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 апрель. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Аргументы и факты» газетаси мухбири Д.Макаров билан суҳбатлашди. Мулоқот «Тўла иқтисодий эркинлик шароитида қатъий тартиб» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

15 апрель. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ССР деҳқончилик-саноат комплексини моддий-техникавий таъминлаш ва техникани ремонт қилиш давлат-кооператив комитетини тузиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 апрель. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Нарх-навонинг ислоҳ қилиниши муносабати билан умумтаълим мактабларининг ўқувчиларига умумий овқатланиш бўйича имтиёзлар берилиши тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 апрель. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов физика фани бўйича XXV бутуниттифоқ ўқувчилар олимпиадаси иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

19 апрель. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси 19—21 апрель кунлари Туркманистонда бўлди. Ташриф давомида Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, икки республиканинг ҳукуматлари ўртасида 1992—1995 йилларга мўлжалланган иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳақидаги битим имзоланди.

* * *

5 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитетини Ўзбекистон ССР Меҳнат вазирлигига айлантириш, Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлиги негизида енгил саноат моллари ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон давлат уюшмаси (Ўзбекистон енгил саноати уюшмаси) ташкил этиш тўғрисидаги фармонлари эълон қилинди.

* * *

7 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрига қарашли Жигаристон қўрғонидаги табиий офатдан ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва қариндошларига, азият чеккан аҳолига чуқур таъзия билдирди.

* * *

7 май. Ислом Каримов Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрига қарашли Жигаристон қўргонидаги табиий офат (ер силжиши) оқибатларини тугатиш бўйича республика ҳукумат комиссиясини тузиш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг фармойишини имзолади.

* * *

10 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Республика мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш кооператив бирлашмаси (Ўзбекистон кооператив-тайёрлов савдоси)ни тузиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 май. Ўзбекистон ССР Президенти, Конституция комиссияси раҳбари Ислом Каримов раислигида республика Асосий қонунининг янги лойиҳасини тайёрловчи комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда комиссиянинг ишчи гуруҳи тузилди ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши навбатдан ташқари IV сессиясининг республика давлат герби ва байрогини яратиш тўғрисидаги топшириқларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

* * *

12 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Республика иқтисодиёт комитети ҳамда Молия вазирлиги раҳбарияти ва ходимлари билан учрашди. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида республиканинг иқтисодий идоралари олдида турган аниқ ва долзарб вазифаларга тўхталиб ўтди.

* * *

13 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Тошкент Молия институтини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви арафасида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан матбуот конференцияси ўтказди.

* * *

21 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Совет Иттифоқига вакил қилиб юборилган хорижий журналистлар билан суҳбатлашди.

* * *

21 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Аҳолига ёрдам кўрсатиш ва табиий офат оқибатларини тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Аҳолига имтиёзли нархларда хонатлас сотиш нормаси ва тартиби тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

* * *

29 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Шарқ юлдузи» журнали ходимларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 май. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Республика қишлоқ аҳолисини овқат учун дон (буғдой) билан таъминлашга доир қўшимча чоралар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 июнь. Вазирлар Маҳкамаси Раиси Ислом Каримов Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг таклифига биноан диндорларнинг катта гуруҳини зиёратчилар сифатида 1991 йилнинг 12 июнидан 30 июнигача Саудия Арабистонига ҳаж сафарига юбориш тўғрисидаги фармойишни имзолади.

* * *

6 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Халқлар дўстлиги» орденли Тошкент халқ хўжалиги илмгоҳини Тошкент Давлат иқтисодиёт дорилфунунига айлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Франция Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Бертран Дюфуркни қабул қилди.

* * *

11 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессиясида нутқ сўзлади.

* * *

14 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунини тасдиқлади.

* * *

14 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон ССРнинг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда Ўзбекистон ССРнинг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг мандат комиссияси ва комитетлари тўғрисида»ги, «ОИТС (СПИД) билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунларини тасдиқлади.

* * *

18 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов биринчи «Тошкент ишбилармонлар учрашуви»да маъруза қилди.

* * *

19 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Швейцария савдо-саноат доираларининг намояндалари — «Штахель Хардмеер групп» корпорацияси директорлари кенгаши раиси Оливер Штахелни, Нью-Йорк «Континентал грейн ко» компанияси (АҚШ) президенти Дональд Стахелини, «Континентал грейн ко» компаниясининг вице-президенти ва компания эгасининг ўғли Пауль Фрибургни ҳамда бошқа корхона эгаларини қабул қилди.

* * *

20 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов биринчи «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» қатнашчилари билан учрашди.

* * *

20 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов фармонига асосан диний байрам — Қурбон ҳайитининг биринчи куни дам олиш куни деб эълон қилинди.

* * *

22 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Б.Н.Ельциннинг РСФСР Президенти лавозимига сайлангани муносабати билан унга табрик телеграммаси йўллади.

* * *

26 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарасимха Рао жанобларининг Бош вазир лавозимини эгаллаши ҳамда 70 ёшга тўлиши муносабати билан табрик йўллади.

* * *

26 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида шу йил 18-22 июнда ўтказилган биринчи «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» якунлари чиқарилди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов бошқарди.

* * *

26 июнь. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Президент Кенгашининг мажлисига раҳбарлик қилди. Унда «Ўзбекистон ССР нинг давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши масалалари кўриб чиқилди.

* * *

2 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини республикадан четга чиқариш тартиби тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 июль. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримовнинг «Рабочая трибуна» газетаси саволларига жавоби «Демократия — қонунга ва шахсга ҳурмат демакдир» сарлавҳаси остида чоп этилди.

* * *

5 июль. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов республика маданият ва халқ маорифи ходимларининг катта гуруҳига давлат мукофотларини тантанали вазиятда топширди.

* * *

16 июль. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонга келган СССР адлия вазири С.Г. Лушчиковни қабул қилди.

* * *

31 июль. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон ССР Президенти

Ислом Каримов бошқарди. Мажлис қатнашчилари республика халқ хўжалигининг 1991 йил биринчи ярим йиллик иш якунларини, Ўзбекистон ССРнинг иккинчи ярим йилликдаги бюджетини ва бошқа баъзи масалаларни кўриб чиқди.

* * *

31 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республика ўқувчи ёшларига ва мутахассисларига чет тилларни кенг кўламда ўқитиш системасини такомиллаштириш ва унинг моддий-техника базасини ривожлантиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

1 август. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримовнинг фармонига асосан «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони таъсис этилди.

* * *

8 август. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Таэквондо халқаро федерацияси бош котиби жаноб Ли Ки Йонг бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

* * *

9 август. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов республика қурилиш ташкилотлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

* * *

14 август. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ҳиндистоннинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Ҳиндистон Республикасининг Президенти Рамасвами Венкатарман жанобларига табрик йўллади.

* * *

14 август. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримовнинг «Литературная газета» мухбири Владимир Соколов саволларига жавоби «Одамлар бир-бирларини ўлдирмасинлар» сарлавҳаси остида чоп этилди.

* * *

14 август. Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон Президентлари — Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Туркманистон Республикаси, Тожикистон Республикаси раҳбарларининг Тошкент учрашуви якунлари юзасидан қабул қилган ахборотида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий кескинликни пасайтириш ва одамларнинг турмуш даражасини оширишга доир биргаликдаги фаолиятининг стратегик йўналишлари белгиланди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов бошқарди.

* * *

16 август. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «Таймс оф Индиа» газетаси мухбири саволларига жавоб берди. Матбуотда ушбу мулоқот «Ҳиндистонга меҳр билан» сарлавҳаси билан чоп этилди.

* * *

17 август. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон расмий делегацияси Ҳиндистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан Деҳлига жўнаб кетди. Президент Ислом Каримов сафар давомида Ҳиндистон Президенти ва вице-президенти ҳамда Бош вазири билан учрашди. Шунингдек, халқ палатасининг спикери, ташқи ишлар вазири ва Ҳиндистоннинг бошқа сиёсий раҳбарлари билан ҳам музокаралар ўтказди. Музокаралар сўнгида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

* * *

19 август. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Ҳиндистон Республикасига расмий дўстона ташрифини тугаллаб, Тошкентга қайтиб келди.

* * *

20 август. Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати билан Вазирлар Маҳкамасининг қўшма мажлисида Президент Ислом Каримов Фавқулодда ҳолат давлат комитети қарорларига Ўзбекистон раҳбариятининг салбий муносабатини очиқ-ойдин баён этди.

* * *

21 август. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримовнинг СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг қарорлари муносабати билан республикада истиқомат қилувчи ҳамма фуқароларни, катта-кичик барча ҳамюртларимизни шу мураккаб вазиятда ақлидрок билан иш тутишга, тинчлик-осойишталикни сақлашга, сабр-тоқатли бўлишга даъват этувчи мурожаати матбуотда эълон қилинди.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ҳудудида Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг Ўзбекистон ССР Конституцияси ва қонунларига зид келадиган фармон ва қарорлари ҳақиқий эмаслиги баён этилган фармони эълон қилинди.

* * *

25 август. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов мамлакатда вужудга келган аҳволни эътиборга олиб ва республика ман-

фаатларини ҳимоя қилиш мақсадида республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олиниши, шунингдек, мудофаа ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Компартияси МК ва Назорат комиссиясининг қўшма пленумида СССРда 19-21 август кунлари содир бўлган фожиали воқеаларга, КПСС раҳбариятининг номаъқул позициясига сиёсий баҳо берди ва республика партия ташкилотларининг кейинги вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

* * *

29 август. Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов «КПССнинг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги мулки тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Колхозчилар ва совхозлар ходимларини 1991 йил пахта ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йигиб-териб олишдан моддий манфаатдорлигини таъминлаш бўйича чоратадбирлар ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида маъруза қилди. Ушбу сессияда мамлакатимиз ҳаётида буюк тарихий воқеа содир бўлди. Юртбошимиз бутун дунёга Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилди. 1 сентябрь — Мустақиллик куни умумхалқ байрами этиб белгиланди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатлашди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги тўғрисидаги қонунларни қабул қилган олтинчи сессияси якунланиши биланоқ ўтказилган бу учрашувда оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, газета ва журналлар, радио ва телевидение ходимлари, собиқ иттифоқ нашрларининг Ўзбекистондаги мухбирлари, «Вашингтон пост» газетасининг мухбири Жим Руперт қатнашди.

1991 йилнинг 31 августи Ўзбекистон халқи тарихига шонли саҳифа бўлиб киради. Бундан буён республикамиз сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан батамом мустақилдир. Эндиликда у қардош республикалар билан ҳам, чет эл давлатлари билан ҳам тенг ҳуқуқли давлат сифатида алоқалар боғлайди, деб таъкидлади Президент журналистлар билан учрашувда.

* * *

31 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

5 сентябрь. Президент Ислом Каримовнинг фармонига асосан Тошкент шаҳридаги В.И. Ленин номидаги майдон Мустақиллик майдони, деб қайта номланди.

* * *

6 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги тузилди.

* * *

7 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармонига асосан Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди.

* * *

8 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов араб дунёсининг энг нуфузли рўзномаси — «Аш-шарқ ал-авсат» газетаси бош муҳаррири Осман Ал-Омейрани унинг илтимосига кўра қабул қилди ва саволларига жавоб қайтарди.

* * *

11 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Японияда чиқадиган «Аэра» ҳафтаномасининг махсус мухбири, ёзувчи Урумни қабул қилди.

* * *

14 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Коммунистик партиясининг фавқулодда XXIII қурултойида маъруза қилди.

* * *

16 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Фигаро» (Франция) газетаси мухбири Владимир Иванов, «Ассошиэйтед пресс» жаҳон ахборот агентлигининг мухбири Алан Куперман, «Файнэншл таймс» (Англия) газетаси мухбири Арьян Жиженлард ва «Индепендент» (Англия) газетаси

мухбири Патрик Кокурнни уларнинг илтимосига биноан қабул қилди. Қабул чогида Ислом Каримов эълон қилинган мустақилликнинг тарихий аҳамияти, уни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қувватлаш соҳасида амалга оширилаётган муайян ишлар ҳақида гапирди.

* * *

16 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франция Республикаси мудофаа вазири Пьер Жоксни қабул қилди.

* * *

18 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги минтақа учрашувида иштирок этаётган Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон касаба уюшмалари марказлари делегацияларининг раҳбарларини қабул қилди.

* * *

18 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатлашди. Унда асосан чет эл мухбирлари, шу жумладан, Америкaнинг «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда айтилган фикрларни «Известия» рўзномаси бузиб кўрсатгани тўғрисида сўз борди.

* * *

19 сентябрь. Вазирлар Маҳкамаси Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Адабиёт институтига Алишер Навоий номини бериш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франция савдо-саноат доиралари делегациясини қабул қилди. Делегация таркибида СФТД фирмасининг президенти Мишель Фишет, Сорасо фирмасининг тижорат директори Филип Буржуа, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти халқаро катта маслаҳатчиси Иван Петрофф, «Трансфертехнолоджи» фирмасининг президенти Марк Комбель бор эди.

* * *

21 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги ҳинд савдо кўргазмасида иштирок этаётган Ҳиндистон Республикаси ҳукумат делегациясини қабул қилди.

* * *

23 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг элчиси жаноб Майкл Эмерсонни қабул қилди.

* * *

24 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республикамиз бўйлаб сафар қилаётган Покистон Ислом Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Ашраф Жаҳонгир Қозини қабул қилди.

* * *

24 сентябрь. Тошкентда ўзбеклар (туркистонликлар)нинг биринчи халқаро учрашуви бўлди. Учрашувда ҳозирда чет эл мамлакатларида, жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Афғонистон, Саудия Арабистони, Сурия, Иордания, Туркия, Австралияда яшаётган ўзбек ватандошларимиз, қардош қўшни республикалардан келган меҳмонлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов учрашув қатнашчиларини самимий табриклаб нутқ сўзлади.

* * *

25 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Жумҳурияти савдо-саноат доираларининг вакилларини қабул қилди. Суҳбатда «Утим» экспорт-импорт фирмасининг вице-президенти Невзат Ёлчинтош, «Тарсан» фирмасининг эгаси Мехмет Эмин Шака, «Шохин Холдинч» фирмасининг вакили Сами Евружук қатнашди.

* * *

26 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати фаолияти тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Пахта хом ашёси ва пахта толаси харид ҳамда улгуржи нархларини ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйи муносабати билан Тошкентда янги барпо этилган богдаги Навоий ҳайкалининг очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Сўнгра Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйди, миллий боғда чинор дарахти ўтқазди.

* * *

29 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Малайзия федерацияси мудофаа вазири Муҳаммад Нажиб Абдулла Раззоқни қабул қилди.

* * *

29 сентябрь. Вазирлар Маҳкамаси Раиси Ислом Каримов «Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини бюджетга фойдадан олинадиган солиқ ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан 11 фоизли ажратма тўлашдан холи этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда, жумладан, ҳокимият тармоқларининг бўлиниши ва уларнинг ҳамжиҳат иш олиб боришини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.

Президент Ислом Каримов сессиядаги нутқида халқимизнинг асрий орзуси бўлган мустақилликни мустаҳкамлаш учун барча ҳокимият тармоқлари биргаликда ҳаракат қилиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Муҳокама чоғида ҳокимиятга интилувчи айрим депутатлар ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанатни бузишга, қонун чиқарувчи органга унга хос бўлмаган ваколатларни ҳам олиб беришга уринди. Ўнгида ҳам, тушида ҳам ҳокимиятга талпинадиган бу ашаддий амалпарастлар ўз мақсадларига эришиш учун Олий Кенгаш билан Президент ўртасига нифоқ солишга ҳам ҳаракат қилди. Лекин депутатларнинг аксарият кўпчилиги бундай қалтис вазиятда Президент атрофида жипслашди ва хомтама бўлиб юрган бу кимсаларга муносиб зарба берди.

* * *

30 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига конституциявий мақом бериш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

30 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

1 октябрь. Олмаота шаҳрида Мустақил давлатларнинг иқтисодий ҳамжамияти тўғрисидаги ахборотни 12 республика имзолади. Шу республикаларнинг саккизтаси шартномани 15 октябргача тасдиқлашга тайёр. Тўрт республика — Озарбойжон, Арманистон, Грузия ва Молдова шартномага кейинроқ, қўшимча келишувлардан сўнг қўшилади.

Республикаларнинг раҳбарлари журналистлар билан учрашув чоғида уларнинг саволларига жавоб қайтариб, ҳақиқий ишонч муҳитини ва муросага келиш истагини таъкидладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Мафкуравий тазйиқларсиз, сиёсатдан холи, янгича ишлаймиз» шиори ана шундай муҳитни вужудга келтиришда асосий омил бўлди.

* * *

3 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Президент республикалар раҳбарларининг Олмаотадаги учрашуви натижалари ҳақида батафсил ахборот берди.

* * *

4 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси комплексларининг ишларини мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан пахта толаси ва пиллани сотиш масалалари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Санкт-Петербург мэри А.А.Собчакни қабул қилди. Музокаралар чоғида савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги қатор масалалар муҳокама қилинди.

* * *

9 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентда республиканинг таниқли ёзувчилари ва шоирлари, адабиётшунос олимлари билан учрашди.

* * *

14 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Кемерово вилояти советининг раиси, РСФСР халқ депутати А. Тулеевни қабул қилди.

* * *

16 октябрь. Президент Ислом Каримовнинг «Деловой мир» газетаси мухбири саволларига жавоби «Биз конфедерация тарафдори» сарлавҳаси билан чоп этилди.

* * *

16 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олтин қазиб чиқарувчилар билан учрашди. Президент Учқудуқ шаҳрига борди, шимолий маъдан бошқармаси корхоналарида бўлди. У корхона ишчилари ҳамда мутахассислар билан суҳбатлашди. Суҳбат Мурунтов кони ва иккинчи кон металлургия заводида ҳам давом этди. Президент Зарафшон ва Учқудуқ шаҳри депутатлари ҳамда меҳнат жамоалари билан учрашди.

* * *

16 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Давлат божи тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Озарбойжон Республикаси Президенти А.Н. Муталибов бошчилигидаги ҳукумат делегациясини қабул қилди.

* * *

22 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси бўлди.

* * *

22 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ижодкорлари жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 октябрь. Президент Ислом Каримов Тошкентда ёш иқтисодчи олимлар билан учрашди. Унда вазирликлар, идоралар, академия институтлари ҳамда олий ўқув юртларининг раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, асосий диққат-эътиборини долзарб вазифа — республиканинг бошқа мустақил мамлакатлар билан ўзаро манфаатли муносабатларини ўрнатиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашуви масалаларига қаратди. Юртбошимиз бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини батафсил баён қилди.

* * *

25 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Божхона комитетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 октябрь. Президент Ислом Каримов амалий ташриф билан Андижон вилоятида бўлди. Юртбошимизнинг вилоятдаги қатор туман ва хўжаликларда ўтказган учрашувларида аҳолининг зич жойлашуви билан боғлиқ муаммолар ва одамларни озиқ-овқат, ёқилғи, электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга тааллуқли масалалар муҳокама қилинди.

* * *

26 октябрь. Москва шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияси билан РСФСР Президенти Борис Ельцин бошчилигидаги Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг расмий делегацияси ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

* * *

27 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Таиланд қироллигининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Касит Пиромни қабул қилди. Суҳбат чоғида ҳар икки томоннинг ўзаро манфаатли асосда бевосита савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётгани таъкидланди.

* * *

27-28 октябрь. Украина Олий Кенгашининг Раиси Леонид Кравчук бошчилигидаги ҳукумат делегацияси амалий ташриф билан Тошкентга келди. Юксак мартабали меҳмонни Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримов кутиб олди. Икки мамлакат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган музокаралардан сўнг Ўзбекистон ва Украина давлатлараро муносабатларининг асослари тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Президент Ислом Каримов мазкур ҳужжатни икки республика ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришдаги тарихий қадам, деб баҳолади.

* * *

30 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Кипр Республикаси Президенти Георгиос Василиу бошчилигидаги ҳукумат делегациясини қабул қилди.

* * *

1 ноябрь. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Уни қурултойни чақириш ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов очди ва нутқ сўзлади.

* * *

2 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Австралиянинг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Каван Оливер Фентог Хоугни қабул қилди. Суҳбатда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, унинг чет мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни ривожлантириш имкониятлари ҳақида гап борди.

* * *

5 ноябрь. Беларусь Республикаси Олий Кенгаши раиси С.С.Шушкевич бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Беларусь Республикаси Олий Кенгаши раиси С.С.Шушкевич Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

* * *

6 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мирзачўлда қўриқ ерларни ўзлаштириш бошланганининг 35 йиллиги муносабати билан мелиораторларга, қурувчиларга, қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларига табрик йўллади.

* * *

9 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республика балиқ саноати ходимларидан ҳамда маҳалла комитетлари фаолларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

* * *

11 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Италия, Нидерландия ва Швеция давлатларининг фавқулодда ва мухтор элчилари Фердинандо Салео, Йори Михаэл Вос ҳамда Эрянь Бернерни қабул қилди.

* * *

12 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон халқ депутатларининг бир гуруҳи билан учрашди.

* * *

13 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фарғона вилоятида бўлиб, меҳнаткашлар билан учрашди.

* * *

15 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг Колорадо штати губернатори Рой Ромер билан Делавэр штатининг губернатори Майкл Касл бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

* * *

16 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Республиканинг давлат таъминотидаги аҳолиси турмуш даражасига мадад бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

18 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

18 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

19 ноябрь. Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

19 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ижара тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

25 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида хорижий валютани эркин сотиб олиш ва сотишни ташкил этиш ҳамда эркин алмаштириладиган валютага савдо қилишни кенгайтириш чоралари ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Покистон иқтисодий масалалар давлат вазири Сардор Асеф Аҳмад Али бошчилигидаги Покистон савдо-иқтисодий делегациясини қабул қилди.

* * *

29 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республика фан, адабиёт ва санъат ходимларининг бир гуруҳига Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

* * *

3 декабрь. Президент Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди. У Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида Қорақалпоғистон-

нинг экологик жиҳатдан оғир минтақаларида бўлиб, сайловчилар билан учрашди, меҳнат жамоаларида суҳбатлар олиб борди.

* * *

4 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентга келган Корея Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гон Ро Мянни қабул қилди.

* * *

4 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг раёсати аъзолари ва таниқли олимлар билан учрашди.

* * *

5 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцария ва Англия савдо-саноат доиралари делегациясини қабул қилди. Суҳбатда «Лорно» корпорациясининг президенти Ж.Платтс-Миллс, «ЮБС» банкининг вице-президенти Фон Шварценберг ва бошқа меҳмонлар иштирок этди.

* * *

5 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Сурхондарё вилоятида бўлиб, вилоятнинг қатор хўжаликларидаги деҳқончилик ишлари билан танишди, меҳнаткашлар билан суҳбатлашди, сайловчилар билан учрашди.

* * *

6 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўрта Осиё темир йўлининг Оролбўйи бўлимини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Наманган вилоятига сафарини яқинда қурилган Имом Аъзам масжидида мусулмон дини вакиллари билан учрашувдан бошлади. Президент вилоят хўжаликларида, корхона ва муассасаларида бўлиб, меҳнат жамоалари ва сайловчилар билан учрашди.

* * *

10 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг «Континенталь Грейн» Америка корпорацияси президенти Дональд Стахели бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

* * *

12 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари раҳбарлари учрашувида иштирок этиш учун Ашхобод шаҳрига жўнаб кетди. Учрашувда Тежен — Серахс темир йўлини қуриш борасида иқтисодий ҳамкорлик қилиш тўғрисида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон республикалари ўртасида битим имзоланди.

Шунингдек, Россия, Украина ва Беларусь раҳбарларининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги баёноти муносабати билан юзага келган сиёсий вазиятни ойдинлаштириб олиш масаласи Ашхобод учрашуви иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Шу куни давлат бошлиқларининг журналистлар билан мулоқоти ҳам бўлиб ўтди.

* * *

15 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг 1991 йилда табиий офатлардан зарар кўрган пахтакор хўжаликларининг иқтисодиётини мустаҳкамлашга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Туркия Республикасининг Президенти Турғут Ўзолнинг таклифига биноан Туркия давлатига жўнаб кетди.

* * *

17 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикасининг Президенти Турғут Ўзол билан унинг қароргоҳида учрашди. Суҳбатда Туркия — Ўзбекистон муносабатларининг ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

* * *

18 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг «Халқ сўзи» газетаси саволларига жавоби ушбу газетада «Бизнинг ўз йўлимиз бор» сарлавҳаси остида чоп этилди.

* * *

20 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузишга бағишлаб ўтказилаётган учрашувда қатнашиш учун Қозогистон пойтахти Олмаота шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

21 декабрь. Ўн бир республика давлат раҳбарлари иштирокида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тўғрисидаги Олмаота декларацияси тузилди.

* * *

22 декабрь. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом

Каримов Фарғона вилоятида бўлиб, сайловчилар билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

22 декабрь. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримов Андижон вилояти сайловчилари билан учрашиб, уларни қизиқтираётган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

* * *

23 декабрь. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримов Қашқадарё воҳасига ташриф буюрди. У даставвал Қарши районида ишчи-хизматчилар, ўқитувчилар ва ўқувчи ёшлар билан учрашди. Сўнгра Қарши шаҳридаги ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини бориб кўрди. Куннинг иккинчи ярмида вилоят сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

23 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Самарқанд вилоятида бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолиятини кўздан кечирди, вилоят меҳнаткашлари билан суҳбатлашди, сайловчилар билан учрашди.

* * *

24 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Бухоро вилоятига сафарини Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилишдан бошлади. Сўнг бухоролик сайловчилар вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

25 декабрь. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримов Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашиб нутқ сўзлади.

* * *

25 декабрь. Президент Ислом Каримов «Пахта иши» билан судланиб, республика ҳудудидаги ахлоқ-тузатиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни афв этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 декабрь. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримов Тошкентда республика пойтахти сайловчилари вакиллари, меҳнат жамоалари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан учрашди. Йиғилишда Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

29 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Эркин нарх белгилаш муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

30 декабрь. Марказий сайлов комиссиясининг Қудрат Аҳмедов раислигида бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари чиқарилди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси сайлови тўғрисидаги қонуннинг 35-моддасига асосан қарор қилди:

Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

* * *

30 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг кенгашида иштирок этиш учун Беларусь Республикасига жўнаб кетди.

1992 йил

2 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси иш бошлади.

Марказий сайлов комиссияси раиси Қ.А. Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва республика давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдум якунлари ҳақида ахборот берди.

Сўнгра Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришишининг тантанали маросими бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов қасамёд қилди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

4 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

7 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Яйлов чорвачилиги (қоракўлчилик, қўйчилик, уюр йилқичилиги ва туячилиги) ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетини Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси органлари тўғрисида»ги фармонларга имзо чекди.

* * *

10 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўрта Осиё ва Қозоғистон биржалари уюшмаси мажлиси қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

10 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан молия институтининг 60 йиллигига бағишланган йиғилишда иштирок этиб, нутқ сўзлади.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ўзбекистон Республикасининг давлат назорати комитетини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 январь. Президент Ислом Каримов «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

14 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эрул Ярар бошчилигидаги турк ишбилармонлари гуруҳини қабул қилди.

* * *

15 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов юртимизга ташриф буюрган АҚШ «Ньюмонт майнинг корпорейшн» корпорациясининг президенти Гордон Паркер бошчилигидаги шу корпорация вакилларини қабул қилди.

* * *

17 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўрта Осиё темир йўлининг Қарши бўлимини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Талабалар шаҳарчасида юз берган воқеалар юзасидан журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

* * *

23 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг 9-сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

* * *

23 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миср Араб Жумҳурияти Бош вазирининг ўринбосари, режалаш-

тириш вазири Камол Аҳмад ал-Ганзури бошчилигидаги ҳукумат делегациясини қабул қилди.

* * *

25 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент шаҳар маҳалла комитетлари раислари ва оқсоқоллари билан учрашди.

* * *

27 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Бош вазирининг махсус вакили Р.Н.Мирдха бошчилигидаги ҳукумат делегациясини қабул қилди.

* * *

28 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Навоийда Бухоро ва Самарқанд вилоятлари кенгашларининг қўшма ташкилий сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади. Сессия ишида янги — Навоий вилояти ташкил этилди ва унга ҳоким тайинланди.

* * *

28 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

* * *

28 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

* * *

28 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон иқтисодий анжуманида нутқ сўзлади.

* * *

5 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон телеграф агентлиги (ЎзТАГ)ни Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА)га айлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибига, илмий ходимлари ва таълим-ёрдамчи ходимларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси дон маҳсулотлари («Ўздонмаҳсулот») давлат концернини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

* * *

8 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг вакиллари билан учрашди. Ёшлар ҳаёти, уларни ўйлантираётган муаммолар хусусида самимий, ошкора ва қизиқарли суҳбат бўлиб ўтди.

* * *

10 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети (Давлат мулки комитети)ни ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида молия органларини бошқариш ташкилий тузилмасини ва нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт истиқболини белгилаш комитетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер бошчилигидаги давлат делегациясини қабул қилди. Шу куни журналистлар билан матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

* * *

18 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети (Ўзбе-

кистон Республикаси ФТДК)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонга ташриф буюрган Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Сауд ал-Файсал ал-Саудни қабул қилди.

* * *

21 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Италиядаги «Италгрsuperи» фирмасининг президенти Франческо Амброзио бошчилигидаги шу фирма делегациясини қабул қилди.

* * *

22 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари саккизинчи сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

* * *

24 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

* * *

25 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши якунловчи ҳужжатини имзолаш маросимида иштирок этиш учун Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

25 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентда ўтаётган Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонларининг қурултойи иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

26 февраль. Президент Ислом Каримов Финляндия Президенти Мауно Койвисто билан учрашди. Шу куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи ҳужжатига имзо чекилди. Бу ҳужжатнинг матни 1975 йилдан буён Финляндия ҳукуматида сақланмоқда. Мазкур тарихий ҳужжатни Ўзбекистон, Украина, Беларусь, Молдова ва Тожикистоннинг олий давлат раҳбарлари имзоладилар. Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашувда маъруза қилди.

* * *

28 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон шартномалар ва савдо давлат акционерлик уюшмасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Республиканинг янги олий ўқув юртларини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди. Фармонга биноан Андижон давлат педагогика институти негизида Андижон давлат дорилфунуни, Бухоро давлат педагогика институти негизида Бухоро давлат дорилфунуни, Қарши педагогика институти негизида Қарши давлат дорилфунуни ва бошқа кўплаб олий ўқув юртларини ташкил этиш кўзда тутилган.

* * *

28 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланган Тошкент учрашувида қатнашаётган Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари соғлиқни сақлаш вазирларини қабул қилди.

* * *

29 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республикамизга ташриф буюрган Саудия Арабистони «Хенел Индастриз ЛТД» консорциумининг ижрочи директори шайх Холид Аҳмад Ризони қабул қилди.

* * *

3 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбойжон Республикалари Фанлар академияларининг президентлари билан учрашди.

* * *

4 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин бошчилигидаги Туркия ҳукумат делегацияси аъзоларини қабул қилди.

* * *

5 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленумида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

* * *

6 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Жун ва қоракўлнинг харид нархлари ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 март. Президент Ислом Каримов 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати би-

лан Ўзбекистон хотин-қизларига табрик йўллади.

* * *

13 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Пекин шаҳрида Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош Вазири Ли Пэн билан учрашди.

* * *

17 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ давлат котибининг Ўзбекистонга ташриф буюрган махсус вакили Н.Салго, АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили Майкл Мозер ҳамда АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси котибаси Дария Фейнни қабул қилди.

* * *

18 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Наманган вилоятининг Мингбулоқ конидан отилиб чиқаётган нефтнинг тарқалишига йўл қўймаслик, мазкур минтақадаги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон фуқароларига Наврўз байрами муносабати билан табрик йўллади.

* * *

23 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Сурия Араб Жумҳурияти ташқи ишлар вазири Фаруқ ал-Шараа бошчилигидаги ҳукумат делегациясини қабул қилди.

* * *

24 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чегара қўшинларининг бўлинмалари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқа миллий уюшмасини тузиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Пахта, пилла, чорвачилик маҳсулотларининг харид нархларини ва пахта толасининг улгуржи нархларини ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 март. Президент Ислом Каримов «Пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 март. Республика раҳбариятининг фермерлар, ижарачилар, кичик корхоналар ходимлари ва томорқачилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Президент Ислом Каримов мазкур учрашувда маъруза қилди.

* * *

27 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республика деҳқончилик-саноат мажмуи ходимларининг қурултойида маъруза қилди.

* * *

30 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Истеъмол товарларини купонлар бўйича сотиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 апрель. Президент Ислом Каримовнинг ёш иқтисодчилар билан учрашуви республикамизнинг келажаги бўлган ёшларни бугунги янгиланиш, ривожланиш ишларига фаол жалб қилишдек долзарб масалага бағишланди.

* * *

2 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

2 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича комитет фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 апрель. Президент Ислом Каримов «Жаҳон миллатлар ҳамжамиятига аъзо бўлганлик муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 апрель. Президент Ислом Каримов «Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг Ўзбекистон Республика уюшмаси (Ўзмаишийхизматуюшма)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Кредит маблағлар ажратиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Саудия Арабистонига ташриф буюрди.

* * *

14 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари ва қуруқ меванинг харид нархларини ўзгартириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 апрель. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг биоорганик кимё, ўсимлик моддалари кимёси илмгоҳлари ҳамда «Қуёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг физика-техника институтини бориб кўрди. Учрашувда бир қанча вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, республика илмий жамоатчилигининг намояндалари қатнашди.

* * *

18 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари давлат бошлиқларининг учрашувида иштирок этиш мақсадида Бишкек шаҳрига жўнаб кетди.

Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркманистон президентлари минтақа ва унинг теварагидаги вазиятни ҳамда иқтисодий ҳамкорлик муаммоларини муҳокама қилиб, кўрилган масалалар юзасидан қўшма баёнот имзоладилар.

* * *

24 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Саудия Арабистонидаги «Даллоҳ ал-барака» тижорат банкининг президенти шайх Солиҳ Абдуллоҳ Камолни қабул қилди.

* * *

25 апрель. Туркия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вўлқон Чўтур Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

* * *

27 апрель. Туркия Республикаси Бош вазири Сулаймон Демирэл бошчилигидаги Туркия ҳукумати делегацияси Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюрди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси Бош вазири Сулаймон Демирэлни қабул қилди.

* * *

28 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси Бош вазири Сулаймон Демирэл билан бирга Тошкентда Туркия Республикаси элчихонасининг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

* * *

28 апрель. Президент Ислом Каримов «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида республика оммавий ахборот воситаларини давлат йўли билан муҳофаза қилишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 апрель. Президент Ислом Каримов ёмғир ва жаладан зарар кўрган Қарши, Нишон, Ульянов, Косон туманлари хўжаликларида бўлиб, табиий офат оқибатларини бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ва баҳорги ишларнинг бориши билан танишди.

* * *

29-30 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бухоро вилоятининг табиий офатдан жиддий зарар кўрган Жондор, Вобкент, Бухоро, Шофиркон, Ромитан, Пешку туманлари деҳқонлари ҳамда фермерлари билан учрашди ва эртаси куни вилоят фаоллари ҳузурида нутқ сўзлади.

* * *

2 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жиззах вилояти меҳнаткашлари ҳузурида бўлди. Республика Президенти Пахтакор, Зарбдор туманлари хўжаликларининг деҳқонлари билан учрашди.

* * *

3 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концерни — «Ўзбекнефтьгаз»ни ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Савдо вазирлигини Ўзбекистон давлат акционерлик «Савдо» («Ўзбексавдо») уюшмасига айлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқанд вилоятида бўлиб, табиий офат рўй берган Оқдарё, Челак, Жомбой туманлари хўжаликлари далаларида деҳқонлар билан суҳбатлашди. Самарқанд шаҳрида вилоят фаоллари йиғилишида маъруза қилди.

* * *

8 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 47 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси уруш ва меҳнат фахрийларига, барча фуқароларга табрик йўллади.

* * *

8 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикаси маориф вазири Ҳусайн Камол Баҳовиддин бошчилигидаги шу мамлакат делегациясини ҳамда Финляндиянинг Москвадаги элчиси жаноб Эркки Тииликайнен бошчилигидаги шу мамлакат делегациясини қабул қилди.

* * *

9 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 47 йиллиги муносабати билан Мустақиллик майдонидаги Номаълум аскар қабрига гулчамбарлар қўйиш маросимида қатнашди.

* * *

11 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Янги Зеландия Бош вазирининг махсус элчиси жаноб Х.Темплтонни ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хеньгуанни қабул қилди.

* * *

11 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилда мамлакат халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга бағишланган йигилишида нутқ сўзлади.

* * *

13 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эндерс Уимбуш бошчилигидаги «Озодлик» радиоси ва «Америка овози» раҳбариятининг вакилларини қабул қилди.

* * *

15 май. Тошкентда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари раҳбарларининг кенгаши очилди. Кенгашда 13 та муҳим муаммо юзасидан битимга эришилди. Ҳукумат бошлиқлари кенгашида 18 та масала муҳокама қилинди, молия, ҳаво бўшлиги, космик тадқиқотлар, қуролли кучлар тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

* * *

16 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов юртимизга расмий ташриф буюрган Россия Федерациясининг Президенти Борис Ельциннинг Самарқанд шаҳрига қилган сафарида ҳамроҳлик қилди.

* * *

18 май. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Жанубий Кореянинг «Самсунг» фирмаси маҳсулотлари билан танишди.

* * *

19 май. Президент Ислом Каримов Андижон вилоятининг зилзила ва сув тошқинидан зарар кўрган Пахтаобод ҳамда Қўрғонтепа туманларида бўлди ҳамда вилоят фаоллари йиғилишида нутқ сўзлади.

* * *

20 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг таниқли жамоат арбоби, АҚШнинг СССРдаги собиқ элчиси Аверелл Гарриманнинг рафиқаси Памела Гарриман хоним бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Республика раҳбари дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Ўзбекистон дарвозалари дўстлик ва ҳамкорлик қилишни хоҳлаётган холис ниятли барча мамлакатлар ва инсонлар учун ҳамма вақт очиқ экани таъкидланди.

* * *

26 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республикамизда меҳмон бўлиб турган Малайзия Республикаси ташқи ишлар вазири Датук Абдулла бин Ҳаж Аҳмад Бадавий бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

* * *

26 май. Президент Ислом Каримов Хоразм вилоятида бўлиб, жала ва бўрондан зарар кўрган хўжаликлардаги аҳвол билан танишди, вилоят фаоллари йигилишида маъруза қилди.

* * *

28 май. Вазирлар Маҳкамаси мажлисида «1992—1993 йилларда республика корхонала-

рида энг зарур ашёвий моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Унда ҳокимлар, вазирлик ва идоралар, уюшма ва концернлар, бирлашма ва корхоналар, суд ва прокуратура, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари қатнашди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мажлисда нутқ сўзлади.

* * *

28 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республика қишлоқ хўжалик корхоналарини қўшимча қийматдан бюджетга солиқ тўлашдан озод қилиш тўғрисида»ги, «Кредит маблағлар ажратиш тўғрисида»ги ҳамда «Ғалла харид нархини ошириш тўғрисида»ги қарорларга имзо чекди.

* * *

28 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақидаги шартномани имзолаш учун Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

30 май. Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳридаги Кремлнинг Владимир залида икки мустақил давлат —Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақидаги шартномани имзолаш маросими бўлиб ўтди. «Давлатлараро муносабатлар асослари ҳақидаги шартноманинг имзоланиши, тарихий нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон учун ҳам, Россия учун ҳам катта аҳамиятга молик. Ҳужжатда иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилган», деди маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.

* * *

4 июнь. Президент Ислом Каримов «Тошкент шаҳар пассажир транспортини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 июнь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистонга ташриф буюрган Канаданинг «Эдвенс капитал сервис корпорейшн» компанияси президенти Роберт Полеймни қабул қилди.

* * *

9 июнь. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Республика Давлат геология комитети ва Бирлашган Швейцария банки ташкил этган Ўзбекистон Республикаси минерал ресурсларини ўзлаштириш муаммоларига бағишланган халқаро анжуман очилди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

10 июнь. Ўзбекистон давлат делегациясининг Саудия Арабистонига расмий сафари чоғида мамлакат подшоҳи Фаҳд ибн Абдул Азиз ал-Сауд Республикамиз Президенти Ислом Каримовга муқаддас совға — Каъба устига тўшаладиган ёпинғич (кисва)нинг бир парчасини шахсий ҳадя сифатида тортиқ этган эди.

Қурбон ҳайити арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов уни Челак туманидаги (Самарқанд вилояти) Имом Бухорий масжидига тортиқ қилди.

* * *

10 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикасининг энг нуфузли «Чосон ильбо» газетаси мухбири Жонг Сокни қабул қилди.

* * *

12 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Испаниянинг собиқ давлат котиби, «Жуспи» компаниясининг вице-президенти Луис Пренафетани қабул қилди.

* * *

12 июнь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган «ЭЛФ» нефть корпорацияси (Франция) эгаларидан бири Андрэ Гэлфи билан халқаро олимпиада ҳаракати буюртмаларини бажараётган «Студио-6» Швейцария фирмасининг президенти Горан Такачни қабул қилди.

* * *

16 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси давлат ташрифи билан Корея Республикаси, Малайзия ва Индонезияга жўнаб кетди.

* * *

16 июнь. Президент Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ро Дэ Унинг таклифига биноан шу мамлакатга расмий ташриф буюрди.

* * *

19 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Жанубий Кореяга расмий давлат ташрифи Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги янги муносабатларнинг асосини белгилаб берадиган

бир қанча ҳужжатларни имзолаш билан ниҳоясига етди.

* * *

19-21 июнь. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Малайзияда бўлди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик ҳамда маданий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

* * *

21 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Индонезия Республикасига расмий ташриф буюрди. Президент Ислом Каримовни Индонезия Президенти жаноб Сухарто кутиб олди. Бу ташриф икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама чуқурлаштириш имконини беради, деди Индонезия Президенти жаноб Сухарто.

* * *

24 июнь. Президент Ислом Каримов Қозогистон Республикасига расмий ташриф буюрди. Мамлакатимиз Президентини Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди. Шу куни Ўзбекистон делегацияси аъзолари буюк аллома Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилишди. Икки давлат раҳбари Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ўзаро ёрдам, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолашди.

* * *

26 июнь. Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Шафқат Али Шайх Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

27 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент аэропортида Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф раҳбарлигидаги давлат делегациясини кутиб олди. Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Шу куни Президент Ислом Каримов билан Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф ўртасида юзма-юз учрашув бўлиб ўтди. Пойтахтдаги Халқлар дўстлиги саройида эса Ўзбекистон ва Покистон ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида шартнома имзоланди. Покистон Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Миллий боғида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

* * *

27 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «1992 йил 1 июлдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик минтақаси: Туркия ва Ўрта Осиё республикалари» мавзуига бағишлаб Истанбулда ўтказилган халқаро иқтисодий анжуманда иштирок этди.

* * *

2 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Кенгашнинг X сессиясида нутқ сўзлади.

* * *

2 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

2 июль. Президент Ислом Каримов «Таълим тўғрисида»ги, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги, «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

3 июль. Президент Ислом Каримов Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси президенти Ким У Жун бошчилигидаги ишбилармонлар билан Асака шаҳрида бўлиб, автомашина ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона барпо этиш режасини муҳокама қилди.

* * *

3 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига айлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 июль. Президент Ислом Каримов «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Муқобил хизмат тўғрисида»ги, «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Рес-

публикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги ва «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

4 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франция Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Поль Везианни қабул қилди. Элчи Президентга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

6 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ давлат бошлиқларининг Москва учрашувида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

9 июль. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумати делегацияси Финляндия пойтахти Хельсинкида Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича умумевропа кенгашида иштирок этди. Анжуманнинг биринчи кунида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Иккинчи куни эса ана шу нуфузли халқаро кенгаш ишига раислик қилди.

* * *

13 июль. Президент Ислом Каримов Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.Ф.Сидорскийни қабул қилди. Россия элчиси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

14 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцариядаги «Штахель Хардмайер» компаниясининг раҳбари Оливер Штахель билан Италиядаги «Супер-райфл» компаниясининг бошлиғи Коррадо Фратинини қабул қилди. Суҳбат чоғида «Супер-райфл» компанияси иштирокида қўшма корхона қуриш ва Ўзбекистон — Италия савдо уйини ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда Швейцария кредит банкининг иштироки масалалари ҳақида фикр алмашилди.

* * *

16 июль. Президент Ислом Каримов Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Пьер Риттерни қабул қилди. Швейцария дипломати Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

16 июль. Президент Ислом Каримов Жанубий Кореядаги машҳур «Самсунг» фирмаси раҳбариятининг корпорация вице-президенти Ж.Ким бошчилигидаги вакиллари билан учрашди. Суҳбат чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

19 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германиянинг «Мерседес-Бенц» автомобилсозлик компанияси директорлар кенгаши президенти Вернер Ниефер бошлиқ делегация аъзоларини қабул қилди.

* * *

20 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Докторантлар ва аспирантларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг Си-эн-эн телекомпанияси мухбири Шиван Дэрроуни билан учрашди ва журналистнинг саволларига жавоб қайтарди.

* * *

22 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари А.Н.Шохин раҳбарлигидаги Россия Федерацияси ҳукумат делегациясини қабул қилди.

* * *

23 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Илм-фанни ривожлантириш ва инновация фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбектуризм» миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта фонди, Реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки, Ривожланиш халқаро ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи агентликка аъзолиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

24 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республикада касса операцияларини тартибга солишга доир кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон мустақиллигининг 1 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан республиканинг ижодкор ва тиббиёт ходимларига имтиёзлар бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Либерасьон» француз газетасининг Тошкентдаги мухбири Андрей Марк Брюнелони қабул қилди ва унинг саволларига жавоб берди.

* * *

4 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жанубий Кореядаги йирик ДЭУ корпорациясининг раиси Ким У Жунни қабул қилди. Дўстона ва амалий вазиятда ўтган суҳбат чоғида икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди. Жумладан, 1992 йил охирида Асака (Андижон) шаҳрида уч турдаги автомобиллар ишлаб чиқариш мақсадида Жанубий Кореядан дастгоҳлар келтириш бошланиши ҳақида фикр юритилди.

* * *

5 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Маслаҳат Кенгашининг биринчи таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов сўзга чиқди.

* * *

10 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1992 йил пахта ҳосилини йигиб-териб олишга тайёргарликни тугаллаш ва йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш чоралари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси расмий ташриф билан Покистон Ислом Республикасига жўнаб кетди.

* * *

15 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси мустақиллигининг 45 йиллиги муносабати билан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Ш.Д.Шармага, Ҳиндистон Республикаси Президенти П.В.Нарасимха Раога табрик йўллади.

* * *

19 август. Президент Ислом Каримов «Уй-жойлар хусусийлаштирилиши муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГФР иқтисодий ҳамкорлик масалалари федерал вазири Карл-Дитер Шпрангерни қабул қилди.

* * *

22 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ўқув юртларида ҳар йили 1 сентябрда «Мустақиллик куни»ни ўтказиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «1992 йил 1 сентябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ҳамда давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномаларни имзолаш учун Украина пойтахти Киев шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

25 август. Украина Республикаси Президенти Л.Кравчук давлатлараро муносабатларни, Ўзбекистон ва Украина халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашдаги алоҳида хизматлари

* * *

15 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Афғонистон Ислом давлати раҳбари Бурҳониддин Раббонийга мактуб йўллади.

* * *

16 сентябрь. Президент Ислом Каримов Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Январ Марах Жанини қабул қилди. Элчи Ўзбекистон Президентига ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

16 сентябрь. Президент Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг махсус вакили, БМТ махсус ишлар маҳкамасининг директори Раймонд Соммерейнс ва унга ҳамроҳ бўлиб келган вакилларни қабул қилди.

* * *

17 сентябрь. Президент Ислом Каримов мусулмон шиалар имоми Оға Хон жамғармасининг асосчиси ва раҳбари Оға Хон жанобларини қабул қилди.

* * *

18 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Австрия Республикасининг пойтахти Вена шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

23 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 сентябрь. Президент Ислом Каримов Испания қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Эухенио Бреголат Обиолсни қабул қилди. Элчи Президентга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

24 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил этиш тадбирлари ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаҳоннинг етакчи газета ва журналлари, телерадио компаниялари вакилларини қабул қилди. Президент мухбирларга жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олаётган Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-сиёсий аҳволи, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида гапириб берди.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Франция Республикаси мудофаа вазири Пьер Жоксни қабул қилди.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов Канаданинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Майкл Ричард Беллни қабул қилди. Элчи Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

29 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасига амалий ташриф билан келган Қиргизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев бошчилигидаги давлат делегациясини қабул қилди. Ўзаро музокараларда икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

* * *

29 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома ҳамда 1993 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангач, Президентлар Ислом Каримов ва Асқар Акаев журналистлар билан суҳбатлашдилар.

* * *

29 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қозоқларнинг жаҳон қурултойи қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

30 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто бошчилигидаги давлат делегациясини кутиб олди.

Шу куни Президент Ислом Каримовнинг Финляндия Республикаси Президенти Мауно Койвисто билан яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Финляндия Республикаси ҳукумати ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги қатор битимлар имзоланди.

* * *

2 октябрь. Президент Ислом Каримов Финляндия Республикаси Президенти Мауно Койвистонинг Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларига сафарида ҳамроҳлик қилди.

* * *

5 октябрь. Президент Ислом Каримов буюк олим Ҳабиб Абдуллаев таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

6 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳақиқий ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ҳақида ҳамда фуқароларни ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириқ тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 октябрь. Президент Ислом Каримов америкалик халқаро миқёсдаги таниқли сиёсат арбоби Генри Киссинжернинг Вазирлар Маҳкамасида депутатлар, вазирликлар, концернлар, банкларнинг раҳбарлари ва йирик иқтисодчи олимлар иштирокида ўтган учрашувида қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

7 октябрь. Президент Ислом Каримов «Хўжалик ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси, пилла, жун ва қорақўл тери сотилишини таъминловчи Қорақалпоғистон Республика ва вилоят ассоциацияларини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «1992 йил 1 октябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўгрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

8-9 октябрь. Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқларининг кенгашида иштирок этиш мақсадида Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

13 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган Афгонистон Ислом давлати раҳбари Бурҳониддин Раббоний бошчилигидаги давлат делегациясини қабул қилди.

Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Афғонистон Ислом давлати раҳбари Бурҳониддин Раббоний иштирокида давлатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида протокол ва ҳаво йўллари очиш ҳақида меморандум имзоланди. Сўнгра Ислом Каримов ва Бурҳониддин Раббоний матбуот конференцияси ўтказди.

* * *

19 октябрь. Президент Ислом Каримов Малайзия давлатининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Ҳорун жанобларини қабул қилди. Элчи Президентга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

22 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Пахтанинг харид нархларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Умумхитой касаба уюшмалари федерацияси раисининг муовини Ван Хоуде ҳамда Шинжон-Уйғур мухтор район касаба уюшмалари конфедерациясининг раиси Мамат Нурни қабул қилди.

* * *

26 октябрь. Президент Ислом Каримов Япония молия вазирининг халқаро ишлар бўйича ўринбосари Тадао Чинони қабул қилди.

* * *

27 октябрь. Президент Ислом Каримов Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Брайн Фоллни қабул қилди. Элчи Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

* * *

27 октябрь. Президент Ислом Каримов Голландиянинг «АЕС» фирмаси президенти К.Альберсни қабул қилди. Учрашув чоғида Голландиянинг картошка етиштириш борасидаги илғор технологиясини республикамиз шароитига мослаштириш ҳақида фикрлашиб олинди.

учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни «Эҳтиром» фахрий нишони билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов мамлакатимиз мустақиллик кунига багишланган байрам тантаналари ўтказиладиган Мустақиллик майдонида бўлиб, у ерда амалга оширилаётган ташкилий ишлар билан танишди.

* * *

28 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Сумио Эдамурани қабул қилди. Элчи Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

29 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мустақилликнинг бир йиллиги арафасида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Жаҳон муаммолари институтини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримовнинг 1992 йил 1 сентябрь — Мустақиллик кунида дунёга келган гўдакларга билдирган эзгу тилаклари матбуотда эълон қилинди.

* * *

31 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 1 йиллигига бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлади.

* * *

3 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Давлат «Маҳаллий саноат» корпорациясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 сентябрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституция комиссиясининг навбатдаги мажлисида нутқ сўзлади.

* * *

7 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тожикистон Республикасидаги ташвишли воқеалар муносабати билан матбуот анжумани ўтказди. Учрашувда республика оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳамда Ўзбекистондаги чет эл мухбирлари иштирок этди.

* * *

7 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тожикистон Республикасидаги воқеалар муносабати билан БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга минтақада юзага келган можароларни сиёсий йўл билан ҳал этиш ҳақида мактуб юборди.

* * *

7 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Давлат мулки жамгармасини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Нефть маҳсулотларини сотишда тартиб ўрнатиш ва тармоқни бошқариш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 сентябрь. Президент Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Генри Лии Кларкни қабул қилди. Элчи Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

11 сентябрь. Президент Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастури (БМТТД) маъмури, БМТ Бош котиби ўринбосари Уильям Х.Дрейпер бошчилигидаги мазкур халқаро ташкилот ҳайъатини қабул қилди.

* * *

12 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Республика «Маҳалла» хайрия жамгармасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15 сентябрь. Президент Ислом Каримов Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси Карло Унгарони қабул қилди. Элчи Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

15 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон ва Афғонистон мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг ривожига багишланган матбуот конференцияси ўтказди.

* * *

27 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари («Ўзмонтажмахсусқурилиш») ассоциациясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 октябрь. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси Туркия Республика деб эълон қилинган куннинг 69 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун Анқарага жўнаб кетди.

* * *

29 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркиянинг Анқара шаҳридаги Мустафо Камол Отатурк номидаги отчопарда ўтказилган Туркия Республикасининг 69 йиллиги байрами тантаналарида иштирок этди.

* * *

31 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация аъзолари Туркия сафари чоғида туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг давлатлараро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга оид муҳим ҳужжатларни имзолаш маросимида иштирок этди. Шу куни Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси Анқарадан Тошкентга қайтиб келди.

* * *

31 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларига партиянинг ташкил топганига бир йил тўлиши муносабати билан табрик йўллади.

* * *

2 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Республикада иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш масалаларига доир қарорлар бажарилишини назорат қилувчи жамоат комиссияларини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов россиялик ишбилармонлар ҳафталиги — «ВЕК» газетаси муҳаррири Владимир Соколов билан суҳбатлашди. Унда Президент Ўзбекистон ва Россия ишбилармонларининг ўзаро алоқаларини, ҳамжиҳатликдаги ҳаракатларини кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

* * *

3 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ғалла харид нархларини ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 ноябрь. Президент Ислом Каримов Тошкентда очилган Ёш ватандошларнинг халқаро анжумани қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

4 ноябрь. Президент Ислом Каримов Тожикистондаги аҳволни шошилинч равишда муҳокама қилиш, бу мамлакатдаги турли сиёсий кучлар ўртасидаги ўзаро ҳарбий можароларни тўхтатиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун Олмаота шаҳрида йиғилган давлат бошлиқларининг учрашувида иштирок этди.

* * *

5 ноябрь. Президент Ислом Каримов Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси президенти Ким У Жунни қабул қилди.

* * *

6 ноябрь. Президент Ислом Каримов атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун Жиззах шаҳрига ташриф буюрди. Шу куни Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрида бўлиб ўтган тантанали мажлисда нутқ сўзлади.

* * *

7 ноябрь. Президент Ислом Каримов Бельгия Қироллигининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Барон Тьерри Де Грювенни қабул қилди. Элчи Президентга ишонч ёрлигини топширди.

* * *

7 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш давлат акционерлик ассоциациясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 ноябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

12 ноябрь. Президент Ислом Каримов Исроил давлатининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Изро-

ил Мей-Омини қабул қилди. Элчи Президентга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

16 ноябрь. Президент Ислом Каримов Австрия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган доктор Фридрих Бауэрни қабул қилди. Элчи Президентга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

17 ноябрь. Президент Ислом Каримов В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 60 йиллиги муносабати билан корхона жамоаси ва ишчи-хизматчиларига табрик йўллади.

* * *

17 ноябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган Наманган вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

18 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг аъзоси, ташқи ишлар вазири Цянь Цичэньни қабул қилди.

* * *

18 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон сув қурилиши («Ўзсувқурилиш») давлат концернини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 ноябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган Фарғона вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

19 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республика пахта заводларида ишлаб чиқарилган пахта толасини сотиш тартиби ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 ноябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган Андижон вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

21 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон давлат қурилиш материаллари ишлаб чиқариш («Ўзқурилишматериаллари») концернини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 ноябрь. Президент Ислом Каримов Эрон Ислом Республикаси ахборот агентлигининг Москвадаги ваколатхонаси бошлиғи Жамшид Шафий саволларига жавоб қайтарди. Суҳбат «Эзгу ният йўлида» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

24 ноябрь. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси давлат делегацияси расмий ташриф билан Эрон Ислом Республикасига жўнаб кетди.

* * *

27 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Жак Атталини қабул қилди.

* * *

28 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида чет эл сармоясини мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш, инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга ошириш чора-тадбирларига бағишланган йигилишда иштирок этиб, нутқ сўзлади.

* * *

1 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг транспорт қурилиши корхоналарини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентда Қорақалпогистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари билан учрашди.

* * *

7 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конституция комиссиясининг раҳбари Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Республикаси Конституция комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Конституция комиссияси, умумхалқ муҳокамаси чоғида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини маъқуллаш ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 8 декабрь куни иш бошлайдиган навбатдаги сессияси муҳокамасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

* * *

8 декабрь. Тошкент шаҳрида XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси ўз ишини бошлади. Унда

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конституция комиссиясининг раиси Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий йўли, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

* * *

8 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

8 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

9 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ҳокимиятнинг конституциявий идораларини қўриқлаш тўғрисида»ги, «Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ тўғрисида»ги, «Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Гаров тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги, «Давлат божи тўғрисида»ги, «Сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексида ва Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексида назарда тутилган жарима миқдорларини қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

10 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида мустақил Ўзбекистоннинг давлат мадҳияси қабул қилинди.

* * *

10 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

11 декабрь. Президент Ислом Каримов Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Хонг Сун Ёнгни қабул қилди. Элчи Президентга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

15 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусни Мубарак таклифига мувофиқ Қоҳирага жўнаб кетди.

* * *

16 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳусни Мубарак Миср билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги битимга имзо чекдилар.

* * *

16 декабрь. Миср Араб Республикасининг Ал-азҳар университетининг кенгаши ўзининг 1413 ҳижрий йил 19 жумодул-охира (1992 йил 14 декабрь, душанба) кунги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов жаноби олийларига Ал-азҳар университетининг фахрий доктори илмий даражасини беришга қарор қилди. Шу куни Президент Ислом Каримовга фахрий докторлик дипломи топширилди.

* * *

19 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон пойтахтининг 60 йиллиги тантаналарида қатнашди ва санъат саройидаги тантанада нутқ сўзлади.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси ўқувчилари ва талабаларининг ҳар йилги қишки таътили тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концернини нефть ва газ саноати «Ўзбекнефтьгаз» миллий корпорациясига айлантириш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон саноат ва хўжалик қурилиши («Ўзсаноатхўжаликқурилиш») давлат корпорациясини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонларга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «1993 йилда Ўзбекистон Республикаси истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

25 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги «Ма-

лика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 50 йиллиги муносабати билан корхона жамоасига табрик йўллади.

* * *

26 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1993 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган чет эл ваколатхоналари раҳбарларини қабул қилди.

* * *

29 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «1993 йил 1 январдан меҳнат ҳақи, нафақалар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Янги йил табриги йўллади.

1993 йил

3 январь. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари давлат ва ҳукумат бошлиқлари Тошкентга келди. Аэропортда меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

* * *

4 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Тошкентга келган Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари бошлиқлари Халқлар дўстлиги саройида музокаралар олиб боришди. Шу учрашувда биринчи марта «Марказий Осиё давлатлари» деб номланган беш давлат бошлиқлари матбуот конференцияси ўтказишди.

* * *

7 январь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Германия Федератив Республикаси иқтисодий ҳамкорлик вазирлигининг давлат котиби Вигхард Хердтлни қабул қилди.

* * *

8 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорга ва «Ўзбекистон автомобиль транспорти («Ўзавтотранс») давлат акционерлик корпорациясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 январь. Президент Ислом Каримов Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Далип Мехтани қабул қилди. Элчи Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

15 январь. Республика Мудофаа вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакат Қуролли Кучларининг раҳбарлари билан учрашди.

* * *

16 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Аҳолининг Ўзбекистон жамғармалар банки муассасаларида сақланаётган омонатлари бўйича янги фоиз ставкаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 январь. Президент Ислом Каримов МДҲ мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари учрашувида қатнашиш учун Беларусь Республикаси пойтахти Минск шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

22 январь. МДҲ мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари Минск учрашуви мажлисида кун тартибига киритилган 14 масалани тасдиқладилар.

* * *

25 январь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларининг Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги катта академик балет театрида очилиши тантаналарида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

26 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни («Ўзавтойўл»)ни ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 январь. Президент Ислом Каримов АҚШнинг Тожикистондаги элчиси, Америка Қўшма Штатлари давлат котибининг махсус вакили, Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳаракатининг раҳбари С.Эскудерони қабул қилди.

* * *

28 январь. Президент Ислом Каримов Давосдаги жаҳон иқтисодий анжумани ишида қатнашиш учун Швейцарияга жўнаб кетди.

* * *

28 январь-1 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Давос шаҳрида (Швейцария) ўтган жаҳон иқтисодий анжуманидаги иштироки самарали бўлди.

Оммавий ахборот воситалари жаҳон ҳамжамияти учун ҳаётий муҳим муаммолар хусусида Ислом Каримовнинг тутган принципиал йўлини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ислом Каримов анжуман давомида Швейцария Конфедерациясининг президенти Адольф Оги билан суҳбатлашди. Суҳбат чоғида Тошкентда Швейцария Конфедерациясининг элчихонасини очиш тўғрисида бир фикрга келинди. Ўзбекистон раҳбари жаҳонга машҳур «Штахель хард моер аг» фирмаси ҳамда етакчи банклардан бири бўлмиш «Свиз кредит банк» раҳбарлари билан ҳам мулоқот ўтказди.

Президент Ислом Каримов Швейцариядаги Швец ўлкаси раҳбарининг таклифига биноан шу ўлка маркази Альтендорф шаҳрида

бўлли. Бу ерда Ўзбекистон савдо уйини очишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Давосдаги жаҳон иқтисодий анжумани жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонни тенг ҳуқуқли ва ишончли ҳамкор деб ҳисоблаётганини яна бир бор намойиш этди.

* * *

2 февраль. Президент Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий раҳбарлигидаги Эрон Ислом Республикаси делегациясини қабул қилди.

* * *

2 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари халқаро тараққиёт агентлигининг Ўрта Осиё бўйича минтақавий директори Крейг Бакни қабул қилди.

* * *

3 февраль. Президент Ислом Каримов Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг сессиясида нутқ сўзлади.

* * *

4 февраль. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳар маҳаллалари оқсоқолларидан бир гуруҳини қабул қилди. Президент аҳоли ўртасида тотувликни таъминлаш, пойтахт ободлиги, ёш авлод таълим-тарбиясига катта ҳисса қўшаётгани учун маҳаллалар оқсоқолларига миннатдорлик билдирди.

* * *

5 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари учун талабаларни тест усулида саралаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 февраль. Президент Ислом Каримов «Тошкент давлат-акционерлик қурилиш корпорациясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 февраль. Президент Ислом Каримов Францияниинг «Сосьете насьональ эльф акитен» давлат компаниясининг Президенти Лоик Ле Флок Прижан раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистонда нефть ва газ захираларини қидириб топиш ва қазиб олишда ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

13 февраль. Президент Ислом Каримовнинг «Комсомольская правда» (Россия) газетаси мухбири саволларига жавоблари «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» сарлавҳаси билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

15 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Шаҳзода Раъад Бин Зайд бошчилигидаги Иордания Ҳошимийлар подшоҳлигининг расмий ҳукумат делегациясини қабул қилди.

* * *

16 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония Ташқи ишлар вазирлиги иқтисодий ҳамкорлик бошқармаси бош директорининг ўринбосари Хидеаки Уэда раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

* * *

16 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги тармоқларининг 1992 йилги иш якунлари, бюджетнинг асосий кўрсаткичлари ижроси ҳамда 1993 йилда республика иқтисодиётини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судларини ривожлантириш жамгармасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 февраль. Президент Ислом Каримовнинг «Жамиятдаги сиёсий ҳамжиҳатлик — иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим шарти» халқаро анжумани қатнашчиларига мурожаати эълон қилинди.

* * *

18 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Татаристон Республикаси Бош вазири Муҳаммад Собиров бошлиқ ҳукумат делегациясини қабул қилди. Суҳбат чоғида томонлар икки қардош халқ ўртасида иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш ҳақида фикрлашиб олдилар.

* * *

18 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг халқ хўжалиги тармоқларининг иш якунлари, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги бюджети асосий параметрларининг бажарилиши ва 1993 йилда республика иқтисодиё-

тини ривожлантиришнинг чора-тадбирларига бағишланган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

19 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Украина Бош вазири Леонид Кучма раҳбарлигидаги ҳукумат делегациясини қабул қилди. Самимий суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги анъанавий алоқаларни ривожлантириш, истиқболли дастурларни ҳамкорликда амалга ошириш ва янгича муносабатларни шакллантириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

* * *

22 февраль. Президент Ислом Каримов Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Брайн Фоллни қабул қилди.

* * *

4 март. Президент Ислом Каримов МДҲ мамлакатларидаги хорижий журналистлар халқаро уюшмасининг бир гуруҳ аъзолари иштирокида матбуот конференцияси ўтказди.

* * *

4 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 март. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март байрами муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига табрик йўллади. Шу куни пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги санъат кошонасида ушбу байрамга бағишланган тантанали йиғилишда Президент Ислом Каримов табрик нутқи сўзлади.

* * *

13 март. Президент Ислом Каримовнинг МДҲ мамлакатларидаги хорижий журналистлар халқаро уюшмасининг бир гуруҳ аъзолари иштирокида Тошкентда ўтган матбуот конференциясидаги жавоблари «Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишончим комил» сарлавҳаси остида матбуотда эълон қилинди.

* * *

15 март. Президент Ислом Каримов минтақадаги вазиятни барқарорлаштириш, Тожикистон ва Афгонистон чегара ҳудудидаги вазиятга жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолийга мактуб йўллади.

* * *

15 март. Президент Ислом Каримов Тошкентда республика пахтакорларининг ўтган йил якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган кенгаши қатнашчиларидан бир гуруҳини қабул қилди.

* * *

16 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошлиғи, армия генерали Дўғон Гурешни қабул қилди.

* * *

18 март. Президент Ислом Каримов «1993 йилнинг 1 апрелидан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармонга ва Вазирлар Маҳкамасининг «1993 йилда республика аҳолисини болаларга аталган моллар ва ип-газламалар билан белгиланган миқдорда имтиёзли нархларда таъминлаш тадбирлари ҳақида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

19 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Бош вазири В.Черномирдин билан учрашди. Ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш борасидаги музокаралар натижасида молия-кредит, маданият, фан-техника, маориф, соғлиқни сақлаш, ахборот алмашиш, геодезия ва картография, автотранспорт ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш юзасидан битимлар имзоланди.

* * *

19 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 март. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Наврўз табриги йўллади.

* * *

26 март. Президент Ислом Каримов Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Қизил Ўрда шаҳридаги учрашувида иштирок этди. Бу учрашувда Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

27 март. Ислом Каримов Эндрю Гельфи бошчилигидаги франциялик мухбирлар гуруҳини қабул қилиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

* * *

1 апрель. Президент Ислом Каримов Ўзбекистонга ташриф буюрган Малайзия Бош ва-

зири Маҳатҳир бин Муҳаммад бошчилигидаги ҳукумат делегацияси аъзоларини қабул қилди. Шу куни икки давлат ўртасида тенг манфаатли ҳамкорлик ҳақидаги қатор ҳужжатлар имзоланди.

* * *

2 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Белгиланган ҳарбий ва муқобил хизмат муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ҳақида ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 апрель. Президент Ислом Каримов Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида нутқ сўзлади.

* * *

3 апрель. Президент Ислом Каримов Жиззахдаги пайпоқ тўқув фабрикасида ўтказилган Наврўз байрами шодиёналарида иштирок этди. У корхона жамоасини баҳор байрами билан табриклади, фабриканинг иш фаолияти ва меҳнаткашларга яратилган шароит билан танишди.

* * *

3 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон гўшт ва сут саноати давлат-акционерлик уюшмаси («Ўзгўштсутсаноат»)ни ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол бошчилигидаги расмий делегация аъзоларини кутиб олди. Шу куни Дўрмон қароргоҳида икки Президентнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

* * *

6 апрель. Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Туркия Республикасининг Президенти Турғут Ўзол мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Бухорога борди. Юксак мартабали меҳмон Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари қадамжоларини, шунингдек, Бухоронинг диққатга сазовор жойлари — Ситораи Моҳи Хоса саройи, Исмоил Сомоний мақбараси, Пойи Калон ва Лаби ҳовуз меъморий мажмуаларини зиёрат қилди. Туркия ва Ўзбекистон раҳбарлари шу куни Бухородан Тошкентга қайтиб келишди.

* * *

7 апрель. Тошкент аэропортида Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол бошчилигидаги делегация аъзоларини кузатиш маросими бўлди. Президентлар Турғут Ўзол ва Ислом Каримов Туркия делегациясининг Ўзбекистонга сафари гоят самарали бўлганини алоҳида таъкидладилар. Туркиялик олий мартабали меҳмон бошчилигидаги делегация аъзолари шу куни Бишкек шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

13 апрель. Президент Ислом Каримов Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида нутқ сўзлади.

* * *

14 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Туркманистоннинг пойтахти Ашгабат шаҳрига жўнаб кетди. Ўзбек ва туркман халқларининг азалий ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш ҳар икки мамлакат учун ҳам манфаатли, деди Президент. Ўзбекистон ва Туркманистон ҳукумати раҳбарлари икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида музокаралар олиб борди. Учрашувлар якунида Ўзбекистон ва Туркманистон қўшма баёноти имзоланди.

* * *

16 апрель. Президент Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Беларусь пойтахтида очиладиган учрашувида қатнашиш учун Минск шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

16 апрель. Президент Ислом Каримов Швеция Қироллигининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Эрян Бергерни қабул қилди. Элчи Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

17 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Чорва, сут, картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари асосий турларининг чегараланган харид нархларини ўзгартириш ва айрим озиқ-овқат молларининг чакана нархларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 апрель. Дания Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Хенрик Рии Иверсен мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

21 апрель. Президент Ислом Каримов юртимизга ташриф буюрган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти кенгашининг раиси, Швеция Қироллиги ташқи ишлар вазири Маргарета аф Углас хоним бошчилиги-

даги расмий делегация аъзоларини қабул қилди.

* * *

23 апрель. Президент Ислом Каримов республикамизнинг бир гуруҳ адиблари билан учрашди. Суҳбат чогида Президент мамлакатимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, мустақил Ўзбекистоннинг ўз миллий мафкурасини ишлаб чиқиш, она Ватан учун фидойи, мард инсонларни тарбиялаш, халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш каби улкан ва шарафли ишларни амалга оширишда мамлакатимиз зиёлилари, жумладан, ёзувчиларнинг муҳим ўрни ҳақида сўзлади.

* * *

23 апрель. Президент Ислом Каримов «Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамгармасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 апрель. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасига жўнаб кетди. Ислом Каримов Германия Федерал Президенти Рихард Фон Вайцзеккер ва Федерал канцлер Гельмут Коль билан суҳбатлашди.

Ўзбекистон Президенти, шунингдек, Германия савдо-саноат палаталари бирлашмаси аъзолари — ишбилармонлар ва тадбиркорлар билан учрашди. Уларга Ўзбекистондаги ислоҳотлар, иқтисодиётга оид қабул қилинган қонунлар, республиканинг иқтисодий салоҳияти ҳақида сўзлаб берди. Германия ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида маданий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро муҳофаза этиш, ўзаро ёрдам фонди тузиш ва бошқа соҳалар бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди.

* * *

30 апрель. Президент Ислом Каримовнинг Германиядаги «Франкфуртер альгемайне» газетаси мухбири Георг Пауль Хефтига берган интервьюси «Катта оға» бўлмаслиги керак» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

3 май. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон талабаларининг биринчи фестивали қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

4 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ижодкор ёшларнинг «Истеъдод» республика жамгармасини тузиш ҳақида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Пул муомаласини тартибга солиш ва республика истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзозиқовқатсаноат» концернини Ўзбекистон давлат-акционерлик концернига айлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 май. Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси иш бошлади. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

6 май. Президент Ислом Каримов Швейцариянинг «Юбс» банки бошқаруви раиси доктор Н.Сенн раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

* * *

6 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ер солиғи тўғрисида»ги, «Суғурта тўғрисида»ги ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

7 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг ҳаво кодекси» тўғрисидаги, «Маҳаллий солиқлар ва йигимлар тўғрисида»ги, «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида»ги, «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги ва «Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий давлат суғуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

8 май. Президент Ислом Каримов Германия Федератив Республикасининг йирик банкларидан бири — «Дойче банк» кенгаши бошқаруви аъзоси Георг Крупп раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

* * *

8 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ижодкор ёшларнинг уй-жой шароитини яхшилаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 май. Мамлакат Президенти Ислом Каримов уруш ва меҳнат фахрийларига, Ўзбекистон фуқароларига фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 48 йиллик байрами муносабати билан табрик йўллади.

* * *

9 май. Президент Ислом Каримов республика пойтахтидаги ёдгорлик мажмуида бўлиб, бу ерга йиғилган уруш фахрийларини фашизм устидан қозонилган галабанинг 48 йиллик байрами билан қутлади.

* * *

11 май. Президент Ислом Каримов таниқли тадбиркор, машҳур «Адидас» компаниясининг асосчиларидан бири, ўзбек-француз амалий алоқаларини мувофиқлаштирувчи Эндрю Гельфи бошчилигидаги француз ишбилармонлари делегациясини қабул қилди.

* * *

11 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 май. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилнинг биринчи чораги якунларига бағишланган мажлиси бўлди. Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

13 май. Президент Ислом Каримов «Труд» газетаси бош муҳаррири А.Потаповни қабул қилди.

* * *

14 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов МДҲ давлат ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдан ташқари мажлисида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди. Шу куни Кремлда МДҲ давлат ва ҳукумат бошлиқларининг мажлиси бўлиб ўтди.

* * *

17 май. Президент Ислом Каримов Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Брайн Фоллни қабул қилди.

* * *

18 май. Президент Ислом Каримовга Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Рудольф Сланский ишонч ёрлигини топширди.

* * *

23 май. Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарасимха Рао бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Ватанимизга келди. Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Шу куни Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Нарасимха Рао ўртасида яккама-якка мулоқот бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари ўртасида давлатлараро муносабатлар, ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги шартнома ва тенг манфаатли ҳамкорлик борасидаги бошқа қатор ҳужжатлар имзоланди. Ҳиндистонлик олий мартабали меҳмон пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди.

* * *

24 май. Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонга расмий ташрифи якунлари хусусида мухбирлар билан суҳбат бўлиб ўтди. Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Нарасимха Рао журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

* * *

25 май. Президент Ислом Каримов БМТ Бош котибининг Тожикистондаги шахсий вакили Исмат Китанини қабул қилди.

* * *

25 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Труд» газетаси мухбирлари А.Потапов ва В.Бирюковнинг саволларига жавоблари «Ҳар қандай мухолиф билан баҳслашмоққа тайёрман» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

27 май. Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев бошчилигидаги ҳукумат делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди. Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Қирғизистон Президенти Асқар Акаевни қабул қилди. Суҳбат чогида Қирғизистон ўз валютасига ўтиши натижасида иқтисодий муносабатларда вужудга келган муаммолар муҳокама қилинди. Давлат бошлиқлари қўшни республика аҳолиси қўлидаги рубларни тезроқ қайтариб олиш, бу пуллар Ўзбекистонга ўтишига йўл қўймаслик чораларини муҳокама қилдилар. Сўнгра музокаралар делегация аъзолари иштирокида давом этди.

* * *

27 май. Президент Ислом Каримов билан Қиргизистон Президенти Асқар Акаевнинг

Тошкентда журналистлар билан бўлиб ўтган учрашуви бир масалага — Қирғизистоннинг ўз валютаси — сомга ўтиши муносабати билан ўзаро алоқалар ва ҳисоб-китоблар масаласига бағишланди.

* * *

27 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Пахта, чорва ва сут, айрим турдаги мева-сабзавот маҳсулотларининг харид нархларини ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ёқилғи ва энергиянинг чекланган улгуржи ва чакана нархлари ва тарифларини ўзгартириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 май. Президент Ислом Каримов Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан Чимкент вилоятида бўлди. У ерда XVIII асрда яшаган атоқли қозоқ давлат арбоблари Туле бий, Қозибек бий, Айтеке бийларнинг хотирасига бағишланган тантаналарда иштирок этди.

* * *

28 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1993 йилнинг 1 июнидан меҳнат ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва болали оилалар ижтимоий нафақаларининг миқдорларини ошириш ҳамда республиканинг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон фармацевтика саноати («Ўзфармсаноат») давлат-акционерлик концернини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 июнь. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг АҚШда нашр этиладиган «Новое русское слово» газетаси мухбири Владимир Пильнякка берган интервьюси «Ўзбекистон: барқарорлик қадр-қиммати» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

7 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Укэру Магосаки ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

7 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Меҳнат бозори ва Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш» миллий семинари қатнашчиларига табрик йўллади ва Вазирлар Маҳкамасининг «Гонорар ва фахрий унвонлар учун қўшимча ҳақ миқдорини ошириш тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

Шу куни Тошкентда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари вакиллари иштирок этди. Кенгашда Президент Ислом Каримов мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, Ўзбекистоннинг Россия, Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий муносабатлари, молия, банк тизими, миллий валюта масалалари хусусида батафсил фикр юритди.

* * *

8 июнь. Президент Ислом Каримов Нидерландлар Қироллиги Бош вазири жаноб Рудольф Любберснинг таклифига биноан Нидерландлар Қироллигига расмий сафарга жўнаб кетди.

* * *

8 июнь. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг Нидерландлар Қироллигига сафари амалий учрашувларга бой бўлди. Шу куни давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг истиқболли йўналишлари муҳокама этилди. Иқтисодиёт, савдо, илм-фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

* * *

9 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Нидерландия қироличаси Беатрикс қабул қилди. Шу куни давлатимиз раҳбари Нидерландия ташқи ишлар вазири Питер Кооймапс, транспорт ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва балиқ овлаш соҳалари вазирлари билан суҳбатлашди.

* * *

11 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Нидерландлар Қироллигига расмий сафаридан Тошкентга қайтиб келди.

* * *

14 июнь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Хоразм воҳасига ташриф буюрди. Президент вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишди. Янгибозор, Гурлан, Шовот, Қўш-

кўпир, Урганч туманларида бўлиб, ғалла ўрим-йиғимининг бориши, ғўза парвариши, пахта йиғим-теримига тайёргарлик масалалари хусусида меҳнаткашлар билан суҳбатлашди.

* * *

14 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида олий таълим сифатини яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Қашқадарё вилоятида бўлиб, шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят идора ва ташкилот раҳбарлари билан учрашди. Шу куни Юртбошимиз вилоят фаоллари йиғилишида маъруза қилди.

* * *

17 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Форум фонд» халқаро иқтисодий ташкилотининг таклифига биноан Швейцарияга жўнаб кетди. 18 июнь куни Президент Ислом Каримов «Форум фонд» халқаро иқтисодий ташкилотининг IV сессиясида маъруза қилди.

* * *

22 июнь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга Норвегия Қироллигининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Дагфинн Стенсет ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

23 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида ёдгорликлар ва ҳайкалларни лойиҳалаштириш ҳамда қуришни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармонига мувофиқ 27 июнь Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни деб белгиланди.

* * *

27 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов касб байрами муносабати билан мамлакат матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

28 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг икки йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни байрам қилиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1993 йилнинг 1 июлидан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Шарқнинг улуғ саркардаси, шавкатли бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темур ҳайкалини яратиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Британия Ахборот корпорацияси (Би-би-си) Марказий Европа хизмати бошлиги Барри Эллиотни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари меҳмонга республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, истиқлолни мустаҳкамлаш, ташқи алоқаларни ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

* * *

1 июль. Президент Ислом Каримов «КамАЗ» акциядорлик жамиятининг бош директори Н.И.Бехни қабул қилди. Суҳбат чогида Ўзбекистон саноатининг жаҳондаги юк автомобиллар ишлаб чиқарадиган энг йирик корхоналардан бири — «КамАЗ» билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги йўллари муҳокама қилинди.

* * *

5 июль. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотининг Истанбул шаҳрида бўладиган навбатдаги анжуманида иштирок этиш учун Туркияга жўнаб кетди. Президент Ислом Каримов мазкур анжуманда нутқ сўзлади.

* * *

9 июль. Президент Ислом Каримов «Бартер асосида амалга ошириладиган экспорт-импорт операциялари бўйича тартиб бузилишлари ва суиистеъмолликларга чек қўйиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 июль. Президент Ислом Каримов Россия саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро уюшмасининг президенти Аркадий Вольскийни қабул қилди. Президентимиз бу уюшма билан ҳамкорлик қилиш республикамиз саноатчилари ва ишбилармонларининг халқаро майдонга чиқишига катта имкониятлар яратади, деди.

Шу куни Вазирлар Маҳкамасида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида А.Вольскийнинг вазирликлар, концерн, уюшма, корхона ва ташкилотларнинг мутасаддилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

15 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида коммунал хизмат кўрсатишни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15 июль. Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида республика олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш масалаларига бағишланган йигилишда қатнашиб, бу муҳим тадбирни юқори савияда ташкил этиш ва шу билан боғлиқ муаммолар хусусида гапириб ўтди.

* * *

17 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британия Қироличаси Елизавета Иккинчининг қизи малика Анна Зоти Олияларини қабул қилди. Ислом Каримов Малика Анна Зоти Олияларининг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида қарор топаётган дўстона муносабатларнинг ўзига хос рамзи эканини таъкидлади.

* * *

17 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш учун ҳисоб-китобларнинг контракт (шартнома) тизимига ўтиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 июль. Президент Ислом Каримов ижтимоий адолат қоидаларига риоя этиш ва республика аҳолисини меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган фармойишга имзо чекди.

* * *

20 июль. Президент Ислом Каримов республикамизга расмий ташриф билан келган Э. Райнхардт бошчилигидаги Германия Бундестаги делегациясини қабул қилди. Ислом Каримов меҳмонларга Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият, ГФРга қилинган сафардан сўнг янги поғонага кўтарилган ўзаро ҳамкорлик алоқалари хусусида сўзлаб берди.

* * *

20 июль. Президент Ислом Каримов БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили этиб тайинланган Холид Башир Маликни қабул қилди. Холид Малик Президентга ишонч ёрлиғини топширар экан, халқаро ташкилот раҳбари Бутрос Ғолийнинг эзгу тилакларини етказди.

* * *

21 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 июль. Президент Ислом Каримов Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпаягонийни қабул қилди. Элчи Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

26 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Россия Марказий банкининг 1961-1992 йиллар намунасидаги СССР давлат хазина билетларини, СССР давлат банки билетларини ва Россия банки банкнотларини муомаладан чиқариш ҳамда Россия банкининг 1993 йил намунасидаги банкнотларини жорий этиш тўғрисидаги қарори билан боглиқ чора-тадбирлар ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 июль. Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва халқ хўжалиги тармоқларининг 1993 йилнинг биринчи ярмидаги иш якунлари, корхоналарнинг зарар кўриб ишлашини бартараф этиш чора-тадбирлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарига молиявий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди. Йигилишда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

28 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Алматига жўнаб кетди. Икки кун давом этган сафар чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари ўртасида икки томонлама муҳим ҳужжатлар имзоланди. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги делегация аъзолари Президент Нурсултон Назарбоев ҳамроҳлиғида Талгад туманидаги «Алмати» колхози, «Панфиловский» совхозларида бўлиб, хўжаликлар ҳаёти билан танишди.

* * *

30 июль. Президент Ислом Каримов «Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ғи фармонга имзо чекди.

* * *

31 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов америкалик жамоат ва сиёсат арбоби, халқаро юристлар компа-

нияси президенти, 1996 йили Атланта шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро олимпия ўйинлари ташкилий қўмитасининг раиси Эндрю Янг раҳбарлигидаги АҚШ ишбилармонлари делегациясини қабул қилди.

* * *

5 август. Президент Ислом Каримовнинг «Правда» газетаси мухбирига берган интервьюси «Биз кечаги кунимиздан воз кечмай, келажакни кўзлаб ишламоқдамиз» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

5 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш («Даваархитектқурилиш») қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарларининг йиғилишида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди. Россия Федерацияси пойтахтидаги учрашувда қатнашган давлат бошлиқлари иқтисодий масалаларга бағишлаб учрашув ўтказиш зарурлиги ҳақида Ҳамдўстлик мамлакатларининг барча раҳбарларига мурожаатнома, МДҲ чегараларининг дахлсизлиги ҳақида баёнотнома, Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги вазиятни изга солиш чоралари тўғрисида баёнот, Афғонистон билан чегарада вазиятнинг кескинлашгани тўғрисида БМТ Бош котибига мурожаатнома қабул қилдилар.

* * *

11 август. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга Вьетнам Социалистик Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Нгуен Ван Дак ишонч ёрлигини топширди.

* * *

14 август. Президент Ислом Каримов амалий ташриф билан Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятида бўлди. Бу ерда икки давлат бошлиқлари 1994-2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги баённомани имзоладилар.

* * *

16 август. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркия Республикаси диёнат ишлари бошқони Меҳмет Нури Йилмез раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

* * *

19 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳошимий Рафсанжонийнинг шахсий вакили сифатида мамлакатимизга ташриф буюрган Эрон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари М.Воизийни қабул қилди. Самимий ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари, минтақада, жумладан, тожик-афғон чегарасида вужудга келган кескин вазият сабаблари ва уни юмшатиш йўллари хусусида фикр алмашилди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамгармани ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Қозоғистон Республикасининг Кўкчатов вилоятига жўнаб кетди. Ўзбекистон раҳбари Президент Нурсултон Назарбоев ҳамроҳлигида Кўкчатовдаги чинни заводини, фойдали қазилмалар нусхалари сақланадиган музейни ва бошқа иншоотларни кўздан кечирди.

* * *

27 август. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари Президентлари Кўкчатов вилоятининг қатор галлакор хўжаликларида бўлишди. Шундан сўнг уч давлат раҳбари Айиртов туманидаги Қосқул овулига келишиб, улуғ қозоқ оқини Ахан Серэннинг таваллудига 150 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган тантаналарда иштирок этишди ва йирик олим Чўқон Валихонов уй-музейини бориб кўришди. Уч мамлакат раҳбари, шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик масалалари ҳақида ҳам маслаҳатлашиб олдилар.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов АҚШда нашр этиладиган «Тайм» ҳафталик журнали мухбири Жон Коханни қабул қилди. Суҳбат чоғида Юртбошимиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида сўзлаб берди.

* * *

31 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1993 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарликни тугаллаш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида буюк саркардага ўрнатилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиқди. Шу куни

Юртбошимиз Тошкентдаги Мустақиллик майдонида мамлакатимиз мустақиллигининг икки йиллиги тантаналарида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

2 сентябрь. Президент Ислом Каримов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида маъруза қилди. Президентнинг ушбу маърузаси «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

2 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Давлат статистикаси тўғрисида»ги, «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал кодекси» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

3 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ветеринария тўғрисида»ги, «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

4 сентябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Европа Тикланиш ва тараққиёт банки биринчи вице-президенти Рональд Фриман бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Ислом Каримов меҳмонларга республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, замонавий ва қудратли банк тизимини яратиш йўлидаги ишлар хусусида сўзлаб берди.

* * *

4 сентябрь. Президент Ислом Каримов АҚШнинг «Ньюмонт майнинг корпорейшн» фирмаси президенти Гордон Паркер бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашув чоғида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш истиқболлари хусусида сўз борди.

* * *

4 сентябрь. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги «Туркистон» саройининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди. Унда Президент қурувчилар жамоасига миннатдорлик билдириб, халқимизни ушбу маданий-маънавий марказнинг ишга тушиши билан қутлади.

* * *

6 сентябрь. Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида халқаро банклар конференцияси иш бошлади. Бу анжуманда жаҳоннинг 60 га яқин йирик банк ва халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этди. Конференциянинг мақсади Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл сармоясини кўпроқ жалб этишга кўмаклашиш, хорижий сармоядорларни юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва ўлкамизнинг ички имкониятлари билан яқиндан таништиришдан иборат бўлди. Анжуманда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

8 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Дойче банк АГ» банкининг бошқарувчи директорлар кенгаши аъзоси Георг Крупп раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Ислом Каримов Г.Круппни Тошкентда «Дойче банк АГ» ваколатхонаси очилгани билан қутлаб, бу воқеа тўрт ой муқаддам бошланган ҳамкорлик самараси эканини айтди. Г.Крупп самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этар экан, Тошкентда ўз ишини якунлаган халқаро банклар конференцияси муваффақиятли ўтганини таъкидлади.

* * *

9 сентябрь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга Жанубий Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ким Сок Кю ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

10 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Чехия Республикаси саноат ва савдо вазири Владимир Длоугини қабул қилди. Меҳмон Ислом Каримовга Чехия Президенти Вацлав Гавелнинг мактубини топширди.

* * *

10 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Суғориладиган ерларда дон маҳсулотлари ҳосилини ошириш чоралари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 сентябрь. Президент Ислом Каримов АҚШда нашр этиладиган «Ю-эс-эй тудей» («Бугунги АҚШ») газетасига Ўзбекистон тўғрисида мақола тайёрлаш учун келган «Юнайтед уорлд лимитед» («Бирлашган дунё») мустақил ахборот агентлигининг мухбирлари Сесил Морин хоним ва жаноб Ян Лемкостернни қабул қилди.

* * *

13 сентябрь. Президент Ислом Каримов доктор Эдцарт Ройтер бошчилигидаги «Даймлер бенц АГ» концерни делегациясини қабул қилди. Суҳбат чоғида республикамиз корхоналари ва «Даймлер бенц АГ» концерни ўртасидаги ҳамкорлик миқёсини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

13 сентябрь. Президент Ислом Каримов «1993 йилнинг 1 сентябридан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 сентябрь. Президент Ислом Каримов АҚШ давлат департаментининг махсус топшириқлар бўйича элчиси Строб Талботтни қабул қилди. Суҳбат чоғида давлатимиз бошлиғи меҳмонга Ўзбекистоннинг яқин ўтмиши, бугуни ва келажак режалари ҳақида гапириб берди. У Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг истиқболига катта умид билан қараётганини айтди. Строб Талботт Ўзбекистон раҳбарига Президент Клинтоннинг саломини етказди ва ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳақидаги тилакларга самимий рағбат билдирди.

* * *

14 сентябрь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ботиршо Сайла ули ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

15 сентябрь. Президент Ислом Каримов доктор Эрнст Пипер бошчилигидаги Германия иқтисодиётининг Шарқий Европа мамлакатлари қўмитаси делегациясини қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари Германия ишбилармонларининг Ўзбекистонда амалга ошираётган ишларини алоҳида таъкидлади ва барча соҳаларда имзоланган битим ва шартномаларга ҳукумат номидан кафолат берамиз, деди.

* * *

16 сентябрь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ислом оламининг йирик вакили Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги тантаналари муносабати билан Бухоро вилоятида бўлди. Юртбошимиз Баҳоуддин Нақшбандниг муқаддас қадамжосини зиёрат қилиб, буюк мутасаввуфнинг таваллуди муносабати билан ўтказилган анжуманда иштирок этди.

Шу куни Президент ва унинг ҳамроҳлари Бухоро ва Жондор туманлари хўжаликларининг деҳқончилик ишлари билан танишдилар, Дамхўжа — Навоий — Бухоро сув қувурини кўздан кечирди.

* * *

17 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуида қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажаришда алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ меҳнаткашларни тақдирлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Миср Араб Республикасининг дин ва вақф ишлари вазири, ҳукумат аъзоси Муҳаммад Али Маҳжубни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида тиббиёт ва бошқа соҳа мутахассисларини тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик, Тошкент билан Қоҳира ўртасида ҳаво йўли очиш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

21 сентябрь. Президент Ислом Каримов АҚШдаги «Юнайтед Текноложис» корпорацияси президенти Жорж Дэвид бошчилигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди. Президентимиз суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Америка ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

* * *

21 сентябрь. Президент Ислом Каримов Эрон Ислом Республикаси фидоийлар ва ногиронлар жамғармаси раиси Муҳсин Рафиқ Дўст бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

* * *

23 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафидан бўшатиш ва фуқароларни навбатдаги ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 сентябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Тошкент тўқимачилик комбинати ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг 60 йиллиги муносабати билан корхона жамоасига табрик йўллади.

* * *

24 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳамдўстлик мамлакатлари бошлиқларининг Москвада бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этди.

* * *

24 сентябрь. Президент Ислом Каримов Навоий кон-металлургия комбинатининг 35 йиллиги муносабати билан мазкур корхона жамоасига табрик йўллади.

* * *

26 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессиясида иштирок этиш учун АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессияси минбаридан нутқ сўзлади.

Сессия кунлари Ислом Каримов БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий, АҚШ Президенти Билл Клинтон, БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Н.Гоулдинг билан мулоқот қилди. Сафар давомида АҚШнинг «Морган Гаранти Траст компани» ва «Кемикел Банк» сингари йирик банклари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди ҳамда битимлар имзолади. Шунингдек, Ислом Каримов АҚШда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан учрашиб, улар билан самимий суҳбатлашди.

* * *

30 сентябрь. Президент Ислом Каримов Халқаро қариялар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг кекса фуқароларига табрик йўллади.

* * *

1 октябрь. Президент Ислом Каримовга янги тайинланган Украина Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Сметанин, Швейцария Конфедерациясининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Пауль Випфли ишонч ёрлиғини топширишди.

* * *

1 октябрь. Президент Ислом Каримов «Халқаро қариялар куни муносабати билан республиканинг кекса фуқароларини моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 октябрь. Президент Ислом Каримов октябрь ойининг биринчи якшанбасини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ходимлари куни этиб белгилаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди ва Халқ таълими ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон маърифат аҳлига табрик йўллади.

* * *

8 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳри маданияти кунларини ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 октябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Гулистон шаҳрида Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида нутқ сўзлади.

* * *

14 октябрь. Президент Ислом Каримов Уильям Райри бошчилигидаги Халқаро Молия Корпорацияси делегациясини қабул қилди. Президентимиз Шарқий Европада кечаётган ислоҳот жараёнларида бу ташкилотнинг ҳиссаси катта эканини таъкидлаб, бу йирик молия ташкилоти билан қўшма тижорат банки, меҳмонхоналар, халқаро бизнес маркази, қўшма сайёҳлик компанияси барпо этиш лойиҳалари устида иш олиб борилаётганидан мамнунлигини айтди.

* * *

14 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган Қамаши тумани пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

15 октябрь. Президент Ислом Каримов Буюк Британиянинг ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари бўйича давлат вазири Даглас Хоггни қабул қилди.

* * *

18 октябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов юртимизга ташриф буюрган Эрон Ислом Республикаси Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний бошчилигидаги ҳукумат делегациясини кутиб олди. Шу куни икки мамлакат раҳбарларининг яккама-якка мулоқоти бўлиб ўтди. Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Акбар Ҳошимий Рафсанжоний иштирокида кенгайтирилган таркибда музокаралар давом эттирилди. Музокаралар ниҳоясида журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди.

* * *

19 октябрь. Мамлакатимизга ташриф буюрган Эрон Ислом Республикаси Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Бухорога жўнаб кетди.

* * *

20 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта режасини бажарган Хоразм вилояти меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

21 октябрь. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов «Лонро» корпорацияси раиси Дитер Ханс Бок бошчилигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди. Суҳбат чоғида мамлакатимиз ер ости қазилма бойликларини халқ манфаати йўлида сарфлаш, жумладан, «Лонро» корпорацияси билан ҳам ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

* * *

21 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1992 ва 1993 йил ҳосилидан олинган пахта толасини сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 октябрь. Президент Ислом Каримов «Дейли телеграф» ахборот маҳкамасининг мухбири Дональд Трелфордни қабул қилди ва уни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

* * *

22 октябрь. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Вильфред Талвицни қабул қилди. Президентимиз бу нуфузли жамғарманинг республикамиздаги иқтисодий ислоҳотларни маблағ ва техник ёрдам билан қўллаб-қувватлаётганини юқори баҳолади.

* * *

22 октябрь. Президент Ислом Каримов шоли тайёрлаш бўйича йиллик режани бажарган Қорақалпоғистон Республикаси шоликорларига табрик йўллади.

* * *

22 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича йиллик режани бажарган Бухоро вилояти пахтакорларига табрик йўллади.

* * *

23 октябрь. Президент Ислом Каримов Имом Бухорий масжидини таъмирлаш юзасидан энг яхши лойиҳа учун эълон қилинган халқаро танлов якуний босқичи ва «Имом Бухорий ҳаёти ва даври» халқаро илмий анжумани қатнашчиларига ҳамда Тошкентда ўтаётган «Театр: Шарқ—Ғарб» халқаро фестивали қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

23 октябрь. Президент Ислом Каримов Франциянинг «Франс пресс» агентлиги мухбири Мино Рад, «Либерасьон» газетаси мухбири Андре Марк Бронеро ҳамда Мексика Қўшма Штатларининг «Телевиса» телевидениеси мухбири Элен Хирш Лабревени илтимосларига биноан қабул қилди ва уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

* * *

24 октябрь. Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилган кун ҳамда Ўзбекистонда БМТ ваколатхонасининг расмий очилишига багишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

27 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеранниг таклифига биноан давлат ташрифи билан Парижга жўнаб кетди.

Ўзбекистон делегацияси ва унинг раҳбарини «Орли» аэропортида мамлакат Президенти Франсуа Миттеран бошчилигидаги ҳукумат раҳбарлари кутиб олди.

Ташрифнинг биринчи кунида Президент Ислом Каримов Франция Президенти Франсуа Миттеран ва Бош вазир Эдуар Балладюр, ташқи ишлар вазири Ален Жюппе билан суҳбатлашди ҳамда Елисей саройида янги Европанинг Париж хартиясига имзо чекди.

* * *

28 октябрь. Президент Ислом Каримов Франция ишбилармонлари миллий кенгашининг вице-президенти Филипп Жискар д'Эстен ва француз тадбиркорлари билан учрашди. Париж мэриясида Миллий Мажлис раиси Филипп Сегэн билан суҳбатлашди. Президентимиз «Креди коммерсьал де Франс» банкида бўлиб, Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши лойиҳасини маблаг билан таъминлашни кўзда тутган битим имзоланишида иштирок этди. Шунингдек, Лувр музейини, машҳур Эйфель минорасини бориб кўрди.

* * *

28 октябрь. Президент Ислом Каримов «1993 йилнинг 1 ноябридан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 октябрь. Президент Ислом Каримов Францияга сафари давомида «Буиг» қурилиш компаниясининг штаб квартирасида корхона президенти Мартин Буиг ва бош директор Жан-Пьер Конг билан учрашди. «Мираж-2000» қирувчи ҳамда «Фалькон» фуқаро реактив самолётлар ишлаб чиқарадиган машҳур «Дассо» самолётсозлик компанияси раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорлик хусусида гаплашди.

* * *

30 октябрь. Президент Ислом Каримов Францияга расмий сафарининг сўнгги кунида машҳур Версаль саройини бориб кўрди.

* * *

1 ноябрь. Президент Ислом Каримов йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарган Навоий вилояти меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

3 ноябрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил топганининг 50 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз олимлари, илмий-техник ходимлари, барча мутахассислари ва хизматчиларига табрик йўллади.

* * *

4 ноябрь. Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил топганининг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

5 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг республикада иқтисодий ислоҳотнинг бориши ва халқ хўжалиги тармоқларининг 9 ойлик якунлари муҳокама қилинган мажлисида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

8 ноябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича йиллик режани бажарган Қорақалпогистон Республикаси меҳнаткашларига табрик йўллади. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Пул муомаласини барқарорлаштиришга оид қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 ноябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича йиллик режани бажарган Сурхондарё вилояти меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

10 ноябрь. Президент Ислом Каримов Алматига ташриф буюрди. Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг интеграцияга оид алоқалари, ҳамкорликдаги иқтисодий сиёсатига боғлиқ масалалар юзасидан музокаралар бўлиб ўтди. Шунингдек, икки мамлакатда СССР Давлат банки ва Россия банки 1961—1992 йилларда чиқарган пулларнинг муомаладан олиниши масаласи ҳам кўрилди. Шу куни ҳар икки мамлакат президентлари баёнотга имзо чекди ва журналистлар билан учрашди.

* * *

12 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистоннинг ўз пули — «сўм-купон»га ўтишига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида баравар тўлов воситаси сифатида «сўм-купонлар»ни муомалага киритиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Республика аҳолисини меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ижтимоий адолат қоидаларига риоя этиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

15 ноябрь. Президент Ислом Каримов Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Александр Пол Эйкорт Берндан ишонч ёрлигини қабул қилди.

* * *

15 ноябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича йиллик режани бажарган Андижон вилояти меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

16 ноябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга янги тайинланган Нидерландлар Қироллигининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Годерт Виллем Барон де Вос Ван Стайнвейк, Тунис Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Тнани Рида ишонч ёрлигини топширишди.

* * *

16 ноябрь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козиревни қабул қилди. Суҳбатда ҳар икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий, савдо ва маданий соҳаларда эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва уларни ривожлантириш учун амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар ҳақида фикр алмашилди.

* * *

17 ноябрь. Президент Ислом Каримов Буюк Британиянинг Рейтер ахборот агентлиги, Би-би-си корпорацияси ҳамда мазкур мамлакатда нашр этиладиган «Геральд» газетасининг Марказий Осиё бўйича мухбирлари Жеймс Кинг, Алан Жонстон ва Тимоти Жонстонни уларнинг илтимосига биноан қабул қилди ҳамда саволларига жавоб қайтарди.

* * *

17 ноябрь. Президент Ислом Каримов Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европадаги минтақавий бюроси директори жаноб Асваллни қабул қилди.

* * *

18 ноябрь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Франциядаги «Луис Дрейфус» компанияси соҳиби ва раиси жаноб Жерард Луис Дрейфус, компания вице-президенти Жан Мари Фушер ва жамоа бош директори Жорж Гатефни қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилди.

* * *

22 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республикада истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш борасидаги қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 ноябрь. Президент Ислом Каримов «1993 йил 1 декабридан иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий-амалий ташриф билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигига жўнаб кетди.

* * *

23 ноябрь. Президент Ислом Каримов расмий сафарининг дастлабки куни «Ротшильд энд санз» банки раҳбарияти ва ишбилармонлари билан мулоқот ўтказди. Сўнг Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Президенти Жак де Ларозьер, бош котиб Барт де Бланк билан учрашди ва ҳамкорликни кўзда тутувчи бир қатор ҳужжатларга имзо чекди. Ислом Каримов «Морган Гренфель» банки директорлар кенгаши раиси Мартин Вебб, шунингдек, «Рио тинто цинк» компанияси раҳбарлари билан ҳам мулоқотлар ўтказди. Шу куни Лондон шаҳри мэри лорд Боль Нюалл билан учрашди, кечга яқин эса Ташқи ишлар бўйича давлат вазири Даглас Хогг билан ҳамкорликни ривожлантириш хусусида суҳбатлашди.

* * *

23 ноябрь. Президент Ислом Каримов Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллик тўйи муносабати билан шаҳар аҳлига табрик йўллади.

* * *

24 ноябрь. Президент Ислом Каримов сафари давомида «Побжой» пул ишлаб чиқариш компаниясини бориб кўрди. «Лонро» компаниясида эса корхона директори ва етакчи мутахассислар билан мулоқот ўтказди. Машҳур Букингем саройида қиролича Элизабет Иккинчи зоти олиялари билан учрашиб, икки мамлакат халқларининг ўзаро маънавий-маданий алоқаларини ривожлантириш хусусида суҳбатлашди.

Куннинг иккинчи ярмида Буюк Британия Саноат конфедерациясида Англия ишбилармонлари доираси вакиллари билан учрашди. Президент Ислом Каримов учрашув сўнгида матбуот конференцияси ўтказди.

* * *

25 ноябрь. Президент Ислом Каримов сафарнинг сўнгги куни телефон аппаратлари, марказий алоқа ва узатиш асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган «Жи-пи-ти» компаниясига ташриф буюрди. Ислом Каримов Ливерпуль шаҳри мэри Майкл Блэк билан суҳбатлашди ва Ливерпуль пахта ассоциацияси фаолияти билан танишди. Шу куни Ўзбекистон ушбу ассоциацияга қабул қилинди.

* * *

30 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Бошоқли дон экинларининг харид нархларини ошириш тўғрисида»ги фармонга ва «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «сўм-купон»лар муомаласи тартибини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига имзо чекди.

* * *

1 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 декабрь. Президент Ислом Каримов Эндрю Гельфи бошчилигидаги Франция ишбилармонлар делегациясини қабул қилди. Делегация раҳбари суҳбат давомида Ўзбекистонда жаҳон талабларига жавоб берадиган халқаро аэропорт, меҳмонхоналар, қанд заводлари қуриш, чиқиндиларни қайта ишлаш, нефть ва газ саноати соҳаларида ҳамкорлик қилиш нияти борлигини айтди.

* * *

3 декабрь. Президент Ислом Каримов «Республика театрлари артистларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини яхшилаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг бир

йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 декабрь. Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

11 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Пул муомаласини тартибга солишнинг айрим чоралари ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 декабрь. Президент Ислом Каримов АҚШ стратегик ва халқаро алоқалар марказининг маслаҳатчиси Збигнев Бжезинскийни қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларнинг истиқболлари хусусида сўз борди.

* * *

13 декабрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов диёримизда меҳмон бўлиб турган Южи Киекава бошчилигидаги Япония Ташқи савдо ва саноат вазирлиги делегацияси ҳамда япон ишбилармонларини қабул қилди.

* * *

13 декабрь. Президент Ислом Каримов юртимизга расмий-амалий ташриф буюрган Беларусь Республикаси Олий Кенгаши Раиси Станислав Шушкевични кутиб олди.

* * *

15 декабрь. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Патрик Шихи бошчилигидаги «БАТиндастриз» компанияси делегацияси аъзоларини қабул қилди. Ишчанлик руҳида ўтган суҳбат чоғида Тошкент тамаки фабрикасини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, сўнгра уни кенгайтириш, шунингдек, Самарқандда янги қўшма корхона барпо этишга оид масалалар юзасидан келишиб олинди.

* * *

16 декабрь. Президент Ислом Каримовга янги тайинланган Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Роман Пал, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Бенамер Моҳанд Ақли ишонч ёрлигини топширишди.

* * *

22 декабрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Далип Меҳтани қабул қилди. Суҳбатда ўзаро манфаатли алоқаларни янги талаблар асосида мустаҳкамлаш — ҳамкорликнинг мантиқий ва қонуний жараёни экани таъкидланди.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг республикада иқтисодий ислоҳотнинг бориши, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига бағишланган кенгаши бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар, концернлар ва бошқа хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлар иштирок этди. Кенгашда Президент Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

23 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон овози» газетаси ижодий жамоаси ва унинг муштарийларига газетанинг 75 йиллик тўйи муносабати билан табрик йўллади.

* * *

23-24 декабрь. Президент Ислом Каримов Ашгабат шаҳрида бўлиб ўтган Ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

* * *

25 декабрь. Президент Ислом Каримов Иштихон туманининг ярим асрлик тўйи муносабати билан туман аҳлига табрик йўллади.

* * *

28 декабрь. Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

28 декабрь. Президент Ислом Каримов «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатга олганлик учун ундириладиган йигим ва бундай шахсларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

29 декабрь. Президент Ислом Каримов Ҳиндистон Республикасига расмий сафари

олдидан «Таймс оф Индия» газетасининг мухбири Ромеш Чандрани қабул қилди ва унинг саволларига жавоб қайтарди.

* * *

29 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимлари куни этиб октябрь ойининг биринчи якшанбасини белгилаш тўғрисида»ги ва «14 январь — Ватан ҳимоячилари куни этиб белгилаш тўғрисида»ги Олий Кенгаш қарорларини тасдиқлади.

* * *

29 декабрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон ёшларига Янги йил табриги йўллади.

* * *

30 декабрь. Президент Ислом Каримов Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Филипп Сидорскийни ҳамда Исроил давлатининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Израиль Мей-Амини қабул қилди.

* * *

31 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш чоралари ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Янги йил табриги йўллади.

1994 йил

3 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси экспорт имкониятларини оширишни янада рағбатлантириш чоралари ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3-5 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди. Сафар давомида мамлакатимиз раҳбари Ҳиндистон Республикаси Президенти Шанкар Дайял Шарма ва Бош вазир Нарасимха Рао билан яккама-якка мулоқот ўтказди.

Деҳлидаги Жавоҳарлаъл Неру университети профессор-ўқитувчиларининг тантанали йиғилишида Ислом Каримовга ҳуқуқшунослик доктори фахрий даражаси берилди.

Уч кун давом этган ташриф мобайнида Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга қаратилган бир қанча ҳужжатлар имзоланди.

* * *

7 январь. Республикамиз Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Сардор Асаф Аҳмад Алини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ҳукумати билан Покистоннинг янги тузилган ҳукумати ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш, ҳар икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини равнақ топтириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

7 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси жамоа хўжаликларининг намунавий уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 январь. Президент Нурсултон Назарбоев бошчилигидаги Қозоғистон Республикаси давлат делегацияси Тошкентга келди. Шу куни Халқлар дўстлиги саройида Президент Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев бошчилигидаги давлат делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Икки қардош мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари ўртасида ягона иқтисодий ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартномани ва Қозоғистон давлат делегациясининг ташрифи якунлари ҳақидаги қўшма баёнотни имзоладилар.

* * *

11 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Нукус шаҳрига ташрифида ҳамроҳлик қилди. Улар бу ерда Орол денгизини асраш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишда иштирок этишди. Анжуманда Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Тожикистон Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов, Россия Федерацияси Бош вазирининг ўринбосари Юрий Яров бошчилигидаги мазкур давлатлар расмий делегациялари қатнашди.

* * *

12 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Хива шаҳрининг жаҳонга машҳур обидаларини зиёрат қилишди.

* * *

13 январь. Президент Ислом Каримов 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шахсий таркибига ва барча ҳарбий хизматчиларга табрик йўллади.

* * *

16 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги расмий давлат делегацияси амалий ташриф билан Бишкекда бўлди. Қирғизистон Республикаси ҳукумат уйида ўтказилган музокараларда давлатлар, ҳукуматлар ва банклараро муҳим ҳужжатлар имзоланди. Президентлар оммавий ахборот воситалари мухбирлари учун матбуот конференцияси ўтказишди.

* * *

18 январь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Финляндия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Койстинен Антти Тапиодан ишонч ёрлигини қабул қилди.

* * *

18 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ бош бошқармасини Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитасига айлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25-26 январь. Тошкентда саноатчилар ва ишбилармонларнинг халқаро конгресси кенгашининг мажлиси ҳамда Россия ва Ўзбекистон саноат корхоналари раҳбарларининг икки томонлама учрашувлари бўлиб ўтди. Кенгаш Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

27-31 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро иқтисодий анжуманда иштирок этди. У ерда мамлакатимиз раҳбари Швейцария Конфедерацияси Президенти Отто Штих, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Покистон Бош вазири Беназир Бхутто, Россия Бош вазири Виктор Черномирдин, Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес билан суҳбатлашди. Шунингдек, дунёнинг энг йирик банклари ва фирмалари бошлиқлари билан мулоқотлар ўтказди.

* * *

1 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Гаров ҳақидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича муваққат низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 февраль. Президент Ислом Каримов Вьетнам Социалистик Республикаси ташқи ишлар вазири Нгуен Ман Камни қабул қилди.

* * *

7 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козиревни қабул қилди. Ўзаро суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, ҳарбий-техник, гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, МДҲдаги вазият, минтақавий ва халқаро миқёсдаги муносабатлар борасида ҳам фикрлашиб олинди.

* * *

14 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 февраль. Президент Ислом Каримов «Республикада давлат назорати тизимини такомиллаштиришга оид баъзи тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Мажлисда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар, айниқса чорвачилик соҳасидаги ислоҳотларни такомиллаштириш ва фермер хўжаликларига зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Президентнинг ушбу маърузаси «Деҳқончилик тараққиёти — фаровонлик манбаи» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

22 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва юртимизга расмий ташриф буюрган Тожикистон раҳбари Имомали Раҳмонов ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда ҳар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва уларга қонуний тус бериш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мулоқот сўнгида икки мамлакат ўртасида 1994 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик юзасидан битим имзоланди. Шундан сўнг Ислом Каримов билан Имомали Раҳмонов иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

* * *

22 февраль. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Чино Тадао бошчилигидаги Япония модернизациялаш жамияти делегациясини қабул қилди.

* * *

22 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатлари-

ни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларга имзо чекди.

* * *

26 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Савдони эркинлаштириш ва истеъмол бозорини товарлар билан тўлдиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 февраль. Президент Ислом Каримов «1994 йилнинг 1 мартидан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг бош котиби Вильгельм Хойнкни қабул қилди.

* * *

28 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон шартномалар ва савдо бўйича давлат-акционерлик уюшмаси «Ўзшартномасавдо»ни тугатиш ҳамда Ўзбекистон улгуржи ва биржа савдоси бўйича республика акционерлик уюшмаси — «Ўзулгуржибиржасавдо»ни таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига давлат ташрифи бошланди. Катта Кремль саройининг Георгий залида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Сўнг Ислом Каримов билан Борис Ельцин яккама-якка учрашдилар. Унда икки томонлама муносабатлар, сиёсий, иқтисодий ва халқаро масалалар бўйича ўзаро фикр алмашилди. Музокаралар ниҳоясида Ислом Каримов ва Борис Ельцин иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳақидаги декларацияни ҳамда бошқа ҳужжатларни имзоладилар.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Бош вазири Виктор Черномирдин билан учрашди. Суҳбат чогида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка оид қатор масалалар муҳокама этилди.

* * *

3 март. Россия Федерациясида меҳмон бўлиб турган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов сафарининг иккинчи куни Номаълум аскар қабрига гулчамбар қўйди. Шундан кейин Кремль саройида Ислом Каримов бошчилигидаги республикамиз делегациясини расмий кузатиш маросими бўлди.

* * *

5 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамгармасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бекобод металлургия заводи ташкил этилганининг 50 йиллиги муносабати билан корхона жамоасига табрик йўллади.

* * *

6 март. Президент Ислом Каримов 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мамлакат хотин-қизларига табрик йўллади.

* * *

10 март. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Тошкентда ўтаётган «Ўзбекистонга хорижий сармояларни жалб этиш бўйича давра суҳбати» мавзуидаги халқаро конференция иштирокчиларидан бир гуруҳини қабул қилди.

* * *

10 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг илк мажлиси бўлди. Мажлисни Президент Ислом Каримов бошқарди. Унда мазкур кенгаш тўғрисидаги низом лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қандай бажарилаётгани, мулкни хусусийлаштиришнинг давлат дастури, йирик ва ўртача корхоналарни очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантиришнинг асосий йўналишлари, тамойиллари ва воситалари ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

* * *

11 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франциянинг Ўзбекистон билан алоқалар бўйича миллий кенгаши

президенти, Франция тадбиркорлари миллий кенгаши вице-президенти Филип Жискар д'Эстен бошчилигидаги ишбилармонларни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари Франция билан Ўзбекистон ишбилармонлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг йирик режалари ишлаб чиқилаётгани, айниқса, нефтни қайта ишлаш, қурилиш, банк ишлари соҳасида ҳамкорлик қилишнинг истиқболлари хусусида сўзлади.

* * *

11 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қиргизистон Республикасининг Ўш вилоятида юз берган табиий офат муносабати билан Президент Асқар Акаевга ҳамдардлик билдирди.

* * *

15 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 март. Президент Ислом Каримов «1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 март. Халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

18 март. Президент Ислом Каримов «Савдога ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банкини ташкил этиш ҳақида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона тўғрисидаги қонунларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар ҳақида»ги фармонларга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини такомиллаштириш, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

19 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Наврўз табриги йўллади ҳамда улуг ўзбек олими, темурийлар сулоласининг муносиб давомчиси, йирик давлат арбоби Муҳаммад Тарағай — Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан «1994 йилни Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги миллий боғ майдонида Наврўз байрамига багишланган тантанада иштирок этди ва халқимизни ушбу байрам билан қутлади.

* * *

25 март. Вазирлар Маҳкамасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар раҳбарлари иштирокида кенгаш бўлиб ўтди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Кенгашда «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонининг бажарилиши муҳокама этилди.

* * *

26 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари билан учрашди. Мулоқот чоғида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, бу борадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг катта бир гуруҳи тажриба алмашиш, бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритиш усулларини янада пухта ўрганиш мақсадида хорижий давлатларда бўлган эди. Учрашувда ана шу сафар натижалари ҳақида ҳам фикр юритилди.

* * *

28 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг «Ньюмонт майнинг» корпорацияси делегациясини қабул қилди. Суҳбат давомида олтин ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

29 март. Қозогистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Нажамеден Искалиев Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

29 март. Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Солижон Жигитов Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

30 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Муштум» журналининг 70 йиллик юбилейи муносабати билан таҳририят жамоасига табрик йўллади.

* * *

31 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Чорва моллари ва сутнинг харид нархларини ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 5 мартдаги 774-сонли фармонни амалда рўёбга чиқариш масалалари ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари Сенатининг халқаро алоқалар комитети раиси, сенатор Клейборн Пеллни қабул қилди. Президентимиз Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муайян бир изга тушаётганини алоҳида таъкидлади. Сенатор Клейборн Пелл сафардан асосий мақсади республикада бозор иқтисодиётига ўтиш ва мулкни хусусийлаштириш жараёни билан яқиндан танишиш эканини эътироф этди.

* * *

5 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Се Гён Идан ишонч ёрлиғини қабул қилди.

* * *

5 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жанубий Африка Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Корнелиус Франсуа Якобсдан ишонч ёрлиғини қабул қилди.

* * *

5 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи қурултойи қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

9 апрель. Вазирлар Маҳкамасида республика вазирликлари, давлат қўмиталари, уюшмалар, тегишли ташкилот, муассаса ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари, олимлар иштирокида мажлис бўлиб ўтди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда республика ҳудудида баҳор-ёз ойларида тошқин-сел оқимлари келтириб чиқариши мумкин бўлган талафотларнинг олдини олиш, рўй берган кўчки оқибатларини тугатиш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

* * *

9 апрель. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг бир йиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси фуқароларига табрик йўллади.

* * *

11 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва «сўм-купон»нинг харид қувватини ошириш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тошқин, сел оқимларини оқизиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боглиқ бўлган ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Давлат буюртмаси бўйича сотиладиган пахта толаси ва бошоқли дон экинларининг харид нархларини ошириш тўғрисида»ги қарорларга имзо чекди.

* * *

13 апрель. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Халқаро Олимпиада қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Жаноб Хуан Антонио Самаранч республика ҳукуматининг спорт равнақи йўлидаги хизматлари учун мамнуният изҳор этди ва келгусида Тошкентда олимпиада ўйинларини ўтказиш билан боғлиқ вазифалар ва спортчилар учун яратилган шарт-шароитлар хусусида гапирди.

Шу куни Ислом Каримов мамлакатимизнинг машҳур спортчилари — олимпиада ўйинлари иштирокчиларини қабул қилди. Учрашувда ХОҚ президенти Хуан Антонио Самаранч ҳам иштирок этди ва спортчиларга муваффақиятлар тилади.

* * *

14 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиғи мамлакатлари раҳбарлари кенгашида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди. Кенгаш давомида МДҲ мамлакатларида ўзаро фойдали ҳамкорлик ва иқтисодиётни барқарорлаштириш учун кенг истиқболлар очиб берадиган йигирмадан ортиқ ҳужжат имзоланди.

* * *

18-19 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэнни қабул қилди. Улар ўртасида яккама-

якка суҳбат бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик истиқболи муҳокама қилинди. Музокаралар сўнгида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг Ислом Каримов ва Ли Пэн журналистлар билан суҳбатлашдилар.

* * *

20 апрель. ХХР Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ташриф буюрди. Ислом Каримов ва Ли Пэн заводнинг ишлаб чиқариш цехлари билан танишди. Ил-76 ТД ҳамда Ил-114 самолётлари Ли Пэнда ҳам, делегация аъзолари ва хитойлик журналистларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

* * *

20 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 апрель. Президент Ислом Каримов «Экспорт, импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўздонмаҳсулот» давлат концернини «Ўздонмаҳсулот» давлат-акционерлик корпорациясига айлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 апрель. Президент Ислом Каримов «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 апрель. Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран бошчилигидаги давлат делегацияси аъзоларини кутиб олди. Шу куни икки давлат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

26 апрель. Франция Президенти Франсуа Миттеран республикамиз раҳбари Ислом Каримов ҳамроҳлигида Хоразм заминига ташриф буюрди. Икки мамлакат раҳбарлари ва уларнинг рафиқалари кўҳна Хива шаҳрининг жаҳонга машҳур тарихий ёдгорликларини зиёрат қилдилар.

Франциялик мўътабар меҳмон ташрифининг тушдан кейинги дастури пойтахтимизнинг Алишер Навоий боғида, буюк бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйишдан бошланди.

Шу куни Ўзбекистон ва Франция раҳбарлари ўртасидаги мулоқот ва ўзаро музокаралар Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтди. Дастлаб Ислом Каримов ва Франсуа Миттеран яккама-якка суҳбат ўтказдилар, сўнгра ҳукумат аъзолари иштирокида музокаралар бошланди. Музокаралар якунида бир қатор расмий ҳужжатлар имзоланди. Шундан сўнг Ислом Каримов ва Франсуа Миттеран оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан учрашдилар.

* * *

27 апрель. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Франция Президенти Франсуа Миттеран Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқандга жўнаб кетди.

* * *

28 апрель. Президент Ислом Каримов Австрия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Фридрих Бауэрни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

* * *

29 апрель. Республикамиз Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четинни қабул қилди. Ўзбекистон раҳбари турк ва ўзбек халқлари ўртасидаги қардошлик ришталарини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси учун Ҳикмат Четинга миннатдорлик изҳор этди. Қабул маросимида Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Эрдўғон Айтун Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

29-30 апрель. Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаевнинг таклифига мувофиқ республикамиз Президенти Ислом Каримов Чўлпонота шаҳрида бўлди. Бу ерда Ўзбекистон, Қозогистон ва Қирғизистон давлат раҳбарларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди.

* * *

2 май. Вазирлар Маҳкамасида Ватанимизнинг биринчи олий нишони — «Соғлом авлод учун» орденини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, ижодий ва бадиий жамоалар вакил-

лари ҳозир бўлдилар. Маросимни Президент Ислом Каримов табрик нутқи билан очди ва мукофотланганларга «Соғлом авлод учун» орденини тантанали равишда топширди.

* * *

3 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укеру Магосакини қабул қилди. «Биз учун олис ва афсонавий диёр ҳисобланган Япония аллақачон келажакка — XXI асрга тамал тоши қўя бошлаган илғор давлат ҳамдир,— деди республикамиз раҳбари элчи билан суҳбат чоғида. — Сизнинг замонавий ва самарадор технологияга асосланган жаҳонга машҳур компанияларингиз сиёсий барқарор, иқлими қулай, бойликлари мўл-кўл Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириши ҳар икки томон учун бирдек манфаатли экани шубҳасиз».

* * *

3 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республика жамғарма банки муассасалари томонидан фуқароларнинг алоҳида махсус фоизсиз счётларга қабул қилиб олинган пул маблағларининг қайтариб берилиши тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тошкент давлат университетининг 75 йиллиги тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 май. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессияси ўз ишини бошлади. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Йўлимиз — мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

5 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва олий нишон — «Олтин юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

5 май. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

* * *

5 май. Президент Ислом Каримов «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

6 май. Президент Ислом Каримов «Банкротлик тўғрисида»ги, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ва «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

6 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ёқилғи-мойлаш материаллари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 май. Президент Ислом Каримов «1941—1945 йилларда фашизмга қарши урушда қатнашганларни ва мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларни Ғалаба куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фашизм устидан қозонилган галабанинг 49 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига, уруш ва меҳнат фахрийларига табрик йўллади.

* * *

9 май. Ғалабанинг 49 йиллиги шарафига пойтахтнинг Мустақиллик майдонидаги Номаълум аскар қабри ҳамда Биродарлик қабристонидаги «Мотамсаро она» меъморий ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйилди. Маросимларда Республика Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари «Юнусобод» спорт-согломлаштириш мажмуасини бориб кўрди ва спорт саройининг меъморчилигига оид мулоҳазаларини билдирди.

* * *

10 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг «Асахи», «Майнити» ва «Нихон кейзей симбун» газеталари мухбирлари Мисимура Йоити, Исигоока Кэн ҳамда Кая Тосихикони уларнинг илтимосига биноан қабул қилди. Ислом Каримов меҳмонларнинг Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос йўли ва ислоҳотлар жараёнининг бориши, республи-

камизнинг халқаро ҳамкорлик муносабатлари хусусидаги саволларига батафсил жавоб берди.

* * *

10 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцариянинг «Кредн свисс» банки директорлар кенгаши раиси Рейнер Гут бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

* * *

12 май. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Тошкент вилояти Бўка туманининг ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан туман меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

13 май. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Буюк Британиянинг «Лонро» компанияси президенти Дитер Бок ва шу компания директори Жон Платс-Милсни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари «Лонро» компанияси билан ўзбек ишбилармонлари ўртасидаги алоқалар кенгайиб бораётганини таъкидлар экан, бу ҳамкорлик янада самарали бўлиши учун қилинажак ишлар хусусида мулоҳазалар билдирди.

* * *

13 май. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон фуқаро авиациясининг 70 йиллиги муносабати билан авиация ишчи ва хизматчиларига табрик йўллади.

* * *

16 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Японияга жўнаб кетди. Шу куни олий мартабали меҳмон Токионинг «Ханэда» аэропортида тантанали равишда кутиб олинди. Мамлакатимиз раҳбари «Мицуи» компаниясининг президенти Наохика Кумагаи, Япония савдо ва саноат вазири Эйтиро Хата ва мамлакат молия вазири Хиросиха Фудзииларни қабул қилди.

* * *

17 май. Президент Ислом Каримов Япониядаги расмий ташрифи чогида Ўзбекистон Олий Кенгаши билан алоқани кучайтириш бўйича махсус қўмита тузишга аҳд қилган япон парламенти ташаббускор гуруҳи аъзолари билан учрашди. Шундан кейин Япония ва россиялик журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Япония императори Акихито билан учрашди. Император саройида олий мартабали меҳмон шарафига зиёфат берилди. Куннинг иккинчи ярмида Президентимиз бир қанча япон компаниялари, банк ва жамгармалари раҳбарлари билан мулоқотда бўлди. Кечқурун эса Ислом Каримов Япония Бош вазири Цутому Хата билан музокара юритди. Икки мамлакат ўртасида давлатлараро муносабатлар асосига доир қўшма баёнот имзоланди.

* * *

18 май. Президент Ислом Каримов Японiядаги сафари давомида «Кейденри» иқтисодий ташкилотлар федерацияси қароргоҳида кўзга кўринган ишбилармонлар билан мулоқотда бўлди, уларга хорижий сармояларни ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистонда яратилган шарт-шароит, зарур имтиёз ва кафолатлар тўғрисида сўзлаб берди.

* * *

19 май. Японияга сафарининг сўнгги куни Президент Ислом Каримов Осака шаҳрида машҳур «Панасоник» компаниясига қарашли «Мацусита» корхонаси ва «Танабэ» дори-дармон заводини бориб кўрди.

* * *

21 май. Республикамиз Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат қилиш халқаро дастурининг ижрочи директори Жоржио Жакомеллини қабул қилди. Суҳбат чоғида Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида гиёҳванд моддалар тарқалишига қарши кураш гоят долзарб масалалардан бири экани ва бу борада БМТ билан яқиндан амалий ҳамкорлик ижобий самаралар бериши қайд этилди.

* * *

23 май. Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистонда Қозогистон кунлари бошланиши муносабати билан Тошкентга келди. Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Сўнг ҳар икки давлат раҳбарлари «Ўзэкспомарказ»га келдилар. Бу ерда Қозоғистон Республикаси халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намуналари, фан-техника ютуқлари кўздан кечирилди. Шу куни Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев буюк шоир ва мутафаккир, туркий адабиётнинг улуғ даҳоси Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Шу куни кечқурун республикамиз пойтахтидаги «Туркистон» саройида Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунларининг очилишига багишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон ва Қозогистон Республикаларининг Президентлари Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

24 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов юртимизда меҳмон бўлиб турган

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан «Юнусобод» спорт мажмуини бориб кўрди. Нурсултон Назарбоев бошчилигидаги делегация шу куни ватанига жўнаб кетди.

* * *

25 май. Республикамиз Президенти Ислом Каримов дунёда пахта харид қилиш, уни сотиш, қайта ишлаш ва сертификация этиш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллаган Буюк Британиянинг «Мередит Жонс групп» компанияси раиси Найжел М.Жонсни қабул қилди. Ўзаро суҳбат чогида ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, қўшма корхона қуриш хусусида фикр алмашилди.

* * *

26 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Буюк Британиянинг савдо ва саноат давлат вазири Тим Эггарни қабул қилди. «Буюк Британия ва Европадаги бошқа ишбилармонлар ҳали Ўзбекистон ҳақида етарли тасаввурга эга эмас. Мамлакатимизнинг табиий захиралари, иқтисодий имкониятлари хусусида ахборот алмашув ҳамкорларимиз сафининг янада кенгайишида, ўзаро манфаатли алоқаларнинг мустаҳкамланишида муҳим омил бўлар эди», деди Ислом Каримов.

* * *

26 май. Президент Ислом Каримов «Қўшимча қийматдан олинадиган солиқ миқдорини камайтириш тўғрисида»ги фармонга ва Вазирлар Маҳкамасининг «Visa» дебет ва кредит карточкаларини муомалага чиқаришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

26 май. Президент Ислом Каримов «1994 йилнинг 1 июнидан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 май. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг иккинчи мажлиси бўлди. Мажлисни Президент Ислом Каримов бошқарди.

* * *

30 май. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котибининг ўринбосари Марек Гоулдингни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва БМТ ўртасида тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқалари, минтақадаги хавфсизлик ва барқарорлик масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

* * *

30 май. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов «Юнусобод» спорт мажмуида «Президент кубоги» учун теннис бўйича халқаро мусобақанинг тантанали очилиш маросимида қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

30 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Аҳолига сотиладиган ёқилги, электр энергияси чакана нархларини ҳамда йўловчи ташиш транспорти хизматларининг тарифларини ўзгартириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 июнь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё республикалари болалар фольклор-этнографик фестивали қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

1 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Чорва моллари ва сутнинг харид нархларини ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Конгресси сенатори Арлет Спектерни қабул қилди. Суҳбат давомида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш, ҳар икки томон учун фойдали ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш хусусида фикрлашиб олинди.

* * *

3 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Бошоқли дон экинларининг харид нархларини ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 июнь. Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам давлат ташрифи билан Тошкентга келди. Тошкент аэропортида Ким Ен Сам ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди. Шу куниёқ икки давлат раҳбари ташқи ишлар вазирлари иштирокида суҳбатлашдилар. Кечқурун эса олий мартабали меҳмон шарафига қабул маросими ўтказилди.

* * *

5 июнь. Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам ва рафиқаси ташрифининг иккинчи куни Самарқанд сафаридан бошланди. Меҳмонлар Шоҳизинда ва Гўри Амир мақбараларини зиёрат қилди. Регистон майдонида самарқандлик санъат усталари олий мартабали меҳмонлар шарафига концерт намойиш этди.

Ким Ен Сам ва унинг рафиқаси Самарқанд сафаридан сўнг мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигида Тошкент вилоятидаги Ким Пен Хва номидаги корпорацияда бўлди. Меҳмонлар бу ерда корпорациянинг меҳнат фахрийлари билан суҳбатлашди. Корпорация тарихидан ҳикоя қилувчи музейни бориб кўрдилар. «Қутб юлдузи» кошонасида ҳар икки мамлакат раҳбари юртимизда яшаётган корейсларнинг вакиллари билан учрашди.

* * *

6 июнь. Президентлар Ислом Каримов ва Ким Ен Сам буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар. Шундан сўнг Ким Ен Сам уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар билан учрашди.

Шу куни Халқлар дўстлиги саройида расмий музокаралар бошланди. Сўнгра Ислом Каримов ва Ким Ен Сам маҳаллий ва чет эл журналистлари билан учрашди ва уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Шу куни Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг мамлакатимизга давлат ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

8 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тошкент» республика фонд биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва қимматли қоғозлар бозори инфраструктурасини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тошкент шаҳридаги аҳолига автомобиль ёқилғисини нақд пулга сотувчи айрим автомобиль ёқилгиси қуйиш шохобчаларини тажриба тариқасида хусусийлаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 июнь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Тошкент халқаро хотин-қизлар конференцияси иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

10 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу йилги ҳаж сафари иштирокчилари — республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси Абдуғани Абдуллаев ва Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идораси ҳайъатининг раиси муфтий Мухторхон Абдуллаевни қабул қилди. Суҳбат чоғида бугунги маънавий янгиланиш, миллий қадриятларни тиклаш жараёнида дин аҳлларининг ўрни ва вазифаси ҳақида сўз борди.

* * *

16 июнь. Вазирлар Маҳкамаси билан Олий Кенгаш Раёсатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Уни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш, мамлакат ички истеъмол бозорини зарур моллар билан тўлдириш, ишлаб чиқариш корхоналарининг экспорт имкониятларини ошириш борасидаги вазифалар ҳамда болали оилаларни давлат томонидан муҳофаза қилишнинг янги тизими ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

* * *

16 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Буюк ипак йўли» ҳиссадорлик жамияти раиси Эрфон Куртўгли раҳбарлигидаги «Сабоҳ» ва «Туркия» рўзномалари, «Ипак йўли» журнали ҳамда АТВ, ТГРТ, Канал-Е телекомпаниялари мухбирларини қабул қилиб, журналистларнинг Туркия — Ўзбекистон муносабатлари ривожи, бўлажак ташриф мақсадлари, қадимий Буюк ипак йўлининг истиқболи ва бошқа мавзулардаги саволларига батафсил жавоб берди.

* * *

17 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Экспорт имкониятини кенгайтириш борасида корхоналар фаолиятини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов касб байрами муносабати билан мамлакат тиббиёт ходимларига табрик йўллади.

* * *

17 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республиканинг истеъмол бозорини тўлдириш, пул муомаласини мус-

таҳкамлаш ва экспорт имкониятини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укеру Магосакини қабул қилди. Элчи жаноблари Ислом Каримовга Япония Бош вазири Цутому Хатанинг шахсий мактубини топширди. Суҳбат чоғида мамлакатимиз раҳбарининг Японияга давлат ташрифи, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид ўзаро манфаатли фикрлашувлар бўлиб ўтди.

* * *

22 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўздонмаҳсулот» давлат-акционерлик корпорациясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 июнь. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси давлат ташрифи билан Туркияга келди. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги делегация аъзолари ташрифни Мустафо Камол Отатурк мақбарасига гуллар қўйишдан бошлади. Шундан сўнг Ислом Каримовнинг Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл билан яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётгани таъкидланди, ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни янада кенгайтириш хусусида фикрлашиб олинди. Шундан кейин президентлар иштирокида кенгайтирилган тартибдаги Ўзбекистон — Туркия музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар ниҳоясида давлат бошлиқлари қўшма баёнот имзоладилар.

* * *

24 июнь. Президент Ислом Каримов ташрифининг иккинчи куни Туркия Бош вазири Тансу Чиллер хонимни қабул қилди. Ўзаро мулоқот чоғида турли соҳалардаги ҳамкорлик ҳамда минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Ўзбекистон раҳбари Туркиядаги таниқли ишбилармонлар, йирик компания ва фирмаларнинг раҳбарларини ҳам қабул қилди. Бу учрашувларда ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Куннинг иккинчи ярмида Туркия Президенти қароргоҳида Ўзбекистон раҳбарини расмий кузатиш маросими бўлди.

* * *

24 июнь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига касб байрами муносабати билан табрик йўллади.

* * *

28 июнь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Америкaнинг Томас Свейн бошчилигидаги «Чейз Манхэттен банк» делегацияси аъзоларини қабул қилди. Ушбу суҳбатда ўзаро ҳамкорлик учун барча имкониятлар мавжудлигига, хорижий сармоядорлар ва банк эгаларига қулай шароит яратилганига эътибор қаратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Чейз Манхэттен банк» ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш юзасидан тегишли ҳужжат имзолангани қайд этилди.

* * *

4 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Исроил давлати ташқи ишлар вазири Шимон Пересни қабул қилди.

Суҳбат чоғида келгусида Ўзбекистон билан Исроил ўртасида соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, енгил саноат каби соҳалар бўйича ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, мутахассислар алмашиш масалалари муҳокама қилинди. Халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

4 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда хусусий мулк қилиб сотиш тартиби тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 июль. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Генри Маллер бошчилигидаги «Тайм инк» корпорацияси делегацияси аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, чет эллик сармоядорлар учун яратилган имконият ва имтиёзлар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

* * *

5 июль. Президент Ислом Каримов Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Филипп Сидорскийни унинг илтимосига биноан қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Элчи Президент Ислом Каримовга Россия Президенти Борис Ельциннинг муаллифлик дастхати битилган янги китобини тақдим этди.

* * *

7 июль. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда халқ хўжалигининг долзарб муаммоларини ҳал этишда республика олимлари олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Президентнинг ушбу маърузаси «Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин» сарлавҳаси билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

8 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари давлат ва ҳукумат бошлиқлари учрашувида иштирок этиш учун Алматига ташриф буюрди. Қозоғистон Президенти қароргоҳида уч мамлакат раҳбарларининг бевосита мулоқоти бўлиб ўтди. Сўнг делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокаралар ниҳоясида Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Акаев биргаликда баёнот ҳамда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон халқларига мурожаатнома қабул қилдилар. Шунингдек, аҳоли миграцияси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум ҳамда уч республика ўртасида Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банкини таъсис этиш тўғрисида битим имзоланди. Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Акаев журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

* * *

11 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муомаладаги нақд пулларни камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 июль. Президент Ислом Каримов юртимизда меҳмон бўлиб турган Япониянинг «Марубени корпорейшн» делегацияси раҳбари, корпорация бошқарувчи директори Хироси Мацумурани қабул қилди.Ислом Каримов ўзининг Япония сафаридан олган таассуротлари ҳақида сўз очиб, ушбу расмий ташрифдан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораётганини қайд этди.

* * *

15 июль. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг XV сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

15 июль. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ГФРдаги «Сименс» компанияси президенти ва бошқарув раиси доктор Х. Фон Пирерни қабул қилди. «Республикамиздаги алоқа тармоқларини янгилаш ва такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон ва «Сименс» ўртасида тузилган дастур, шунингдек, Соғлиқни сақлаш, Энергетика, Алоқа вазирликларимиз билан ҳамкорликка асосланган ҳамда 1994—1996 йиллар ичида амалда татбиқ этиш мўлжалланган лойиҳаларингиз эътиборга лойиқдир», деди мамлакатимиз Президенти меҳмонга.

Х.Фон Пирер Ўзбекистон ҳукуматининг мавжуд техникани модернизациялаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини маъқуллади ва бу ҳаракат келгусида республиканинг иқтисодий ва сиёсий камолотига ҳисса қўшади, дея ишонч билдирди.

* * *

15 июль. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Навоий кон-металлургия комбинатининг 2-гидрометаллургия заводининг ишга туширилганига 25 йил тўлиши муносабати билан корхона жамоасига табрик йўллади.

* * *

16 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГФР Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги расмий делегацияси раҳбари, парламент давлат котиби Ганс Петер Репникни ҳамда Германиядаги Аденауэр фонди бошқаруви раиси доктор Герд Ланггутни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон ва Германия ўртасида тобора кенгайиб бораётган ҳамкорлик алоқалари тўғрисида сўзлар экан, ўзбек мутахассисларининг Германияда ўқиб, тажриба орттиришида Аденауэр фонди катта ёрдам бераётганини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чогида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда миллий валютага ўтиш жараёнининг бориши, Марказий Осиё давлатларининг минтақавий ҳамкорлиги истиқболлари тўғри-

сидаги ва бошқа кўпгина масалалар юзасидан фикрлашилди.

* * *

21 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмашувини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбеккабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида бошқарувни такомиллаштириш ва уни «Ўзкабель» давлат акционерлик бирлашмасига айлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 июль. Президент Ислом Каримов «1994 йилнинг 1 августидан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Термизга келди. Мамлакатимиз раҳбари чегарачилар ҳузурида бўлиб, уларнинг ҳаёти билан танишди, офицер ва аскарлар билан суҳбатлашди. Ўзбекистон билан Афғонистонни боғлаб турадиган «Дўстлик» кўпригини бориб кўрди. Сўнг Сурхондарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Республика Президенти вилоятда ислоҳотларнинг боришини атрофлича таҳлил қилди.

* * *

27 июль. Республикамизнинг жанубий вилоятлари бўйлаб сафарга чиққан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Қарши шаҳрига келди. Бу ерда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисда Ислом Каримов сўзга чиқиб, Қашқадарёнинг бир қатор туманларида озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан ғалла етиштириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади. Шу куни мамлакатимиз раҳбари вилоятнинг бир қанча туманларида бўлиб, амалга оширилаётган ишлар билан танишди, мавжуд муаммолар билан қизиқди.

Президент Ислом Каримов шу куни Самарқандга етиб келди ва Самарқанд туманида ободонлаштириш, бунёдкорлик борасида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Жаҳон андозаларига мос тушадиган сув спорти базаси қурилишини кўздан кечирди. Янги бунёд этилаётган маданият ва истироҳат боғига ташриф буюрди.

* * *

28 июль. Президент Ислом Каримов Амир Темур мақбараси ва унинг атрофини таъмирлаш ишларининг бориши билан танишди. Сўнг Самарқанд вилояти фаолларининг йиғилишида иштирок этиб, нутқ сўзлади. Шундан кейин Юртбошимиз вилоятнинг Жомбой ва Челак туманларида бўлиб, деҳқон ва фермерлар билан суҳбатлашди.

* * *

29 июль. Вазирлар Маҳкамасида 1994 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунлари ва уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш чора-тадбирларига бағишланган мажлис бўлди. Йиғилишда Республика Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

1 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркиянинг «Бейендик» фирмаси бошқаруви раиси Меҳмет Бейендикни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш истиқболларига дахлдор масалалар муҳокама этилди.

* * *

2 август. Республика Президенти Ислом Каримов БМТнинг Афғонистондаги махсус миссияси раҳбари, БМТ Бош котибининг махсус вакили Маҳмуд Мистирий ва БМТнинг Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни мувофиқлаштирувчи бюроси директори Миссурис Сотирисни уларнинг илтимосига биноан қабул қилди. Суҳбат чоғида БМТнинг минтақавий можароларни, жумладан, Афғонистондаги ҳамда Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

3 август. Республика Президенти Ислом Каримов Тошкентда хорижий ваколатхоналар ходимлари, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда чет эллик журналистлар билан учрашди. Учрашув Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёни, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига бағишланди.

* * *

4 август. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси раиси, «Мицуи» компанияси президенти Наохика Кумагаи раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мулоқот чоғида Ислом Каримов «Мицуи» компаниясининг фойдали қазил-

ма конларини замонавий ускуналар билан таъминлаш, телеалоқа тармоқларини такомиллаштириш, шунингдек, молия, тўқимачилик саноати, хусусан, ипакчилик саноати соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик режаларини қўллаб-қувватлашини айтди.

* * *

4 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республика савдо-харид уюшмаси «Ўзтайёрловсавдо»ни ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятийни қабул қилди. Ислом Каримов ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этар экан, халқларимизнинг азалий дўстлигини ва ҳамкорлигини янада кенгайтириш истиқболлари, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, имзоланган ҳужжатларда баён этилган мақсадларнинг тўла амалга оширилишига эришиш муҳимлигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Эрон ҳамкорлиги минтақада тинчлик ва осойишталикнинг қарор топишига катта ҳисса қўшишини қайд этди.

* * *

10 август. Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиё — Америка тадбиркорлик жамғармаси раиси Стефан Соларзни қабул қилди. Ислом Каримов меҳмонга: «Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кенгайтириш йўлидан борар эканмиз, мутахассислар тайёрлаш, молиявий, техник ёрдам борасида жамғармангиз кўрсатажак кўмак яхши самаралар беришига умид қиламиз», деди. Жаноб С.Соларз ўзи бошқараётган жамғарманинг Ўзбекистонда, умуман, Марказий Осиё давлатларида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга кўмаклашишдан иборат стратегик вазифалари хусусида сўзлаб берди.

* * *

11 август. Вазирлар Маҳкамасида давлатимиз мустақиллигининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни Президент Ислом Каримов бошқарди.

* * *

11 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Малайзиянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Ризвон бин Муҳаммад Кушаирий ва Индонезиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ҳасан Абдужалилдан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

* * *

15 август. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Р.Отунбоевани қабул қилди.

Суҳбатда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар ҳамда ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги шартномада белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

16 август. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Францияда нашр этиладиган «Пари матч» газетасининг мухбирлари Катрин Брасс ва Рикардо Корриасни уларнинг илтимосига биноан қабул қилди. Мухбирлар суҳбат чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хорижий мамлакатлар билан йўлга қўйилаётган алоқалар, Ўзбекистон раҳбариятининг минтақада тинчликни қарор топтириш ва иқтисодий интеграцияни кучайтириш борасидаги сиёсати билан қизиқди. Президент мухбирларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди.

* * *

19 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 август. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси миллий-маданий марказлари 1-фестивали қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалиги соҳасини иқтисодий рағбатлантириш ва эркинлик бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1994 йилги пахта ҳосили йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 август. Президент Ислом Каримов «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг уч йиллиги муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козиревни қабул қилди. Мулоқот чогида икки томон учун ҳам манфаатли бўлган масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

* * *

25 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Пахта толаси ресурсларидан комплекс фойдаланиш чора-тадбирлари тўгрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 август. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Германиянинг Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Х. Гельдмахер бошчилигидаги «Крупп хёш интернейшнл» компанияси делегациясини қабул қилди. «Жаҳонга машҳур «Крупп хёш интернейшнл» фирмаси билан ҳамкорлик биз учун қувонарлидир, — деди давлатимиз раҳбари. — Темирйўл, агросаноат, ер ости бойликларини қазиб олиш соҳаларида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар ҳар икки томон учун фойдали бўлиши шубҳасиз».

Компания раҳбари Х. Гельдмахер фирманинг дунёдаги 41 мамлакатда 250 дан ортиқ ваколатхонаси борлигини маълум қилди ва машинасозлик, саноат маҳсулотларини қайта ишлайдиган асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, пўлат қуйиш, савдо ва бошқа соҳаларда иш юритаётганини қайд этди.

* * *

27 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республика валюта бозорини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Шу куни Президент Ислом Каримов пойтахтнинг янги қурилишлари билан танишди. Юртбошимиз миллий бог мажмуаси, Ўзбекистон кўчасида олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари, Олой бозорининг янги савдо расталарини кўздан кечирди ва фикр-мулоҳазаларини билдирди.

* * *

29 август. Республикамиз Президенти Ислом Каримов БМТ тараққиёт дастурининг Европа ва Ҳамдўстлик мамлакатлари департаменти директори Антон Круидеринкни қабул қилди.

Суҳбатда БМТ билан Ўзбекистон ўртасида тобора ривожланаётган кўп томонлама ҳамкорлик муносабатлари муҳокама қилинди. Мамлакатимиз раҳбари БМТнинг маҳаллий мутахассислар тайёрлаш, ишбилармонликни ҳамда хусусий секторни ривожлантириш, хусусийлаштиришни жаҳон талаблари асосида амалга ошириш ва атроф-муҳит муҳофазасини яхшилашда ёрдам кўрсатиш борасидаги дастурларини маъқуллади.

* * *

31 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигига бағишланган байрам тантаналарида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг аҳолисига компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 сентябрь. Тошкент шаҳри марказида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйи очилди. Унинг очилиш маросимида Республика Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

3 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов футбол бўйича халқаро Мустақиллик кубоги мусобақаси ҳомийлари — Голландиянинг «Аес холланд групп», «Нутриция», «Синевидео», «Себеко инт прожекст» компаниялари ва «Нуон» концерни раҳбарларини қабул қилди.

Президентимиз суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Голландия ўртасидаги муносабатлар яхши ривожланаётгани ва уларни бундан кейин ҳам мустаҳкамлаб бориш зарурлигини қайд этди. Голландиялик ишбилармонлар сармоя сарфлаш учун Ўзбекистонда қулай шарт-шароитлар яратилаётганини эътироф этди ва қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, энергетика, спорт, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш истагини билдирди.

* * *

5 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котибининг Тожикистондаги элчиси Перес Баллонни қабул қилди. Суҳбат чоғида минтақада барқарорликни вужудга келтириш истиқболларига дахлдор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

8 сентябрь. Республикамиз Президенти Ислом Каримов Япониянинг тезкор ахборот ва тадқиқот жамғармаси раиси Юичиро Нагатоми бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбатда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, бозор муносабатларига ўтиш шароитида қилинаётган ишлар ҳақида фикрлашилди. Япония ишбилармон доираларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилиши боис мамлакатимиз ҳақидаги ахборотларга қизиқиш тобора кучайиб бораётгани таъкидланди.

* * *

9 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Нақд миллий валютани эркин муомаладаги валютага алмаштиришнинг чекланган суммасини кўпайтириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов АҚШнинг АИГ компанияси бошқаруви раиси Морис Гринбергни қабул қилди. Суҳбатда дунёга таниқли АИГ компанияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ва юртимизда ўз ваколатхонасини очиш ҳамда қўшма суғурта компанияси ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқулланди.

* * *

15 сентябрь. Республикамиз Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан келган Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитасининг раиси Ёсир Арафотни қабул қилди. Суҳбат чогида Яқин Шарқдаги вазият, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш, дўстона алоқаларни ривожлантириш хусусида фикрлашиб олинди.

* * *

16 сентябрь. Президент Ислом Каримов Клаус Якобс бошчилигидаги Ғарбий Европа ишбилармонлари делегацияси аъзоларини қабул қилди. Суҳбатда қандолат маҳсулотлари ва ширинликлар ишлаб чиқариш борасида ҳамкорлик қилиш, қўшма корхоналар очиш, уларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

16 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов АҚШнинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларкни унинг илтимосига биноан қабул қилди. Суҳбат чоғида АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

19 сентябрь. Президент Ислом Каримов Янги Зеландия ва Корея Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Эдвард Ричард Вудз ва Ким Ир Хекдан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

* * *

19 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси давлат вазири Нажмиддин Жавҳарийни қабул қилди. Суҳбатда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида фикрлашиб олинди.

* * *

20 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги арафасида давлат мукофотлари билан тақдирланган юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Анжуманда Президент Ислом Каримов маъруза қилди ва мукофотларни эгаларига топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада кўрсатган матонат ва жасорати учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 5 майдаги қарори билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилган эди.

Мажлисда ана шу юксак унвон ва «Олтин юлдуз» нишони Президент Ислом Каримовга топширилди.

Йигилганлар давлатимиз раҳбарини олий мукофот билан қизғин қутлашди.

* * *

21 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасида республика халқ хўжалигини қиш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мажлисда Президент Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

22 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунини тасдиқлади.

* * *

22 сентябрь. Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессияси ўз ишини бошлади. Сессия ишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Ижо-

бий ишларимизни охирига етказайлик» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

23 сентябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Халқаро валюта фондининг Иккинчи Европа департаменти директори ўринбосари Эдуард Брау ва ана шу фонднинг Ўзбекистондаги вакили Иштван Цалкаини қабул қилди. Суҳбат чоғида Халқаро валюта фонди билан ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

23 сентябрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ташкил топган кун муносабати билан соҳа ходимларига табрик йўллади.

* * *

23 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

27 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг мақомини ва масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Н.А.Семашко номидаги тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий-текшириш институтининг 75 йиллиги муносабати билан мазкур институт жамоасига табрик йўллади.

* * *

28 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Тошкентда ўтаётган семинари қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

28 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши бош котиби Вильгельм Хойнк ва юқори лавозимли шахслар қўмитасининг ижрочи директори Пауло Брунини қабул қилди. «Дунёда тинчлик барқарор бўлиши, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун катта ишларни амалга ошираётган ЕХҲК фаолияти бизнинг эзгу истак ва хоҳишларимиз билан муштаракдир», деди Ислом Каримов.

* * *

28 сентябрь. Ислом Каримов АҚШнинг ЕХҲКдаги делегацияси раҳбари Самуэль Брауни қабул қилди ва ЕХҲКнинг бу семинарида АҚШнинг иштироки алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда мазкур соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармонларга имзо чекди.

* * *

29 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республикада биринчи бўлиб пахта режасини бажарган Китоб тумани меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

1 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов касб байрами муносабати билан мамлакат халқ таълими ходимларига табрик йўллади.

* * *

3 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Буюк ипак йўли» халқаро анжуманининг очилишига ташриф буюрган мазкур ташкилот бош котиби Антонио Энрикес Савиньякни қабул қилди.

* * *

3 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Андижонга келди. Президент Асака шаҳридаги «ЎзДЭУ» Ўзбекистон — Корея автомобиль қўшма корхонаси қурилишининг бориши билан танишди, муҳандис ва ишчилар билан суҳбатлашди. Андижон шаҳридаги Бобур богини зиёрат қилди.

* * *

5 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фарғона водийси бўйлаб сафари давом этди. Президентнинг Наманган вилоятига ташрифи Задарё туманига қарашли Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалиги пахта далаларида олиб борилаётган ишлар билан танишишдан бошланди. Президент шу куни Мингбулоқ нефть кони штаби ва туман хўжаликларидаги аҳвол билан танишди. Тўрақўрғон шаҳар маданият саройида вилоят фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

5 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фарғонага келди. Юртбошимиз шаҳар остонасидаги миллий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган Фарғонанинг рамзий дарвозасини кўздан кечирди.

* * *

6 октябрь. Президент Ислом Каримов Фарғона вилояти бўйлаб сафарини давом эттириб, вилоятдаги «Чимён» агрофирмасини, Олтиариқ туманидаги Алишер Навоий номидаги хўжалик далаларини, «Кварц» корхонаси фаолиятини кўздан кечирди, ишчилар ва дала меҳнаткашлари билан суҳбатлашди. Шу куни вилоят ҳокимлиги биносида фаоллар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

7 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэньгуанни унинг илтимосига кўра қабул қилди. Суҳбат чоғида Президент икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар яхши ривожланаётганини, ўзаро ҳурмат ва тенгликка асосланган бу алоқалар ҳар икки томон учун ҳам манфаатли эканини таъкидлади.

* * *

7 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 октябрь. Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов раҳбарлигидаги шу мамлакат делегацияси расмий-амалий ташриф билан Тошкентга келди. Меҳмонларни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди. Шу куни Халқлар дўстлиги саройида икки давлат расмий делегацияларининг музокаралари бошланди. Президент Ислом Каримов билан Тожикистон Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди.

* * *

12 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка — Ўзбекистон савдо палатаси йиғилиши қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

13 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 1994 йилнинг 9 ойида республика бюджети бажарилишининг якунлари, ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилаш, пул муомаласини янада барқарорлаштириш, миллий валюта — сўмнинг харид қувватини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари каби қатор масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди ва маъруза қилди.

* * *

14 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов буюк олим Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

14 октябрь. Президент Ислом Каримов Педиатрларнинг иккинчи халқаро конгресси қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

15 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов беназир олим ва давлат арбоби, буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик тантаналарида қатнашиш учун Самарқандга ташриф буюрди. Тантанали маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

18 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов туркий тилли давлатлар раҳбарларининг Истанбулдаги учрашувида иштирок этиш учун Туркия Республикасига жўнаб кетди. «Чироғон» меҳмонхонасининг тантаналар залида туркий тилда сўзлашувчи олтита давлат Президентлари учрашди. Анжуманда туркий тилли давлатларнинг ягона бозорини яратиш, минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш каби масалалар муҳокама қилинди.

* * *

20 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди. Мажлисда МДҲ мамлакатлари

ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштириш, ўзаро тўлов операцияларини амалга оширишда сунъий тўсиқлар вужудга келгани, бу эса Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида қатор муаммоларни юзага келтираётгани, МДҲ доирасида иқтисодий интеграцияни ривожлантириш учун қуруқ гаплардан амалий ишларга ўтиш масаласи муҳокама қилинди.

* * *

20 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцариянинг «АББ» компанияси президенти П.Барневик ҳамда шу компаниянинг Марказий Осиё ва Қозоғистондаги ваколатхонаси раҳбари К. Маккартнини қабул қилди.

* * *

22 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган Қашқадарё ва Хоразм вилояти пахтакорлари, қишлоқ хўжалик ходимлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

24 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзянь Цзэмин таклифига биноан давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасига жўнаб кетди. Пекиннинг машҳур «Таньаньмэн» майдонида Президент Ислом Каримов ва унинг рафиқасини Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзянь Цзэмин ва Хитойнинг бошқа раҳбарлари расмий кутиб олдилар.

Халқ вакилларининг мажлислар уйида Ислом Каримов билан ХХР Раиси Цзянь Цзэмин ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Шундан сўнг делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Ушбу музокаралар давлатлараро расмий ҳужжатларни имзолаш маросими билан якунланди.

* * *

25 октябрь. Президент Ислом Каримов Пекиннинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди, жумладан, Хитойдаги энг йирик саноат корхоналаридан бири — телевизор экранлари ишлаб чиқарувчи «Пекин-мацусита колор корпорейшн» Хитой — Япония қўшма корхонасини бориб кўрди. Шу куни Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Раиси Ли Пэн билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ҳақида сўз борди.

* * *

26 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитойга ташрифининг учинчи кунини Шанхайдаги дунёга машҳур «Пудунь» иқтисодий ҳудуди билан танишишдан бошлади. Президент шанхайликлар фахри бўлган ва энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган кўпқаватли Нанпу ва Янпу автомобиль кўприкларини бориб кўрди. Шунингдек, «Шарқ жавоҳири» деб ном олган 450 метрли осмонўпар телеминоранинг бунёд этилиш тарихи билан қизиқди, кийим-кечак ишлаб чиқарувчи «Мики» фабрикаси цехларида бўлди ва «Пудунь» иқтисодий ҳудуди раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Мамлакатимиз раҳбари шу куни Хитой Халқ Республикасидан Ватанимизга қайтиб келди.

* * *

28 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарган Андижон вилояти пахтакорлари, қишлоқ хўжалик ходимлари ва барча меҳнаткашларига ва шоли тайёрлаш бўйича режани бажарган Қорақалпоғистон Республикаси шоликорларига табрик йўллади.

* * *

31 октябрь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга Исроил давлатининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Моше Гец, Иордания Ҳошимийлар подшоҳлигининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Валид Мажид Ас-Саад ал-Батайниҳ, Албаниянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Арбен Панди Цици ишонч ёрлиғини топширишди.

* * *

31 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясининг чегара қўшинлари бош қўмондони генерал-полковник Андрей Николаевни қабул қилди. Суҳбат чоғида МДҲга аъзо мамлакатларнинг жанубий чегараларини ҳамкорликда қўриқлаш масалалари ҳамда Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги вазият юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

31 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига бериладиган компенсация тўловларини кўпайтириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг «Дановант энтерпрайзис» компанияси раиси В.Б.Дановант раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди. Ислом Каримов «Дановант энтерпрайзис» компанияси жаҳон пах-

та бозорида орттирган тажрибаси билан машҳурлигини таъкидлаб, унинг пахта хом ашёси етиштирувчи Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиши ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлишини айтди.

* * *

1 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган Бухоро ва Наманган вилояти пахтакорлари, қишлоқ хўжалик ходимлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

4 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Кунани унинг илтимосига биноан қабул қилди.

* * *

4 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Овози тожик» газетасининг 70 йиллик тўйи муносабати билан таҳририят жамоасига табрик йўллади.

* * *

5 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ давлат департаментининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларга нисбатан сиёсатининг бош мувофиқлаштирувчиси Жеймс Коллинз раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чогида Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, жумладан, савдо-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

7 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Миллий валютанинг ички эркин муомалада бўлиши учун ресурсларни кўпайтириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Самарқанд давлат чет тиллар институтини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий давлат ташрифи билан Украина пойтахти Киев шаҳрига жўнаб кетди. Шу куни Мариин саройида мамлакатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур саройнинг мовий залида Президент Ислом Каримов билан Леонид Кучма ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Шу куни икки давлат делегацияларининг ўзаро музокараларидан сўнг Ўзбекистон ва Украина Республикалари ўртасида давлатлараро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

* * *

10 ноябрь. Президент Ислом Каримов милиция куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари шахсий таркибига табрик йўллади.

* * *

14 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Ватикан давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий дипломатия вакили этиб тайинланган архиепископ Мариан Олеш ишонч ёрлигини топширди.

* * *

17 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг «Сумитомо» корпорациясининг бошқарувчи директори Тацуо Нишида бошчилигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди. Ислом Каримов меҳмонларга мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатлар ҳамда Ўзбекистонда чет эллик тадбиркорлар учун кенг имкониятлар мавжудлиги ҳақида сўзлаб берди.

* * *

17 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган жаноб Жак Ревердин бошчилигидаги Европа Тикланиш ва тараққиёт банки директорлар кенгаши аъзоларидан иборат делегацияни қабул қилди. Ислом Каримов Ўзбекистон билан Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Мамлакатимиз ислоҳот-

ларнинг янги босқичига ўтган айни пайтда ўзаро алоқаларнинг янада кенгайиши фойдали эканини таъкидлади.

* * *

24 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикасининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган таълим вазири Ҳусайн Комил Баҳоуддинни қабул қилди. Мамлакатимиз Президенти суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг, айниқса, маънавий ва маърифий соҳалардаги ҳамкорликнинг кенгайиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

* * *

26 ноябрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг таркибий тузилмалари ташкил этилганининг 70 йиллиги муносабати билан адлия тизими ходимларига табрик йўллади.

* * *

28 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг барча турдаги пенсияларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг республикамиздаги ваколатхоналари раҳбарлари ҳамда маҳаллий ва чет эллик журналистлар билан учрашди. Ислом Каримов йиғилганларга шу йилнинг августида бўлган учрашувдан сўнг ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар хусусида сўзлаб берди.

* * *

30 ноябрь. Бельгия Қироллигининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Мишель Адам Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

30 ноябрь. Литва Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Андрис Вилцанс Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

30 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирлигининг савдо-сотиқни ривожлантириш бўйича бош директори Еунг Ву Ро ва «ДЭУ корпорейшн» президенти Ки Бум Ю раҳбарлигидаги Корея — Ўзбекистон савдо ва иқтисодий ҳамкорлик қўмиталари делегациясини қабул қилди.

* * *

30 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЕХҲКга аъзо мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари учрашувида иштирок этиш учун Венгриянинг Будапешт шаҳрига жўнаб кетди. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши конференциясига тўпланган давлат бошлиқлари «Патриа холл» саройида иш бошлади. Юртбошимиз «Марриот» қароргоҳида ЕХҲКнинг Будапешт конференциясида иштирок этиш учун келган давлат бошлиқлари билан бир қатор учрашув ва суҳбатлар ўтказди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов конференция ишида маъруза қилди.

* * *

7 декабрь. Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президент Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилганининг 70 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ходимларига табрик йўллади.

* * *

9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясининг чегара қўшинлари бош қўмондони, генерал-полковник Андрей Николаевни қабул қилди. Суҳбат чоғида МДҲнинг жанубий чегараларини биргаликда қўриқлаш масалалари, шунингдек, Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги вазият муҳокама қилинди.

* * *

12 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг Тожикистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси С.Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди. Суҳбат чоғида Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва бар-

қарорликни таъминлаш, Тожикистондаги вазият, Тожикистон—Афғонистон чегарасидаги кескинликни бартараф этиш, жафокаш тожик халқига ривожланган давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг инсонпарварлик ёрдамини уюштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

14 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон банкининг Россия ва Марказий Осиё бўйича бўлими директори Юкон Хуангни қабул қилди. Самимий ва дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка оид кўплаб масалалар муҳокама этилди.

* * *

16 декабрь. Тошкентда республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уни давлат томонидан рағбатлантириш масалалари муҳокама этилди.

* * *

19 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги 22-болалар уйининг директори Антонина Павловна Хлебушкина таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан унга табрик йўллади.

* * *

20 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котибининг Тожикистондаги махсус вакили Рамиро Пирис Баллонни қабул қилди. Самимий суҳбат чоғида қўшни Тожикистон Республикасидаги аҳвол, Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги кескин вазият ҳамда Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида халқаро ташкилотлар билан қилинаётган ҳамкорликка оид масалалар муҳокама этилди.

* * *

20 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Тери хом ашёсини республикадан олиб чиқиб кетишни тақиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британиянинг «БАТ индастриз» компанияси бошқаруви раиси Патрик Шихи бошчилигидаги шу компания делегациясини қабул қилди. Ўзаро ҳамкорликка бағишланган самимий ва дўстона суҳбатдан сўнг Патрик Шихи Ислом Каримовга буюк аллома Мирзо Улуғбек қаламига мансуб, Буюк Британия музейида сақланаётган «Аз-зиж-ул-жадид ас-султоний» китобининг нусхасини топширди.

* * *

21 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов юртимизга расмий ташриф билан келган Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко бошчилигидаги делегацияни кутиб олди. 22 декабрь куни Президентлар буюк аллома Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди. Шу куни Ўзбекистон ва Беларусь давлат делегациялари аъзолари икки томонлама манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳамда савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилдилар. Музокаралардан сўнг Президентлар маҳаллий ва хорижий журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтаришди.

* * *

23 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низом»ни амалга киритиш ҳақида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Тошкент молия-қурилиш корпорацияси («Тошкентуйжойинвестқурилиш»)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги 29-Бошлиқ сайлов округининг Тошкент давлат санъат институтининг биносида жойлашган 269-сайлов участкасида бўлиб, элимизнинг муносиб вакиллари учун овоз берди. Сўнгра мамлакатимиз раҳбари сайлов участкаси мутасаддилари, сайловчилар ва меҳмонлар билан суҳбатлашди.

* * *

27 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига паспортлар, хорижий шахсларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш гувоҳномалари ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари бериш ҳамда алмаштиришни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тошкентуйжой-инвестқурилиш» Тошкент молия-қурилиш корпорацияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Маликни қабул қилди. Президент Ислом Каримов Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилганидан буён ўтган қисқа вақт ичида мазкур нуфузли халқаро ташкилот билан Ўзбекистон ўртасида яхши амалий ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлади.

* * *

29 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Янги йил табриги йўллади.

1995 йил

4 январь. Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

5 январь. Президент Ислом Каримов «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 январь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш жараёнини осонлаштириш ва тартибга солиш мақсадида фармон чиқарди.

* * *

9 январь. Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Халқ ишончи — юксак масъулият» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

9 январь. Президент Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Вильгельм Хойнкни қабул қилди. Суҳбат чоғида Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жумладан, Тожикистондаги аҳвол масаласи муҳокама қилинди.

* * *

11 январь. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Польша Республикасига жўнаб кетди. Мамлакатимиз раҳбарини Польша Президенти Лех Валенса кутиб олди. Президент саройининг Оқ залида давлат раҳбарлари яккама-якка суҳбатлашдилар. Саройнинг Мовий залида эса икки давлат расмий делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар сўнгида икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишни кўзда тутувчи ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Маросим ниҳоясида Президентлар журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Шу куни давлатимиз раҳбари Польша парламенти —Сеймга ташриф буюриб, Сейм маршали Юзеф Олекси, Сенат маршали Адам Струзик билан суҳбатлашди. Мамлакат олий вакиллик органининг иши билан танишди.

* * *

12 январь. Президент Ислом Каримов Польша Бош вазири Валдемар Павляк билан учрашиб, савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди. Сўнг Варшаванинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди. «Будимекс» компанияси қароргоҳида Ҳамдўстлик мамлакатлари билан иқтисодий-амалий алоқаларни ўрнатиш мақсадида тузилган «Шарқ клуби»да давлатимиз раҳбари Польша ишбилармон доиралари вакиллари билан мулоқотда бўлди.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Қуролли Кучлари шахсий таркибига, аскар ва офицерларга ва барча ҳарбий хизматчиларга Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан табрик йўллади.

* * *

13 январь. Тошкентдаги «Туркистон» саройида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Маросимда Президент Ислом Каримов сўзга чиқиб, мамлакатимиз Қуролли Кучлари шахсий таркибини байрам билан самимий қутлади. Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, ёш авлодга таълим бериш, уларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда фаол иштирок этаётган хизматчи ва ходимлардан бир гуруҳига Ватанимизнинг юксак мукофотларини тантанали равишда топширди.

* * *

18 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда айрим вазирликларнинг раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Йиғилишда республика Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловдан кейин вилоят ва туманларда ўтказилган биринчи ташкилий сессияларнинг якунлари, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида жойларда амалга оширилаётган ишлар ҳамда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг бориши тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

* * *

19 январь. Президент Ислом Каримов «1995 йилги пахта ва бошоқли дон экинлари ҳосили етиштириш ҳамда давлатга сотишни иқтисодий рағбатлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 январь. Президент Ислом Каримов Германиянинг «Тиссен Хандельсунион АГ» концерни бошқарув аъзоси Ханс Ульрих Грубер бошчилигидаги мазкур концерн вакилларини қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларга Ўзбекистонда бу машҳур концерн билан нефть ва газ, тоғ-кон саноати ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳаларида ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

* * *

21 январь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқ рассоми Маҳмуд Усмоновнинг 85 ёшга тўлиши муносабати билан унга табрик йўллади.

* * *

26 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1995—1996 йилларда қишлоқ хўжалиги мажмуининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 январь-1 февраль. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Швейцариянинг Давос шаҳрида ўтказилган жаҳон иқтисодий анжуманининг анъанавий учрашувида иштирок этди. Анжуман доирасида Ўзбекистонга бағишланган ягона сессия бўлиб ўтди. Президент Ислом Каримов дунёдаги етакчи фирма ва компаниялар раҳбарларига ҳозирги кунда Ўзбекистонда хорижий бизнесни ривожлантириш учун қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилаётгани ҳақида сўзлаб берди. Шундан кейин мамлакатимиз раҳбари дунёга машҳур бир қатор фирма ва компаниялар раҳбарлари билан мулоқотда бўлди. Ўзига ажратилган қароргоҳда Туркия Бош вазири Тансу Чиллерни қабул қилди. Алтендорф шаҳрида Ўзбекистоннинг Савдо уйи очилиши муносабати билан ўтказилган маросимда нутқ сўзлади.

* * *

2 февраль. Президент Ислом Каримов Корея Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Се Гён Ини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

3 февраль. Президент Ислом Каримов БМТ Халқаро болалар жамғармасининг ижрочи директори жаноб Жеймс П.Грант бевақт вафот этгани муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий жанобларига мактуб йўллади.

* * *

3 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ипак ишлаб чиқариш мажмуида интеграциялаш жараёнларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясининг Волгоград вилояти маъмурияти раҳбари Иван Шабунин бошчилигидаги вилоят делегацияси аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримов Волгоград корхоналари билан савдо-сотиқни ривожлантириш, ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш халқларимиз манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

* * *

7 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 февраль. Президент Ислом Каримов иштирокида Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, концерн ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари таклиф этилган мазкур мажлисда 1994 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

* * *

9 февраль. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов МДҲга аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг олий даражадаги учрашувида иштирок этиш учун Қозоғистон пойтахти Алмати шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

10 февраль. Қозоғистон Президенти саройида МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгаши иш бошлади. Унда МДҲ ҳудудида тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш, Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ташқи чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш, давлатлараро иқтисодий қўмитанинг ташкилий жиҳатларини ҳал этиш, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Сўнгра Ҳамдўстликдаги давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган таркибда ялпи мажлис бўлиб ўтди ва унда МДҲ мамлакатлари ўртасида иқтисо-

дий интеграцияни мустаҳкамлашга йўналтирилган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва ҳарбий соҳаларда ҳамкорлик қилиш юзасидан ҳужжатлар имзоланди.

* * *

14 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1994 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва уларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рагбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот ходимлари меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 февраль. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

* * *

16 февраль. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз расмий делегацияси Корея Республикасига ташриф буюрди. Шу куни Ислом Каримовга Кореянинг энг олий нишони — «Мугунхва» катта орденини топшириш маросими бўлиб ўтди. Уни мамлакатимиз раҳбарига Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам тантанали равишда топширди. Сўнгра икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Музокаралар самараси ўлароқ икки давлат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ҳужжатлар имзоланди. Давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма баённомани имзоладилар.

Шу куни Ислом Каримов кореялик ишбилармонлар билан учрашувлар ўтказди. Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия ва иқтисод вазири Хонг Дзе Хенг билан мулоқотда бўлди.

* * *

17 февраль. Президент Ислом Каримов Корея Республикаси Миллий мажлиси раиси Хванг Пак Жу ва мамлакат сиёсий партиялари раислари билан суҳбатлашди. Мамлакат савдо ва саноат вазири Же Юн Пак билан мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ҳақида фикрлашиб олинди. Давлатимиз раҳбари ташриф давомида «Самсунг электроник» компанияси раҳбарлари билан суҳбатда бўлди. Шунингдек, Корея тўқимачилик уюшмаси раҳбарлари Президентимиз шарафига уюштирган қабул маросимида иштирок этди. Ташриф ниҳоясида Корея Республикаси Президентининг «Чонг Ваде» («Зангори уй») деб номланган муҳташам саройида Президент Ислом Каримовни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

* * *

22 февраль. Президент Ислом Каримов уруш йилларида асирга тушган ва дом-дараксиз кетганлар бўйича Америка—Россия комиссиясининг ҳамраиси Мэлколм Тун бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида уруш йиллари ва 1950—1960 йиллари дом-дараксиз кетган америкалик ҳарбий хизматчилар тақдири ҳақида ҳамжиҳатликда маълумот тўплаш масалалари муҳокама этилди.

* * *

23 февраль. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси иш бошлади. Унда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари ва ваколатхоналарининг вакиллари иштирок этди. Сессияда Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тўғрисида маъруза қилди.

* * *

24 февраль. Олий Мажлиснинг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, парламентдаги ҳар бир партия фракцияси бошқалардан фарқ қиладиган ўз фаолият дастурига эга бўлиши лозимлиги, республикада ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишга, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ижобий ўзгаришларга қандай сиёсий-ташкилий усуллар билан кўмаклашишни аниқ ва равшан тасаввур этиши зарурлиги каби масалаларга эътиборни қаратди.

* * *

24 февраль. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг даромадларидан олинадиган солиқлар даражасини камайтириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Молдова Республика-

синининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Николай Дудэудан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

* * *

1 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Маҳмуд Воизийни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

* * *

2 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 март. Президент Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол денгизи муаммосига бағишланган анжуманида иштирок этиш учун Туркманистоннинг Тошҳовуз шаҳрига ташриф буюрди. Мазкур йигинда давлат раҳбарлари Оролни қутқариш бўйича халқаро жамғарма ва давлатлараро кенгаш ижроия қўмитасининг таркиби билан боглиқ масалаларни ва денгизни қутқариш бўйича давлатлараро кенгаш ижроия қўмитаси фаолияти ҳамда келгуси ҳамкорлик режаларини муҳокама этдилар.

* * *

6 март. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Германиянинг «Йеноптик ГМБХ» фирмаси бошқаруви раиси доктор Лотар Шпэт раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

* * *

7 март. Президент Ислом Каримов Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳасан Абдужалилни унинг илтимосига кўра қабул қилди. Суҳбат чоғида ҳар икки давлат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамкорлик истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

8 март. Президент Ислом Каримов 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги йўллади.

* * *

9 март. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Чехия Республикаси ташқи ишлар вазири Йозеф Желенецни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон—Чехия давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

* * *

9 март. Президент Ислом Каримов АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси миссияси раҳбарининг ўринбосари Шерон Уайтни қабул қилди. Суҳбат чогида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

10 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалигининг агрокимё хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11-12 март. Президент Ислом Каримов БМТ томонидан Копенгагенда инсониятнинг ижтимоий тараққиётига бағишлаб уюштирилган анжуманда иштирок этди. Унда дунёнинг 130 дан ортиқ давлатлари ва ҳукуматларининг ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашди.

Анжуман кунлари давлатимиз раҳбари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бош директори доктор Накажима, Болгария Президенти Ж.Желев, Покистон Президенти А.Легхарий, Туркия Президенти С.Демирэл, ЮНЕСКО бош директори Ф.Майор, Эрон ташқи ишлар вазири А.Вилоятий, АҚШ вице-президенти А.Гор билан ҳам суҳбатлашди. «Белл Марказ»да бўлиб ўтган учрашув кучғайратларни бирлаштириш юзасидан декларация ва ҳаракат дастурини қабул қилиш билан ниҳоясига етди.

* * *

15 март. Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

* * *

16 март. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолларидан бир гуруҳини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари барча меҳнаткашларни мамлакатимиз касаба уюшмаларининг 70 йиллик тўйи муносабати билан муборакбод этди. Юртбошимиз амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти, Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг асосий жиҳатлари ҳақида гапирди. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, янги мулк эгалари манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг ҳам бурчи эканини таъкидлади.

* * *

16 март. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон касаба уюшмалари XV қурултойи қатнашчилари, касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийларига табрик йўллади.

* * *

17 март. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Россия Федерацияси Бош вазирининг ўринбосари Алексей Большаковни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни изчил ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

17 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 март. Президент Ислом Каримов Наврўз байрами арафасида пойтахтимиздаги янги иншоотлар билан танишди. Германиянинг «Луизенталь» фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилган қимматли қоғозлар фабрикасида бўлиб, корхона цехларини кўздан кечирди. Шундан сўнг Ўзбекистон миллий боғида мутахассислар билан суҳбатлашди, байрамни намунали ўтказиш, боғнинг истиқболи хусусида, уни сўлим оромгоҳга айлантириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирди.

* * *

20 март. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Халқаро валюта фондининг Иккинчи Европа департаменти маслаҳатчиси Лейф Хенсенни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ХВФ ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида Наврўз умумхалқ байрами бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов қатнашди ва халқимизни бу қадимий байрам билан муборакбод этди.

* * *

22 март. Президент Ислом Каримов Миср Араб Республикаси вақф ишлари вазири Али Маҳжубни қабул қилди. Суҳбат чоғида ҳар икки давлат ўртасидаги илмий-маданий, савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

23 март. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг парламент ассамблеяси вице-президенти, Германия Бундестаги депутати Вилль Виммерни қабул қилди. Республикамиз Президенти мамлакатимизнинг Германия ва ЕХҲТ билан муносабатлари истиқболлари хусусида сўзлаб, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун ғоят хайрли бўлишини таъкидлади.

* * *

24 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатиш соҳасида шартномавий муносабатларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 март. Президент Ислом Каримов мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакилларининг бир гуруҳи билан учрашди. Мухбирлар давлатимиз раҳбарининг 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш юзасидан ўтказилган умумхалқ референдумининг дастлабки натижалари хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

* * *

28 март. Президент Ислом Каримов франциялик таниқли бизнесмен Эндрю Гельфи ва «Текнип» компаниясининг ижрочи директори Жорж Крамерни қабул қилди. Суҳбат чогида мамлакатимиз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишини тезроқ тугаллаш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

* * *

29 март. Президент Ислом Каримов Ўзбекистондаги дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотлар вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашди. Мамлакатимиз раҳбари йигилганларга сўнгги пайтда Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар хусусида сўзлади. Шунингдек, ваколатхоналар ходимлари ва журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоб қайтарди.

* * *

29 март. Марказий сайлов комиссияси раиси Қудратилла Аҳмедов Президент Ислом Каримовга, 26 мартда ўтказилган умумхалқ ре-

ферендуми якунига биноан, Президентлик ваколатлари 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилгани тўғрисидаги гувоҳномани топширди.

* * *

30-31 март. Президент Ислом Каримов Молдова Республикаси Президенти Мирча Снегурнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Молдова Республикасига жўнаб кетди.

Шу куни Кишинёв аэропортида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Сўнг давлат тантаналари саройида икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган ҳукуматлараро битимларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Маросим якунида Президентлар журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Шундан сўнг ҳар икки давлат раҳбари Молдованинг халқ хўжалиги тармоқлари, йирик саноат корхоналари раҳбарлари ҳамда тадбиркорлари билан учрашишди.

Ислом Каримов ташрифининг иккинчи куни Молдова Республикаси парламенти раиси П.Лучинский ва парламент қўмиталари раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда Президент парламентлараро алоқалар ривожи бу икки давлат учун муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

* * *

3 апрель. Президент Ислом Каримов Тожикистон ислом уйғониш ҳаракати раисининг ўринбосари Акбар Тўражонзода, Тожикистон демократик кучларини мувофиқлаштириш марказининг раиси О. Латифий ҳамда Тожикистон демократик партияси раисининг ўринбосари Х. Холиқназаровни уларнинг илтимосига биноан қабул қилди.

Учрашув чоғида минтақада хавфсизликни таъминлаш масалалари, Тожикистон атрофида юз бераётган вазият ҳамда бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўллари тўғрисида фикрлашиб олинди.

* * *

6 апрель. Президент Ислом Каримов АҚШ мудофаа вазири Уильям Перри раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Ўзаро суҳбат чоғида Ўзбекистонда демократик ислоҳотларнинг бориши, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида ҳарбий-техник ва мудофаа соҳаларида ҳамкорлик, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида Ўзбекистоннинг иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов ва АҚШ мудофаа вазири Уильям Перри ўзаро музокаралардан сўнг ўзбекистонлик ва чет эллик журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

* * *

7 апрель. Президент Ислом Каримов Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Пол Бернни ҳамда Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Далип Мехтани қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг мазкур мамлакатлар билан муносабатлари ривожидан мамнуният изҳор этди ва бу алоқалар мустаҳкамланишида уларнинг қўшган ҳиссасини юксак баҳолади. Ўз навбатида ҳар икки мамлакат элчиси Ислом Каримовга Ўзбекистондан илиқ таассурот билан ватанларига қайтаётганини баён этди.

* * *

8 апрель. Индонезия Республикаси Президенти Сухарто расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов кутиб олди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Дўрмон қароргоҳида ҳар икки давлат раҳбарлари яккама-якка суҳбатлашди.

Жаноб Сухарто Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди. Сўнг Халқлар дўстлиги саройида расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида иштирок этди. Давлат раҳбарлари ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги қўшма баённомани имзолади. Шунингдек, ҳукуматлар ўртасидаги сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик ҳақида меморандум, икки мамлакат пойтахтлари оралиғида самолёт қатновини йўлга қўйиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга имзо чекилди.

* * *

10 апрель. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Президенти Сухарто Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, бу соҳада ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш борасида фикрлашиб олинди.

* * *

10 апрель. Президент Ислом Каримов ГФРнинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Кунани унинг илтимосига кўра қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Германия ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликнинг кенгайиб бораётга-

ни ва уни келгусида ҳам ривожлантириш йўллари ҳақида ўзаро фикр алмашилди. Ислом Каримов ГФР Федерал Президенти Роман Герцогнинг Ўзбекистонга бўлажак ташрифи ана шу алоқаларни янги поғонага кўтаришига ишонч билдирди.

* * *

11 апрель. ГФР Федерал Президенти Роман Герцог давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида икки давлат расмий делегациялари ўртасида кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бошланди. Музокараларда Ўзбекистон билан Германия ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Расмий музокаралар ниҳоясида ҳар икки давлат муносабатлари тўғрисидаги қўшма баёнот, шунингдек, фуқароларнинг ўзаро эркин борди-келдилари ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги немис ҳарбийлари қабрлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Шундан сўнг Ислом Каримов ва Роман Герцог журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтаришди.

* * *

11 апрель. Президент Ислом Каримов «Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 апрель. Мамлакатимизда расмий сафарда бўлган ГФР Федерал Президенти Роман Герцог Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқанд ва Бухорога ташриф буюрди. Меҳмонлар Шарқнинг бу қадимий шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиришди. Шу куни ҳар икки давлат Президентлари — Ислом Каримов ва Роман Герцог Тошкентга қайтиб келдилар.

* * *

13 апрель. Президент Ислом Каримов ва Германия Федерал Президенти Роман Герцог икки мамлакат ишбилармонлари билан мулоқотда бўлишди. Сўнг мўътабар меҳмон Ўзбекистон Олий Мажлисига ташриф буюрди. Лютеранлар черковида юртимизнинг немисзабон аҳолиси билан учрашди.

* * *

13 апрель. Президент Ислом Каримов БМТнинг Тожикистон бўйича махсус вакили Пириз-Баллон Рамирони унинг илтимосига биноан қабул қилди. Учрашув чоғида Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, қўшни Тожикистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

13 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Соғлом авлод учун» журналини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 апрель. Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев иштирокида олий даражадаги учрашув бўлиб ўтди. Шаҳардаги металлурглар маданият саройида уч давлат раҳбарлари ўртасида музокаралар бошланди. Музокаралар сўнгида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Президентлар журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

* * *

19 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 апрель. Президент Ислом Каримов «1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини ва мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларни фашизм устидан қозонилган галабанинг 50 йиллиги байрами муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 апрель. Президент Ислом Каримов АҚШнинг Тожикистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Стэнли Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди. Мулоқотда Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, Тожикистондаги вазиятни сиёсий музокаралар йўли орқали ҳал этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

25 апрель. Президент Ислом Каримов Буюк Британиянинг «Ротшильд Энд Санс ЛТД» банки раиси Сэр Эвелин де Ротшильдни қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

26 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби ҳақида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсиз-

лик кенгаши тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 май. Президент Ислом Каримов Халқаро валюта жамғармасининг фармойиш берувчи директори Мишель Камдессюни қабул қилди. Ўзбекистон раҳбари меҳмонни макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, хусусийлаштириш, пул қадрсизланишининг олдини олиш, инфраструктурани яратиш борасида мамлакатда амалга оширилаётган ишлар билан таништирди. Ислом Каримов ва Мишель Камдессю маҳаллий ва хорижлик журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб беришди.

* * *

3 май. Президент Ислом Каримов «Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 май. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

6 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

8 май. Тошкентдаги Мустақиллик майдонида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига багишланган ҳарбий парад бўлди. Ўзбекистон Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов ҳарбий парадни қабул қилди.

Шу куни кечқурун Президент Ислом Каримов «Туркистон» саройига ташриф буюрган урушнинг оловли йилларида жанггоҳларда ҳамда фронт ортида жасорат ва фидоийлик кўрсатган фахрийлар, республика Қуролли Кучлари зобитлари, аскар ва курсантлари, пойтахт жамоатчилиги намояндалари, хорижий мамлакатлар элчихоналари вакилларини ғалабанинг 50 йиллиги билан қутлаб нутқ сўзлади.

* * *

9 май. Президент Ислом Каримов фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Москвада ўтказилган тантаналарда иштирок этди.

* * *

12 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимирни унинг илтимосига биноан қабул қилди. Суҳбат чоғида Ислом Каримов дин аҳлининг янги жамият барпо этишда муҳим ўрин тутишини қайд этди. Архиепископ Владимир православ черкови бу савоб ишга муносиб ҳисса қўшиш тарафдори эканини таъкидлади.

* * *

12 май. Президент Ислом Каримов «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўгрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 май. Президент Ислом Каримов Чирчиқ шаҳри ташкил этилганининг 60 йиллиги муносабати билан шаҳар меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

15 май. Президент Ислом Каримов Япония Молия вазирлигининг молия ва пул сиёсати институти президенти Эйсукэ Сакакибара бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

* * *

15 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1995 йилда бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 май. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Словакия Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Молия вазири Сергей Козлик бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чогида ҳар икки давлат ўртасидаги алоқаларни, жумладан, савдо-иқтисодий, илмий-техник ва ўзаро сармоя сарфлаш соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

* * *

16 май. Вазирлар Маҳкамасида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти бўйича кўзда тутилган кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш, бу борада 1995 йилнинг биринчи чораги дастурини амалга ошириш тўғрисидаги масалалар ва биринчи ярим йилликни муваффақиятли якунлаш бўйича мажлис бўлиб ўтди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

* * *

17 май. Президент Ислом Каримов «Хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси, пилла, жун ва қоракўл тери сотилиши-

ни таъминловчи Қорақалпоғистон Республика ва вилоят уюшмаларини тугатиш тўғрисида» ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 май. Президент Ислом Каримов АҚШдаги қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Кейс» компанияси президенти Жан Пьер Россо раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чогида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

19 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тошкент шаҳрида халқаро Ислом тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 май. Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси кунлари бошланди. Шу муносабат билан Президент Ислом Каримов Алматига ташриф буюрди. Аэропортда ҳар икки давлат раҳбарлари журналистларнинг саволларига жавоб қайтаришди. Шу куни икки давлат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Куннинг иккинчи ярмида Президентлар «Атакент» ишбилармонлар марказида «Интеграция-95» кўргазмасининг очилиш маросимида қатнашдилар. Улуғ адиб Абай Қўнонбоев ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Кечқурун Алматидаги республика саройида Қозогистонда Ўзбекистон кунлари очилишига багишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилганлар ҳузурида Президентлар Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев нутқ сўзлашди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигидаги расмий делегация Тошкентга қайтиб келди.

* * *

22 май. Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто мамлакатимизга ташриф буюрди. Юксак мартабали меҳмонни Президент Ислом Каримов кутиб олди. Дўрмон қароргоҳида Ислом Каримов билан Беназир Бхутто ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Шундан сўнг Покистон Бош вазири буюк шоир Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди. Ислом Каримов ва Беназир Бхутто Халқлар дўстлиги саройида расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибда ўтказилган музокараларида иштирок этишди. Музокаралар чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Музокаралар ниҳоясида икки томонлама солиқ олмаслик, фан ва техника соҳаларида ҳамкорлик қилиш, сайёҳликни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Сўнгра Ислом Каримов ва Беназир Бхутто маҳаллий ва хорижлик журналистлар билан учрашишди.

* * *

23 май. Покистон Бош вазири Беназир Бхутто Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Бухорога келди. Покистон ҳукумати раҳбари ва унинг ҳамроҳлари Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари мақбарасини зиёрат этиб, у зотнинг руҳи покларига бағишлаб Қуръон тиловат қилдилар. Шундан сўнг Исмоил Сомоний мақбараси, Пойи Калон ёдгорлик мажмуи ва Мирараб мадрасаларини томоша қилишди. Президент Ислом Каримов билан бош вазир Беназир Бхутто шаҳардаги марказий кўчалардан бирига покистонлик йирик файласуф ва шоир Муҳаммад Иқбол номи берилиши муносабати билан шаҳар жамоатчилиги иштирокидаги тантанали митингда қатнашиб, ёдгорлик лавҳасини очди.

Шу куни Беназир Бхутто Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқандга ташриф буюрди. Покистон Бош вазири улуғ муҳаддис Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиб, аллома руҳи покига багишлаб Қуръон тиловат қилди. Бош вазир Президентимиз ҳамроҳлигида Регистон майдонида вилоят ҳунармандлари ясаган амалий санъат намуналари билан танишди, бадиий ҳаваскорлар ва фольклор-этнографик дасталари ижросидаги куй ва қўшиқларни тинглади, Гўри Амир қадамжосини зиёрат қилди.

* * *

24 май. Президент Ислом Каримов АҚШнинг «Ньюмонт майнинг корпорейшн» компанияси президенти ва директорлар кенгаши раиси Рональд Си Кембри бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

«Ньюмонт» компанияси билан Мурунтов олтин конида қўшма корхона қуриш бўйича ҳамкорлик қила бошлаганимиздан кейин юксак ва ишончли технологияга эга ушбу компаниянинг тадбиркорлик билан иш юритишига амин бўлдим», деди Президентимиз. Меҳмон қўшма корхона лойиҳасини амалга оширишдаги кўмаги учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

* * *

24 май. Президент Ислом Каримов Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президентининг биринчи ўринбосари Рональд Фриманни қабул қилди. Ислом Каримов

Ўзбекистон билан мазкур банк ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали бўлаётганини, бу ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ҳар икки томон учун фойдали бўлишини таъкидлади.

* * *

24 май. Президент Ислом Каримов литвалик таниқли тадбиркор, «Метжалява» ҳиссадорлик жамияти президенти, «Вильнюс» банки бошқаруви раиси, Литва Президентлик Маҳкамасининг эксперти Альбертас Синявичусни қабул қилди. Суҳбат чоғида савдо-иқтисодий, енгил саноат, транспорт саноати соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

25 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ташкил этилгани муносабати билан корхона жамоасига табрик йўллади.

* * *

25 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Матлубот кооперацияси тизимида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25-26 май. Президент Ислом Каримов МДҲга аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Минскка келди. МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг кенгашида давлатлараро валюта қўмитасини тузиш, МДҲ чегараларини мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни кучайтириш каби масалалар муҳокама қилинди. Ҳукумат раҳбарлари турли соҳаларга оид ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир 20 дан зиёд масалани кўриб чиқдилар.

* * *

30 май. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бошқаруви раиси С. Соларз раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Суҳбат чоғида С.Соларз Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш йўлида катта ишлар қилинаётганини таъкидлаб, ўзи бошқараётган жамғарманинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги яхши натижа беришига ишонч билдирди.

* * *

30 май. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқ шоири Зулфияга 80 ёшга тўлиши муносабати билан табрик йўллади.

* * *

31 май. Президент Ислом Каримов «Тошкент давлат авиация институтини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси минтақавий олий ўқув юртларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «1995/96 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул тўғрисида»ги қарорларга имзо чекди.

* * *

1 июнь. Президент Ислом Каримов Корея Республикасининг «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жун раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат давомида Асакадаги «УзДЭУавто» қўшма корхонаси қурилишини тезроқ якунлаш, заводга жамловчи ускуналар етказиб бериш, маҳсулотни реализация қилиш ҳамда Кореяда ўзбек мутахассисларининг малакасини ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, «ДЭУ» компаниялари билан телекоммуникация, енгил саноат соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида фикрлашиб олинди.

* * *

1 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцинга Южносахалинскда юз берган табиий офат муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

* * *

2 июнь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Жаҳон банкининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Парвез Ҳасанни қабул қилди. Суҳбат чоғида Жаҳон банки билан ҳамкорликнинг илк натижалари ва унинг истиқболи хусусида фикрлашилди.

* * *

2 июнь. Президент Ислом Каримов «Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1995 йилнинг 1 чораги дастурининг бажарилиши ва биринчи ярим йилликда ислоҳотларнинг кутилаётган якунлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси

халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг «Мицубиси корпорейшн» компаниясининг директорлар кенгаши раиси Синроку Морохаси бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида «Мицубиси корпорейшн» билан тоғ-кон, нефть ва газ саноати, савдо-иқтисодий ҳамда молия соҳасида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

6 июнь. Президент Ислом Каримов расмий сафар билан Латвия Республикасига ташриф буюрди. Шу куни Ислом Каримов ва Латвия Президенти Гунтис Улманис ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Мулоқотлар ниҳоясида ҳар икки давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома, транспорт, ҳаво алоқаси, сайёҳлик ҳамда илмий-техник соҳалар бўйича битимлар, шунингдек, икки давлат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протокол имзоланди.

* * *

7 июнь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Рига биржаси биносида Латвия ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди ва тадбиркорларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди. Сўнг Латвия Сейми раиси Анатолий Горбунов билан мулоқотда бўлиб, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан фикрлашиб олди. Шундан кейин Ислом Каримов ва Гунтис Улманис Рига қўргонининг давлат тантаналари залида журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

* * *

7 июнь. Президент Ислом Каримов давлат ташрифи билан Литва Республикаси пойтахтига келди. Вильнюсдаги Президент саройида Ислом Каримов ва Альгирдас Бразаускас ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Сўнг музокаралар кенгайтирилган таркибда давом эттирилди. Музокаралар самараси ўлароқ икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация, таълим, фан ва техника, сайёҳлик, маданият ва санъат, савдо-иқтисодий, ҳаво йўли ва ҳаво транспорти ҳамда божхона қонунини бузиш ҳолларига қарши кураш борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

* * *

8 июнь. Президент Ислом Каримов Литвага сафарининг иккинчи кунини мамлакатдаги ишбилармонлар билан учрашувдан бошлади. Шундан кейин Вильнюсдаги «Аудеяс» Гобилен ишлаб чиқариш фабрикасида бўлиб, корхона фаолияти билан яқиндан танишди. Литва Республикаси Сейми раиси Чесловас Юришенас билан мулоқотда бўлди ва фахрий меҳмонлар китобига эзгу тилаклар билдирилган дастхат ёзиб қолдирди.

* * *

9 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, шунингдек, Тошкент ва Ўрта Осиё рус православ черкови епархиясининг миллатлараро тинчликни, фуқаролар тотувлиги ва мамлакатимиздаги турли динларга эътиқод қилувчилар дўстлигини мустаҳкамлашдаги мавқеини юқори баҳолаб, махсус фармойишга имзо чекди.

* * *

10 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республиканинг аҳолига автомобиль бензинини нақд пулга сотувчи айрим автомобиль ёқилғиси қуйиш шохобчаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 июнь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Шунингдек, Алишер Навоий номидаги миллий боғ теварагида бунёд этилаётган иншоотларда бажарилаётган ишлар кўламини кўздан кечирди.

* * *

12 июнь. Президент Ислом Каримов «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонга ва Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд сўмларни эркин муомаладаги валютага алмаштиришга доир чеклашларни бекор қилиш тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

13 июнь. Президент Ислом Каримов Япониянинг хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамгармаси президенти Акира Нишигаки бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида телекоммуникация, транспорт, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги соҳаларида узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳақида фикрлашиб олинди.

* * *

14 июнь. Президент Ислом Каримов Навоий вилоятининг Учқудуқ шаҳрида 3-гидрометаллургия заводининг биринчи навбати ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган тантанали митингда иштирок этди. Завод цехларидаги иш жараёни билан танишди, меҳнаткашлар билан учрашди. Республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирларининг саволларига жавоб қайтарди. Шундан сўнг мамлакатимиз раҳбари «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасида ҳам бўлди. Мурунтов карьерини бориб кўрди, «Агама» тўқимачилик фабрикасида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатини кўздан кечирди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Навоий конметаллургия комбинати 3-гидрометаллургия заводининг биринчи навбати очилишига бағишланган тантанада сўзлаган нутқи «Ўзбекистон келажакка ишонч билан қарамоқда» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

15 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Давлат корхоналарини очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 июнь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Хироши Накажимани қабул қилди. Суҳбат чоғида Орол денгизи муаммосини ҳал қилиш, республикада соғлиқни сақлаш соҳаси ва дори-дармон ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш бўйича ҳамкорликка оид масалалар муҳокама этилди.

* * *

20 июнь. Украина Президенти Леонид Кучма давлат ташрифи билан Тошкентга келди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Дўрмон қароргоҳида Президент Ислом Каримов билан Леонид Кучма ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги муносабатларни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари Халқлар дўстлиги саройида давом эттирилди. Ўзаро музокаралардан сўнг Президентлар маҳаллий ва хорижлик журналистлар билан учрашиб, музокаралар якунлари хусусида ўз фикрларини баён қилди.

* * *

21 июнь. Президентлар Ислом Каримов ва Леонид Кучма Ўзбекистон байналмилал маданий марказида Украина маданияти маркази фаоллари билан учрашишди. Шундан сўнг олий мартабали меҳмон Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Шу куни Президент Леонид Кучма мамлакатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Самарқандга ташриф буюрди ва шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди. Регистон майдонида Леонид Кучма Ўзбекистонлик бир гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига «Украина озод этилганининг 50 йиллиги» медали ва эсдалик совғаларини топширди.

* * *

21 июнь. Президент Ислом Каримов дон тайёрлаш режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажаргани муносабати билан Фарғона вилояти галлакорларига табрик йўллади.

* * *

23 июнь. Президент Ислом Каримов дон тайёрлаш режасини бажаргани муносабати билан Андижон вилояти ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

26 июнь. Президент Ислом Каримов дон тайёрлаш режасини бажаргани муносабати билан Наманган вилояти ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

27 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 июнь. Республикамиз Президенти Ислом Каримов Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг ҳамда Гана Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Барбара Логан Хей хоним ва Жон Ивунтома Бавадан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

* * *

28 июнь. Президент Ислом Каримов Австрия Федерал канцлери Ф.Враницкийнинг шахсий вакили Карл Блехани қабул қилди. Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Австрия ўртасида ҳар томонлама алоқаларни янада тараққий эттиришга оид масалалар муҳокама этилди.

* * *

1 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самга Сеул шаҳрида юз берган бахтсиз ҳодиса муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

* * *

1 июль. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Меъморлар уюшмасининг 60 йиллиги муносабати билан мамлакат меъморларига табрик йўллади.

* * *

4 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг иккинчи босқичида қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, ортиқча ишчи кучини жалб қилиш мақсадида саноат корхоналари барпо этиш ҳамон долзарб масала бўлиб тургани, республика аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқда яшаши, бошқача айтганда, қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатга яроқли 3 миллион 600 минг одамнинг деярли 2,5 миллион нафарини саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтказиш мумкинлиги мажлис кун тартибида асосий ўринни эгаллади.

* * *

6 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси вице-президенти Ерик Асанбоев бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги алоқалар тобора ривожланиб бораётгани, жумладан, мамлакатимизда машҳур қозоқ оқини Абайнинг 150 йиллик юбилейига бағишланган тантаналар ўтказилаётгани халқларимиз дўстлиги ва биродарлигини янада мустаҳкамлашини таъкидлади.

* * *

6 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Академик В.Воҳидов хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 июль. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Франция Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Пол Везианни қабул қилди. Ислом Каримов элчи Ўзбекистондаги уч йиллик фаолияти давомида икки давлат муносабатлари ривожига муносиб ҳисса қўшганини таъкидлади.

* * *

7 июль. Президент Ислом Каримов Япония ташқи ишлар вазири ўринбосари Ҳироши Фукудани қабул қилди. Суҳбат чоғида ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

7 июль. Президент Ислом Каримов «Навоий давлат кончилик институтини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 июль. Туркия Бош вазири Тансу Чиллер расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Шу куни Президент Ислом Каримов билан Тансу Чиллер ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатда икки қардош мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга оид масалалар хусусида фикрлашиб олинди. Икки давлат ўртасида илмий-техник ҳамкорлик, виза бериш жараёнини соддалаштириш, кўчмас мулк ва элчихоналарни молиявий таъминлаш ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича давлатлараро комиссия ташкил этиш тўғрисидаги битимлар имзоланди. Шундан сўнг Халқлар дўстлиги саройида Ислом Каримов ва Тансу Чиллер Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги меморандумга ҳамда кредит бўйича келишув битимига имзо чекдилар. Расмий маросимлар тугагач, маҳаллий ва хорижий журналистлар учун баёнот бердилар.

Олий мартабали меҳмон Ислом Каримов ҳамроҳлигида Туркиянинг «Айсел» фирмаси қурган Тошкентдаги «Диснейленд» кўнгилочар богига ташриф буюрди.

* * *

10 июль. Президент Ислом Каримов Туркия Бош вазири Тансу Чиллерга туркий тилли халқлар учун бирдек азиз сиймо — Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйишида ҳамроҳлик қилди.

Шу куни Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тансу Чиллер Самарқандга сафар қилиб, буюк мунажжим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек расадхонасини, Гўри Амир мақбарасини зиёрат этгач, шаҳар кўчаларидан бирига турк халқининг улуг фарзанди Мустафо Камол Отатурк номи берилиши муносабати билан уюштирилган митингда қатнашди.

* * *

11 июль. Президент Ислом Каримов Туркиянинг «Коч холдинг А.Ш.» компаниялари гуруҳи президенти ва ижрочи директори Инан Кирач бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида Самарқандда кичик автобуслар ишлаб чиқарадиган қўшма корхонани ташкил этиш, Туркиядан сотиб олинаётган енгил автомобилларга хизмат кўрсатиш тармогини яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

11 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзинвестлойиҳа» республика инжиниринг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов АҚШ халқаро ривожланиш бўйича агентлиги раҳбари ўринбосари Томас Дайнни қабул қилди. Мулоқот чоғида иқтисодиёт, сиёсат, молия, экология ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида фикрлашиб олинди.

* * *

12 июль. Президент Ислом Каримовнинг «Российская газета» мухбири Вахтанг Шелия саволларига жавоби «Ислоҳотимиз тамойиллари» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

17 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 июль. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Буюк Британиянинг «Юнимед» мустақил ахборот газетаси мухбирлари Таиза Боск ва Эдриан Бэннокни қабул қилди ва уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

* * *

20 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Бекобод шаҳрининг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов давлатга ғалла сотиш шартнома режасини бажарган Тошкент ва Жиззах вилоятлари ғаллакорларига ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

24 июль. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ГФР давлат вазири, ташқи ишлар вазири ўринбосари Шэфер Хелмутни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

24 июль. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Греция Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Кириакос Родусакисдан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

* * *

25 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Фокион Фотиадис раҳбарлигидаги Европа ҳамжамияти делегациясини қабул қилди. «Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан интеграциялашув тарафдори, — деди Президентимиз. —Биз яқин келажакда бу ҳамжамият билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида ҳужжат имзоланишига умид қиламиз».

* * *

25 июль. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Тунис Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Тнани Ридани элчилик фаолияти тугаши муносабати билан қабул қилди.

* * *

25 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи агентликни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (Бизнес-фонд)ни ташкил этиш ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 июль. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Черномирдин ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Ушбу учрашувдан сўнг Виктор Черномирдин Ислом Каримов ҳамроҳлигида буюк шоир Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Халқлар дўстлиги саройида Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин раҳбарлигида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида икки томонлама,

МДҲ ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш билан боглиқ масалалар, шунингдек, бир қанча халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан атрофлича фикрлашиб олинди. Музокаралар ниҳоясида Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш ва кенгайтириш тўғрисидаги меморандумни, 1996-1997 йилларда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўналишлари тўгрисидаги ҳукуматлараро битимни имзоладилар.

Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон раҳбари ва Россия ҳукумати раиси журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтарди. Шундан кейин В. Черномирдин В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ташриф буюриб, корхона фаолияти билан танишди.

* * *

27 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк»ни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 июль. Тошкент аэропортида Россия ҳукумати раиси Виктор Черномирдинни расмий кузатиш маросими бўлди. Виктор Черномирдин Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқандга келди. У Мирзо Улуғбек ҳайкали пойига гуллар қўйиб, расадхона билан танишди. Рудакий майдонида барпо этилаётган биноларни томоша қилди. Шундан сўнг В.Черномирдин бошлиқ россиялик меҳмонлар Гўри Амир мақбараси, янги ишга тушган темир йўл вокзали ва «Шарқлифт» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида бўлишди.

* * *

28 июль. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг таъсис қурултойи қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

29 июль. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раислигида мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

* * *

29 июль. Президент Ислом Каримов дон тайёрлаш бўйича режани уддалаган Сирдарё вилояти ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

29 июль. Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлди. Мажлисда 1995 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар, пул муомаласи ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг аҳволи тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

* * *

31 июль. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Люксембург шаҳзодаси, Бельгиянинг «Коминко» компаниялари халқаро холдинг гуруҳи президенти Жан ҳазрати олийлари раҳбарлигидаги тадбиркорлар делегациясини қабул қилди. Суҳбат чогида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилди.

* * *

31 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «ЮНИСЕФ-Экосан фондларининг «Аспера» лойиҳасини амалга оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 август. Президент Ислом Каримов «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги бўлинмаларини давлат ҳиссадорлик компанияларига айлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республика боғдорчилиги ва узумчилигида илм-фанни ишлаб чиқариш билан интеграциялашни чуқурлаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 август. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти — кенгаш раиси Ислом Каримов бошқарган ушбу мажлисда кенгашнинг вазифалари белгилаб берилди, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим муаммолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринаси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

* * *

16 август. Президент Ислом Каримов «Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ғузор — Бойсун — Қумқўргон» янги темир йўл линиясини лойиҳалаштириш ва қуриш масалалари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 август. Президент Ислом Каримов «Хорижий сармоялар бўйича агентликни ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 август. Австралия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жефри Роберт Бентли Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

23 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Экспортга йўналтирилган маҳсулотлар айрим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг биринчи навбатдаги лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Хорижий сармоялар бўйича агентлик фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов Бекобод шаҳрининг 50 йиллиги муносабати билан шаҳар меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов Халқлар дўстлиги саройида хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг республикамиздаги корхоналари раҳбарлари ҳамда чет эллик ва маҳаллий журналистлар учун брифинг ўтказди. Мамлакатимиз раҳбари йиғилганларга Ўзбекистонда туб ислоҳотларнинг бориши, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайликлар ҳамда мустақил давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида гапириб берди. Брифинг якунида журналистларнинг кўплаб саволларига ҳам жавоб қайтарди.

* * *

26 август. Республикамиз Президенти Ислом Каримов ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор Сарагосани қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари ҳурматли меҳмонга буюк аждодларимиз мероси ва уни асраш, таргиб ва ташвиқ этиш йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди. Меҳмон ўзи раҳбарлик қилаётган халқаро ташкилот Ўзбекистон раҳбариятининг тинчлик ва барқарорликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш борасидаги сиёсатини қўллаб-қувватлашини қайд этиб, Ўзбекистонда маданий-маърифий ишларни янада ривожлантиришда, жумладан, Бухоро ва Хива шаҳарлари юбилейларини ўтказишда ҳамкорлик қилишини айтди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов мамлакатимиз пойтахтида фойдаланишга топширилаётган иншоотлар — Мустақиллик боги, Алишер Навоий номидаги миллий боғ ҳудудида барпо этилган кўл, Эски шаҳардаги Сағбон ва Қорасарой кўчаларидан ўтказилган йўллар, Амир Темур хиёбонидаги бунёдкорлик ишлари, Олой бозорида қурилган савдо марказини кўздан кечирди. Эски шаҳар кўчалари бўйлаб илк бора йўлга қўйилган тролейбус қатнови билан танишди.

* * *

28 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов туркий тилли давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Қиргизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлди. Учрашувда қардош давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикрлашилди.

Анжуманда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари, шунингдек, «Манас» эпосининг минг йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда қатнашди ва маъруза қилди.

* * *

28 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури тўғрисида» ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 август. Тошкентдаги «Юнусобод» теннис кортида Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун иккинчи халқаро турнирнинг расмий очилиш маросими бўлди. Унда Юртбошимиз маъруза қилди ва жаҳоннинг 14 мамлакатидан ташриф буюрган мусобақа қатнашчилари, меҳмонлар ва томошабинларни қутлади.

* * *

30 август. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессия ишида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги ва «Концессиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

31 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Сессияда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва депутатларни мустақилликнинг тўрт йиллиги билан табриклаб, уларга мамлакатимиз фаровонлиги йўлида муваффақиятлар тилади.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

31 август. Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида Ватанимиз мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан байрам тантаналари бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

31 август. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов замонамизнинг улкан ёзувчиси, йирик жамоат арбоби Чингиз Айтматовга «Дўстлик» орденини топширди. Президентимизнинг улуғ адиб билан ўтказган суҳбатида Марказий Осиё халқларининг дўстлиги, ҳамкорлиги ва маънавий бирлигини мустаҳкамлаш борасида фикрлар алмашилди.

* * *

1 сентябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистонда жойлашган чет мамлакатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари шарафига Қайнарсойда қабул маросими уюштирди.

* * *

1 сентябрь. Тошкентдаги «Юнусобод» спорт комплексида теннис бўйича «Президент кубоги» учун иккинчи халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Президент Ислом Каримов мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида иштирок этиб, унинг қатнашчилари ва ташкилотчиларини қутлади. Мусобақа ғолибларига совринлар топширди.

* * *

2 сентябрь. Президент Ислом Каримов Япониянинг Токио банки бошқаруви раиси Тойо Гётенни қабул қилди. Суҳбат чоғида мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Япония ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг тобора ривожланиб боришини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини баён этди. Ўз навбатида, меҳмон Япония ҳукумати ва ўзи раҳбарлик қилаётган банк орқали телекоммуникация тармоқлари қувватини ошириш ва янгилаш мақсадида Ўзбекистонга имтиёзли кредит ажратганини маълум қилди.

* * *

2 сентябрь. Тошкентда Республика Қуролли Кучлари академиясининг расмий очилиш маросими бўлди. Ўзбекистон Президенти — Республика Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

* * *

2 сентябрь. Тошкентдаги «Пахтакор» стадионида биринчи Марказий Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Президент Ислом Каримов спортчиларни, меҳмонлар ва спорт мухлисларини табриклади.

* * *

4 сентябрь. Грузия давлати раҳбари Эдуард Шеварднадзе расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида икки давлат раҳбарининг мулоқоти бўлди. Яккамаякка суҳбат шаҳардаги қароргоҳда ҳам давом этди. Эдуард Шеварднадзе Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги миллий богга ташриф буюриб, буюк шоир ҳайкали пойига гуллар қўйди. Шундан сўнг Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон ва Грузия давлатлари расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар сўнгида икки мамлакат ўртасида ҳукуматлараро ва муассасалараро 20дан зиёд ҳужжат қабул қилинди. Давлатлар раҳбарлари шу ернинг ўзида журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Президентлар Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзе сафар ниҳоясида йирик давлат арбоби Шароф Рашидов қабрини зиёрат қилиб, ёдгорлик пойига гуллар қўйдилар.

* * *

5 сентябрь. Президент Ислом Каримов Тожикистондаги коллектив тинчликни сақлаш кучлари қўмондони, генерал-лейтенант Валентин Бобришевни қабул қилди. Суҳбат чоғида Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, жумладан, Тожикистонда тинчлик ва бар-

қарорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

7 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республикада қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатишини тартибга солиш ва уни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ихтисослаштирилган «Замин» давлат ҳиссадорлик ипотека банкини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 сентябрь. Президент Ислом Каримов Учқўрғон ва Уйчи туманларининг 60 йиллиги муносабати билан мазкур туманлар меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

12 сентябрь. Президент Ислом Каримов Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Мелкулангара Кумаран Бхадракумар ҳамда Замбиянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Нчимуния Жон Сикаулудан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

* * *

12 сентябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Япония — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлиги бўйича қўмита раиси, «Мицуи» компанияси президенти Наохико Кумагаи бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Президент Ислом Каримов японияслик тадбиркорлар диққатини ҳамкорлик учун қулай имкониятлар мавжуд бўлган коммуникация, транспорт, қишлоқ хўжалиги, пахтани қайта ишлаш соҳаларига қаратди. Хорижий сармоядорлар учун жаҳон талаблари даражасида яратилган шарт-шароит ва кафолатлар ҳақида сўзлаб берди. Ўз навбатида Наохико Кумагаи Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги қулай жойлашуви ва кенг иқтисодий имкониятлари япон ишбилармонларида катта қизиқиш уйғотганини таъкидлади.

* * *

13 сентябрь. Президент Ислом Каримов Швейцариянинг «Ван хойтен энд калибо» компаниялари гуруҳи президенти Клаус Якобс бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Клаус Якобс қандолат маҳсулотлари, турли хил ширинликлар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасини ташкил этиш йўлидаги ҳаракатлар Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган ҳар томонлама қулай шароит туфайли амалий натижалар бера бошлаганини эътироф этди.

* * *

14 сентябрь. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида нашр этилди.

* * *

14 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси солиқ органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва унинг ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 сентябрь. Президент Ислом Каримов Тошкент давлат университетининг 75 йиллик юбилейи муносабати билан университет профессор-ўқитувчилари ва талабаларига табрик йўллади. Шунингдек, мазкур университетга Мирзо Улуғбек номини бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига имзо чекди.

* * *

15 сентябрь. Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-кенгаш иш бошлади. БМТ, ЕХҲТ, Ислом конференцияси ташкилоти делегациялари, БМТ Хавфсизлик кенгашига аъзо мамлакатлар, МДҲ, Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари, шунингдек, минтақага туташ давлатлар делегациялари иштирок этган ушбу анжуманда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

15 сентябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов БМТ Бош котибининг махсус вакили Маҳмуд Мистирийни қабул қилди. Самимий суҳбат чоғида Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ва бу борада халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикрлашилди.

* * *

16 сентябрь. Президент Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар дав-

лат вазири Салмон Хуршидни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлаб Тошкентда ўтказилган семинар-кенгаш минтақадаги ва унга қўшни мамлакатларнинг бундай ҳамкорлигини тараққий эттиришга хизмат қилиши таъкидланди.

* * *

18 сентябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козиревни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Россия ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни янада тараққий эттириш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди ҳамда долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

19 сентябрь. Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев амалий ташриф билан юртимизга келди. Тошкент аэропортида Президенг Нурсултон Назарбоевни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов кутиб олди. Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев икки республика ўртасидаги иқтисодий интеграцияни кучайтириш, Нукусда давом этаётган Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларнинг барқарор ривожланишига бағишланган халқаро конференция иши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олишди. Мулоқотдан сўнг ҳар икки мамлакат раҳбарлари журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди. Брифингдан сўнг Нурсултон Назарбоев Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ташриф буюрди.

* * *

20 сентябрь. Нукус шаҳрида БМТ раҳнамолигида ўтаётган Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиш учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва Туркманистон ҳукумати делегацияси бу ерга ташриф буюрди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси мажлислар залида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мазкур масалага бағишланган музокараси бўлиб ўтди ва Нукус декларацияси қабул қилинди. Музокара сўнггида давлат раҳбарлари маҳаллий ва хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари мухбирлари саволларига жавоб қайтаришди.

* * *

20 сентябрь. Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

25 сентябрь. Президент Ислом Каримов республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган Асака тумани меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

26 сентябрь. Швеция Қироллигининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Свен Хирдман ҳамда Франция Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Клод Ришар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширишди.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов Индонезиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳасан Абдулжалил ҳамда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги элчиси Генри Лии Кларкни уларнинг илтимосига биноан қабул қилди. Ҳар икки элчи мамлакатимиз раҳбариға ваколат муддатлари тугагани ва Ўзбекистондан илиқ таассуротлар билан юртларига қайтаётганини билдиришди.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов Япония парламентининг Ўзбекистон — Япония ўртасидаги дўстлик уюшмаси раиси Х.Кумагаи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Мулоқот чоғида икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқалар ривожида Ўзбекистон — Япония парламентлари, шунингдек, Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик қўмиталарининг бу ишга муносиб ҳисса қўшаётгани таъкидланди.

* * *

28 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан республика ўқитувчи ва мураббийларига, халқ таълими ходимларига табрик йўллади.

* * *

3 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ролета» фирмаси президенти Роландас Лауринайтис бошчилигидаги литвалик тадбиркорларни қабул қилди. Суҳбат чоғида банк, енгил саноат ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни равнақ топтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашилди.

* * *

3 октябрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Маросим сўнгида академиянинг биринчи тингловчилари билан суҳбатлашди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маросимдаги нутқи «Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

4 октябрь. Президент Ислом Каримов Япония Халқаро молиявий ёрдам маркази президенти, Ташқи иқтисодий ҳамкорлик кенгашининг аъзоси Томомицу Ооба раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди. Суҳбат чоғида ҳар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш хусусида сўз борди.

* * *

4 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзжамғармабанк»ни Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига айлантириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 октябрь. Президент Ислом Каримов Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпоёгонийни унинг илтимосига биноан қабул қилди. Суҳбат чоғида мамлакатимиз раҳбари у элчилик вазифасида ишлаган даврда Ўзбекистон билан Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона алоқалар ривожига муносиб ҳисса қўшганини таъкидлади.

* * *

6 октябрь. Президент Ислом Каримов давлатга пахта сотиш режасини республикада биринчи бўлиб бажарган Андижон вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

10 октябрь. Президент Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг бош котиби Вильгельм Хойнкни қабул қилди.

Ислом Каримов ЕХҲТ ташаббуси билан республикамизда ўтказилаётган халқаро семинар нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларда ҳам экология ҳолатини барқарорлаштиришга ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

Шунингдек, мамлакатимиз ва ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

11 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг «Атроф-муҳитни қайта тиклаш» мавзусидаги халқаро семинари қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

12 октябрь. Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Стенли Туэмлер Эскудеро мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

13 октябрь. Президент Ислом Каримов АҚШ Савдо ва энергетика вазирлиги маслаҳатчиси, АҚШ маъмуриятининг МДҲ давлатлари билан энергетика ва савдо соҳаларида ҳамкорлик масалалари бўйича вакили Ян Калицки бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Президентимиз мазкур делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун етарли имкониятларни янада кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлади ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожига янги куч бағишлайди, деб умид билдирди.

* * *

20 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 октябрь. Мамлакатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолийнинг таклифига биноан БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида иштирок этиш учун АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

23 октябрь. Президент Ислом Каримов «Плаза» меҳмонхонасида Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси президенти Ким У Жун-

ни қабул қилиб, Асакада қурилаётган автомобиль заводини ишга тушириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Шундан сўнг «Чейз манхеттен банк» раҳбарлари ҳамда Америкaнинг йирик ишбилармонларини бирлаштирган «Америкен интернейшнл груп» молия холдинг кенгаши аъзолари билан учрашди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Чехия Республикасининг Президенти Вацлав Гавел ва Украина Президенти Леонид Кучма билан мулоқотда бўлди.

* * *

24 октябрь. Президент Ислом Каримов БМТ ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган Бош ассамблеянинг тантанали мажлисида нутқ сўзлади. Эртасига эса мамлакатимиз раҳбари АҚШ вице-президенти Альберт Гор билан учрашиб, Ўзбекистон — АҚШ ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ривожига ҳамда МДҲдаги бугунги вазият, хусусан, Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига дахлдор масалалар юзасидан суҳбатлашди. БМТ Бош ассамблеясининг юбилей сессиясида иштирок этган Президент Ислом Каримов 26 октябрь куни Ватанимизга қайтиб келди.

* * *

29 октябрь. Покистон пойтахти Исломободда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

30 октябрь. Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюросининг доимий қўмитаси аъзоси Ху Цзиньтао бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

31 октябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Жаҳон банки президенти Жеймс Д. Уолфенсон раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ислом Каримов Жаҳон банки ва унинг ташкилотлари билан шерикликда амалга оширилаётган тадбирларга тўхталиб, бу нуфузли молия ташкилоти билан коммуникацияни ривожлантириш, мамлакатнинг экспорт қудратини ошириш ва малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилишдан Ўзбекистон манфаатдор эканини таъкидлади. Меҳмон ўз навбатида Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун қулай шарт-шароит ва кафолат мавжудлигини айтиб, мамлакатдаги барқарор тинчлик бунинг асосий гарови эканини эътироф этди. Қабул маросимидан сўнг Ислом Каримов ва Жеймс Уолфенсон маҳаллий ва хорижий журналистлар билан учрашди.

* * *

1 ноябрь. Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳсин Покойин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

1 ноябрь. Италиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карло Унгаро Президент Ислом Каримов қабулида бўлиб, элчилик ваколати ниҳоясига етгани ва мамлакатимиздан яхши таассурот билан қайтаётгани, шунингдек, Италия билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда ўзининг камтарона ҳиссаси қўшилганидан бениҳоя фахрланишини эътироф этди.

* * *

1 ноябрь. Мамлакатимиз раҳбари Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентда ўтказилаётган мажлиси иштирокчилари — Қ. Тоқаев ҳамда Р. Отунбоевани қабул қилди. Учрашувда Марказий Осиё республикалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди.

* * *

2 ноябрь. Жанубий Африка Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жакобус Адриан Экстин мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

* * *

2 ноябрь. Президент Ислом Каримов АҚШнинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудерони қабул қилди. Самимий суҳбат чоғида Ислом Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг юбилей сессияси муносабати билан Нью-Йоркка қилган сафари, унинг расмий ва ишбилармон доиралар билан ўтказган учрашувлари якунлари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга тааллуқли масалалар муҳокама этилди.

* * *

2 ноябрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Фанлар академияси вакиллари — бир гуруҳ академик олимлар билан учрашди. Суҳ-

бат чоғида давлатимиз раҳбари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, мустақилликни янада мустаҳкамлашда илм-фаннинг аҳамияти беқиёс эканини таъкидлади. Ватанимиз илм-зиё салоҳиятини, халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, бой маданий ва илмий меросни асраб-авайлаш, айниқса, тараққиётнинг муҳим омили бўлган фундаментал фанларни ривожлантириш борасида олимлар олдида турган долзарб вазифалар хусусида тўхталди. Жаҳон фани ютуқларидан вақтида ва тўла хабардор бўлиш, янги технология ва ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, шунингдек, фан кишиларининг самарали меҳнат қилиши учун қулай шароит яратиб бериш зарурлиги тўғрисида гапирди.

* * *

3 ноябрь. Президент Ислом Каримовнинг БМТ ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган Бош ассамблеянинг тантаналаридаги иштирокидан сўнг Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволларига берган жавоблари матбуотда эълон қилинди.

* * *

6 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 ноябрдаги «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги фармони қандай бажарилаётгани ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ихтисослаштирилган «Асака» давлат-акционерлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 ноябрь. Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто расмий-амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кутиб олди. Давлат раҳбарлари шу ернинг ўзида маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашдилар.

* * *

11 ноябрь. Президент Ислом Каримов ва Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистон билан Покистон ўртасида иқтисодий, маданий ва савдо алоқаларини янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

* * *

14 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасидаги дипломатия ваколатхоналари ва халқаро ташкилотларнинг иш шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 ноябрь. Президент Ислом Каримов Германия Федерал Президенти Роман Херцог таклифига биноан расмий ташриф билан Германияга жўнаб кетди.

* * *

15 ноябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Германияга ташрифи «СЛ» меъморлик-конструкторлик компанияси томонидан ишланган Имом Бухорий мақбараси мажмуи лойиҳаси билан танишишдан бошланди.

Президент Ислом Каримов «АББ» концерни раҳбарлари билан мулоқотда бўлди. Сўнг Баден-Вюртемберг ери Бош вазири ўринбосари, иқтисодиёт вазири Дитер Шпёри билан суҳбатлашди. «Саламандер» концерни раҳбарларини қабул қилиб, уларга Ўзбекистонда хорижий ишбилармонлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар хусусида гапириб берди. Шундан кейин Д. Шпёри ҳамроҳлигида «Даймлер Бенц» концернининг Штутгарт-Мёрингемдаги қароргоҳига ташриф буюриб, унинг раҳбарлари билан музокаралар ўтказди. Сўнгра Федерал Президент Роман Херцог ҳамроҳлигида «Линден музей»да «Буюк ипак йўли мероси: Ўзбекистон» кўргазмасининг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

* * *

16 ноябрь. Президент Ислом Каримов Бонн шаҳрига келиб, «Петерсберг» ҳукумат қароргоҳида ГФР Иқтисодиёт вазирлиги давлат котиби Лоренс Шомейрус билан учрашди. Суҳбатда давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш хусусида гап борди. Сўнг Президент Ислом Каримов ва Федерал Президент Роман Херцогнинг «Хаммершмид» қароргоҳида яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Шу куни Юртбошимиз ГФР парламенти — Бундестаги Раиси Рита Зюсмут билан ҳам мулоқотда бўлди. «Петерсберг» қароргоҳида ўтказилган ҳар икки давлат расмий делегацияларининг музокаралари натижаси ўлароқ Ўзбекистон ва ГФР ҳукуматлари ўртасида ҳаво йўли ҳақида ҳамда уюшган жиноятчилик, терроризм ва ўта хавфли бошқа жиноятларга қарши кураш борасида ҳамкорлик тўғрисидаги

ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, Президент Германия ташқи ишлар вазири Клаус Кинкель билан ҳам суҳбатлашди.

* * *

20 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Болали оилаларга давлатнинг ижтимоий ёрдамини кучайтириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 ноябрь. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

22 ноябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистонга амалий ташриф билан келган Молдова Республикаси Бош вазири Андрей Сангелини қабул қилди. Бўлиб ўтган самимий суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

22 ноябрь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Туркистон халқлари маданияти форуми қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

23 ноябрь. Австрия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Вальтер Зигль ҳамда Тожикистон Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Тожиддин Мардонов Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширишди.

* * *

25 ноябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон телевидениеси мухбирига берган интервьюси «Тараққиётнинг қудратли қаноти» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

29 ноябрь. Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Истиқлол имкониятларидан оқилона фойдаланайлик» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

4 декабрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаев Андижон шаҳрида учрашиб, ҳар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар ҳамда Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамкорлигини чуқурлаштириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Президентлар Асака шаҳрида қурилаётган «ЎзДЭУавто» заводида бўлишиб, қурилиш-монтаж ишлари билан танишишди, ишчилар билан суҳбатлашишди, Андижон шаҳрида қурилган янги теннис кортининг очилиш маросимида иштирок этишди.

* * *

4 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Айрим корхоналар ва молмулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 декабрь. Вазирлар Маҳкамаси Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 декабрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов АҚШ Савдо вазирлиги котиби ўринбосари Бэрри Картер бошчилигидаги расмий делегацияни қабул қилди. Президентимизнинг АҚШ мудофаа саноатини конверсия қилиш бўйича 16 та йирик компания вакиллари билан ўтказилган суҳбати чоғида Ўзбекистон мудофаа саноатини конверсия қилиш, ҳар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, айниқса, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар қуришга доир масалалар муҳокама этилди.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» ва бошқа фахрий унвонларга ҳамда давлатимиз орден ва медалларига сазовор бўлган фидойи замондошларимиздан бир гуруҳига Ватанимизнинг юксак мукофотларини тантанали равишда топширди. Маросимда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

7 декабрь. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов қатнашди ва маъруза қилди.

* * *

8 декабрь. Президент Ислом Каримов Россия тадбиркорлари ва саноатчилари уюшмасининг раиси Аркадий Вольский ҳамда Россия бирлашган саноат партияси раиси Вла-

димир Шчербаковни қабул қилди. Учрашув чогида Ўзбекистон ҳамда Россия ишбилармонлари ва саноатчилари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, савдо-сотиқ ва иқтисодий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

12 декабрь. Республика Президенти Ислом Каримов раислигида Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди. Уюшган жиноятчилик ва порахўрликка қарши курашни янада кучайтириш чоралари, шунингдек, жамиятда ҳуқуқ тартиботи ва барқарорликни таъминлаш юзасидан давлатнинг ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

14 декабрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «БАТ индастриз илс» корпорацияси раиси Патрик Шихи раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чогида Самарқандда янги тамаки фабрикаси қуриш ва Тошкент тамаки ишлаб чиқариш корхонасини модернизациялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикрлашилди ҳамда Ўзбекистон билан мазкур корпорациянинг ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

15 декабрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган Литва Бош вазири Адольфас Шлежявичюсни қабул қилди. Суҳбатда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, жумладан, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, Литва бандаргоҳларидан Ўзбекистон манфаатлари йўлида фойдаланиш борасида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Марказий Осиё, Болтиқбўйи минтақаларидаги вазият, шунингдек, бошқа халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

15 декабрь. Президент Ислом Каримов Марказий Осиё республикалари давлатлараро кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Қозоғистон Республикасининг Жамбул шаҳрига ташриф буюрди. Давлатлараро кенгашнинг мазкур мажлисида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ягона иқтисодий маконга аъзо бўлган уч қардош мамлакат ўртасидаги 2000 йилгача мўлжалланган иқтисодий интеграция дастурининг амалга оширилиш жараёни хусусида фикрлашди. Дастурнинг амалга оширилишида кўмаклашиш учун Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки фаолиятини яхшилашга, мамлакатлар тараққиёти ва иқтисодий интеграция жараёнида муҳим ўрин тутувчи коммуникация тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

* * *

18 декабрь. Америка Қўшма Штатларида чоп этиладиган «Институшнел инвестор» журнали мухбирлари Луис Эрл ва Бен Айрес Президент Ислом Каримов қабулида бўлиб, ўзларини қизиқтирган саволларга муфассал жавоб олдилар.

* * *

20 декабрь. Президент Ислом Каримов «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги, «Наслчилик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг биринчи қисмини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

21-22 декабрь. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Бунёдкорлик — фаровон ҳаёт асоси» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги, «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги, «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

25 декабрь. Вазирлар Маҳкамасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1995 йил якунлари муҳокамасига тайёргарлик кўриш ва 1996 йил режаларига бағишланган

йиғилиш бўлиб ўтди. Кенгашни Президент Ислом Каримов бошқарди.

* * *

26 декабрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов буюк давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан «1996 йилни «Амир Темур йили» деб эълон қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 декабрь. Италия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Иоланда Брунетти Гоэтц ва Индонезиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Соекадари Хонговонгсолар Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширишди.

* * *

28 декабрь. Президент Ислом Каримов «Улуғ Ватан уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларини бажарган ёки мамлакат ичкарисида ишлаган шахсларга пенсияларни тўлаш тартиби тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 декабрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов жаҳон кино санъатининг 100 йиллиги, ўзбек миллий киносининг 85 йиллиги ҳамда «Ўзбекфильм» киностудиясининг 70 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон киносанъати ходимларига табрик йўллади.

* * *

29 декабрь. Президент Ислом Каримов Қайнарсой қароргоҳида хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг республикамиздаги ваколатхоналари раҳбарлари ҳамда маҳаллий ва хорижлик журналистлар билан навбатдаги учрашувни ўтказди. Мамлакатимиз раҳбари йиғилганларга жорий йилнинг август ойидаги учрашувдан буён ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, юртимизнинг хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан мустаҳкамланаётган алоқалари, шунингдек, Ўзбекистон раҳбариятининг айрим халқаро ва минтақавий муаммоларга муносабати хусусида сўзлаб берди. Президент Ислом Каримовнинг ушбу учрашувдаги маърузаси «Тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик — энг эзгу мақсадимиздир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

31 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Янги йил табриги йўллади.

1996 йил

3 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикасининг «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жун бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари Андижон вилоятининг Асака шаҳрида жадал қуриб битказилаётган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ҳақида тўхталар экан, бу лойиҳанинг жуда қисқа муддатда амалга оширилиши жаҳон автомобилсозлиги тарихида ноёб ҳодиса эканини таъкидлади.

* * *

3 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Хива шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 январь. Президент Ислом Каримов Грузия Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари, Грузия Президентининг махсус вакили Георгий Бурдулини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги аввал имзоланган ҳукуматлараро ҳужжатларни ҳаётга жорий этиш ва томонларни қизиқтирган икки мамлакат муносабатларига доир бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

4 январь. Президент Ислом Каримов «Экспорт қилиш тақиқланган буюмлар ва маҳсулотларнинг олиб чиқиб кетилишига қарши курашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 январь. Вазирлар Маҳкамасида Президент Ислом Каримов раислигида кенгаш ўтказилди. Унда Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари дастурига кирган иншоотларнинг қурилиши ҳамда таъмирланиши қандай бораётгани тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

* * *

4 январь. Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган мажлис бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, идоралар ва уюшмалар раҳбарлари иштирок этди.

* * *

5 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф буюрган Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазири Малкольм Рифкиндни қабул қилди. Президент Ислом Каримов икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этар экан, бу борада Буюк Британия ишбилармон доиралари, хусусан, Ўзбекистон бозорида муваффақиятли фаолият бошлаган «Барклайз банк», «Ротшильд энд санз» каби банклар, «БАТ индастриз» ва бошқа компаниялар вакиллари муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

* * *

12 январь. Қозоғистон Республикаси Президентининг таклифига биноан Кўкчатов вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Президентлар Марказий Осиёда иқтисодий интеграция жараёнини ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган дастури юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Қуролли Кучлари шахсий таркибига, офицер ва аскарларга, барча ҳарбий хизматчиларга табрик йўллади.

* * *

16 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистонга амалий ташриф буюрди. Чоржўй аэропортида Ислом Каримовни Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов кутиб олди.

Шу куни икки давлат раҳбарларининг якка-якка суҳбати ҳамда Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Музокаралар ниҳоясида Ислом Каримов ва Сапармурод Ниёзов Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани, давлат чегарасини қўриқ-

лашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ва сув хўжалиги масалалари бўйича битимларни имзоладилар.

* * *

17 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон футболини ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди. Шу куни мамлакатимиз Президенти Кремлда Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин билан учрашди. Кенгаш мажлисида божхона иттифоқини шакллантириш истиқболи, Ҳамдўстлик мамлакатлари маданият арбобларининг конгрессини ўтказиш, Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудудида ихтилофларнинг олдини олиш ва бартараф этиш концепциялари лойиҳалари ҳамда бошқа кўплаб масалалар муҳокама қилинди.

* * *

23 январь. Вазирлар Маҳкамасида ғалла ва пахта етиштиришнинг 1995 йил якунлари ҳамда бу борада 1996 йил режалари, шунингдек, хўжалик ва корхоналар, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида шартномалар тузиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.

* * *

23 январь. Президент Ислом Каримов Исроил давлатининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Моше Гецни қабул қилди. Суҳбат чогида Моше Гец Ўзбекистондаги элчилик ваколати ниҳоясига етганини маълум қилар экан, қисқа муддат мобайнида мамлакатимизда юз берган улкан ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўлганини таъкидлади.

* * *

23 январь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Райнхарт Биндзайл ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

24 январь. Президент Ислом Каримов франциялик таниқли тадбиркор Эндрю Гелфини қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги муносабатлар, жумладан, иқтисодий ва маданий соҳадаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётгани, Франциянинг кўплаб машҳур фирма ва компаниялари республикамизда самарали фаолият кўрсатаётганини қайд этиб, ўзаро манфаатли алоқаларни янада равнақ топтириш борасида ҳали талай имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

* * *

24 январь. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов тинчликни сақлаш, ҳозирги мураккаб сиёсий шароитда Ўзбекистонда миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш борасидаги улкан хизматлари учун Фан, таълим, индустрия ва санъат халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайлангани тўғрисида Америка Қўшма Штатларидан хушхабар келди. Академия Президенти Михаил Бахмутский Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиёда биринчи бўлиб бу халқаро академиянинг фахрий аъзоси этиб сайланганини таъкидлади.

* * *

24 январь. Президент Ислом Каримов «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1996 йилда пахта етиштириш ҳажмлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1996 йилда бошоқли экинлар дони етиштириш ва харид қилиш ҳажмлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) алоқа бўйича Марказий Осиёдаги бюроси раҳбари Алоис Резникни қабул қилди.

* * *

28 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Е.Примаков, мудофаа вазири П.Грачёв ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлик вазири В.Серовни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз борди. Шунингдек, қўшни Тожикистон Республикасида юзага келган вазият, Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги воқеаларга доир масалалар муҳокама қилинди.

* * *

31 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 февраль. Президент Ислом Каримов анъанавий жаҳон иқтисодий анжуманида қатнашиш учун Швейцариянинг Давос шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

6 февраль. Халқаро олимпия қўмитасининг Лозаннадаги қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга «Олтин Олимпия» орденини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди. Бу ноёб орденга элликдан ортиқ киши сазовор бўлган. Улар орасида қироллар сулоласи аъзолари, Рим папалари, Франсуа Миттеран, Борис Ельцин ва бошқа атоқли давлат арбоблари бор. Халқаро олимпия қўмитаси президенти жаноб Хуан Антонио Самаранч Ислом Каримовга юксак мукофотни топширар экан, шундай деди: «Сизнинг жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматларингиз ва олимпия идеалларига садоқатингиз учун биз Сизни олимпия ордени билан мукофотлаймиз».

Тантанали маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

7 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ўлмас ижодий меросини таргиб қилиш тўғрисидаги фармойишга имзо чекди.

* * *

8 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Индонезиянинг «Бакри групп» компаниялари гуруҳи президенти Абдуризал Бакрини қабул қилди.

* * *

12 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг фаолияти тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Вазирлар Маҳкамасининг Фан ва техника соҳасида Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофоти тўғрисида» 1991 йил 5 мартдаги 57-сон қарорига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 февраль. Президент Ислом Каримов республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан танишиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган россиялик журналистларни қабул қилди.

* * *

19 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаковни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамда минтақавий ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

22 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги ва «Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорларга имзо чекди.

* * *

22 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф буюрган Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятийни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

29 февраль. Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1995 йил якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида 1996 йилдаги вазифаларга багишланган йиғилиши бўлди. Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

1 март. Президент Ислом Каримов АҚШнинг Хориждаги хусусий сармоялар бўйича корпорацияси (ОПИК) президентининг биринчи ўринбосари Сюзан Левин хоним ҳамда Савдо ва тараққиёт бўйича мустақил агентлиги (ИДА) минтақавий директори Даниэл Стайнни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари, жумладан, нефть конларини ўзлаштириш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

4 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 март. Президент Ислом Каримов «Болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 март. Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон шаҳридаги Жоржтаун университетида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

5 март. Президент Ислом Каримов «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга ва Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўгрисида»ги қарорига имзо чекди. Президентимизнинг Россия оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбати, мухбирларнинг саволларига жавоблари «Танлаган йўлимизнинг тўғрилигига ишончим комил» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

7 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлардаги сиёсати бош мувофиқлаштирувчиси, махсус топшириқлар бўйича элчиси Жеймс Коллинз раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбатда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

7 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1995 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 1996 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўллари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 март. Президент Ислом Каримов 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мамлакат хотин-қизларига табрик йўллади.

* * *

8 март. Президент Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори, элчи Одри Гловер хонимни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар жараёнида демократик муассасаларнинг фаолияти билан боглиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

12 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Би-би-си» — Буюк Британия радиоэшиттириш корпорацияси жаҳон хизматининг бошқарувчи директори Сэм Янгер ва «Би-би-си мониторинг» директори Том Ридни қабул қилди.

* * *

13 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Сардор Асеф Аҳмад Алини қабул қил-

ди. Суҳбат давомида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар, савдо-иқтисодий алоқалар ва минтақавий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

13 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Футболни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Халқаро Амир Темур жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ва «Темурийлар тарихи Давлат музейини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларга имзо чекди.

* * *

15 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро валюта жамғармасининг ижрочи директори Даниэл Кейзер бошчилигидаги ушбу халқаро молиявий ташкилот делегацияси аъзоларини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

16 март. Урганчда Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

18 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 март. Тошкентда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг мажлиси бўлди. Кун тартибига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор муносабатларига изчиллик билан ўтишга доир долзарб масалалар қўйилди. Кенгаш қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги масалани муҳокама этди. Йиғилишда Президент Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

19 март. Президент Ислом Каримов Наврўз байрами арафасида қуриб битказилган республика Биржа марказини бориб кўрди. Президент энг замонавий техника, компьютерлар ва МДҲда ягона бўлган табло кўрсаткичи билан жиҳозланган марказ фаолияти билан танишди, биржадаги мутахассислар билан суҳбатлашди.

* * *

20 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди. Суҳбатда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатлар, минтақавий хавфсизлик борасида кенг ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

20 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 март. Президент Ислом Каримов Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўз тантаналарида иштирок этиб, табрик нутқи сўзлади.

* * *

25 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бош котиби Бертран Дюфурк бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, маданий ҳамда сиёсий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, халқаро ташкилотлар доирасидаги Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

26 март. Президент Ислом Каримов Буюк Британиянинг «Лонро» компанияси Президенти ва бош ижрочи директори Дитер Бокни қабул қилди. Тоғ-кон саноати, хусусан, олтин қазиб олиш, нефть ва газни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда кенг фаолият кўрсатадиган «Лонро» гуруҳига 900 га яқин компания киради ва у жаҳондаги 80 дан зиёд мамлакатда ўз ваколатхоналарига эга. Суҳбат чогида ўзаро ҳамкорликдаги қўшма лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси ва амалга ошириш ишларини жонлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

26 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги интеграция жараёнлари ривожи билан боғлиқ саволларига жавоблари матбуотда чоп этилди.

* * *

26 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузурида Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга ва Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг самарали фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 март. Президент Ислом Каримов Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Ле Дик Аннинг таклифига биноан ушбу мамлакатга расмий ташриф билан жўнаб кетди.

* * *

28 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидир» китоби «Ўзбекистон» нашриётида босмадан чиқди.

* * *

28 март. Ўзбекистон ва Вьетнам расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар якунида давлат раҳбарлари икки давлат ўртасида мамлакатлараро муносабатлар асослари ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Шунингдек, ҳукуматлараро ва банклараро бир неча ҳужжатлар ҳам имзоланди.

* * *

1 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Хоразм вилоят суди фаолиятидаги қонунбузарликлар ва жиддий камчиликлар тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

3 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиёда ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги шартномани имзолаган мамлакатлар Бош вазирлар кенгашининг Тошкентда ўтадиган навбатдаги мажлисида қатнашиш учун юртимизга ташриф буюрган Қозоғистон Бош вазири Акежан Кажегелдин ва Қирғизистон Бош вазири Апас Жумағуловни қабул қилди.

* * *

5 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг НАТОдаги доимий вакили, элчи Роберт Хантер бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Ислом Каримов Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганини, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, АҚШ миссиясининг Ўзбекистонга ташрифи мазкур халқаро ташкилот билан алоқаларни ривожлантириш учун имкон яратишига ишонч билдирди.

* * *

8 апрель. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Европа Иттифоқи Комиссияси комиссари Ханс Ван Ден Брук раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Ислом Каримов мамлакатимиз билан ЕИ ўртасидаги алоқалар муттасил ривожланиб бораётгани, унинг тобора тараққий этишида ЕИК томонидан қабул қилинган Ўзбекистон ҳақидаги ахборот янги босқични бошлаб берганини айтди. Жаноб Ханс Ван Ден Брук Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида жиддий ўсишга эришганини, ЕИ мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканини ва Ўзбекистон билан ЕИ ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим алоқаларнинг янада ривожланиши ва кенгайиши учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратишини таъкидлади.

* * *

9 апрель. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа Иттифоқи Комиссияси комиссари Ханс Ван Ден Брук Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида юртимизнинг қадимий ва навқирон шаҳарлари — Бухоро ва Самарқандга ташриф буюрди.

* * *

11 апрель. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укеру Магосакини қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада тараққий эттириш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

11 апрель. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга Туркманистоннинг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Султон Пирмуҳамедов, Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Сайид Хожа Шаржил Ҳасан, Аргентина Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Арнольдо Мануэль Листре ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

12 апрель. Президент Ислом Каримов Германия Федератив Республикаси Бундестагининг депутати Эрика Райнхардтни қабул қилди. Суҳбат чогида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

12 апрель. Президент Ислом Каримов хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, чет эл ҳамда республикамиз журналистлари билан навбатдаги анъанавий учрашувини ўтказди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу учрашувдаги мухбирларнинг саволларига жавоблари «Келажагини ўз қўли билан қураётган Ўзбекистонга халақит берманг!» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

17 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 апрель. Президент Ислом Каримов Америкининг «Озод Европа» ва «Озодлик» радиокорпорацияси президенти Кевин Клозни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан мазкур радиокорпорация ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари хусусида фикрлашиб олинди.

* * *

21 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Франция Республикасига жўнаб кетди.

* * *

22 апрель. Президент Ислом Каримов Франция Президенти Жак Ширак билан учрашди. Суҳбат чогида Президентлар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда мустаҳкам ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш учун улкан имкониятлар мавжуд экани хусусида якдил фикрга келдилар. Президент Жак Ширак учрашув сўнгида Ислом Каримовга Амир Темурнинг 1402 йили француз қироли Шарль Олтинчига йўллаган мактуби нусхасини совға қилди. Мамлакатимиз раҳбари ўзига ажратилган қароргоҳда Франция молия ва ташқи савдо бўйича мутасадди вазири Ив Галанни қабул қилди. Учрашув чогида Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Ислом Каримов Франция Республикаси Миллий Кенгашига ташриф буюриб, унинг раиси Ф.Сеген билан суҳбатлашди.

* * *

22 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорянга табрик йўллади.

* * *

23 апрель. Президент Ислом Каримов Париждаги ўзи учун ажратилган қароргоҳда «Фигаро» газетаси ва «Пари-матч» журнали мухбирларининг саволларига атрофлича жавоб қайтарди. Сўнг Франция ҳукумати аъзоси, француз тилида сўзлашувчи мамлакатлар бўйича давлат котиби Маржи Сюдер хонимни қабул қилди. Париж савдо-саноат палатаси вакиллари Ислом Каримов шарафига зиёфат берди.

Мамлакатимиз раҳбари ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 149-сессияси ялпи мажлисида нутқ сўзлади. Ислом Каримов ва Федерико Майор мазкур ташкилот қароргоҳида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси ўтказди. Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти халқимизнинг буюк фарзанди Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим равнақи» кўргазмасининг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун Ф.Майорга мамлакатимизнинг «Дўстлик» орденини, темурийлар даврини узоқ йиллардан буён тадқиқ этиб келаётган француз олими Л.Керэнга «Шуҳрат» медалини тантанали суратда топширди. Кечқурун ЮНЕСКО биносида Ўзбекистон санъати усталари катта концерт дастурини намойиш этди.

* * *

24 апрель. Президент Ислом Каримов сафари давомида Франциянинг муҳим иқтисодий минтақаларидан бири Альп-Ронанинг маркази Лион шаҳрига ташриф буюрди ва шаҳар савдо-саноат палатасида минтақанинг йирик компания ва банклари раҳбарлари билан учрашди. Президентимиз палата вакиллари билан ҳамкорлик алоқалари хусусида сўз юритар экан, бу алоқалар «Технология — сизлардан,

ресурслар — биздан» принципи асосида ривожланиши зарурлигини таъкидлади. Шундан сўнг Ислом Каримов Рон префектураси ҳамда Лион шаҳри мэрияси раҳбарлари билан суҳбатлашди. Ратушанинг фахрий китобига дастхат ёзиб қолдирди.

* * *

24 апрель. Президент Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг «Марказий Осиё: Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида кенг қамровли хавфсизлик ва минтақавий можаролар» симпозиуми қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

25 апрель. Президент Ислом Каримов «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

25 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларига маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизматлари кўрсатиш агентлигини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 апрель. Президент Ислом Каримов АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Робин Линн Рафаэл хонимни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

26 апрель. Президент Ислом Каримов «Амир Темур» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

29 апрель. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Япониянинг Сакигаки партияси раиси Масаёши Такемура раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чогида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ўзаро алоқаларни кенгайтириш, ҳамкорлик имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга эришиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

29 апрель. Президент Ислом Каримов Швейцария Конфедерациясининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Паул Випфлини қабул қилди. Ўзбекистон раҳбари элчининг мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ривожидаги хизматларини муносиб баҳолади. Паул Випфли элчилик ваколати муддати тугаганини маълум қилар экан, Ўзбекистонни унутилмас хотиралар билан тарк этаётганини таъкидлади.

* * *

29 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 май. Президент Ислом Каримов «Ғалаба куни байрами муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рагбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 май. Президент Ислом Каримов АҚШнинг «Юнокал» корпорацияси вице-президенти Марти Миллер ва Саудия Арабистонининг «Делта ойл» компанияси вице-президенти Усмон Калдиримни қабул қилди.

* * *

2 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Банк-молия академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 май. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган БМТ Бош котиби ўринбосари, БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича дастури ижрочи директори Жиоржио Жиакомеллини қабул қилди. Учрашувда Марказий Осиёнинг қорадори маҳсулотлари олиб ўтиладиган ҳудудга айланишига йўл қўймаслик чоралари муҳокама этилиб, минтақада наркобизнес кучайишининг олдини олишда БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича дастури билан ўзаро куч-гайратни бирлаштириш зарурлиги қайд этилди.

* * *

3 май. Президент Ислом Каримов Филиппин Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Самуэл Раме,

Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ботирали Сиддиқов, Норвегия қироллигининг республикамиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Пер Тресселтдан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

* * *

4 май. Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби корейс тилида чоп этилди.

* * *

6 май. Бишкекда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари — Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаевнинг навбатдаги учрашуви бўлди. Унда уч давлат ўртасида барпо этилган ягона иқтисодий макон бўйича шартноманинг бажарилиши, мазкур мамлакатлар ўртасидаги ишлаб чиқариш кооперацияси, сув ва энергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масалалари муҳокама этилди. Учрашувда уч давлатнинг БМТ захира кучлари таркибига кирувчи тинчликни қўллаб-қувватловчи батальонини тузиш ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги машқларга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Музокаралар сўнгида уч давлат раҳбарларининг матбуот конференцияси ўтказилди. Учрашув ниҳоясида «Манас маскани» хиёбонида Президентлар дўстлик ва ҳамкорлик рамзи сифатида арча дарахтлари ўтказдилар.

* * *

7 май. Президент Ислом Каримов гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш соҳасида ҳамкорлик бўйича халқаро семинар-конференция қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

7 май. Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Дўрмон қароргоҳида Туркия Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан кейин ҳар икки мамлакат раҳбарлари — Ислом Каримов ва Сулаймон Демирэлнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммолар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

7 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 май. Президент Ислом Каримов ва Туркия Президенти Сулаймон Демирэл раҳбарлигида расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар ниҳоясида атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича ҳамкорлик, иккиёқлама солиқ солмаслик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Шундан сўнг ҳар икки мамлакат раҳбарлари журналистлар билан матбуот конференцияси ўтказди.

Сулаймон Демирэл жаноблари мамлакатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Ўзбекистон Олий Мажлисига ташриф буюрди. Алишер Навоий номидаги миллий боғда буюк шоир ҳайкали пойига гуллар қўйди. Шу куни «СамКочавто» ўзбек-турк қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида ҳужжатлар имзоланди. Икки мамлакат раҳбарлари Тошкентдаги Биржа маркази фаолияти билан танишиб, фахрли меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирдилар.

* * *

9 май. Ўзбекистон Президенти, Республика Қуролли Кучларининг Бош қўмондони Ислом Каримов пойтахтнинг Мустақиллик майдонида уруш фахрийлари, Қуролли Кучлар ва меҳнат жамоалари вакиллари билан учрашди, Ўзбекистон халқини қутлуғ байрам — Ғалаба куни билан қизғин табриклади. Бош майдондаги Номаълум аскар ва Биродарлик қабристонидаги «Мотамсаро она» ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

* * *

9 май. Туркия Президенти Сулаймон Демирэл Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган туркиялик тадбиркорлар билан учрашгач, олий мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди. Тушдан сўнг Сулаймон Демирэл Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқандга ташриф буюрди. Зиёрат Мирзо Улуғбек расадхонаси ва унинг мемориал музейи билан танишишдан бошланди. Олий мартабали меҳмон Челак туманидаги Имом Бухорий қадамжосини зиёрат этди.

Улуғ муҳаддис меросини тарғиб этувчи улкан маърифий муассаса қурилиши ва соҳибқирон Амир Темур юбилейи муносабати билан Гўри Амир мақбарасида қилинаётган таъмирлаш ишлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Ҳар икки мамлакат Президенти Регистон майдонида уруш фахрийлари ҳамда Ғалаба кунини нишонлаётган шаҳар жамоатчилиги вакиллари билан учрашди. Шу куни Туркия давлати раҳбари Президентимиз ҳамроҳлигида Тошкентга қайтиб келди ва шу оқшом ўз ватанига жўнаб кетди.

* * *

12 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Машҳад — Сарахс — Тажан темир йўлининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш учун Эрон Ислом Республикасининг Машҳад шаҳрига келди. Машҳад аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Эрон Ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний кутиб олди. Шундан сўнг Юртбошимиз ўзи учун ажратилган қароргоҳ — «Ҳумо» меҳмонхонасида Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзе билан учрашди. Унда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳамда коммуникация тармоқларини кенгайтириш хусусида фикрлашиб олинди.

* * *

13 май. Ўзбекистон раҳбари Машҳад темир йўл вокзалида 50 дан ортиқ мамлакатдан келган вакиллар иштирокида янги йўл шарафига бағишланган маросимда қатнашди. Сўнг тантаналарда иштирок этаётган бошқа давлат бошлиқлари билан биргаликда Эроннинг Сарахс шаҳрига махсус самолётда жўнаб кетди. Туркманистоннинг Сарахс шаҳри темир йўл биносида Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Грузия ўртасида темир йўл транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шартнома ҳамда транзит юк ташишни тартибга солиш соҳасида ҳамкорлик бўйича битим имзоланди.

* * *

13 май. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар бошлиқларининг тўртинчи учрашувида иштирок этиш учун Ашгабат шаҳрига келди.

* * *

14 май. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. ИҲТ доирасида Ўзбекистон, Покистон, Афғонистон ва Туркманистон ўртасида ўзаро англашув ҳақида меморандум имзоланди. Учрашув сўнгида Ашгабат декларацияси ва ИҲТ фаолиятини қайта ташкил этиш ҳақида меморандумга имзо чекилди. Шу куни мамлакатимиз раҳбари Покистон Президенти Фарук Легхари ва Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний билан суҳбатлашиб, мазкур ташкилотга аъзо мамлакатларни бир-бири билан боглайдиган йўллар қурилиши лойиҳалари бўйича фикрлашиб олди.

* * *

15 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Москвада бўлиб ўтган МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг 20-учрашувида қатнашди. Шу куни Воробьево Горидаги ўзи учун ажратилган қароргоҳда Беларусь Президенти А. Лукашенко билан мулоқотда бўлди. МДҲ давлат раҳбарларининг кенгаши ялпи мажлиси Кремлнинг Екатерина залида бўлиб ўтди. Унда Россиядаги демократик жараёнларни қўллаб-қувватлаш ҳақида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари томонидан тавсия этилган баёнот бир овоздан маъқулланди. Шундан сўнг МДҲ интеграция ривожининг 1996-97 йиллардаги истиқбол режаси, МДҲга аъзо мамлакатлар ҳудудида уюшган жиноятчиликка ва бошқа хавфли жиноятларга қарши биргаликда кураш тадбирларининг 2000 йилгача бўлган давлатлараро дастури каби ўнга яқин масала муҳокама этилди.

Кенгашнинг ялпи мажлисидан кейин БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий МДҲ давлат раҳбарлари билан учрашди ва нутқ сўзлади. Кенгаш мажлиси якунлангач, МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарлари журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

* * *

21 май. Президент Ислом Каримов АҚШнинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди. Суҳбат чоғида АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

21 май. Президент Ислом Каримовга Руминия Республикасининг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Константин Гирбя ҳамда Яман Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Али Абдуллоҳ ал-Бугейрий ишонч ёрлиғини топширишди.

* * *

21 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 май. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов АҚШнинг «Кейс» корпорацияси вице-президенти Леопольд Платтнерни қабул қилди. Суҳбат чоғида қишлоқ хўжалик техникаси ва технологиясини ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

22 май. Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманиснинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланди. Юксак мартабали меҳмонни Дўрмон қароргоҳида расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Латвия Президенти Гунтис Улманиснинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат чогида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, минтақавий ва халқаро муаммолар билан боғлиқ баъзи масалалар бўйича фикр алмашилди.

* * *

22 май. Ислом Каримов «Вазирлар Маҳкамасининг Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» 1996 йил 3 январдаги 6-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига имзо чекди.

* * *

23 май. Дўрмон қароргоҳида Президентлар Ислом Каримов ва Гунтис Улманис иштирокида Ўзбекистон ва Латвия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда асосан икки томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Музокаралардан сўнг Президентлар маҳаллий ва хорижий журналистлар билан матбуот конференцияси ўтказишди. Шу куни Латвия Президенти Гунтис Улманис Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги миллий боғга ташриф буюрди ва газал мулкининг султони ҳайкали пойига гул қўйди.

Президент Ислом Каримов ва Гунтис Улманис Халқлар дўстлиги саройида ҳар икки мамлакат вазирликлари, йирик корхоналари раҳбарлари, тадбиркорлар ва савдо-саноат вакиллари билан учрашишди. Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманиснинг ташрифи 24 майда ҳам давом этди. Олий мартабали меҳмон расмий ташриф давомида Тошкент ва Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди. Ўзбекистон Олий Мажлиси вакиллари билан учрашди.

* * *

24 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Телерадиокомпаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Озарбайжонга келди. Юртбошимиз ўз ташрифини Озарбайжон мустақиллиги учун жон фидо этганлар ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйишдан бошлади. Сўнг Президент саройида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ва Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев ўртасида яккама-якка мулоқот бўлиб ўтди. Мулоқот тугагач, ҳар икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Ушбу маросимдан сўнг матбуот анжумани бўлиб ўтди, ҳар икки давлат раҳбарлари журналистларнинг саволларига жавоб қайтаришди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Боку давлат университетига ташриф буюриб, дорилфунун раҳбарлари, олимлар ҳамда талабалар билан учрашди. Бу ерда Ўзбекистон давлати раҳбарига иқтисодиёт, фан, маорифни юксалтиришдаги хизматлари, сиёсий алоқалар, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун университетнинг фахрий доктори дипломи топширилди.

* * *

28 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Грузияга келди. Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзенинг яккама-якка суҳбатида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар, минтақавий ва халқаро вазият, МДҲ доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шундан кейин Президентлар иштирокида кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бўлиб ўтди.

Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, икки мамлакат ўртасида молия-саноат гуруҳини тузиш, ҳуқуқ-тартибот, савдо алоқаси, почта алоқаси, солиқ, божхона тизими каби кўплаб соҳалардаги ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди.

* * *

29 май. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Тбилисидаги «Крциниси» қароргоҳида Грузия телевидениесига интервью бериб, мухбирларнинг сафар якунлари ҳақидаги барча саволларига жавоб қайтарди.

* * *

29 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) бош директори Арпад Богшни қабул қилди. Суҳбат чогида Ўзбекистон билан ЖИМТ ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Арпад Богш илмий ва технологик ихтирочи-

лик фаолиятига, мамлакатимизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлигига қўшган буюк ҳиссаси учун ЖИМТ давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Ислом Каримовни олтин медаль билан мукофотлашга қарор қилганини билдирди ва мазкур ташкилотнинг олий мукофоти — олтин медаль ва гувоҳномасини топширди.

* * *

30 май. Республикамиз Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти парламент ассамблеяси президенти Франк Свален раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорлик юзасидан биргаликда ўтказилаётган тадбирлар муҳим аҳамиятга эга эканини айтди. Ўз навбатида Ф.Свален ЕХҲТ Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қизғин қўллаб-қувватлашини, Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда Олий Мажлис билан ЕХҲТ парламент ассамблеяси алоқаларини ривожлантириш муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

* * *

30 май. Республикамиз Президенти Ислом Каримов ГФР ташқи ишлар вазири Клаус Кинкелни қабул қилди. Ўзаро мулоқотда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Минтақавий ва айрим халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

31 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Япониянинг қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик бўйича молия корпорацияси раиси ўринбосари Тадао Чино бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни равнақ топтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

31 май. Президент Ислом Каримов Жаҳон банки ижрочи директорлари делегациясини қабул қилди. Суҳбат чоғида мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтишда амалга оширилган ишлар, ислоҳотлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги алоқа тизимини янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

31 май. Президент Ислом Каримов «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топономик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 июнь. Президент Ислом Каримов Россия Президентининг Тожикистондаги мухтор вакили Евгений Михайловни қабул қилди. Суҳбат чоғида Тожикистондаги вазиятнинг барқарорлашувидан ҳар икки мамлакат ҳам манфаатдор экани, бу масала минтақавий хавфсизликни таъминлашда муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Унда Тожикистонда барқарор тинчлик ўрнатиш борасида МДҲ доирасидаги, хусусан, Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

3 июнь. Президент Ислом Каримов Япониянинг «Марубени» корпорацияси президенти ИваоТориуми бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан «Марубени» корпорацияси ўртасида нефтни қайта ишлаш соҳасида, хусусан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи лойиҳаси бўйича ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, газ, тоғ-кон, енгил саноат ва транспорт соҳасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама этилди.

* * *

4 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Руминияга жўнаб кетди.

* * *

5 июнь. Бухарестдаги «Котрочени» саройида Президент Ислом Каримов ва Руминия Президенти Ион Илиеску ўзаро мулоқотда бўлди ва Ўзбекистон билан Руминия ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Шундан сўнг икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар тугагач, республикамиз раҳбари Бухарестдаги Номаълум аскар ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди. Куннинг иккинчи ярмида Руминия ташқи ишлар вазири Т. Мелешкану ҳамроҳлигида халқаро савдо марказига бориб, мамлакат саноатининг экспорт маҳсулотлари намуналарини кўздан кечир-

ди. Савдо маркази мажлислар залида Руминия ишбилармонлар доиралари вакиллари билан учрашди.

Шу куни ўзи учун ажратилган қароргоҳда мамлакат Бош вазири Н.Вэкэроюни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат иқтисодий ва интеллектуал имкониятларидан халқларимиз дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, улар учун фаровон турмуш шароитлари яратиш йўлида фойдаланиш хусусида фикрлашиб олинди.

* * *

6 июнь. Президент Ислом Каримов Руминия парламентига ташриф буюриб, Сенат раиси О.Герман, депутатлар палатаси раиси А.Нестасе ҳамда парламент аъзолари билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон ва Руминия парламентлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасида фикрлашилди. Сўнг мезбонлар ҳамроҳлигида парламентнинг қарийб ўн уч йилдан буён қурилаётган, меъморчиликнинг нодир, маҳобатли намунаси бўлган янги биносини бориб кўрди. Куннинг иккинчи ярмида «Котрочени» саройида ҳар икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома, иккиёқлама солиқ солмаслик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, илмий-техник ҳамкорлик, ҳаво ва темир йўл транспорти, транзит юк ташиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Ушбу маросимдан сўнг Ислом Каримов ва Ион Илиеску журналистлар билан учрашди.

* * *

10 июнь. Президент Ислом Каримов раислигида Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистоннинг транспорт-коммуникация воситалари орқали жаҳон денгиз йўлларига чиқишини таъминлаш, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида АҚШ ҳудудида ўтказиладиган «Кооператив оспрей-96» машқларида иштирок этиш ҳақидаги, шунингдек, кенгашнинг хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар кўриб чиқилди.

* * *

11 июнь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Қашқадарё вилоятида бўлиб, меҳнаткашлар ҳаёти, бу ерда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан танишди. Бир қанча жамоа хўжаликларида деҳқонлар, мутахассислар, раҳбарлар билан учрашиб, қишлоқ хўжалигидаги мавжуд вазият, ечимини кутаётган муаммолар юзасидан фикр алмашди. Оқсоқоллар ва ёшлар билан мулоқотда бўлди, уларни қизиқтираётган кўплаб саволларга жавоб қайтарди. Шунингдек, Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой майдонида Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан қад ростлаётган соҳибқирон ҳайкали ва ёдгорлик мажмуи қурилишини кўздан кечирди. Қарши шаҳридаги спорт иншоотлари билан танишди.

* * *

13 июнь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Миср иқтисодиёт ва халқаро ҳамкорлик вазири Навал Абдул Мунайм ал-Татавийни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида савдо, иқтисод, илмий, коммуникация, транспорт, энергетика, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ҳамкорлик қилиш истиқболлари хусусида фикрлашиб олинди. Миср вазири Ислом Каримовга Президент Ҳусни Мубораknинг шахсий мактубини топширди.

* * *

13 июнь. Президент Ислом Каримов Европа Тикланиш ва тараққиёт банки президенти Жак де Ларозьер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги молиявий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

14 июнь. Президент Ислом Каримов Бельгия ҳукумати расмий вакили, сенатор Роберт Урбен раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Бельгия Қироллиги ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги ва бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш хусусида фикрлашиб олинди.

* * *

14 июнь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Япониянинг хорижий-иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси вице-президенти М.Куботани қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ривожида мазкур жамғарманинг алоҳида ўрин тутаётгани таъкидланди ва келажакда ҳамкорликда вагонсозлик заводи барпо этиш лойиҳаси ҳар икки томон учун манфаатли бўлиши эътироф этилди.

* * *

15 июнь. Президент Ислом Каримов Темурийлар тарихи давлат музейида амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари меъмор ва қурувчиларга музейнинг безатилиши хусусида маслаҳатлар берди. Музейда экспонатларни жойлаштириш масаласи билан қизиқди. Шунингдек, Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманида қурилиши режалаштирилаётган «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасининг лойиҳа-макети муҳока-

ма қилинди. Самарқандда Амир Темур ҳайкалини ўрнатиш мўлжалланаётган жой хусусида фикр-мулоҳаза билдирди.

* * *

19 июнь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Австралиянинг «Вестерн майнинг корпорейшн» компанияси бошқарувчи директори Хью Морган раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашув чоғида меҳмонлар Ўзбекистондаги айрим конларни ўзлаштириш бўйича қўшма корхона барпо этиш, бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиш тўғрисида фикрларини маълум қилди.

* * *

20 июнь. Президент Ислом Каримов Италиянинг Флоренция шаҳрида бўлиб ўтадиган Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Италияга жўнаб кетди.

* * *

21-22 июнь. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви кун тартибида Маастрихт шартномасини амалга оширишни жадаллаштириш, ишсизлик муаммоси, адлия ва ички ишлар, ягона пул бирлиги, ЕИни кенгайтириш каби бир қатор масалалар муҳокама этилди. ЕИ билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Мамлакатимиз раҳбари ушбу тадбир доирасида Италия Республикаси Президенти Луижи Скалфаро, Бош вазир, ЕИ Кенгаши раиси Романо Проди, ташқи ишлар вазири, ЕИ Кенгаши раиси Л. Дини, Италия Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари В.Велтрони билан «Медичи Рекарди» саройида, Европа ҳамжамияти комиссияси раиси Ж.Сантер ва комиссари Ханс Ван Ден Брук, Европарламент раиси Клаус Ханш билан «Фортеза де Бассо» саройида мулоқотда бўлди.

Шунингдек, Ислом Каримов Тоскана вилояти раиси Виннини Кити, «Ла Масса» қароргоҳида Италиянинг машҳур Эни нефть ва газ агентлиги президенти Г.Мускато, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «ФАТА груп» компанияси президенти Ди Роза билан музокаралар ўтказди. Бўлиб ўтган учрашувларда ишбилармон доираларнинг манфаатли алоқалари учун ҳар икки мамлакат ҳам ресурсларга бойлиги ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

* * *

23 июнь. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан АҚШнинг Вашингтон шаҳрига келди.

* * *

24 июнь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Нью-Йорк авенюдаги АҚШ хорижий сармояларни ҳимоялаш корпорацияси (ОПИК) қароргоҳида унинг президенти Рут Харкин хоним билан суҳбатлашди. Шу ерда Ислом Каримов АҚШ йирик компаниялари раҳбарлари, ишбилармонлари билан ҳам учрашди. Юртбошимиз бу ерда ҳозир бўлган тадбиркорлар ва журналистларга мамлакатимизда бизнесни йўлга қўйиш борасидаги афзалликлар, ҳамкорликнинг истиқболлари хусусида сўзлаб берди ва уларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Президент Ислом Каримов Марказий разведка бошқармаси директори Ж.Дойч билан учрашди. Шунингдек, АҚШ давлат котиби ўринбосари Строуб Тэлбот билан мулоқотда бўлди. «Мариотт» меҳмонхонаси қароргоҳида Ислом Каримов АҚШ энергетика вазири Г.Ольири хонимни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари шу ерда АҚШ молия вазири Р.Рубин билан икки мамлакат ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш ҳақида ўзаро фикрлашди.

* * *

25 июнь. Президент Ислом Каримов Оқ уйда АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик масалалари хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, бу ерда мамлакатимиз раҳбари АҚШ миллий хавфсизлик кенгаши раиси Э.Лейк билан мулоқотда бўлди. АҚШ Сенатининг халқаро муносабатлар қўмитаси аъзолари билан қилган суҳбатида парламентлараро алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, Юртбошимиз ўзи учун ажратилган қароргоҳда Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси раиси С.Соларзни қабул қилди. Жаҳон банки қароргоҳида эса ушбу банк президенти Ж. Вульфенсон билан учрашди.

Шу куни Президент Ислом Каримов АҚШ пойтахти марказидаги Массачусетс авенюда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси янги биносининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

* * *

26 июнь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Америка савдо ва тараққиёт агентлиги раиси Гранд Мейсон ва АҚШ савдо вазири ўринбосари Б.Картер раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билан боғ-

лиқ масалалар муҳокама қилинди. Пентагонда АҚШ мудофаа вазири Уильям Перри билан мулоқотда бўлди. Шундан сўнг мамлакатимиз раҳбари Арлингтон қабристонида Номаълум аскар қабрини, Жон ва Роберт Кеннедилар қабрини зиёрат қилди, улар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, гулчамбар қўйди.

Юртбошимиз АҚШ Сенатига ташриф чоғида Теннеси штати губернатори Д.Санквист ва ушбу штатдан сайланган сенаторлар билан учрашди. Учрашув ниҳоясида Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари ўртасида ҳамкорлик ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди. Президентимиз ўзининг Вашингтондаги учрашувлари якунида миллий матбуот клубига ташриф буюриб, журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарди. Шу куни мамлакатимиз раҳбари Техас штатига жўнаб кетди.

* * *

27 июнь. Президент Ислом Каримов Техас штатининг Хьюстон шаҳри мэри Р.Ланиер билан мулоқотда бўлди. Шу куни шаҳарнинг «Хюстониан» меҳмонхонаси мажлислар залида «Ўзбекистоннинг нефть ва газ соҳасидаги салоҳияти» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Америка савдо ва тараққиёт агентлиги раҳбари Ж.Гранд Мейсон бошқарган ушбу конференцияда Ислом Каримов техаслик ишбилармонлар олдида сўзга чиқди.

Анжуман чоғида «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси билан Америка компаниялари ўртасида қўшма корхоналар тузиш ҳамда ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари «Юнокал» ва «Дельта» компаниялари раҳбарлари билан ҳам учрашди. Куннинг иккинчи ярмида ўзи учун ажратилган «Фор сизонс» меҳмонхонаси қароргоҳида «Эй-би-би» фирмаси президенти ва ижрочи директори Ж.Барневик раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Ислом Каримов шу куни «Энрон» корпорацияси раиси К.Лей билан ҳам суҳбатлашди.

* * *

28 июнь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Денвер шаҳрига ташриф буюрди ва бу ерда Колорадо штати раҳбари Р.Ромер билан мулоқотда бўлди. «Адамс марк» меҳмонхонасида бўлиб ўтган бу учрашувда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Колорадо штати ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Шундан сўнг Ислом Каримов «Ньюмонт майнинг» корпорациясига ташриф буюриб, «Ўзбекистонда тоғ-кон саноатига ва минераллар қазиб олишга сармоя солиш имконияти» мавзуида ўтказилган конференцияда иштирок этди. Бу ерда Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан «Ньюмонт майнинг» корпорацияси ўртасида мамлакатимиз шарқида олтин конларини қидириш ва тадқиқ этиш бўйича қўшма корхона ташкил этиш ҳамда мазкур қўмита билан «Ньюмонт майнинг» ва «Мицуи» корпорацияси ўртасида Қизилолмасой ва Кучбулоқ конларини биргаликда қазиш бўйича битим имзоланишида қатнашди.

* * *

2 июль. Дўрмон қароргоҳида Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэмин билан яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Хитой раҳбари Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий богига ташриф буюриб, улуғ шоир ва мутафаккир ҳайкали пойига гуллар қўйди.

* * *

2 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 июль. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон ва Хитой расмий делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар якунида Президент Ислом Каримов ва ХХР Раиси Цзян Цзэмин Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги қўшма декларацияни имзолади. Сўнг Дўрмон қароргоҳида Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминни расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди.

* * *

4 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов буюк давлат арбоби, маданият ва санъат ҳомийси Амир Темурнинг дунё тарихида тутган ўрни ҳамда темурийларнинг илм-фан, маориф ва маданият тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссасини тарғиб этиш, келажак авлодни миллий қадриятларга чексиз ҳурмат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида кўрик-танлов ўтказиш тўғрисидаги фармойишга имзо чекди.

* * *

4 июль. Президент Ислом Каримов XXVI ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун Атланта шаҳрига йўл олаётган Ўзбекистон спорт делегациясини қабул қилди.

* * *

5 июль. Президент Ислом Каримов Германиянинг «Даймлер-Бенц» концерни бошқаруви аъзоси доктор Клаус Мангольд раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

* * *

5 июль. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон делегацияси Қўшма Штатларда бўлган пайтида кўрсатилган катта ҳурмат-эҳтиром учун Америка Қўшма Штатлари Президенти Уильям Жефферсон Клинтон жаноби олийларига ўз номидан ва Ўзбекистон халқи номидан миннатдорлик мактуби йўллади.

* * *

5 июль. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Борис Ельциннинг Россия Федерацияси Президенти лавозимига қайта сайлангани муносабати билан табрик йўллади.

* * *

5 июль. Президент Ислом Каримов дипломатик корпус вакиллари ҳамда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижлик журналистлар билан анъанавий учрашув ўтказди ва нутқ сўзлади.

* * *

5 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1996/97 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 июль. Президент Ислом Каримов Франция Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Клод Ришар, Бельгия Қироллигининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси М.Адамни қабул қилди.

* * *

11 июль. Президент Ислом Каримовга Малайзиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Шаарани ибн Ҳожи Иброҳим ишонч ёрлиғи топширди.

* * *

11 июль. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясининг таркиби тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленг раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

* * *

18 июль. Президент Ислом Каримов Корея Республикасининг «Чосон Ильбо» газетаси бош муҳаррири Чо Габ Жени қабул қилди.

* * *

18 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз маркаларини жорий этишга тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Андижон вилоятининг Асака шаҳрида енгил автомобиллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг халқаро тақдимот маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

22 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Туркиянинг «Эка» иқтисодий хабарлар агентлиги соҳиби, шу номдаги журнал ноширн Муҳаррам Ўзгувенни қабул қилди.

* * *

23 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 июль. 19 июль куни Асака шаҳрида бўлиб ўтган «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасининг халқаро тақдимот маросимидан сўнг республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси ўтказган Президент Ислом Каримовнинг мухбирлар саволларига жавоби «Дўстлик ва ҳамкорлик рамзи» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

24 июль. Президент Ислом Каримов «Республикада банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 июль. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш якунлари ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши муҳокамасига бағишланган мажлисида нутқ сўзлади.

* * *

7 август. Москва шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Президент Ислом Каримовнинг «Палея» халқаро нашриётида чоп этилган «Барқарорлик ва ислоҳотлар» («Стабильность и реформы») китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

7 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Борис Ельциннинг Россия Федерацияси Президенти вазифасини бажаришга киришишига бағишланган расмий маросимда қатнашиш учун Москвага жўнаб кетди.

* * *

8 август. Президент Ислом Каримов «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 август. Президент Ислом Каримов «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республикада нақд пул маблағлари эмиссияси ва касса режаси белгиланган даражасининг 1996 йилнинг июль ойидаги бажарилиш якунлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика саноатини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1996 йилги мева-сабзавот маҳсулотлари ҳосилини Ўзбекистон Республикаси ташқарисига сотиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов пойтахтимиздаги «Пахтакор» спорт машғулотлари бирлашмасига ташриф буюриб, стадионда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари билан танишди. Ислом Каримов «Пахтакор» марказий стадиони Ғарб мамлакатларидаги уйингоҳлар каби кўзни қувонтирадиган, футболчилар учун қулай, томошабинлар мириқиб ҳордиқ чиқарадиган маскан бўлиши лозимлигини таъкидлади. Ўзбекистон Президенти шу куни пойтахтда таъмирдан чиқаётган Олимпия шон-шуҳрати музейини ҳам бориб кўрди.

* * *

19 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмаси корхоналарини хусусийлаштириш, акционерлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тошкент шаҳри аҳолисига йўловчи ташиш транспорти хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 август. Президент Ислом Каримов «Ҳарбий ва махсус унвонлар бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 август. Вазирлар Маҳкамасида мустақилликнинг беш йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

22 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1996 йилда пахта йиғимтерим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 август. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари давлатлараро кенгашида иштирок этиш учун Қозоғистон пойтахти Алмати шаҳрига жўнаб кетди. Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қозоқ оқини Жамбул Жабаев таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда иштирок этиб, нутқ сўзлади.

* * *

26 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Америка Қўшма Штатларининг Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотидаги (ЕХҲТ) делегацияси раҳбари Сэм Браунни қабул қилди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимизда бунёд этилаётган Темурийлар тарихи давлат музейи биноси қурилиши билан танишди, меъмор ва қурувчилар билан суҳбатлашди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан фан, маданият, халқ таълими ва бошқа ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови қатнашчиларига табрик йўллади ва «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами ҳақида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови ғолиблари ва қатнашчиларининг катта концерти бўлиб ўтди. Тантанада Президент Ислом Каримов иштирок этди.

Шу куни Президент Ислом Каримов «Самарқанд шаҳрини «Амир Темур» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги ва «Шаҳрисабз шаҳрини «Амир Темур» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонларга имзо чекди.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов «Фан ва техника соҳасида Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Бунёдкорлик йўлидан» номли 4 жилдлик асарлар тўплами «Ўзбекистон» нашриётида босмадан чиқди.

* * *

29 август. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

29 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг иккинчи қисмини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Буюк хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги, «Уруғчилик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида»ги ва «Фуқаролар соглигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби Жакарта шаҳрида индонез тилида нашр этилди.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов пойтахтдаги Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган иншоотларнинг айримлари билан танишди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудида бунёд этилган «Бахт ороли»ни, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида қурилган «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасини, янги «Қоратош» мавзесини, Абдулла Қодирий ва Амир Темур кўчалари кесишган чорраҳада қурилган ер ости йўлини, «Миробод» ва «Қўйлиқ» бозорларини кўздан кечирди.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов «Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

31 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда нутқ сўзлади.

* * *

1 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов пойтахтимизда Олимпия шон-шуҳрати музейининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

2 сентябрь. «Юнусобод» теннис мажмуасида «Президент кубоги» халқаро турнири бошланди. Мусобақанинг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

4 сентябрь. Тошкентда Президент Ислом Каримов раислигида Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда БМТ шафелигида «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида 1996 йил августида Шимолий Каролина Штатида (АҚШ) ўтказилган «Кооператив оспрей-96» ҳарбий машқларида Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон Республикаларининг тинчлик ўрнатувчи батальони иштироки якунлари, шунингдек, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги байрами тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда Марказий Осиё давлатлари интеграциясининг ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди.

* * *

4 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқарув аъзолари билан учрашди.

* * *

5 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Жазоир Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Бенамер Моҳанд Ақлини унинг элчилик фаолияти муддати якунлангани муносабати билан қабул қилди.

* * *

5 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Швейцария Конфедерациясининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Пьер Хжановски, Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ойдин Азимбеков ишонч ёрлиғи топширишди.

* * *

5 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Қирғизистон Республикасининг Бош вазири Апас Жумағуловни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ҳукуматлараро қўшма комиссия тузиш, ўзаро тўловларни амалга ошириш, интеграцияни чуқурлаштириш, қўшма корхоналар барпо этиш, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

5 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) парламент ассамблеясининг вице-президенти Вилли Виммерни қабул қилди. Суҳбат чоғида ЕХҲТ парламент ассамблеяси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада тараққий эттириш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

6 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов теннис бўйича «Президент кубоги» учинчи анъанавий халқаро мусобақанинг ёпилиш маросимида нутқ сўзлади.

* * *

9 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Саудия Арабистони подшоҳлигининг савдо-саноат палатаси раиси Абдураҳмон ал-Журайсий раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди.

* * *

9 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 сентябрь. Президент Ислом Каримов Жан-Марк Булгарис раҳбарлигидаги Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) делегацияси аъзоларини қабул қилди.

* * *

11 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Тошкентда ўтаётган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар кенгаш-семинари иштирокчиларига мурожаати эълон қилинди.

* * *

12 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республика халқ хўжалигини 1996-97 йил кузги-қишки даврда ишлашга тайёрлашнинг бориши тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Германия Федератив Республикасининг «Дойче банк АГ» банки бошқаруви аъзоси Георг Крупп раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чогида Ўзбекистон билан «Дойче банк АГ» ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, истиқболли лойиҳаларни биргаликда маблағ билан таъминлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

16 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Украина Республикаси ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенкони қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги икки томонлама муносабатларни, шунингдек, МДҲ, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

17 сентябрь. Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида Президент Ислом Каримовнинг хитой тилида нашр этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

17-18 сентябрь. Президент Ислом Каримов ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Андижон, Наманган вилоятларида бўлди. Давлатимиз раҳбари Андижон ирригация машинасозлиги заводи қошида ташкил этилган «Ўз тонг хонг ко» қўшма корхонаси фаолияти билан танишди, мутахассислар ва ишчилар билан суҳбатлашди. Шу куни Андижондаги 1-болалар шифохонасини бориб кўрди, тиббиёт ходимлари ва бу ерда даволанаётган кичкинтойлар билан суҳбатлашди. Президент Избоскан туманида бўлиб, хўжалик раҳбарлари ва деҳқонлар билан мулоқот қилди.

Президент Ислом Каримовнинг Наманган вилоятига сафари эса Норин туманидан бошланди. Учқўрғон туманидаги «Яшилобод», «Қўчқорота» жамоа хўжаликларида бўлиб, аҳоли маданий-маиший шароитини яхшилаш, пахтачиликни ривожлантириш аҳволи билан қизиқди. Президент Наманган шаҳридаги «Аснам текстил» қўшма корхонаси маҳсулотларини ҳам кўздан кечирди.

* * *

25 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Япония миллий нефть корпорацияси Президенти Кунио Комацу бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чогида мамлакатимиздаги нефть конларини қидириб топиш, малакали техник мутахассислар тайёрлаш ва тажриба алмашиш, бу борада ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

27 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошидаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамгармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Республика халқ таълими соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси бўлди. Кенгашда қўшни Афгонистон Ислом давлатида «Толибон» ҳаракати мамлакат пойтахти Кобулда ҳокимиятни эгаллаб олгани натижасида вужудга келган ташвишли ҳарбий-сиёсий вазият кўриб чиқилди. Шунингдек, кенгаш мажлисида Ўзбекистоннинг БМТ қоидаларига, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизлик ишига, қўшни мамлакатларнинг ички ишларига аралашмасликка қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик билан давом эттириш ва Афгонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш тарафдори экани ҳам таъкидланди.

* * *

1 октябрь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан мамлакат халқ таълими ходимларига табрик йўллади.

* * *

2 октябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Бельгия Қироллигининг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Марк Франк, Венгрия Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Дьёрд Нановски, Япониянинг фавқулодда ва мухтор элчиси Коуичи Обата ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

2 октябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари Савдо вазирлигининг маслаҳатчиси Ян Калицкини қабул қилди. Суҳбат чогида икки мамлакат-

нинг савдо-иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

3 октябрь. Президент Ислом Каримов ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, кузги йигим-терим ишларининг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятида бўлди.

Президент, шунингдек, Ўзбекистон ва Афғонистон чегарасидаги «Дўстлик» кўпригини бориб кўрди, Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги чегара постида бўлиб, уни замон талаблари бўйича жиҳозлаш юзасидан тавсиялар берди. Термиздаги ҳарбий ўқув бўлинмасида бўлиб, аскарларнинг жисмоний тайёргарлиги ва уларнинг ҳарбий билимларни эгаллаш жараёни билан танишди.

Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалигида хўжалик раҳбарлари билан учрашиб, пахтачилик истиқболи хусусида суҳбатлашди. Шунингдек, Термиз шаҳрида миллий услубда қурилган янги теннис кортини кўздан кечирди. Шу куни вилоят раҳбарлари билан учрашувда ислоҳотларни чуқурлаштириш, одамларга зарур турмуш шароитини яратиб бериш, ободончилик ишларини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида тавсия ва топшириқлар берди.

* * *

4 октябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Қозоғистон пойтахти Алмати шаҳрига ташриф буюриб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва Россия Федерацияси Бош вазири В.Черномирдин иштирок этган учрашувда қатнашди. Учрашув қатнашчилари Афғонистон ҳамда Тожикистон —Афғонистон чегарасидаги вазиятнинг кескинлашуви билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

* * *

7 октябрь. Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида пахта бўйича халқаро консультатив қўмитанинг 55-ялпи мажлиси иш бошлади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мажлисда нутқ сўзлади. Мажлисда АҚШ, Франция, Англия, Ҳиндистон, Аргентина, Судан каби дунёнинг турли мамлакатларидан келган олим, мутахассис ва ишбилармон доиралар вакилларининг пахта бозори фаолиятини яхшилаш, 2000 йилгача пахта нархлари таҳлили, 90-йилларда пахтачилик истиқболлари мавзуидаги маърузалари тингланди.

* * *

15 октябрь. Президент Ислом Каримов «Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 октябрь. Президент Ислом Каримов «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жун раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чогида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, автомобилларнинг бутловчи материалларини Ўзбекистонда тайёрлаш, жаҳон бозорида рақобатга бардошли янги двигателлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик, пахта савдоси, телекоммуникация соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

16 октябрь. Президент Ислом Каримов Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятийни қабул қилди. Суҳбат чогида икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизлик, жумладан, Афғонистондаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

17 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоблари «Биз ўз куч ва имкониятларимизга ишонамиз» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

17 октябрь. Президент Ислом Каримов Жаҳон банкининг вице-президенти Йоханнес Линни қабул қилди. Суҳбат чогида қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитидан келиб чиқиб ҳаётга жорий этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

18 октябрь. Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган тантаналарда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Президент ҳар икки шаҳар байроғига «Амир Темур» орденини тақиб қўйди. Бу шаҳарларда улуғ бобокалонимиз шарафига ўрнатилган ҳайкаллар пойига гулчамбарлар қўйди.

* * *

18 октябрь. Президент Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Покистон Президенти Фарух Аҳмадхон Легхарийни ку-

тиб олди ва Дўрмон қароргоҳида ҳар икки мамлакат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

19 октябрь. Дўрмон қароргоҳида Президент Ислом Каримов ва Покистон Президенти Фарух Аҳмадхон Легҳарий бошчилигидаги расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида тарихи, дини, анъаналари уйғун бўлган ҳар икки мамлакат халқларининг азалий дўстлиги ва ҳамкорлиги янгича ҳуқуқий асосда кенгайиб, мустаҳкамланиб бораётгани қайд этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Покистоннинг БМТ, Ислом конференцияси ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалардаги фаолиятини мувофиқлаштириш, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг ҳар икки мамлакат президенти журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Шу куни Покистон Президенти Фарух Аҳмадхон Легхарий Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида буюк шоир Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

* * *

20 октябрь. Туркия Президенти Сулаймон Демирэл туркий тилли давлатлар раҳбарларининг Тўртинчи учрашувида қатнашиш учун Тошкентга келди. Шу куни Дўрмон қароргоҳида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ва Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Президентлар дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ қатор масалаларни муҳокама этди.

* * *

21 октябрь. Дўрмон қароргоҳида туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бошланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов йиғилиш кун тартибига давлатлараро гуманитар ва савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашнинг тамойиллари ва ташкилий масалалари, туркий тилли давлатларнинг муҳим саналарини байрам қилиш, шунингдек, Тошкент декларациясини қабул қилиш ва туркий тилли давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувининг ўрни ва муддатини белгилаш тўғрисидаги масалалар қўйилганини маълум қилди. Қайд этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов нутқ сўзлади. Учрашувда қардош давлатлар раҳбарлари туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлар турли соҳаларда муваффақият билан ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этдилар.

Учрашув ниҳоясида давлатлар раҳбарлари Тошкент декларациясига имзо чекдилар ҳамда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

* * *

22 октябрь. Олий даражадаги Тошкент учрашувида қатнашган туркий тилда сўзлашувчи давлатлар раҳбарлари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейини томоша қилди ҳамда республика Биржа марказини бориб кўрди. Меҳмонлар Самарқанд шаҳрига ташриф буюриб, Амир Темур даврида қурилган ноёб иншоотларни кўздан кечирдилар.

* * *

23 октябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси президенти, атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовни қабул қилди. Суҳбат чоғида мазкур ассамблеянинг қардош халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни, маънавий бирликни янада мустаҳкамлашдаги муҳим ўрни хусусида фикр алмашилди.

* * *

24 октябрь. Президент Ислом Каримов Жанубий Кореянинг «Кабул груп» компанияси бошқаруви раиси Парк Чанг Хо бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

* * *

24 октябрь. Президент Ислом Каримов «Республикада нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш чоралари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 октябрь. Тошкентдаги «Туркистон» саройида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзусида халқаро конференция ўз ишини бошлади. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов маъруза қилди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

25 октябрь. Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

28 октябрь. Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

29 октябрь. Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши экани таъкидланди. Йиғилишда Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

30 октябрь. Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «Орол денгизи ҳавзасида атроф-муҳитни барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш» мавзуидаги семинари иш бошлади. Президент Ислом Каримов анжуман иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

31 октябрь. Президент Ислом Каримов «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказини тузиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 ноябрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг тантанали очилиши муносабати билан академия жамоаси ва тингловчиларига табрик йўллади.

* * *

5 ноябрь. Президент Ислом Каримов АҚШнинг «Кейс корпорейшн» компанияси президенти Жан-Пьер Россо бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги машиналарига техник хизмат кўрсатиш шохобчаларини тузишни жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

6 ноябрь. Халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш — бурчимиз» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

7 ноябрь. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган бельгиялик журналистлар — «Де стандаард» газетасининг халқаро масалалар бўйича мухбири, Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ масалалари бўйича етакчи мутахассиси Йорн Де Кок ва «Ле соир» газетасининг Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ масалалари бўйича мутахассиси Леопольд Унгерни қабул қилди. Ислом Каримов журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарди.

* * *

11 ноябрь. Президент Ислом Каримов Уэльс шаҳзодаси Чарльз ҳазрати олийларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги муносабатларни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

11 ноябрь. Президент Ислом Каримов Москва ва Бутун Русия патриархи Алексей Иккинчини қабул қилди. Суҳбат чоғида диннинг халқлар тотувлиги ва ҳамжиҳатлиги борасидаги ўрни беқиёслиги, бунга дин вакилларининг салмоқли ҳисса қўшиши таъкидланди.

* * *

12 ноябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Бельгия Қироллиги Бош вазири Жан Люк Деханенинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатга жўнаб кетди.

* * *

13 ноябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов НАТОнинг Брюсселдаги қароргоҳига ташриф буюриб, унинг Бош котиби Хавьер Солана билан учрашди ва Ўзбекистон — НАТО алоқалари, хусусан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида мамлакатимизнинг иштироки билан боғлиқ масалаларни муҳокама этди. Шундан сўнг Бельгия ташқи савдо идорасида ушбу мамлакатнинг йирик компаниялари раҳбарлари ва тадбиркорлари билан мулоқотда бўлди. Шу ерда мазкур идора фахрий раиси шаҳзода Филипп билан суҳбатлашди. Ислом Каримов Брюссель шаҳар маъмурияти раҳбарлари ҳамда кенгаш аъзолари билан учрашди.

Шу куни Эгман саройида Ўзбекистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Маросимдан кейин Ислом Каримов ва Жан Люк Дехане яккама-якка суҳбати чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида фикр алмашди. Шунингдек, Ўзбекистон — Бельгия расмий делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди ва ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантиришга оид ҳужжатлар имзоланди.

* * *

14 ноябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Бельгия Қироли Альберт Иккинчи билан учрашиб, икки мамлакат муносабатларини янада ривожлантириш юзасидан суҳбатлашди. Шундан сўнг «Вал дюшес» қароргоҳида Бельгия Бош вазири ўринбосари, молия ва ташқи савдо вазири Филипп Мейстатдни қабул қилди. Музокаралар ниҳоясида тенг манфаатли ҳамкорликка асосланган битимлар имзоланди.

Шу куни Президент Ислом Каримовнинг Европа Иттифоқи Комиссияси раиси Жак Сантер билан учрашувида ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Шундан сўнг Ўзбекистон билан Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

* * *

20 ноябрь. Президент Ислом Каримовга Канаданинг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Энн Лейхи хоним, Чехиянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Лубош Добровски, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Риам Абдулқодир, Польша Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Богуслав Качински ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

21 ноябрь. Президент Ислом Каримов Европанинг «Аэро интернейшнл» компанияси вице-президенти Петер Конноли раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан мазкур компания ўртасидаги алоқалар, Тошкент авиация ишлаб чиқариш заводи базасида қўшма корхона қуриш истиқболи, мутахассислар малакасини ошириш, сайёҳликни ривожлантириш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

21 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси халқаро жамоатчилик ҳаракатини ривожлантириш жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот маркази тизими тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 ноябрь. «Новое время» журнали мухбирининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан суҳбати «Ислом Каримов катта теннис ва Россия телевидениесини яхши кўради» сарлавҳаси билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

25 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалик экинлари пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 ноябрь. Президент Ислом Каримов Греция ташқи ишлар вазири Теодорос Пангалосни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

26 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақининг энг оз миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 ноябрь. Президент Ислом Каримов юртимизга расмий ташриф буюрган Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов бошчилигидаги делегация аъзоларини кутиб олди. Президентлар — Сапармурот Ниёзов ва Ислом Каримов ҳар икки давлат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида қатнашди. Музокаралар ниҳоясида иқтисодий, маданий, дўстлик алоқаларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, илмий-техникавий ҳамкорликни чуқурлаштириш, ҳарбий ва ҳуқуқий алоқалар ва бошқа масалаларга доир 20 га яқин ҳужжат имзоланди. Шундан сўнг ҳар икки мамлакат бошлиқлари журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

* * *

28 ноябрь. Дўрмон қароргоҳида Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзовни расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг олий мартабали меҳмон Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди, Темурийлар тарихи давлат музейи экспонатлари билан танишди. Алишер Навоий номидаги миллий боғга ташриф буюриб, буюк шоир ҳайкали пойига гуллар қўйди. Шу куни Президентлар Ислом Каримов ва Сапармурот Ниёзов Хоразмга ташриф буюриб, Хива марказида Махтумқули ҳайкалининг очилишига бағишланган митингда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

29 ноябрь. Президент Ислом Каримов «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жун раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, жум-

ладан, пахта толаси савдоси, коммуникация тармоқларини кенгайтириш, енгил автомобиллар эҳтиёт қисмларини Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва бошқа масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

* * *

29 ноябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов «Кабул-Тўйтепа текстиль» Ўзбекистон—Корея қўшма корхонаси ишга туширилиши муносабати билан корхона жамоасига табрик йўллади.

* * *

30 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 декабрь. Президент Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашувида қатнашиш учун Лиссабонга жўнаб кетди.

* * *

2-3 декабрь. Лиссабонда ўтган ЕХҲТга аъзо 54 мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари қатнашган ушбу учрашувда мазкур ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Унда Европада хавфсизлик архитектурасини барпо этиш масалалари муҳокама қилинди. Анжуманда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбари Исроил Бош вазири Бенямин Нетаньяху, Украина Президенти Леонид Кучма, Португалия Президенти Жорже Сампайу ва шу мамлакат Бош вазири Антонио Гутерриш билан учрашди. Ислом Каримов ва Антонио Гутерриш мулоқот сўнгида Ўзбекистон ва Португалия ўртасида ҳаво қатнови ва сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимни имзолашди. Ҳар икки мамлакат ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

* * *

4 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 декабрь. Президент Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Украина Бош вазири Павел Лазаренкони қабул қилди. Учрашувда ҳар икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

6 декабрь. Вазирлар Маҳкамасида Конституция куни арафасида Мустақиллик байрами муносабати билан фидокорона меҳнати учун тақдирланган юртдошларимизга унвонлар, орден ва медалларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, Ватанимизнинг юксак мукофотларини эгаларига тақдим этди. Маросимда Президент Ислом Каримовни «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Олий Мажлис қарорига мувофиқ Юртбошимизга ушбу юксак орден топширилди.

* * *

6 декабрь. Пойтахтдаги муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг тўрт йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1997 йил юртимизда «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди.

* * *

10 декабрь. Президент Ислом Каримов Туркиянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Эрдўғон Айтун ва Вьетнам Социалистик Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Нгуен Ван Дакни элчилик ваколатлари тугаётгани муносабати билан қабул қилди.

* * *

10 декабрь. Президент Ислом Каримов «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 декабрь. Президент Ислом Каримов «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 декабрь. Президент Ислом Каримов «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ривожлантириш ва уларнинг сармоя билан боғлиқ фаолиятини рагбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўгрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 декабрь. Халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов нутқ сўзлади. Шу куни Ислом Каримов шаҳардаги Миноpаи Калон архитектура мажмуини бориб кўрди. Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши билан танишди ва муҳандислар билан мулоқотда бўлди.

* * *

16 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 декабрь. Токиода Президент Ислом Каримовнинг япон тилида чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

19 декабрь. Президент Ислом Каримов Республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раҳбарларини қабул қилди. Суҳбат чоғида жамғарма фаолиятини янада жонлантириш, унинг «Ҳуррият» газетасини нашр этиш, Миллий матбуот маркази фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

20 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Йилнинг энг яхши спортчиси» Ўзбекистон миллий кубогини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 декабрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Македония Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Тражан Петровскидан ишонч ёрлиғини қабул қилди.

* * *

24 декабрь. Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев Тошкентга расмий ташриф буюрди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Президентлар Ислом Каримов ва Асқар Акаев яккама-якка суҳбатлашди. Учрашув ниҳоясида Асқар Акаев мамлакатимиз раҳбарига Амир Темурнинг қирғиз ҳайкалтарошлари ишлаган мўъжаз ҳайкалини топширди. Шундан сўнг ҳар икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Музокаралардан сўнг мамлакатлар раҳбарлари маҳаллий ва чет эллик журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Шу куни Президентлар Асқар Акаев Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғига ташриф буюриб, буюк шоир ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Шундан сўнг мамлакатлар раҳбарлари Тошкентда Қиргизистон Республикасининг элчихонаси биноси очилиши маросимида иштирок этдилар.

* * *

26 декабрь. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

26 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

27 декабрь. Президент Ислом Каримов Тошкентда фаолият кўрсатаётган дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, хорижий ва республикамиз оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари билан навбатдаги учрашувини ўтказди ва маъруза қилди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Демократик ўзгаришлар — жамиятимиз янгиланиши асоси» деган сарлавҳа билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

27 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўқитувчи ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида»ги, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги ва «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

29 декабрь. Янги йил арафасида Ўзбекистон бўйлаб анъанавий «Президент арчаси» байрами тантаналари бўлиб ўтди. Унда меҳрибонлик уйлари, турли интернат тарбияланувчилари, кўп болали оилаларнинг фарзандлари қатнашди. Кичкинтойларга Президентнинг Янги йил совғалари топширилди.

* * *

31 декабрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Янги йил табриги йўллади.

1997 йил

2 январь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жун бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида «ЎзДЭУавто» заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, жамловчи материаллар таъминоти, шунингдек, тўқимачилик мажмуи қуриш, телекоммуникацияни тараққий эттириш борасида ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

6 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси матлубот кооперацияси тизимидаги корхоналар томонидан аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг аҳволини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

7 январь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармонига имзо чекди.

* * *

8 январь. Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуан Хэнгуанни элчилик фаолияти тугаётгани муносабати билан қабул қилди. Суҳбат чогида Гуан Хэнгуан элчилик фаолияти давомида Ўзбекистонда улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлганини таъкидлаб, қадимдан азалий дўстона алоқаларга эга икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ўзаро манфаатли асосда янада равнақ топиши муқаррарлигини таъкидлади.

* * *

8 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9-10 январь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Республикалари давлатлараро кенгашининг Бишкекда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида иштирок этди. Ушбу мамлакатлар раҳбарларининг «Ола арча» қароргоҳида бўлиб ўтган тор доирадаги суҳбатидан сўнг Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Қиргизистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик ҳақидаги шартнома, Давлатлараро кенгашда кузатувчининг мақоми тўғрисидаги қоидалар, БМТ ҳомийлигидаги Марказий Осиё тинчликни таъминлаш батальони ҳақидаги қоидаларни тасдиқлаш, Давлатлараро кенгаш ва унинг муассасаларида раислик қилиш тўғрисидаги қарорлар имзоланди. Шундан сўнг Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Акаев журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

* * *

10 январь. Президент Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузишнинг ташкилий тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов умумхалқ байрами — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Қуролли Кучлари шахсий таркибига, аскар ва офицерларга, барча ҳарбий хизматчиларга табрик йўллади.

* * *

14 январь. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Чехия ҳамда Словакия Республикаларига жўнаб кетди.

* * *

15 январь. Чехия пойтахти Прагадаги ҳукумат уйида Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Сўнгра Президент Ислом Каримов билан Чехия Бош вазири Вацлав Клаунинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Шундан кейин Ўзбекистон раҳбари ва Чехия Бош вазири иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Чехия ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Чехия Саноат ва савдо вазирли-

ги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Чехия «Коммерчни банк»и ўртасида ҳужжатлар имзоланди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Чехия Сенати ва Вакиллар палатасига ташриф буюриб, парламент раҳбарияти билан учрашди. Ислом Каримов Прага қасрида Чехия Президенти Вацлав Гавел билан суҳбатлашди ва суҳбат сўнгида Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнот имзоланди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Прага мэриясига ташриф буюриб, шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар кенгаши аъзолари билан мулоқотда бўлди.

* * *

16 январь. Праганинг «Кайзерштайн» саройида Ислом Каримов чехиялик ишбилармонлар билан учрашиб, уларга Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва мамлакатимизда чет эллик инвесторлар учун яратилган қулайликлар тўғрисида сўзлаб берди. Шундан сўнг Ислом Каримов «ЧКД Прага холдинг» ҳиссадорлик жамияти фаолияти билан танишди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримовнинг Словакия Республикасига расмий ташрифи бошланди. Президентлар Ислом Каримов ва Михал Ковач учрашуви ниҳоясида Ўзбекистон билан Словакия ўртасида ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома имзоланди.

* * *

17 январь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Иккинчи жаҳон урушида Словакияни фашистлардан озод этишда қурбон бўлган ўзбекистонлик жангчилар хоки ётган Братиславадаги «Славин» ёдгорлик мажмуи пойига гулчамбар қўйди. Шундан кейин Словакия ҳукумат уйида Бош вазир Владимир Мечьяр билан суҳбатлашди. Ҳар икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари ниҳоясида Ўзбекистон билан Словакия ўртасида транспорт ва ҳаво йўллари алоқаси, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Словакия Президенти Михал Ковач билан суҳбатлашди. «Форум» меҳмонхонасида эса Ислом Каримовнинг Словакия ишбилармонлари билан мулоқоти бўлиб ўтди.

* * *

17 январь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон геология хизмати ташкил этилганининг 70 йиллиги муносабати билан соҳа ходимларига табрик йўллади.

* * *

22 январь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов БМТнинг Афғонистондаги махсус миссияси раҳбари Норберт Холлни қабул қилди. Суҳбат чогида Афгонистонда тинчлик ўрнатиш, қарама-қарши томонлар ўртасида ўзаро тинч музокараларни бошлаш жараёни билан боглиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

23 январь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Президент Ислом Каримов раислигида бўлиб ўтган йигилишида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, 1996 йил якунлари ва 1997 йилдаги бу борадаги устувор вазифалар муҳокама этилди. Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

27 январь. Президент Ислом Каримов «Республика қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг бориши ва 1997 йилдаги асосий вазифалар» тўғрисидаги мажлис қарорини тасдиқлади.

* * *

28 январь. Президент Ислом Каримов Чехия Республикасига расмий ташрифи давомида Прагада фаолият кўрсатаётган «Озодлик» радиоси ўзбек шўъбасининг ходимлари билан учрашган эди. Ана шу суҳбат матни матбуотда эълон қилинди.

* * *

31 январь. Президент Ислом Каримов «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби Бухарестдаги (Руминия) «Спинол» нашриётида румин тилида нашр этилди.

* * *

5 февраль. Президент Ислом Каримов АҚШ давлат котиби ўринбосари Робин Линн Рафаэлни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, жумладан, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, сўнгги пайтларда Афгонистонда вужудга келган сиёсий вазият ҳамда бошқа минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 февраль. Президент Ислом Каримов «Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 февраль. Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари, республика фонд биржаси фаолиятини такомиллаштириш ва фонд биржасида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

* * *

7 февраль. Президент Ислом Каримовга Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Умур Апайдин, Португалиянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жозе Пашеко Луиш Гомеш ва Финляндиянинг фавқулодда ва мухтор элчиси Тайсто Вейкко Толванен ишонч ёрлиги топширди.

* * *

7 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун хорижий кредитлар беришни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Валерий Серов бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашув чоғида ҳар икки мамлакат ўртасида самолётсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, коммуникация, фан-техника ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

14 февраль. Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Шу куни мамлакатимиз раҳбари Тошлоқ туманида ишга туширилаётган «ДЭУ текстил компани» корхонасини кўздан кечирди, корхона раҳбарлари ва муҳандислари билан суҳбатлашди.

* * *

18 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Литва Республикаси Президенти Альгирдас Бразаускас билан яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Икки давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, айрим минтақавий ва халқаро муаммолар билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашдилар.

Шундан сўнг ҳар икки мамлакат раҳбарлари маҳаллий ва хорижлик журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Ташрифнинг сўнгги куни Альгирдас Бразаускас Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти билан танишди, Кўҳна Урганчга сафар қилди.

* * *

21 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 февраль. Президент Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари мудофаа вазирларининг учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси мудофаа вазири Игорь Родионовни қабул қилди. Ўзаро суҳбатда ҳамкорлик муносабатлари, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, қўшни Тожикистондаги сўнгги воқеалар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

25 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг хориждаги хусусий сармоялар бўйича корпорацияси (ОПИК) президенти ва бош ижрочиси Рут Харкин хонимни қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорлик алоқалари, хусусан, ОПИК билан ҳамкорликда қилинадиган ишлар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

25 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 февраль. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Корея Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Со Кон Ини элчилик ваколати тугагани муносабати билан қабул қилди.

* * *

26 февраль. Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 1997 йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

27 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Жаҳон адабиёти» журналини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 февраль. Президент Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича олий даражадаги учрашувида иштирок этиш учун Алматига келди. Беш мамлакат президентлари Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармаси маблағини ташкил этиш бўйича қабул қилинган Давлат раҳбарлари кенгаши қарорининг ижроси, Орол муаммоси билан шуғулланаётган минтақавий муассасалар мақоми, Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш ижроия қўмитаси ва жамгарма бошқарув кенгаши таркиби ҳамда Орол бўйидаги экологик аҳволни яхшилашга қаратилган дастурнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди. Учрашув якунида томонлар Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш масалалари бўйича Алмати декларациясини қабул қилди. Мажлисда Ислом Каримов Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармасининг президенти этиб сайланди.

* * *

4 март. Президент Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ)нинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Одри Гловер хонимни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

6 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 март. Президент Ислом Каримов АҚШдаги етакчи яҳудий ташкилотлари президентлари конференцияси делегацияси аъзоларини қабул қилди. Мазкур конференция раиси Левон Леви раҳбарлигидаги делегация аъзолари сафида АҚШнинг таниқли сиёсатчилари — Конгресс аъзолари, маданият ва жамоат арбоблари, тадбиркорлар ва журналистлар бор эди.

* * *

7 март. Президент Ислом Каримов 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги йўллади.

* * *

10 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Боинг» компанияси тижорат самолётлари гуруҳи президенти Р. Вудардни қабул қилди. Суҳбат чоғида «Боинг» компанияси билан Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссадорлик жамияти, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, мамлакатимиздаги айрим олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

10 март. Президент Ислом Каримов «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

11 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Цзянсянь, Вьетнам Социалистик Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Нгуен Чи Куанг, Хорватия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ивица Томич ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

11 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Бадиий академиясининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарорларга имзо чекди.

* * *

11 март. Президент Ислом Каримов Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Нажамеден Искалиевни қабул қилди. Н.Искалиев элчилик ваколати тугаганини маълум қилар экан, Ўзбекистондаги фаолияти давомида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида ҳисса қўшганидан миннуният изҳор этди.

* * *

11 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштиришга оид туб чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган НАТО бош котиби Хавьер Соланани қабул қилди. Суҳбат чогида Ўзбекистон билан НАТО ўртасидаги муносабатлар, хусусан, мамлакатимизнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастуридаги иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, НАТОдаги ўзгаришлар жараёни, халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

14 март. Вазирлар Маҳкамасида Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

* * *

17 март. Президент Ислом Каримов Туркия Республикаси Буюк Миллат Мажлиси Раиси Мустафо Калемлини қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

18 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Шахсий, ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 март. Президент Ислом Каримов Япониянинг «Ниши иваи корпорейшн» компанияси президенти Масатаке Кусамичини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан «Ниши иваи корпорейшн» компанияси ўртасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

19 март. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Россия Федерацияси федерал чегара хизмати директори Андрей Николаевни қабул қилди. Суҳбат чогида Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги, минтақанинг жанубий чегараларидаги вазият ва Афгонистондаги ҳолат билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

19 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Машина-трактор парклари-нинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 март. Президент Ислом Каримов «Республикада вексель муомаласини тартибга солиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 март. Президент Ислом Каримов Наврўз байрами арафасида Тошкент шаҳрида бунёд этилган Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, «Узприватбанк» — Ўзбекистон халқаро банки, Республика товар-хом ашё биржаси мажмуи, республика Марказий банки ва бошқа янги биноларни бориб кўрди.

Юртбошимиз, шунингдек, Тошкент шаҳри марказини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишиб, мутасадди раҳбарларга тегишли тавсиялар берди.

* * *

20 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 март. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналарида иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади.

* * *

24 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг уй-жой қурилишида ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 март. Президент Ислом Каримов Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Шафқат Али Шайхни элчилик ваколати тугаётгани муносабати билан қабул қилди.

* * *

27 март. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси МДҲ давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида қатнашиш учун Москвага жўнаб кетди. Президент Ислом Каримовни Внуково аэропортида Россия Федерацияси ҳукумати раиси ўринбосари В.Серов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

* * *

28 март. Президент Ислом Каримов Кремлда МДҲ давлат бошлиқлари кенгашининг ёпиқ мажлисида иштирок этди. Шундан сўнг Кремлнинг Екатерина залида МДҲ мамлакатлари расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги мажлиси бўлди. Мажлисда МДҲ давлат бошлиқлари кенгаши томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг амалда бажарилиши, интеграция жараёнларини тезлаштириш концепцияси, коллектив хавфсизликни таъминлаш, ҳудудий зиддиятларни ҳал этиш ҳамда Ҳамдўстлик истиқболи билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида Кремлнинг матбуот марказида давлат бошлиқларининг журналистлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

* * *

28 март. Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Евгений Примаков билан учрашиб, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги икки томонлама алоқаларни чуқурлаштириш масалалари бўйича фикр алмашди. Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди. Президентлар икки мамлакат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги протоколни имзоладилар.

* * *

31 март. Президент Ислом Каримов «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 март. Президент Ислом Каримов «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 март. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Греция Республикасига жўнаб кетди.

* * *

1 апрель. Президент Ислом Каримов Афинада расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Греция Президенти Константинос Стефанопулос билан яккама-якка суҳбатлашди. Шундан сўнг ҳар икки давлат раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Греция Бош вазири Константинос Симитис билан учрашди. Унда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон билан Греция ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, ҳукуматлараро миқёсда сармояларни муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш, фойда ва мулкка иккиёқлама солиқ солмаслик, таълим, фан ва маданият, сайёҳлик ва банк соҳаларида ҳамкорлик қилиш бўйича бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланди. Ислом Каримов шу куни Афинадаги машҳур Акрополь тарихий ёдгорлигини бориб кўрди. Зайтун мойи ишлаб чиқарадиган машҳур «Элиас» корхонаси фаолияти билан танишди ва завод раҳбарияти билан Ўзбекистондаги турдош корхоналар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасида фикр алмашди.

* * *

2 апрель. Президент Ислом Каримов Грецияга ташрифининг учинчи кунини Номаълум аскар ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйишдан бошлади. Греция парламентининг раиси Апостолос Какламанис билан учрашувида парламентлараро алоқаларни йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилди. Афина савдо-саноат палатасида Греция ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди ва уларга Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, чет эллик ҳамкорларга яратилаётган қулайликлар тўғрисида сўзлаб берди.

* * *

11 апрель. Президент Ислом Каримов Латвия ташқи ишлар вазири Валдис Биркавсни қабул қилди. Учрашув чоғида мамлакатлари-

миз ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, турли соҳалар бўйича имзоланган ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

17 апрель. Президент Ислом Каримов Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Филипп Сидорскийни элчилик ваколати тугаётгани муносабати билан қабул қилди.

* * *

17 апрель. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИҲТ) бош котиби Ўндер Ўзарни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан ушбу ташкилот ўртасидаги шериклик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

23 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Корея Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Че Ёнг Ха ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

23 апрель. Президент Ислом Каримов Андижон—Ўш—Қашқар темир йўли қурилиши ва автомобиль йўлининг қайта қурилиши масалаларига бағишланган халқаро кенгаш қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

24 апрель. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

24 апрель. Президент Ислом Каримов «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди ҳамда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН) тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

25 апрель. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Сессия ишида иштирок этган Президент Ислом Каримов ёшларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, халқ таълимининг мавжуд тизими ва ёшларни ҳарбий хизматга чақириш тартибини қайта кўриб чиқишга, Ўзбекистоннинг ёш авлоди маънан бой ва жисмонан соғлом ўсишини таъминлашга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини алоҳида таъкидлади.

* * *

25 апрель. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

25 апрель. Президент Ислом Каримов «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги, «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги, «Геодезия ва картография тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги, «Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

30 апрель. Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Янгича тафаккурга кенг йўл» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

1 май. Президент Ислом Каримов Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) бош котиби Жеймс Шаверни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Жаҳон божхона ташкилоти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

2 май. Президент Ислом Каримов Японияниng Сакура банки бошқаруви раиси Кен-Ичи Суемацуни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан мазкур банк ўртасидаги молиявий алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

* * *

2 май. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Халқаро валюта жамгармаси фармойиш берувчи директорининг биринчи ўринбосари Стенли Фишер бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашув чоғида Ўзбекистон билан ушбу нуфузли халқаро мо-

лиявий ташкилот ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

2 май. Президент Ислом Каримов Мурунтов конига асос солинганининг 30 йиллиги муносабати билан Навоий кон-металлургия комбинатининг Мурунтов кони жамоасига табрик йўллади.

* * *

3 май. Италия Республикаси Президенти Луижи Скалфаро расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Олий мартабали меҳмонни Дўрмон қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Сўнгра Президент Ислом Каримов билан Италия Республикаси Президенти Луижи Скалфаронинг яккамаякка суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида халқаро майдонда юз бераётган ўзгаришлар, хусусан, халқаро террорчилик, контрабанда, уюшган жиноятчилик ҳамда Европа ва Осиёда минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Музокаралар якунида икки давлат ўртасида ўзаро муносабатлар қатъиятлари тўғрисидаги қўшма декларация, иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳамда икки мамлакат ўртасида маданий ва илмий, шунингдек, туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Ҳар икки мамлакат раҳбарлари шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди ва уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Шу куни Италия Президенти Луижи Скалфаро Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Ўзбекистон миллий боғига ташриф буюрди ва буюк шоир Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

* * *

4 май. Италия Президенти Луижи Скалфаронинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етгани муносабати билан Президент Ислом Каримов иштирокида Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг Италия Президенти Луижи Скалфаро Тошкент шаҳридаги католиклар черковини зиёрат қилди, Темурийлар тарихи давлат музейи экспонатларини томоша қилди.

* * *

6 май. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жун бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида автомобилсозлик, телекоммуникация, тўқимачилик соҳаларида Ўзбекистон корхоналари билан «ДЭУ» ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

7 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республика халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бўйича ҳукумат комиссиясини тузиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 май. Президент Ислом Каримов Иккинчи жаҳон уруши фахрийларидан бир гуруҳини қабул қилди. Юртбошимиз бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқимизга фаровон турмуш яратиб бериш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида сўзлар экан, бу ишларга фахрийлар улкан ҳисса қўшиши мумкинлиги ҳақида тўхталди.

* * *

8 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ғалаба байрами муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 май. Президент Ислом Каримов «Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари» мавзуидаги конференция қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

9 май. Президент Ислом Каримов фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 52 йиллиги муносабати билан пойтахтдаги Номаълум аскар ва «Мотамсаро она» мемориал ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди. Бу ерда ҳозир бўлган республика фахрийлари, маданият арбоблари билан учрашди. Кекса авлод вакилларини галаба байрами билан табриклади.

* * *

10 май. Президент Ислом Каримов Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди. Юртбошимиз иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида Термиз туманидаги «Намуна» ва «Янгиариқ» жамоа хўжалиги далаларини кўздан кечирди. Шунингдек, Термиз шаҳридаги тиббий дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи «Сурхон-Ажанта» Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонасини бориб кўрди. Шу куни Давлатимиз раҳбари чегара масканларида бўлиб, ҳарбийларга

яратилган шароит, Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаётган аскар ва зобитларнинг ҳушёрлиги, жанговар тайёргарлиги ва яшаш шароити билан танишди.

* * *

13 май. Президент Ислом Каримов Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг навбатдан ташқари учрашувида иштирок этиш учун Ашгабатга жўнаб кетди.

Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига (ИҲТ) аъзо мамлакатлар бошлиқларининг учрашувидан сўнг давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақада транспорт коммуникацияси тармоқларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов учрашувда маъруза қилди.

Анжуманда йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган Ашгабат декларацияси қабул қилинди.

Президент Ислом Каримов сафар давомида Эрон Ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Покистон Бош вазири Навоз Шариф билан мулоқотда бўлди.

* * *

14 май. Ашгабат аэропортида Президент Ислом Каримовни расмий кузатиш маросими бўлди. Мамлакатимиз раҳбарини Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

* * *

15 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасини Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига ўзгартириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15 май. Президент Ислом Каримов Осиё олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ас-Сабоҳ бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Осиё олимпия кенгаши ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан фикрлашиб олинди. Учрашув сўнгида Шайх Аҳмад ас-Сабоҳ Ислом Каримовга олимпия ҳаракатини ривожлантириш ҳамда миллий спортни юксалтириш борасидаги улкан хизматлари учун мазкур кенгашнинг олтин медалини тантанали равишда топширди.

* * *

19 май. Президент Ислом Каримов «Ҳўжалик юритувчи субъектларга банк хизматини тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 май. Президент Ислом Каримов республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Учрашувда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, қабул қилинган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини аҳоли кенг қатламларига янада чуқурроқ етказиш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр юритилди.

* * *

22 май. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов АҚШ Савдо вазирлиги маслаҳатчиси ва МДҲ мамлакатлари билан энергетика ҳамда савдо ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари бўйича вакили Ян Калицкини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШнинг «Энрон», «Тексако», «Мобил» ва бошқа компаниялари ўртасида мамлакатимизда янги нефть ва газ конларини қидириб топиш, уларни қайта ишлаш ҳамда етказиб бериш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

* * *

22 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Грузия давлат вазири Николоз Лекишвилини қабул қилди. Суҳбат чоғида ҳар икки мамлакат ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик алоқаларининг истиқболлари хусусида фикр алмашилди.

* * *

22 май. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг нефть-газ салоҳияти» халқаро конференцияси қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

23 май. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов XII Тошкент халқаро кинофестивали қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

26 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Даромад ва харажатлар қўмитаси раиси Билл Арчер Америка Қўшма Штатлари миллий рамзи бўлган АҚШ давлат байроғини топширди. Ушбу байроқ шу йил 7 май куни Президент Ислом Каримов шарафига Капитолий биноси узра тикилган эди.

Америка парламенти биносига тикиладиган бундай байроқ АҚШ халқининг муқаддас мулки саналади. У, америкаликлар удумига кўра, халқ ва ҳукумат олдида буюк хизматлар

кўрсатган атоқли давлат арбобларига тақдим этилади.

Президент Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Даромад ва харажатлар қўмитаси раиси Билл Арчер бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чогида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

26 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобини «Ўзбекистон» нашриёти ўзбек ва рус тилларида босмадан чиқарди.

* * *

29 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш давлат концерни — «Ўзқурилишматериаллари»ни «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясига ўзгартириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 май. Президент Ислом Каримов Европа Тикланиш ва тараққиёт банки президентининг маслаҳатчиси ва бош иқтисодчиси Ник Стерн бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мулоқот чогида нефтни қайта ишлаш, енгил саноат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона тузиш, заводлар қуриш, кичик ва ўрта бизнесни, шунингдек, банк ва молия тармоқларини ривожлантириш борасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

* * *

30 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Германиянинг иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт бўйича федерал вазири Карл-Дитрих Шпрангер раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан мулоқотда бўлди. Учрашув чоғида Ўзбекистон билан ГФР ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

* * *

2 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Қозоғистон пойтахти Алмати шаҳрига келди. Қозогистон Президентининг қароргоҳида ҳар икки мамлакат раҳбарларининг яккама-якка суҳбатидан сўнг расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, ҳуқуқий ёрдам ҳамда фуқаро, оила ва жиноят ҳуқуқлари бўйича муносабатлар ҳақидаги шартнома, икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия тузиш тўғрисидаги протокол, шунингдек, сармояларни ҳимоялаш, саноат сармоясини ҳимоя қилиш, электр ва почта алоқаси, савдо, алоқа, темир йўл, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар имзоланди. Сўнгра Нурсултон Назарбоев икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, халқларимизни янада яқин- лаштириш, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидаги буюк хизматлари учун Ислом Каримовга Қозоғистоннинг энг олий мукофоти — «Алтын Қиран» («Олтин бургут») орденини тантанали равишда топширди. Шундан кейин ҳар икки давлат раҳбарлари маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Кечқурун Алматидаги Республика саройида Президент Ислом Каримов шарафига қозоғистонлик санъат усталари ижросида катта концерт дастури намойиш этилди.

* * *

3 июнь. Президент Ислом Каримов Қозоғистонга ташрифининг иккинчи куни Алматидаги Республика майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик монументига гул қўйди. Шу куни мамлакатимиз раҳбари «Кателко» Қозоғистон телекоммуникациялари ҳиссадорлик жамиятида бўлиб, бу ерда замонавий қурилмалар, электрон ахборотни назорат қилиш жиҳозларини кўздан кечирди, шаффоф толали қитъалараро линиялар қурилиши ва янги лойиҳалар билан танишди. Шу куни Ислом Каримовнинг Қозоғистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

4 июнь. Президент Ислом Каримов Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти вазирлар кенгашининг XXV сессияси иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

5 июнь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Американинг «Дановант интерпрайсиз ИНК» компанияси бошқаруви раиси Вильям Б.Дановант раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида хом ашё ва қайта ишланган маҳсулотларни харидорга

етказиб бериш, ҳамкорликда пахтачилик маркетинги бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш, мазкур компания ҳамкорлигида ташкил этилган «ЎзДАН» Ўзбекистон — Америка қўшма маркетинг компанияси фаолиятини янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

* * *

5 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

5 июнь. Тошкентда Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш комиссиясининг йигилиши бўлди. Тегишли вазирликлар, қўмиталар, уюшмалар, жамғармалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этган ушбу мажлисни республика Президенти Ислом Каримов бошқарди.

* * *

6 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга янги тайинланган элчилар — Саудия Арабистони Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Абу Бакр Аббос Рафиа, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Александр Пацев, Испаниянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Хосе Антонио де Итурриага Барберан, Марокаш Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Аҳмад Бурзаим ишонч ёрлигини топширди.

* * *

10 июнь. Тошкентда Германиянинг «Оуверсиз пост оргенайзейшн» нашриёти томонидан чоп этилган «Ислом Каримов Ўзбекистонни ўзига хос тараққиёт йўлидан олиб бормоқда» номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

12 июнь. Президент Ислом Каримов «Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркалари қўлланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 июнь. Президент Ислом Каримов Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жун бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистонга киритилаётган «ДЭУ» сармоялари ҳажмини ошириш, ўзаро ҳамкорликда Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида тўқимачилик фабрикасини очиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

17 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 июнь. Сорбонна университетлар мажмуи ҳудудида жойлашган ҳамда илм соҳалари бўйича ўн уч университетни бирлаштирувчи Париж академиясида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

18 июнь. Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев расмий ташриф билан Тошкентга келди. Дўрмон қароргоҳида икки мамлакат раҳбарининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон давлатлари расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларидан сўнг мамлакатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Шундан сўнг Ислом Каримов ва Ҳайдар Алиев оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтарди. Шу куни Озарбайжон раҳбари Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрига ташриф буюрди. Санъат кошонасида таниқли адиб ва давлат арбоби Шароф Рашидов асари асосида озарбайжонлик Ориф Меликов куй басталаган «Икки дил достони» балети намойиш этилди.

* * *

19 июнь. Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети профессор-ўқитувчилари билан учрашди. Олий мартабали меҳмонга Тошкент давлат университетининг фахрий доктори унвони берилиши муносабати билан ҳар икки мамлакат раҳбарлари йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзлади. Шундан сўнг Ҳайдар Алиев ва Ислом Каримов Тошкентда Озарбайжон Республикасининг элчихонаси биносининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди. Шу куни Ҳайдар Алиев Алишер Навоий номидаги миллий боғда бўлиб, буюк шоир ҳайкали пойига гуллар қўйди. Шунингдек, республика товар-хом ашё биржаси ва «Узприватбанк» фаолияти билан танишди.

* * *

19 июнь. Президент Ислом Каримов «Алкоголли маҳсулот ишлаб чиқаришга давлат монополиясини жорий этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 июнь. Президент Ислом Каримов АҚШ Президенти маслаҳатчиси Ричард Морнингстарни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Америка муносабатларининг истиқболлари ҳамда ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

24 июнь. Президент Ислом Каримов дон тайёрлаш режасини республикада биринчи бўлиб бажарган Хоразм вилояти галлакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

25 июнь. Президент Ислом Каримов «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 июнь. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни Миллий хавфсизлик кенгаши раиси, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда Қуролли Кучлар таркибини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар масаласи кўриб чиқилди. Бўлиб ўтган муҳокама жараёнида Ўзбекистон чегараларини, давлат мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилишни таъминлашга қодир бўлган ҳаракатчан, яхши ўқитилган ва қуроллантирилган армия яратишнинг муҳимлиги таъкидланди.

* * *

26 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

28 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимларига табрик йўллади.

* * *

1 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1997/98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига қабул тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Япония либерал демократик партияси вице-президенти Кейзо Обучи раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо алоқаларини кенгайтириш, мамлакатимизнинг нефть-газ, тоғ-кон ва тўқимачилик саноати, коммуникация ҳамда транспорт тизимини ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

8 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 июль. Президент Ислом Каримов «Айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармасини тузиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 июль. Президент Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Жанкарло Арагонани қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕҲҲТ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

14 июль. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Кўкдумалоқ компрессор станцияси фойдаланишга топширилиши муносабати билан мазкур станция қурилиши қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

15 июль. Президент Ислом Каримов АҚШнинг «Дрессер Индастриз» корпорацияси вице президенти Патрик Майкл Мюррей, «Дрессер Индастриз» директорлари бошқаруви ра-

исининг маслаҳатчиси Жек Мерфи, «Дрессер-Ренд» компанияси президенти Дейв Нортон, «М.Ю.Келлогг» компанияси президенти Питер Эванс, «Дрессер Интернешнл» компанияси президенти ҳамда «М.Ю.Келлогг» компанияси вице-президенти Кен Аллен ва Японияниинг «Нише иваи корпорейшн» компанияси биринчи вице президенти Мамамитсу Готони қабул қилди.

Америка ва Японияниинг мазкур корпорация ва компаниялари Кўкдумалоқдаги компрессор станциясининг қурилишида иштирок этган. Хусусан, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун америкалик ҳамкорлар 53 миллион АҚШ доллари, япониялик ҳамкорлар эса 8,9 миллиард япон иени ажратган эди. Кўкдумалоқдаги компрессор станциясининг тақдимот маросимида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган ушбу корпорация ва компаниялар раҳбарлари билан суҳбатда Президент Ислом Каримов қисқа фурсатда қуриб битказилган мазкур станциянинг Ўзбекистон учун нечоғлик катта аҳамиятга эга экани тўғрисида гапирди.

* * *

17 июль. Президент Ислом Каримов Нукусда Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу сессиядаги маърузаси «Янгича тафаккур — замон талаби» сарлавҳаси билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

17 июль. Президент Ислом Каримов «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга банк хизматини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Аллия вазирлиги қошида Юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 июль. Президент Ислом Каримов «Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 июль. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари давлатлараро кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрига жўнаб кетди. Давлат раҳбарларининг мулоқоти чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги иқгисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро ҳаётдаги долзарб муаммолар бўйича ўзаро умумий нуқтаи назарни ишлаб чиқиш ва бошқа муҳим масалалар муҳокама қилинди. Учрашув сўнгида давлат раҳбарлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

* * *

29 июль. Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Мажлисда 1997 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши муҳокама қилинди. Йигилишда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу нутқи «Асосий мақсад — иқтисодий юксалишга эришишдир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

Шу куни Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 август. Президент Ислом Каримов «Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг таркибини ўзгартириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 август. Президент Ислом Каримов иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси грантлари совриндорларига табрик йўллади.

* * *

14 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1997 йилда пахта йиғим-

терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларга имзо чекди.

* * *

15 август. Президент Ислом Каримов «Маҳаллий саноатни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 мартдаги «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 82-сонли қарорининг Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан бажарилиши тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

17 август. Президент Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Билл Ричардсонни қабул қилди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

18 август. Президент Ислом Каримов Жанубий Кореянинг «Самсунг электроникс» компанияси раиси ва ижрочи директори Канг Ку Жинни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон корхоналари билан «Самсунг электроникс» ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боглиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

19 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Мамдуҳ Шавқий Мустафо Комил, Исроил давлатининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ноаҳ Гал-Гендлер ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

20 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг техник жиҳатдан таъминланганлиги даражасини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 август. Президент Ислом Каримов БМТ Бош котибининг Афгонистондаги махсус вакили Ладҳар Брахими бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида БМТнинг Афгонистондаги фаолияти ҳамда минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

23 август. Президент Ислом Каримов Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган халқаро тақдимот маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлисида нутқ сўзлади.

* * *

25 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз пойтахтида барпо этилган «Жар» спорт-соғломлаштириш марказини ҳамда «Юнусобод» ёпиқ теннис кортини бориб кўрди. Президент иншоотларни кўздан кечирар экан, уни бунёд этган қурувчи, меъмор ва муҳандислар билан суҳбатлашди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан фан, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримовга Дания Қироллигининг Ўзбекистондаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Кристиан Хоппе, Қозогистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Умарзоқ Ўзбеков ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов Германиянинг федерал иқтисод вазири Гюнтер Рексродт раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Делегациянинг Ўзбекистонга келиши муносабати билан икки мамлакат ишбилармонларининг йирик анжумани ўтказилди, янги меҳмонхона очилди, ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги қатор ҳужжатлар имзоланди.

Мулоқотда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

27 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасида Камолиддин Беҳзод номидаги ҳамда адабиёт ва санъат соҳасида Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Дания Қироллиги ташқи ишлар вазири Нилс Хелвег Петерсенни қабул қилди. Суҳбат чогида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, Ўзбекистон-Дания муносабатларини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашилди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

29 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Мустақиллик байрами арафасида янги қуриб битказилган иншоотлардан бири — Тошкент ҳайвонот боғини кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбари қурувчилар, ҳайвонот боғи раҳбарлари ва мутахассислари билан суҳбатлашди.

* * *

29 август. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги, «Бож тарифи тўғрисида»ги, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов «ДЭУ» компаниялари гуруҳининг раиси Ким У Жунни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон корхоналари билан «ДЭУ» ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

31 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларига «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

2 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котибининг ўринбосари Борис Березовскийни қабул қилди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 сентябрь. Президент Ислом Каримов Япония иқтисодий режалаштириш давлат вазири Таро Асо раҳбарлигидаги ҳукумат делегацияси ҳамда «Кейзай Доюкай» япон корпорациялари раҳбарлари уюшмаси президенти Коичи Минагучи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро сармояларни ҳимоялаш, икки томонлама солиқ солмаслик, Ўзбекистон билан Япониянинг тенг ҳуқуқли асосда ҳамкорлик қилиши учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратиш, мамлакатларимиз ўртасида нафақат ҳукумат, вазирлик ва идоралар, балки корхона ва ташкилотлар, ишбилармонлар даражасидаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

5 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 сентябрь. Президент Ислом Каримов теннис бўйича «Президент кубоги» учун ўтказилаётган тўртинчи халқаро мусобақанинг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

12 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 сентябрь. Теннис бўйича «Президент кубоги» учун тўртинчи халқаро мусобақанинг расмий ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанали маросимда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

15 сентябрь. Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзусидаги халқаро конференция иш бошлади. Унда 56 давлат ва 16 халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов конференцияда қатнашди ва нутқ сўзлади.

Конференциянинг биринчи кунида ядро қуролидан холи зоналарни барпо этишда халқаро тажриба ҳамда минтақавий хавфсизлик мавзуларида амалий сессиялар бўлиб ўтди. Унда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари ҳисобланган давлатлар вакиллари, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари, шунингдек, ОПАНАЛ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар томонидан юборилган соҳа мутахассисларининг маърузалари тингланди. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш шартлари, бу борадаги муаммолар ва уларни ечиш усуллари бўйича фикрлар алмашилиб, баҳс-мунозаралар ўтказилди.

Ушбу анжуман дунёнинг турли мамлакатларида катта қизиқиш уйғотди. Давлатлар раҳбарлари, кўплаб халқаро тузилмалар мутасаддилари томонидан конференция иштирокчилари номига келган мактублар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

* * *

15 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Озарбайжон ташқи ишлар вазири Гасан Гасановни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

15 сентябрь. Президент Ислом Каримов БМТ Бош котибининг ўринбосари Владимир Петровскийни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан БМТ ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ҳамда минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

15 сентябрь. Буюк Британиянинг «Керзон Пресс» нашриёти Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини инглиз тилида нашр этди.

* * *

17 сентябрь. Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Романо Продининг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланди. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Романо Продининг яккамаякка суҳбати бўлиб ўтди. Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Италия Республикаси ҳукумати ўртасида сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Италия Вазирлар Кенгаши раиси Романо Проди имзоладилар.

* * *

17 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ислоҳотларни давом эттириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жарроҳларнинг анъанавий «Воҳидовхонлик» илмий-амалий конференцияси иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

18 сентябрь. Дўрмон қароргоҳида Президент Ислом Каримов иштирокида Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Романо Продини расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шу билан Италия Вазирлар Кенгаши раиси Романо Проди ташрифининг расмий қисми ниҳоясига етди.

* * *

18 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Эрон Ислом Республикасининг Афғонистон масалалари бўйича махсус вакили Алоуддин Бўружердийни қабул қилди. Меҳмон Эрон раҳбариятининг Афгонистон можаросига муносабати ҳақида гапириб, бу муаммонинг ечимини топишда Ўзбекистон билан ҳамкорлик яхши натижалар беришига умид билдирди. Шунингдек, эронлик меҳмон Ислом Каримовга Президентимизнинг шу йил Теҳронда форс тилида чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобини тақдим этди. Суҳбат чоғида Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазият, минтақавий хавфсизлик ва Ўзбекистон — Эрон муносабатларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашилди.

* * *

22 сентябрь. Президент Ислом Каримов Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталарининг анъанавий қўшма мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Япония делегацияси аъзоларининг бир гуруҳини қабул қилди. Мулоқот чоғида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталари самарали фаолият кўрсатаётгани, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ўзининг янги босқичига қадам қўйгани қайд этилди.

* * *

23 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкентда ўтаётган ЕХҲТ парламент ассамблеяси кенгайтирилган бюросининг мажлиси ва «Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар» семинари қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

23 сентябрь. Президент Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) парламент ассамблеяси президенти Хавьер Руперез, (ЕХҲТ) Парламент Ассамблеяси Бош котиби Спенсер Оливер ҳамда ЕХҲТнинг Тошкентдаги ҳудудий бюроси раҳбари Ганчо Ганчевни қабул қилди.

* * *

23 сентябрь. Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Давлат Думасининг раиси Геннадий Селезневни қабул қилди. Меҳмон Россия Давлат Думаси депутатларининг Ўзбекистонга муносабати ҳақида гапириб, уларнинг кўпчилиги мамлакатимиз билан тенг ҳуқуқли асосда ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

* * *

23 сентябрь. Президент Ислом Каримов Қиргизистон Жўғорқу Кенеши Халқ вакиллари йиғилишининг Тўрагаси Алманбет Матубраимовни қабул қилди. Меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Юртбошимизнинг Марказий Осиёда интеграция жараёнини жадаллаштириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги хизматларига юқори баҳо берди. Суҳбат чоғида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш билан боглиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

24 сентябрь. Президент Ислом Каримов элчилик ваколати муддатининг тугаши муносабати билан Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Эскудерони қабул қилди. АҚШ элчиси Ўзбекистон — Америка муносабатларини мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшганидан ғоят мамнун эканини билдириб, Ўзбекистонда дипломатик миссиясини бажарган йиллар ҳаётининг энг ажойиб дамлари бўлиб қолажагини ҳамда юртимиздан яхши таассуротлар билан қайтаётганини маълум қилди.

* * *

25 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Республика халқ таълими тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 сентябрь. Президент Ислом Каримов Хоразм вилоятига ташриф буюрди. Дастлаб Боғот туманидаги шоличиликка ихтисослашган «Боғот» жамоа хўжалиги фаолияти билан

танишди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари 2500 йиллик тўйига ҳозирлик кўрилаётган Хива шаҳрига борди. Ичонқалъа, Карвонсарой, Кўҳна арк, Тошҳовли каби тарихий обидаларда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари Хоразм сафари якунида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида йиғилиш ўтказди.

* * *

27 сентябрь. Президент Ислом Каримов қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятида бўлди. Юртбошимиз Қарши, Касби, Косон туманлари далаларида бўлиб, деҳқончилик ишларини кўздан кечирди, деҳқонлар билан суҳбатлашди. Президент Қарши шаҳридаги янги таъмирдан чиқарилган «Меҳнат» стадионини кўздан кечирди, «Насаф» футбол жамоасининг раҳбари, мураббий ва футболчилари билан суҳбатлашди. Шу куни Қарши шаҳрида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида мажлис ўтказди.

* * *

27 сентябрь. Президент Ислом Каримов Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан республика маърифат аҳлига табрик йўллади.

* * *

30 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш йиллик режасини биринчилар қаторида бажарган Асака тумани меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

6 октябрь. Президент Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

6 октябрь. Президент Ислом Каримов «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишига кўра қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси ташкил этилди. Мазкур комиссиянинг дастлабки йиғилиши бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди ва нутқ сўзлади.

* * *

11 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш йиллик режасини мамлакатда биринчи бўлиб бажарган Хоразм вилояти меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

14 октябрь. Президент Ислом Каримов АҚШнинг «Дановант Энтерпрайсиз» компанияси бошқаруви раиси ва бош ижрочи директори Уильям Б. Дановант бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон пахта саноатига янги технология жалб этиш, мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида «Дановант Энтерпрайсиз» компанияси билан биргаликда ингичка толали пахтани қайта ишлаш ва уни сотиш билан шуғулланадиган заводлар қуриш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа ишлар хусусида фикр алмашилди.

* * *

15 октябрь. Президент Ислом Каримов Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича Тошкентда ўтаётган халқаро учрашув қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

15 октябрь. Президент Ислом Каримов «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятида бўлди. Маълумки, АҚШнинг «Кейс корпорейшн», Ўзбекистоннинг «Ўзқишлоқхўжалик-холдинг» компаниялари ҳамда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи муассислигида «Ўзкейсмаш» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси тузилган эди. Мазкур корхонада дастлабки 50 та «Кейс-2022» пахта териш машиналари йиғилди. Улардан 40 га яқини республика пахта далаларида ишлатилмоқда. Президент Ислом Каримов ана шу машиналар, уларнинг техник жиҳатлари, ишлаш жараёни билан танишди. Қўшма корхона раҳбарлари, олимлар, мутахассис ва мазкур машиналарни пахта далаларида ишлатаётган механизаторлар билан мулоқотда бўлди.

* * *

16 октябрь. Президент Ислом Каримовга Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Бедрих Копецки, Жанубий Африка Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Томас Уилер, Грузия Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Гили Абдушелишвили, Гвинея Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Жиги Камара ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

17 октябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Россиянинг «Известия» газетаси таҳририяти» ациядорлик жамияти президенти Дмитрий Мурзин раҳбарлигидаги «Известия» газетаси мухбирларини қабул қилди. Маълумки, Марказий Осиё ўзининг жўғрофий жойлашуви ҳамда бу ҳудудда яшовчи инсонларнинг этник таркиби билан ўта мураккаб минтақадир. Шу боис ушбу минтақада кечаётган воқеаларга изоҳ беришда ғоят эҳтиётқорлик ва ҳушёрлик талаб қилинади. Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг тақдири бу минтақадаги воқеалар билан бевосита боглиқлигини қайд этиб, россиялик журналистларнинг мамлакатимизга келиши Россия жамоатчилигининг юртимиздаги жараёнларни тўғри тасаввур қилиши ва шунга асосланган ҳолда хулоса чиқариши учун қулай имконият яратишини таъкидлади.

* * *

19 октябрь. Президент Ислом Каримов Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

20 октябрь. Президент Ислом Каримов Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Шу куни мамлакатимиз раҳбари Урганч шаҳрида қуриб битказилган «Кока-кола ичимлиги» қўшма корхонасини бориб кўрди ҳамда Урганч — Хива троллейбус йўналиши билан ҳам танишди.

* * *

21 октябрь. Германиянинг Дюссельдорф шаҳридаги «Гибир Тонис» нашриёти Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини немис тилида нашр этди.

* * *

21 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта режасини бажарган Андижон вилояти меҳнаткашларига табрик йўллади ва шу куни «Наманган ва Фарғона вилоятларида 1997 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишнинг қониқарсиз аҳволи ҳақида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

22 октябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Молдова пойтахти Кишинёв шаҳрига жўнаб кетди. Кишинёв аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Молдова Президенти Пётр Лучинский ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Молдова пойтахтидаги республика саройида МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда МДҲ доирасидаги ҳамкорликнинг яқин келажакдаги устувор йўналишлари, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари хусусида ўзаро фикр алмашилди.

* * *

23 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 октябрь. Президент Ислом Каримов «Капитал қурилишни ташкил этишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 октябрь. Президент Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

30 октябрь. Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнцни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Сўнг Президент Ислом Каримов ва Арпад Гёнцнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Венгрия Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар. Музокаралар ниҳоясида оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани ўтказилди.

* * *

1 ноябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов АҚШ давлат котибининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

* * *

1 ноябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган қашқадарёлик ҳамда самарқандлик пахтакорларга табрик йўллади.

* * *

4 ноябрь. Ливандаги «Шарикат ал-матбуот лит-тавзи ван-нашр» нашриёти Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини араб тилида нашр этди.

* * *

4 ноябрь. Президент Ислом Каримов Ливанлик таниқли ишбилармон, халқаро миқёсдаги ношир Муҳаммад Таҳсин Салоҳ ал-Ҳайётни қабул қилди. Ливанлик ношир мамлакатимиз ҳақида нашр этган китоблари ўқувчилар орасида катта қизиқиш уйғотгани ва келажакда ўзбекистонлик ҳамкорлар билан бундай алоқаларни янада кенгайтиришини таъкидлади.

* * *

7 ноябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Озодлик» (Прага) радиостанцияси мухбирлари Замира Эшонова, Фурқат Яқвалхўжаев ҳамда Буюк Британиянинг Би-би-си радиостанцияси Тошкент бюроси мухбири Паҳлавон Турғуновни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари журналистларга мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг бориши, одамлар тафаккурини ўзгартириш борасида қилинаётган ишлар хусусида батафсил сўзлаб берди.

* * *

11 ноябрь. «Ўзбекистон сузиб юрадиган музтоғ эмас». Президент Ислом Каримов билан «Известия» газетаси мухбирларининг суҳбати ана шу сарлавҳа билан эълон қилинди.

* * *

11 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Хоразм Маъмун Академиясини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 ноябрь. Америка Қўшма Штатлари Президентининг рафиқаси Ҳиллари Родэм Клинтон Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатларининг давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Ҳиллари Клинтонни Президент Ислом Каримов рафиқаси Татьяна Каримова билан кутиб олди.

* * *

12 ноябрь. Президент Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Болгария Республикаси ташқи ишлар вазири Надежда Михайлови қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари айни пайтда Болгария билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат имкониятлари даражасида ривож топмаётганидан афсус билдирди. Юқори мартабали меҳмоннинг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ривожига туртки бўлишига умид қилишини айтди.

* * *

12 ноябрь. Президент Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили Холид Маликни қабул қилди. Холид Малик Президент Ислом Каримовга Ўзбекистондаги миссияси якунланганини маълум қилиб, мамлакатимиздан бой таассуротлар билан қайтаётгани ва бу ерда кечирган йиллари ҳаётидаги энг ажойиб давр сифатида ёдда қолажагини таъкидлади.

* * *

14 ноябрь. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ҳиллари Родэм Клинтон хоним Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқандга келди. «Афросиёб» меҳмонхонасида ижодкор зиёлилар, олимлар, турли миллат ва дин вакиллари, ёшлар, шаҳар жамоатчилиги билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Ҳиллари хоним нутқ сўзлади.

* * *

14 ноябрь. Президент Ислом Каримовнинг Туркиядаги «Билиг» нашриёти турк тилида нашр этган «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг Анқара шаҳрида тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

17 ноябрь. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг таклифига биноан расмий ташриф билан Анқарага жўнаб кетди. Шу куни «Эсенбўға» аэропортида Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Туркия Республикаси Президентининг қароргоҳида Ўзбекистон ва Туркия Президентлари — Ислом Каримов ва Сулаймон Демирэлнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

18 ноябрь. Президент Ислом Каримов турк халқининг буюк фарзанди Мустафо Камол Отатурк қабрини зиёрат қилди. Сўнг Туркия Президенти Сулаймон Демирэл қароргоҳида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримовнинг Туркия Буюк Миллат Мажлиси раиси Ҳикмат Четин, Бош вазир Месут Йилмаз ҳамда «Кочхолдинг» ва Туркия иш банки раҳбарлари билан учрашувлари бўлиб ўтди.

* * *

19 ноябрь. Президент Ислом Каримов Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ҳамроҳ-

лигида мамлакатнинг кўҳна гўшаларидан бири — Эски шаҳарга келди. Бу ерда Президент «Кочхолдинг» компаниясининг «Арчилик» заводи фаолияти билан танишди. Шу билан мамлакатимиз раҳбарининг Туркияга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

21 ноябрь. Президент Ислом Каримов АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг ташкилий-процессуал қўмитаси раиси Жералд Соломон раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чогида Ж.Соломон АҚШ Конгресси Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича илгари сурган таклифларини, хусусан, у ердаги ихтилофчи гуруҳлар ва манфаатдор мамлакатлар вакилларидан иборат мулоқот гуруҳи тузиш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлашини айтди. Шунингдек, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларни ривожлантириш ҳамда минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

27 ноябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Шаҳриёр Рашед, Янги Зеландиянинг фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Питер Ларкиндейл, Филиппин Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Жейм Салседо Баутиста ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

27 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Аҳмад ал-Фаргоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 ноябрь. Президент Ислом Каримов Россия Федерациясининг Свердловск вилояти губернатори Эдуард Росселни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари Эдуард Росселнинг юртимизга ташрифи Ўзбекистондаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан Свердловск вилояти корхоналари ўртасидаги алоқаларнинг янада равнақ топиши учун ўзига хос туртки бўлишига умид билдирди.

* * *

2 декабрь. Президент Ислом Каримов Латвия Республикаси Сейми — парламенти раиси Алфредс Чепанисни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожи билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

2 декабрь. Президент Ислом Каримов «Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари таркибининг иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жозеф Пресел ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

3 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 декабрь. Вазирлар Маҳкамасида Конституция куни арафасида Мустақиллик байрами муносабати билан фидокорона меҳнати учун тақдирланган юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотлари — унвон, орден ва медалларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

5 декабрь. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Унда мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан 1998 йил юртимизда «Оила йили» деб эълон қилинди.

* * *

9 декабрь. Президент Ислом Каримовнинг оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштиришнинг аниқ давлат дастурини ишлаб чиқиш мақсадида республика комиссияси тузиш ва унинг таркибида ишчи гуруҳи ташкил этиш тўғрисидаги фармойиши эълон қилинди.

* * *

12-13 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозогистоннинг янги пойтахти — Ақмола сафарида бўлди. Президент янги саройининг шарқий залида уч мамлакат раҳбарлари — Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Акаевнинг давлатлараро кенгаш мажлиси доирасидаги ёпиқ учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар суҳбатининг бош мавзуи уч мамлакат ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисида шартномани амалга ошириш жараёни, бу борада кон-

сорциумлар тузишдан иборат бўлди. Учрашув иштирокчилари биринчи навбатда, сармоявий лойиҳалар тузилиши лозим бўлган соҳалар, уларни молиявий таъминлаш тартиби, тузилажак консорциумлар таркиби, уларни бошқариш тамойиллари, консорциумлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

* * *

18 декабрь. Президент Ислом Каримов пойтахтнинг янги қурилишлари — Хадра майдони ва Олий Мажлиснинг янги биносини бориб кўрди. Бу ишга мутасадди бўлган раҳбарлар, қурувчилар ва йўлсозлар билан суҳбатлашди. Пойтахтимизда бунёд этилаётган муҳташам бинолар, хусусан, Олий Мажлис биноси шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда. Президент сидқидилдан қилган меҳнатлари учун меъмор, муҳандис ва қурувчиларга миннатдорлик билдирди. Бинодан самарали фойдаланиш юзасидан тавсиялар берди.

* * *

19 декабрь. Президент Ислом Каримов «Савдо соҳасида монополиядан чиқаришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 декабрь. Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Виктор Черномирдин амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Пойтахт аэропортида юксак мартабали меҳмонни Президент Ислом Каримов кутиб олди. Дўрмон қароргоҳида икки мамлакат расмий делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар сўнгида ўзаро қўшма ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ушбу маросимдан сўнг матбуот конференцияси ўтказилди.

* * *

23 декабрь. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Виктор Черномирдин ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Ўзаро мулоқот чогида томонлар халқаро ҳаётда юз бераётган муҳим воқеалар, минтақавий хавфсизлик, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларининг истиқболли йўналишлари билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Шу куни Виктор Черномирдин Темурийлар тарихи давлат музейи экспонатлари билан танишди.

* * *

23 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи биринчи ўринбосарлари лавозимини жорий этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 декабрь. Тошкент шаҳрида биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси иш бошлади. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Ушбу маъруза «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти — тўкин ҳаёт манбаи» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

25 декабрь. Президент Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

26 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида Олий Мажлис депутатлари халқ иродасини ифодалаб, Ўзбекистон давлат қурилишидаги ва жаҳон ҳамжамиятида миллат обрўсини оширишдаги, фуқаролар тинчлиги ва умуммиллий тотувликни мустаҳкамлашдаги, маданий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришдаги буюк хизматлари учун ва тугилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовни «Амир Темур» ордени билан мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шунингдек, мустақил Ўзбекистон Республикаси давлатининг вужудга келишида ва унинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашдаги буюк хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилди.

* * *

26 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

30 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни кенгаш раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди ва нутқ сўзлади.

* * *

30 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Устоз» республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 декабрь. Пойтахтимиздаги Туркистон саройида анъанавий «Президент арчаси» байрами бўлиб ўтди. Бу тадбир меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, шаҳримизнинг кўпгина мактаб ўқувчиларига катта қувонч бахш этди.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Янги йил табриги йўллади.

* * *

4 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновни қабул қилди. Икки мамлакат Президентларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Ислом Каримов Тожикистон ҳукумати танлаган йўл, яъни сиёсий музокаралар ва муроса йўли бутун жаҳон ҳамжамияти, БМТ, ушбу заминда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишини истайдиган барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

Расмий делегацияларнинг мулоқоти сўнгида икки давлат раҳбарлари қўшма баёнотга имзо чекдилар. Ҳукуматлар ўртасида соғлиқни сақлаш, маданият ва гуманитар, фан, техника ва ахборот соҳалари бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни имзоладилар. Сўнгра Президентларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

* * *

5 январь. Президент Ислом Каримов Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзовнинг таклифига биноан Ашгабатга жўнаб кетди. 5-6 январь кунлари Ашгабат шаҳрида Марказий Осиёдаги беш мустақил давлат —Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Президентлари учрашди. Унда мазкур минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳадаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари бўйича амалий алоқаларни чуқурлаштириш, халқаро ва минтақавий сиёсатга доир томонларни қизиқтирувчи кенг кўламдаги масалалар муҳокама этилди. Сўнг Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон давлат бошлиқларининг учрашуви якунларига бағишланган қўшма баёнот имзоланди. Учрашув қатнашчилари матбуот конференциясида мухбирларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

* * *

7 январь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Молдованинг мамлакатимиздаги фавқулоддда ва мухтор элчиси Николае Дудэуни элчилик ваколати тугагани муносабати билан қабул қилди.

* * *

8 январь. Президент Ислом Каримов Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг янги биносини бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари бинони кўздан кечирар экан, банк ходимлари ва мижозлар учун қулай шароит яратилганини қайд этди. Шунингдек, банк иш фаолияти билан атрофлича танишди, дунёнинг турли молиявий ташкилотлари, банк ва биржалардан олинаётган маълумотлар билан қизиқди.

* * *

12 январь. Президент Ислом Каримов «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунни қабул қилди. Суҳбат чоғида Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг ташқи ва ички савдосини янада ривожлантириш, ўзаро ҳамкорликнинг 1998 йилга мўлжалланган дастури ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

13 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ғи қарорга имзо чекди.

* * *

14 январь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Қуролли Кучлари шахсий таркибига, аскар ва офицерларга, барча ҳарбий хизматчиларга табрик йўллади.

* * *

16 январь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенкони қабул қилди. Украина Бош вазири Ўзбекистонга ташрифи самарали ўтаётганини айтиб, Ўзбекистон — Украина қўшма комиссиясининг иккинчи ялпи мажлиси ҳар томонлама фойдали бўлганини қайд этди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

16 январь. Президент Ислом Каримов Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси 1997 йили ишлаб чиқариш дастурини муваффақиятли бажаргани муносабати билан мазкур корхона ишчи-хизматчиларига, инженер-техник ходимларига табрик йўллади.

* * *

19 январь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 январь. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби Хитой Халқ Республикасининг «Халқаро маданият» давлат нашриёти томонидан хитой тилида чоп этилди.

* * *

23 январь. Тошкентда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.

* * *

26 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 январь. Тошкентда Президент Ислом Каримовга Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг фахрий доктори дипломини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тантанали тадбирни ушбу академия президенти Виталий Видяпин очиб, давлатимиз раҳбарига Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг фахрий доктори дипломини ва эсдалик медалини тақдим этди. Президент Ислом Каримовнинг Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг фахрий доктори дипломига сазовор бўлиши Россия илмий жамоатчилиги томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасининг холисона эътирофи, халқимиз эришаётган ютуқларнинг муносиб баҳоланишидан далолат эканини таъкидлади.

* * *

2 февраль. Президент Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг «Кейс» корпорацияси директорлар кенгаши раиси Жан-Пьер Россо бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашувда «Кейс» корпорацияси билан ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш, хусусан, биргаликда ташкил этилган қўшма корхоналар фаолиятини такомиллаштириш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

* * *

2 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республика «Оила» илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 февраль. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг архиепископи Владимирни қабул қилди. Архиепископ Владимир давлатимиз раҳбарининг тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматлари ҳамда 60 йиллик юбилейи муносабати билан Рус православ черковининг биринчи даражали «Москвалик тақводор княз Даниил» орденига сазовор бўлганини маълум қилди ва ушбу мукофотни Президент Ислом Каримовга тантанали суратда топширди.

* * *

3 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан юксак ҳурмат ва иззат кўрсатиб, узоқ-яқиндан табрик, хат ва мактуб йўллаган давлат раҳбарлари, сиёсат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар, маҳалла ва жамоалар, барча юртдошларимизга ўзининг самимий миннатдорлигини билдирди.

* * *

4 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда республика бюджети ва маҳаллий бюджетга тўловлар тушишини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов америкалик астронавт касбдошлари билан «Шаттл-Эндевер» космик кемасида парвоз қилиб, ерга соғ-саломат қайтган Солижон Шариповга жавоб мактуби йўллади.

* * *

7 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 февраль. Президент Ислом Каримовнинг «Ислоҳотлар ва барқарорлик» деб номланган китоби Туркия Республикасининг Анқара шаҳрида турк тилида чоп этилди.

* * *

13 февраль. Украина Вазирлар Маҳкамасининг Қабуллар уйида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

14 февраль. Президент Ислом Каримов Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгеси раиси, вилоятлар ҳокимлари, республика вазирликлари, қўмита, уюшма ҳамда компаниялари раҳбарлари билан учрашди. Учрашув қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни жадаллаштириш масалаларига багишланди.

* * *

16 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Нурлан Балгимбаевни қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини, хусусан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билан боглиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

18 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучманинг таклифига биноан расмий ташриф билан Киевга жўнаб кетди. Украина пойтахтининг муҳташам Мариинск саройида Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг икки мамлакат Президентлари —Ислом Каримов ва Леонид Кучманинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боглиқ масалалар муҳокама этилди.

Президент Ислом Каримов Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро муносабатларни ривожлантириш ҳамда мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари учун Украинанинг биринчи даражали Ярослав Мудрий ордени билан тақдирланган эди. Шу куни Президент Леонид Кучма Украинанинг мазкур олий нишонини мамлакатимиз раҳбарига тантанали равишда топширди.

Украина Президенти Леонид Кучма Ўзбекистон ва Украина халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, давлатлараро муносабатларни ривожлантиришдаги улкан хизматлари ҳамда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган эди. Президент Ислом Каримов мазкур нишонни Украина Президентига тантанали равишда топширди.

* * *

18 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Импорт операцияларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 февраль. Украина пойтахтидаги Мариинск саройининг яшил залида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Сўнг ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Президентлар Ислом Каримов ва Леонид Кучма Ўзбекистон Республикаси ва Украина Республикаси ўртасидаги «Дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида»ги шартномани имзолади. Шу куни Президент Ислом Каримов Украина Верховна Радаси — мамлакат парламенти раиси А. Мороз билан учрашди. Сўнг Мариинск саройида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовни расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шу куни мамлакатимиз раҳбари Украинанинг Днепропетровск вилояти саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги фаолияти билан танишди.

* * *

24 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Грузия парламенти раиси З. Жванияни қабул қилди. Суҳбат чогида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётгани қайд этилди. Айни пайтда бундай алоқаларни янада кенгайтириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигига эътибор қаратилди.

* * *

24 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 февраль. Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 1997 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ва иқтисодий ислоҳотларнинг 1998 йилдаги асосий йўналишлари кўриб чиқилди. Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Барқарор тараққиётга эришиш — устувор вазифа» сарлавҳаси билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

26 февраль. Америка Қўшма Штатлари Давлат департаментида Ўзбекистон — АҚШ қўшма комиссиясининг биринчи сессияси очилишига багишланган расмий маросим ва сессиянинг ялпи мажлиси бўлди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Президент Билл Клинтоннинг қўшма комиссия иштирокчиларига йўллаган қутловлари ўқиб эшиттирилди.

* * *

2 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларида акцияларни жойлаштиришнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 март. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги йўллади.

* * *

10 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўгрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 март. Вазирлар Маҳкамасида Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

* * *

16 март. Саудия Арабистони Подшоҳлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобининг араб тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

18 март. Президент Ислом Каримов «1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф Преселни қабул қилди. Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тобора ривожланиб бораётганини қайд этиб, Ўзбекистон — АҚШ қўшма комиссиясининг яқинда Америкада бўлиб ўтган сессиясига тўхталди.

* * *

20 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 март. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Тошкент шаҳрининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида Наврўз байрами тантаналарида иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади.

* * *

26 март. Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ўртасидаги давлатлараро кенгаш мажлисида иштирок этиш учун Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ҳамда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Тошкентга келди.

Дўрмон қароргоҳида юқори мартабали меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди. Шу ерда Президентларнинг ўзаро музокаралари бошланди. Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ўртасида имзоланган ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага Тожикистон Республикаси ҳам қўшилди.

Музокаралар сўнгида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида 1994 йил 30 апрелда имзоланган ягона иқтисодий ма-

кон барпо этиш тўғрисидаги шартномага Тожикистон Республикасининг қўшилиши тўғрисидаги протокол, минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисида тўрт давлат раҳбарларининг баёноти, Халқаро сув-энергетика консорциуми тўғрисидаги қарор, тўрт мамлакат ўртасида қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришнинг умумий тамойиллари тўғрисидаги битим, шунингдек, «Центразбат-97» ўқув машқлари якуни ва «Центразбат-98» машқларини ўтказиш тўғрисида ҳамда Марказий Осиё иқтисодиёти учун БМТнинг махсус дастури (СПЕКА) тўғрисидаги Тошкент декларацияси имзоланди. Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

* * *

26 март. Туркия пойтахти Анқара шаҳрида Президент Ислом Каримовнинг турк тилида чоп этилган «Ислоҳотлар ва барқарорлик» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

26 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида»ги фармонига қисман ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Афғонистондаги махсус вакили Лахдар Брахимини қабул қилди. Суҳбат чоғида минтақада хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, Афғонистондаги қуролли можароларни тинч йўл билан ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича Ўзбекистон билан БМТ ҳамкорлигини янада кенгайтириш хусусида фикр алмашилди.

* * *

1 апрель. Президент Ислом Каримов Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг бош котиби Бертран Дюфуркни қабул қилди. Ўзаро мулоқотда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

1 апрель. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Корея Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ким Тхэ Сам ҳамда Молдованинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Николае Осмокеску ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

3 апрель. Президент Ислом Каримов Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ижрочи директори Вилгельм Ягги раҳбарлигидаги мазкур банк директорлари кенгаши делегациясини қабул қилди. Суҳбат чоғида В. Ягги Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

* * *

3 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республика пиллачилик соҳасини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 апрель. Президент Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатасининг Ассигнация қўмитаси раиси Роберт Ливингстон раҳбарлигидаги АҚШ Конгресси делегацияси аъзоларини қабул қилди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боглиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

9 апрель. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 апрель. Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизга ташриф буюрган Туркия Республикаси Бош вазири Месут Йилмазни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркия Бош вазири Месут Йилмаз яккама-якка суҳбатлашди. Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида Ўзбекистон билан Туркия ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини чуқурлаштириш, хусусан, ўзаро савдо-сотиқ, транспорт коммуникациялари,

сармоя жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президентининг Туркия Бош вазири билан музокаралари якунлари бўйича қўшма баёнот имзоланди. Ушбу маросимдан сўнг Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Месут Йилмаз оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтарди.

* * *

15 апрель. Президент Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари Конгресси сенатори Сэм Браунбекни қабул қилди. Мулоқот чоғида Буюк ипак йўли стратегияси, мазкур лойиҳа доирасида минтақа хавфсизлиги муаммолари ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

* * *

16 апрель. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Иван Рибкинни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, МДҲ доирасидаги ҳамкорлик, хусусан, МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг Москвада ўтказиладиган саммити билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашилди.

* * *

17 апрель. Бельгия Қироллиги Бош вазири Жан-Люк Дехане мамлакатимизга расмий ташриф буюрди. Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Бош вазир Жан-Люк Дехане яккама-якка суҳбатлашди. Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Жан-Люк Дехане иштирокида икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда расмий ташриф якунлари бўйича қўшма баёнот, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Бельгия—Люксембург иқтисодий иттифоқи ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида битим ҳамда 1996 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси ва Бельгия Қироллиги ўртасида имзоланган иккиёқлама солиқ солмаслик ва даромад ҳамда капитал солиқлари тўлашдан бош тортишга йўл қўймаслик тўғрисидаги конвенцияга тузатишлар киритиш бўйича қўшимча протокол имзоланди. Сўнгра Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Жан-Люк Дехане оммавий ахборот воситалари мухбирлари саволларига жавоб бердилар.

* * *

17 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга падари бузруквори — Ориф отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдириб йўллаган мактуби матбуотда чоп этилди.

* * *

20 апрель. Президент Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Польша ташқи ишлар вазири Бронислав Геремекни қабул қилди. ЕХҲТ раиси қабул учун Президентга миннатдорлик билдириб, ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

* * *

22 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 апрель. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 апрель. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония ташқи савдо ташкилоти (ЖЕТРО) раиси Тору Тоёшимани қабул қилди. Меҳмон қабул учун миннатдорлик билдириб, мазкур ташриф чоғида Ўзбекистоннинг турли вазирлик ва идораларидаги учрашувлар ғоят самарали бўлгани ҳамда кичик ва ўрта бизнес ривожига бағишланган Ўзбекистон—Япония семинари муваффақиятли ўтганини қайд этди.

* * *

28 апрель. Президент Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Япония иқтисодий ташкилотлари федерацияси (Кейданрен) раиси, «Тойота Мотор Корпорейшн» корпорацияси раиси Шоичиро Тойода раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида йирик лойиҳаларни сармоялаш, транспорт, йўл коммуникацияси, сайёҳлик индустрияси ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожи билан боглиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

28 апрель. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди.

* * *

29 апрель. Президент Ислом Каримов Москвада Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаковни қабул қилди. Шу куни Кремлда МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг ёпиқ мажлиси бўлиб ўтди. Сўнг саммит қатнашчилари ва уларга ҳамроҳлик қилаётган расмий делегациялар вакиллари иштирокида ялпи мажлис бўлди. Унда МДҲ доирасида имзоланган ҳужжатларнинг самарадорлигини ошириш, Ҳамдўстлик фаолиятини барча аъзо давлатлар манфаати нуқтаи назаридан яхшилаш, хавфсизлик ва барқарорлик, шунингдек, иқтисодий интеграция масалалари муҳокама қилинди.

* * *

30 апрель. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

30 апрель. Президент Ислом Каримов «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

1 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида»ги, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ва «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

4 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг «Сикорски Эйркрафт» компанияси президенти ва ижрочи директори Южин Бакли ҳамда «Юнайтед Текноложиз» корпорациясининг халқаро масалалар бўйича катта вице-президенти Рут Харкинни қабул қилди. Суҳбат чогида Ўзбекистондаги турдош корхоналар билан Америка компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 май. Президент Ислом Каримов «Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Россия Федерациясига жўнаб кетди. Шу куни Внуково аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Сергей Кириенко ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

* * *

6 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига расмий сафари Президент Борис Ельцин билан яккама-якка суҳбатдан бошланди. Ўзбекистон ва Россия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларнинг бугунги аҳволи таҳлил қилинди, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари хусусида фикр алмашилди. Музокаралардан сўнг ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов сафарининг учинчи куни Москва шаҳри мэри Юрий Лужковни қабул қилди. Суҳбатда Москва шаҳри ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақида сўз борди. Шу куни Президент Ислом Каримов Юрий Лужков ҳамроҳлигида Манеж майдонидаги «Охотний ряд» савдо мажмуини бориб кўрди, С.Илюшин номидаги авиация корхонаси цехларида тайёрланаётган самолётларни кўздан кечирди.

Президент Ислом Каримов «Президент отел»да Россия ишбилармон доиралари вакиллари билан ҳам учрашди.

* * *

10-11 май. Президент Ислом Каримов ЭКО — Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Қозоғистон пойтахти Алмати шаҳрида бўлиб ўтган бешинчи учрашувида қатнашди.

Учрашувда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ҳар қандай халқаро ташкилотнинг, жумладан, ЭКО ва унинг ижроия қўмиталарининг фаолиятини ҳам баҳолашда амалий ишлар асосий мезон бўлиши лозимлигига саммит қатнашчиларининг эътиборини қаратди.

* * *

13 май. Президент Ислом Каримов «Симон Виезентал маркази» халқаро яҳудийлар ташкилотининг ташқи алоқалар бўйича ди-

ректори Шимон Самюэлс раҳбарлигидаги ушбу ташкилот делегациясини қабул қилди. Меҳмонлар Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон юритаётган сиёсат, мамлакатда ўрнатилган барқарор вазият, миллатлараро тотувликка юқори баҳо бердилар. Меҳмонлар ташриф давомида Самарқанд ва Бухоронинг диққатга сазовор жойларини, яҳудий синагогаларини зиёрат этганидан мамнуният билдиришди.

* * *

13 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти, кенгаш раиси Ислом Каримов бошқарди. Йиғилишда ташқи сиёсий фаолиятнинг долзарб масалалари, мамлакат Қуролли Кучлари қурилиши дастурининг бажарилиши қандай бораётгани кўриб чиқилди.

* * *

15 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ер кодексини, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳаётга татбиқ этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг Устюрт минтақаси нефть-газ салоҳиятини ўзлаштириш истиқболлари» халқаро конференцияси иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

21 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 май. 11-12 май кунлари Вашингтонда ҳар йили ўтказиладиган Америка—Ўзбекистон савдо палатасининг конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон Америка—Ўзбекистон савдо палатаси конференцияси иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

22 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1998/99 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 май. Президент Ислом Каримов«Эверест» альпинистлар экспедицияси аъзоларига «дунё томи» деб ном олган Эверестни забт этиб, Ўзбекистон байрогини ер юзининг энг баланд чўққисига олиб чиққани муносабати билан табрик йўллади.

* * *

27 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Австрия Республикасининг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳайдемария Гюрер, Греция Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Димитриос Кипреос, Уругвай Шарқий Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Педро Дондо Куадрелли ишонч ёрлиғини топширишди.

* * *

27 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси паспорт режимини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кенгаши котиби Борис Березовскийни қабул қилди. Мулоқот чоғида МДҲ миқёсидаги долзарб масалалар, Ҳамдўстлик органлари фаолиятини такомиллаштириш, МДҲ доирасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

1 июнь. Президент Ислом Каримов АҚШнинг Экспорт-импорт банки президенти ҳамда бошқаруви раиси Жеймс Ҳармонни қабул қилди.

* * *

3 июнь. Қаршида Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Ушбу маъруза «Халқ биздан амалий ишларни кутмоқда» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

4 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Ички ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси иштирокчиларини қабул қилди. Мулоқот чоғида МДҲ ҳудудида уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар контрабандасига қарши кураш ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

4 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1998 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини уюшқоқлик билан йигиштириб олиш масалалари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 июнь. Президент Ислом Каримов Россиянинг «ТВ-6-Москва» канали ҳамда Миллий телекўрсатувлар ассоциациясининг президенти Э.Сагалаев ҳамда телеканал директори ўринбосари, «Обозреватель» кўрсатуви шарҳловчиси С.Кучерни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари журналистларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда МДҲга оид саволларига атрофлича жавоб берди.

* * *

9 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги олий даражадаги учрашувида ҳамда Қозоғистон янги пойтахтининг халқаро тақдимот маросимида иштирок этиш учун Остона шаҳрига жўнаб кетди.

Остона аэропортида Президент Ислом Каримовни Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди. Шу куни туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги — бешинчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда туркий тилли мамлакатлар ўртасида маданият ва санъат, илм-фан соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида минтақавий интеграциялашувни янада чуқурлаштириш масалалари туркий тилли давлатлар ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги расмий делегация Қозоғистоннинг янги пойтахти — Остона шаҳрининг халқаро тақдимот маросимида иштирок этди. Ислом Каримов шу муносабат билан ўтказилган тантанали йиғилишда нутқ сўзлаб, Қозоғистон халқини янги пойтахт билан самимий қутлади.

* * *

9 июнь. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 июнь. Президент Ислом Каримов Япониянинг «Номура секьюритизко» компанияси раиси Масаши Судзукини қабул қилди.

* * *

12 июнь. Президент Ислом Каримов аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини Ватанимиздаги ҳамда халқаро ижобий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ва демократик ўзгаришларга мувофиқ тарзда ташкил этиш тўғрисидаги фармойишга имзо чекди.

* * *

16 июнь. Президент Ислом Каримов Япониянинг Хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси (ОИСФ) вице-президенти Томио Учидани қабул қилди. Япония ҳукумати ОИСФ орқали Ўзбекистонга умумий ҳажми 345,4 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда узоқ муддатли кредит ажратган. Бу маблағ мамлакатимизда телекоммуникация тармоғи ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга оширишга сарфланмоқда. Суҳбат чоғида мамлакатимиз билан мазкур жамғарма

ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, ҳар икки томон манфаатига бирдек хизмат қиладиган янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари хусусида фикр алмашилди.

* * *

17 июнь. «Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин». Президент Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблари ана шундай сарлавҳа билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

18 июнь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишиш мақсадида Андижон ва Фарғона вилоятида бўлди.

Президент Ислом Каримов Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигида, Балиқчи туманидаги «Шерали чек», «Пахтакор», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари бригадалари далаларида бўлиб, пахта ва дон етиштириш, ғўза парвариши, ғалла ўрим-йиғими қандай бораётгани билан қизиқди. Президент Ислом Каримов Хўжаобод туманида бунёд этилаётган улкан ер ости газ омбори қурилишини ҳам бориб кўрди, муҳандис-техник ходимлар, ишчи-хизматчилар билан суҳбатлашди.

Президент Ислом Каримов шу куни Фарғона вилоятига келди. Буюк аллома Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан Қува шаҳрида қурилаётган Шаҳристон ёдгорлик мажмуасини кўздан кечирди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Фарғона вилояти ҳокимлигида фаоллар билан бўлган учрашувда ислоҳотларни жадаллаштириш, унда раҳбардан тортиб оддий деҳқонгача фидоийлик кўрсатиб ишлаши лозимлигига йиғилганлар эътиборини қаратди.

* * *

22 июнь. Президент Ислом Каримов АҚШнинг «Ньюмонт голд» компанияси раиси, президенти ҳамда бош ижрочи директори Рональд Кэмбри раҳбарлигидаги ушбу компания делегациясини қабул қилди.

* * *

22 июнь. Президент Ислом Каримов давлатга ғалла сотиш бўйича йиллик режани мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарган Хоразм вилояти галлакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

23 июнь. Исроилнинг Тель-Авив шаҳридаги «Бейт Соколов» журналистлар уйида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг иврит тилидаги нашри тақдимоти бўлди.

* * *

23 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Болгария Республикасига жўнаб кетди. София аэропортида мамлакатимиз раҳбари ва унинг рафиқасини Болгария Президенти Петар Стоянов рафиқаси билан кутиб олди. Шу ернинг ўзида Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

«Бояна» қароргоҳида Ислом Каримов Болгария Бош вазири Иван Костов билан учрашди. Мулоқот чогида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашилди.

Давлатимиз раҳбари Болгария Халқ Йиғинига ташриф буюрди. Президент Ислом Каримов Болгария Халқ Йиғини Раиси Иордан Соколов билан учрашди. Учрашувда икки давлат ўртасида қонунчилик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

24 июнь. Софиядаги расмий музокаралар уйида икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги транспорт, савдо-сотиқ, маданий ва бошқа соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантириш, давлатларимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигини янада юқори поғонага кўтариш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Сўнгра Президентлар Ислом Каримов ва Петар Стоянов матбуот анжумани ўтказдилар.

Шу куни Миллий маданият уйида мамлакатимиз раҳбари Болгария ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Мулоқотдан сўнг Президент Ислом Каримов мамлакатнинг йирик порт шаҳри бўлган Варнага жўнаб кетди.

* * *

25 июнь. Президент Ислом Каримов Болгария Президенти Петар Стоянов ҳамроҳлигида Варна шаҳридаги Ферибот мажмуасига келди. 1997 йили 2700 тонна Ўзбекистон пахтаси мана шу порт орқали турли манзилларга жўнатилган. Давлатимиз раҳбари мажмуа фаолияти билан танишди, «Одесса қаҳрамони» паромини кўздан кечирди. Мазкур кемага бир

вақтнинг ўзида 108 та вагонни сиғдириш мумкин. Юртбошимиз бу улкан паромнинг имкониятлари, тузилиш таркиби ва бошқа хусусиятлари билан қизиқди.

* * *

27 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан республика матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

30 июнь. Мамлакатимизда Тожикистон кунлари бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу муносабат билан юртимизга ташриф буюрган Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновни қабул қилди.

* * *

30 июнь. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанада Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Сўнгра икки давлат раҳбарлари Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари муносабати билан «Туркистон» саройида очилган фотосуратлар, китоблар, халқ амалий санъати асарлари кўргазмаси билан танишдилар.

* * *

1 июль. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Исроил давлатининг саноат ва савдо вазири Натан Шаранскийни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар мулоқотнинг бош мавзуси бўлди.

* * *

6 июль. Президент Ислом Каримов «Акциз маркаларини қалбакилаштириш ва ғайриқонуний айлантириш учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 июль. Президент Ислом Каримов Самарқанд вилоятига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари дастлаб Челак тумани Хартанг қишлогидаги Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ёдгорлик мажмуида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди.

Сўнгра Президент Ислом Каримов жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Челак, Жомбой ва Тойлоқ туманларида бўлди. Шунингдек, Самарқанддаги Ўзбекистон — Ирландия «Элита» қўшма корхонаси фаолиятини ҳамда шаҳар қурилишининг янги бош лойиҳасини кўздан кечирди ва барпо этилажак иншоотлар ягона сайёҳлик мажмуини ташкил этиши зарурлигига эътиборни қаратди.

* * *

12 июль. Президент Ислом Каримов Фарғона вилоятининг табиий офатдан зарар кўрган Шоҳимардон қишлогида бўлди, табиий офат оқибатида зарар кўрган ҳудудларни кўздан кечириб, ҳукумат комиссияси бажараётган ишлар билан танишди. Давлатимиз раҳбари ҳукумат комиссияси аъзоларига ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларига тошқин келтирган талафотни тезда бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берди. Мамлакат Президенти тошқин оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этди. Фаргона аэропортида Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашди.

* * *

15 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларга имзо чекди.

* * *

23 июль. Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда 1998 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Халқ фаровонлиги — фаолиятимиз мезони» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

23 июль. Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг «1998 йил биринчи ярим йиллигида иқтисодий ислоҳотлар устувор йўналишларининг амалга оширилиши ва Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисида»ги 4-баённига имзо чекди.

* * *

24 июль. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрининг Хадра майдонида олиб борилаётган қурилиш ишларини кўздан кечирди. Юртбошимиз майдон ва унинг атрофидаги биноларни таъмирлаш, транспорт ҳаракатини яхшилаш юзасидан ўз таклифла-

рини билдирди. Шу куни давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Юнусобод даҳасида барпо этилган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг тураржой мажмуини кўздан кечирди. Шу ернинг ўзида Миллий банк томонидан қурилиши режалаштирилаётган иншоотларнинг лойиҳалари билан танишди.

* * *

24 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов АҚШнинг «Проктер энд Гэмбл» компанияси Европа, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатлари бўйича президенти Ҳералд Айнсманн раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мулоқот чоғида мазкур компания билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

1 август. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси грантлари совриндорларига табрик йўллади.

* * *

6 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1998 йил ҳосилидан мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорга имзо чекди.

* * *

7 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика бошқармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 август. Президент Ислом Каримов иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш ҳамда чегара ҳудудларидаги аҳволни ўрганиш мақсадида Сурхондарё вилоятида бўлди. Сафар чоғида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон —Афғонистон чегарасидаги «Дўстлик» божхона мажмуи фаолияти билан танишди. Божхона ва чегара хизмати ходимлари билан суҳбатлашиб, давлат чегараси дахлсизлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан аниқ кўрсатмалар берди.

Шу куни давлатимиз раҳбари янги қурилган Термиз марказий бозорини кўздан кечирди. Ислом Каримов сурхондарёликлар билан яқиндан суҳбатлашиб, уларнинг қувонч ва ташвишлари, вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳақидаги фикрлари билан танишди. Термиз аэропортида Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакилларига сафар якунлари бўйича интервью берди.

* * *

17 август. Президент Ислом Каримов «Элюрт ҳурмати» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 август. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимизнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик ҳамда консуллик ваколатхоналари вакиллари учун семинар бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолияти тамойиллари ҳамда устувор йўналишлари масалаларига бағишланди. Семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашди. Президент мазкур тадбир ташкил этилгани эътиборга молик воқеа эканини қайд этди.

* * *

21 август. Америка Қўшма Штатларининг нуфузли нашриётларидан «Сент Мартин пресс» (Нью-Йорк) Буюк Британиянинг «Керзон пресс» фирмаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини инглиз тилида чоп этди.

* * *

21 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1998 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Акциядорлик жамиятла-

рини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонини белгилаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов истиқлолнинг 7 йиллиги арафасида пойтахтимизда ишга туширилаётган янги иншоотларни бориб кўрди. Йўлбошчимиз дастлаб Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида амалга оширилган таъмирлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан танишди ҳамда боққа туташ «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг таъмирланган биносини кўздан кечирди. Шунингдек, шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонларининг севимли жойига айланиб қолган Сайилгоҳ кўчаси ва унинг ён-атрофида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан ҳамда Тошкент шаҳрининг савдо-кўргазма мажмуини барпо этиш ишлари билан яқиндан танишди ва мутахассисларга тавсиялар берди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллиги муносабати билан алоҳида ютуқларга эришган спортчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Ушбу маъруза «Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови» сарлавҳаси билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов «Элюрт ҳурмати» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида»ги, «Давлат Ер кадастри тўғрисида»ги ва «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги, «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

31 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

4 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 сентябрь. Президент Ислом Каримов Буюк ипак йўлини қайта тиклашга бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиш учун Озарбайжон Республикасига жўнаб кетди. Боку аэропортида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовни Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев кутиб олди. Президентларнинг мухтасар мулоқотидан сўнг шу ернинг ўзида Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари учун интервью берди. Сўнгра Президент Ислом Каримов ўзи учун ажратилган

қароргоҳда Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ҳамда Қирғизистон Президенти Аскар Акаев билан учрашди.

* * *

7 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Маъмурий бошқарув аппарати ходимлари сонини қисқартиришга доир чора-тадбирлар комплекси тўғрисида»ги қарорларга имзо чекди.

* * *

8 сентябрь. Озарбайжон пойтахтидаги «Гулистон» саройида Буюк ипак йўлини қайта тиклашга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўттиздан зиёд давлат ва кўплаб халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этган ушбу анжуманда Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Унда давлатимиз раҳбари Европа—Кавказ—Осиё йўлагини тўла қувват билан ишга тушириш халқаро интеграция йўлида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Халқаро конференция сўнгида Европа—Кавказ—Осиё йўлагини ривожлантириш бўйича халқаро транспорт тўғрисидаги кўп томонлама битим, Боку декларацияси имзоланди.

Президент Ислом Каримов Бокуга ташрифининг иккинчи куни Украина Президенти Леонид Кучма, Руминия Президенти Эмил Константинеску билан учрашди. Мулоқотларда ТРАСЕКА дастури доирасидаги ҳамкорлик, шунингдек, ўзаро алоқаларга доир бошқа масалалар хусусида сўз борди.

* * *

9 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Исроилга давлат ташрифи олдидан Исроил халқаро ахборот маркази директори Олег Якубовни қабул қилди. Президент хорижлик мухбирни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон билан Исроил ўртасида истиқболли режалар, ташрифдан кутилаётган мақсадлар тўғрисида батафсил маълумот берди.

* * *

10 сентябрь. Президент Ислом Каримов Франциянинг «Суэз Лионез дез о» компанияси гуруҳлари назорат кенгашининг раиси Жером Моно бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистондаги турдош корхоналар билан мазкур компания ўртасида сув таъминоти ва сувни тозалаш ишлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

14 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Исроил Давлати Президенти Эзер Вейцман ва Бош вазири Бенямин Нетаняху таклифига биноан давлат ташрифи билан Исроилга жўнаб кетди. Исроил Давлати Президентининг қароргоҳида мамлакатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Шу куни Президент Ислом Каримов ўзи учун ажратилган «Шоҳ Довуд» қароргоҳида Исроил савдо ва саноат вазири Н.Шаранскийни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Исроил Давлати Президенти Эзер Вейцман ўртасида бўлиб ўтган учрашув куннинг муҳим воқеаси бўлди. Исроил Президенти қароргоҳида бўлиб ўтган ушбу мулоқот халқаро сиёсатдаги долзарб муаммолар, минтақавий хавфсизлик, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар истиқболи билан боғлиқ масалалар хусусида бўлди.

* * *

15 сентябрь. «Шоҳ Довуд» қароргоҳида Ўзбекистон ва Исроил расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар якунида Президент Ислом Каримов ва Исроил Давлати Бош вазири Бенямин Нетаняху яккама-якка суҳбатлашди. Шундан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда икки давлат ҳукуматлари ўртасида икки томонлама солиқ солмаслик, фойда ва капиталга солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги конвенция ҳамда икки давлат ҳукуматлари ўртасида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, бошқа бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов Фаластин Мухториятининг Рамаллоҳ шаҳрига келди. Мамлакатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Президент Ислом Каримов билан Фаластин Мухтурияти раҳбари Ёсир Арофатнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Шу куни Ислом Каримов «Шоҳ Довуд» қароргоҳида Исроилдаги Меҳнат партияси етакчиларидан бири — Шимон Пересни қабул қилди. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбарининг Исроилдаги ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашуви ҳам жуда сермазмун ўтди. Оқшом Президент Ислом Каримов Исроилдаги Бухоро яҳудийлари жамияти вакиллари билан учрашди.

* * *

16 сентябрь. Президент Ислом Каримов Эски Қуддусга ташриф буюриб, «Ал-ақсо» масжидини зиёрат қилди ҳамда яҳудийларнинг муқаддас зиёратгоҳи — «Нола деворлари»ни бориб кўрди. Шу куни мамлакатимиз раҳбари Қуддусдаги «Зераим Гедера» қишлоқ хўжалик мажмуаси, «Исроил авиа-

ция саноати» корпорациясида ҳам бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди.

* * *

20 сентябрь. Пойтахтимизнинг муҳташам «Юнусобод» теннис мажмуасида бешинчи бор ўтказилган «Президент кубоги» турнирининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бешинчи халқаро теннис турнири ёпилиш маросимида сўзлаган нутқида ғолибларни қутлар экан, ушбу мусобақада чиройли ўйинлар кўрсатиб, мухлисларни хушнуд қилгани учун турнирда иштирок этган барча теннисчиларга миннатдорлик билдириб, голибларга совринларни топширди.

* * *

21 сентябрь. Президент Ислом Каримов Жаҳон банкининг вице-президенти Иоҳанесс Линн бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мартабали меҳмон самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этар экан, Жаҳон банки билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётганидан мамнуният билдирди.

* * *

22 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти бош котиби Жанкарло Арагонани қабул қилди.

* * *

23 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Марказий Осиё батальони–98» тинчлик ўрнатувчи кучларнинг машқлари иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

23 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги омонатларини рагбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

23 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли — Огаҳий таваллудининг 190 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1999–2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Давлатимиз раҳбари мазкур кенгашни тузиш мақсадлари ҳақида тўхталди ва Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда унинг ишчи комиссиялари таркибини шакллантириш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

* * *

24 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги тайинланган Ўзбекистондаги доимий вакили ҳамда мувофиқлаштирувчиси Павел Крал, Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳсин Али Хон, Дания Қироллигининг фавқулодда ва мухтор элчиси Биргер Дан Нилсен, Кипр Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Платон Кириакидис ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов Осиё тараққиёт банкининг (ОТБ) вице-президенти Питер Салливанни қабул қилди. Суҳбат чоғида мавжуд қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиш жараёни, биргаликда ҳаётга татбиқ этиш мумкин бўлган янги лойиҳалар муҳокама қилинди, ўзаро ҳамкорликка доир қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Республика таълим тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Ўзбекистон маърифат аҳлига табрик йўллади.

* * *

2 октябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов АҚШ Қуролли Кучлари марказий қўмондонлиги бош қўмондони Энтони Зинни раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мулоқот чоғида икки давлат ўрта-

сида ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

2 октябрь. Президент Ислом Каримов «Акциядорлик-тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга ва Вазирлар Маҳкамасининг «Тўлов балансининг даромад қисми тўлиқ ва ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

6 октябрь. Италия пойтахти Рим шаҳридаги «Финмекканико» давлат концерни саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг итальян тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

10 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича комиссиялар ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

10 октябрь. Президент Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 октябрь. Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Тошкент аэропортида Борис Ельцин ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди. Шу куни Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Маросимдан сўнг Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш, минтақавий ва умумбашарий хавфсизлик ҳамда бошқа муҳим масалалар хусусида ўзаро фикр алмашилди.

* * *

12 октябрь. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон ва Россия давлат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Унда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий, маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича 1998-2007 йилларга мўлжалланган шартнома, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги декларация, Афғонистондаги вазият бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг қўшма баёнотига имзо чекдилар.

Сўнгра икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, музокаралар якунлари бўйича қисқача баёнот бердилар.

* * *

12 октябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Татаристон Республикасининг Президенти Минтемир Шаймиевни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Татаристон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

12 октябрь. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган Пахтачи тумани меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

16 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Туркманистонга келди. Ашгабат аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов кутиб олди. Туркманистон Президенти саройи — Туркманбоши кўшкида Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Сўнгра икки давлат раҳбарларининг яккамаякка суҳбати бошланди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи, минтақавий хавфсизлик, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Шу ернинг ўзида Президентлар журналистлар учун қисқача интервью бердилар.

* * *

17 октябрь. «Ўзбекистон» нашриёти Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» китобини чоп этди.

* * *

20 октябрь. Президент Ислом Каримов «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунни қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро ало-

қаларнинг бугунги аҳволи, қўшма корхоналар фаолияти, ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг амалга оширилиш жараёни билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари хусусида фикр алмашилди.

* * *

22 октябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Афғонистондаги махсус вакили Лахдар Брахимини қабул қилди. Учрашувда фожиавий кўлами ва хавфи ғоят катта бўлган Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар мулоқотнинг бош мавзуси бўлди.

* * *

23 октябрь. Президент Ислом Каримов буюк муҳаддис Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллик юбилей тантаналарида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

24 октябрь. Президент Ислом Каримов буюк аллома Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллик юбилей тантаналарида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

28 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда шуҳратпарастлик, дабдабабозлик ва исрофгарчиликнинг олдини олишга доир фармонга имзо чекди.

* * *

28 октябрь. Президент Ислом Каримов Туркия Республикаси миллий байрами — Республика эълон қилинганининг 75 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун Анқарага келди. Эсенбўға аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Туркия Президентининг қароргоҳида икки давлат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлди. Ислом Каримов туркиялик ҳамкасбини қутлуғ байрам билан самимий муборакбод этиб, Туркия раҳбариятига миллий истиқлолни янада мустаҳкамлаш, мамлакатни ҳар томонлама обод этишда янги муваффақиятлар тилади. Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Туркия муносабатларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

29 октябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Туркия миллий байрами тантаналарининг бошқа иштирокчилари мамлакат парламентига ташриф буюрди. Бу ерда Каспий денгизи ва Марказий Осиё нефть ва газини жаҳон бозорига етказиб бериш тўғрисидаги Анқара декларацияси имзоланди. Декларацияда Транскаспий ва Транскавказ нефтьгаз тизимларини ўз ичига оладиган «Шарқ-Ғарб» энергетика йўлаги муҳим лойиҳа экани қайд этилган.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг меҳмонлар Президент Сулаймон Демирэлни байрам билан қутлашди. Шу ернинг ўзида Туркия Буюк Миллат Мажлиси Раиси Ҳикмат Четин номидан тантана иштирокчилари шарафига қабул маросими уюштирилди. Туркияга ташриф асносида Ислом Каримов байрам муносабати билан Анқара отчопарида ўтказилган тантанали ҳарбий парадда иштирок этди. Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Туркияга ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

30 октябрь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Шу куни Дўрмон қароргоҳида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Сўнг икки давлат раҳбарининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

31 октябрь. Дўрмон қароргоҳининг мажлислар залида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокаралар сўнгида қўшма ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Икки давлат раҳбарлари яна бир муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида 1998—2005 йилларда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномани ҳам имзоладилар.

Маросим ниҳоясига етгач, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда ўзбек ва қозоқ халқларининг анъанавий қардошлик ришталарини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун Нурсултон Назарбоев Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланганини маълум қилди. Ислом Каримов Қозоғистон Президентига мукофотни тантанали равишда топширди.

Шундан сўнг Президентларнинг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

* * *

3 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган кенгаш бўлди. Уни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошқарди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимизга замон талаблари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш кўп жиҳатдан соҳани жаҳон андозалари ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ислоҳ қилишга боғлиқ.

* * *

5 ноябрь. Президент Ислом Каримов АҚШ давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, хусусан, иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

6 ноябрь. Президент Ислом Каримов ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор ва ЮНЕСКО ижроия кенгаши раиси Пал Патаки раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид, шунингдек, ЮНЕСКО ижроия кенгашининг Тошкентдаги анжумани кун тартибидаги масалалар хусусида фикрлашилди.

* * *

6 ноябрь. Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг Амир Темур залида ЮНЕСКО ижроия кенгаши 155-сессиясининг якуний йигилиши бўлиб ўтди. 155-сессия 19 октябрь куни Парижда очилган эди. Унинг асосий мавзуси «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 50 йиллиги, эзламоқ бурчи ва ҳушёрлик зарурати — кулликдан инсон қадр-қимматининг тикланиши сари» деб белгиланган эди. Сессияда ЮНЕСКО бош конференцияси томонидан қабул қилинган ЮНЕСКО фаолият дастурларининг бажарилишига оид ҳисобот маърузаси ва турли ташкилий масалалардан ташқари, дунёвий маданият равнақига бағишланган учта ҳужжат қабул қилиниши мўлжалланган эди. Биринчи ҳужжат БМТ учун мўлжалланган дунёвий маданият ҳақидаги умумий маъруза, иккинчиси — «Дунёвий маданият йўлида» деб номланган соҳалараро лойиҳанинг баҳоланиши ҳақида бўлиб, мазкур ҳужжатлар Париждаги йигилишда қабул қилинди.

Учинчи ҳужжат эса Ўзбекистон томонидан таклиф қилинган «Дунёвий маданият ва ЮНЕСКОнинг аъзо мамлакатлардаги фаолияти» деб номланган қарор лойиҳаси бўлди. Ўзбекистон ҳукуматининг таклифига биноан ижроия кенгаш қарорлари рўйхатига 9.6 банд этиб киритилган бу ҳужжат лойиҳаси 155-сессиянинг Тошкентда ўтадиган якуний йигилишида қабул қилиниши мўлжалланган эди.

Сессиянинг якуний йигилишини ЮНЕСКО ижроия кенгаши раиси Пал Патаки очди. Раис сессия кун тартибига Ўзбекистон томонидан киритилган ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида гапириб, ҳужжат муҳокамасини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи кўпчилик томонидан мамнуният билан қабул қилинганини қайд этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

6 ноябрь. ЮНЕСКО ижроия кенгаши 155-сессиясининг Тошкентда бўлиб ўтган якуний йигилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ташкилотнинг Абу Али ибн Сино номидаги олтин медали топширилди. «Бу олий мукофот, — деди Ислом Каримов, — энг аввало, кўпмиллатли халқимизнинг умумбашарий цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссаси ва хизматининг тан олиниши, тарихий, маданий, маънавий меросни асраб-авайлаш, мамлакатимизда жамиятни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан юксалтириш, соғлом ва комил авлодни тарбиялаб вояга етказиш, қисқача қилиб айтганда, халқимизни маърифат йўлига бошлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз, гуманизм ғояларига ҳурматимиз, эътиқодимизнинг муносиб баҳосидир».

* * *

9 ноябрь. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

10 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 ноябрь. Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

12 ноябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов АҚШ Конгрессининг сенатори Ричард Шелби раҳбарлигидаги делега-

ция аъзоларини қабул қилди. АҚШ Конгрессининг сенатори юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларига юксак баҳо бериб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашини ҳамда иқтисодиётимизга сармоя жалб этиш масаласига алоҳида эътибор билан қарашини таъкидлади.

* * *

14 ноябрь. Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида муҳокама этилган масалалар кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раисининг саволларига жавоб берди. Ушбу мулоқот «Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

14 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги давлат автомобиль назорати ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Имом Бухорий халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 ноябрь. Президент Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида Австриянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган собиқ федерал канцлери Ф.Враницкийни қабул қилди. Мулоқот чоғида меҳмон Австрия — Ўзбекистон муносабатлари жадал ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди ҳамда ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик янада кенгайишига умид билдирди.

* * *

17 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1999 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Давлат мулкини хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Капитал қурилишда бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 ноябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамгармасини ташкил қилиш тўғрисида» 1997 йил 7 январдаги ПФ-1694-сонли фармони ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун ҳамда мамлакат ташқарисида таълим олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ечиш, давлат, жамоат ва нодавлат тузилмаларида уларнинг салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ҳақидаги фармойишга имзо чекди.

* * *

19 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 ноябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Халқаро валюта жамғармаси фармойиш берувчи директорининг ўринбосари Шигемитсу Сугисаки раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

* * *

23 ноябрь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Исроил авиация саноати» корпорациясининг раҳбари Моше Керетни қабул қилди. Мулоқот чоғида ҳамкорлик муносабатлари ривожи, хусусан, корпорациянинг «Бедек» авиация бирлашмаси билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

* * *

24 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарда болалар пойабзали ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1999—2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларнинг миқдорларини индексациялаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 ноябрь. «Ўзбекистон» нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ» номли китобини чоп этди.

* * *

27 ноябрь. Президент Ислом Каримов Россия Федерациясининг Оренбург вилояти маъмуриятининг раҳбари В.Елагинни қабул қилди. В.Елагин мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнига юксак баҳо берди. У ташрифидан кўзланган мақсад ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни кенгайтириш билан изоҳланишини қайд этди.

* * *

27 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни фаоллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 ноябрь. Қиргизистон Президенти Асқар Акаев расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, коммуникация, гидроэнергетика, Қирғизистонга Ўзбекистон газини етказиб бериш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Шундан сўнг Президентлар оммавий ахборот воситалари мухбирларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

* * *

30 ноябрь. Президент Ислом Каримов Дўрмондаги қароргоҳида Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунларига бағишлаб ўтказилган матбуот конференциясида Тожикистондаги воқеалар юзасидан баёнот берди.

* * *

1 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг олти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 декабрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Фидокорлар миллий-демократик партиясини тузиш ҳаракатининг ташаббус гуруҳи аъзоларини уларнинг илтимосига кўра қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида ташаббус гуруҳи аъзолари Президент Ислом Каримовга тузилажак партиянинг мақсад ва вазифалари, қайси социал табақаларнинг манфаатларини ифода этиши, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида тутадиган ўрни ҳақида сўзлаб бердилар.

* * *

3 декабрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов АҚШнинг «Кейс» корпорацияси раҳбари Жан Пьер Россо бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мазкур фирма билан ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз қишлоқ хўжалик техникасини замонавийлаштириш, қишлоқ хўжалигини жаҳон андозаларига жавоб берадиган техника билан таъминлаш учун Ўзбекистонга сармоя, илғор технология жалб этишга қаратилган. Жан Пьер Россо ушбу ташрифидан асосий мақсад ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат эканини таъкидлади.

* * *

3 декабрь. Президент Ислом Каримов «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 декабрь. Президент Ислом Каримов Россиянинг «Лукойл» нефть компанияси президенти Вагит Алекперов ҳамда ушбу компания вице-президенти Джеван Челоянцни қабул қилди. Россиялик меҳмонлар Ўзбекистон нефть ва газ саноати ходимлари сўнгги бир неча йил ичида улкан ютуқларни қўлга киритганини эътироф этиб, мазкур учрашув тажриба алмашиш, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқишга киришиш учун катта имкониятлар очишини таъкидлаб ўтдилар.

* * *

5 декабрь. Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги байрами арафасида Ватанимизнинг юксак мукофотларига, орден ва медалларига, фахрий унвонларига сазовор бўлганларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни Президент Ислом Каримов тантанали равишда топширди ва нутқ сўзлади.

Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида Ўзбекистон давлатчилигини барпо этиш ва жаҳон ҳамжамиятида миллатимиз обрўсини юксалтириш, фуқаролар тинчлиги ва умуммиллий тотувликни мустаҳкамлаш, маданий қадриятларни асраб қолиш ва ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун Президент Ислом Каримовни «Амир Темур» ор-

дени ва «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Маросимда ана шу мукофотлар давлатимиз раҳбарига топширилди.

* * *

5 декабрь. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллигига багишланган тантанали мажлисда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Мажлисда мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1999 йил «Аёллар йили» деб эълон қилинди.

Президентнинг ушбу маросимда сўзлаган нутқи «Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадида, шунингдек 1999 йил «Аёллар йили» деб эълон қилингани муносабати билан республика комиссиясини тузиш тўғрисидаги фармойишга имзо чекди.

* * *

9 декабрь. АҚШда Жорж Вашингтон номидаги университетда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Мазкур китоб машҳур Гарвард университети жойлашган Кембридж шаҳрида 10 минг нусхада чоп этилди.

* * *

11 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати миллий корпорациясини «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига айлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 декабрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов машҳур ёзувчи ва жамоат арбоби Чингиз Тўрақулович Айтматовни 70 йиллик юбилейи муносабати билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

* * *

16 декабрь. Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу сессиядаги маърузаси «Халқ ишончи — олий масъулият» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

16 декабрь. Президент Ислом Каримов Германиянинг «Тиссен Хандельсунион АГ» компанияси бошқаруви аъзоси Ханс Ульрих Грубер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида қатор соҳалар бўйича қўшма корхоналар тузиш билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

17 декабрь. Молдова Республикаси Президенти Петру Лучински расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Шу куни Дўрмон қароргоҳида Молдова Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Маросимдан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Молдова Президенти Петру Лучинскининг яккама-якка суҳбати бошланди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, ўзаро иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, шунингдек, халқаро сиёсатдаги долзарб масалалар хусусида сўз борди. Қароргоҳда икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Молдова ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг мажлиси ҳам бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва бу борада мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

18 декабрь. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Молдова Республикаси Президенти Петру Лучински иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида асосан Ўзбекистон билан Молдова ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Музокаралар ниҳоясида Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Молдова Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги декларацияга имзо чекдилар. Сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Шу куни Молдова Президенти Ватанига жўнаб кетиш олдидан мамлакатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди.

* * *

19 декабрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мумтоз қорақалпоқ шоири Бердақ таваллудининг 170 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросим иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

23 декабрь. Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг ислоҳотлар самарасини ошириш борасида маҳаллий ҳокимият идоралари масъулиятини кучайтириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилишини жадаллаштириш масалаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимизнинг ушбу йиғилишдаги маърузаси «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

24 декабрь. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

24 декабрь. Президент Ислом Каримов «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

25 декабрь. Президент Ислом Каримов «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Радиочастота спектри тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

25 декабрь. Президент Ислом Каримов «Истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш ва олиб чиқиб кетишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Давлат-тижорат халқ банкини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларга имзо чекди.

* * *

29 декабрь. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида анъанавий «Президент арчаси» байрами бўлиб ўтди. Бу тадбир меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, шаҳримизнинг кўпгина мактаб ўқувчиларига олам-олам қувонч бахш этди. Томошадан сўнг байрам иштирокчиларига мамлакатимиз Президентининг Янги йил совғалари тарқатилди.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Янги йил табриги йўллади.

1999 йил

6 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Маънавий юксалиш йўлида» номли асарлар тўплами «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилди.

* * *

7 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Тожикистон Республикаси Бош вазири Яҳё Азимов раҳбарлигидаги ушбу давлат делегацияси аъзоларини қабул қилди. Мулоқот чогида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашилди.

* * *

7 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 январь. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Президент Ислом Каримов қатнашди. Мажлисда ўтган йиллар мобайнида фуқароларимизнинг тафаккури, ҳуқуқий онги ўзгариб, уларнинг адолат ва қонун устуворлигига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

* * *

8 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари Геннадий Куликни қабул қилди. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Россия ҳукуматлараро қўшма комиссияси фаолияти доирасида амалга оширилаётган ишлар, Россияда Ўзбекистон пахтасига бўлган эҳтиёж, иқтисодий муносабатларнинг баъзи масалалари мулоқотнинг бош мавзуси бўлди, томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

* * *

8 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитани ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 январь. Президент Ислом Каримов «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси номига 1998 йилда олтин ва кумуш ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича давлат буюртмасини ошириб бажаргани муносабати билан табрик йўллади.

* * *

14 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Кучли давлатдан кучли жамият сари» китоби «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида босмадан чиқди.

* * *

14 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Қуролли Кучлари шахсий таркибига ва барча ҳарбий хизматчиларга табрик йўллади.

* * *

14 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтимизда бар-

по этилаётган Хотира майдонидаги ва Тошкент шаҳридаги бошқа қурилиш иншоотлари билан танишди. Юртбошимиз Хотира майдонида бўлиб, Мотамсаро она ҳайкали қандай яратилиши хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Шу ернинг ўзида журналистлар билан мулоқотда бўлиб, 9 май кунини Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаш таклифини билдирди.

Сўнгра давлатимиз раҳбари Ўзбекистон академик рус драма театрининг янги биносини кўздан кечирди, театр жамоаси билан самимий суҳбатда бўлди. Шунингдек,Тошкент шаҳри маркази қурилиши, Ўзбекистон миллий галереяси, Ўзбекистон халқаро савдо ярмаркаси бинолари, Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонаси ва республика фан-техника кутубхонаси янги биноларининг лойиҳалари билан танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

* * *

19 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг янги муддатга президентлик вазифасини бажаришга киришиши муносабати билан бўладиган маросимда иштирок этиш учун Остона шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

20 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Нурсултон Назарбоевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти сифатида фаолият бошлашига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди. Шу куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашиб, уни юксак лавозимга қайта сайлангани муносабати билан самимий табриклаб, Қозоғистон халқи олдида турган муаммоларни ҳал этиш йўлидаги масъулиятли ишида унга муваффақиятлар тилади.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов «Интерконтинентал» меҳмонхонасидаги ўз қароргоҳида Қирғизистон Президенти Асқар Акаевни қабул қилди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақадаги интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

* * *

25 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ижрочи котиби Борис Березовскийни қабул қилди. Учрашувда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида кечаётган жараёнларга оид масалалар ҳақида фикр алмашилди.

* * *

26 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россиянинг С. Илюшин номидаги авиасозлик компанияси бош конструктори Генрих Новожилов, компания бош директори Виктор Ливанов, Халқаро авиация қўмитаси раиси Татьяна Анодина ҳамда Канаданинг «Пратт энд Уитни» компаниясининг тараққиёт масалалари бўйича вице-президенти Жозеф Торкеттини қабул қилди. Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш хусусидаги масалалар муҳокама этилди. Учрашув ниҳоясида Президент Ислом Каримовга Авиация ва парвоз фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолиги дипломи топширилди.

* * *

27 январь. Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлидаги талаблардан келиб чиққан ҳолда олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлар доирасида миллий армиямиз тузилишини янада такомиллаштириш, қўшилма ва қисмларнинг жанговар тайёргарлик даражасини ошириш борасидаги долзарб масалалар кўриб чиқилди.

* * *

1 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» сарлавҳаси билан эълон қилинди.

* * *

1 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Халқаро кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф Преселни қабул қилди. Мулоқот чоғида дунёда кечаётган жараёнларга тааллуқли долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Суҳбат чоғида ўзаро қизиқиш уйғотган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

* * *

4 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Қувайт Давлатининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Фавзий Абдулазиз ал-Жосим, Замбия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Франсис Гершум Симамб ишонч ёрлигини топширди.

* * *

5 февраль. Президент Ислом Каримовнинг «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» номли китобини «Ўзбекистон» нашриёти босмадан чиқарди.

* * *

5 февраль. Президент Ислом Каримов «Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари экспортини тартибга солиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг раиси Егор Строев билан учрашди. Яккама-якка учрашувда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида кенг миқёсли ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки мамлакат ўртасида парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. Шу куни Ислом Каримов ва Егор Строев пойтахт марказидаги Ўзбекистон академик рус драма театрига ҳам ташриф буюришди.

* * *

12 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Кристиан Монс раҳбарлигидаги француз ишбилармонлари билан учрашди.

* * *

16 февраль. Олий Мажлис биносида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар самараси ва 1999 йилга мўлжалланган иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлис бўлди. Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Келажакни жасоратли одамлар қуради» сарлавҳаси билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

17 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «ДЭУ компаниялари гуруҳининг раҳбари Ким У Жунни қабул қилди. Мулоқот чоғида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида автомобилларнинг янги моделларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, автомобиллар двигателлари ва бутловчи қисмларини мамлакатимизда тайёрлаш, шунингдек, енгил саноат соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантиришни кўзда тутадиган лойиҳалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

* * *

17 февраль. 16 февраль куни мамлакатимиз пойтахти Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлган юртдошларимизни хотирлаш мақсадида Президент Ислом Каримов «Тошкент шаҳридаги фожиали ҳодисалар муносабати билан мотам куни эълон қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг (ХТТБ) Молия ва хусусий секторни ривожлантириш департаменти директори Лаёш Бокрос раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг ХТТБ билан ўзаро манфаатли алоқалари, чунончи, 1995 йилда тасдиқланган, ҳар уч йилда янгиланиб турадиган, «Ҳамкорлик стратегияси» номли биринчи ҳужжатдаги лойиҳаларнинг бажарилиш якунлари тўғрисида ҳамда «Ўзбекистон: мамлакатга кўмаклашиш стратегияси» деб номланган янги дастурга киритилган лойиҳалар хусусида фикр алмашилди.

* * *

19 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлатлараро кенгашнинг навбатдаги мажлисида қатнашиш учун Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди. Сафар олдидан давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

* * *

19 февраль. Президент Ислом Каримов Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида абадий дўстлик ҳақида шартномага аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари иштирокидаги навбатдаги мажлисда қатнашди ва куннинг иккинчи ярмида Тошкентга қайтиб келди.

* * *

23 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари ҳамда журналистлар билан учрашди. Унда Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари ҳақида оммавий ахборот воситалари вакилларига атрофлича маълумот берилди.

* * *

23 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 февралда Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан ҳамдардлик билдирган хорижий давлатлар бошлиқлари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, жамоат арбоблари, таниқли фан ва маданият намоян-

далари, чет эл фирма ва компаниялари вакиллари, минглаб ватандошларимизга матбуот орқали ўз миннатдорлигини билдирди.

* * *

26 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси биносида амалга оширилаётган таъмирлаш ва қурилиш ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари барча ишларда бинонинг мустаҳкамлигини ошириш, унга миллий тус бериш асосий мезон бўлиши лозимлигини уқтирди. Бинонинг ички ва ташқи кўринишидаги ўзгаришлар, ён-атрофидаги яшил майдончалар унинг салобати ва шинамлигини оширишга хизмат қилиши зарурлигини қайд этди.

Шунингдек, Президент Ислом Каримов пойтахтимизда бунёд этилаётган Хотира майдонидаги ишларнинг бориши билан ҳам яқиндан танишиб, Ватан учун қурбон бўлганларнинг хотираси барҳаёт, деган ғоя ушбу майдонда ўз ифодасини топиши лозимлигини таъкидлади. Юртбошимиз шу ернинг ўзида журналистлар билан мулоқотда бўлди.

* * *

26 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини ҳамда доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорларга имзо чекди.

* * *

2 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Греция Республикаси Президенти Константинос Стефанопулос билан яккама-якка суҳбатлашди. Сўнг икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари муҳокама этилди. Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар ниҳоясида икки давлат Президентлари оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

* * *

2 март. Президент Ислом Каримов «9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижрочи котиби Борис Березовскийни қабул қилди. Учрашувда Ҳамдўстликнинг ишчи органларини ислоҳ қилиш масаласи, унинг доирасида юз бераётган ўзгаришлар борасида фикр алмашилди.

* * *

6 март. Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

6 март. Президент Ислом Каримов 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги йўллади.

* * *

8 март. Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзе амалий ташриф билан мамлакатимизга келди. Олий мартабали меҳмон ва унинг рафиқасини Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримов ва унинг рафиқаси кутиб олди.

* * *

9 март. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзенинг яккама-якка учрашуви бўлди. Савдо-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш, транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамда икки мамлакат тадбиркорлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар мулоқотнинг асосий мавзуси бўлди. Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларидан сўнг Президентлар Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзенинг амалий учрашувига оид протокол имзоланди. Ҳужжатга Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзе имзо чекдилар. Шундан сўнг икки давлат раҳбарларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлди.

* * *

11 март. Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларини «Ўзбекис-

тон» нашриёти «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номи билан ўзбек ва араб тилларида нашр этди.

* * *

15 март. Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэлнинг мамлакатимизга расмий ташрифи бошланди. Олий мартабали меҳмонни Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Дўрмон қароргоҳида икки давлат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Шундан сўнг Президентлар иштирокида икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Президенти Сулаймон Демирэл икки давлат раҳбарлари ўртасида бўлган музокаралар юзасидан қўшма баёнотга имзо чекдилар. Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам учрашди.

* * *

16 март. Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрига келди. Икки мамлакат раҳбарлари ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди.

Шу куни «СамКочавто» қўшма корхонасининг тақдимот маросими бўлди. Тақдимот маросимида Ислом Каримов ва Сулаймон Демирэл нутқ сўзлади. Куннинг иккинчи ярмида Президентлар Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилдилар. Шундан сўнг меҳмонлар Масжиди Калон, Нодир девонбеги мадрасасини ҳам зиёрат қилдилар. Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл Самарқанддан ватанига жўнаб кетди.

* * *

17 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котибининг Афғонистондаги махсус вакили Лахдар Брахимини қабул қилди. Учрашувда асосий эътибор Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масалаларига қаратилди. «6+2» гуруҳи томонидан тайёрланаётган Тошкент декларациясининг лойиҳаси муҳокама этилди, шунингдек, Туркманистон пойтахтида бўлган музокаралар якунлари кўриб чиқилди.

* * *

17 март. Президент Ислом Каримов «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўта зарарли ва ўта огир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

18 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтимизда қуриб битказилган тўрт юлдузли «Хилтон — Тошкент» меҳмонхонасини бориб кўрди.

* * *

19 март. Президент Ислом Каримов «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 март. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги миллий боғда Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Тантанада Президент Ислом Каримов иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади.

* * *

24 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолати ҳамда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси («Ўздавсувхўжаликназорат»)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 март. Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Миллат қудрати — ҳамжиҳатликда» сарлавҳаси билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

27 март. Япония пойтахти Токио шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

29 март. Президент Ислом Каримов «Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара, ички ва

қоровул қўшинлари сафларидан захирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ давлат раҳбарларининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Россия Федерацияси пойтахти Москвага жўнаб кетди.

* * *

2 апрель. Кремлда МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлди. Унда МДҲ фаолиятини Ҳамдўстликка аъзо бўлган барча давлатлар манфаати нуқтаи назаридан такомиллаштириш, унинг шартномавий-ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш, тузилма органлари ишини такомиллаштириш, хавфсизлик, иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

6 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида Япониянинг «Кейзай Доюкай» корпоратив раҳбарлар уюшмаси президенти Коичи Минагучи раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашувда япониялик меҳмонларга хусусийлаштириш, коммуникация ва таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш таклифи илгари сурилди. Шунингдек, уларга хусусийлаштирилаётган йирик корхоналар рўйхати тақдим қилинди. Президентимиз қурилиши бошлаб юборилган Андижон — Ўш-Қашқар темир йўли ва шу йўналишдаги автомобиль йўли ҳақида ҳам сўзлаб, Буюк ипак йўлини қайта тиклаш доирасида амалга оширилаётган бу лойиҳа Ўзбекистонни Хитой портлари орқали Япония билан боғлашини таъкидлади.

* * *

7 апрель. Президент Ислом Каримов «Тошкент Ислом университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8-9 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Республикаси пойтахти Ашгабат шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг навбатдаги мажлисида иштирок этди. Мажлисда ушбу жамғарма Президенти — Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов жамғарманинг 1997—1999 йиллардаги фаолияти ҳақида ахборот берди.

* * *

12 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Олий мактаб фанлари халқаро академияси президенти В.Шукшунов ушбу академиянинг фахрий аъзолик дипломини топширди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда илм-фан ва таълимни ривожлантириш соҳасидаги улкан хизматлари, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш борасидаги ташаббускорлиги ҳамда ташкилотчилиги учун ана шундай шарафли унвонга сазовор бўлди.

* * *

14 апрель. Президент Ислом Каримов «Лизинг тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонунларни тасдиқлади.

* * *

14-15 апрель. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳаларини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида нутқ сўзлади. Ушбу маъруза «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» сарлавҳаси билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

15 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўрмон тўғрисида»ги, «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги, «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги ва «Архивлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

15 апрель. Президент Ислом Каримов «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош котиби Франческо Франжиаллини қабул қилди. Мулоқот чоғида Франческо Франжиалли Ўзбекистон билан ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этиб, мамлакатимиз ҳукуматининг сайёҳликни ривожлантириш борасидаги халқаро миқёсдаги саъй- ҳаракатларини юқори баҳолади.

Қабул маросимида Франческо Франжиалли Буюк ипак йўлини қайта тиклаш ташаббусини илгари сургани, бу қадимий йўл

бўйлаб сайёҳлик йўналишини ташкил этиш бўйича халқаро лойиҳа ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун Президент Ислом Каримовга Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг олий мукофотини топширди.

* * *

20 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земанни қабул қилди. Суҳбат чогида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи, истиқболдаги режалар, шунингдек, халқаро ва минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Сўнгра икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Музокараларда асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка қаратилди. Жумладан, Ўзбекистонда Чехия билан ҳамкорликда ташкил этилган ўн бешта корхона фаолият юритаётгани таъкидланди. Бош вазир ташрифи доирасида Тошкентда Чехиянинг савдо-иқтисодий кўргазмаси очилди.

* * *

21 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Че Ёнг Хани қабул қилди. Суҳбат чогида Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг кучли ва салмоқли иқтисодий ҳамкори экани алоҳида таъкидланди.

* * *

22 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Баскар Кумар Митра, Индонезия Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Рони Ҳидоят Гастина, Сингапур Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Сим Чеок Лим, Чад Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Абдул Жибрин ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

23 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов НАТОнинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш учун АҚШга сафар қилаётиб, Амстердам шаҳрида тўхтаб ўтди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Европа Иттифоқи Комиссияси комиссари Ханс Ван ден Брук билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

24-26 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов НАТОнинг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун АҚШда расмий сафарда бўлди. Сафарнинг биринчи куни Президентимиз мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонасида «Умид» жамғармаси грантлари асосида Америка олий ўқув юртларида таълим олаётган ўзбекистонлик талаба ёшлар билан учрашди.

Мамлакатимиз Президенти ўша куни элчихонада НАТОнинг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун Вашингтонга келган Грузия, Украина, Озарбойжон ва Молдова давлат раҳбарлари билан учрашди. Мана шу тўрт давлат иштирокида, улар мансуб бўлган минтақа доирасида транспорт коммуникацияси, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тузилган ҳамкорлик ташкилотига (ГУАМ) Ўзбекистон ҳам аъзо бўлди. Ўзбекистон Президенти ўша куни АҚШнинг Эксимбанки президенти Ж.Хермон билан учрашди. Президентимиз Ўрта Осиё ва Кавказ мамлакатлари давлат раҳбарларининг АҚШ сенаторлари гуруҳи билан учрашувида ҳам иштирок этди.

* * *

25 апрель. Президент Ислом Каримов Вашингтонда жойлашган «Рейган билдинг» саройида НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган саммитнинг ялпи мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари шу куни Жаҳон банки гуруҳи президенти Ж.Вулфенсон, Халқаро валюта жамгармаси бошқарувчи директори ўринбосари Ш. Сугисаки ҳамда АҚШ давлат котибининг Жанубий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси К.Индерфурс билан олиб борган музокаралари ғоят самарали бўлди.

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт билан ҳам учрашди. Мулоқот чогида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи, икки томонлама сиёсий-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари кечқурун Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Даромадлар ва харажатлар бўйича қўмитаси раиси Б.Арчерни қабул қилди.

* * *

30 апрель. Президент Ислом Каримов «9 майнинг Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзбек кураши бўйича Тошкентда ўтказилган биринчи жаҳон чемпионати мусобақаларининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

4 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония ташқи ишлар вазири Масахико Коумура раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи кўриб чиқилиб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

5 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Камол Харрозийни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги муносабатлар, минтақавий ҳамкорлик, халқаро муаммолар, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

6 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тошкент Ислом университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Болгария Республикаси Президенти Петар Стоянов билан яккама-якка суҳбатлашди. Суҳбат чоғида халқаро майдондаги долзарб муаммолар, иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасида амалга ошириш зарур бўлган чора-тадбирлар ва икки томонлама ҳамкорликнинг бошқа масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳам сўз борди. Сўнг икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди.

* * *

8 май. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Болгария Республикаси Президенти Петар Стояновнинг Самарқанд шаҳрига қилган ташрифида ҳамроҳлик қилди.

* * *

9 май. Мамлакатимиз пойтахтида барпо этилган Хотира майдонининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

11 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Барбара Логан Хейни ваколат муддати тугагани муносабати билан қабул қилди.

* * *

12 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ватанимиз озодлиги ва истиқлоли учун курашларда жон фидо этган, миллатни ҳуррият ва эркинликка чорлаган, шўро тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, бегуноҳ зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини янада чуқур ўрганиш, халқимиз, ўсиб келаётган ёш авлод онгида мустақиллик қадриятларига, инсон ҳақ-ҳуқуқларига юксак ҳурмат-эҳтиром туйғуларини камол топтириш, уларни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, демократик тамойиллар руҳида тарбиялаш тўғрисидаги фармойишга имзо чекди.

* * *

13 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижроия қўмитаси раиси Юрий Яровни қабул қилди.

* * *

13 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1999—2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

13 май. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Жерар Штудманни қабул қилди. Суҳбат чоғида мамлакатимизда кечаётган демократик ислоҳотлар, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритилди. Ўзбекистоннинг мазкур бюро ва умуман, ЕХҲТ билан алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

17 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлигининг бош қўмондони Энтони Зиннини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ Қуролли Кучлари марказий қўмондонлиги ўртасида икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

18 май. Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлди. Мажлисни Президент Ислом Каримов бошқарди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва давлат бюджетига маблағлар, шу жумладан, хорижий валюта тушумини кўпайтиришга оид қарорларининг бажарилиши, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва давлатга тегишли акциялардан давлат бюджетига маблағлар келиб тушиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

19 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингх бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва бу борада мавжуд муаммоларни тўла-тўкис бартараф этиш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашилди.

* * *

20 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сонли ва 1998 йил 17 декабрдаги 525-сонли қарорларини бажариш юзасидан жавобгарликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1999—2000 йилларда ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1999 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Халқаро ҳаваскор курашчилар федерацияси (ФИЛА) Бош котиби Мишел Дюссонни қабул қилди. Мишел Дюссон давлатимиз раҳбарига Халқаро ҳаваскор курашчилар федерациясининг олий мукофоти — «Олтин маржон»ни тантанали равишда топширди. Мазкур мукофот Президентимизга мамлакатимизда, қолаверса, жаҳонда спортни ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари учун берилди.

* * *

25 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида АҚШ давлат котибининг янги мустақил давлатлар ишлари бўйича махсус маслаҳатчиси С.Сестанович бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди. Унда Ўзбекистон — АҚШ, АҚШ — Ўзбекистон қўшма комиссияларининг Тошкентда ўтган навбатдаги сессияси якунлари, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамда сиёсий алоқалар кўламини янада кенгайтириш, хусусан, тадбиркорларнинг бевосита ҳамкорлигини ривожлантириш борасида имтиёзлар яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

26 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япониянинг Экспорт-импорт банки бошқарувчиси Хироши Ясудани қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан мазкур Эксимбанк ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Жумладан, юртимизга Япониядан экспорт қилинадиган товарларни кредитлаш, Ўзбекистондаги муайян лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек, кимё, машинасозлик, тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш масалалари кўриб чиқилди.

* * *

27 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Россия Федерациясининг очиқ турдаги «Газпром» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Рем Вяхиревни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг нефть-газ саноатида фаолият кўрсатувчи корхоналар билан «Газпром» ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

* * *

27 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга ва «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан

таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

28 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Қозоғистон Республикаси Бош вазири Нурлан Балгимбаевни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари, икки давлатнинг турли соҳалар бўйича ҳамкорлик алоқаларига доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

31 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки президенти Торст Кёлер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида ЕТТБ иштирокидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиш жараёни кўриб чиқилди. Шунингдек, томонлар янги лойиҳалар бўйича ўзаро фикр алмашиб, ҳамкорлик кўламини кенгайтириш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

* * *

2 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Японияниng ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти (JETRO) раиси Н.Хатакеямани қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан JETRO ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, хусусан, кунчиқар мамлакатда Ўзбекистон маҳсулотлари кўргазмасини ташкил қилиш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва бошқа соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

* * *

2 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Тошкент Ислом университети Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинди.

* * *

10 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Цян Циченни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

10 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Франция Иқтисодиёт, молия ва саноат вазирлигининг давлат маслаҳатчиси Кристиан Пьеррени қабул қилди. Мулоқотда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боглиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

17-18 июнь. Президент Ислом Каримов мамлакатимиз жанубий ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнининг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида сафарда бўлди.

* * *

18 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан корхона жамоасига табрик йўллади.

* * *

23 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япониянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Коичи Обатани ваколат муддати тугаши муносабати билан қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари элчининг диёримиздаги фаолиятига юқори баҳо берар экан, Ўзбекистон — Япония муносабатлари ривожида унинг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлади.

* * *

23 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлатга ғалла сотиш йиллик режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажаргани муносабати билан Бухоро вилоятининг барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

24 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Давлатга қарашли бўлмаган

мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлган Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида иштирок этди. «Ола арча» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат раҳбарлари учрашди. Мазкур давлатларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида иқтисодий интеграция кўламларини кенгайтириш ҳамда минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Украина, Грузия ва Туркияни Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига кузатувчи сифатида қабул қилишга келишиб олинди. Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев — Давлат раҳбарлари кенгашининг раиси, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Омонгелди Нуралиев — Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб тайинланди.

* * *

25 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти амалдаги раисининг махсус вакили Вильгельм Хойнкни қабул қилди. Суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари ЕХҲТ доирасида қабул қилинаётган ҳужжатларда барча аъзо давлатлар, шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари вакилларининг тўлақонли иштироки зарурлигига, уларнинг ташкилотда қандай ўрин тутаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

* * *

25 июнь. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари «Ҳушёрликка даъват» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

25 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ушбу соҳа вакилларига табрик йўллади.

* * *

28 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришни такомиллаштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини яхшилашга доир қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 июнь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Андижон вилоятида бўлиб, Хўжаобод ер ости газ омборининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Шу куни Президент Ислом Каримов Андижон туманидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши билан ҳам танишди, унинг ўқувчилари билан мулоқотда бўлди.

* * *

30 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг катта вице-президенти ҳамда бош иқтисодчиси Жозеф Стиглиц раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

30 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Кристофер Ингем, Покистон Ислом Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Холид Амир Хон, Австралиянинг фавқулодда ва мухтор элчиси Рут Лоррейн Пиарс, Мўғулистоннинг фавқулодда ва мухтор элчиси Булгагийн Алтангэрэл ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

3 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мустақил Ватанимиз тарихида биринчи бўлиб бакалаврлик дипломига сазавор бўлган ёшларга табрик йўллади.

* * *

6 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Уимблдон турнирининг қизлар ўртасидаги ғолиби бўлган Ирода Тўлагановага табрик йўллади.

* * *

7 июль. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларини «Ўзбекистон» нашриёти «Ҳушёрликка даъват» номи билан алоҳида китоб ҳолида чоп этди.

* * *

7 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни мамлакатимиз Президенти, кенгаш раиси Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда Қуролли Кучлар ва чегара қўшинларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорларининг бажарилиши, республикамиз ҳудудининг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масалалар кўриб чиқилди.

* * *

9 июль. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Қирғизистон Республикаси Бош вазири Омонгелди Нуралиевни қабул қилди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар кўламини янада кенгайтириш, бу борада зарур чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш, ўзаро сиёсий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

15 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов шу йилнинг июль ойида рўй берган табиий офатдан зарар кўрган Тожикистоннинг Ленинобод вилояти аҳолисига мурувват ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги фармойишга имзо чекди.

* * *

15 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Игорь Ивановни қабул қилди. Суҳбат чоғида минтақавий, халқаро хавфсизлик ва икки томонлама алоқалар бўйича фикр алмашилди.

* * *

19 июль. Президент Ислом Каримов Тошкентда иш бошлаган Афғонистон муаммолари бўйича «6+2» гуруҳининг навбатдаги учрашувида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида Афғонистондаги вазият айни вақтда нафақат мазкур мамлакатнинг, балки унга қўшни давлатларнинг, қолаверса, бутун халқаро жамоатчиликнинг муаммосига айлангани, бугун бу тупроқда давом этаётган уруш балоси билан бирга гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси, диний экстремизм ва фанатизм, террорчилик хавфи минтақадаги барча давлатларга, бинобарин, ялпи хавфсизликка жиддий таҳдид солаётгани қайд этилди.

Анжуман ниҳоясида «Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Тошкент декларацияси имзоланди.

* * *

19 июль. Президент Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида Афғонистон муаммолари бўйича «6+2» гуруҳи учрашувида иштирок этаётган Покистон делегацияси раҳбари, Покистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ифтихор Муршидни қабул қилди. Суҳбат чоғида мамлакатимиз раҳбари Покистон делегациясининг Тошкент учрашувидаги иштироки ушбу давлатнинг Афғонистонда тинчликни барқарорлаштириш масаласига катта эътибор билан қараётганидан далолатдир, деди.

* * *

19 июль. Президент Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида «6+2» гуруҳининг учрашувида қатнашаётган Эрон делегацияси раҳбари, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Завод Зарифни қабул қилди. Мулоқот чоғида Тошкент учрашувида кўтарилган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида фикр алмашилди.

* * *

19 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1154 фармонини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «1999 йил 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Афғонистон муаммолари бўйича «6+2» гуруҳи учрашуви иштирокчиси, АҚШ делегацияси раҳбари, АҚШ давлат котиби ўринбосари Карл Индерфурсни қабул қилди. Учрашувда минтақавий хавфсизлик, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

20 июль. Президент Ислом Каримов «6+2» гуруҳи учрашувининг яна бир иштирокчиси, БМТнинг Афғонистон бўйича махсус вакили Лахдар Брахимини қабул қилди. Суҳбат чоғида «6+2» гуруҳи учрашувида қабул қилинган Тошкент декларацияси ҳамда Афғонистон бўйича имзоланган бошқа ҳужжатларни амалиётга жорий этиш ва минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

* * *

21 июль. Президент Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида Афғонистондаги Бирлашган фронт раҳбари Аҳмадшоҳ Масъудни қабул қилди. Суҳбат чоғида Афғонистонда қуролли ҳаракатларга барҳам бериш бу заминда тинчлик ўрнатилиши учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши таъкидланди. Шунингдек, суҳбатда «6+2» гуруҳи учрашувида қабул қилинган Тошкент декларациясининг амалий жараёни хусусида ҳам сўз борди.

* * *

22 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидоийлар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

23 июль. Саудия Арабистонининг «Ал-саравот» нашриёти Президент Ислом Каримовнинг янги тўпламини араб тилида чоп этди. Ушбу китобдан давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли асарлари ҳамда «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деб номланган суҳбати ўрин олган.

* * *

23 июль. Президент Ислом Каримов «Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 июль. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япониянинг Франция Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Коичиро Мацуурани қабул қилди. Тошкентга қўниб ўтган Коичиро Мацуура мамлакатимиз раҳбарига Япония Бош вазири Кэйдзо Обутининг мактубини топширди. Суҳбат чоғида Япония билан Ўзбекистон ўртасида нафақат иқтисодий ва маданий, балки сиёсий соҳада ҳам ҳамкорлик алоқалари ривож топаётгани қувончли ҳол экани таъкидланди.

* * *

26 июль. Президент Ислом Каримов «Давлат бюджетига солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш устувор йўналишларининг амалга оширилишига бағишланган мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Тадбиркорлик — юксалиш гарови» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

2 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудудида жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Умид» жамғармаси грантлари соҳибларига табрик йўллади.

* * *

4 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази томонидан ташкил этилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш учун режалаштирилган намунали ўқув хоналари, устахоналар, кўргазмали ўқув қуроллари ва тренажерлар кўргазмасини бориб кўрди.

* * *

6 август. Президент Ислом Каримов Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ 1999 йилда республикамизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун илк бор янги қурилиш ва тубдан таъмирлаш ҳисобига топширилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини сифатли қабул қилиш ҳамда 1999—2000 ўқув йилигача тантанали очиш ҳақидаги фармойишни имзолади.

* * *

12 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Япониянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси

этиб тайинланган Киоко Накаяна ишонч ёрлиғини топширди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Япония муносабатларига оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Япония элчиси ўз ваколат муддати даврида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини юқори поғонага кўтариш учун бор куч-ғайратини аямаслигини таъкидлаб, самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

* * *

12 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Автомобиллар тўхташ жойлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2000 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштириш ва кузги экишни ўтказишнинг ташкилий чора-тадбирлари, дон етиштириш ва давлат ресурсларига харид қилиш ҳажмлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Измир ва Адапазари шаҳарларида рўй берган табиий офат муносабати билан Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэлга ҳамдардлик билдирди.

* * *

19 август. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Ватан озодлиги — олий саодат» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

19 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИТВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги ва «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

20 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Саудия Арабистони Подшоҳлиги савдо вазири Усама Жаъфар Фақиҳни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

* * *

20 август. Президент Ислом Каримов «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Туризм тўғрисида»ги, «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

23 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов Туркия Республикасининг Измир шаҳрида юз берган зилзила оқибатларини бартараф этиш бўйича қутқарув ишларини ўтказишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги фармойишни имзолади.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпонни «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсаройда «Б`най Б`рис» халқаро яҳудийлар ташкилотининг президенти Ричард Хайдеман раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан «Б`най Б`рис» халқаро яҳудийлар ташкилоти ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

* * *

24 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш қўмитаси, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари

ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилиш тантаналарида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

28 август. Мустақиллик байрами арафасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Тошкент шаҳрида фойдаланишга топширилган янги иншоотларни бориб кўрди. Дастлаб Президент тўлиқ таъмирдан чиққан Ўзбекистон миллий цирки биносини кўздан кечирди. Сўнг пойтахтимизнинг Юнусобод туманида барпо этилган янги кўприк, деҳқон бозори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг спорт мажмуаси сингари замонавий иншоотлар билан танишди, қурувчилар, туман аҳли меҳнаткашлари билан самимий мулоқотда бўлди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидоийлар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, Тошкентнинг Юнусобод туманида, Бўзсув қирғоғида мустамлакачилик даври қурбонлари хотира мажмуаси барпо этиш режалаштирилган эди. Мамлакатимиз раҳбари бу ерда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, мазкур мажмуа юртимиз мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган ватандошларимизнинг муътабар хотираси ёд этиладиган муқаддас зиёратгоҳга айланиши зарурлигини алоҳида қайд этди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов Мустақиллик майдонида Ўзбекистон истиқлолининг саккиз йиллигига бағишланган байрам тантаналарида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

1 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида Россия Федерацияси мудофаа вазири Игорь Сергеевни қабул қилди. Мулоқот чоғида Қирғизистон жанубида юзага келган мураккаб вазиятга алоҳида эътибор қаратилди. Экстремизм, террорчилик ва зўравонликка қарши курашда ҳамкорликда ҳаракат қилиш масаласи бўйича томонлар якдил экани маълум қилинди.

* * *

2 сентябрь. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежининг тантанали очилишида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

3 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 сентябрь. Мамлакатимиз пойтахтининг Шайхонтоҳур даҳасида Тошкент Ислом университетининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

13 сентябрь. Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида «Президент кубоги» анъанавий халқаро турнири тантанали равишда очилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

18 сентябрь. Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида навбатдаги «Президент кубоги» анъанавий халқаро турнирининг якунловчи босқич учрашуви ва тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлади. Сўнгра мамлакатимиз раҳбари «Президент кубоги» халқаро теннис турнирининг ғолибларига совринлар топширди.

* * *

21 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк ипак йўлини қайта тиклаш бўйича халқаро конференция қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

23 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партиясининг

иккинчи қурултойи бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов номзоди кўрсатилди.

* * *

23 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Спирт, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «2000 йил ҳосилини етиштириш учун кузги-қишки агротехника тадбирларини маблағ билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларга имзо чекди.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Норвегия ташқи ишлар вазири Кнут Воллебек раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чогида Ўзбекистон ва ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

* * *

29 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара, ички ва қоровул қўшинлари сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакат таълим соҳаси ходимларига табрик йўллади.

* * *

30 сентябрь. Президент Ислом Каримов Фаргона вилоятида бўлиб, Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан чегарадош туманларини кўздан кечирди, ҳарбийлар билан учрашиб, чегара хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар билан танишди.

* * *

2 октябрь. Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳрида Президент Ислом Каримовнинг корейс тилида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

2 октябрь. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарган Асака тумани меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

4 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Корея Республикасига келди. Олий мартабали меҳмон ва унинг рафиқасини Сеул аэропортида Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Хонг Сун Ёнг рафиқаси билан кутиб олди.

* * *

5 октябрь. Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Жунгнинг «Чонг Ва Де» (Мовий уй) қароргоҳида Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Сўнгра икки давлат раҳбарларининг тор доирадаги мулоқоти бўлди. Унда давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар ҳамда халқаро миқёсдаги масалалар хусусида ўзаро фикр алмашишди. Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жун, Жанубий Корея Эксимбанки бошқаруви раиси ва президенти Янг Ман Ки ва «Кабул текстайлз» компанияси бошқаруви раиси Пак Чан Хони қабул қилди. Учрашувларда корейс ишбилармонлари билан шерикликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Амалдаги лойиҳалар ижроси ва янгиларини тайёрлаш хусусида фикр алмашилди.

* * *

6 октябрь. Президент Ислом Каримов Корея Республикаси молия ва иқтисодиёт вазири Канг Бонг Кюн билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистонга киритилаётган сармоя ҳажмини ошириш, юртимиз билан ҳамкорлик қилаётган фирма ва компанияларни янада кенгроқ қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Сўнг давлатимиз раҳбари Сеулдаги Миллий қабристонда оройиш топган ватан ҳимоячилари ёдгорлиги пойига гул қўйди. Корея Республикаси Миллий Йиғини раиси Пак Жунг Кюн билан бўлган учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасида алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Тушда эса «Лотте» меҳмонхонасида Жанубий Кореянинг тўртта йирик ташкилоти — Ишлаб чиқарувчилар федерацияси, Ташқи савдо уюшмаси, Савдо палатаси ҳамда Кичик ва ўрта бизнес федерацияси томонидан мамла-

катимиз раҳбари Ислом Каримов шарафига қабул маросими уюштирилди. Мазкур ташкилотларнинг барчасида Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилиш кучли бўлгани боис суҳбатнинг бош мавзуси Ўзбекистоннинг табиий захиралари ва ишчи кучи билан корейс технологияси ва сармояси ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Сеул политехника коллежига борди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея давлатига қилган давлат ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

7 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучманинг таклифига биноан Украинага келди. Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ислом Каримов билан Леонид Кучма ўртасида якка-якка суҳбат бўлди. Президентлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари хусусида фикр алмашишди. Шундан кейин Ислом Каримов ва Леонид Кучма иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма икки давлат ўртасида барча соҳаларда стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги баёнотни, Ўзбекистон билан Украина ўртасида 1999—2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар. Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенкони қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида фикр алмашилди.

* * *

19 октябрь. «Биз ўз ҳудудимизни халқаро меъёрлар доирасида бизда мавжуд барча усуллар билан ҳимоя қиламиз». Президент Ислом Каримовнинг Москвада нашр этиладиган «Время МН» газетасига берган баёноти ана шундай сарлавҳа билан чоп этилди.

* * *

20 октябрь. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш шартномавий режасини бажарган Андижон вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

25 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) камсонли миллатлар иши бўйича олий комиссари Макс ван дер Стулни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ва ЕХҲТ ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

25 октябрь. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш шартномавий режасини бажарган Самарқанд вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

28 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Япониянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаямани унинг илтимосига биноан қабул қилди. Суҳбат чоғида Киоко Накаяма хоним Президентимизга Япония Бош вазири Кэйдзо Обучининг гаровдаги япон геологларини озод қилишда яқиндан ёрдам кўрсатгани учун Ўзбекистон раҳбарига йўллаган миннатдорлик мактубини топширди ва мазкур мамлакатнинг расмий вакили сифатида Ислом Каримовга шахсан ўзи ҳам самимий миннатдорлик изҳор этди. Шунингдек, суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

28 октябрь. Ҳиндистоннинг йирик матбаа компанияларидан бири — «UBC Publishers Distributors Ltd» Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ҳинд тилида нашр этди. Бу нашрга Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Джасвант Сингх сўз боши ёзди.

* * *

29 октябрь. Президент Ислом Каримовга Оқсарой қароргоҳида Малайзиянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Яҳё бин Абдужаббор, Эрон Ислом Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳусайн Нарокиён, Латвия Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Артур Пуга ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

29 октябрь. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш шартномавий режасини бажарган Тошкент вилояти меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

5 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Урганч шаҳрида ўзбек халқининг миллий қаҳрамони, буюк саркарда, давлат арбоби Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

6 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Термиз шаҳрида аждодларимиз бадиий даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги -- «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

8 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Хитойга келди. Ўзбекистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ислом Каримов билан Цзян Цзэмин ўртасида юзма-юз суҳбат бошланди. Унда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, халқаро муаммолар, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида эса, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида телекоммуникация, транспорт, сайёҳлик, савдо-сотиқ, таълим, ҳуқуқ ва қатор бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўрилди.

Музокаралар ниҳоясида икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасида дўстона ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасида экстрадиция тўғрисидаги битимга имзо чекди. Шунингдек, телекоммуникациявий алоқа, ақлий мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, Хитой томонидан Ўзбекистонга имтиёзли кредит бериш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Хитой дипломатия университети ўртасида, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Хитой Таълим вазирлиги ўртасида, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Хитой давлат сайёҳлик қўмитаси ўртасида ва Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги билан Хитой Жамоат хавфсизлиги вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар имзоланди.

* * *

17 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Туркияга жўнаб кетди. ЕХҲТнинг бешинчи бор ўтказилаётган саммити кун тартибидаги асосий масала ташкилотга аъзо мамлакатларнинг XXI асрдаги хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши лозим бўлган Европа хавфсизлик хартиясини қабул қилишдир. Президент Ислом Каримов саммитда иштирок этаётган давлат раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб сўзга чиқди. У ўз нутқида ЕХҲТнинг бугунги фаолияти, келажакдаги вазифаларига тўхталиб, унинг минтақавий можароларни бартараф этиш, террорчилик ва экстремизмга қарши курашдаги ўрни ва иштирокини кучайтириш лозимлигига эътибор қаратди. Президент Ислом Каримов терроризмга қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш таклифини илгари сурди.

* * *

17 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

23 ноябрь. Президент Ислом Каримовга Венгриянинг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Энрё Кешкен, Ирландиянинг фавқулодда ва мухтор элчиси Дэвид Донохью, Россиянинг фавқулодда ва мухтор элчиси Дмитрий Рюриков ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

24 ноябрь. Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси Н. Комилов бошқарди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси томонидан кўрсатилган Ислом Каримов ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган Абдулҳафиз Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиндилар.

* * *

25 ноябрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодини кўрсатгани учун Қорақалпоғистон Рес-

публикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари депутатлари, «Адолат» ва «Ватан тараққиёти» партиялари қурултойлари қатнашчиларига миннатдорлик мактуби йўллади.

* * *

30 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучманинг ўз вазифасини ижро этишга киришиш маросими — инаугурациясида иштирок этиш учун Киевга жўнаб кетди. Мамлакатимиз раҳбари ушбу тантанали маросимда иштирок этди.

* * *

1 декабрь. Марказий сайлов комиссиясининг раиси Нажмиддин Комилов Ислом Каримов ва Абдулҳафиз Жалоловга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик гувоҳномасини топширди.

* * *

1 декабрь. Пойтахтимизнинг Кўкча даҳасида «Кабул-Ўзбек ко» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

2 декабрь. Нукус шаҳрида Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатилган Ислом Каримовнинг қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон меҳнаткашлари, тадбиркорлар ва зиёлилар, чорвадорлар, хотин-қизлар ва талабалар ҳамда сиёсий партиялар вакиллари иштирок этдилар.

* * *

3 декабрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов юртимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Эксимбанки бошқаруви раиси Ман Ки Янгни қабул қилди. Мулоқот чоғида илгари эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш жараёни хусусида сўз борди. Томонлар янги лойиҳалар тузиш бўйича ҳам ўзаро фикрлашиб олдилар.

* * *

3 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Энтони Зиннини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги билан АҚШ Қуролли Кучларининг Марказий қўмондонлиги ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, икки давлат ўртасида халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳарбий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

3 декабрь. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Миср Араб Республикаси «Ал-азҳар» мажмуасининг шайхи Муҳаммад Саййид Тантовийни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон — Миср муносабатларини янада ривожлантиришга оид ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

6 декабрь. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШнинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф Преселни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, Президентимиз икки давлат ўртасида, айниқса, АҚШнинг «Кейс» корпорацияси билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилганини таъкидлади.

* * *

7 декабрь. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Ватанимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги байрами арафасида мамлакатимизнинг орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирланган ҳамюртларимиздан бир гуруҳини улуғ сана — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида қабул қилди ва уларга Ватаннинг юксак мукофотларини тантанали равишда топширди ва нутқ сўзлади.

* * *

7 декабрь. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилишда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Юртбошимиз «Соғлом авлод — халқимиз келажаги» деб номланган ушбу нутқида эзгу орзу-ниятларимизнинг узвий давоми сифатида кириб келаётган 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилишни таклиф этди.

* * *

7 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2000—2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорни имзолади.

* * *

7 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг ҳаракат дастури матбуотда эълон қилинди.

* * *

9 декабрь. Жиззах шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда жиззахлик меҳнаткашлар, тадбиркор ва зиёлилар, чорвадорлар, хотин-қизлар ва талабалар, сиёсий партиялар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

9 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 декабрь. Гулистон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

* * *

10-11 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Владимир Путин расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Дастлаб Дўрмон қароргоҳида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ва Владимир Путин яккама-якка суҳбатлашди. Унда даврнинг долзарб масалалари, ўзаро муносабатларнинг аҳволи ва истиқболлари хусусида фикр алмашилди. Сўнг расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида икки давлат ўртасидаги иқтисодиёт, хавфсизлик, мудофаа саноати, божхона ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди.

Музокаралар ниҳоясида Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномани, шунингдек, савдо-сотиқ, божхона масалаларига оид қатор ҳужжатларни имзолади. Сўнг матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Россия Ҳукумати Раиси В.Путин Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига келиб, ушбу корхона фаолияти билан танишди, шунингдек, Ўзбекистон рус академик театри, Темурийлар тарихи давлат музейини кўздан кечирди.

* * *

14 декабрь. Соғлом авлод йили арафасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Тошкент шаҳридаги 100-полиомиелит ва мия фалажи билан хасталанган болалар мактаб-интернати тарбияланувчиларига хаста болаларнинг кўнглини кўтариш, турмуш шароитини яхшилаш, таълим-тарбия жараёнларини замонавийлаштириш, даволаш мақсадларига сарфлаш учун ўзининг мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган китобларининг қалам ҳақи ҳисобидан 500 минг сўм ва 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги шахсий маблагини ҳадя этди. Шунингдек, мактаб-интернат тарбияланувчиларининг барчасига Президент номидан бир сидралан кийим-кечак совға қилинди.

* * *

14 декабрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Самарқанд шаҳридаги 10-сонли меҳрибонлик уйи жамоасига мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган китобларининг қалам ҳақидан 500 минг сўм ва 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблагини ҳадя этди.

* * *

15 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Президентликка номзод Ислом Каримов нутқ сўзлади. Учрашувдан сўнг Ислом Каримов Бухоро шаҳридаги янги қуриб битказилган иншоотлар — «Ҳумо» теннис мажмуаси билан танишди, Хотира майдонини кўздан кечирди.

* * *

16 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг 92 миллат ва элат вакили истиқомат қилаётган Навоий вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади. Шу куни мамлакатимиз раҳбари Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси билан ҳам учрашди. Унда Юртбошимиз ушбу корхонадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари хусусида фикр-мулоҳаза билдирди.

* * *

16 декабрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония Халқаро ҳамкорлик банки бошқарувчисининг ўринбосари ва ижрочи директори Йосеки Нагасени қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония Халқаро ҳамкорлик банки ўртасидаги алоқалар кўламини кенгайтириш, янги лойиҳалар тузиш ва ҳаётга татбиқ этиш борасида ўзаро фикр алмашилди.

* * *

17 декабрь. Президентликка номзод Ислом Каримов Наманган ва Андижон вилоятлари сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзла-

ди. Мамлакатимиз раҳбари мазкур мулоқотларда вилоятлардаги ижтимоий-маданий, маърифий соҳаларнинг ҳозирги даражасини ижобий баҳолаб, уларни янада ривожлантириш йўлларини кўрсатиб ўтди.

* * *

17 декабрь. Президент Ислом Каримов Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига багишланган тантана иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

18 декабрь. Ўзбекистон Президентлигига номзод Ислом Каримов Фаргона вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади. Шу куни Ислом Каримов Республика шошилинч тиббий марказининг Фарғона филиалини ҳам бориб кўрди ва шифохона ходимлари билан суҳбатлашди.

* * *

20 декабрь. Президент Ислом Каримов Ажиниёз таваллудининг 175 йиллигига бағишланган тантана иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

21 декабрь. Ўзбекистон Президентлигига номзод Ислом Каримов Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари Қарши шаҳридаги Сайилгоҳ мажмуасини, Темирйўл шоҳбекати майдонидаги хиёбонни кўздан кечириб, Қарши шароитида кўкаламзорлаштиришга эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

* * *

21 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Саналар ўзгарганда (2000 йил муаммоси) ҳаводаги парвозларни компьютер билан бошқаришда юз бериши мумкин бўлган узилишлар оқибатларининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 декабрь. Ўзбекистон Президентлигига номзод Ислом Каримов Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

24 декабрь. Ўзбекистон Президентлигига номзод Ислом Каримов Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

25 декабрь. Ўзбекистон Президентлигига номзод Ислом Каримов Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

27 декабрь. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Давлатлараро авиация қўмитаси раиси Татьяна Анодина ҳамда Россиянинг С.Ильюшин номидаги Бирлашган конструкторлик бюроси бош конструктори Генрих Новожиловни қабул қилди.

* * *

27 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўгрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 декабрь. Ўзбекистон Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримов «Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш шкаласини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Янги йил табриги йўллади.

2000 йил

6 январь. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

* * *

8 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов муқаддас айём — Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон мусулмонларига табрик йўллади.

* * *

9 январь. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари 1-Тошкент шаҳар сайлов округидаги 652-сайлов участкасида овоз берар экан, журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, жумладан, сайлов натижаларидан қатъи назар, давлатимизнинг эркин, демократик жамият қуриш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, фуқаролик жамияти асосларини яратиш борасида юритаётган ҳозирги изчил сиёсати ўзгармаслигига умид билдирди.

* * *

11 январь. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунининг 35-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайлангани тўғрисида қарор қабул қилди.

* * *

12 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини қўриқлаш ҳамда божхона қўмиталарининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Қуролли Кучлари шахсий таркибига ва барча ҳарбий хизматчиларга табрик йўллади.

* * *

14 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов хорижий мамлакатларда нафас йўлларининг ўткир юқумли касалликлари ва грипп билан оғриш кенг тарқалганлиги ҳамда грипп эпидемиясининг республика ҳудудига тарқалиши эҳтимоли борлиги муносабати билан унинг олдини олиш мақсадидаги фармойишга имзо чекди.

* * *

15 январь. Иккинчи чақириқ Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг мазкур сессиядаги маърузаси «Халқ дарди билан яшайлик» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

19 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Навоий кон-металлургия комбинатини «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 январь. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

22 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2000 йилда нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режасининг параметрлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди.

* * *

25 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти вазифасини бажарувчи Вла-

димир Путин билан учрашди. Унда икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли муносабатларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари кенгаши иштирокчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Йиғилишда ЕХҲТнинг ўтган йил ноябрь ойида Истанбулда бўлиб ўтган саммити якунлари доирасида халқаро террорчиликка қарши кураш чора-тадбирлари, давлат раҳбарлари кенгаши раисини сайлашга оид ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

* * *

28 январь. Оқсарой қароргоҳида Президент Ислом Каримов АҚШ, Буюк Британия, Германия, Исроил, Жанубий Корея, Миср, Туркия, Франция, Хитой ва Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиларига «Дўстлик» орденини топширди. Бу юксак мукофотга улар Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий, маданий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, бу йўлдаги катта хизмати ва самарали меҳнатлари учун сазовор бўлдилар.

* * *

28 январь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида «Кейс-Нью Холланд» корпорацияси директорлар кенгашининг раиси Жан Пьер Россо раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мулоқот чоғида қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи, қурилиш техникаси ишлаб чиқариш бўйича иккинчи бўлган мазкур компания билан мамлакатимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик хусусида фикр алмашилди.

* * *

28 январь. Президент Ислом Каримов «Тошкент давлат университетига «Ўзбекистон Миллий университети» мақомини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлди. Йиғилишда Президент Ислом Каримов маъруза қилди.

* * *

Шу куни Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Эркинлаштириш ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисни мазкур кенгаш раиси, Президент Ислом Каримов бошқарди. Кенгаш йиғилишида дунёда алоҳида геополитик ўрин эгаллайдиган Марказий Осиё минтақасида халқаро террорчилик, диний экстремизм ва ақидапарастликни ёйишга, минтақадаги мамлакатларни ўзлари танлаган демократик тараққиёт йўлидан қайтаришга уринаётган экстремистик кучлар ва қўпорувчи марказларнинг объектига айланишига йўл қўймаслик зарурлиги қайд этилди.

* * *

7 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитасини Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига айлантириш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитасини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига айлантириш тўғрисида»ги фармонларга имзо чекди.

* * *

9 февраль. Президент Ислом Каримов ўзининг юксак лавозим — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қайта сайлангани ва туғилган куни муносабати билан табрик йўллаган хорижий давлатлар бошлиқлари, таниқли сиёсат, маданият ва жамоат арбоблари, нуфузли халқаро ташкилотлар, фирма ва компанияларнинг раҳбарлари, барча юртдошларимизга матбуот орқали самимий миннатдорлик билдирди.

* * *

9 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШнинг «Ньюмонт майнинг» компанияси директорлар кенгаши раиси ҳамда бош ижрочи директори Рональд Кэмбри раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида мазкур компания билан мамлакатимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш масалалари хусусида фикр алмашилди.

* * *

10 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида белгиланган вазифаларни амалга оширишни таъминлаш чоралари тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

11 февраль. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

11 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби ҳақида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларига «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлди. Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш — энг муҳим вазифамиз» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

Шу куни Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг «1999 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган биринчи навбатдаги вазифалар тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

11 февраль. Президент Ислом Каримов асарлари ва чиқишлари асосида тайёрланган «Баркамол авлод орзуси» китоби Туркиянинг Истанбул шаҳрида турк тилида нашр этилди.

* * *

15 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 февраль. Тошкент ислом университетида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг туҳфаси — Саудия Арабистони Подшоҳининг Қуръон нашр этиш мажмуаси томонидан чоп этилган Мусҳаф ва Мадинадаги муборак масжиди набавий имоми, машҳур қори шайх Иброҳим ал-Ахдар ал-Қаййим тиловати туширилган магнит тасмаларини мазкур илм даргоҳига тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.

* * *

17 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 февраль. Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимизнинг ушбу нутқи «Изланиш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик —давр талаби» деган сарлавҳа билан матбуотда чоп этилди.

* * *

23 февраль. Президент Ислом Каримов «Республика иқтисодиётининг чарм-пойабзал тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга ва Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисобот беришини қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

24 февраль. Оқсарой қароргоҳида Соғлом авлод давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

2 март. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси президенти, атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовни қабул қилди. Қабул чоғида минтақа халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда маданий алоқаларни янада ривожлантириш, асрлар давомида шаклланиб келган қўшничилик, биродарлик анъаналарини асраб-авайлаш, минтақа тинчлиги ва осойишталигини сақлашда маданият ва санъат арбобларининг ўрни ҳақида сўз борди.

* * *

3 март. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Италия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Иоланда Брунетти Гоетцни қабул қилиб, унга «Дўстлик» орденини топширди.

Иоланда хоним Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар ривожига қўшган ҳиссаси учун мамлакатимизнинг ана шу юксак мукофоти билан тақдирланди.

* * *

3 март. Президент Ислом Каримовга Украина Республикасининг Ўзбекистондаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Анатолий Касьяненко, Покистон Ислом Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Фазал Ғафур, Канаданинг фавқулодда ва мухтор элчиси Ирвин Родней, Мексиканинг фавқулодда ва мухтор элчиси Энрике Буи Флореслар ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

4 март. Президент Ислом Каримов «Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга ва Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги экинларини баҳорги экишни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда 2000 йилда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

8 март. Президент Ислом Каримов Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига табрик йўллади ва Вазирлар Маҳкамасининг «Зулфия номидаги давлат мукофотини бериш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Чимён-Чорвоқ зонаси табиий бойликларини сақлаш ҳамда ҳудудни ўзлаштиришга комплекс ва изчиллик билан ёндашишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 март. Ҳиндистон пойтахти Деҳли шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳинд тилида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

14 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси халқ баҳшиси» фахрий унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга ва Вазирлар Маҳкамасининг «Тарихий шахслар номидаги ва бошқа мукофотларни таъсис этишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

15 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ипакчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Сергей Иванов ҳамда ушбу мамлакат Ҳукумати Раисининг ўринбосари Илья Клебановни қабул қилди. Учрашувда минтақавий хавфсизлик, икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

* * *

20 март. Президент Ислом Каримов Наврўз байрами арафасида Тошкентда ишга туширилиши режалаштирилган бир неча иншоотлар билан танишди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Ўзбекистон банклар ассоциациясига қарашли Банклараро молиявий хизмат маркази биносини кўздан кечирди. Байрам иншоотларидан яна бири — «Хобас-ТАПО» Ўзбекистон — Швейцария — Германия қўшма корхонасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиб, технологик жараён билан яқиндан танишди, автоматлаштирилган ускуналарнинг қуввати ва ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш имкониятлари билан қизиқди. Шунингдек, Ислом Каримов Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Шайхонтоҳур академик лицейини бориб кўрди. Шу куни Президент Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг янги биносини ҳам кўздан кечирди.

* * *

21 март. Президент Ислом Каримов «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 март. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналарида иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади.

* * *

23 март. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбарининг мазкур нутқи «Халқ билан ҳамнафас яшаш ва ишлаш — олий бурч» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

24 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти вазифасини бажарувчи Владимир Путинга унинг президентлик сайловида ғалабага эришгани муносабати билан табрик йўллади.

Шу куни Ислом Каримов Владимир Путин билан телефон орқали суҳбатлашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси раҳбари В.Путинни Россия Федерацияси Президенти лавозимига сайлангани билан самимий қутлаб, унга Россиянинг равнақи йўлидаги фаолиятида муваффақият тилади.

* * *

30 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентда ўтказилаётган Осиё теннис федерацияси ижроия қўмитаси мажлиси қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

5 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида Оқсарой қароргоҳида миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда файласуф, тарихчи, социолог, сиёсатшунос, педагог ва адабиётшунос олимлар, журналистлар, таниқли адиблар, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди. Мазкур йиғилишда мамлакатимиз раҳбари нутқ сўзлади.

* * *

8 апрель. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг қурултойи қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

10 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Россия Федерацияси Президентининг махсус вакили Сергей Ястржембскийни қабул қилди. Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик ва Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

11 апрель. Президент Ислом Каримов «Тошкент молия-қурилиш корпорацияси («Тошуйжойинвестқурилиш»)ни тугатиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 апрель. Президент Ислом Каримовнинг «Халқ ишончи — олий масъулият» деб номланган янги китоби «Ўзбекистон» нашриётида босмадан чиқди. Ушбу тўпламда 2000 йил бошида мамлакатимиз сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боглиқ ҳужжатлар жамланган бўлиб, улар ана шу муҳим сиёсий тадбирнинг тарихий аҳамиятини теран англаб етишга хизмат қилади.

* * *

18 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари давлат котиби Мадлен Олбрайтни қабул қилди. Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари, икки мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги алоқаларини янада ривожлантириш, халқаро ҳамда минтақавий хавфсизликка оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашди.

* * *

20 апрель. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновнинг учрашуви бўлиб ўтди. Минтақавий ҳамкорлик ва Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро муносабатларига оид масалалар муҳокама этилган учрашувда хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

21 апрель. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қиргизистон, Тожикистон Президентларининг учрашуви давом этди. Музокараларда минтақавий ҳамкорлик ва мам-

лакатлараро муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди. Президентлар террорчилик, диний экстремизм ҳамда халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш, минтақага таҳдид солаётган бошқа хавф-хатарларнинг олдини олишдаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби масалалар юзасидан агрофлича фикр алмашдилар. Музокаралар натижасида иккита ҳужжат имзоланди.

Тўрт мамлакат раҳбарлари имзолаган террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларнинг олдини олишга доир ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳар қандай ташқи таъсирдан биргаликда ҳимояланишни назарда тутади.

* * *

26 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 апрель. Президент Ислом Каримов «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 май. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Ҳиндистонга жўнаб кетди.

* * *

2 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Деҳлидаги «Раштрапати Бхаван» қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Майдонда мамлакатимиз раҳбарини Ҳиндистон Президенти Кочерил Раман Нараянан ва Бош вазир Атал Бихари Важпаи кутиб олди. Тантанали маросимдан сўнг мамлакатимиз раҳбари Ҳиндистон мустақиллигининг асосчиси Махатма Ганди хотирасига бунёд этилган ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди.

Президент Ислом Каримов «Раштрапати Бхаван» қароргоҳида Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингхни қабул қилди. «Ҳайдаробод» қароргоҳи саройида эса Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихарти Важпаи билан учрашди. Учрашув ниҳоясида Ислом Каримов билан Атал Бихарти Важпаи Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги қўшма баёнотга имзо чекдилар.

* * *

3 май. Президент Ислом Каримов «Раштрапати Бхаван» қароргоҳида Ҳиндистон Республикаси ички ишлар вазири Лал Кришна Адванини қабул қилди.

Шу куни Ислом Каримов Ҳиндистон Президенти Кочерил Раман Нараянан билан суҳбатлашди, шунингдек, «Тож палас» меҳмонхонасида Ҳиндистон Саноат конфедерацияси вакиллари билан ҳам учрашди.

Тушдан кейин Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси аъзолари Агра шаҳрига келди. Бу ерда улуг аждодларимиздан бири, Бобурийлар сулоласи вакили Шоҳжаҳон бунёд эттирган «Тож Маҳал» мажмуи зиёрат қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

4 май. Президент Ислом Каримов «Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Бухоро ва Фарғона шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг солиқ коллежларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 май. Президент Ислом Каримов мамлакатимиз пойтахтидаги Хотира майдонини зиёрат қилиб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйди. Давлатимиз раҳбари бу ерга йиғилган уруш ва меҳнат фахрийларини ғалаба байрами билан самимий қутлади. Шу ернинг ўзида Юртбошимиз оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб берди.

* * *

11 май. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Эрон Ислом Республикаси Президентининг махсус вакили, ушбу мамлакат ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Муҳаммад Одилийни қабул қилди.

* * *

12 май. Президент Ислом Каримов пойтахтимизнинг Юнусобод туманида бунёд

этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

16 май. Япониянинг собиқ Бош вазири Кэйдзо Обути вафоти муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг Тошкентдаги элчихонасига ташриф буюриб, дипломатик миссия вакиллари орқали япон халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик билдирди.

* * *

17 май. Президент Ислом Каримов «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, муҳандис-техник ходимлари ва хизматчилари, кўпмиллатли меҳнат жамоасининг барча аъзоларига қутлуғ сана — Тошкент тепловоз таъмирлаш заводининг 100 йиллиги муносабати билан табрик йўллади.

* * *

18 май. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмон ва унинг рафиқасини давлатимиз раҳбари Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди. Дўрмон қароргоҳида Россия Президентини расмий кутиб олиш маросими ўтказилди. Шундан сўнг икки давлат раҳбарларининг яккама-якка мулоқоти бўлиб ўтди.

* * *

19 май. Ўзбекистон ва Россия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий, шунингдек, хавфсизлик борасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Музокаралар якунлангач, Ислом Каримов ва Владимир Путин журналистлар билан учрашдилар. Мамлакатимиз раҳбари Владимир Путин расман президент лавозимини эгаллаганидан сўнг ўзининг биринчи хорижий сафарини айнан Ўзбекистондан бошлагани чуқур рамзий маънога эга эканига эътиборни қаратиб, мазкур ташриф чоғидаги музокаралар самарали бўлганини таъкидлади.

Ислом Каримов музокараларда минтақавий хавфсизлик масаласи кенг муҳокама этилганини маълум қилди.

Дўрмон қароргоҳидаги тадбирлар ниҳоясига етгач, Президентлар Тошкент Ислом университетига ташриф буюрдилар. В.Путин университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

* * *

19 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети профессор-ўқитувчилари таркиби фаолиятини ва талабаларини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 май. Саудия Арабистони подшоҳлигининг «Дорус-салом» компаниялари гуруҳи Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак йўлида» номли китобини араб тилида чоп этди.

* * *

22 май. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Германия Федератив Республикаси Бундестаги Раиси Вольфганг Тирзе раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасида парламентлараро алоқалар, шунингдек, кенг кўламли икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

22 май. Президент Ислом Каримов мамлакатимиз талаба — ёшларининг Наманган шаҳрида бошланган «Универсиада — 2000» спорт анжумани қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

25 май. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

25 май. Президент Ислом Каримов «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

26 май. Президент Ислом Каримов Берн Иттифоқига аъзо Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари экспорт-кредит агентликларининг навбатдаги йиғилиши иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

26 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий

фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ва «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

2 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Австрия Республикаси ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Вальднер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Бенита Ферреро-Вальднер Ўзбекистонга ташрифи муваффақиятли кечаётганини таъкидлади. Чунончи, мазкур ташриф асносида мамлакатимиз раҳбарияти билан ҳам ЕХҲТ, ҳам Австрия ўртасидаги алоқаларга доир масалаларни муҳокама қилиш имконияти туғилганини қайд этди. Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон билан Австрия ўртасида сармояларни рагбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида шу куни имзоланган битимни юқори баҳолади.

* * *

5 июнь. Президент Ислом Каримов «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рагбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 июнь. Ўзбекистон Республикасининг Эрондаги элчихонасида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» ва «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» китобларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

7 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней шаҳри (Австралия)даги XXVII олимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «FIDOKOR» газетаси мухбири саволларига жавоблари «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» сарлавҳаси билан чоп этилди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг 80 йиллик юбилейи муносабати билан табрик йўллади.

* * *

8 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2000/2001 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 июнь. Президент Ислом Каримов Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ЭКО) аъзо давлатлар раҳбарларининг олтинчи саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Эрон Ислом Республикасига жўнаб кетди. ЭКОга аъзо мамлакатлар делегациялари «Ҳофизия» қароргоҳига йиғилди. Мажлисни Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий бошқарди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг саммитда сўзлаган нутқи жуда катта қизиқиш билан кутиб олинди.

* * *

11 июнь. Эрон Президентининг «Жумҳурия» қароргоҳида икки мамлакат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти билан Эрон Ислом Республикаси Президенти ўртасидаги музокаралар якуни бўйича қўшма баёнот имзоланди. Шунингдек, уюшган жиноятчилик, терроризм, наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланиши, жиноятчиларни ушлаб топшириш, божхона хизматларига ёрдам кўрсатиш, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш борасида ҳам қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Эронга сафари чоғида Президент Ислом Каримов ЭКО саммитида иштирок этиш учун Теҳронга келган Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Покистон ижро ҳокимияти раҳбари Парвез Мушарраф билан учрашди.

* * *

14 июнь. Президент Ислом Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти давлатлараро кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш ҳамда Тожикистонга расмий ташрифини амалга ошириш мақсадида Душанбе шаҳрига жўнаб кетди. Душанбе аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов кутиб олди. Шундан сўнг Тожикистон Республикаси ҳукуматининг қароргоҳида Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар — Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Иқтисодий ҳамжамият давлатлараро кенгашининг мажлисида иштирокчилар ўзаро

иқтисодий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, ҳамжамиятни ривожлантириш истиқболлари борасида фикр алмашди. Мажлис ниҳоясида Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятининг 2005 йилгача бўлган муддатда интеграцияни ривожлантириш стратегияси ҳамда ҳамжамият давлатларининг 2002 йилгача бўлган муддатда ягона иқтисодий макон яратиш бўйича биринчи навбатда қиладиган саъй-ҳаракатлари дастури ҳақидаги қарорлар, шунингдек, давлат раҳбарларининг Афгонистондаги вазиятга доир ҳамда Сарез кўли билан боғлиқ муаммоларни ечиш бўйича халқаро ҳамжамият ва халқаро ташкилотларга мурожаатномалари қабул қилинди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳда Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашди.

* * *

15 июнь. Президент Ислом Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифи бошланди. Тожикистон Президентининг қароргоҳида икки мамлакат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг бугунги аҳволи, минтақавий муаммолар ва бошқа муҳим масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон ва Тожикистон расмий делегацияларининг музокараларида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, барча соҳаларда ҳамкорлик кўламини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Музокаралардан сўнг ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Томонлар абадий дўстлик, жиноятчиларни топшириш тўғрисидаги шартномалар, чегараларни делимитация қилиш ҳақидаги меморандум, ҳуқуқий ахборот алмашиш ҳамда суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик борасида битимлар имзоладилар. Ислом Каримовнинг Душанбе шаҳри зиёлилари ва жамоатчилиги вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

* * *

19 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) Президенти Кимио Фужитани қабул қилди.

* * *

19 июнь. Президент Ислом Каримов давлатга ғалла сотиш режасини мамлакатда биринчи бўлиб бажарган Хоразм вилояти ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

20 июнь. Президент Ислом Каримов МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди.

* * *

21 июнь. Президент Ислом Каримов МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этди. Мажлисда кенгашнинг эркин савдо зонасини яратишга қаратилган қарорларининг бажарилиши, Ҳамдўстликни 2005 йилгача ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ишлар дастури, МДҲнинг террорчиликка қарши кураш марказини ташкил этиш, шунингдек, ушбу тузилма таркибидаги давлатларнинг 2003 йилгача халқаро террорчилик ва экстремизмга қарши кураш дастури тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Саммитдан сўнг давлатимиз раҳбари Россия Президенти Владимир Путин билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, халқаро терроризмга қарши ҳамкорликда курашиш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

* * *

22 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон сув хўжалик қурилиши давлат концерни («Ўзсувқурилиш»)ни тугатиш тўғрисида»ги фармонга ва Вазирлар Маҳкамасининг «Импорт истеъмол товарлари олиб келиш ва сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

23 июнь. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов касб байрами муносабати билан мамлакат матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

28 июнь. Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Корея Республикасининг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Чанг Хун, Италия Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Лео-

польдо Жакомо Мария Ферри де Ладзара, Беларусь Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Николай Демчук, Вьетнам Социалистик Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Нгуен Куок Бао ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

28 июнь. Президент Ислом Каримов «Телекоммуникациялар соҳасида бошқарувни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жанубий Кореянинг «ДЭУ моторс» компанияси президенти Ким Шин Жонгни қабул қилди. Учрашувда Ким Шин Жонг Ўзбекистонда «ДЭУ моторс» компанияси фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиб берилгани ва ҳамкорлик самарали бўлаётганини таъкидлади.

* * *

30 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) кенгаши президенти Ассад Котайтни қабул қилди. Ўзбекистонда авиация соҳасини ривожлантириш, бу борада тараққий этган давлатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш, йўловчиларга хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш ва авиация қатнови хавфсизлигини таъминлашда ИКАО билан ўрнатилган ҳамкорлик муҳим ўрин тутади.

* * *

5 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Шанхай бешлиги» ташкилотининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида иштирок этди. Мазкур анжуманда Ўзбекистон томони кузатувчи мақомида қатнашди. Тожикистон ҳукумати қароргоҳида Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Президентларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Музокараларда асосий эътибор минтақавий хавфсизлик, жумладан, халқаро терроризм, диний ва сиёсий экстремизм, айирмачилик, шунингдек, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши ҳамкорликда курашиш билан боғлиқ масалаларга қаратилди. Шу билан бирга, давлат раҳбарлари иқтисодий интеграция жараёнларини фаоллаштириш борасида ҳам атрофлича фикрлашиб олдилар. Музокаралар якунида Душанбе декларацияси қабул қилинди. Саммит қарорига кўра, мазкур тузилма «Шанхай форуми» деб аталадиган бўлди.

* * *

8 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Жисмоний шахслар томонидан товарларнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келишни ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «2000 йилда ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларга имзо чекди.

* * *

10 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Франция Республикаси мудофаа вазири Ален Ришарни қабул қилди. Учрашувда томонлар биргаликда умумий таҳдидни баҳолаш ва стратегик вазиятни таҳлил қилиш, ахборот алмашиш, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик борасидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

* * *

10 июль. Президент Ислом Каримов раислигида Оқсарой қароргоҳида Ватанимиз мустақиллигининг тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Юртбошимиз ўз сўзида Мустақиллик байрами муносабати билан бошланган ишлар 1 сентябрь арафасида бошланиб, сўнг тўхтаб қолмаслиги, доимий равишда давом этиши лозимлигини уқтирди. Шу йўлда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларини таҳлил қилар экан, Президентимиз бу борадаги асосий йўналишларга йиғилиш аҳлининг эътиборини қаратди.

* * *

13 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Америка Қўшма Штатлари давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестановични қабул қилди. Суҳбат чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан бир қаторда хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунинг-

дек, томонлар Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболи тўғрисида фикр алмашди.

* * *

13 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Халқаро теннис федерацияси президенти Франческо Ричи Битини қабул қилди. Меҳмон Ўзбекистонни дунёдаги етакчи теннис мамлакатлари қаторига олиб чиқишдаги саъй-ҳаракатлари учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

* * *

13 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2000 йил 30 июндаги 250-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори Марк Данзонни қабул қилди. Европа минтақавий бюросининг мақсади юртимизда соғлом авлодни вояга етказиш бўйича ишлаб чиқилган дастурни ҳаётга янада фаол татбиқ этиш, айрим хорижий давлатларда тарқалаётган турли юқумли касалликларнинг мамлакатимизга кириб келишининг олдини олиш ва бошқа тадбирларни амалга оширишга кўмаклашишдан иборат.

* * *

21 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония парламенти Вакиллар палатаси депутати Мунео Судзукини қабул қилди.

* * *

21 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Иқтисодиётни эркинлаштириш — фаровонлик пойдевори» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

24 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари келтиришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 июль. Қаршида Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу нутқи «Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш — юксалиш гарови» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

1 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Умид» жамғармаси грантлари соҳибларига табрик йўллади.

* * *

2 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япониянинг «Иточу корпорейшн» компанияси бошқаруви раиси Минору Мирофушини қабул қилди. Суҳбат чоғида «Иточу корпорейшн» билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, ҳамкорликда амалга оширилажак янги қўшма лойиҳалар борасида батафсил фикр алмашилди.

* * *

12 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини импорт қилиш ва сотишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ватанимиз хавфсизлиги, сарҳадларимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония демократик партияси бош котиби Цухому Хатани қабул қилди. У Ўзбекистон ҳукумати билан демократик жамият қуриш ва мамлакатда бозор иқтисодиёти тамойилларини қарор топтиришда ўзаро ҳамкорликнинг янги имкониятларини ўрганиш мақсадида юртимизга келганини таъкидлади.

* * *

19 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов касб байрами муносабати билан Ўзбекистон фуқаро авиацияси ходимлари ва мутахассисларига табрик йўллади.

* * *

20 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиёнинг тўрт мамлакати — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида қатнашди. Йиғилишда асосий эътибор минтақадаги барқарор ҳаётни муҳофаза қилиш масаласига қаратилди. Шу муносабат билан халқаро террорчилик, диний ва сиёсий экстремизм каби иллатларга қарши курашда қўшма чора-тадбирлар қўллаш ҳақида ўзаро келишиб олинди. Марказий Осиёнинг бирор давлатига қилинган таҳдид бутун минтақадаги барқарорликни хавф остига қўйиши мумкинлигини Ўзбекистон раҳбари яна бир бор таъкидлади. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Афғонистон можаросини бартараф этишда халқаро ҳамжамият, ривожланган давлатлар етарли даражада фаоллик кўрсатмаётганини эслатиб ўтди.

* * *

21 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудлари орқали юртимизга суқилиб киришга интилган халқаро террорчиларни тугатиш операцияси давом этаётган Сариосиё ва Узун туманларида бўлди.

Президент Ислом Каримов бирлашган қуролли кучларнинг Сариосиё аэропортидаги штабида бўлиб, жанговар ҳаракатларда иштирок этаётган аскар ва офицерлар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз, аввало, босқинчиларга қарши курашаётган ҳарбийларнинг кайфияти, қурол-яроғи, яшаш шароити билан қизиқди. Асосий мақсад мазкур операцияни тезроқ тугатишга эмас, балки иложи борича қурбон бермасдан якунлашга қаратилиши лозимлигини таъкидлади.

* * *

24 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия ҳарбий-денгиз кучларига қарашли «Курск» атом сувости кемаси ҳалокати муносабати билан Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюриб, Ўзбекистон ҳукумати ва халқи номидан ҳалок бўлганларнинг яқинларига, Россия ҳукумати ва халқига самимий ҳамдардлик изҳор этди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент — Ўш автомобиль йўлининг Қамчиқ ва Резак довон-

ларидаги туннеллар қурилиши қатнашчиларига қурилиш ишларини муваффақиятли адо этгани муносабати билан табрик йўллади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент — Ўш автомобиль йўлининг мамлакатимиз тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган энг муҳим участкаси — Қамчиқ ва Резак довонлари тагидан ўтган туннеллар очилиши муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов «Жалолиддин Мангуберди орденини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентда ўтаётган Осиё олимпия кенгаши ижроия қўмитаси йиғилиши қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

30 август. Тошкент шаҳрида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси ўз ишини бошлади. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу нутқи «Эгали юрт эркини бермас» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов «Жалолиддин Мангуберди» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

31 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

2 сентябрь. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳар қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Юртбошимиз ўқувчи ва мураббийлар билан ҳам суҳбатлашди.

* * *

6 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7-8 сентябрь. БМТнинг «Мингйиллик саммити»да иштирок этиш учун Нью-Йоркка бораётган Президент Ислом Каримов Амстердам шаҳрида тўхтаб ўтди. Шаҳар аэропортида давлатимиз раҳбарини Нидерландия Қироллиги хонадони ҳамда ҳукумати вакиллари қарши олди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Нью-Йоркда Президент Ислом Каримов АҚШ Президенти Билл Клинтон томонидан БМТнинг «Мингйиллик саммити» иштирокчилари шарафига уюштирилган расмий қабул маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов жаҳоннинг 150 дан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбари иштирок этаётган БМТ Бош ассамблеясининг мазкур сессияси минбаридан нутқ сўзлади.

Ташриф давомида Президент Ислом Каримов АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт, Япония Бош вазири Иосиро Мори, Исроил Бош вазири Эҳуд Барак, Туркия раҳбари Ахмет Неждет Сезер, шунингдек, Америка Олий ислом кенгаши раиси шайх Муҳаммад Ҳишом Қаббоний ва дунё нақшбандия тариқати издошларининг раҳбари Нозим Одил ал-Ҳаққонийлар билан ҳам учрашди.

* * *

11 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида теннис бўйича АТП Ривожлантириш департаменти ижрочи директори Марк Майлзни қабул қилди. Суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари меҳмоннинг Президент кубоги турнирида шахсан иштирок этиш учун Ўзбекистонга ташриф буюрганидан мамнун эканини билдириб, бу турнирнинг халқаро доирадаги нуфузи йил сайин ошиб бораётганини ва бундай ютуқларга эришишда АТП Ривожлантириш департаментининг муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлади.

* * *

12 сентябрь. Президент Ислом Каримов Британия кенгаши бош директори Девид Гринни қабул қилди. Британия кенгаши 1934 йили ташкил топган бўлиб, ушбу мамлакатнинг хорижий давлатлар билан маданият, таълим ва илм-фан соҳаларидаги ҳамкорлигига ҳамда инглиз тилининг дунё бўйлаб тарқалишига кўмак берувчи ташкилот ҳисобланади. Учрашувда Ўзбекистонда Британия кенгаши фаолиятини янада кенгайтириш, юртимиз билан Буюк Британия ўртасида илм-фан, маданият ва таълим борасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари хусусида сўз борди.

* * *

13 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида ЮНЕСКО бош директори Коичиро

Мацуурани қабул қилди. Давлатимиз раҳбари яқинда ушбу нуфузли ташкилот раҳбарлигига сайланган Коичиро Мацуурани Ўзбекистонга илк ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янада кенгайишига умид билдирди.

* * *

15 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентда ўтказилаётган «Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида» халқаро анжумани иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

16 сентябрь. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарган Асака ва Олтинкўл туманлари пахтакорларига табрик йўллади.

* * *

17 сентябрь. Президент Ислом Каримов теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги турнирининг тантанали ёпилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Маросим сўнгида турнир ғолибларига совринлар топширди.

* * *

18 сентябрь. Бирлашган Араб Амирликларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида» китоби араб тилида чоп этилди.

* * *

20 сентябрь. Президент Ислом Каримов раислигида Оқсарой қароргоҳида энергетика тизимида ишлаб турган қувватларни ривожлантириш ва таъмирлаш истиқболларига бағишланган йигилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда иқтисодиётни янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини мунтазам ошириб бориш масалалари энергетика тизимларининг бетўхтов ишлаши ва доимий суратда ривожлантириб борилиши билан бевосита боғлиқ экани таъкидланди.

* * *

21 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21-22 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Туркманистонда бўлди. Сафар давомида Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб давлат чегараларини делимитация қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Музокараларда икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик, қатор минтақавий ташкилотлар ва МДҲ доирасидаги муносабатлар масалаларидан ташқари, Орол муаммосига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

25 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Берлин шаҳрининг амалдаги бургомистри Эберхард Дипгенни қабул қилди. Учрашувда Тошкент билан Берлин, шу орқали Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

25 сентябрь. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини бажаргани муносабати билан Андижон вилоятининг барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

25 сентябрь. Оқсарой қароргоҳида Президент Ислом Каримовга Нидерландиянинг Фонтис университети фахрий доктори унвони топширилди. Юртбошимиз мазкур университет илмий кенгашининг 2000 йил 29 майдаги қарорига мувофиқ ушбу унвонга сазовор бўлган эди. Фахрий доктор унвонини университет президенти Норберт Фербраак топширди.

* * *

26 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2000 йилда ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26-27 сентябрь. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрига жўнаб кетди. Бишкекдаги «Манас» аэропортида Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовни Қирғизистон Президенти Асқар Акаев кутиб олди. Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Аэропортда Президентлар оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашди. Сўнг Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари, Ўзбекистон ва Қирғизистонни ташвишга солаётган минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Шу куни икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирил-

ган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

* * *

27 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Франксни қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимиз қуролли кучлари ўртасидаги алоқаларнинг аҳволи ва истиқболи, шунингдек, минтақадаги вазиятга оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

29 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Ўзбекистон маърифат аҳлига табрик йўллади.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами муносабати билан мамлакатимизнинг таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Исмоил Жемни қабул қилди. Ислом Каримов Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатларнинг самимий руҳда ривожланиши икки қардош халқ манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

* * *

3 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Халқаро молия корпорацияси ижрочи вице-президенти Питер Войкени қабул қилди.

* * *

4 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Сидней олимпиадасида қатнашган делегациямиз аъзоларини қабул қилди. Сидней олимпиадаси Ўзбекистон боксчи тарихида айниқса унутилмас воқеа бўлиб қолди. Ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев ўзбек боксчилари орасида биринчи бўлиб «Олимпия чемпиони» деган юксак номга мушарраф бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари Сидней олимпиадаси совриндорларига зарбоф тўн кийдирди ҳамда уларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширди.

* * *

12 октябрь. Украина Президенти Леонид Кучма расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов кутиб олди. Дўрмон қароргоҳида Леонид Кучма билан Ислом Каримов ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар, халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик масалалари, минтақавий хавфсизлик, террорчилик ва бошқа долзарб муаммолар хусусида сўз борди. Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида асосан иқтисодий масалалар муҳокама қилинди. Музокаралар якунида ўнга яқин ҳужжат имзоланди. Икки мамлакат Президентлари қўшма баёнотга имзо чекдилар.

* * *

13 октябрь. Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Украина раҳбари Леонид Кучма Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Хотира ва қадрлаш майдонида бўлиб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйди. Шу куни улар пойтахтимизнинг Тарас Шевченко кўчасида жойлашган, 1969 йили украиналик қурувчилар ёрдамида бунёд этилган 110-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари билан учрашди. У ерда украин халқининг озодлик куйчиси Тарас Шевченко хотирасига ўрнатилажак ёдгорлик пойдеворига тош қўйилди.

* * *

16 октябрь. Туркия Республикаси Президенти Ахмет Неждет Сезер расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтгач, Президент Ислом Каримов Ахмет Сезер билан яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида терроризм, гиёҳвандлик воситалари контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида қўшма баёнот имзоланди.

Музокаралардан сўнг ҳар икки мамлакат Президентлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

* * *

16 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернини «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси этиб ўзгартириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 октябрь. Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Президенти Ахмет Неждет Сезер Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди, олий мартабали меҳмон Хотира ва қадрлаш майдонини зиёрат қилди ва Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

* * *

19 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Австрия ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднерни қабул қилди. Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик, Ўзбекистоннинг ЕХҲТ ва Австрия билан алоқаларига оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

19 октябрь. Президент Ислом Каримов БМТ Бош котибининг ўринбосари, Наркотиклар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқарманинг ижрочи директори Пино Арлаккини қабул қилди. Ўзаро мулоқот асносида Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

20 октябрь. Оқсарой қароргоҳида пахтачилик соҳасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Йиғилишда Юртбошимиз мазкур соҳада йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни танқид қилиб, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берди.

* * *

21 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Жаҳон банки вице-президенти Йоханнес Линни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги алоқалар кўламини кенгайтириш, хусусан, яқин йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегияси, янги лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш имкониятлари хусусида фикр алмашилди.

* * *

25 октябрь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Ярослав Людва, Германия Федератив Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Мартин Хекер ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

25 октябрь. Президент Ислом Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари, чиқишларида билдирилган миллий истиқлол ғоясининг устувор тушунча ва тамойиллари ҳақидаги фикрлари асосида тайёрланган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» номли рисола «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилди.

* * *

27 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Япониянинг «Мицуи» корпорацияси катта маслаҳатчиси, иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония — Ўзбекистон қўмитаси раиси Наохико Кумагаи раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

31 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзқишлоқхўжалик-таъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитасини «Ўзагромашсервис» уюшмаси этиб ўзгартириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жон Эдвард Хёрбстдан ишонч ёрлиғини қабул қилди. Учрашувда икки мамлакатни ҳар томонлама бирбирига яқинлаштирувчи омилларни кўпайтириш, ўзаро ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш учун зарур шарт-шароит яратишга оид масалалар юзасидан фикрлашилди.

* * *

1 ноябрь. Президент Ислом Каримовга Франция Республикасининг Ўзбекистон Рес-

публикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жак Андре Костиль ишонч ёрлиғи топширди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳалардаги алоқаларни янада изчил ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

* * *

2 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 ноябрь. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрида автомобиль қатновини тартибга солиш, йўлларни жаҳон андозаларига мос жойлашиши борасидаги ишларнинг яна бир самараси бўлмиш Гавҳар ва Ал-Хоразмий кўчаларини боғловчи кўприкнинг очилиш маросимида иштирок этди. Шу куни Президент Ислом Каримов Чирчиқ «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 60 йиллиги муносабати билан корхона жамоасига табрик йўллади.

* * *

9 ноябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартномавий режасини муваффақиятли бажаргани муносабати билан Фарғона вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

15 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония ташқи ишлар вазирининг махсус ёрдамчиси Сумио Эдамурани қабул қилди. Меҳмон Япония ҳукумати Буюк ипак йўли бўйидаги мамлакатлар орасида ҳамкорлик учун энг яхши шерик сифатида Ўзбекистонни танлаганини яна бир карра таъкидлаб, ташрифдан мақсади мамлакатимизга кўрсатиладиган беғараз техникавий ва молиявий ёрдамнинг ўзаро мақбул бўлган устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборат эканини айтди.

* * *

16 ноябрь. Президент Ислом Каримов Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун Марғилонга келди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Бурҳониддин Марғиноний мажмуасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

* * *

17 ноябрь. Президент Ислом Каримов Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш учун Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Имом Мотуридий мақбара-зиёратгоҳининг расмий очилиш маросимида қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

20 ноябрь. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Италия Республикасига жўнаб кетди.

* * *

21 ноябрь. Италия Президентининг Квиринали саройидаги қароргоҳида Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Сўнгра Ислом Каримов Италия Республикаси Президенти Карло Адзелио Чампи билан учрашди. Икки мамлакат раҳбарларининг расмий делегациялари аъзолари иштирокида ўтказилган учрашувида ўзаро муносабатларнинг истиқболлари хусусида сўз борди.

Шундан сўнг мамлакатимиз делегацияси Римдаги алоҳида давлат — Ватиканга йўл олди. У ерда Президент Ислом Каримовнинг Рим Папаси Иоанн Павел Иккинчи билан учрашуви бўлиб ўтди. Бу ерда давлатимиз раҳбари Ватикан ҳукуматининг раҳбари А.Содано билан ҳам суҳбатлашди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Италиянинг етакчи ташқи савдо ташкилотлари — ташқи савдо институти, «САЧЕ» ва «СИМЕСТ» ташкилотлари раҳбарлари билан мулоқотда бўлди. Рим шаҳрида Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда кенг фаолият кўрсатаётган «ФИАТ» гуруҳига кирувчи «Кейс-Нью Холланд» компанияси раҳбарларини қабул қилди.

Оқшом Президент Ислом Каримов Италия Республикаси ташқи ишлар вазири Ламберто Дини билан суҳбатлашди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро сиёсий-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида сўз борди. Учрашув якунида икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

* * *

22 ноябрь. Италия Республикасига расмий ташриф билан келган Президент Ислом Каримов мамлакат Сенати раиси Н. Манчино ва Депутатлар палатаси раисининг ўринбосари П. Петрини билан учрашди.

Шу куни Римдаги Тадбиркорлар марказида Президент Ислом Каримов Италия ишбилармонлари билан учрашувда Ўзбекистонда тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитлар, сармоя ётқизишнинг қулайликлари ва кафолатлари ҳақида сўзлаб берди. Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Италиянинг энг қадимий обидалари — Рим Форуми, Колизей ва Нерон саройини, сўнг Венеция шаҳрининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди.

* * *

24 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Камолиддин Беҳзод ва Шарқ миниатюра санъати» халқаро анжумани иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

29 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 декабрь. Президент Ислом Каримов МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Минск шаҳрига келди. Ҳамдўстликка аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши кун тартибидан террорчиликка қарши кураш марказини ташкил этиш, эркин савдо зонасини яратиш ва бошқа масалалар ўрин олган эди. Мулоқот чоғида Президентлар халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши икки томонлама асосда ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда фаол курашиш зарурлигига эътибор қаратдилар. Ислом Каримов минтақадаги вазиятга доир ўз қарашларини баён этди.

Мамлакатимиз раҳбари Минскда Россия Президенти Владимир Путин билан ҳам алоҳида суҳбатлашди. Бу мулоқотда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, Ўрта Осиёнинг Афғонистон билан чегарадош ҳудудларидаги вазият билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Шу куни Ислом Каримов Беларусь Президенти Александр Лукашенко билан ҳам мулоқот қилди. Суҳбат давомида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш хусусида фикр юритилди. Президентлар савдо-иқтисодий муносабатлар ривожига алоҳида эътибор қаратдилар.

* * *

7 декабрь. Оқсарой қароргоҳида Мустақиллик байрами муносабати билан фидокорона меҳнати учун тақдирланган юртдошларимизга фахрий унвонлар, орден ва медалларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллиги муносабати билан «Туркистон» саройида ўтказилган тантанали маросимда нутқ сўзлади. Ушбу тантанали йиғилишда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов XXI асрнинг биринчи йилини мамлакатимизда «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилди.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШ давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестановични қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда минтақавий хавфсизликка оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

12 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисовни қабул қилди. Учрашувда минтақавий хавфсизлик, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда транзит тартиблари, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги чегара делимитацияси билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди.

* * *

14 декабрь. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси ўз ишини бошлади. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

14 декабрь. Президент Ислом Каримов «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

15 декабрь. Президент Ислом Каримов Тошкентда ўтаётган Қорақалпоғистон маданияти кунлари қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

15 декабрь. Президент Ислом Каримов «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

19 декабрь. Президент Ислом Каримов «Коммунал хизматни бошқариш тизимини янада ислоҳ қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 декабрь. Президент Ислом Каримов таъмирлашга тайёрланаётган Ҳамза номидаги давлат академик драма театри биносининг аҳволи, унда хизмат қилаётган ижодий жамоанинг фаолияти билан танишиш мақсадида ушбу масканга ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари театр биносини таъмирлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида ўз фикр-мулоҳа-

заларини билдириб, таъмирлаш жараёнида асосий эътиборни томошабинлар ва ижодий жамоа учун имкон қадар қулайлик яратишга қаратиш лозимлигини таъкидлади.

* * *

29 декабрь. Тошкентдаги «Туркистон» саройида анъанавий «Президент арчаси» байрами бўлиб ўтди. Тантаналар бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этди.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Янги йил табриги йўллади.

2001 йил

4 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

5 январь. Президент Ислом Каримов «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг нашр этила бошланганига 10 йил тўлиши муносабати билан мазкур таҳририятлар ижодий жамоасига табрик йўллади.

* * *

5 январь. Президент Ислом Каримов Марказий Осиё Иқтисодий ҳамжамиятининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Алмати шаҳрига жўнаб кетди. Алмати учрашуви Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо давлатлар раҳбарлари — Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмоновнинг тор доирадаги мулоқоти билан бошланди.

Президентларнинг ўзаро суҳбати чогида минтақавий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳақида сўз борди. Хусусан, иқтисод, фан ва техника борасидаги ҳамкорлик, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризм ва диний экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши биргаликда курашиш юзасидан фикр алмашилди. Президентлар алоҳида эътибор қаратган яна бир масала афгон муаммоси бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида Марказий Осиё Иқтисодий ҳамжамияти давлатлараро кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисда Президент Ислом Каримов Марказий Осиё республикалари Иқтисодий ҳамжамиятининг форумини чақириш ҳақида таклиф киритди. Ушбу таклиф анжуман қатнашчилари томонидан якдиллик билан маъқулланди.

* * *

11 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идораларо мувофиқлаштирувчи кенгашнинг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Йиғилишда асосий эътибор мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси ишини аниқ мақсадларга йўналтириш ва самарадорлигини янада ошириш борасидаги чора-тадбирларга қаратилди.

Президент Ислом Каримовнинг мазкур мажлисда сўзлаган нутқи «Халқимиз фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлаш — устувор вазифа» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

13 январь. Президент Ислом Каримов Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шахсий таркибига, аскар ва офицерларга, барча ҳарбий хизматчилар ва фахрийларга табрик йўллади.

* * *

15 январь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг фахрий профессори унвони берилди. Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашув чогида Москва давлат университетининг ректори Виктор Садовничий давлатимиз раҳбарига мазкур унвон дипломини тантанали равишда топширди. Мамлакатимиз Президенти бу унвонга Ўзбекистон — Россия муносабатларини ҳамда фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун сазовор бўлди.

* * *

17 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 январь. Президент Ислом Каримов 2000 йилда юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришгани муносабати билан «Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати ишчилари, муҳандис-техник ходимлари ва хизматчиларига, барча меҳнат жамоаси аҳлига табрик йўллади.

* * *

18 январь. Президент Ислом Каримов «Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

19 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 январь. Президент Ислом Каримов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус

гуруҳи аъзолари билан учрашди. Давлатимиз раҳбари ёшларнинг бошини қовуштирадиган, уларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўла оладиган янги ташкилот тузиш ғоясини илгари сурар экан, бу ташкилот «Камолот» номини сақлаб қолиши, бироқ унинг иш юритиш услуби жамғарманикидан фарқли бўлишини таъкидлаб, уни ёшларнинг ижтимоий ҳаракати шаклида тузиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, деди.

Мамлакатимиз раҳбарининг мазкур учрашувдаги маърузаси «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

25 январь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда темир йўл транспортини монополиядан чиқариш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгашни бошқарди. Йиғилишда мазкур тармоқни ислоҳ қилиш бўйича тузилган ҳукумат комиссиясининг ахбороти тингланди.

* * *

26 январь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «ДЭУ моторс» компанияси раиси Ли Жонг Дэни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари мазкур компаниянинг янги раисини мамлакатимизга илк ташрифи билан самимий қутлаб, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси иқтисодиётимиз ривожига сезиларли улуш қўшиб келаётганини таъкидлади. Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш, унинг янги қирралари ҳақида сўз борди.

* * *

6 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Она ва бола» давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 февраль. Оқсарой қароргоҳида Президент Ислом Каримовга Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Решит Уман, Нидерландия Қироллигининг фавқулодда ва мухтор элчиси Тидо Хофсти, Словакия Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Игор Фурдик, Янги Зеландиянинг фавқулодда ва мухтор элчиси Жеф Ворд ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

8 февраль. Россия Федерациясининг «Вагриус» нашриёти юридик фанлари доктори, профессор Леонид Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» номли китобини чоп этди. Бу асар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар, фидойи йўлбошчининг ўз юртининг равнақи ва тараққиёти йўлидаги сиёсий фаолияти ҳақида маълумот беради.

* * *

8 февраль. Оқсарой қароргоҳида Президент Ислом Каримовга Испания Қироллигининг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Хосе Луис Креспо де Вега, Кипр Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Хараламбос Иоаннидис, Финляндиянинг фавқулодда ва мухтор элчиси Тапио Саарела, Исландиянинг фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Эгил Эгилсон ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

13 февраль. Президент Ислом Каримов «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШнинг «Ньюмонт майнинг» компанияси бошқаруви раиси Роналд Кэмбри ҳамда мазкур компаниянинг президенти ва бош ижрочи директори Уэстн Мэрдини қабул қилди.

* * *

14 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбстни қабул қилди. Элчи Ўзбекистон раҳбарига АҚШ Президенти Жорж Бушнинг шахсий мактубини топширди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама ривожланиб бораётгани, бунда ўзаро мулоқотларнинг давомийлиги муҳимлиги таъкидланди.

* * *

16 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва маъруза қилди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу йиғилишдаги маърузаси «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

20 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Кейс-Нью Холланд» корпорацияси директорлар кенгаши раиси Жан Пьер Россони қабул қилди. Қабул чоғида давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги турдош корхоналарнинг «Кейс-Нью Холланд» билан алоқалари тобора чуқурлашиб бораётганидан мамнуният изҳор этар экан, корпорацияни Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори деб билишини алоҳида таъкидлади. Учрашувда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатимизнинг «Кейс-Нью Холланд» билан шерикликда иш юритаётган корхоналар маҳсулотини замонавийлаштириш, янги технологияларни жорий этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

23 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни ушбу кенгаш раиси, Президент Ислом Каримов бошқарди. Унда ҳарбий қурилишнинг долзарб масалалари, мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга доир муҳим чоралар, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини қўпорувчи-террорчи гуруҳлар содир этиши мумкин бўлган тажовуз ва бошқа жиноий таҳдидлардан муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишга доир вазифалар кўриб чиқилди.

* * *

2 март. Президент Ислом Каримов «Темир йўл транспортини монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 март. Президент Ислом Каримов 8 март —Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига табрик йўллади.

* * *

13 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Кимё саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг фойдаланишга топширилган Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводида бўлди. Давлатимиз раҳбари янги заводнинг бўяш, ёғочни қайта ишлаш ва таъмирлаш цехларидаги иш жараёни билан танишди, ишчилар билан суҳбатлашди. Шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси корхоналарида ишлаб чиқарилган эҳтиёт қисмлар кўргазмасини ҳамда янги таъмирланган вагонларни кўздан кечирди. Ташриф чоғида мамлакатимиз раҳбари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, Ўзбекистондаги темир йўл тармоқларини ривожлантириш ва бошқа тадбирларни ўз ичига олган лойиҳа билан танишди ҳамда бу борадаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

* * *

17 март. Президент Ислом Каримов Навоий вилоятидаги саноат корхоналари фаолияти билан танишиш мақсадида Зарафшонда бўлди.

Юртбошимиз дастлаб фосфорит рудаси қазиб олинаётган Тошқўра карьерига борди. У ерда Президент кондан руда қазиб олиш жараёни, хом ашё захираси билан қизиқди. Шундан сўнг Ислом Каримов Қизилқум фосфорит комбинатида бўлиб, рудани майдалаш цехидаги иш жараёнини кўздан кечирди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Мурунтов олтин конига ҳам ташриф буюриб, руда қазиб олиш жараёнининг компьютер орқали бажарилишини кузатди. Юртбошимиз бу усулни юқори баҳолаб, уни мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги конларда қўллаш зарурлигини таъкидлади.

* * *

17 март. Президент Ислом Каримов Японияниинг Хиросима шаҳрида ўтказилган болалар асарларининг халқаро танлови голиби, Ўзбекистон Бадиий академиясининг Андижон вилоятидаги лицейи ўқувчиси Дилфуза Матбобоевани табриклаб, унинг онаси Тожибар Матбобоевага мактуб йўллади.

* * *

21 март. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналарида иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади.

* * *

22 март. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповни 60 ёшга тўлиши муносабати билан қабул қилди. Давлатимиз раҳбари бугунги маънавий-маърифий юксалиш даврида Абдулла Орипов шеъриятининг аҳамияти ниҳоятда катта эканини таъкидлаб, адабиётнинг жамият олдидаги вазифаси хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Давлатимиз раҳбари учрашув сўнгида шоирни қутлуғ ёши билан табриклаб, унга эсдалик совғалари топширди.

* * *

23 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Туркия Буюк Миллат Мажлиси Раиси Умар Изгини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Туркия парламентларининг ўзаро алоқалари ҳукуматлараро муносабатларнинг ривожига ҳам муҳим ҳисса бўлиб қўшилишини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, суҳбат чогида икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ, иқтисодиёт, мудофаа ва хавфсизлик, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, алоқа, фан-техника, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик тобора ривож топиб бораётгани ҳам қайд этилди.

* * *

30 март. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини Варшава (Польша) университетининг Сиёсатшунослик фанлари институти «Елипса» нашриётида поляк тилида чоп этди.

* * *

30 март. Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида мамлакатимизда пахтани қайта ишлаш тизимини ислоҳ этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этди. Давлатимиз раҳбари мазкур соҳада ўз ечимини кутаётган муаммоларни таҳлил қилар экан, аввало, пахтани қайта ишлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигига эътиборни қаратди.

* * *

2 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Германияга жўнаб кетди.

* * *

3 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГФР федерал ички ишлар вазири Отто Шили билан учрашди. Учрашувда икки мамлакат ички ишлар вазирликлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида сўз борди. Президент Ислом Каримовнинг ГФР вице-канцлери, ташқи ишлар вазири Йошка Фишер билан учрашувида долзарб халқаро муаммолар, икки томонлама алоқалар, минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди. «Бельвью» саройида давлатимиз раҳбари ГФР Федерал Президенти Йоҳаннес Рау билан музокара ўтказди. Президентлар мулоқотида икки давлат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро савдо-сотиқ ҳажмини ошириш борасида фикр алмашилди. «Даймлер-Крайслер» компаниясининг бош қароргоҳида эса Президент Ислом Каримов ГФРнинг етакчи ишбилармон ва молиявий доиралари вакиллари билан учрашди. Шунингдек, ГФР федерал иқтисодиёт ва технология вазири Вернер Мюллер билан ўтказган суҳбатида ҳам иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш музокараларнинг бош мавзуси бўлди.

Шу куни Берлинда Ўзбекистон элчихонаси биносининг очилиш маросими бўлди. Илгари Ўзбекистон элчихонаси Боннда жойлашган эди. Германиянинг пойтахти Берлинга кўчгач, элчихонамиз ҳам шу шаҳарга кўчди. Элчихона биносининг очилиш маросимида Германия раҳбарияти вакиллари, нуфузли немис сиёсат ва давлат арбоблари, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

* * *

4 апрель. Президент Ислом Каримовнинг ГФР Федерал Канцлери Г.Шрёдер билан бўлган мулоқотида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳволи ва бу борадаги истиқболдаги йўналишлар бўйича фикр алмашилди. Президент Ислом Каримовнинг Берлин бошқарувчи бургомистири Э.Динган билан қилган суҳбатида эса биродарлашган икки шаҳар — Тошкент ва Берлин ўртасида иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалардаги алоқаларни янги босқичга кўтариш хусусида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари ГФР Бундестаги Раиси В.Тирзе билан ўтказган учрашувда мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик, депутатларнинг ўзаро мулоқотлари-

ни кучайтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Ислом Каримов Берлиндан Дрезденга келди. Шаҳар аэропортида давлатимиз раҳбарини Саксония федерал ерининг давлат иқтисодиёт ва меҳнат вазири К.Шоммер кутиб олди.

* * *

5 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГФРга расмий сафарининг сўнгги кунини Дрездендаги «Мовий гумбаз» музейини томоша қилишдан бошлади.

Ислом Каримов «Сименс» гуруҳининг «Инфенион текноложиз» тармоқ компаниясига қарашли корхонаси фаолияти билан танишди. Бу ерда юқори технологияга асосланган электрон жиҳозлар, асосан компьютер, принтер ва шу каби ускуналар учун чип ва микрочиплар ишлаб чиқарилади. Президентимиз компания раҳбарлари билан мулоқот чогида Ўзбекистонда ҳам шундай корхоналар қуриш учун етарли шароит ва мутахассислар борлигини айтиб, уларни бу имкониятдан фойдаланишга ундади. Шу куни Германиянинг «Ман-Такраф» фирмаси давлатимиз раҳбари жойлашган «Кемпински» меҳмонхонасида ўзининг тақдимот маросимини ўтказди.

Ўзбекистон Президентининг ГФРга расмий ташрифи доирасида фан-техника, автомобиль транспортида юк ташиш, наркотик моддалари контрабандасига қарши кураш, банк иши, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорликни кўзда тутувчи бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

* * *

10 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Америка Олий ислом кенгаши раиси шайх Муҳаммад Ҳишом Қаббоний ҳамда дунё нақшбандия тариқати издошлари раҳнамоси шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққонийни қабул қилди. Мулоқот чоғида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда ислом ва бошқа динлар равнақи, халқнинг диний билимини ошириш, шунингдек, минтақада динни ниқоб қилиб олган айрим экстремистик ҳаракатларга қарши кураш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

10 апрель. Президент Ислом Каримовнинг ноёб туҳфаси — ўтган асрнинг 20-йилларида юртимиздан олиб чиқиб кетилган «Хазойин ул-маоний» мажмуаси қўлёзмаси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейига топширилди. Ғазал мулкининг султони, буюк мутафаккир бобомизнинг бу нодир асари Туркияда истиқомат қилаётган бир гуруҳ ватандошларимиз томонидан Президент Ислом Каримовга юборилган эди.

* * *

11 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари Ли Ланьцин раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида делегацияларнинг ўзаро ташрифлари мунтазам амалга оширилаётганидан мамнуният билдирилди. Шунингдек, икки томонлама ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

* * *

12 апрель. Президент Ислом Каримов «Кон-металлургия саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 апрель. Президент Ислом Каримов «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Бритиш Американ Тобако» компанияси директорлар кенгаши раиси Мартин Броутон ҳамда ушбу корхона билан ҳамкорликда тузилган «Бритиш Американ Тобако — Ўзбекистон» қўшма корхонаси бош директори Рене Айзельстайнни қабул қилди. Суҳбат чогида «Бритиш Американ Тобако — Ўзбекистон» қўшма корхонаси фаолияти, истиқболдаги режалари хусусида фикрлашилди.

* * *

18 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 апрель. Президент Ислом Каримов Тошкент трамвай ҳаракати йўлга қўйилганига 100 йил тўлиши муносабати билан Тошкент шаҳар йўловчи транспорти давлат уюшмасининг меҳнат жамоасига табрик йўллади.

* * *

20 апрель. Бухоро шаҳрида яшовчи Тамара Костина пенсия ёшида бўлишига қарамай, Бухоро тиббиёт институтида ишлаб келади. У асосий ишидан ташқари амалий-безак санъатига кўнгил қўйган, рангли иплардан турли буюмлар тўқийди. У ўз асарларидан бирини Наврўз байрами арафасида Президент Ислом Каримовга туҳфа қилди. Шу муносабат би-

лан давлатимиз раҳбари Т.Костинага самимий миннатдорлик билдириб, ўз номидан қимматбаҳо совға юборди.

* * *

23 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи Жон Байерли раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида сўз борди. Томонлар минтақавий масалалар, хусусан, Афғонистондаги зиддиятни бартараф этиш бўйича тузилган «6+2» гуруҳи доирасидаги ишларни янги босқичга кўтариш, террорчиликка қарши кураш, давлат чегарасини мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

* * *

25 апрель. Президент Ислом Каримов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

27 апрель. Президент Ислом Каримов «Улгуржи ва биржа савдосини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 апрель. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

1 май. Президент Ислом Каримов «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Россия Федерациясига жўнаб кетди.

* * *

4 май. Президент Ислом Каримов расмий ташрифини 9 май — фашизм устидан қозонилган галаба байрами арафасида Номаълум аскар қабрига гул қўйишдан бошлади. Шундан сўнг Кремлда давлатимиз раҳбари ва унинг рафиқасини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Россия Президентлари яккама-якка суҳбатлашдилар. Мулоқот чогида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар атрофлича муҳокама этилди. Суҳбатда Марказий Осиёдаги хавфсизлик масаласига катта эътибор қаратилди. Ислом Каримов Россия билан бу соҳадаги ҳамкорлик минтақада халқаро террорчиликка қарши курашнинг муҳим шартларидан бири эканини таъкидлади. Икки давлат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳарбий-техникавий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларга оид масалалар муҳокама этилди. Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг қўшма баёноти ҳамда чегара масаласи бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар.

Кремлдаги тадбирлар ниҳоясига етгач, Президент Ислом Каримов Россия ҳукумати уйига ташриф буюриб, Ҳукумат Раиси Михаил Касьянов билан учрашди. Бунда асосий эътибор савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масаласига қаратилди.

Ўзбекистон — Россия муносабатларида фан ва таълим соҳалари алоҳида ўрин тутади. Президентимизнинг Михаил Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг илмий кенгаши вакиллари билан учрашувида таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, ҳамкорликдаги тадқиқотларни кўпайтириш ҳақида сўз борди.

Президент Ислом Каримов сафари давомида Москва шаҳрининг мэри Юрий Лужков билан учрашди. Мулоқотдан сўнг унинг ҳамроҳлигида «Москва-сити» мажмуасига борди. У ерда мажмуанинг қурилиши билан танишди ва москвалик бир гуруҳ ишбилармонлар билан суҳбатлашди.

* * *

8 май. Президент Ислом Каримов Тошкент давлат консерваториясининг пойтахтимизда қад ростлаётган янги биноси қурилиши ҳамда Ҳамза номидаги давлат академик драма театридаги қурилиш-таъмирлаш ишлари билан танишди. Юртбошимиз бу ерда амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирар экан, бундай санъат кошоналари, аввало, замонавийлиги, бетакрор жозибаси ҳамда салобати билан кишилар эътиборини ўзига жалб этиши лозимлиги ҳақида гапириб, қурувчи-муҳандисларга тегишли тавсиялар берди.

* * *

9 май. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Хотира майдонига ташриф буюриб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйди. Юртбошимиз Иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган минглаб ватандошларимизнинг табаррук номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган айвонларни зиёрат қилиб, уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Сўнгра журналистлар билан суҳбатлашди.

* * *

10 май. Россия давлат телерадиокомпанияси журналистлари собиқ Иттифоқ парчаланганидан кейин юзага келган мустақил давлат-

ларнинг бугунги куни ва истиқболи масалаларига бағишланган ўн беш қисмдан иборат ҳужжатли-публицистик фильмни суратга тушириш учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовдан интервью олдилар. Журналистларни Оқсарой қароргоҳида қабул қилган давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганидан буён ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда рўй берган туб ўзгаришлар, иқтисодий юксалиш, дунё ҳамжамиятига жадал интеграциялашув, миллатлараро тотувлик, тинчлик ва барқарорлик йўлидаги амалий ишлар ҳақида сўзлаб берди.

* * *

11 май. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси ўз ишини бошлади. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

11 май. Президент Ислом Каримов «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги ва «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

11 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Кон-металлургия саноати ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди. Мазкур фармонга биноан май ойининг учинчи якшанбаси Кон-металлургия саноати ходимлари куни деб белгиланди.

* * *

12 май. Президент Ислом Каримов «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

15 май. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япониянинг «Кейдзай Доюкай» корпоратив раҳбарлар уюшмаси президенти Коичи Минагучи раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида К. Минагучи ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликка алоҳида эътибор беришини, «Кейдзай Доюкай» учун, айниқса, ўз минтақасида марказий ўрин тутувчи Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантириш масаласи ғоят муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

* * *

18 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Франксни қабул қилди. Суҳбат чоғида ҳарбий соҳадаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги вазият билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

* * *

23 май. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Германия Федератив Республикаси вице-канцлери, ташқи ишлар вазири Йозеф Фишерни қабул қилди. Йозеф Фишер Ўзбекистон—Германия муносабатлари янги ривожланиш палласига кирганини мамнуният билан таъкидлар экан, юртимизга ташрифидан кўзланган мақсад алоқалар кўламини янада кенгайтириш имкониятларини ўрганиш ва мавжуд масалани музокараларда батафсил муҳокама этишдан иборат эканини билдирди.

* * *

23 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2001—2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет»нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Беларусь пойтахти Минск шаҳрига жўнаб кетди.

Мамлакатимиз раҳбари жойлашган «Фрунзе, 15» қароргоҳида Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе билан учрашув бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида томонлар МДҲ, ГУУАМ сингари халқаро тузилмалар доирасида кўп томонлама ҳамкорлик ва МДҲда эркин савдо зонаси тузиш борасида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Беларусь Президентининг қароргоҳида МДҲ саммитига ташриф буюрган давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда кўпгина масалалар қатори давлат раҳбарлари кенгашининг 2003 йилгача жиноятчилик, террорчилик ва экстремизмнинг турли кўринишларига қарши биргаликда чоралар кўриш тўғрисидаги қарори 2000 йил 1 декабрда бўлган Минск саммити қарорлари, эркин савдо зонаси тузиш тўғрисида 1994 йилда имзоланган битим ижроси билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинди.

* * *

4 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида

Россиянинг «ЛУКОЙЛ» нефть компанияси раҳбари Вагит Алекперовни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистондаги нефть ва газ конларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш борасида «ЛУКОЙЛ» билан ҳамкорлик истиқболлари, ўзаро алоқаларнинг асосий тамойиллари ва шакллари хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистон нефть-газ саноатини зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасида ҳамкорлик имкониятлари ҳам муҳокама қилинди.

* * *

4 июнь. Президент Ислом Каримов «Автомобиль транспорти соҳасида монополиядан чиқариш ва бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Осиё тараққиёт банки президенти Тадао Чинони қабул қилди. Мазкур банк кредитлари кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, умумтаълим мактаблари учун дарсликлар нашр этишни такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Чингелди – Самарқанд темир йўли ҳамда Каттақўрғон – Навоий йўналишидаги автомобиль йўлини таъмирлашга йўналтирилган.

* * *

6 июнь. Президент Ислом Каримов давлатга галла сотиш бўйича шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарган муносабати билан Жарқўрғон тумани ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

6 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГУУАМга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ялта саммитида иштирок этиш учун Украинага жўнаб кетди. Шу куни Ялтага етиб келган давлатимиз раҳбари аэропортда Украина оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида Ўзбекистон ГУУАМ хартиясига қўшилажагини маълум қилди.

* * *

7 июнь. Президент Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. Шундан сўнг Ливадия саройида ГУУАМнинг ялпи мажлиси бошланди. Уни Украина раҳбари Леонид Кучма бошқарди. Мажлисда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ГУУАМ хартиясининг қабул қилиниши ва унинг тўлақонли халқаро ташкилотга айлантирилиши мазкур тузилма фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилишини қайд этди. Ислом Каримов ГУУАМга аъзо давлатларни биринчи галда иқтисодий масалалар атрофида бирлашишга чақирар экан, ГУУАМни ривожлантириш борасидаги таклифлари ва фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Ислом Каримов мажлис иштирокчиларига транспорт коммуникацияси, савдо-иқтисодий алоқалар билан бир қаторда илм-фан, технология ва ижтимоий соҳадаги ҳамкорликни ҳам ривожлантиришни таклиф этди. Шунингдек, ГУУАМ тараққиёти учун БМТ, Европа Иттифоқи, ЕХҲТ, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши ҳамда Халқаро валюта жамгармаси, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Мажлис ниҳоясида Президентлар «ГУУАМ хартияси»га имзо чекдилар.

* * *

8 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 июнь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига сафар қилди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Қамаши туманидаги «Чем» жамоа-ширкат хўжалигида бўлиб, деҳқонлар билан суҳбатлашди. Суҳбат давомида Юртбошимиз Қашқадарё заминига мос ғалла уруғчилигини йўлга қўйиш муҳимлигига эътиборни қаратди. Давлатимиз раҳбари Яккабоғ туманидаги Жуман Михлиев жамоа-ширкат хўжалиги пахта далаларида ҳам бўлди. Қийғос гуллаб, кўсак туга бошлаган ғўзаларни кўздан кечирди. Шундан кейин Президент Ислом Каримов Қамаши туман Амин Умарий номидаги ўрта мактаб ҳамда педагогика-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига ташриф буюрди. Бу илм масканларининг замонавий бинолари, ўқув жиҳозлари ҳамда ёшлар учун яратилган шароит билан яқиндан танишди, коллеж талабалари билан суҳбатлашди.

Сафар ниҳоясида Президент Қаршида туман ҳокимлари, вилоят идораларининг раҳбарлари билан суҳбатлашди.

* * *

11 июнь. Президент Ислом Каримов «Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида таниқли россиялик олим, йирик жамоат арбоби, сиёсатшунос ва ёзувчи Федор Бурлацкийни унинг илтимосига кўра қабул қилди. Суҳбат чоғида Юртбошимиз россиялик меҳмонни Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёни ва мамлакатимизни ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари билан батафсил таништирди.

* * *

12 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Шанхай форумининг олий даражадаги учрашувида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрига келди. Шанхай саммитига ташриф буюрган олти мамлакатнинг давлат раҳбарлари «Шанхай Сицзяо» меҳмонхонасига йиғилдилар. Бу ерда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари Ўзбекистоннинг Шанхай форумига тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисидаги қўшма баёнотни имзоладилар. Сўнг Президентларнинг тор доирадаги мулоқоти бўлиб ўтди. Шундан сўнг ХХР Раиси Цзян Цзэмин номидан юксак мартабали меҳмонлар шарафига қабул маросими уюштирилди. Давлатимиз раҳбари саммит қатнашчилари билан биргаликда Шанхай катта театрида бўлиб, махсус концерт дастурини томоша қилди.

* * *

15 июнь. «Шангрила» меҳмонхонасида Шанхай саммитига ташриф буюрган делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Президент Ислом Каримов ўз нутқида мазкур учрашув дунё сиёсий тарихига кирадиган воқеа бўлганини, беш йил аввал ҳарбий соҳада ҳамда чегара туманларида қуролли кучларни қисқартириш борасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш мақсадида асос солинган тузилма бугун иқтисодий-ижтимоий, сиёсий масалаларда, хавфсизликни таъминлашда кенг ҳамкорликка йўл очадиган ташкилотга айланганини таъкидлади.

Мулоқот якунида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини тузиш тўғрисида декларация қабул қилинди ва террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги Шанхай конвенцияси имзоланди.

Шанхай саммити доирасида, шунингдек, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозогистон ўртасида чегаралар туташуви тўғрисида уч томонлама битим имзоланди. Шу билан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити ниҳоясига етди.

Сафар давомида Хитой томони таклифига биноан Президент Ислом Каримов ХХР раҳбари Цзян Цзэмин билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар хусусида фикр алмашилди.

* * *

15 июнь. Президент Ислом Каримов магистратура, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига табрик йўллади.

* * *

19 июнь. Президент Ислом Каримов давлатга ғалла сотиш бўйича шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарган Сурхондарё вилояти галлакорларига табрик йўллади.

* * *

19 июнь. Президент Ислом Каримов таълим, маданият ва иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда жамият тараққиёти йўлидаги буюк хизматлари учун АҚШдаги обрўли таълим муассасаларидан бири — Мэриленд университетининг фахрий ёрлиғи ва нишони билан тақдирланди. Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувда Мэриленд университети президенти Даниэл Моут ушбу мукофотларни мамлакатимиз раҳбарига тантанали равишда топширди. Мамлакатимиз раҳбари бундай эътибор учун университет аҳлига миннатдорлик билдирди.

Мэриленд университети нафақат АҚШ, балки дунёдаги нуфузли таълим муасассалари қаторида туради. Хусусан, университет ахборот технологиялари, интернет ва коинот тадқиқотлари билан машҳур. Университетнинг бир йиллик бюджети салкам бир миллиард долларга тенг.

* * *

20 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқи матбуотда чоп этилди.

* * *

20 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республика қоғоз саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 июнь. Президент Ислом Каримов ғалла етиштириш бўйича йиллик мажбуриятни

мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажарган Хоразм вилояти ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

21 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Польша Республикасининг Ўзбекистондаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Зенон Кухчак, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Ласкри Ҳасан, Литва Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Халина Кобецкайте, Шри-Ланка давлатининг фавқулодда ва мухтор элчиси Нагурпитчай Искандар ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

22 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларга имзо чекди.

* * *

25 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида «SOS-Киндердорф интернационал» халқаро хайрия ташкилоти президенти Гельмут Катинни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан «SOS-Киндердорф интернационал» ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

25 июнь. Президент Ислом Каримов давлатга ғалла сотиш бўйича шартнома режасини бажарган Фарғона вилояти ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

26 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан республика матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

28 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларига табрик йўллади.

* * *

28 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2001—2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига қабул квоталари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 июнь. Президент Ислом Каримов «2001 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 июль. Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбарининг мазкур йигилишдаги маърузаси «Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш — тараққиёт гарови» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

18 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Олий ўқув юртларида тўловконтракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг бевақт вафоти муносабати билан унинг волидаи муҳтарамаси — Энахон ая Сотиболдиевага чуқур ҳамдарлик билдириб йўллаган мактуби матбуотда эълон қилинди.

* * *

1-2 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этиш учун Россиянинг Сочи шаҳрида бўлди. Бу ерда Ўзбекистон раҳбари Россия Президенти Владимир Путин билан музокара ўтказди.

Саммитда МДҲ доирасидаги интеграция жараёнларини ривожлантириш, стратегик барқарорлик ҳамда минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Саммитнинг иккинчи куни Президент Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучма билан ҳам учрашди. Мулоқотлар чоғида асосий эътибор мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

* * *

6 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Умид» жамгармаси грантлари соҳибларига табрик йўллади.

* * *

16 август. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Корея Республикаси савдо вазири Ду Юн Хвангни қабул қилди. Мулоқот чоғида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар хусусида фикр алмашилди.

* * *

17 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг янги линияси ишга туширилишига бағишланган маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Ушбу нутқ «Мўъжизанинг бунёдкори —халқимиз» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

17 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 август. Президент Ислом Каримов Фарғонада Жанубий Корея ва Япония билан ҳамкорликда барпо этилган «Кабул – Фаргона компани» қўшма корхонасининг биринчи навбати ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов Навоий шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимизнинг кичик ҳалқа йўли — шаҳар ички транспорт магистралини барпо этишда амалга оширилаётган ишларни кўздан кечириб, узунлиги қарийб 35 километр масофани қамраб оладиган Тошкент ҳалқа йўли қурилишининг дастлабки босқичида бажарилган ишларга баҳо берди.

Шу куни Ислом Каримов пойтахтимиздаги «Юнусобод» теннис клуби мажмуасидаги сув спорти саройини ҳам бориб кўрди.

Президентимиз Тошкентдаги муҳташам иншоотлардан яна бири — Халқаро бизнес маркази биносини кўздан кечирар экан, бу ердаги барча бунёдкорлик ишлари энг замонавий меъморлик услублари асосида бажарилгани боис, мазкур ҳудуд «Интерконтинентальь» меҳмонхонаси ва Миллий банк бинолари билан уйғунлашиб, улкан меъморий мажмуа кўринишини олганини таъкидлади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Япония маркази ҳамда пойтахтимизнинг сўлим маскани — «Тошкентленд боғи» мажмуи яқинида бунёд этилган «Япон боги» билан танишди. Боғда Президент Ислом Каримов маҳаллий ва хорижий журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Шу куни Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг биринчи навбатини бунёд этишда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуру-

ҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Самарқандда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» учинчи халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари ва меҳмонларига табрик йўллади.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Япония парламенти Вакиллар палатаси депутати Цутому Хатани қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов «Учқудуқ — Мискин — Султон Увайстоғ» темир йўли қурилишида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

Давлатимиз раҳбари шу куни Тошкент метрополитенининг янги тармоғи — Юнусобод йўналишининг биринчи навбатида бажарилган ишларни бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари мазкур йўналишнинг энг муҳташам ер ости қасрларидан бири — «Мингўрик» бекати орқали метрога тушди. Президентимиз заҳматкаш метросозларнинг меҳнати самарасини кўздан кечирар экан, бекатларни қуриш ва безаш ишларида асосан маҳаллий ашёлардан фойдаланилганига эътибор қаратди. Юртбошимиз янги поездга ўтириб, «Ҳабиб Абдуллаев» бекатигача борди ва шу ерда журналистларга интервью берди.

* * *

29 август. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Ушбу маъруза «Адолат — қонун устуворлигида» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримовнинг «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз» деб номланган янги китобини «Ўзбекистон» нашриёти чоп этди.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрида академик драма театри янги биносининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида миллий руҳ ва замонавий қиёфада қайта тикланган ушбу театрни Ўзбек миллий академик драма театри деб аташни таклиф этди.

* * *

31 август. Мустақиллик байрами арафасида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан илк бор «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида мустабид тузум даврида зулм ва зўравонлик қурбони бўлган ватандошларимиз ёд этилди.

Шу куни эрта тонгда меҳмонлар хиёбонда ёзилган дастурхон атрофидан жой олдилар. Шаҳидлар ҳақига Қуръон тиловат қилинди ва таомилга биноан ош тортилди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов хиёбондаги рамзий қабрга гул қўйди. Шундан сўнг бу ерда барпо этилажак «Қатағон қурбонлари хотираси» музейининг макети билан танишди. Музейнинг жойлашиши, ташқи қиёфаси, моҳияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик шартнома режасини бажарган Асака тумани пахтакорларига табрик йўллади.

* * *

31 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтимиздаги Мус-

тақиллик майдонида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

3 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Германиянинг «Сименс АГ» концерни бошқаруви раиси Хайнрих Пирер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чогида Ўзбекистон ҳукумати билан «Сименс АГ» ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

4 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Чжан Чжимин, Қиргизистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Улуғбек Чиналиев. Тожикистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Ғуломжон Мирзоев ишонч ёрлигини топширди.

* * *

4 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Халқаро олимпия қўмитаси биринчи вице-президенти Виталий Смирновни қабул қилди. Миллий олимпия қўмиталари уюшмаси Ўзбекистоннинг спорт соҳасида эришаётган улкан муваффақиятларини эътиборга олиб, халқаро олимпия ҳаракатига қўшаётган салмоқли ҳиссаси учун Президент Ислом Каримовни мазкур ташкилотнинг олий мукофоти — олтин нишони ва эсдалик пластинаси билан тақдирлади. Учрашувда В.Смирнов Миллий олимпия қўмиталари уюшмасининг олий мукофотини Ислом Каримовга тантанали равишда топширди.

* * *

6 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Камол Харрозийни қабул қилди. Учрашувда томонлар ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

7 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерациясининг пойтахти — Москва шаҳри мэри Юрий Лужковни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Россиянинг тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлигида ушбу мамлакатнинг йирик сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий маркази бўлмиш Москва шаҳри катта ўрин тутишини таъкидлади. Учрашувда ўзаро иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорлик истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

7 сентябрь. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 75 йиллик тўйи муносабати билан Бекобод цемент ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига ва Тошкентда ўтаётган Осиё банклари уюшмаси 18-бош йиғилиши қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

10 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан микрокредит бериш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларга имзо чекди.

* * *

10 сентябрь. Тошкентдаги «Юнусобод» теннис кортида «Президент кубоги» халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

11 сентябрь. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг мазкур нутқи «Одамлар ташвиши билан яшаш — олий бурч» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

12 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ Президенти Ж. Бушга 2001 йил 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида амалга оширилган ваҳшиёна террорчилик ҳаракатлари оқибатида рўй берган фожиа муносабати билан ҳамдардлик мактуби йўллади.

* * *

13 сентябрь. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби Афинада грек тилида чоп этилди.

* * *

14 сентябрь. Иккинчи чақириқ Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг навбат-

дан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг нутқи «Ислоҳотлар изчиллиги — тараққиётимизнинг муҳим омили» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

14 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарган Андижон вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

16 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Президент кубоги» халқаро теннис турнирининг финал қисмини томоша қилиш учун «Юнусобод» спорт саройига ташриф буюрди. Ислом Каримов ушбу ҳақиқий спорт байрамини тақдим этгани учун мусобақанинг барча иштирокчиларига миннатдорлик изҳор этди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари «Президент кубоги»ни муваффақиятли ўтказишдаги хизматлари учун турнир ташкилотчиларига, мусобақани кенг ёритган журналистларга ҳам алоҳида миннатдорлик билдирди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари мазкур турнирда иккинчи бор ғалаба қозонган Марат Сафинга мусобақанинг бош совриниг — Ўзбекистон Республикаси Президенти кубогини тантанали равишда топширди.

* * *

19 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Владимир Рушайлони қабул қилди. Учрашувда АҚШда террорчилик ҳаракатлари содир этилганидан сўнг дунёда юзага келган вазият ҳамда Марказий Осиёдаги мавжуд ҳолат юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Томонлар, шунингдек, халқаро террорчиликка қарши кураш масаласи ҳамда минтақавий хавфсизликни таъминлаш йўлларини муҳокама қилди. Музокаралар сўнгида Президент Ислом Каримов ва Россия Хавфсизлик кенгаши котиби Владимир Рушайло журналистларнинг саволларига жавоб берди.

* * *

19 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш билан телефон орқали суҳбатлашди. Икки давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва турли соҳаларда Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилишди. Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик ва халқаро террорчиликка қарши биргаликда курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар дунёвий муаммога айланган террорчиликка қарши курашиш ҳамда унинг илдизлари ва молиявий манбаларини йўқотишда халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини кучайтириш лозимлигини таъкидладилар. Бу борада ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

* * *

21 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақомини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 сентябрь. Тошкентда иккинчи чақириқ Халқ депутатлари шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Ушбу нутқдаги маъруза «Мақсадимиз — тинчлик-осойишталик ва бунёдкорлик» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

27 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами муносабати билан мамлакатимизнинг таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов 1 октябрь —Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами муносабати билан мамлакатимиз ўқитувчилари ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

2 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 октябрь. Президент Ислом Каримов ва Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида қайд этилдики, Америка Қўшма Штатларида содир этилган мисли кўрилмаган даҳшатли қўпорувчилик ҳаракатлари халқаро

терроризм хавфини бартараф этиш, уни буткул йўқотишда барча мамлакатлар саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Суҳбатда Афғонистон ҳудуди кейинги пайтда халқаро терроризм ва гиёҳванд моддалар марказига айланиб қолгани таъкидланди. Бу ердаги террорчилар тайёрлаш базалари ва лагерларини йўқ қилиш бугунги кунниг энг муҳим муаммоларидан биридир. Бунинг учун барча манфаатдор томонларни, биринчи навбатда, Афғонистоннинг ўзидаги кучларни жалб қилиш ва бирлаштириш зарур, деган фикр билдирилди.

Шунингдек, мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Буюк Британия Бош вазири ва Ўзбекистон Президенти бундан буён ҳам ўзаро мулоқот зарурлигини таъкидлаб, уни мунтазам давом эттиришга келишиб олишди.

* * *

4 октябрь. Австрия пойтахти Вена шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

5 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида амалий ташриф билан юртимизга келган АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельдни қабул қилди. Суҳбат чоғида халқаро терроризмга қарши кураш масаласи, минтақадаги ҳарбий-сиёсий ҳолат, жумладан, сентябрь ойида АҚШда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларидан кейин Афғонистон борасида юзага келаётган вазият муҳокама қилинди.

Томонлар музокаралар якунида журналистлар билан бўлган учрашувда халқаро терроризмга қарши самарали курашиш мақсадида икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш масаласини муҳокама этганини маълум қилдилар.

АҚШ мудофаа вазири суҳбат самимий руҳда ўтгани ва ғоят сермазмун бўлганини айтди. У Ислом Каримовга Оқ уй раҳбариятининг саломини етказганини, кечаётган воқеаларга тезкор муносабат билдиргани ва ҳозиржавоблик кўрсатгани боис АҚШ Президенти Жорж Буш Ўзбекистон раҳбариятидан гоят миннатдор эканини таъкидлади.

* * *

5 октябрь. Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди. Анжуман аввалида Президент оммавий ахборот воситалари учун баёнот берди.

Давлатимиз раҳбари АҚШда амалга оширилган ваҳшиёна терроризм хуружларидан сўнг Афғонистон ва унинг атрофида бўлаётган воқеалар тўғрисида фикр билдириб, дунёнинг аксарият мамлакатлари бугунги кунда террорчиларга қарши бошланган курашга қўшилганини ва Ўзбекистон ҳам бу курашдан четда турмаслигини яна бир бор таъкидлади.

Президент Ислом Каримов журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

* * *

6 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг баёноти оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

* * *

8 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Икки давлат раҳбарлари АҚШ ва Буюк Британия томонидан Афғонистон ҳудудидаги террорчилик базалари ва лагерларини йўқ қилиш операцияси бошлангани муносабати билан минтақада юзага келган вазият ҳамда воқеаларнинг кейинги ривожи юзасидан фикр алмашдилар. Мулоқот чоғида Украина Президенти ўз мамлакатининг ҳукумати юзага келган вазиятда, зарурат туғилса, Ўзбекистонга ҳар томонлама ёрдам беришга ва уни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини маълум қилди. Икки мамлакат президентлари, шунингдек, ўзларини қизиқтирган бошқа муҳим масалалар юзасидан фикрлашдилар.

* * *

10 октябрь. Халқаро терроризмга қарши Америка Қўшма Штатлари бошчилигида тузилган коалиция томонидан Афғонистон ҳудудидаги халқаро терроризм ўчоқларини йўқ қилиш мақсадида бошланган амалий ҳаракатларни дунёдаги кўплаб давлатлар, тараққийпарвар кучлар қўллаб-қувватламоқда.

Бу масала бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг позицияси, Президент Ислом Каримовнинг 5 октябрь куни эълон қилинган баёнотида билдирилган фикр ва даъватлар жамоатчилигимизнинг турли тоифа ва қатламларида, бутун халқимизда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири давлатимиз раҳбаридан ушбу масалалар бўйича фикр билдиришни сўради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЎзА мухбири билан суҳбати «Тинчлик учун курашмоқ керак» сарлавҳаси билан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

* * *

10 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерация-

си Президенти Владимир Путин телефон орқали суҳбатлашди. Икки мамлакат раҳбарлари асосан Афғонистон ҳудудидаги антитеррор операцияси, шунингдек, терроризмга қарши курашга ўзаро келишилган ҳолда ёндашиш учун биргаликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Суҳбатда антитеррор операцияси, жумладан, АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий кучларининг ҳаво зарбалари туфайли Афғонистонда юзага келган вазият юзасидан фикр алмашилди. Биринчи навбатда, Афғонистон билан туташ ҳудудлар хавфсизлигини таъминлаш ва мазкур операция келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш зарурлигига эътибор қаратилди. Шунингдек, икки мамлакат Президентлари Афғонистон халқига, аввало, ушбу мамлакатнинг шимолий вилоятларида яшовчи аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, ҳарбий ҳаракатлар зонасига тушиб қолган афғонларнинг мушкулини енгиллатиш масаласини кўриб чиқдилар.

* * *

15 октябрь. Президент Ислом Каримов давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режасини бажарган Тошкент вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

19 октябрь. МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг «Евроосиё телефоруми» тўртинчи телевизион фестивали Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни оммавий ахборот воситалари орқали XXI асрнинг янги хавф ва таҳдидларига, биринчи навбатда, халқаро террорчилик ва гиёҳванд моддалар тарқалиши хавфига қарши кураш ғояларини фаол тарғиб этаётгани, яхшилик ва инсонпарварлик ғояларига ҳормай-толмай хизмат қилаётгани учун махсус диплом билан тақдирлади.

* * *

22 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Икки мамлакат Президентлари Афғонистонда амалга оширилаётган антитеррор операцияси билан боғлиқ минтақадаги вазият ривожини батафсил муҳокама этдилар.

Владимир Путин Ислом Каримовга Шанхайда бўлиб ўтган Осиё ва Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти иштирокчиларининг саммитида, икки томонлама музокараларда терроризмга қарши кураш муаммолари муҳокамаси якунлари ҳақида ахборот берди. Россия давлат раҳбари, шунингдек, Душанбеда ўтказилган уч томонлама — Россия — Тожикистон — Афғонистон учрашуви натижалари ҳақида ҳам маълумот берди.

Икки мамлакат Президентлари икки томонлама алоқаларни бундан кейин ҳам мунтазам равишда давом эттиришга келишиб олдилар.

* * *

22 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Руминия ташқи ишлар вазири Мирча Жеоанени қабул қилди. Мазкур ташкилотнинг амалдаги раислари ҳар йили Ўзбекистонга келиб, турли муаммо ва можароларнинг олдини олиш, экология, иқтисодиёт, инсоний мезонлар ва умуман, минтақа барқарорлигига таҳдид солаётган омилларни ўрганиб, таҳлил этиш борасида музокаралар ўтказади.

Ўзбекистон ЕХҲТ раҳнамолигидаги кўплаб анжуманларга мезбонлик ҳам қилиб келмоқда. Учрашувда Ўзбекистон ва ЕХҲТ муносабатларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликка оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

24 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари Кензо Ошимани қабул қилди. Суҳбат чоғида Афғонистонда юзага келаётган гуманитар ҳалокатнинг таъсирини имкон қадар камайтириш, минтақада тинчлик-осойишталик ва ижтимоий барқарорликни сақлаш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

25 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Фрэнксни қабул қилди. Учрашувда халқаро террорчиликка қарши кураш масаласи, минтақадаги ҳарбий-сиёсий ҳолат, жумладан, Афғонистондаги вазият муҳокама қилинди. Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масаласи юзасидан фикр алмашди.

* * *

31 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европа Иттифоқи Вазирлар Кенгашининг амалдаги раиси, Бельгия Бош вазирининг ўринбосари ва ташқи ишлар вазири Луи Мишелни қабул қилди. Учрашувда

Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

31 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Австрия Республикаси федерал ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднер хонимни қабул қилди. Австрия федерал ташқи ишлар вазирининг бу галги ташрифи чогида икки мамлакат ўртасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ва уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашишга қаратилган ҳукуматлараро битим қабул қилинди. Оқсаройдаги учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

3 ноябрь. Урганчда «Авесто» китобининг 2700 йиллигига багишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

4 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Дональд Рамсфельдни қабул қилди. Учрашувда минтақадаги ҳарбий-сиёсий ҳолат, хусусан, Афғонистондаги вазият, у ерда амалга оширилаётган антитеррор операцияси, шунингдек, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлик билан боглиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

12 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Япония парламенти Вакиллар палатасининг депутати Нариаки Накаямани қабул қилди. Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни фаол қўллаб-қувватлаб келаётган хорижлик шериклар орасида Япония алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган япон сармояси 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

13 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президенти Жан Лемьерни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболдаги режалар хусусида фикр алмашилди.

* * *

14 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Буюк Британия мудофаа вазири Жефри Хунни қабул қилди. Буюк Британия мудофаа вазири Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш, хусусан, халқаро терроризмга қарши кураш борасида юритаётган сиёсати ва амалий саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади. Мулоқот чоғида минтақадаги вазият, Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини, жумладан, ҳарбий-техникавий соҳада ҳам янада мустаҳкамлашга қаратилган масалалар муҳокама этилди.

* * *

16-17 ноябрь. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Қозогистон Республикасида бўлди. Ташрифдан кўзланган асосий мақсад ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришдан иборат эди. Имзоланган ҳужжатлар шу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий якуни ва ҳуқуқий тасдиги бўлди.

Ўзбекистон — Қозогистон давлат чегараси тўғрисидаги шартнома икки мустақил мамлакатнинг ўзаро муносабатларини замонавий тарзда ривожлантиришга янада кенг йўл очади. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, бу билан чегаралар ёпилиб қолмайди. Фақат фуқаролар, товарлар ва хизматларнинг мамлакатдан мамлакатга ўтиши муайян қонун-қоидаларга риоя қилинган равишда амалга ошади. Бу ҳужжат божхона, чегара, солиқ хизматлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш учун замин бўлиб хизмат қилади.

Остона учрашувида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий интеграцияни ривожлантиришга оид масалалар ҳам муҳокама қилинди. Президентлар ўзаро савдо ҳажми қониқарсиз эканини, икки мамлакат бир-бирининг имкониятларидан кўпроқ фойдаланиши лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, музокараларда минтақамизнинг сув-энергетика захираларидан фойдаланиш, ижтимоий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик, ўзаро ахборот алмашишни кучайтириш каби масалалар кўриб чиқилди.

* * *

20 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ сенаторлари Карл Левин ва Жон Уорнер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашувда икки мамла-

кат ўртасида тобора ривожланиб бораётган ҳар томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазият, минтақамиздаги хавфсизлик ва барқарорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

20 ноябрь. Президент Ислом Каримовнинг «Тинчлик учун курашмоқ керак» рисоласини «Ўзбекистон» нашриёти кўпминг нусхада чоп этди.

* * *

23 ноябрь. Президент Ислом Каримов Р. Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилганининг 100 йиллиги муносабати билан мазкур илмий даргоҳ олим ва мутахассислари, бутун жамоа аъзоларига табрик йўллади.

* * *

28 ноябрь. Президент Ислом Каримовга Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Вилгелм Майер, Қувайт Давлатининг фавқулодда ва мухтор элчиси Валид Аҳмад ал-Кандарий, Бангладеш Халқ Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Абдус Салом, Корея Халқ Демократик Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Чхор Гван, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбе- кистондаги янги вакили Ричард Конрой ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

29-30 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Москва шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг саммитида қатнашди. Бу саммит Ҳамдўстлик тузилганининг ўн йиллиги муносабати билан ташкил этилди.

Москва саммити қатнашчилари Афғонистондаги воқеалар тўғрисида баёнот қабул қилдилар. Ҳужжатда антитеррор операцияси ижобий баҳоланиб, унинг натижасида халқаро террорчилик инфратузилмасига қаттиқ зарба берилгани ва минтақавий ҳамда дунёвий хавфсизликни янада мустаҳкамлашга йўл очилгани қайд этилди.

Давлатлар раҳбарлари имзолаган бошқа баёнот — Ҳамдўстлик тузилганининг ўн йиллиги муносабати билан қабул қилинган ҳужжат амалда МДҲ истиқболининг йўналишларини белгилаб беришга қаратилган.

* * *

5 декабрь. Анъанага мувофиқ, Конституция байрами арафасида Оқсарой қароргоҳида юксак мукофотларга сазовор бўлган бир гуруҳ ҳамюртларимизни тантанали тақдирлаш маросими бўлди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов топширди. «Мен бугун шу муҳташам саройда сиз, азизларни Ватанимизнинг мўътабар мукофотлари билан чин қалбимдан муборакбод этар эканман, — деди давлатимиз раҳбари маросимни очар экан, — сизларнинг тимсолингизда шундай мукофотларга сазовор бўлган, узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган юзлаб юртдошларимизни ҳам бағримга босиб, уларга ҳам табрик ва мукофотларни бамисоли ўз қўлим билан топшираётгандек тасаввур қиламан».

* * *

6 декабрь. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси ўз ишини бошлади. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Биз учун халқимиз. Ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

6 декабрь. Президент Ислом Каримов «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

7 декабрь. Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Анжуманда мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан янги — 2002 йил мамлакатимизда «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди. Юртбошимизнинг ушбу тантанадаги нутқи «Қонунга ҳурмат, қонунга итоат ҳаётимиз мезони бўлсин» сарлавҳаси билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов «Қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»ги ва «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

7 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда амалий ташриф билан мамлакатимизга келган АҚШ давлат котиби Колин Пауэллни

қабул қилди. Учрашувда икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизлик, Афғонистонда давом этаётган аксилтеррор операцияси ва томонларни қизиқтирган кўплаб бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

АҚШ давлат котиби самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонга халқаро коалицияни қўллаб-қувватлаётгани учун ташаккур изҳор этиш мақсадида келганини айтди. Колин Пауэлл давлатимиз раҳбариға АҚШ Президенти Жорж Бушнинг мактубини топширди. Унда Ислом Каримовга табрик ва салом йўлланган, шунингдек, Вашингтонда учрашиш умиди билдирилган.

Учрашувдан кейин ўтказилган матбуот анжуманида Ислом Каримов бу таклифни мамнуният билан қабул қилишини, Вашингтонда нафақат Президент Жорж Буш, балки Конгресс вакиллари, ишбилармонлар, умуман, Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига дахлдор доиралар вакиллари билан учрашажагини таъкидлади ва айни пайтда ўзаро алоқалар ҳар томонлама ва изчил ривожланишидан умид қилишга асос етарли эканини қайд этди.

* * *

10 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Австрияга жўнаб кетди.

* * *

11 декабрь. Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган «АНА Гранд» меҳмонхонасида Австриянинг собиқ Федерал Канцлери Франц Враницкий ҳамда Контролбанк ижрочи директорлар кенгаши аъзоси Рудолф Шольтен билан учрашди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш, ишбилармонларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш, Ўзбекистонга Австрия сармояларини кўпроқ жалб этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Ян Кубишни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва ЕХҲТ муносабатлари, мазкур ташкилот фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Мазкур учрашувлардан кейин Президент Ислом Каримов «Хоффбург» саройига келди. Уни Австрия Президенти Томас Клестил кутиб олди. Олий даражадаги меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Президентларнинг яккама-якка суҳбатида Ўзбекистон билан Австрия ўртасидаги сиёсий-иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Австрия раҳбари мамлакатларимиз улкан иқтисодий салоҳиятга эга эканини, Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташрифи мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиб, ўзаро ҳамкорлик кўламини оширишга йўл очишини таъкидлади. Шунингдек, у Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат майдонидаги ташаббускорлик фаолияти, террорчиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди.

Сўнгра шу ернинг ўзида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Австрия Федерал Канцлери Вольфганг Шюссел, Миллий Кенгаш раиси Хэнц Фишер ҳамда ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Вальднер билан учрашди.

* * *

12 декабрь. Президент Ислом Каримов «АНА Гранд» меҳмонхонасида Австрия молия вазири К. Грассер билан учрашди. Суҳбат чоғида молия соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик, Австриянинг йирик банклари сармояларини Ўзбекистонга жалб этиш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

Ислом Каримов Австрия Федерал иқтисодий палатасига ташриф буюрди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбарини Президент Томас Клестил ва палата президенти К. Ляйтл кутиб олди. Президент Ислом Каримов палатанинг фахрий меҳмонлар учун мўлжалланган олтин китобига ўз дастхатини ёзиб қолдирди.

Мамлакатимиз раҳбари Австрия ишбилармонлар доирасининг нуфузли вакиллари билан учрашиб, уларни Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар жараёни, хорижий ишбилармонлар учун яратилган қулайликлар ва имтиёзлар билан таништирди. Учрашувда Австрия тадбиркорларининг Ўзбекистонга келиб-кетишини янада осонлаштириш, ўзбекистонлик ишбилармонлар билан кенг асосдаги шерикчиликни ривожлантиришга имконият яратиш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

14 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШнинг «АББ Луммус Глобал» компанияси раҳбари Стефан Соломонни қабул қилди. Мазкур компания нефть-газ, нефть кимёси, саноат, ахборот, электр тизимлари, муқобил энергия ишлаб чиқаришга оид технологиялар билан шугулланади. «АББ Луммус Глобал» ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида Шўртан газ-кимё мажмуининг қурилиши билан боғлиқ ишлар борасида кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Оқсаройдаги учрашувда «АББ Луммус Глобал» президенти мамлакатимиз раҳбарини лойиҳа якунлари билан таништирди ва уни ижро этишда кўрсатган шахсий ёрдами учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

* * *

20 декабрь. Қашқадарё вилоятида Шўртан газ-кимё мажмуининг халқаро тақдимоти бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари яқинлашиб келаётган Янги йил байрами ва Шўртан газ-кимё мажмуининг ишга туширилиши муносабати билан барчани самимий қутлар экан, бу улкан воқеа нафақат Қашқадарё вилоятида, балки бутун юртимизда катта тўй, тантана эканини алоҳида таъкидлади ва ана шундай бунёдкорлик ишига бош қўшганларнинг барчасига миннатдорлик билдирди.

* * *

27 декабрь. Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов икки кунлик расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Дўрмон қароргоҳида Тожикистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Қароргоҳда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чогида икки мамлакат ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда халқаро ва минтақавий муаммолар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Кенгайтирилган тартибдаги музокараларда икки мамлакат расмий делегациялари савдо-иқтисодий ҳамкорликка доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилди. Музокаралар якунида Президентларнинг қўшма баёноти қабул қилинди. Шундан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди.

* * *

27 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан мамлакатимизга Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ташриф буюрди.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан уюштирилган Тошкент саммити 28 декабрь куни эрталаб икки томонлама учрашувлардан бошланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Қозогистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг ўзаро мулоқотларида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида эса кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат раҳбарларининг Тошкент баёноти имзоланди. Сўнгра маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди.

* * *

29 декабрь. Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида анъанавий «Президент арчаси» байрами бўлиб ўтди. Бу тадбирга меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, шунингдек, кўпгина мактаб ўқувчилари таклиф этилди. «Президент арчаси» байрами бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этди.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Янги йил табриги йўллади.

2002 йил

1 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил байрам табриги матбуотда эълон қилинди.

* * *

3 январь. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси тарихидаги муҳим сана — ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг ўн йиллиги муносабати билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминга йўллаган табрик мактуби матбуотда эълон қилинди.

* * *

6 январь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов АҚШ Сенатининг Давлат ишлари бўйича қўмитаси раиси Жозеф Либерман бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Мулоқот чогида минтақавий хавфсизлик, халқаро террорчиликка қарши курашда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, парламентлараро муносабатларнинг истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

9 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Игорь Ивановни қабул қилди. Мулоқот чогида минтақавий хавфсизлик, Афгонистондаги аксилтеррор операциянинг бориши, икки мамлакат ўртасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

10 январь. Президент Ислом Каримовнинг «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармони матбуотда эълон қилинди.

* * *

10 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи ҳамда Божхона қўмиталари, «Ватанпарвар» ташкилоти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг ўн йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

* * *

12 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Хорижий операциялар бўйича қўмитаси раиси Жим Колбинни қабул қилди. Учрашувда Афгонистонда аксилтеррор операцияси бошланганидан бери минтақада юз бераётган ўзгаришларга баҳо берилди ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

15 январь. Президент Ислом Каримов Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган тантанали мажлис қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

16 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

17 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Томас Дэшл раҳбарлигидаги бир гуруҳ АҚШ сенаторларини қабул қилди. Томас Дэшл халқаро террорчиликка қарши курашда АҚШни қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди.

* * *

22 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Фрэнкни қабул қилди. Учрашувда халқаро террорчиликка қарши кураш ва ўзаро ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

23 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 10 йиллиги муносабати билан фуқаро авиацияси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 январь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Тошкент ва Ўрта Осиё епархия бошқармаси раҳбари архиепископ Вла-

димирни қабул қилди. Учрашувда архиепископ Владимир давлатимиз раҳбарига динлараро ҳамкорликни ривожлантириш, жамиятда осойишталикни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, барча динларга бир хил ижобий муносабат учун миннатдорлик изҳор этди.

* * *

24 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов кекса фуқароларга давлат ва жамият томонидан диққат-эътибор, ғамхўрлик кўрсатишни кучайтириш ҳамда уларни ижтимоий муҳофаза қилишни, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида ва 2002 йил Ўзбекистон Республикасида «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002—2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 январь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси референдумида иштирок этди.

* * *

28 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ташкил этилганига 10 йил тўлиши муносабати билан ушбу компания жамоасига табрик йўллади.

* * *

29 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ўринбосари Элизабет Жоунс раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Мулоқот чоғида АҚШ ва Ўзбекистоннинг узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлиги ва келгусида бу алоқаларни янада ривожлантириш ҳақида фикр алмашилди.

* * *

31 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Афғонистон ҳудудига тижорат юкларини транспортда ташишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 январь. Президент Ислом Каримов «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Германия федерал мудофаа вазири Рудольф Шарпингни қабул қилди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди.

* * *

14 февраль. Президент Ислом Каримов 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида нутқ сўзлади. Ушбу нутқ «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш — бош йўлимиз» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

14 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ Қуролли кучлари Штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси Ричард Майерсни қабул қилди. Учрашувда ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш бўйича тажриба алмашишни янада ривожлантириш, ҳарбий-техник ҳамкорликнинг истиқболлари хусусида фикрлашиб олинди.

* * *

19 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Латвия Республикаси Бош вазири Алгирдас Бразаускасни қабул қилди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

21 февраль. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқи «Раҳбар, етакчи ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши керак» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

21 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тезкор тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг «Кейс-Нью холланд» компанияси президенти ва ижрочи директори Паоло Монферино бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда «Кейс-Нью холланд» компанияси билан ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида фикр алмашилди.

* * *

26 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 февраль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммитида ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги раҳбарларининг норасмий учрашувида қатнашиш учун Қозоғистоннинг Алмати шаҳрига келди. Шу куни бу ерда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар минтақадаги вазият, интеграция жараёнларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазият, ғайриқонуний муҳожирлик, шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама этилди. Томонлар иқтисодиётнинг ўта муҳим тармоқларида эркин савдо зоналарини шакллантиришни тезлаштириш, транспорт инфратузилмаларини такомиллаштириш, сув захираларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратди.

Музокаралар якунида Президентлар Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Шунингдек, Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотининг миллий мувофиқлаштирувчилари тўғрисида низом қабул қилинди. Ислом Каримов мазкур ташкилотга раис этиб сайланди.

* * *

1 март. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг норасмий саммитида иштирок этди. Очиқ ва дўстона руҳда ўтган музокараларда Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликка оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Президентлар халқаро террорчиликка қарши кураш масаласига ҳам эътибор қаратди.

Давлат раҳбарлари Ҳамдўстликда иқтисодий интеграция жараёнларини янада фаоллаштириш масаласи юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Чимбулоқда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов билан учрашди. Учрашувда энергетика соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди

* * *

4 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Афғонистон Муваққат Ҳукумати Раиси Ҳамид Карзайни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, у орқали Афғонистон халқига ҳурмат-эҳтиром изҳор этди. «Афғон халқи деганда, асрлар давомида биз билан ёнма-ён яшаб, ҳар томонлама алоқада бўлиб келган инсонларни тушунамиз, — деди Ислом Каримов учрашувда. —Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, жуда кўп синовларни, кўплаб мусибатларни бошдан кечирган афгон халқининг иродаси букилгани йўқ. Узоқ йиллик ғам-ташвишлар унинг озод ва фаровон келажакка ишончини сўндира олмади».

Учрашувда қўшни халқнинг ташвишини енгил қилишда Ўзбекистоннинг ҳиссаси катта экани, Афғонистондаги аксилтеррор операциясининг ҳарбий босқичи ниҳоясига етгач, ўта

оғир шароитда ҳаёт кечираётган афғонистонликларга ёрдам сифатида юборилган озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа зарур маҳсулотларнинг салмоқли қисми Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтаётгани қайд этилди. Бундан ташқари, Ҳамид Карзайнинг юртимизга ташрифи чоғида умумий баҳоси 350 минг АҚШ долларига тенг келадиган йигирмага яқин транспорт воситаси Афғонистонга берилди. Меҳмон бундай кўпдан-кўп ёрдамлар, Афғонистон муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистон раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистоннинг афғон муаммосига муносабатини, бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш борасидаги ташаббуслари ва саъй-ҳаракатларини юксак даражада қадрлашини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Афғонистондаги вазият, ушбу мамлакатни тиклаш ва ривожлантириш, икки томонлама муносабатлар кўламини кенгайтиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

7 март. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 8 март —Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги йўллади.

* * *

11 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетди. Шу куни Президентимиз бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Буюк Британия пойтахти Лондоннинг «Стэнстед» аэропортида тўхтаб ўтди. Давлатимиз раҳбарини мазкур мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаси вакиллари кутиб олдилар.

Қисқа муддатли музокараларда Ўзбекистон ва Буюк Британия муносабатларини янада ривожлантириш, турли жабҳаларда йўлга қўйилган ҳамкорлик истиқболи билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

11 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Вашингтонга келди. Ислом Каримовни АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли «Эндрюс» авиабазасида давлат котибининг ўринбосари Элизабет Жоунс ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Мамлакатимиз раҳбари АҚШ Президентининг фахрий меҳмонлар уйи — «Блэйр хаус» қароргоҳига жойлашди.

* * *

12 март. Ислом Каримов Оқ уйда АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида стратегик ҳамкорликни кенгайтириш, аксилтеррор операцияси доирасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Марказий Осиёдаги вазият, хавфсизлик ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов шу куни АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл, қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеман хоним, молия вазири О'Нил ва бошқа расмий кишилар билан ҳам учрашди.

Музокаралар якунида томонлар ўртасида қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, илмий-техникавий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги битимлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида ядро тарқалишига йўл қўймаслик борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият банки билан АҚШ Экспорт-импорт банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳам қабул қилинди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вашингтонда америкалик ишбилармонлар билан ҳам учрашди ва Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёни, шунингдек иккала мамлакат — Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг бугунги даражасидан демократия, бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ислоҳотлар йўлида, бизнес ва ҳамкорликни ривожлантириш йўлида фойдаланиш омиллари хусусида нутқ сўзлади.

* * *

13 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Блэйр хаус» қароргоҳида АҚШнинг нуфузли газета ва журналлари муҳаррирлари ҳамда журналистлар билан учрашди. Президентимиз Марказий Осиёдаги вазият, Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни ва АҚШ билан ҳамкорликка оид мавзуларда америкалик журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Шу куни Ислом Каримов Жаҳон банки раҳбари Жеймс Вулфенсон билан учрашди. Мулоқот чоғида банкнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизга хориж сармоясини жалб этишда ушбу муассасанинг иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари АҚШ Конгрессига келди. Аввал Вакиллар палатаси, кейин Сенат вакиллари билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва парламентлараро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Ислом Каримов шу куни Пентагонда АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд билан ҳам учрашди. Учрашувда минтақавий хавфсизлик, ғарб ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

13 март. Нью-Йорк шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни «Халқаро миқёсдаги лидер» мукофоти билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу мукофотни АҚШнинг таниқли давлат ва жамоат арбоби Генри Киссинжер топширди. Давлатимиз раҳбари «Халқаро миқёсдаги лидер» мукофоти билан тақдирланиш маросимида сўзлаган нутқида, бу мукофот ўзбек халқининг халқаро террорчиликка қарши курашга, умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилиш, бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка эришишдек хайрли ишга қўшган ҳиссаси учун берилган муносиб баҳо, дея таъкидлади.

* * *

14 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Нью-Йорк шаҳар мэри Майкл Блумберг билан учрашди.

Ислом Каримов мэр билан учрашув чоғида Нью-Йорк катта иқтисодий салоҳиятга эга эканини таъкидлади. М. Блумберг америкалик ишбилармонларнинг эътиборини кўпроқ жалб этиш орқали Нью-Йорк Ўзбекистон — АҚШ иқтисодий ҳамкорлиги ривожига салмоқли ҳисса қўшишини айтди.

Ислом Каримов Жаҳон савдо маркази харобаларини бориб кўрди. Мамлакатимиз раҳбари бу ерда 2001 йил 11 сентябрда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатининг қурбонлари хотирасига гулчамбар қўйди. Нью-Йорк шаҳар мэри М. Блумберг Президентимизга АҚШни, у билан иттифоқликда терроризмга қарши тузилган халқаро коалицияни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди ва бундай қатъиятни, айниқса, нью-йоркликлар юксак қадрлашини таъкидлади.

Шу куни давлатимиз раҳбари АҚШ Олий ислом кенгаши раиси шайх Муҳаммад Ҳишом Қаббоний билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида диний экстремизм ва террорчиликка қарши кураш муаммолари хусусида фикрлашилди.

* * *

14 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи ниҳоясида журналистларга интервью берди ва ташриф якунлари, имзоланган ҳужжатларнинг аҳамиятини юқори баҳолади.

* * *

15 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов имзо чеккан «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармон матбуотда эълон қилинди.

* * *

18 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Туркия Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошлиғи Ҳусайн Қивриқ ўғлини қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий, ҳарбий-техникавий алоқаларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ масалалар, шунингдек, Афгонистонда амалга оширилаётган аксилтеррор операцияси, минтақавий ва халқаро хавфсизликка оид ҳамда бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

19 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 март. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий богида Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Тантанада Президент Ислом Каримов иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади.

* * *

22 март. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳридаги давлат консерваторияси янги биносининг очилишига багишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

25 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқеарой қароргоҳида АҚШ Сенатининг Разведка бўйича қўмитаси раиси ўринбосари Ричард Шэлби раҳбарлигидаги Конгресс делегацияси аъзоларини қабул қилди.

* * *

26 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкентда иш бошлаган Республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий марказини бориб кўрди: «Мавжуд замонавий техникани ишлата оладиган мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор бериш керак, — деди давлатимиз раҳбари марказ фаолияти билан танишар экан. — Чунки жиҳоз ҳар қанча за-

монавий бўлмасин, самарали ишлатилмаса, фойдаси кам бўлади. Шу билан бирга, ушбу марказ шошилинч тиббий ёрдамни илмий ташкил этиш асосларини ишлаб чиқиши, мавжуд ютуқ ва камчиликларни чуқур таҳлил этиб бориши лозим».

Давлатимиз раҳбари беморларни қабул қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш жараёни билан танишди. Ислом Каримов марказ ходимлари билан суҳбат чоғида муассаса фаолиятини янада такомиллаштиришга оид фикрлар билдирди.

* * *

28 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2002—2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида «Нестле» корпорациясининг Осиё, Африка, Австралия, Океания ва Яқин Шарқ минтақалари бўйича президенти Майкл Тадретни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда «Нестле» билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берди. Учрашувда Ўзбекистон корхоналарининг «Нестле» корпорацияси билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

29 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жамил Саид Иброҳим Фаид ишонч ёрлиғини топширди. Шу куни Президент Ислом Каримов Молдова Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ефим Килардан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

* * *

30 март. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 апрель. Термизда ушбу шаҳарнинг 2500 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Юртбошимизнинг ушбу нутқи «Жайҳун соҳилидаги боқий шаҳар» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

3 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов имзо чеккан «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарор матбуотда эълон қилинди.

* * *

4 апрель. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва маъруза қилди. Танаффус пайтида Президентимиз маҳаллий ва хорижий мухбирлар билан суҳбатлашди. Мамлакатимиз раҳбарининг сессиядаги маърузаси «Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

4 апрель. Президент Ислом Каримов «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

5 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Халқаро муносабатлар бўйича қўмитаси аъзоси, Фан бўйича қўмитанинг Коинот ва аэронавтика масалалари бўйича ички қўмитаси раиси Дана Роурбаҳер раҳбарлигидаги конгрессменлар делегациясини қабул қилди. Учрашувда конгрессменлар халқаро аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлагани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 апрель. Президент Ислом Каримов «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги, «Чиқиндилар тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

5 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Аннемари Шиммелни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш ҳақидаги фармони матбуотда эълон қилинди. Шарқшунос олима ва жамоат арбоби Аннемари Шиммел ўзбек халқининг бой маданий-маънавий мероси ва тарихини ўрганиш ҳамда жаҳонга тарғиб этишдаги улкан ютуқлари, шунингдек, Ўзбекистон — Германия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун ушбу мукофотга сазовор бўлди.

* * *

12 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Жаҳон банки президенти Жеймс Вулфенсонни қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, мавжуд лойиҳаларни ижро этиш жараёни ва янгиларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

17 апрель. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида»ги фармони матбуотда эълон қилинди.

* * *

21 апрель. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трестининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 апрель. Фарғона шаҳрида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари бошланди. Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

26 апрель. Эрон Ислом Республикаси Президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамий расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Дўрмон қароргоҳида Эрон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Эрон Ислом Республикаси Президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамийнинг яккамаякка суҳбати чоғида ҳамкорликнинг мавжуд аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилди. Томонлар савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга, транспорт коммуникацияси ва сармоя соҳаларидаги ҳамкорликни равнақ топтиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Шунингдек, халқаро миқёсдаги масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Жумладан, террорчилик муаммоси, Афгонистонда барқарорликнинг мустаҳкамланиши, иқтисодиётнинг тикланишига оид масалалар кўриб чиқилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида Ўзбекистон билан Эрон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик алоқаларига оид масалалар муҳокама этилди.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Муҳаммад Ҳотамий Ўзбекистон ва Эрон Президентлари ўртасидаги музокаралар якуни юзасидан қўшма баёнотга имзо чекдилар. Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама солиққа тортилишга йўл қўймаслик, даромад ва сармоя солиқларига тааллуқли маълумотларни алмашиш, транспорт воситаси ҳайдовчилари учун виза масалаларини енгиллаштириш, ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқалар маҳкамалари ўртасида, шунингдек, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан Эроннинг Савдо, саноат ва тоғ-кон саноати палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

* * *

26 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари Сейкен Сугиурани қабул қилди. Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг аҳволи ҳамда истиқболи, ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

30 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки президенти Янг Цзиминни қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

2 май. Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқи «Қорақалпоқ диёрининг салоҳиятини рўёбга чиқариш, одамлар ҳаётини янада яхшилаш — долзарб вазифа» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

6 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 май. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Хотира майдонига ташриф буюриб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Юртбошимиз Иккинчи жаҳон урушида Ватан равнақи ва озодлиги йўлида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди, сўнгра бир гуруҳ зиёлилар билан суҳбатлашди.

* * *

10 май. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Герхард Шрёдер ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Ушбу мулоқот чогида Ўзбекистон — Германия муносабатларининг мавжуд ҳолати ва истиқболлари, иқтисодий ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик ҳамда Афғонистонни тиклаш ва тинч ҳаётга қайтаришга ёрдамлашишга оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

16 май. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония Халқаро ҳамкорлик банки бошқарувчиси Кёсуке Шинозавани қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида молиявий-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва уни янада ривожлантириш истиқболларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

17 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Туркиянинг «Коч холдинг» компанияси бош ижрочи директори Булент Ўзойдинлини қабул қилди. Учрашувда «СамКочавто» қўшма корхонасини янада ривожлантириш борасидаги янги лойиҳалар, Ўзбекистон корхоналарининг «Коч холдинг» билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

17 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Кюдзо Катони «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармони матбуотда эълон қилинди. Археолог олим ва жамоат арбоби Кюдзо Като халқимизнинг бой тарихи, қадимий ёдгорликлари ҳамда маданий-маънавий меросимизни чуқур ўрганиш ва хорижий элларга тарғиб қилишдаги катта хизматлари, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқаларни ривожлантиришга қўшган самарали ҳиссаси учун ана шу мукофотга сазовор бўлди.

* * *

20 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Қувацемент» акциядорлик жамияти ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши раиси Таро Асо ҳамда мазкур партиядан ушбу мамлакат парламентига сайланган депутат Нарияки Накаямани қабул қилди.

* * *

25-26 май. Бойсун туманида «Бойсун баҳори» халқаро очиқ фольклор фестивали бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивали иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

26 май. Қадимий Бухоро шаҳрида Ўзбекистон талаба ёшларининг «Универсиада — 2002» мусобақалари тантанали очилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Универсиада—2002» спорт ўйинлари иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

28 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Қуролли кучлар бўйича қўмитасининг ҳарбий таъминот бўйича ички қўмитаси раиси Курт Вэлдон раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афгонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

28 май. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг хоразмлик Ҳофиз Олланазаровга халқимиз маънавий меросининг беқиёс намунаси бўлмиш қадимий нота ёзуви — «Танбур чизиғи» қўлёзмасини тақдим этгани учун йўллаган мактуби матбуотда эълон қилинди.

* * *

30 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 май. Навоий шаҳрида Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан

ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқи «Одамлар ҳақида ғамхўрлик, истиқболни ўйлаб иш тутиш — ҳар бир раҳбарнинг бурчидир» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

4 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Жаҳон банки президенти Жеймс Вулфенсон билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Мулоқот давомида Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳамда ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш чоралари хусусида фикр алмашилди.

* * *

5 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қизириқ ва Жарқўрғон туманлари ғаллакорларининг ўз шартнома режаларини мамлакатда биринчилардан бўлиб бажариши муносабати билан йўллаган табриги матбуотда эълон қилинди.

* * *

5 июнь. Самарқандда Имом Бухорий ва Германиянинг Фридрих Эберт халқаро жамғармалари ҳамда Тошкент ислом университети томонидан ташкил этилган «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман ўз ишини бошлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мазкур анжуман иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

6 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун Санкт-Петербург шаҳрига келди.

* * *

7 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Санкт-Петербургдаги саммитида иштирок этди. Саммит давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда ташкилотни ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шундан сўнг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Томонлар ташкилот доирасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро алоқалар механизмларини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар якунида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг декларацияси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти хартияси ҳамда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида минтақавий антитеррор тузилмаси ҳақидаги битим имзоланди.

Мазкур маросимдан сўнг президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар. Унда давлатимиз раҳбари Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигига эътиборни қаратиб, табиий хом ашё захираларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, энергетика тизимини яратиш ва атроф муҳит муҳофазасига эътиборли муносабатда бўлиш — Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

* * *

8 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов имзолаган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор матбуотда эълон қилинди.

* * *

11 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлатлари раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқи «Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти: ҳамкорликнинг бой тажрибаси ва алоқалар ривожини рағбатлантиришнинг катта имкониятлари» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

11 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Арманистон Республикаси ташқи ишлар вазири Вартан Осканянни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Арманистон муносабатларининг мавжуд аҳволи ва истиқболлари, сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш, транспорт коммуникациялари бораси-

да алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

12 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони матбуотда эълон қилинди.

* * *

17 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Индулим Берзиньшни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Латвия муносабатларининг аҳволи ва истиқболлари, сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш, транспорт коммуникациялари борасида алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

19 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизда биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли бажариши муносабати билан Сурхондарё вилояти ғаллакорларига йўллаган табриги матбуотда чоп этилди.

* * *

21 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Халқаро Валюта жамғармасининг Ўзбекистон бўйича миссияси раҳбари Эрик Де Врайерни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, жамғарманинг мамлакатимизга хорижий сармоя жалб этишдаги иштирокини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

* * *

26 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига табрик йўллади.

* * *

29 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Қуролли кучлар бўйича қўмитасининг раиси Дункан Хантер раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

3 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6-7 июль. Президент Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари ва Россия раҳбарларининг Қозоғистоннинг Оқтов шаҳрида бўлиб ўтган норасмий саммитида иштирок этди. Қозоғистон Президентининг шаҳардаги қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоев кутиб олди. Президентлар суҳбатида икки дўст мамлакатнинг ўзаро муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашилдилар.

Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг норасмий учрашувида асосий эътибор ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий интеграция жараёнларини янги босқичга кўтариш, шу асосда коммуникация, энергетика, транспорт соҳаларида ҳамкорлик, сув ва ҳаво йўлларидан янада унумли фойдаланиш, истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик, экстремизм, наркобизнес каби иллатларга қарши биргаликда курашиш масалаларига қаратилди. Томонлар ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирар экан, масалалар ечими давлатлар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик ва тенг манфаатлилик асосига таяниши, айниқса, иқтисодий муаммолар ечимини баҳамжиҳат ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб ўтдилар.

Сафар чоғида Президентимиз Оқтов шаҳридаги ўзбек, рус, қозоқ, қиргиз ва тожик миллий маданияти марказлари фаолияти билан танишди.

* * *

15 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари Сэйкен Сугиура раҳбарлигидаги «Ипак йўли энергетика миссияси» вакиллари делегациясини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Япония ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ўзаро алоқалар кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

17 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Америка Қўшма Штатларининг федерал молия вазири Пол О'Нилни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистонда ислоҳотларнинг бориши, икки томонлама иқтисодий алоқалар, мамлакатимизга АҚШ сармоясини жалб этишни кўпайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, халқаро террорчилик ва диний экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, АҚШнинг иқти-

содий шериклари билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Учрашув якунида матбуот анжумани ўтказилди.

* * *

18 июль. Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисида маъруза қилди. Ушбу маъруза «Одамларнинг ташвиш ва орзу-интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

18 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Бокс бўйича Осиё чемпионатида юксак натижаларни қўлга киритган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш ҳақида»ги фармонга имзо чекди. Ушбу фармонга кўра Ватанимизнинг шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришдаги катта хизматлари, бокс бўйича 2002 йилда Малайзияда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида мардлик ва жасурлик намунасини кўрсатиб, юксак ғалабаларни қўлга киритгани, иқтидорли ёшларни тарбиялаб, миллий спортимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшгани учун бир гуруҳ спортчилар «Ўзбекистон ифтихори» ва «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвонларига сазовор бўлди.

* * *

27 июль. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташкил этилганига 10 йил тўлгани муносабати билан «Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоасига йўллаган табриги матбуотда эълон қилинди.

* * *

28 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Японияга келди.

* * *

29 июль. Япония ҳукуматининг таклифига биноан Токиога расмий ташриф билан келган Президент Ислом Каримов Бош вазир Жунъитиро Коидзуми билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги тикланиш, Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ислом Каримов ва Жунъитиро Коидзуми икки мамлакат ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қўшма баёнотларга имзо чекдилар. Биринчи ҳужжатда томонлар тенглик, ўзаро англашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган тамойил ва меъёрларига асосланган ҳолда дўстона муносабатларни ва стратегик ҳамкорликни ривожлантириш ниятини билдирган бўлса, иккинчи ҳужжатда энергетика соҳасидаги ҳамкорликдан ўзаро манфаатдорлик эътироф этилиб, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан чекланиш ва ҳаво алоқаси борасидаги ҳуқуқий асосни мустаҳкамлашга келишиб олингани таъкидланган.

Айни пайтда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Мицубиси», «Мицуи», «Марубени», «Нише Иваи» корпорациялари билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Bank of Tokyo-Mytsubisi» ўртасида имтиёзли кредит, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси ва бошқа сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Япония императори Акихито билан учрашди. Бу учрашувда ҳам томонларнинг ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлиги таъкидланди. Япония императори Ўзбекистон раҳбарига ғоят илиқ муносабат билдирди —музокарадаги очиқлик ва самимийлиги, юртимизга хайрихоҳлиги бунинг далили эди.

Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган «Империал» меҳмонхонасида Япония ташқи ишлар вазири Йорико Кавагучи хоним, молия вазири Масажуро Шиокава, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Такао Каваками, Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) президенти Кёсуки Шинозавани қабул қилди. Учрашувларда Ўзбекистон—Япония муносабатларини ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

30 июль. Президент Ислом Каримов Японияниng энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири — Васеда университетига ташриф буюр-

ди. Шу муносабат билан мазкур илм даргоҳида бўлиб ўтган учрашувда университет ректори Окушима Такаясу Ислом Каримовнинг давлатни бошқариш, ривожлантириш ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматларини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон эришаётган ютуқлар, хусусан, изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самаралари нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам катта аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Васеда университети илмий кенгашининг қарорига биноан Ислом Каримовга мазкур олий ўқув юртининг фахрий доктори унвони берилди. Президентга бу ҳақдаги ҳужжат топширилди ва докторлик мантияси кийдирилди. Йиғилиш сўнгида Ислом Каримов ўзбекистонлик талабалар билан мулоқотда бўлди. Ўзбекистон учун замонавий кадрларнинг аҳамияти, бу борада мамлакатимизга Япония томонидан кўрсатилаётган ёрдам хусусида тўхталди.

Шу куни Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида 348 миллион иен миқдорида грант ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Президентимизнинг Японияга ташрифи учрашувларга бой бўлди. Ислом Каримов «Империал» меҳмонхонасида «Мицуи» компанияси президенти Шинжиро Шимидзуни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан «Мицуи» ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, амалга оширилаётган ва келгусида ижро этилиши мўлжалланаётган қўшма лойиҳаларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов Япония Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар билан учрашди. Унда Япониянинг собиқ Бош вазири Йосиро Мори, ЛДПнинг сиёсий ишлар бўйича комиссияси раиси, «ЛДП —Ўзбекистон» дўстлик лигаси президенти Таро Асо, лига бош котиби Нарияки Накаяма давлатимиз раҳбарининг мазкур ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаришига умид билдирдилар.

«Токио Каикан» меҳмонхонасида Япония ишбилармонлари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов Ўзбекистондаги улкан ўзгаришлар, хорижлик сармоядорлар учун яратилаётган қулай шароитлар ҳақида тўхталди.

* * *

31 июль. Президент Ислом Каримов Япониянинг иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Т. Хиранумани қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасида товар айирбошлашни ва Ўзбекистонга киритилаётган Япония сармоясини кўпайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз раҳбари Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) раиси О. Ватанабени қабул қилди. Япония билан мамлакатимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш масаласи мулоқотнинг асосий мавзуси бўлди.

Ислом Каримовнинг яна бир учрашуви «Марубени» корпорацияси президенти Т. Цуджи билан ўтказилди. Бу корпорациянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган йирик лойиҳаларда ўз ифодасини топган. Мамлакатимиз раҳбари билан суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорлик кўлами ва қирраларини кўпайтириш хусусида сўз борди.

Ўзбекистон Президенти машҳур «Сони» корпорациясининг кўргазма марказида мазкур корхонанинг техника ва технология соҳасида эришган сўнгги ютуқлари билан танишди, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини кўздан кечирди. Шу билан Ислом Каримовнинг Японияга ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

3 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

5 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Киока Накаямани ўз дипломатик миссиясини муваффақиятли якунлаб, юртига қайтиши муносабати билан Оқсарой қароргоҳида қабул қилди.

* * *

6 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Умид» жамғармаси грантлари соҳибларига йўллаган табриги матбуотда чоп этилди.

* * *

7 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўқитувчилар ва ўқув юртлари муаллимларининг, илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳи-

да АҚШ Қуролли кучлари Штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раисининг ўринбосари Питер Пейсени қабул қилди. Учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик, халқаро террорчиликка қарши кураш, икки давлат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

20 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида»ги фармонга ва «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида БМТ Бош котибининг қуролсизланиш масалалари бўйича ўринбосари Жаянта Дҳанапала билан учрашди. Суҳбат чоғида халқаро майдонда ва Марказий Осиёда ядровий қуролсизланиш борасида амалга оширилаётган ишлар, минтақамиздаги вазият, Афгонистондаги тикланиш тадбирлари, террорчиликка қарши кураш ва бошқа масалалар хусусида фикр алмашилди.

* * *

23 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Фрэнксни қабул қилди.

Учрашувда Афғонистондаги вазият, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, икки мамлакат ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Президент Ислом Каримов АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Бюджет бўйича қўмитаси раисининг ўринбосари Питер Хокстра раҳбарлигидаги бир гуруҳ конгрессменларни ҳам қабул қилди. Мазкур делегация Вакиллар палатасининг фан, таълим, транспорт, инфратузилма, молия, энергетика, савдо, ҳарбий ишлар, қишлоқ хўжалиги каби соҳалар билан шугулланувчи қўмиталари вакилларидан иборат эди. Меҳмонлар халқаро аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлагани ва инсонпарварлик ёрдамини етказишда халқаро ҳамжамиятга кўрсатаётган ёрдами учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдирдилар.

Мулоқот чогида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада равнақ топтириш, терроризмга қарши кураш, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Афгонистондаги тикланиш ишларига кўпроқ ёрдам кўрсатиш имкониятларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

23 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўлида йўловчи поездлар қатнови бошланиши муносабати билан Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўли бунёдкорларига табрик йўллади.

* * *

23 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан ва санъат арбобларини мукофотлаш тўгрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимизда фойдаланишга топширилган янги иншоотларни кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Фарҳод, Шота Руставели, Гавҳар, Ҳамза Умаров кўчалари чорраҳасида — Жанубий вокзал рўпарасида бунёд этилган улкан кўприкни кўздан кечирар экан, ўтган бир неча йил ичида қурувчиларимиз кўприксозликда бой тажриба тўплаганини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Ислом Каримов Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуасида бунёд этилган Қатағон қурбонлари хотираси музейини бориб кўрди.

Юртбошимиз музей билан танишар экан, унинг ташқи кўриниши ғоят нафис ишланганини таъкидлади, усталарнинг маҳоратига

таҳсин айтди. Айни чоғда музей атрофини янада ободонлаштириш, унинг экспозициясини бойитиш ва такомиллаштириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу музейнинг тарихий, сиёсий маъноси катта эканини таъкидлади.

Шундан сўнг Юртбошимиз «Қалқон» бригадасининг янги ҳарбий шаҳарчасини бориб кўрди.

«Мазкур ҳарбий шаҳарча келажакда бошқа ҳудудларимизда қуриладиган худди шундай мажмуалар учун намуна вазифасини ўтамоғи керак, — деди Ислом Каримов шаҳарчани кўздан кечирар экан. — Ўзини ҳимоя қила оладиган халқ келажакка ишонч билан қарай олади. Халқимизнинг мард ва садоқатли ҳимоячилари эса ҳеч кимдан кам бўлмайдиган шароитларга муносибдир».

Шу куни Президент «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Нью-Йорк шаҳри мэри Майкл Блумбергга йўллаган мактуби матбуотда эълон қилинди.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Испаниянинг Алкала де Энарес университетининг «Сиснярос» медали, фахрий диплом ва Кумуш пластинадан иборат олий мукофоти билан тақдирланди. Давлатимиз раҳбарига ушбу олий мукофотни Алкала де Энарес университети ректори Мануэль Гала Муньос топширди.

* * *

29 август. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишини бошлади. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва маъруза қилди. Ушбу маъруза «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ва «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

31 август. 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида бўлиб ўтган маросимда иштирок этди. Сўнгра давлатимиз раҳбари хиёбонда бунёд этилган Қатағон қурбонлари хотираси музейини кўздан кечирди.

* * *

31 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн бир йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

3 сентябрь. Президент Ислом Каримов асарлар тўпламининг «Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак» деб номланган 10-жилди «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилди.

* * *

3 сентябрь. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил 11—14 март кунлари Америка Қўшма Штатларига қилган расмий ташрифининг тарихий аҳамиятини таҳлил этишга бағишланган «Америкага ташриф — Визит в Америку» китоби «Ўзбекистон» нашриёти томонидан ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

* * *

3 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни мамлакатимиз Президенти, мазкур кенгаш раиси Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда давлат чегараларини қўриқлашни кучайтириш, мамлакат чегараолди ҳудудларида хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, шунингдек, Қуролли Кучларимиз жанговар тайёргарлигини ошириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди, Ўзбекистон ҳарбий тизимларининг Қашқадарё вилояти тоғли ҳудудларида ўтказилган тезкор-тактикавий машқлари якунлари муҳокама қилинди.

Муҳокама чогида ҳарбий хизматчилар, сержантлар, шунингдек, офицер кадрларни контракт бўйича касбга тайёрлашни янада такомиллаштириш, Қуролли Кучлар ҳарбий бошқармалари ва штаблари органларининг тайёргарлик даражасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Камсонли, ихчам, замон талабларига жавоб берадиган, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоялашга қодир бўлган армияни шакллантиришни кўзда тутувчи Қуролли Кучларни ислоҳ этишни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларини амалга татбиқ этиш борасидаги давлат органлари ва ҳарбийлашган тизимлар фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

4 сентябрь. Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Акио Кавато Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди. Шу куни Президент Ислом Каримовга Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Крейг Мюррей ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

5 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё ишлари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Лини Паско ҳамда АҚШнинг Марказий Осиё давлатларидаги элчиларининг Тошкентда бўлиб ўтган йиллик кенгаши иштирокчилари — АҚШнинг Марказий Осиё давлатларидаги фавқулодда ва мухтор элчилари Жон Хёрбст (Ўзбекистон), Лэрри Нэппер (Қозоғистон), Жон О'киф (Қирғизистон), Франклин Хаддл (Тожикистон), Лаура Кеннеди (Туркманистон)ни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, АҚШ Давлат парламенти кенгашни Тошкентда ўтказиш тўғрисида тўғри қарор қабул қилганини таъкидлади ҳамда Ўзбекистонга нисбатан самимий ва хайрихоҳлик билан муносабатда бўлаётгани учун дипломатларга миннатдорлик билдирди. Учрашувда Ўзбекистон —АҚШ иқтисодий ҳамкорлигининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония молия вазирининг катта ўринбосари Такайоши Танигучи раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакатнинг барча соҳалардаги алоқаларини янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

9 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан ушбу мамлакатда меҳмон бўлди. Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Остона аэропортида юксак мартабали меҳмонни Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Қозоғистон Республикаси Президентининг саройида дастлаб Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев яккама-якка суҳбатлашдилар. Шундан сўнг музокаралар кенгайтирилган таркибда давом эттирилди.

Томонлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, янги погонага кўтариш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Хусусан, ўзаро маданият кунларини ўтказишга келишиб олинди. Музокараларда, шунингдек, иқтисодий жабҳадаги ҳамкорликни кучайтириш, икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини ошириш чора-тадбирлари ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон раҳбари икки давлатнинг бу соҳадаги имкониятларини «ягона локомотивга

бирлаштириш» таклифини илгари сурди. Ушбу таклиф Қозогистон томонидан қўллаб-қувватланди. Қўнғирот — Бейнов — Оқтов автомобиль йўлининг қурилиши қардош халқларнинг узогини яқин қилиш билан бирга, экспорт-импорт имкониятларини кенгайтириши алоҳида таъкидланди.

Ташриф давомида Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегараларининг алоҳида участкалари тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Остонадаги учрашувлар чоғида яна бир муҳим ҳужжат —Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 1998 йил 31 октябрда имзоланган абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг бажарилиши ҳақида қўшма декларация қабул қилинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими ниҳоясига етгач, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Шундан сўнг Ўзбекистон раҳбари Қозоғистон Президенти ҳамроҳлигида Ватан ҳимоячилари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

* * *

10 сентябрь. Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида «Президент кубоги» халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

14 сентябрь. Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида тўққизинчи бор ўтказилган «Президент кубоги» анъанавий халқаро теннис турнири ниҳоясига етиши муносабати билан мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов халқаро турнир ғолиби Евгений Кафельниковга мусобақа кубогини, Владимир Волчковга эса махсус совринни топширди.

* * *

19 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш шартнома режасини бажаргани муносабати билан Андижон вилояти Олтинкўл тумани пахтакорларига ҳамда Тошкент трактор заводининг олтмиш йиллиги муносабати билан «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти меҳнат жамоасига табрик йўллади.

* * *

19 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Тошкент трактор заводи ташкил этилганига 60 йил тўлиши муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Литва Республикасининг пойтахти Вильнюс шаҳрига келди.

* * *

24 сентябрь. Литва Президенти қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Мамлакатимиз раҳбари Президент Валдас Адамкус билан юзма-юз суҳбатлашди. Ислом Каримов ташрифдан кўзланган мақсад ҳамкорликка янги суръат ва шиддат бахш этиш эканини таъкидлади.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ўзаро савдо-сотиқни ривожлантириш, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, янги қўшма корхоналар тузиш, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон билан Литва ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, ташқи ишлар вазирликлари, мудофаа маҳкамалари, божхона хизматлари ҳамда миллий университетлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Ислом Каримов Вильнюсдаги Антакалнис ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди. Литва Республикасининг мустақиллиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик пойига гул қўйди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Литва Бош вазири Алгирдас Бразаускас билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон —Литва муносабатларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мамлакатимиз раҳбари Вильнюс университетида бўлиб, ушбу олий ўқув юрти раҳбарияти билан суҳбатлашди. Ўзбекистон билан Литва муносабатларига доир китоблар кўргазмаси билан танишди.

Шу куни Президентимизга Литва давлатининг энг олий мукофоти — Буюк Витаутас ордени топширилди. Ислом Каримов Ўзбекистон —Литва муносабатларини ривожлантириш борасидаги жонкуярлиги ва халқаро террорчиликка қарши курашдаги қатъияти

учун ана шу юксак мукофот билан тақдирланди.

* * *

25 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Литва Сейми Раиси Артурас Паулаукас билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Литва муносабатларини янада ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Томонлар ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш борасида фикр алмашдилар.

Президент саройида икки мамлакат давлат раҳбарлари иштирокида литвалик ишбилармонлар билан учрашув бўлиб ўтди. Ислом Каримов Литва тадбиркорларини Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга даъват этди. Жумладан, озиқ-овқат, тўқимачилик, мебелсозлик каби соҳаларда фойдаланилмаётган имкониятлар жуда кўплиги, транспорт коммуникацияси борасида ҳам ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Вильнюс яқинидаги Тракай шаҳрига борди ва Литва князларининг XIV асрда бунёд этилган тарихий қароргоҳи — Тракай қалъасини кўздан кечирди.

* * *

30 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида «Даймлер Крайлер АТ» концерни бошқаруви аъзоси, Шарқий Европа, Болтиқбўйи, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича Германия иқтисодиёти қўмитаси раҳбари Клаус Юрген Мангольдни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан мазкур компания ўртасида истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилаётган лойиҳалар, иқтисодий дастурлар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

30 сентябрь. Президент Ислом Каримов Андижон вилояти пахтакорлари пахта топшириш юзасидан мажбуриятини бажаргани муносабати билан уларга табрик йўллади.

* * *

30 сентябрь. Президент Ислом Каримов умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табрик йўллади ва «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилганининг 10 йиллиги муносабати билан мазкур университет профессор-ўқитувчилари жамоаси ва талабаларига табрик йўллади.

* * *

3 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтимизнинг марказий ҳаво дарвозаси бўлмиш «Тошкент» халқаро аэропортида истиқлол йилларида амалга оширилган қайта қуриш ишлари билан танишди. Президентимиз терминал хизматчилари, божхоначилар, чегарачилар ва хавфсизлик учун масъул бўлган ходимлар билан суҳбатлашди.

Шу куни Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 октябрь. Тожикистон пойтахти Душанбеда Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилоти саммити ҳамда Халқаро Оролни қутқариш жамғармасига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари — Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмоновнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ислом Каримовнинг Душанбега ташрифи ҳукумат қароргоҳида Тожикистон раҳбари билан учрашувдан бошланди. Унда Президентлар ўзаро муносабатларни ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳамкорлик, шунингдек, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Шундан сўнг Тожикистон Президентининг Душанбеда бунёд этилган янги қароргоҳида мезбон мамлакат ҳамда Ўзбекистон, Қозогистон ва Қиргизистон раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда икки ва кўп томонлама муносабатлар, минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Ҳукумат қароргоҳида Президентларнинг учрашуви кенгайтирилган тартибда давом этди. Унда иқтисодий интеграция, транспорт коммуникациялари, ижтимоий, маданий алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Президентларнинг Қўшма коммюникеси имзоланди. Ислом Каримов ва Имомали Раҳмонов Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида давлат чегараларининг делимитацияси тўғрисидаги ҳужжатга ҳам имзо чекдилар.

* * *

6 октябрь. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Тожикистон Президентининг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳида бўлиб ўтган Орол муаммосига бағишланган саммитда иштирок этди. Саммитда Ўзбекистон, Тожикистон, Қозогистон ва Қирғизистон раҳбарлари Орол-

бўйидаги экологик ва иқтисодий-ижтимоий тангликни бартараф этишга қаратилган масалаларни муҳокама қилдилар, Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси фаолиятини таҳлил этдилар. Учрашувда халқаро жамғарма ижроия қўмитасининг ташкилий фаолиятини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, Президентлар Душанбе декларациясини имзоладилар. Ҳужжатда Оролбўйидаги вазиятдан ташвиш билдирилиб, уни ўнглаш нафақат минтақа мамлакатлари, балки бутун дунё халқлари манфаатига мос экани таъкидланди.

* * *

6-7 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Молдова пойтахти Кишинёвда бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг Кишинёвга ташрифи Молдова Президенти Владимир Воронин билан учрашувдан бошланди. Учрашувда Ўзбекистон билан Молдова ўртасидаги муносабатларнинг аҳволи ва истиқболи, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг «Кодру» қароргоҳида бўлиб ўтган тор доирадаги мулоқоти чоғида Ҳамдўстлик доирасида амалга оширилаётган ишлар, МДҲ фаолияти, мамлакатлараро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Кишинёв саммитида эркин савдо зонасини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Томонларни қизиқтирган яна бир туркум масала, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, шунингдек, жиноятчилик, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши ҳамкорликда курашиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Саммит иштирокчиларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида ҳам бу масалалар янада батафсилроқ муҳокама этилди. Хусусан, истиқболда жаҳон иқтисодий ҳамкорлик жараёнларининг жадаллашувини ҳисобга олган ҳолда, Ҳамдўстлик доирасида ахборот макони ва эркин савдо зонаси яратишга қаратилган истиқболли вазифаларни белгилаб олиш режаларига алоҳида эътибор берилди.

Президентлар наркотик моддалар, психотроп воситалар ва прекурсорларнинг ноқонуний савдосига қарши курашдаги ҳамкорлик концепциясини тасдиқладилар.

Шу билан бирга, саммитда чегара соҳасида ҳамкорликни янада такомиллаштириш ҳамда жиноятчиликка қарши биргаликда курашнинг 2003—2004 йилларга мўлжалланган дастурлари маъқулланди.

* * *

9 октябрь. Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» маърузасини Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёти ўзбек ва рус тилларида кўп нусхада чоп этди.

* * *

14-15 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов ўз сафарини Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний каби буюк зотларнинг ёдгорликларини зиёрат этишдан бошлади. Давлатимиз раҳбари 2003 йили Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг нишонланиши муносабати билан Ғиждувон шаҳрида улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, аввало, Хожаи Калон шарафига сазовор бўлган Абдулхолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуасини обод қилиш, ҳазратнинг қабри ёнида Мирзо Улуғбек бунёд этган масжид-мадрасани таъмирлаш ва зиёратчилар учун қулай шароит яратиш зарурлигини таъкидлади. Хусусан, ҳазрат ва ул зотнинг онаси осойиш топган жой (бу икки қабр ёнма-ён) атрофини ободонлаштириш борасида ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар билдирди.

Ислом Каримов ҳар икки зиёратгоҳни обод қилиш борасида махсус комиссия тузиш ва унинг таркибига уламолар, олимлар ва мутахассисларни киритиш зарурлигини таъкидлади.

Ислом Каримов Қашқадарё заминига ташриф буюрар экан, даставвал қадим Кеш — Шаҳрисабзнинг соҳибқирон Амир Темур номи билан аталувчи майдонида бўлди. Бу ерда бўлиб ўтган мулоқот чоғида давлатимиз раҳбари буюк соҳибқирон маданият, маърифат, бунёдкорликка алоҳида эътибор бергани, ҳар ишда етти ўлчаб, бир кесиб қарор чиқарганини қайд этар экан, унинг фаолиятини ҳар бир юртдошимиз теран ўрганиши зарурлигини таъкидлади. Шундан сўнг Ислом

Каримов шаҳардаги Доруттиловат ёдгорлик мажмуида Шайх Шамсиддин Кулол, Дорус-саодат ёдгорлик мажмуасида Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзо мақбараларини зиёрат қилди.

Президентимиз Қаршида бўлиб, одамларнинг кундалик турмуши, яшаш шароити, муаммолари билан қизиқди. Қарши туманидаги «Бешкент» элита уруғчилик хўжалигининг Содиқ Мирзаев бошчилик қилаётган оилавий пудратчилар бригадаси даласида бўлган чоғида пудратчилар ва хўжалик ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мукаммал бўлишига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Касби туманидаги Ҳамза Хўжақулов номидаги ширкат хўжалиги даласидаги суҳбатда Президентимиз пахта навини тола сифатига қараб танлаш зарурлигига эътибор қаратди. «Жейнов» ширкат хўжалигига ташриф чоғида Президентимиз пайчилар билан ҳисоб-китоб масалаларига алоҳида тўхталди. Хўжаликда бу борада тўпланган тажрибани оммалаштириш зарурлигини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов шу куни Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги «Бегойим», Хўжам Низаматов ва Пайариқ туманидаги Навоий номидаги жамоа хўжаликларида бўлди.

Меҳнаткашлар билан учрашувларда мамлакатимиз раҳбари жойларда ерга ва мулкка муносабат ўзгариб, тадбиркорлик кўникмалари қарор топиши қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳридаги «Суғдиёна» мавзесида барпо этилган замонавий истироҳат боғини ҳам бориб кўрди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов вилоят ҳокимлигида фаоллар билан йиғилиш ўтказди. Унда вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни муҳокама қилинди.

* * *

18 октябрь. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Музокара якунларига бағишланган матбуот анжуманида Ислом Каримов суҳбат очиқ ва самимий руҳда ўтганини, томонлар кўплаб масалалар юзасидан фикрлашганини маълум қилди.

«Мулоқотимиз давомида эътибор қаратилмаган масала қолмади ҳисоб, — деди Президент. — Террорчиликка қарши кураш, минтақавий хавфсизлик, Орол муаммоси, тараққиёт масалалари, Ўзбекистон — БМТ муносабатлари теран таҳлил этилди».

* * *

21 октябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Польша Республикаси Президенти Александр Квасневский билан учрашди. Президентларнинг яккама-якка суҳбати чоғида икки томонлама муносабатлар ва минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ кўплаб долзарб масалалар, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Польша расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ўзаро савдо-сотиқ муносабатлари, ҳарбий-техникавий, маданий, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Польша Республикаси Президенти Александр Квасневскийнинг қўшма коммюникеси имзоланди. Шунингдек, ҳукуматлар ўртасида уюшган жиноятчиликка қарши курашда ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар. Мамлакатимиз раҳбари музокаралар якунлари ҳақида тўхталиб, томонларнинг кўрилган барча масалалар бўйича фикрлари бир жойдан чиққанини, эндиги вазифа мана шу ҳамфикрликни амалиётга кенгроқ жорий қилишдан иборат эканини таъкидлади.

Дўрмон қароргоҳидаги музокаралар ниҳоясига етгач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Польша Республикаси Президенти Александр Квасневский икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форумида иштирок этдилар.

* * *

24 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Венгрия Республикасига жўнаб кетди.

* * *

28 октябрь. Венгрия парламентининг ҳашаматли биноси олдидаги «Кошута» майдонида Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Президент Ислом Каримов ҳамда Венгрия раҳбари Ференц Мадлнинг яккама-якка учрашувида икки ва кўп томонлама муносабатлар, қатор халқаро ва минтақавий муаммолар муҳокама қилинди. Халқаро миқёсдаги масалаларга Ўзбекистон ва Венгриянинг муносабатлари уйғунлиги таъкидланди. Айни чоғда Евроатлантик ҳамда Марказий Осиё минтақаларида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун улкан фаолият майдони мавжудлиги қайд этилди. Бунинг учун икки мамлакатнинг имконияти ва салоҳиятини тўлароқ ишга солиш, хусусан, нафақат саноат, балки қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам самарали ҳамкорлик қилиш мумкинлиги, икки мамлакат ишбилармон доираларининг бевосита мулоқотларини янада фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ушбу масалалар муҳокамаси икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳам давом эттирилди. Шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, техноген ва экологик ҳалокатларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш борасида ҳамкорлик хусусида фикрлашиб олинди.

Музокаралар сўнгида Президентларнинг ташриф якунлари бўйича қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида автомобилларда халқаро юк ва йўловчи ташиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ҳамда ҳимоялаш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган битимлар имзоланди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Будапештдаги «Қаҳрамонлар майдони»га бориб, ёдгорлик мажмуасига гул қўйди.

Парламент раиси Каталин Сили билан бўлган учрашувда Ўзбекистон билан Венгрия муносабатларининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, парламентлараро муносабатларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

29 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Венгрия ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Унда икки мамлакат ишбилармонлари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириши учун имкониятлар етарли экани таъкидланди. Мулоқот чоғида Президент Ислом Каримов венгриялик ишбилармонларни Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларида, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда дадил ҳамкорлик қилишга ундади.

Шу куни Ислом Каримов Будапешт шаҳри мэри Габор Демски билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат пойтахтлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу куни Венгрия Республикаси Бош вазири Петер Меддьеши билан бўлган суҳбатида ҳам асосий эътибор Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қаратилди.

Президентимиз шу куни қироллик саройида Миллий галерея экспонатларини томоша қилди. Венгрия миллий кутубхонасида сақланаётган нодир китоблар билан танишди.

* * *

29 октябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкентда ўз ишини бошлаган наркотик моддалар тарқатилишига қарши кураш масалаларига бағишланган халқаро конференция қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

29 октябрь. Президент Ислом Каримов Москвада содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида кўплаб бегуноҳ инсонларнинг қурбон бўлгани муносабати билан Россия Федерацияси Президенти В. Путинга йўллаган ҳамдардлик мактуби матбуотда эълон қилинди.

* * *

29 октябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов пахта тайёрлаш йиллик шартнома режасини биринчилар қаторида адо этган Қашқадарё вилояти пахтакорларига табрик йўллади.

* * *

30 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Антонио Мартинш да Крушни қабул қилди.

Учрашувда жаҳондаги ҳамда минтақамизда хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм, наркобизнесга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

31 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Бельгия Қироллиги молия вазири Дидье Рейндерсни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон — Бельгия муносабатларининг бугунги аҳволи, истиқболда ҳамкорлик қирраларини янада кенгайтириш ва рав-

нақ топтириш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

31 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқи «Қашқадарё воҳасининг зумрад гавҳари» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

6 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Франция Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Рено Мюзельени қабул қилди. Суҳбат мобайнида ўзаро манфаатли алоқаларни янада равнақ топтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

12 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлатга пахта топшириш йиллик шартнома режасини бажарган Самарқанд вилояти пахтакорларига табрик йўллади.

* * *

13 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рагбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Республика банк кенгашини тузиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 ноябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотига аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг биринчи учрашуви иштирокчилари — Қозоғистон Парламенти Мажлиси Раиси Жармахон Туёқбой, Қиргизистон Жогорку Кенгешининг Қонунчилик Йиғини Тўроғаси Абдуғани Эркебаев ҳамда Халқ Вакиллари Йигини Раисининг ўринбосари Сооронбой Жээнбеков, Тожикистон Мажлиси Олийси, Мажлиси Миллийсининг Раиси Маҳмадсаид Убайдуллоев ҳамда Вакиллар Мажлиси Раиси Сайдулло Хайруллоевни қабул қилди.

Учрашувда Марказий Осиёда интеграция жараёнларини ривожлантириш, кўп томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, парламентлараро алоқаларни равнақ топтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

18 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Банк-молия соҳасидаги тадқиқотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 ноябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов НАТО—Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этиш учун Чехия пойтахти Прага шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

21 ноябрь. НАТО—Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этиш учун Прагага ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов НАТО Бош котиби Жорж Робертсон билан учрашди. Музокарада Ўзбекистон ва НАТО ҳамкорлигининг бугунги аҳволи, дунёдаги сиёсий вазият, терроризмга қарши кураш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

21 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Хусусийлаштирилган савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳаси объектлари фаолиятидаги тартиб бузилиши ҳоллари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Вазирлар Маҳкамасининг «Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 19 июлдаги 257-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2002 йил 20 сентябрдаги 327-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

22 ноябрь. Президент Ислом Каримов Прагадаги «Конгресс-центр»да АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида тобора ривожланиб бораётган муносабатлар, жаҳонда ва минтақамизда хавфсизликни таъминлаш ҳамда халқаро террорчиликка қарши курашда ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди. АҚШ давлат ко-

тиби Колин Пауэлл Ўзбекистоннинг халқаро террорчиликка қарши курашда кўрсатаётган амалий ҳаракатларини юқори баҳолади.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов НАТО — Евроатлантика ҳамкорлик кенгашига аъзо давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳамда Европа Иттифоқи олий вакили даражасида ўтган мажлисда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари шу куни Франция Президенти Жак Ширак билан ҳам учрашди. Икки давлат раҳбарлари суҳбати чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги кенг қамровли алоқалар, дунёдаги вазият, халқаро террорчиликка қарши ҳамкорликда кураш чоралари ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

26 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 ноябрь. Гулистон шаҳрида Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Ушбу нутқ баёни «Ютуқлар калити одамлар ғурурини уйғотиш, уларнинг салоҳиятини, барча имкониятларини ишга солишда» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

28 ноябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки президенти Жан Лемьерни қабул қилди. Учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий қилиш, ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда ўтажак мажлисига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

* * *

28 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

4 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 декабрь. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Юртбошимизнинг таклифи билан янги — 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанадаги нутқи «Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

5 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг Сока университети ректори Масами Викаэни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга дунёдаги барча мамлакатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда маданият ва таълимни ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун Сока университети «Фахрий доктори» унвонининг дипломи топширилди.

Мулоқот чоғида Япониянинг университети билан мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва илмий муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

* * *

12 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунларини ҳамда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Давлат статис-

тикаси тўғрисида»ги ва «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

12-13 декабрь. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси бўлиб ўтди. Парламент сессиясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Давлатимиз раҳбари депутатлар муҳокамасига ҳавола этилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар лойиҳалари юзасидан сўзга чиқди.

* * *

13 декабрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШ давлат котибининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Алан Ларсонни қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро манфаатли алоқаларни, жумладан иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

13 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларини тасдиқлади.

* * *

16 декабрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссиясини тузиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

17 декабрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Россиянинг «Газпром» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди. Суҳбат чогида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мамлакатимиз газ саноатини ривожлантиришда катта аҳамият касб этиши таъкидланди. Бу борада истиқболли қўшма режалар ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга жорий қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

19 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Украина Республикаси Президенти Леонид Кучма амалий ташриф билан мамлакатимизга келди. Ташриф Дўрмон қароргоҳида икки давлат раҳбарларининг юзма-юз суҳбати билан бошланди. Президентлар Ўзбекистон билан Украинанинг ўзаро алоқаларига доир долзарб масалалар, халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида давлатлар раҳбарларининг суҳбатида кўтарилган масалалар муҳокамаси давом этди. Президентлар кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Украина ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг ишини яхшилаш зарурлигини таъкидладилар. Ислом Каримов комиссия таркибини янгилашни таклиф этди.

Мамлакатимиз раҳбари Украина томонини Ўзбекистондаги кенг хусусийлаштириш жараёнида фаол қатнашишга даъват этди. Самарали музокаралардан кейин Ўзбекистон ва Украина ташқи сиёсат маҳкамаларининг ҳамкорлиги ва фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

* * *

24 декабрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида иштирок этди. Президентларнинг учрашуви якунлари бўйича қўшма коммюнике қабул қилинди.

* * *

30 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлари таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Янги йил табриги йўллади.

2003 йил

* * *

10 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи ҳамда Божхона қўмиталари, «Ватанпарвар» ташкилоти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

* * *

24 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тошгузар — Бойсун — Қумқўргон» янги темир йўл линияси қурилишини жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Испания Қироли Хуан Карлос Биринчининг таклифига биноан 27 январь куни давлат ташрифи билан Испания Қироллигига жўнаб кетди.

Шу муносабат билан Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари журналистларга интервью берди.

* * *

28 январь. Президент Ислом Каримов Испанияга давлат ташрифининг иккинчи кунини Мадрид марказидаги «Леалтад» майдонида мамлакат озодлиги йўлида жон фидо қилган курашчиларга атаб бунёд этилган ёдгорлик пойига гул қўйишдан бошлади.

Испания Сенатида ушбу мамлакат парламенти етакчи вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Испаниядаги олий мартабали меҳмонни кутиб олишнинг ўзига хос анъаналарига биноан, аввал икки давлат мадҳиялари янгради. Сўнг Президентимизга Сенат ва Депутатлар конгрессининг медали топширилди. Ислом Каримов Сенатнинг қадимий ва бой кутубхонаси билан танишиб, «Олтин китоб»га дастхат битди.

Сенат ва Депутатлар конгресси ҳамда доимий қўмиталар раҳбарлари иштирокида ўтказилган қўшма йиғилишда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ҳақида сўзлади. Парламентлараро алоқаларни ривожлантириш мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналиши эканини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов, маҳаллий анъанага биноан, суворийлар кузатувида Мадрид мэриясига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарини шаҳар мэри Хосе Мария Алварес дел Манзано кутиб олди. Бу ерда Ислом Каримовга Мадрид шаҳрининг рамзий олтин калити тақдим этилди.

Мэр билан бўлиб ўтган суҳбат чогида Ўзбекистон ва Испаниянинг тарихий шаҳарлари ўртасида қарор топган қадимий алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш икки томон учун ҳам фойдали экани қайд этилди. Мадрид билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида бевосита ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Куннинг иккинчи ярмида «Монклоа» саройида Президент Ислом Каримов ҳамда Испания Ҳукумати Раиси Хосе Мария Аснар раҳбарлигида икки мамлакат делегацияларининг учрашуви бўлди. Музокарада Ўзбекистон билан Испания ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Музокара якунида Ўзбекистон билан Испания ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битим, шунингдек, иқтисодиёт вазирликлари, ташқи сиёсат маҳкамалари ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Испаниянинг Алкала де Энарес университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг бош котиби Франческо Франжиали билан учрашди. Учрашув чоғида Ўзбекистонда сайёҳликни янада ривожлантириш ва бу борада мамлакатимизнинг ушбу ташкилот билан ҳамкорлигини кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ислом Каримовнинг Испания Тадбиркорлар ва саноатчилар конфедерациясида бўлиб ўтган учрашувида эса Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳият ва имкониятлари, мамлакатимизда хориж сармояси учун яратилган имтиёз ва қулайликлар ҳақида сўз борди.

* * *

29 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мадридга давлат ташрифининг учинчи куни Испаниянинг энг йирик банкларидан бири «Банко Билбао Веская Аргентария» («ББВА») раҳбарларини қабул қилди. Учрашувда асосий эътибор молиявий ҳамкорлик масалаларига қаратилди. Президентимиз Ўзбекистон банк-молия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида сўзлаб, икки мамлакат ишбилармонларининг бевосита алоқаларини ривожлантириш ва Испания сармоясининг юртимизга киришининг кўпайишида «ББВА» муҳим ўрин тутиши мумкинлигини таъкидлади. Суҳбат чоғида Ўзбекистон молия муассасаларининг «ББВА» билан ҳамкорлигини кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Президент Ислом Каримов испанларнинг фахри, мамлакат ва Европа ўтмишига оид ноёб тарихий ашёлар, тасвирий санъат ва халқ ҳунармандлиги усталарининг нодир асарлари сақланадиган «Эл Прадо»ни бориб кўрди. Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди.

«Эл Прадо» қироллик саройида олий мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди. Президентимизни Испания Қироли Хуан Карлос Биринчи кузатиб қолди.

* * *

30 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Президенти маъмуриятининг раҳбари Александр Волошинни қабул қилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, минтақамизда хавфсизликни мустаҳкамлаш, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

4 февраль. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Миллий Армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» номли янги рисоласи «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чоп этилди.

* * *

4 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Улгуржи савдо корхоналарини солиққа тортишни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

4 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 февраль. Оқсаройда Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти, мазкур кенгаш раиси Ислом Каримов бошқарди.

* * *

11 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Германия федерал мудофаа вазири Петер Штрукни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, Афғонистондаги вазият, тикланиш жараёни, минтақавий хавфсизликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

12 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда АҚШнинг қатор йиллардан буён мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилиб келаётган «Данавант» компанияси президенти Уильям Данавантни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистондаги пахта тозалаш заводларини замонавийлаштириш, толанинг экспорт-импортини такомиллаштириш соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари муҳокама этилиб, алоқалар кўламини кенгайтириш бўйича фикр алмашилди.

* * *

13 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2003—2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлиси бўлди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди. Ушбу маъруза «Ислоҳотлар стратегияси —мамлакати-

миз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

Шу куни Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 февраль. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейини бориб кўрди.

Музей билан танишар экан, Президентимиз залларнинг жиҳозланиши, экспозициянинг ғоявий-маънавий концепцияси юзасидан ўз мулоҳазаларини баён қилди. Бу ердаги ҳужжат ва ашёлар нафақат мутахассислар, балки кенг жамоатчилик қизиқиб томоша қиладиган, ўрганадиган ҳамда жаҳон аҳли тарихимизни эътироф этадиган даражада мукаммал бўлиши зарурлигига эътиборни қаратди.

* * *

25 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда республикада санитария-эпидемиологик вазиятни янада яхшилаш, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир кўкламги ишларни ташкил этиш ва Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш мақсадига қаратилган фармойишга имзо чекди.

* * *

26 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Ҳиндистон мудофаа вазири Жорж Фернандесни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, кадрлар тайёрлаш борасида ўзаро ахборот алмашиш, минтақавий хавфсизлик ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

28 февраль. Оқсаройда қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Президент Ислом Каримов бошқарди.

* * *

3 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 март. Словакия Республикаси Президенти Рудольф Шустер расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Юксак мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан кейин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Словакия раҳбари билан яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг аҳволи ва истиқболи, халқаро муаммолар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро миқёсдаги долзарб муаммолар юзасидан фикрлашар экан, Ўзбекистон ва Словакиянинг муайян масала ё вазиятга бераётган баҳоси, қарашлари ва муносабатлари яқин эканини таъкидладилар.

* * *

7 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 март. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги матбуотда эълон қилинди.

* * *

12 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Оқсаройда Испания Қироллигининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Хосе Мария Роблес Фрага ишонч ёрлиғини топширди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Афғонистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Абдул Самаддан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентига Индонезиянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Хасим Салех ишонч ёрлиғини топширди.

Президент Ислом Каримов Грециянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Дмитриос Параскевопулосдан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

* * *

13 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Оқсаройда Мексика Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Рауль Фортунанто Кардосо Майкот ишонч ёрлиғини топширди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Хорватия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Амир Мухаремидан ишонч ёрлиғини қабул қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентига Словения Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Франци Демшар ишонч ёрлиғини топширди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Норвегия Қироллигининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ойвинд Нордслеттендан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Жанубий Африка Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Собизиана Мнгикикана ишонч ёрлигини топширди.

* * *

13 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 март. Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади.

* * *

24 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация-пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 апрель. Президент Ислом Каримов «2003 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 апрель. Украина Президенти Леонид Кучма амалий ташриф билан Тошкентга келди. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Украина раҳбарининг якқама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон — Украина муносабатларига доир масалалар, халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов ва Леонид Кучма Ироқда кечаётган воқеалар, Афғонистондаги тикланиш жараёни, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга оид масалаларни муҳокама қилиб, бу борада икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини, Афғонистондаги тикланиш ишларида, айниқса, йўлсозлик, кўприксозлик, транспорт каби кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиш мумкинлигини таъкидладилар.

* * *

11 апрель. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Украина Президенти Леонид Кучма ўртасидаги музокаралар давом этди.

Президентлар Ўзбекистон—Украина муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари хусусида фикр алмашдилар. Жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Дўрмондаги музокаралар чоғида халқаро тузилмалар доирасида ҳамкорлик масалаларига, жумладан, МДҲ доирасидаги жараёнларга ҳам эътибор қаратилди. Томонлар, шунингдек, муҳим халқаро муаммолар юзасидан фикрлашиб олдилар. Президентлар Ироқдаги вазиятни муҳокама қилар экан, ҳарбий ҳаракатлар имкон қадар тез ниҳоясига етиб, мамлакатда демократия тамойилларига мос янги жамиятни шакллантириш бошланишининг тарафдори эканини билдирдилар.

Учрашувда хавфсизлик борасида, яъни барқарорликка таҳдид соладиган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

17 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2003—2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 апрель. Руминия Президенти Ион Илиескуни Дўрмон қароргоҳида расмий кутиб

олиш маросими бўлди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Руминия раҳбари билан яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг аҳволи ва истиқболи, халқаро муаммолар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро миқёсдаги долзарб муаммолар юзасидан фикрлашар экан, Ўзбекистон ва Руминиянинг қарашлари ва муносабатлари яқин эканини таъкидладилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Руминия Президентлари қўшма баёнотга имзо чекди.

* * *

23 апрель. Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Дания Қироллигининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ларс Виссинг ишонч ёрлигини топширди.

Президент Ислом Каримов шу куни Бельгия Қироллигининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Андре Мерньедан ишонч ёрлигини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон Президентига Австралиянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Лесли Адриан Роу ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

24 апрель. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди. Ушбу маъруза «Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

24 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

25 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

29 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фавқулодда вазиятларга қарши ҳаракат бўйича халқаро «Фарғона—2003» машқларининг қатнашчиларига табриги матбуотда эълон қилинди.

* * *

29 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз пойтахтидаги таъмирдан чиқарилган ва янги қурилган «Гранд Мир (аввалги «Россия»), «Ле Меридиан — Тошкент палас» («Тошкент»), «Дўстлик» меҳмонхонаси ўрнида қад ростлаган «Дедеман Силк Роад — Тошкент», янги «Радиссон САС —Тошкент» меҳмонхоналари билан танишди.

* * *

30 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан НАТО бош котиби Жорж Робертсон ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

* * *

1 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Оқсаройда Халқаро валюта жамғармаси Иккинчи Европа департаменти директори Жон-Одлинг-Смини қабул қилди. Учрашувда ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

1 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президенти Жан Лемьерни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан ЕТТБ ҳамкорлигини янада кенгайтириш имкониятларига оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

2 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 май. Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе пойтахтимизга келди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Эдуард Шеварднадзе ўртасида мулоқот бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида томонлар Ўзбекистон — Грузия муносабатларига оид масалалар, халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

4 май. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик мажлиси бошланди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

4 май. Тошкентда ўтаётган Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Грузия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қиргизистон Президентлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашдилар.

Ислом Каримов, Эдуард Шеварднадзе, Нурсултон Назарбоев, Имомали Раҳмонов ва Аскар Акаев иштирокида кўп томонлама музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини, жумладан, савдо-иқтисодий алоқалар кўламини янада кенгайтириш, халқаро майдонда юзага келган вазият, МДҲ доирасида кечаётган жараёнлар, Афғонистон ва Ироқни тиклаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

5 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ молия вазирининг ўринбосари Жон Тейлорни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари юзасидан фикр алмашилди, молиявий соҳадаги ҳамкорлик, сармоя жалб қилиш, савдо-иқтисодий алоқаларга оид масалаларга эътибор қаратилди.

* * *

5 май. Президент Ислом Каримов шу куни Оқсаройда Япония молия вазири Масадзюро Шиокавани қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

6 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 май. Тошкентда Халқаро Вестминстер университети очилди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов мазкур университетга ташриф буюриб, унинг очилишига бағишланган тантанали маросимда қатнашди ва нутқ сўзлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 январдаги қарорига биноан иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси, Ташқи ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Британия кенгаши ва Вестминстер университети (Буюк Британия) ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети ташкил этилган эди.

Меҳмонлар замонавий услубда жиҳозланган кенг ва ёруғ аудиториялар, ахборот-ресурс маркази, кутубхона, компьютер, маънавият ва маърифат хоналарини кўздан кечирдилар.

* * *

8 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни мамлакат Президенти, ушбу кенгаш раиси Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда Ироқ ва унинг теварагида юзага келаётган вазият муҳокама этилди. Шунингдек, Миллий хавфсизлик кенгашининг янги таркиби тасдиқланди, Ўзбекистон Республикасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги давлат ва ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифалари белгиланди.

* * *

9 май. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонида бўлиб, Иккинчи жаҳон урушида, Ватан равнақи ва озодлиги йўлида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди. Бир гуруҳ зиёлилар билан суҳбатлашди, мухбирларнинг саволларига жавоб қайтарди.

* * *

10 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғуломнинг ҳайкали очилишига бағишланган маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

13 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

15 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Россия Фе-

дерациясининг «Андрей Первозванний» жамғармаси Васийлар кенгаши раиси Владимир Якунин раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Оқсаройдаги учрашув чоғида меҳмон Ислом Каримовга «Цивилизациялар мулоқоти» халқаро мукофоти тарзида бериладиган «Андрей Первозванний» орденини тантанали равишда тақдим қилар экан, мамлакатимиз раҳбарининг цивилизацияларараро мулоқот ривожига қўшган улкан ҳиссаси, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамфикрликни ривожлантириш борасида юритаётган изчил сиёсатини яна бир карра қайд этди.

Учрашувда Президент Ислом Каримов Россия Федерациясининг ушбу давлат мукофоти нафақат Ўзбекистон раҳбарининг саъй-ҳаракатларига, балки Ўзбекистонда бағрикенглик тамойиллари асосида ижтимоий тотувликни мустаҳкамлаш, маданий ва маънавий қадриятларни тиклаш ва бойитиш борасидаги ишларга, умуман, юртимиз маънавий ҳаётида кечаётган жараёнларга берилган баҳо эканини таъкидлади.

* * *

15 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти билан чегарадош ҳудудида хавфсизликни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

15 май. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари иштирокчиларига табриги матбуотда эълон қилинди.

* * *

19 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Италия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Маргарита Пониверни қабул қилди. Учрашувда икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

22 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, янги бунёд этилган иншоотлар билан танишиш мақсадида Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Юртбошимиз вилоят бўйлаб сафарини Андижон шаҳридаги олимпия захиралари коллежи билан танишишдан бошлади. Жаҳон андозалари даражасида юксак дид билан қурилган ва замонавий жиҳозланган спорт зали давлатимиз раҳбарида яхши таассурот қолдирди.

Президентимиз вилоят марказидаги яна бир янги иншоот — 20 минг томошабинга мўлжалланган стадионни бориб кўрди. Президентимиз стадионнинг замон талабларига мос равишда барпо этилганини таъкидлар экан, спорт мусобақалари миллий қадриятларимизга мос ва хос равишда ўтказилишига алоҳида эътибор қаратиш муҳим эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз Президенти Асака туманидаги «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалиги далаларида деҳқонлар билан суҳбатлашди. Мулоқот чоғида Юртбошимиз пахта уруғчилиги мактабини ривожлантириш, сара уруғ олишга эътибор қаратиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Фаргона вилоятининг Қува туманидаги М. Обидов номидаги ширкат хўжалиги меҳнаткашлари амалга ошираётган ишлар билан ҳам танишди. Мамлакатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги экинлари парваришида режа ортидан қувиш эмас, балки деҳқон манфаатдорлигини бош масала қилиб қўйди.

Тумандаги Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги меҳнаткашлари билан суҳбат ҳам самимий руҳда ўтди.

Юртбошимиз Қиргули туманидаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида қурилаётган аммиак селитраси ишлаб чиқариш цехи лойиҳаси билан танишди. Ислом Каримов мутахассислар эътиборини ишлаб чиқариш тармоқларидаги хавфсизлик масалалари, маҳсулот сифати, ишчилар учун яратиладиган шароитлар борасидаги ишларга қаратди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари — «Автойна» ва «Кварц» акциядорлик жамиятлари фаолияти билан ҳам танишди. Ишчи-хизматчилар ва мутахассислар билан суҳбатлашди.

* * *

22 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Наманган вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Уйчи туманининг Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги далаларини айланар экан, туман ва хўжалик

раҳбарлари, деҳқонлар билан зарур агротехник тадбирлар ҳақида суҳбатлашди. Президентимиз фермерлар, ширкат аъзолари ва пудратчиларнинг даромадлари, турмуш шароити билан қизиқди.

Шундан кейин мамлакатимиз раҳбари «NESTLE» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонасига ташриф буюрди.

Юртбошимиз табиий сут, бананли сут, газланган ва газланмаган маъданли сув, болалар овқати каби ўндан зиёд маҳсулот тайёрланадиган цехлардаги технологик жараёнларни кўздан кечирди. Ислом Каримов корхона мутасаддилари ва мутахассислар билан мулоқот чоғида қўшма корхона истиқболлари хусусидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Президентимиз Наманган шаҳрининг Амир Темур кўчасида, 14 гектарлик майдонда бунёд этилаётган «Ёшлар» спорт мажмуи қурилиши билан танишди. Давлатимиз раҳбари бу улкан дам олиш мажмуаси келгусида вилоят аҳли учун муносиб истироҳат ҳамда спорт масканига айланиши учун нималарга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги хусусида ўз таклифларини билдирди.

Юртбошимиз Шарқий ҳарбий округнинг Чортоқ туманида жойлашган сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам бўлиб, бу ерда барпо этилаётган объектлардаги ишларни тезлаштириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

Мамлакатимиз раҳбари шаҳардаги «Паҳлавон» спорт мажмуини ҳам кўздан кечирди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг «Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига имзо чекди ва В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига табрик йўллади.

* * *

24 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг етмиш йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони матбуотда эълон қилинди.

* * *

28 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг саммити ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этиш учун Россия Федерациясига жўнаб кетди.

* * *

28-31 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясида бўлиб, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Санкт-Петербург саммитида ҳамда Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллик юбилейига бағишланган тантаналарда иштирок этди.

* * *

29 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитига ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Кремлда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви бўлди. Учрашув қатнашчилари ташкилотнинг олдинги саммитларида белгиланган вазифалар ижросини муҳокама этдилар. Президент Ислом Каримов ушбу саммитда нутқ сўзлади.

Музокара якунида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг декларацияси қабул қилинди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви ҳамда Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда иштирок этиш учун Санкт-Петербургга жўнаб кетди.

* * *

30-31 май. Санкт-Петербург шаҳрида МДҲга аъзо мамлакатлар Президентларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар кун тартибидаги асосий масала — эркин савдо зонаси ҳақида фикрлашдилар. Бу ҳақдаги ҳужжат имзоланганига ўн йил бўлганига қарамасдан, у ҳали ҳам ҳаётда ўз аксини топмагани таъкидланди.

Президентлар МДҲ саммитидан кейин Санкт-Петербург юбилейига бағишланган тадбирларда ўз мулоқотларини давом эттирдилар.

* * *

3 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитидаги (Москва шаҳри, 2003 йил 29 май) нутқи матбуотда чоп этилди.

* * *

3 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 июнь. Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши-

нинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва жамғарманинг 2003 йил бюджетини тасдиқлаш, спорт анжомлари, кийим-кечаклар ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқариш, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларини тасдиқлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

* * *

5 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония — Ўзбекистон қўмитаси раиси, «Мицуи» компанияси бошқаруви раиси Нобуо Охаши раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чогида Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатимизга кунчиқар ўлкадан келтирилаётган замонавий технологиялар ва жалб этилаётган япон сармояси ҳажмини оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Андижон шаҳрида бошланган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

14 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17-18 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Эрон Ислом Республикасида бўлди.

Президентлар музокара якунлари юзасидан қўшма баёнот имзоладилар. Ҳукуматлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар, савдо имтиёзлари, ўсимликлар карантини борасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Эрон Экспортни ривожлантириш банки ўртасида кредит битими, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати билан Эрон Хавфсизлик вазирлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми қабул қилинди. 2000 йили имзоланган экстрадиция тўғрисидаги битим бўйича ратификация ёрлиқлари алмашилди.

Ташрифнинг иккинчи кунида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий ва Афғонистон Муваққат Ҳукумати Раиси Ҳамид Карзай иштирокида уч томонлама учрашув бўлди.

Музокаралар якунида Ислом Каримов, Муҳаммад Ҳотамий ва Ҳамид Карзай ушбу масалаларни қамраган халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги битимга имзо чекдилар.

Ўзбекистон раҳбари Ислом тараққиёт банки (ИТБ) президенти Аҳмад Муҳаммад Али ал-Маданий билан ҳам учрашди. Суҳбат давомида халқаро коммуникация тармоқларини ривожлантиришда ИТБ билан ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, томонлар мазкур банк билан Ўзбекистон молия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масаласини муҳокама этдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Афғонистон Муваққат Ҳукумати Раиси Ҳамид Карзай иштирокида икки мамлакат делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон—Афғонистон муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатимиз томонидан қўшни ўлкага ёрдамни кўпайтириш, тикланиш ишларидаги иштирокини кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Эронга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

20 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов касб байрами муносабати билан матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

27 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Эронга расмий ташрифи натижалари, юқори даражадаги Ўзбекистон — Эрон учрашуви ҳамда Афғонистон Муваққат Ҳукумати Раиси Ҳамид Карзай иштирокидаги уч томонлама музокаралар жаҳон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Хусусан, Мисрнинг нуфузли нашрларидан бири бўлмиш «Ал-мустақбал» газетаси июнь ойи сонида Теҳрон саммити натижаларига бағишланган «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов — Марказий Осиёда тинчликнинг ишончли элчисидир» сарлавҳали бош мақолани чоп этди.

* * *

28 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Франция мудофаа вазири Мишел Аллио-Марини қабул қилди. Мулоқот чоғида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси билан Франция ўртасидаги муносабатлар муттасил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Учрашувда ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги тикланиш ишлари хусусида фикрлашилди.

* * *

30 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди ҳамда мамлакатда биринчи бўлиб галла тайёрлаш режасини муваффақиятли бажарган Сурхондарё вилояти галлакорларига табрик йўллади.

* * *

1 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбстни Ўзбекистондаги элчилик ваколати ниҳоясига етгани муносабати билан қабул қилди. Учрашувда Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, халқларимизни бир-бирига яқинлаштириш йўлидаги хизматлари учун Жон Хёрбст Ватанимизнинг «Дўстлик» ордени билан тақдирланганини маълум қилди ва элчига мазкур орденни топширди.

* * *

5-6 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Алмати шаҳрида бўлди. Анжуманда ташкилотга Ўзбекистон томони раҳбарлик қилган даврда мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида салмоқли одимлар қўйилгани эътироф этилди.

Музокаралар чогида минтақада иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Учрашув якунлари бўйича бир нечта ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси, Қозогистон Республикаси, Қиргизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат раҳбарларининг қўшма баёноти, терроризм, экстремизм ва наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотига аъзо давлатлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни кучайтириш тўғрисидаги қарор тасдиқланди.

* * *

7 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ички бозорни ёғоч-тахта материаллари билан тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Нидерландия Қироллиги ташқи ишлар вазири Яап де Хуп Схефферни қабул қилди. Учрашувда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, террорчилик, миллий айирмачилик, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ЕХҲТ билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, тезкор ахборот алмашинувини такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Музокарада, шунингдек, Ўзбекистоннинг Нидерландия билан ҳамкорлигини ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

10 июль. Президент Ислом Каримов Польша Республикаси Президенти Александр Квасьневскийнинг таклифига биноан расмий ташриф билан Варшава шаҳрига жўнаб кетди.

Шу куни Польша Президенти саройидаги расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Польша Президенти Александр Квасьневскийнинг яккама-якка учрашуви бўлди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон —Польша алоқаларини ривожлантириш, мамлакатларимизнинг иқтисодий-сиёсий, маданий, маърифий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. Президентлар, шунингдек, долзарб халқаро масалалар, хусусан, Афғонистонни тиклаш, халқаро ташкилотлар, дастур ва лойиҳалардаги икки томонлама ҳамкорлик борасидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Икки давлат делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида эса томонлар Ўзбекистон — Польша ҳамкорлигини ривожлантириш, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кўламини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ҳужжат имзолаш маросими аввалида мамлакатимиз раҳбари Польша Президентига ҳаёт тақозоси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга келиб қолган поляклар тақдирини ўзида акс эттирувчи архив ҳужжатларини топширди.

Ҳужжат имзолаш маросимида ҳукуматлар ўртасида иккита кредит битими, божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги битимлар имзоланди. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ва Польша Миллий мудофаа вазирлиги ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги декларация, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Польша Халқаро муносабатлар институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Польша сайёҳлик ташкилоти ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Польшанинг Банк государства краевего ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чекилди.

Ислом Каримов ҳамда Александр Квасьневскийнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувида музокаралар чоғида муҳокама қилинган масалалар, икки мамлакат ҳамкорлигининг диққатга сазовор жиҳатларига оид ахборот берилди. Президентлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Варшавадаги Номаълум аскар қабрига гул қўйди.

Куннинг иккинчи ярмида Польша парламентида ўтказилган учрашув чоғида Ислом Каримов Польша Сенати Раисининг ўринбосари Й. Данеляк хоним ҳамда Польша Республикаси Сейми Маршали М. Боровский билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ҳамда Польша ўртасидаги ҳамкорлик, хусусан, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни жадаллаштириш, мавжуд ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, томонлар ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйишга оид масалалар тўғрисида фикрлашилди.

* * *

11 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Польша Республикаси Бош вазири Лешек Миллер билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Польша ҳамкорлигини ривожлантириш, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди. Томонлар мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солишда Ўзбекистон — Польша Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг фаолиятини жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси Польшанинг Гданьск шаҳрига келиб, шаҳарнинг тарихий қисмини томоша қилди.

Шу куни Гданьск шаҳрида Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияси вакилларининг Польша ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликда дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

18 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган мажлиси бўлди. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва маъруза қилди. Ушбу маъруза матбуотда чоп этилди.

* * *

Шу куни Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерациясининг «Газпром» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди. Учрашувда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ўртасидаги ҳамкорликнинг мавжуд аҳволи ва истиқболига оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

31 июль. Президент Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Бухоро вилоятида бўлди.

Юртбошимиз сафари Баҳоуддин Нақшбанд қадамжоси зиёратидан бошланди.

Ислом Каримов қадамжодаги катта миқёсдаги тиклаш ва таъмирлаш ишлари билан танишар экан, зиёратгоҳни таъмирлашда Самарқанд ва Шаҳрисабздаги тарихий қадамжоларни обод этиш борасида орттирилган ибратли тажрибалардан ижодий фойдаланиш зарурлигини қайд этди. Ҳазрат мақбарасига бориладиган йўлакни сариштaлаб, икки четига тут дарахтлари экиш, зиёратгоҳ ҳовлисидаги ҳовузни, айвонлар, деворлар, устунлар, дарвозаларни миллий меъморлик намуналари асосида қайта таъмирлаш юзасидан амалий тавсиялар берди.

Юртбошимиз XVI асрда барпо этилган, шўролар замонида унутилган, истиқлол йилларидагина эъзоз ва эътибор топган қадимий обида — Чор Бакир меъморий ёдгорлигида ҳам бўлди.

Президентимиз мазкур меъморий обида тарихини атрофлича ўрганиш учун тарихчи олимлар, тегишли ташкилотлар вакилларидан иборат махсус ишчи гуруҳ тузиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг Ислом Каримов Вобкент туманининг Ином Наимов номидаги ширкат хўжалигида бўлиб, қишлоқ аҳлининг яшаш шароити билан қизиқди.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг бориши хусусида тўхталди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига келди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Қарши туманидаги «Бешкент» элита уруғчилик хўжалиги аъзолари, С. Раҳимов номидаги ширкат хўжалиги вакиллари билан учрашди. Суҳбат чоғида мелиорация, ирригация, агротехника тадбирларининг самарадорлигини оширишга оид масалалар хусусида тўхталди.

Ислом Каримов вилоят фаоллари билан учрашиб, Қашқадарёда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, уларнинг натижалари, вилоят меҳнаткашлари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида суҳбатлашди.

* * *

1 август. Президент Ислом Каримов Қарши шаҳридаги сержантлар мактабига бориб, аскар ва офицерлар билан учрашди. Суҳбат чоғида сержантлар тайёрлаш ишини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади. Мамлакатимиз раҳбари ҳарбийларнинг яшаш ва ўқиш шароитини яхшилашга доир фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, бу борада тегишли раҳбарларга зарур маслаҳат ва топшириқлар берди.

Ислом Каримов Шаҳрисабз туманида ҳам бўлди. Болта Фозилов номидаги ширкат хўжалигида оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган Раҳмон Юсупов даласидаги учрашув чоғида деҳқонни рағбатлантириш масаласи ҳақида алоҳида тўхталди, ташаббус деҳқоннинг ўзидан чиқиши муҳимлигини таъкидлади. «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги Яҳё ота Эргашев оиласи меҳнат қилаётган пахта даласидаги учрашув чоғида ҳам шу мавзу атрофида суҳбатлашилди.

Юртбошимиз масаланинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатига алоҳида эътибор қаратар экан, ер ва меҳнат тақсимотига ҳар бир минтақада ўзига хос шароитдан келиб чиқиб ёндашиш зарурлигини қайд этди.

* * *

4 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 август. Вазирлар Маҳкамаси Раиси Ислом Каримов «Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 август. Президент Ислом Каримов Самарқандга ташриф буюрди. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбари вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари, мавжуд муаммолар ҳамда уларни ечиш йўллари ҳақида гапирди. Юртбошимиз меҳнаткашларни рағбатлантириш, уларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилаш, таълим соҳасини ривожлантириш, ижтимоий ҳаётда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш каби масалаларга тўхталди.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар кўламини кенгайтиришга қаратилган вазифалар ҳақида сўзлади.

* * *

6 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Ўзбекистонга келган Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан Самарқанд шаҳрида учрашди.

Шаҳардаги қароргоҳда Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Россия раҳбари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг аҳволи, ҳамкорлик истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

6 август. Президент Ислом Каримов ғаллачилик соҳасида тарихий маррага эришган Ўзбекистон галлакорларига қутлов йўллади.

* * *

13 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Жон Абизаидни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, террорчиликка қарши кураш, минтақавий хавфсизликка оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

13 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

19 август. Президент Ислом Каримов Самарқандда меҳмон бўлиб турган АҚШ Сенатининг Ташқи алоқалар бўйича қўмитаси раиси Ричард Лугар раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Самарқанд шаҳридаги қароргоҳда бўлиб ўтган учрашувда томонлар минтақада оммавий қирғин қуролларининг ноқонуний тарқалишига, экологик муаммоларга қарши кураш масалаларини муҳокама қилди. Икки томонлама ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

19 август. Президент Ислом Каримов «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзавтойўл» давлат-акционерлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов «Андижон вилоятини Амир Темур ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов «Хоразм вилоятини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 август. Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Фарит Мухаметшин ишонч ёрлиғини топширди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Малайзиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Моҳд Заин бин Абу Бакардан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

* * *

22 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Бошқарув ходимлари сонини тартибга солиш ва уларга сарфланадиган харажатларни мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маънавият ва маърифат, санъат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Шарқ тароналари» анъанавий халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларига табрик йўллади ва «Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисидаги» фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимлари-

дан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш ҳақида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

27 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Қуролли кучлар бўйича қўмитасининг ҳарбий таъминот бўйича ички қўмитаси раиси Курт Велдон раҳбарлигидаги бир гуруҳ конгрессменларни қабул қилди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

27 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек ва Маннон Уйғур кўчалари кесишган жойда бунёд этилган кўприкни бориб кўрди.

Мамлакатимиз раҳбари мутасаддилар билан суҳбат чоғида кичик ҳалқа йўлини қуришдан мақсад шаҳар бўйлаб узлуксиз ҳаракатланиш имкониятини яратиш эканини таъкидлади.

Ислом Каримов одатда аввал йўл барпо этилиб, кейин ён-атрофга уй-жой ва бошқа иморатлар қурилиши лозимлигига эътиборни қаратди.

Мамлакатимиз раҳбари шу ерда пойтахтга янги олиб келинган «Мерседес» русумидаги автобусларни кўздан кечирди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтини ҳам бориб кўрди.

Мамлакатимиз раҳбари ҳозирги шароитда малакали ёш кадрларга эҳтиёж катта экани учун мазкур институт ташкил этилганини таъкидлади ва бўлажак божхоначиларга муваффақият тилади.

Шундан сўнг Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг Савдо ва кўргазма марказида бўлиб, мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига багишлаб ташкил этилган «Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти» мавзусидаги кўргазма билан танишди.

* * *

29 август. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси ўз ишини бошлади. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» (янги таҳрири)ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги ва «Фидокорона хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига имзо чекди.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги фармонга имзо чекди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги қонунини тасдиқлади.

* * *

31 август. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов пойтахтимиздаги Мустақиллик май-

донида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади.

* * *

3 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Лондон сити лорд-мэри Гэвин Артурни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Буюк Британия, хусусан, Лондон сити ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

4 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Чжаосинни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари, хавфсизликка таҳдид солаётган омилларни бартараф этишда ҳамкорликни кучайтиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

5 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов, Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин, Қозоғистон ташқи ишлар вазири Қосимжўмарт Токаев, Қирғизистон ташқи ишлар вазири Асқар Айтматов ва Тожикистон ташқи ишлар вазири Талбак Назаровни қабул қилди.

Оқсаройдаги учрашувда ШҲТни янада ривожлантириш, ташкилот доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

8 сентябрь. Дўрмон қароргоҳида давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келган Малайзия Қироли Янг Ди-Пертуан Агонг Ўн иккинчи Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайлни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Президент Ислом Каримов ва Қирол Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайлнинг яккама-якка суҳбатида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, хавфсизлик ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди.

* * *

12 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Нукус шаҳрининг 70 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Президент фармонига кўра, Нукус шаҳри «Дўстлик» ордени билан мукофотланган эди. Юртбошимиз Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотини шаҳар ҳокимига топширди.

* * *

12 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 сентябрь. Президент Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммитида иштирок этиш учун Ялта шаҳрига келди.

* * *

19 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди. Мулоқот асосан Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболига бағишланди.

Шу куни Президент Ислом Каримов МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашувида ҳамда кенгайтирилган таркибдаги мажлисида иштирок этди.

* * *

25 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда НАТО бош котиби Жорж Робертсонни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан НАТО ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, ташкилот доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

25 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Дўстлик» орденли

Навоий кон-металлургия комбинатининг 45 йиллиги муносабати билан ушбу корхона жамоасига табрик йўллади.

* * *

26 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари Борис Алёшинни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

26 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги фармонини имзолади.

* * *

26 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Навоий кон-металлургия комбинатининг 45 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармони матбуотда эълон қилинди.

Шу куни давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов пойтахтимизда ўтаётган Ислом тараққиёт банки инвестицион конференцияси иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

30 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Алини қабул қилди. Учрашувда мазкур банк билан ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, биргаликда янги лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

30 сентябрь. Президент Ислом Каримовнинг «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони матбуотда эълон қилинди.

* * *

2 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республика газ таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ампутант ногиронлар ўртасида футбол бўйича Олтинчи жаҳон чемпионати қатнашчилари ва меҳмонларига табрик йўллади.

* * *

7 октябрь. Президент Ислом Каримовнинг янги тузилаётган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади. Юртбошимизнинг нутқи «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўрнини эгаллаши лозим» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

8 октябрь. Президент Ислом Каримов белгиланган шартнома режасини мамлакатда биринчи бўлиб бажарган Сариосиё тумани пахтакорларига табрик йўллади.

* * *

9-10 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Грузияда бўлди.

Президентларнинг Крцанис ҳукумат қароргоҳидаги дўстона мулоқотида икки томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, қатор халқаро муаммолар, хавфсизлик, дунёвий ва минтақавий миқёсда икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Сафарнинг иккинчи куни кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бўлиб ўтди. Унда Президентлар суҳбатида кўрилган масалалар янада кенг қамровли муҳокама этилди.

Икки мамлакат раҳбарлари тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида БМТ, МДҲ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида амалий ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олдилар. Шунингдек, террорчилик, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси, уюшган жиноятчилик каби иллатларга қарши биргаликда кураш масаласи хусусида ҳам фикрлашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнотга имзо чекдилар. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида консуллик конвенцияси,

Ўзбекистон ҳукумати билан Грузия ҳукумати ўртасида психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилишига қарши курашда ҳамкорлик, фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш шартлари, даврий нашрлар ва китоб маҳсулотларини айирбошлаш ҳамда тарқатиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

* * *

13 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2003 йил ҳосили пахта хом ашёсини сақлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги катта ҳиссаси, республиканинг банк ва молия тизимига юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси проректори, Васеда университети профессори Тошихару Китамурани «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

* * *

21 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Ли Чонг-Вукни қабул қилди. Учрашувда мамлакатимиз раҳбари ўта хавфли юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишини доимий мониторинг ва назорат қилиб боришнинг энг самарали чораларидан бири Эпидемия ва эпизоотиялар назорати бўйича минтақавий марказ тузиш эканини таъкидлаб, Ўзбекистон ўз ҳудудида шундай марказни жойлаштиришга тайёрлигини маълум қилди.

* * *

27 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўгрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Украина ташқи ишлар вазири Константин Гришченкони қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Украина муносабатлари ҳамда мамлакатларимизнинг халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасидаги ҳамкорлигига оид, шунингдек, минтақамизда ва халқаро майдондаги вазият билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашилди.

* * *

3 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШнинг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази консультанти, АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси З. Бжезинскийни қабул қилди. Суҳбат чогида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар, минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро террорчиликка қарши кураш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

4 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Осиё тараққиёт банки президенти Тадао Чинони қабул қилди.

Ўзбекистон 1995 йили ОТБга аъзо бўлганидан кейин ўтган вақт давомида ушбу банк мамлакатимиздаги 12 та лойиҳа учун жами 645,5 миллион АҚШ доллари ажратди. Шунингдек, Ўзбекистонга умумий қиймати 27,2 миллион долларга тенг 44 грант берилди.

Учрашувда ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

* * *

10 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё масалалари бўйича ёрдамчиси Элизабет Жонс ҳамда АҚШ давлат котибининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича ёрдамчиси Лорн Крейнерни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари, минтақавий хавфсизлик, инсон ҳуқуқла-

рига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

10 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарган Сурхондарё вилояти пахтакорларига, барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

12 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Халқаро валюта жамгармаси фармойиш берувчи директорининг ўринбосари Шигемитсу Сугисакини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттиришда халқаро молиявий ташкилотлар, жумладан, ХВЖ билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

12 ноябрь. Президент Ислом Каримов Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича вазирлар анжумани қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

13 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Жаҳон банки вице-президенти Шигео Катсуни қабул қилди. Суҳбат чогида келгусида биргаликда амалга оширилиши мумкин бўлган янги лойиҳалар, алоқаларнинг самарали йўналишларига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

24-26 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Болгария Республикасида бўлди.

Президентларнинг юзма-юз суҳбатидан олдин Ўзбекистон раҳбари Номаълум аскар қабрига гул қўйиб, Болгариянинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо этган инсонлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Болгария Президенти Георги Парвановнинг мулоқоти давомида икки томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Президентлар сиёсий жабҳада ҳамкорлик жадал ривожланаётганини таъкидлаган ҳолда ишбилармон доираларнинг вакиллари учун кенг имкониятлар яратиб бериш, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, транспорт коммуникациялари ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор бердилар.

Халқаро миқёсдаги муаммолардан террорчилик ва экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғнинг ғайриқонуний савдоси Президентларнинг диққат марказида бўлди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида Ўзбекистон — Болгария муносабатларини сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-маърифий ва илмий-техникавий йўналишларда кенгайтиришга доир талай масалалар муҳокама қилинди. Бунда, айниқса, иқтисодий соҳага алоҳида эътибор қаратилар экан, товарлар ва хизматларнинг нархи ёки икки мамлакат ўртасидаги масофанинг нисбатан узоқлиги эмас, кўпроқ ҳуқуқий асоснинг етарли даражада такомиллаштирилмагани асосий тўсиқ бўлаётгани қайд қилинди.

Музокара якунида Ўзбекистон ва Болгария ҳукуматлари ўртасида даромад ва мулкка икки томонлама солиқ солмаслик тўғрисидаги битим, ветеринар-санитария конвенцияси, темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, халқаро алмашлаб юк ташиш тўғрисидаги битим, ноқонуний яшаб юрган шахсларни қайта қабул қилиш тўғрисидаги битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Давлат ташрифи асносида Ўзбекистон раҳбари Болгария Республикаси Халқ Йиғини Раиси Огнен Гержиков билан музокара ўтказди. Учрашувда Ўзбекистон билан Болгария ўртасида парламентлараро муносабатларни ривожлантириш, икки томонлама ҳамкорликка оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш каби масалалар муҳокама этилди.

Ислом Каримов Болгария Бош вазири Симеон Сакскобургготский билан ҳам учрашди. Музокарада асосан савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Сафар чогида Ўзбекистон раҳбари Болгария давлатининг юксак мукофоти — «Старо планина» ордени билан, Георги Парванов эса Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

* * *

27 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қадимий Бухоро заминига ташриф буюриб, улуғ аллома Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Ғиждувоний хиёбонида қад ростлаган беш юз ўринли спорт саройининг очилишида ҳам иштирок этди.

* * *

1 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Тлеухан Кабдрахманов, Вьетнам Социалистик Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Фам Зуй Шон, Хитой Халқ Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Гао Юйшен ҳамда Эрон Ислом Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Фатҳалидан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

* * *

1 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 декабрь. Президент Ислом Каримов Хоразм вилоятига Жалолиддин Мангуберди орденини топширишга бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Шу куни Юртбошимиз Хива шаҳридаги «Хива-Корпет» Ўзбекистон—Германия қўшма корхонасини бориб кўрди, корхона цехларидаги замонавий тўқув дастгоҳлари, гилам тўқиш жараёни билан танишиб, гиламларнинг замонавий, миллий шакл ва усуллардаги янги нусхаларини яратиш, бу ишга ёш мусаввирларни кенг жалб этиш лозимлигини уқтирди.

Президент Ислом Каримов Урганч шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб, аскарлар билан суҳбатлашди. Уларнинг яшаш шароити, ҳарбий-жанговар тайёргарлиги билан қизиқди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари «Хоразм» спорт мажмуида бўлиб, бу ерда амалга оширилган ишларга юқори баҳо берди.

* * *

2 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири Юрий Шевченкони қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, кадрлар тайёрлаш, қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, техникавий соҳадаги алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

2 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

3 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Андижон вилоятига Амир Темур орденини топширишга бағишланган тантанали йигилишда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Шу куни Президентимиз Андижон тиббиёт институти қошидаги академик лицейда бўлиб, у ерда ўқувчиларнинг билим олиши учун яратилган шароит билан танишди.

* * *

5 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда республикамиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган бир гуруҳ юртдошларимизга давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

* * *

5 декабрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Президентимиз кириб келаётган 2004 йилни «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанадаги нутқи «Конституция – юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Польша Республикаси Президентининг халқаро масалалар бўйича маслаҳатчиси Анджей Майковскини қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги ҳамкорликка доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

10 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ш.М. Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 декабрь. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини бошлади. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

* * *

11 декабрь. Президент Ислом Каримов «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ва «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

12 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

12 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссиясини тузиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

15 декабрь. Президент Ислом Каримов, Озарбайжон Республикасининг собиқ Президенти, Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган давлат ва жамоат арбоби, моҳир сиёсатчи Ҳайдар Алиевнинг вафоти муносабати билан Озарбайжоннинг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюриб, халқимиз ва ҳукуматимиз номидан ушбу мамлакат халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик изҳор этди. Хотира китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирди.

* * *

16 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

19 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Дўрмон қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Туркия Республикаси Бош вазирини кутиб олиш маросими бўлди.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Режеп Эрдоганнинг яккама-якка суҳбати бошланди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Туркия ўртасида савдо-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳадаги алоқалар, томонларни қизиқтирган бошқа халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ислом Каримов ва Режеп Эрдоганнинг мулоқоти икки мамлакат делегацияларининг музокарасида янада кенг кўламда давом этди. Томонлар муносабатларнинг бугунги босқичини таҳлил этар экан, ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплиги, жумладан, Афгонистондаги тикланиш ишларида ҳамкорлик қилиш ҳақида ҳам фикрлашди. Европадан Афгонистонгача бўлган транспорт коммуникацияси тармоғини ривожлантириш, хусусан, 2004 йилда Тошкентда бу масалага бағишлаб халқаро анжуман уюштириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Бош вазири Режеп Эрдоган музокаралар якунлари бўйича қўшма баёнотга имзо чекдилар. Шунингдек, халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик ва дипломатик паспорт эгалари учун визаларни бекор қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар ҳам имзоланди.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ҳўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди ва Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоларига, барча илмий ходимларига табрик йўллади.

* * *

29 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқиловни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларига оид долзарб масалалар, жумладан, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика захираларидан фойдаланишда ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди.

* * *

9 январь. Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари йигилишда 2003 йил 4 июнь куни ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йигилишида қўйилган вазифаларнинг бажарилишига оид масалаларга тўхталди, 2004 йилга мўлжалланган режаларга, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида болалар спортини ривожлантириш, спорт иншоотларини барпо этиш дастурининг бажарилишига эътиборни қаратди.

«Спорт — миллатнинг, бутун халқнинг сиёсати, — деди Юртбошимиз. — Барча соҳаларда бўлгани каби, спортни ривожлантиришда ҳам муайян қийинчиликлар мавжуд эди. Болалар спортини ривожлантиришга эътибор қаратиш билан соҳадаги кўплаб муаммоларга ечим топдик, деб ўйлайман. Бу борада бошлаган ишларимиз ўзини оқлади. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш мақсадида бу ишга қўл урганмиз. Ўтган қисқа даврда олдимизда турган вазифалар ва уларни амалга ошириш йўлларини аниқлаб олдик. Бу ташаббусимиз, хайрли ишимиз ўз мевасини беради, албатта».

Йигилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

10 январь. Президент Ислом Каримов «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 январь. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Моделлаштириш ва симуляция бўйича информацион технологиялар махсус марказига ташриф буюрди.

Марказ энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган. Президентимиз бу ерда яратилган шарт-шароитдан мамнун бўлди. Бу ерда сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари махсус дастурга мувофиқ ўз малакасини оширади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ягона ҳисобланган мазкур марказ ҳарбийларимизнинг ўқув-тактик машғулотлар ва жанговар операцияларни моделлаштиришни ўрганишида, замонавий информацион технологияларни ўзлаштиришида муҳим аҳамиятга молик маскан бўлиб қолади.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

* * *

13 январь. 2004 йил 13 январь куни Термиз — Тошкент маршрути бўйича НҮ-1154-рейсни амалга ошираётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли ЯК-40 самолёти Тошкент шаҳри аэропорти ҳудудида авиаҳалокатга учради. Натижада 37 киши, жумладан, 5 нафар экипаж аъзоси ҳалок бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни кечқурун ҳалокат рўй берган жойга борди. Давлатимиз раҳбари ҳалок бўлганларнинг оилаларига зарур ёрдам кўрсатиш, авиаҳалокат сабабларини атрофлича ўрганиш ва аниқлаш бўйича тезкор ташкилий чоралар кўриш ҳақида кўрсатма берди.

14 январь куни Юртбошимиз одамлар ўлимига сабаб бўлган мазкур авиаҳалокат тафсилотини атрофлича ўрганиш ва тегишли чоратадбирлар кўриш ҳақидаги ҳукумат қарорига имзо чекди.

* * *

14 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2004—2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Экинларнинг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига қарши курашни янада кучайтириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 январь. Президент Ислом Каримовнинг Кувайт Давлатига расмий ташрифи арафасида мамлакат пойтахти — Ал-Кувайт шаҳридаги Шератон меҳмонхонасининг маросимлар залида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг араб тилида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва

тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Кувайт Давлати қатор вазирлик ва муассасалари ходимлари, илмий, ижтимоий ва ишбилармон доиралари ҳамда халқаро ташкилотлар, хорижий дипломатик ваколатхоналар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

* * *

19-20 январь. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Кувайт Давлатига жўнаб кетди.

Ал-Кувайт шаҳри аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Кувайт Давлати Бош вазири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ кутиб олди. Шу ернинг ўзида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳда Кувайт савдо ва саноат палаталари кенгаши раиси Саъд Али ан-Ноҳизни, Кувайт Миллий Мажлиси Раиси Жосим ал-Харрофийни қабул қилди. Кувайт Давлати Амирининг «Баён» қароргоҳида Президент Ислом Каримов билан Бош вазир шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг яккамаякка учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон — Кувайт ҳамкорлигига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди.

Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида Ўзбекистон билан Кувайт ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт Давлати ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқ тўлашдан қочиш, ҳаво алоқаси борасидаги, шунингдек, террорчилик, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид битимлар ҳамда Ўзбекистон ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

* * *

23 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Меҳр ва мурувват йили» дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 январь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жон Роберт Пурнелл ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

29 январь. Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Юртбошимизнинг ушбу нутқи «Мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш — тараққиёт омили» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

5 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарорга ва «2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарорига имзо чекди.

* * *

7 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига багишланган йигилиши бўлди. Унда Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Ушбу маъруза «Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш — асосий вазифамиз» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

18 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Япониянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Каватони қабул қилди. Учрашувда иқтисодий салоҳияти ва сармоявий имкониятлари жиҳатидан қудратли давлатлар сафида турадиган Япония Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий шерикларидан бири экани эътироф этилиб, Мамлакатимиздаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашда, йирик лойиҳаларни амалга оширишда Япония сармоясининг ўрни катта экани таъкидланди.

Кунчиқар мамлакат Ўзбекистон билан ижтимоий соҳада, хусусан, таълим ва илм масканлари инфратузилмаларини ривожлантириш, маданий алоқаларни кенгайтириш борасида ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор билан қарайди.

Ислом Каримов Япония элчиси билан суҳбатда ўзаро муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этар экан, ҳали ҳамкорлик кўламини кенгайтиришнинг имкониятлари кўплигини алоҳида таъкидлади.

* * *

18 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Олий тоғ-кон кенгаши раиси, Россия нефть-газ саноатчилари иттифоқи кенгаши раиси Юрий Шафраникни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида тоғ-кон саноати соҳасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Бу борадаги алоқалар илмий ва илмий-техникавий жиҳатдан ривожланаётгани қайд этилди.

* * *

18 февраль. Президент Ислом Каримов «2004—2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

21 февраль. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан Польша Республикаси Президенти Александер Квасневский рафиқаси билан Тошкентда тўхтаб ўтди. «Тошкент-2» аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди. Шу ернинг ўзида икки мамлакат Президентларининг музокараси бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Александер Квасневский Ўзбекистон — Польша муносабатларига оид долзарб масалалар, томонларни қизиқтирган қатор халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Икки мамлакат раҳбарлари мулоқот қисқа бўлганига қарамай, жуда самарали кечганини алоҳида таъкидладилар.

Польша раҳбари Президент Ислом Каримовнинг таклиф ва кўрсатмалари асосида таъмирланиб, янада жозибадор ва муҳташам бўлган «Тошкент-2» аэропортининг илк меҳмони бўлди.

Юртбошимиз мажмуанинг ҳар бир безаги ва меъморий ечимларини диққат билан кўздан кечирди. Мазкур мажмуа юксак мартабали меҳмонларни кутиб олиш, турли учрашувлар, матбуот анжуманлари ўтказиш учун мўлжалланган.

«Бу даргоҳ мамлакатимиз остоналаридан биридир. Бу ерга қадам қўйган ҳар бир меҳмон Ўзбекистон ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиши, юртимизга хос миллий руҳни ҳис этиши керак», деди Ислом Каримов.

Мамлакатимиз раҳбари аэропорт ишини янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

* * *

24 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Дональд Рамсфельдни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама алоқалар, минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашга оид масалалар, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

* * *

3 март. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2003 йил май ойида Москвада ўтган саммитида унинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасини Тошкентда жойлаштиришга келишиб олинган эди. Шунга биноан 2004 йилнинг 1 январидан ана шу қўмита ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 март куни мазкур муассаса билан танишди.

* * *

5 март. Президент Ислом Каримов Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига табрик йўллади.

* * *

10 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ижрочи котиби Чжан Дэгуанни қабул қилди. Учрашувда ШҲТ фаолияти, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш. Ўзбекистон — Хитой муносабатлари, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

10 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россиянинг Москвадаги А.Бакулев номли Юрак-қон томир жарроҳлиги илмий маркази директори Лео Бокерияни қабул қилди.

Ўзбекистонга хайрли мақсад билан келган Л. Бокерия ўз ташрифини академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия марказида меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиси бўлган, туғма юрак хасталигига чалинган икки болани ўта мураккаб жарроҳлик операцияси йўли билан даволашдан бошлади.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Россиянинг кардиожарроҳлик соҳасида фао-

лият юритувчи мутахассислари ўртасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

11 март. Президент Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 март. Президент Ислом Каримов Ҳазорасп тумани ҳудудида Амударё узра бунёд этилган кўприкни фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

12 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш тузиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

16 март. Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали суҳбатлашди. Ўзбекистон раҳбари ўз суҳбатдошини Россия давлатига қайтадан Президент этиб сайлангани муносабати билан қутлаб, унга сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, Россия халқига тинчлик ва равнақ тилади.

* * *

16 март. Президент Ислом Каримов «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбеккино» Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европа Иттифоқининг ташқи алоқалар бўйича комиссари Кристофер Паттенни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар кенг кўламда ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан унинг ТАСИС дастури доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Европа Иттифоқи муносабатлари, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

21 март. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Тантанада Президент Ислом Каримов иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади.

* * *

23 март. Президент Ислом Каримов таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Кенгайтирилган таркибдаги музокарада Ўзбекистон — Озарбайжон ҳамкорлигига доир қатор масалалар муҳокама қилинди. Музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларацияга имзо чекдилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

* * *

25 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 март. 28—29 март кунлари Тошкент шаҳрида террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Бу воқеалар натижасида бир неча нафар ҳуқуқтартибот идоралари ходимлари ҳамда тинч

аҳоли вакиллари қурбон бўлди ва турли даражада тан жароҳати олди.

Шу воқеалар муносабати билан Президент Ислом Каримов Ўзбекистон телевидениеси учун махсус интервью берди. Ушбу интервью «Ёвуз кучлар халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

30 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Литва Республикасининг собиқ Президенти Валдас Адамкусни қабул қилди.

Литванинг собиқ раҳбари ЮНЕСКОнинг яхши ният элчиси сифатида фаолият юритмоқда. Президент Ислом Каримовнинг фармонига биноан Ўзбекистон — Литва муносабатлари ривожига қўшган улкан ҳиссаси ва икки мамлакат халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари учун Валдас Адамкус «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган эди.

Музокара якунида Президент Ислом Каримов меҳмонга «Буюк хизматлари учун» орденини топширди.

* * *

30 март. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тошкент ирригация ва мелиорация институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 апрель. Президент Ислом Каримов НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффер билан телефон орқали мулоқотда бўлди. НАТО бош котиби мазкур халқаро ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари номидан Ўзбекистон билан ҳамжиҳатлигини таъкидлаб, террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлган ва жабр чекканларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.

* * *

2 апрель. Президент Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш билан телефон орқали суҳбатлашди. Жорж Буш Ўзбекистондаги террорчилик хуружлари халқаро террорчилик жиноятларининг узвий қисми, яъни бир кўриниши эканини қайд этди ва террорчилик ҳаракатлари қурбонларининг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.

* * *

3 апрель. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Болгария ташқи ишлар вазири Саломон Пассини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон — ЕХҲТ муносабатлари ва мамлакатимизнинг Болгария билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик муаммолари ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 апрель. Президент Ислом Каримов ЕХҲТнинг «Таълим — келажакка йўналтирилган сармоя» минтақавий конференцияси иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

7 апрель. Президент Ислом Каримов давлат ташрифи билан Латвия Республикасига жўнаб кетди. Мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.

* * *

7 апрель. Шу куни Президент Ислом Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи бошланди. Рига қасрида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан сўнг қасрда икки мамлакат Президентлари Ислом Каримов ва Вайра Вике Фрейберганинг тор доирадаги суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон — Латвия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада Ўзбекистон билан Латвия ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида консуллик конвенцияси, Тошкент ва Рига шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Латвия Парекс банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Сўнгра матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ислом Каримов Вайра Вике Фрейберга ҳамроҳлигида Озодлик ёдгорлигига ташриф буюриб, Латвия халқи қаҳрамонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Ёдгорлик пойига гул қўйди.

Мамлакатимиз раҳбари Латвия Республикаси халқаро мукофотлар жамғармасининг «Мўъжизакор Николай» ордени билан тақдирланди.

* * *

8 апрель. Президент Ислом Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифининг

иккинчи куни Рига Думаси раиси — шаҳар мэри Г.Боярс билан учрашувдан бошланди. Ислом Каримов Рига Думасининг фаолияти билан яқиндан танишгач, Г.Боярс ҳамроҳлигида «Кронвольда» боғига келди. Риганинг энг сулим гўшаларидан бўлмиш ушбу боғда буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳайкалининг расмий очилиш маросими бўлди.

Президент Ислом Каримов маросимда сўзга чиқиб, Латвия заминида ўзбек халқининг буюк сиймолари, маданий, илмий қадриятлари эъзозланаётгани учун латиш халқига ва ҳукуматига миннатдорлик изҳор этди.

Ислом Каримовнинг Латвия Республикаси Сейми Раиси И.Ударе билан учрашувида Ўзбекистон билан Латвия қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Президентимизнинг Латвия Республикаси Бош вазири И.Эмсис билан ўтказган музокараси мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, савдо-саноат, транспорт алоқаси, маданий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

13 апрель. Президент Ислом Каримовга Венгрия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ференц Контра, Канаданинг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Кристофер Уэстдел, Руминиянинг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Константин Алекса, Чехия Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Алеш Фойтик ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

14 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 60 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15-16 апрель. Президент Ислом Каримов амалий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташрифидан асосий мақсад икки томонлама муносабатларга доир қатор долзарб масалаларни муҳокама этиш ва Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда террорчилик, экстремизм, наркобизнес каби халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашишдан иборат эди.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари Ново-Огарёво қароргоҳида ушбу масалалар юзасидан атрофлича фикрлашди.

Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон — Россия муносабатлари ўзаро ишонч ва ҳамкорлик тамойилларига асосланишини таъкидладилар. Учрашувда Ўзбекистон ва Россиянинг стратегик ҳамкорлигини яқин орада расмийлаштиришга келишиб олинди.

Мулоқот чогида Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлашга, террорчиликка қарши ҳамкорликда курашишга доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар савдо-иқтисодий алоқаларда эришилган натижаларни таҳлил этиб, келгусида бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалаларни муҳокама қилдилар. Икки мамлакат ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам асос ва кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидладилар. Олий даражадаги мулоқотлар, маслаҳатлашувлар ва амалий учрашувларни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Ислом Каримов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан ҳам учрашди. Шунингдек, Россия Саноатчилари ва ишбилармонлари иттифоқи раиси Аркадий Волскийни, ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги бош директори Виталий Игнатенкони қабул қилди.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи якунига етди.

* * *

16 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига табрик йўллади.

* * *

29 апрель. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси ўз ишини бошлади. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимизнинг ушбу сессиядаги нутқи «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боглиқ» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

29 апрель. Президент Ислом Каримов «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

30 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

3 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 май. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Хотира майдонига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Юртбошимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Сўнгра журналистлар билан суҳбатлашди.

* * *

9 май. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Мактаб таълимини ривожлантириш дастури бўйича махсус комиссиянинг йиғилишини ўтказди.

* * *

12 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Ивановни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, минтақада хавфсизликни таъминлаш ва Афғонистондаги вазиятга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

18 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Камол Харрозийни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон – Эрон муносабатлари, Афғонистондаги тикланиш ишлари, минтақавий хавфсизликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

20 май. Президент Ислом Каримов «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 май. Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мазкур нутқ «Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш – ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

25 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 май. Президент Ислом Каримов Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқи «Ҳамкорлик ва минтақавий интеграция халқларимиз манфаатига хизмат қилади» сарлавҳаси билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

31 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 июнь. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мазкур нутқ «Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

3 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Игор Ивановни қабул қилди.

Игор Иванов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгаши котибларининг 4 июнь куни Тошкентда ўтказиладиган учрашувига қатнашиш учун келган эди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро ҳамкорлиги, мамлакатларимизнинг ШҲТ доирасидаги муносабатлари ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

4 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиблари Игор Иванов, Булат Утемурадов,

Амирқул Азимов, Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котибининг ўринбосари Мукамбек Қосималиев ва Хитой Халқ Республикаси жамоат хавфсизлиги вазирининг ўринбосари Ян Хуаньнинни қабул қилди. Учрашувда ШҲТ саммитига тайёргарлик ва минтақавий хавфсизликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

7 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг Афина шаҳри (Греция)да ўтказиладиган 2004 йилги XXVIII ёзги олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этишини таъминлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерациясининг «Россия темир йўллари» очиқ акциядорлик жамияти президенти Геннадий Фадеевни қабул қилди.

Г. Фадеев МДҲ мамлакатлари Темир йўл транспорти бўйича кенгашининг Тошкентда ўтаётган 38-мажлисида қатнашиш учун келган эди. Мазкур тадбирнинг Ўзбекистонда ўтказилаётгани мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги салоҳиятидан яна бир далолатдир.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар кўламини кенгайтиришда темирйўлчиларнинг ҳам ҳамкорлиги муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Бу борада янги имкониятларни топиш ва ишга солишга оид масалалар муҳокама этилди.

* * *

9 июнь. Президент Ислом Каримов Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича кенгашининг 38-мажлиси қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

14 июнь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмон ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

* * *

15 июнь. Дўрмон қароргоҳида Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаони расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао шоҳсупага кўтарилди.

Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтаонинг яккама-якка суҳбатида Ўзбекистон — Хитой муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимиз сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани, хавфсизлик масалалари борасидаги алоқалар фаоллашаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Хитой илм-фан, маданият, таълим, сайёҳлик, спорт, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ҳам алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор. Мулоқот чоғида бу йўналишлардаги ҳамкорликни ҳар томонлама рағбатлантириб боришга келишиб олинди.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасида шерикчилик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари оммавий ахборот воситалари учун берган баёнотида музокаралар дўстлик, очиқлик, ишчанлик руҳида ўтганини, муҳокама қилинган барча масалалар бўйича ҳамфикрлик мавжудлигини таъкидладилар.

* * *

16 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда ШҲТ саммитида қатнашиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Оқсаройда аввал яккама-якка, кейин кенгайтирилган тартибда ўтказилган музокараларда Ислом Каримов ва Владимир Путин биринчи галда савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари мамлакатларимизнинг сиёсий муносабатларини янада ривожлантириш, илгари эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишни жадаллаштиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар. Икки томонлама асосда ҳамда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида террорчиликка, экстремизмга, қурол-яроғ контрабандаси ва наркобизнесга қарши курашиш соҳасидаги амалий ҳамкорликни янада кучайтириш тобора муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Ислом Каримов ва Владимир Путин минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга доир ва ўзларини қизиқтирган бошқа халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашув якунида Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар.

* * *

16 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерация-

си Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов жамоатчилик ҳамда дипломатик корпус вакиллари ва хорижий меҳмонлар иштирокида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент учрашуви қатнашчиларига бағишлаб Халқлар дўстлиги саройида намойиш этилган концерт дастурини томоша қилдилар.

* * *

17 июнь. Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммити бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислик қилди.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси Қозогистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон Президентларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Нурсултон Назарбоев, Ху Цзиньтао, Асқар Акаев, Владимир Путин, Имомали Раҳмонов ва Ислом Каримов ШҲТни ривожлантириш ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, қатор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Саммит қатнашчилари ШҲТ давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича Тошкент декларацияси, ШҲТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир қатор ҳужжатларни имзоладилар.

Журналистлар билан учрашувда саммит қатнашчилари мулоқотлар ғоят самарали бўлганини, имзоланган ўнта ҳужжат ташкилот тўғри йўлдан бораётганини кўрсатишини таъкидладилар.

* * *

21 июнь. Оқсаройда Президент Ислом Каримов томонидан 2004 йил 25 майда имзоланган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармоннинг ижросига бағишланган мажлис ўтказилди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу фармон хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни бутунлай янги босқичга кўтариш мақсадида қабул қилинганини қайд этди.

* * *

22 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Украинанинг Тарас Шевченко номидаги Киев миллий университети ректори Виктор Скопенкони қабул қилди.

Виктор Скопенко қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Киев миллий университети илмий кенгаши Ўзбекистон — Украина муносабатларини ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари, икки мамлакат олий таълим муассасаларининг ҳамкорлигини кенгайтиришга қўшган беқиёс ҳиссаси, кадрлар тайёрлаш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариб, бу соҳага кўрсатаётган ғамхўрлиги учун Президент Ислом Каримовга мазкур университетнинг фахрий доктори унвонини беришга қарор қилганини маълум қилди. Мамлакатимиз раҳбарига тантанали равишда фахрий доктор дипломини топширди.

Президент Ислом Каримов эътироф ва эътибор учун миннатдорлик билдирди.

* * *

25 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Украина Бош вазири Виктор Янукович қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон — Украина муносабатларини, айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

25 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан мамлакатимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

29 июнь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ—3434-сонли фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 июль. Президент Ислом Каримов «2004 йил 1 августдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 июль. Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Пу-

тиннинг таклифига биноан амалий ташриф билан Москвага жўнаб кетди.

* * *

3 июль. Мамлакатимиз раҳбари Москвада МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди. Унда Ҳамдўстликнинг сентябрь ойига мўлжалланган Остона саммитига тайёргарлик кўриш, МДҲ доирасида интеграция жараёнларини жадаллаштириш ва савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, Афғонистондаги вазиятга доир масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган қатор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси ҳукумати раиси Михаил Фрадков билан учрашди. Мулоқот чоғида асосан мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

6 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Владимир Рушайлони қабул қилди. Учрашувда МДҲ мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар ва кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилар экан, ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ҳамдўстликнинг сентябрь ойига мўлжалланган Остона саммитига тайёргарлик борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

* * *

7 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 июль. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мазкур нутқ «Раҳбар ташаббускор, талабчан ва албатта адолатли бўлмоғи лозим» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

9 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 июль. Президент Ислом Каримов шахмат бўйича жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновга табрик йўллади.

* * *

14 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё масалалари бўйича ёрдамчиси Элизабет Жонсни қабул қилди. Учрашувда ўзаро сиёсий, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларни янада ривожлантиришга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳамда Афғонистондаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

15 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

16 июль. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 июль. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Франция Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жан-Бернар Харт, Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Петер Буркхард ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

26 июль. Президент Ислом Каримов атоқли ёзувчи Чингиз Тўрақулович Айтматовга мактуб йўллади.

* * *

27 июль. Қисқа муддатли дам олишда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ялтада амалий ташриф билан Украинага келган Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ислоҳ қилишда кўмаклашишга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

* * *

31 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари бўйича ташкил этилган ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлисини бошқарди.

Мамлакатимиз раҳбари террорчилик оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва

яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирди. Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун барча чора-тадбирлар кўрилиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

* * *

3 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 август. Оқсаройда Президент Ислом Каримов ҳузурида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда келгуси йилнинг иқтисодий стратегияси, солиқ ва давлат бюджет сиёсати концепцияси ҳамда 2005 йилнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети лойиҳаси муҳокама қилинди.

* * *

10 август. Президент Ислом Каримов Афина шаҳрида ўтказиладиган XXVIII ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спортчиларига табрик йўллади.

* * *

12 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси Ричард Майерсни қабул қилди. Учрашувда ўзаро ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, минтақавий хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

12 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 август. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

23 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга ва «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонларни имзолади.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказди.

Мамлакатимиз раҳбари шу йил 9 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишида қўйилган вазифаларнинг бажарилишига, спорт иншоотлари барпо этиш дастури доирасида жойларда амалга оширилаётган ишлар ва уларни молиялаштириш манбалари, 2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини бажаришда жамғарманинг ўрни ва аҳамияти, жисмоний тарбия ўқитувчи кадрларини тайёрлаш аҳволининг таҳлилига алоҳида эътибор қаратди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазири Йорико Кавагучи хонимни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон — Япония муносабатларига, Марказий Осиёда интеграция жараёнларини ривожлантириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Экспорт назорати тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисо-

дий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш ҳақида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26-27 август. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси ўз ишини бошлади. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан давлатимиз раҳбари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Амударё узра бунёд этилган қўшма автомобиль ва темир йўл кўприги қурилишида фаол қатнашган ишчи ва хизматчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов мустақиллик байрами арафасида Тошкентнинг Амир Темур кўчаси билан Ҳусниддин Асомов кўчаси кесишган чорраҳада фойдаланишга топширилган янги кўприкни бориб кўрди.

Шунингдек, «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида Чорсу бозори яқинида барпо этилган 4-оилавий поликлиника билан ҳам танишди.

Байрам арафасида юртимизда еттита қўшма корхона ишга туширилди. Шулардан бири «Сағбонтекстил» қўшма корхонасидир. Мамлакатимиз раҳбари ана шу корхона фаолияти билан танишди.

Мустақиллик майдони рўпарасида қад ростлаган яна бир кўркам сарой — Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси пойтахтимизнинг қиёфасига янги мазмун бахш этди. Юртбошимиз мазкур галереяни бориб кўрди.

* * *

29 август. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди. Бу ерда Юртбошимиз жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашиб, ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

* * *

31 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

3 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Республика қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Афина шаҳрида бўлиб ўтган XXVIII ёзги олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Универсиада — 2004» спорт ўйинлари иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

6 сентябрь. Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳрида юз берган террорчилик фожиаси жаҳон аҳлини ларзага солди. Бу мудҳиш воқеа террор балосининг мамлакат, миллат, ёш танламаслигини яна бир марта кўрсатди. Юзлаб гўдаклар, ўн гулидан бир гули очилмаган йигит-қизлар — мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, ота-оналар террор қурбони бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига, Россия халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик билдирди. Элчихонанинг таъзия китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирди.

* * *

7 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Афинада ўтган XXVIII ёзги олим-

пиада ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган спортчиларимизни, уларнинг устоз ва мураббийларини қабул қилди. «Бутун мамлакатимиз, кўпмиллатли халқимиз номидан барчангизга, тренер ва мураббийларингизга —Афинада ёнингизда бўлганларга, Ўзбекистонда туриб сизларни қўллаб-қувватлаганларга чуқур миннатдорлик билдираман, — деди Юртбошимиз учрашувда. — Ўзбекистон байроғини, ўзбек спортини, юртимиз шаъни ва шарафини улуғлаганингиз учун барчангизга раҳмат. Жаҳоннинг икки юздан ортиқ мамлакати орасида терма жамоамиз умумий ҳисобда 34-ўринни эгаллагани, Сиднейдаги ўйинларга нисбатан етти поғона юқори кўтарилгани ҳаммамизга катта қувонч ва ифтихор бағишлайди».

* * *

12-13 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Дўрмон қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Яккама-якка суҳбат чоғида Президентлар ўзаро муносабатларнинг аҳволини таҳлил этиб, истиқболларини муҳокама қилдилар.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон учун Чехия билан сиёсий мулоқот, иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа соҳалардаги алоқалар муҳим аҳамиятга эга. Чехия ҳам Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги ўзининг ишончли ҳамкори ҳисоблайди.

Чехия Ўзбекистоннинг минтақада интеграцияни ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Вацлав Клаус Ўзбекистон ва Чехия Президентларининг қўшма баёнотига имзо чекдилар.

* * *

15-16 сентябрь. Президент Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди.

Саммит қатнашчилари Россияда рўй берган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралади ва бундай хунрезликка қарши курашда ушбу мамлакат билан бирдамлигини билдирдилар.

МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашувида ҳам, кенгайтирилган тартибдаги музокараларида ҳам террорчиликка қарши курашда ўзаро ҳаракатларни такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Саммит қатнашчилари ялпи хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда, террорчилик, экстремизм ва уюшган жиноятчиликка, қуроляроғ ва наркотик моддалар контрабандасига, ноқонуний муҳожирликка қарши курашда амалий ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтириш чораларини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг баёноти қабул қилинди.

Саммитда энергетика, сув захиралари, транспорт ва бошқа соҳаларда МДҲ мамлакатларининг ҳамкорлигини ривожлантиришга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб сайланди.

Остонада Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Владимир Путин икки томонлама алоқалар, жумладан, хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликка доир масалаларни муҳокама қилдилар.

* * *

17 сентябрь. Халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мазкур нутқ «Қонун ва адолат устуворлиги эркин ва фаровон ҳаёт кафолатидир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

21 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 сентябрь. Президент Ислом Каримовга Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Суҳроб Ҳусайн, Япониянинг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Юичиро Кусумото, Исроил давлатининг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Эммануэль Мель ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

23 сентябрь. Президент Ислом Каримов Корея Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Мун Хаёнг, Германия Федератив Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб

тайинланган Ханс-Йоахим Кидерлендан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

* * *

24 сентябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

5 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ давлат котибининг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Линкольн Блумфилдни қабул қилди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг аҳволи ва истиқболларига, минтақавий хавфсизликка, халқаро террорчиликка қарши биргаликда курашишга оид масалалар муҳокама этилди.

* * *

5 октябрь. Президент Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, қишлоқ аҳлининг турмуши билан бевосита танишиш мақсадида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига сафарини Қарши шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактаби билан танишишдан бошлади. Аскар ва офицерлар билан суҳбат чоғида сержантлар тайёрлаш ишини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Юртбошимиз Қамаши туманидаги «Азизбек Қўзиев» фермер хўжалиги даласида бўлган учрашувда деҳқон меҳнатини қадрлаш, рағбатлантириш масалаларига тўхталди.

Яккабоғ туманидаги Жуман Михлиев номидаги ширкат хўжалигида оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган Қўйли Ҳасанов даласидаги деҳқонлар билан учрашув чоғида пахта ҳосилдорлигини оширишнинг энг муҳим жиҳатларига эътибор қаратилди.

Ислом Каримов наинки жанубий вилоятларимиз, балки бутун мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга йирик лойиҳалардан бири — Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилиши билан ҳам танишди.

Мамлакатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидаги «Саидносирхон» фермер хўжалиги пахтазорларида бўлиб, юқори натижаларни қўлга киритган жамоа раҳбари Исахон Баҳромов ва теримчилар билан суҳбатлашди.

Президентимиз томонидан ушбу хўжалик жамоасига «Дамас» автомобили ҳадя қилиниши деҳқон меҳнатини муносиб тақдирлашнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

* * *

11 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартномавий режасини бажарган Қашқадарё вилояти пахтакорларига табрик йўллади.

* * *

15 октябрь. Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мазкур нутқ «Эл-юрт ташвиши билан яшаш ва ишлаш — асосий мезон» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

15 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17-18 октябрь. Президент Ислом Каримов Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб, «Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотига аъзо давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов иштирок этган мазкур саммит МОҲ ўз тараққиётининг янги босқичга

қадам қўйганини, фаолияти янгича мазмунга эга бўлиб бораётганини кўрсатди.

МОҲнинг сафи янада кенгайди — Россия Федерацияси унга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида 2002 йил 28 февралда имзоланган Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага Ўзбекистон ташаббуси билан Россия Федерациясининг қўшилишига оид қарор қабул қилинди.

Ташкилот аъзолари анча вақтдан буён Марказий Осиё минтақасида сув-энергетика, озиқ-овқат ва транспорт консорциумларига оид концепцияларни муҳокама этиб келади. Душанбе саммитида минтақа мамлакатлари мазкур соҳаларда бир-бири билан узвий боғлангани таъкидланди.

Мазкур уч консорциум Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш ташаббусининг мантиқий самарасидир.

Саммит қатнашчилари умумий бозорни шакллантириш концепцияси лойиҳасини тасдиқладилар.

Музокаралар якунида МОҲ ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг қўшма баёноти қабул қилинди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тожикистон раҳбари Имомали Раҳмонов билан учрашди. Суҳбат икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик масалаларига бағишланди.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Россия Президенти Владимир Путин билан музокара ўтказди. Мулоқот чоғида турли соҳалардаги Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

* * *

18 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажарган Бухоро вилояти пахтакорларига табрик йўллади.

* * *

19 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажарган Навоий вилояти пахтакорларига табрик йўллади.

* * *

20 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда НАТО бош котиби Яап де Хооп Схефферни қабул қилди.

Мамлакатимизда ҳарбий ислоҳотларни амалга оширишда, ўқув марказлари ташкил этишда, халқаро террорчиликка қарши курашда Ўзбекистон НАТО билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Учрашувда ана шу масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

21 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажарган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларини табриклади.

* * *

25 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажарган Жиззах вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларини табриклади.

* * *

26 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажарган Андижон ва Самарқанд вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларини табриклади.

* * *

31 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти амалдаги раисининг Марказий Осиё бўйича шахсий вакили Мартти Ахтисаарини қабул қилди. Учрашувда ҳамкорликнинг мавжуд аҳволи таҳлил этилиб, келгусида уни ҳар томонлама ривожлантиришга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

2 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Осиё тараққиёт банки президенти Тадао Чинони қабул қилди.

Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги ҳамкорликда транспорт ва шаҳар инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги, таълим, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш каби муҳим соҳалар асосий ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон билан ОТБ ҳамда бошқа халқаро молия институтлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, иқтисодий ислоҳотлар дастурини амалга ошириш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга яқиндан кўмаклашаётгани учун ОТБ президенти Тадао Чино Ўзбекистон Президентининг фармони билан Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Учрашувда Ислом Каримов меҳмонга ана шу юксак мукофотни топширди.

* * *

4 ноябрь. Президент Ислом Каримов «2005—2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

5 ноябрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Рус маданият марказининг 10 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

8 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 ноябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажарган Сурхондарё вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашлари табрик йўллади ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» корхонасининг 80 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Uzbekistan airways technics» корхонасининг 80 йиллиги муносабати билан ушбу жамоага табрик йўллади.

* * *

19 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Бухорои шариф — қадимий бу шаҳар аввал саммит мезбони — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни кутиб олди. Сўнгра Туркманистон раҳбари келди.

Бухоро аэропортида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Анжуман Президентларнинг яккама-якка суҳбатидан бошланди. Ислом Каримов ва Сапармурот Ниёзов Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигига доир масалаларни муҳокама қилдилар. Минтақавий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция ва хавфсизлик масалалари, шунингдек, Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашдилар.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари асосий эътиборда бўлди.

Музокаралар якунида ўтказилган матбуот анжуманида Президентлар Ўзбекистон — Туркманистон чегараси дўстлик ва тинчлик чегараси эканини, саммит давомида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида узоқ муддатли ҳамкорликни барча йўналишларда кенг ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзовга Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «Ласетти» автомобилини совға қилди.

Расмий тадбирлар ниҳоясига етганидан кейин Ислом Каримов ва Сапармурот Ниёзов Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини зиёрат қилди.

Мартабали меҳмон халқларимизнинг миллий-маданий қадриятлари бир-бири учун ғоят эъзозли эканини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбариятининг бу борадаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди.

* * *

24 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россиянинг «Лукойл» нефть компанияси» очиқ акциядорлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан «Лукойл» нефть компанияси» ОАЖ ҳамда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси таркибидаги сармоядорлар консорциуми ўртасида маҳсулот тақсимоти тўғрисида битим имзоланган эди. Битим Ўзбекистон нефть-газ тармоғига «Лукойл» томонидан бир миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилишини кўзда тутади.

Мулоқот чогида ҳамкорликда амалга оширилажак янги лойиҳалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

26 ноябрь. Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мазкур нутқ «Сирдарёнинг салоҳияти ва шуҳратини мард, ориятли инсонлар тиклайди» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

1 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 декабрь. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси ўз ишини бошлади. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

3 декабрь. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

* * *

7 декабрь. Оқсарой қароргоҳида Мустақиллик байрами муносабати билан фидокорона меҳнати учун тақдирланган юртдошларимизга фахрий унвонлар, орден ва медалларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Президентимиз кириб келаётган 2005 йилни «Сиҳат-саломатлик йили», деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанадаги нутқи «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

10 декабрь. Президент Ислом Каримов пойтахтимиз Тошкентда амалга оширилаётган янги қурилиш ва иншоотлар, жумладан, шаҳарнинг Эски Жўва майдонида олиб борилаётган кенг кўламдаги ишларнинг аҳволи билан яқиндан танишди.

Президентимиз, аввало, Эски шаҳарнинг шарқона қиёфасини сақлаб, уни ҳозирги замон шаҳарсозлик талаб ва тамойиллари билан уйғунлаштирган ҳолда қайта қуриш ва ободонлаштириш масаласига эътибор қаратди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Мустақиллик майдонидаги бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишди. Мустақиллик майдонини реконструкция қилишда яхлит меъморий ва ғоявий ечим асосида ёндашиш зарурлигини уқтирди. Бу ерда пардозлаш ишлари ниҳоясига етаётган маҳобатли иншоот — Олий Мажлиснинг юқори палатаси бўлмиш Сенат биноси ўзининг кўрку салобати билан халқимизнинг ғурур-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилиши ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллик майдонини реконструкция қилиш, бу ердаги 19 қаватли маъмурий бинони майдоннинг умумий меъморий қиёфаси билан мутаносиб ҳолга келтириш, майдоннинг рамзий дарвозасини яратиш, бу ишларда замонавий ва миллий меъморчилик анъаналарининг уйғунлигига, қурилиш ва безак материалларининг сифатига талабчанлик билан ёндашиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

* * *

15 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурини шакллантириш борасидаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

21 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорни имзолади.

* * *

23 декабрь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Ғўза уруғчилигини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 декабрь. Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар кенгашига бўлган сайловда овоз бериш учун пойтахтимиздаги 644-сайлов участкасига ташриф буюрди. «Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, эркин демократик фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар изчил давом эттирилади, — деди Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деган шиоримизни рўёбга чиқариш учун ана шундай изчиллик билан иш юритамиз».

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди.

2005 йил

* * *

4 январь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Эрон Ислом Республикасининг биринчи вице-президенти Муҳаммад Ризо Орифни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Эрон ўртасида иқтисодий соҳада ҳам самарали ҳамкорлик қарор топгани, юртимизда Эрон компанияларидан еттитасининг ваколатхонаси, эронлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган элликка яқин қўшма корхона фаолият кўрсатаётгани, транзит юк ташиш борасидаги кўрсаткичлар йил сайин ўсаётгани таъкидланди.

Музокарада икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

12 январь. Президент Ислом Каримов «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 январь. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

* * *

19 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Независимая газета» (Россия)нинг мухбирига берган интервьюси «Ислом Каримов: «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

24 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоларини тайинлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 январь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев мажлисни очиб, Қонунчилик палатасига сайлов якунлари тўғрисида ахборот берди ва депутатларни сайлангани билан табриклади.

Мажлисда Президент Ислом Каримов сўзга чиқди.

* * *

27 январь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Президент Ислом Каримов иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев мажлисни очиб, Олий Мажлиснинг Сенатини шакллантириш якунлари тўғрисида ахборот берди ва сайланган сенаторларни табриклади.

Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодлар кўрсатиш учун сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Сенат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси лавозимига Мурод Шарифхўжаевни, Раис ўринбосарлари этиб Фарруҳа Муҳиддинова ва Муса Ерниязовни сайладилар.

* * *

29 январь. Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

3 февраль. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Независимая газета» мухбири саволларига жавобларини «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди» номли сарлавҳа билан рисола тарзида чоп этди.

* * *

4 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида ҳукуматнинг янги тайинланган аъзолари билан амалий кенгаш ўтказди. Мамлакатимиз Президенти йиғилишда давлат аппарати ходимларига қўйиладиган иккита энг асосий вазифа ҳақида атрофлича тўхталди. Биринчидан, топширилган ишга масъулият билан ёндашиш, иккинчидан, билим, малака ва тажрибага асосланган фаолият.

Ислом Каримов барча даражадаги сайлов кампанияси ниҳоясига етган, вакиллик органлари ва янги ҳукумат шаклланган бир пайтда мамлакат аҳолиси, ҳар бир оила ҳақли равишда ҳаётининг яхши томонга ўзгаришини кутаётганини таъкидлади ва Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби ўз олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишни таъминлашига ишонч билдирди.

* * *

8 февраль. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли китобини нашрдан чиқарди.

* * *

10 февраль. Президент Ислом Каримов «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 февраль. Президент Ислом Каримов «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисобкитоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни тасдиқлади.

* * *

16 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазири Димитрий Рупелни қабул қилди. Музокарада ЕХҲТни ислоҳ қилиш, Ўзбекистон билан ушбу ташкилот ўртасида минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт ва экология соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимиз билан Словения ўртасидаги икки томонлама муносабатларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

16 февраль. Президент Ислом Каримов «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Оқсаройда Бельгия Қироллигининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Даниэл дел Мармоль, Грузиянинг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Давид Залкалиани, Туркия Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Меҳмет Кемал Ася ишонч ёрлиғини топширишди.

* * *

3 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида телефон мулоқоти бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида халқаро террорчилик ва экстремизмнинг кўринишларига қарши курашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Давлат раҳбарлари террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш, аввало, чегарабўйи ҳудудларида барқарорлик ва осойишталикни таъминлашга доир чора-тадбирлар хусусида фикр алмашдилар.

* * *

4 март. Президент Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Фридом хаус» ноҳукумат ташкилотининг мамлакатимиздаги вакили Мария Северни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, шу жумладан, демократияни янада мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш борасидаги изчил саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди.

Учрашувда ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг мутлақо янги концепцияси жорий этилгани, судларнинг ихтисослашуви амалга оширилгани, жиноят қонунчилигини эркинлаштириш юзасидан муҳим чора-тадбирлар жорий қилингани эътироф этилди.

* * *

5 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига бино-

ан Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушарраф расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

* * *

5 март. Президент Ислом Каримов «Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 март. Президент Ислом Каримов Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига табрик йўллади.

* * *

6 март. Дўрмон қароргоҳида Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушаррафни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан кейин Ўзбекистон ва Покистон раҳбарлари яккама-якка суҳбатлашди. Унда асосий эътибор икки томонлама муносабатларнинг аҳволи ва истиқболига ҳамда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалаларга қаратилди.

Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф ҳамкорликни барча соҳаларда фаоллаштириш ва янги мазмун билан бойитиш масалаларини муҳокама қилдилар. Алоқаларни мустаҳкамлашнинг ана шундай кенг қамровли стратегияси юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар Афғонистонга ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳам муҳокама этдилар. Афғон муаммоси бўйича мулоқотларга мунтазамлик тусини беришга, террорчилик, наркобизнес ва экстремизмга қарши кураш борасида тажриба ва ахборот алмашиб боришга келишиб олинди.

Шунингдек, суҳбат чоғида БМТни ислоҳ қилиш, Покистоннинг ШҲТга қўшилиши билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Покистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар ҳамда минтақавий интеграция масалалари томонларнинг диққат марказида бўлди.

Дўрмондаги музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнотга имзо чекдилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 2005—2009 йилларга мўлжалланган маданий алоқалар дастури ҳамда халқаро терроризмга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Матбуот анжуманида Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф музокаралар самимий ва ишчанлик руҳида ўтганини таъкидладилар, эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаришига ишонч билдирдилар.

* * *

15 март. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Словения Республикасига жўнаб кетди.

* * *

16 март. Президент Ислом Каримовнинг Словения Республикасига расмий ташрифи олий мартабали меҳмонни «Бордо» қасрида расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Бу ерда икки давлат байроқлари кўтарилиб, давлат мадҳиялари янгради.

Ўзбекистон ва Словения Президентлари Ислом Каримов ва Янез Дрновшекнинг яккама-якка суҳбатида ўзаро муносабатларнинг аҳволи ва истиқболи, ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари, хусусан, савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт, сайёҳлик, бизнес вакилларининг мулоқотини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Словения ҳукуматлари ўртасида автомобилда йўловчи ва юкларни халқаро ташиш тўғрисида, икки мамлакат савдо-саноат палаталарининг ҳамкорлиги тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Словениянинг Новолюбляна банки ўртасида меморандум имзоланди.

Президент Ислом Каримовнинг Словения пойтахти Любляна шаҳри маъмурияти раҳбари Даниц Симшич хоним билан учрашувида тадбиркорлик ва сайёҳлик соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов Любляна шаҳри фахрий меҳмонларининг «Олтин китоби»га дастхат ёзиб қолдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов «Бордо» қасрида Словения Миллий Кенгаши Раиси Янез Сушникни қабул қилди. Суҳбат чогида икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш масаласи кўриб чиқилди.

* * *

17 март. Президент Ислом Каримов «Бордо» қасрида Словения ташқи ишлар вазири, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Димитрий Рупелни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Словениянинг халқаро масалалар бўйича ҳамкорлигига, мамлакатимизнинг ЕХҲТ билан муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов Словения Давлат Йиғинига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарининг Словения Давлат Йиғини Раиси Франце Цукьяти ҳамда парламент фракциялари вакиллари билан учрашувида парламентлараро ҳамкорликка оид масалалар ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбарининг Словения Бош вазири Янез Янши билан музокараларида икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласи муҳокама этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Словения Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

19 март. Президент Ислом Каримов 19 март — умумхалқ ҳашари куни пойтахтимиздаги қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг бориши билан танишди.

Юртбошимиз даставвал Бешёғоч майдонида бўлиб, майдоннинг янги манзараси тарҳи билан танишди. Унинг атрофидаги бино ва иншоотлар, анҳор ва ариқлар, кўприк ва йўллар, дарахтзор ва гулзорлар ўзаро яхлитлик, уйғунлик касб этиши муҳим эканига эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари Бешёғоч майдонига туташ Ўзбекистон миллий боғида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишиб, бир неча амалий таклифларни ўртага ташлади.

Президент Ислом Каримов пойтахтимизнинг Эски шаҳар ҳудудида бунёд этилаётган бир қатор қурилиш объектлари билан ҳам танишди. Давлатимиз раҳбари барпо этиладиган бинолар кўриниши, ранги, безатилиши пойтахтимизнинг яхлит қиёфасига мос бўлиши лозимлигини таъкидлади. Бунёд этилиши режалаштирилаётган Моделлар уйи, Болалар ижодиёти маркази, бутун шаҳарни баландликдан томоша қилиш имконини берадиган майдонча лойиҳаси қурилишига оид тавсиялар берди.

Юртбошимиз Абдулла Қодирий номидаги боғда амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирар экан, ушбу масканни Эски шаҳар ҳудудида истиқомат қиладиган аҳолининг, айниқса, болаларнинг севимли гўшаларидан бирига айлантириш лозимлигини қайд этди.

* * *

19 март. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқига Наврўз табриги йўллади.

* * *

24 март. Президент Ислом Каримов «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 март. Президент Ислом Каримовнинг Қирғизистон Президенти вазифасини бажарувчи, ушбу мамлакат Бош вазири Курманбек Бакиев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Суҳбат чогида сўнгги пайтда Қирғизистонда рўй берган воқеалар ҳақида батафсил фикр алмашилди.

Аҳолининг оммавий норозилик чиқишларига, охир-оқибат Ҳукумат уйининг ишғол қилиниши ва Қирғизистонда ҳокимиятнинг ўзгаришига олиб келган сабаб ҳамда омилларга баҳо беришда томонларнинг позицияси бир хиллиги ва уйғунлиги қайд этилди.

Юзага келган барча муаммоларни ҳуқуқий асослар ва Конституция талаблари доирасида ҳал этиш, бузғунчи кучларнинг мамлакатдаги вазиятни мураккаблаштиришига йўл қўймаслик учун мавжуд барча имкониятларни тўла сафарбар қилиш ҳамда улардан фойдаланиш зарур ва муҳим экани таъкидланди.

* * *

4 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасига жўнаб кетди. Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.

* * *

5 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Деҳлидаги расмий кутиб олиш маросимидан сўнг матбуот учун берган баёнотида Ҳиндистоннинг юксак салоҳияти ва катта нуфузига алоҳида тўхталди. Ўзбекистон бу мамлакат билан муносабатларни қадрлашини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам ва Бош вазир Манмоҳан Сингх билан учрашувларида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича атрофлича фикр алмашди.

Ислом Каримов Ҳиндистон вице-президенти Бхайрон Сингх Шекхават билан учрашувда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Натвар Сингх, мудофаа вазири Пранаб Мукержи, савдо ва саноат вазири Камал Нат билан ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Музокараларнинг амалий натижаси ташриф давомида имзоланган 13 ҳужжатда ўз ифодасини топди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, таълим ва маданият соҳала-

рида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий ва ҳарбий техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан Ҳиндистон Давлат савдо корпорацияси ўртасида англашув меморандуми, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Ҳиндистон Сайёҳликни ривожлантириш корпорацияси ўртасида англашув протоколи, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Ҳиндистон Савдо-саноат палаталари федерацияси ҳамда Ҳиндистон Экспорт ташкилотлари федерацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Ҳиндистон Давлат банки ҳамда Ҳиндистон Экспорт-импорт банки ўртасида ҳамкорлик меморандумлари, «Ўзсаноатмашимпекс» давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси билан Ҳиндистоннинг «Компетент» компаниялари гуруҳи ўртасида савдо уйи ташкил этиш тўғрисида меморандум, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Жавоҳарлаъл Неру университети ҳамда Тошкент Давлат шарқшунослик институти билан Мирзо Ғолиб институти ўртасида англашув меморандумлари имзоланди.

* * *

6 апрель. Президент Ислом Каримов ташрифининг учинчи куни «Ҳумоюн» ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилишдан бошланди. Бобур Мирзо асос солган салтанат меросхўри Ҳумоюн Мирзо мақбараси — Деҳлидаги энг гўзал иншоотлардан.

Давлатимиз раҳбари «Ҳумоюн» мажмуаси Бобурийлар даврининг етук меъморий обидаларидан эканини таъкидлади. Аждодларимизнинг ҳинд заминида қолдирган улкан мероси халқларимизнинг тарихий муштараклигидан далолатдир. «Тож Маҳал», «Ҳумоюн» каби обидалар Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари учун бирдек қадрли ва азиз.

Президент Ислом Каримов ташриф аввалида Маҳатма Ганди, сафар якунида Ҳумоюн Мирзо мақбараларини зиёрат қилгани азалий дўстлигимиз мустаҳкам эканига гўзал бир ишорадир.

* * *

6 апрель. Президент Ислом Каримов «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 апрель. Президент Ислом Каримов «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 апрель. Президент Ислом Каримов «2005 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15 апрель. Президент Ислом Каримов «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

Шу куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Маълумки, Юртбошимиз раҳбарлигида Мустақиллик майдони жозибали масканга, яхлит ва мукаммал ансамблга айланди.

Мустақиллик майдонига туташ «Технолог» ишлаб чиқариш корхонасининг биноси гўзал майдон ҳуснини бузиб турган эди. Ушбу корхона бошқа жойга кўчирилиб, унинг ўрни кўкаламзорлаштирилди.

«Тошкентнинг бош майдонида ишлаб чиқариш корхонаси қурилгани эски замонда чуқур ўйланмай қилинган ишларнинг яққол намуналаридан биридир, — деди Ислом Каримов», — Пойтахтимизни дунёнинг энг гўзал шаҳарларига хос тарзда қайта бунёд этишимиз керак».

Тошкент шаҳрининг Шароф Рашидов, Шевченко, Мовароуннаҳр кўчалари кесишадиган қисмлари ободонлаштирилди. Шимолий вокзалга олиб борадиган Шевченко кўчаси ва йўл ёқасидаги хиёбонлар кенгайтирилди. Марказий универсал магазини билан «Мовий гумбазлар» чойхонаси ўртасидаги кўча ўрнида ёнидаги хиёбонга қўшилиб кетадиган яхлит боғ барпо этилди.

Президентимиз мутасадди раҳбарлар ва мутахассисларга янги сайилгоҳда, кўча ва хиёбонларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида зарур кўрсатма ва топшириқлар берди.

* * *

18 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Грузия Бош вазири Зураб Ногаиделини қабул қилди. Учрашувда ўзаро алоқаларимиз тарихий дўстлик ва анъанавий ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама алоқалар кўламини янада кенгайтириш учун Ўзбекистон ва Грузияда улкан имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

* * *

22 апрель. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Ушбу нутқ «Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

26 апрель. Президент Ислом Каримов «Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 апрель. Халқ таълими вазирлиги 2005 йилда умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун мебеллар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникасининг давлат буюртмасини ишлаб чиққан ва умумтаълим мактабларини жорий йилда жиҳозлаш бўйича тендер эълон қилган эди. Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да очилган мактаб мебеллари, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва спорт анжомлари тендер-танлови кўргазмасида маҳсулотининг сифати, ташқи кўриниши, дизайни, нархи каби кўрсаткичлар бўйича мақбул топилган 47 корхона ўз жиҳоз ва ускуналари билан қатнашди.

Президент Ислом Каримов ана шу кўргазмага ташриф буюрди. Унда намойиш этилаётган барча фанлар бўйича кабинет жиҳозлари, компьютер, лингофон, маънавият, расмчизмачилик синфлари, меҳнат устахоналари, кутубхона, мажлислар зали ва ошхона мебеллари, спорт анжомлари билан танишди.

«Бундай тендеру кўргазмаларни ўтказишдан асосий мақсад мактаб ўқувчилари фойдаланадиган жиҳозларнинг сифати, қулайлиги, дизайини борасидаги талаб ва таклифларни пухта ўрганиш имконини яратишдир, — деди Юртбошимиз. — Замонавий мактаблар барпо этиш, мавжуд мактаб биноларини капитал ёки жорий таъмирлаш катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, таълим-тарбия ишларининг маъно-мазмунига эътиборни кучайтириш, мактабларни замонавий жиҳозлар, мебеллар, ўқув-лаборатория ускуналари, компьютерлар, спорт анжомлари билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз лозим».

Давлатимиз раҳбари бу ерда ўқитувчилар, таълим соҳаси фаоллари, маҳсулотлари намойиш этилаётган фирма ва корхоналар вакиллари билан мулоқотда бўлди. Мутасадди раҳбарлар ва мутахассисларга тегишли йўл-йўриқ ва тавсиялар берди.

* * *

2 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг номини ўзгартириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 май. Президент Ислом Каримов «Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни тасдиқлади.

* * *

7-8 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясида бўлиб, МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг норасмий саммитида ҳамда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этди.

МДҲ саммитларида, Ўзбекистон Президенти кўп бор таъкидлаганидек, иқтисодиёт эмас, сиёсат кўпроқ устувор бўлиб келди. Шу боис ҳам қабул қилинган қарорларнинг аксарияти қогозда қолиб кетаверди.

МДҲ раҳбарларининг бу галги учрашувларида асосан ташкилотни ана шу мураккаб вазиятдан чиқариш масаласи юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон раҳбари тузилмага сиёсий тус беришга уриниш, обрў орттириш учун баландпарвоз ташаббусларни илгари суриш, натижа бермайдиган таклифлар билан ўзини кўрсатишдан фойда йўқлигини таъкидлади.

Президентлар Ҳамдўстлик мамлакатларида юз бераётган жараёнларни, қатор халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларни ҳам муҳокама қилдилар.

Саммитда гуманитар ҳамкорлик тўғрисида декларация қабул қилинди.

Москвадаги Большой театрда саммит қатнашчилари — Президентларнинг МДҲ мамлакатларидан келган Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари билан учрашуви бўлди. Катта концерт намойиш этилди.

* * *

9 май. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллик байрами муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонига уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрдилар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Юртбошимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди. Сўнгра журналистлар ва бу ерга йиғилган зиёлилар билан суҳбатлашди.

Шу куни Президент Ислом Каримов пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудларда амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, барпо этилган янги кўчалар, хиёбонлар билан танишди.

* * *

10 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Но Му Хён давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасига келди.

Шу куни Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Корея Республикаси Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат байроқлари кўтарилиб, давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Но Му Хён фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Президентларнинг яккама-якка суҳбатида Ўзбекистон-Жанубий Корея ҳамкорлигининг аҳволи ва истиқболига оид масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилди. Но Му Хён Ўзбекистонга таклиф этгани учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида халқаро террорчилик ва экстремизм, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, айниқса, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида Ислом Каримов ва Но Му Хён асосий эътиборни савдо-иқтисодий масалаларга қаратдилар.

Ўзбекистон Жанубий Кореяни ўзининг энг ишончли шерикларидан деб билади. Савдо ва сармоя борасида у нафақат Осиё қитъаси, балки дунё миқёсида олганда ҳам мамлакатимизнинг асосий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг 28 та йирик фирма ва компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатаётгани ҳам диққатга молик.

Дўрмондаги музокараларда савдо алоқаларини ҳамда сармоя оқимини янада фаоллаштириш борасида икки мамлакат ҳукуматлари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди ва бу борада келишувга эришилди.

Музокаралар якунида Президентлар Ислом Каримов ва Но Му Хён Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги Қўшма баёнотга имзо чекдилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида ижтимоий таъминот тўғрисидаги, Ўзбекистонда миллий географик ахборот тизимини яратиш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Энергетика ва минерал ресурслар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, текстил технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро англашув меморандумларига ҳам қўл қўйилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари мулоқот ўзаро ишонч руҳида, ишчанлик кайфиятида ўтганини алоҳида таъкидлади. Эришилган келишувлар икки мамлакат халқларининг манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди.

* * *

11 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси ишбилармон доираларининг бир гуруҳ вакилларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи муваффақият билан ўтаётгани, ушбу ташриф ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг фирма ва компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўламини янада кенгайтиришга, биргаликда янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар муҳокама этилди.

* * *

13 май. Президент Ислом Каримов Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан эрта тонгда Андижонга етиб борди. Давлатимиз раҳбари аҳволни атрофлича ўрганиб, тегишли ташкилот ва идораларга содир бўлган вазиятни бартараф этиш юзасидан аниқ кўрсатма ва топшириқлар берди.

Шу куни кечқурун Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

* * *

14 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Андижон шаҳрида содир бўлган воқеалар муносабати билан Тошкентда мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.

Давлатимиз раҳбари 13 май куни Андижон шаҳрида юз берган фожиали воқеаларга тўхталар экан, уни амалга оширганлар Қирғизистонда кейинги ойларда рўй берган воқеаларни такрорлашга уринган яққол кўзга ташланади, дея таъкидлади.

Фарғона водийсида, хусусан, Андижон вилоятида пайт пойлаб юрган ақидапараст, экстремистик гуруҳлар ўзларининг узоқ вақтдан бери пинҳона тайёрлаб келган режаларини амалга оширишга уринди. Улар Қирғизистондаги каби Ўзбекистонда ҳам маҳаллий ва марказий ҳокимият заифлик қилади, деган хомхаёлга борган эди. Жангарилар онги заҳарланган ёшларни ўзларига эргаштириб, маъмурий биноларни эгаллаш йўли билан ўз қабиҳ мақсадига эришишни хаёл қилган эди. Андижонда халқ сайлаган конституциявий ҳокимиятни ағдаришни, бу ерда мусулмон халифалиги тузишни мўлжаллаган эди. Боз устига, режаларимизни маҳаллий аҳоли қўллаб-қувватлайди, деб ўйлаган. Лекин уларни ҳеч ким қўллаб-қувватламади, ҳеч ким майдонга чиқмади.

2005 йилнинг 24 мартида Қирғизистонда юз берган «қизғалдоқ инқилоби» деб аталган воқеалар атрофидаги барча гап-сўзлар, аслида, уларни Тбилиси ва Киевда рўй берган маълум сиёсий воқеалар билан тенглаштириш учун чиранишдан бошқа нарса эмас.

«Айрим давлатларнинг Марказий Осиё минтақасига демократияни мажбуран ўрнатишга уринишидан учинчи куч фойдаланиб қолиши мумкин, — деб огоҳлантирди Ислом Каримов. — Бу куч — ислом динини ниқоб қилиб олган ёвуз ниятли радикал оқимлардир.

Аҳолисининг қарийб 80 фоизи мусулмонлардан иборат минтақамизда юқоридаги каби вазият турли диний ақидапарастлар ва экстремистик кучлар учун қўл келиши мумкин.

Радикал диний оқимлар, жумладан, «Ҳизбут-таҳрир» ёки Андижонда ўзини «Акромийлар» деб атайдиган гуруҳлар ҳам фурсати келганда воқеалар оқимини ўз манфаатлари йўлига буриб юбориш учун пайт пойлаб тургани сир эмас.

Андижонда содир бўлган воқеаларга камида 3—6 ой давомида тайёргарлик кўрилган. Бундай дейиш учун барча асосларимиз бор, деди Президентимиз. Воқеалар режасини тузиш ва уни амалга оширишда минтақамизда, айниқса, Қирғизистон жанубида илдиз отган турли диний-экстремистик марказларнинг бевосита иштироки бор. Бу ишларда чет элнинг моддий кўмаги борлиги ҳам кўриниб турибди».

Шундан кейин Президент Андижонда 13 май куни содир бўлган воқеалар тафсилотига тўхталди.

Президент Ислом Каримов журналистларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди.

* * *

17 май. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. У Андижонда одамлар ўлимига сабаб бўлган фожиали воқеаларга, улар юзасидан бошланган тергов ишларининг боришига бағишланди.

Ўзбекистон Бош прокурори Р.Қодиров матбуот анжумани қатнашчиларига 13 май куни Андижонда рўй берган воқеалар ва улар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Давлатимиз раҳбари анжуман иштирокчилари эътиборини баъзи оммавий ахборот воситалари томонидан Андижон воқеалари нохолис талқин этилаётганига, бир ёқлама баҳоланаётганига қаратди.

Ислом Каримов қатъий таъкидладики, бўлиб ўтган воқеаларнинг тинч намойишга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу ҳақиқий террорчилик ҳаракатидир.

Давлатимиз раҳбари ҳатто Ўзбекистонга дўст деб аташ қийин бўлган ўнлаб таниқли сиёсатдонлар ҳам бу борада ўз фикрини билдираётганида воқеаларни холис баҳолашга интилганини таъкидлади. Шундай экан, ҳар бир журналист ўзининг асосий бурчи ва вазифаси — доимо фактларга таяниб ишлаш эканини унутмагани маъқул.

Журналистларнинг ўша куни Андижонга боришига монелик қилган ягона сабаб шуки. деб таъкидлади Ислом Каримов, шаҳарда отишмалар бўлаётган, босқинчилар хуружи авж олган бир вазиятда ҳеч ким журналистларнинг ҳаётини хавф остига қўйишга жазм этолмасди. Ахир, биз сизнинг хавфсизлигингиз учун жавобгармиз.

Анжуманда 18 май куни дипломатлар ва журналистлар учун Андижонга махсус авиарейс ташкил этилиши ҳақида маълум қилинди.

Президент Ислом Каримов журналистларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди.

* * *

19 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўртасида телефон мулоқоти бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида Ислом Каримов БМТ Бош котибини шу йил 13 май куни Андижон шаҳрида содир бўлган воқеалар ҳақида батафсил хабардор қилди.

Кофи Аннан бу воқеалар оқибатида одамлар ҳалок бўлгани ва жабр кўрганидан катта ташвиш ва безовталик билдирди. У мазкур воқеалар юзасидан ҳар томонлама чуқур тергов ўтказиш, айбдорларни аниқлаш ва жазолаш зарурлигини қайд этди.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Андижонда ва бутун минтақадаги вазият бўйича яқин алоқада бўлиб, мунтазам ахборот алмашиб туришни давом эттириш юзасидан келишиб олдилар.

* * *

23 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 май. Президент Ислом Каримов «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

25 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи билан жўнаб кетиши олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситаларига интервью берди. Президентимиз журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, 13 май куни Андижон шаҳрида рўй берган фожиали воқеаларга яна бир бор тўхталди.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, Андижон шаҳрида фожиали воқеаларни ташкил этганлар ўзининг қабиҳ ниятига етолмади. Чунки халқ уларни қўллаб-қувватламади, уларнинг сохта даъватларига эргашмади. Шунинг учун ҳам уларнинг ёвуз хатти-ҳаракатлари вақтида бартараф этилди. Андижон шаҳрида тинч ҳаёт ўз маромида давом этмоқда, деди Президентимиз. Лекин юз берган воқеалардан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб қолувчилар ҳамон тинчигани йўқ. Кимдир турли миш-мишлар билан оламга жар солмоқчи бўлса, яна кимдир ўзича турли даъволар билан чиқишга уринмоқда. Уларнинг фикрича, Андижон воқеаларини халқаро комиссия текшириши керак эмиш.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан Андижонда юз берган фожиали воқеалар юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда Олий Мажлиснинг мустақил комиссияси тузилди.

Халқаро текшириш ўтказиш ҳақидаги фикрга қайтадиган бўлсак, бир гапни алоҳида таъкидламоқ лозим, деб ўйлайман, деди Ислом Каримов. Ўзбекистон — мустақил мамлакат. Унинг ўз давлат тузуми, ҳукумати, халқ сайлаган парламенти ва Президенти бор. Шундай экан, нега энди четдан кимлардир келиб текшириш ўтказиши керак.

Халқимиз истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ танлаб олган ўз йўлидан ҳеч қачон оғишмайди. Шундай экан, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди, деб таъкидлади Юртбошимиз.

* * *

25 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи муносабати билан «Жэньминь Жибао» газетаси мухбирига интервью берди. Суҳбат газетанинг 25 май сонида эълон қилинди. Мазкур газета ХХРнинг энг нуфузли нашрларидан бўлиб, уч миллион нусхада чоп этилади. Ана шу суҳбат «Халқ сўзи» газетасида «Ўзбекистон Хитойнинг ишончли дўсти ва ҳамкори бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади» сарлавҳаси билан чоп этилди.

* * *

25-27 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой сафарига ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг ташаббуси билан давлат ташрифи мақоми берилди. Ташриф асносида жами 24 та ҳужжатга имзо чекилди. Булар Хитойнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга улкан иштиёқидан далолат беради.

Пекинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао ўртасида аввал тор доирада, кейин кенгайтирилган таркибда музокаралар бўлиб ўтди.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартномага имзо чекдилар.

Давлатимиз раҳбари мазкур шартнома Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганидан далолат эканини, стратегик шериклик муносабатларини равнақ топтириш учун мустаҳкам асос бўлишини таъкидлади.

Икки мамлакат раҳбарларининг суҳбати чогида халқаро террорчилик, экстремизм ва айирмачиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Президент Ислом Каримов Пекин сафари давомида ХХР Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябао билан учрашди. Шунингдек, Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин, молия вазири Цзинь Жэньцин, тижорат вазири Бо Силай билан учрашувларида асосий эътибор сиёсий ва савдо-иқтисодий алоқаларга қаратилди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан олий даражадаги учрашув-

дан сўнг Президентимиз яна бир неча музокаралар ўтказди.Хитой ҳукумати вакиллари Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи ғоят самарали кечаётганини таъкидлаб, Ислом Каримовни эришилган муваффақият билан самимий қутладилар.

Яна бир диққатга сазовор жиҳат шуки, Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао амалий ҳамкорликни кенгайтириб бориш, олий даражадаги мулоқотларнинг мунтазамлигини таъминлашга келишиб олдилар.

* * *

1 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» номли китоби нашрдан чиқди. Ушбу тўпламдан давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 13 май куни Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан 14 май куни Оқсарой қароргоҳида. 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманларидаги баёнотлари ва мухбирларнинг саволларига жавоблари ўрин олган.

Шунингдек, китобга Ислом Каримовнинг 2005 йил 25 май куни Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи билан жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюси ҳам киритилган.

* * *

2 июнь. Президент Ислом Каримов «2005-2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

2 июнь. Президент Ислом Каримов «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 июнь. Президент Ислом Каримовга Оқсарой қароргоҳида Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Дэвид Моран ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

10 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерациясининг «Политика» жамғармаси президенти Вячеслав Никонов раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Бугунги кунда муҳим геосиёсий аҳамиятга эга Марказий Осиё минтақасида қурол-яроғ ва гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноий тўдалар ҳамда вазиятни беқарорлаштиришга уринаётган кучларнинг манфаатлари тўқнашаётгани сир эмас, деб таъкидланди учрашувда. Улар ўзининг ғаразли ғоялари билан аҳоли онгини заҳарлаш, тартибсизликлар келтириб чиқариш орқали манфур ниятларини амалга оширишга интилаётир. 2005 йилнинг 13 майида Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракати ҳам бунга мисол бўла олади.

Минтақага тобора кенг хавф солаётган бундай таҳдидларнинг олдини олиш бўйича қатъий чоралар кўрилаётгани қайд этилди.

* * *

14 июнь. Президент Ислом Каримов «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларга имзо чекди.

* * *

15 июнь. Президент Ислом Каримов «Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 июнь. Президент Ислом Каримов «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 июнь. Президент Ислом Каримов «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўгрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

16-17 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида сафарда бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманига ташриф буюрди. Юртбошимиз ушбу тумандаги Г.Хидиров номидаги ширкат хўжалигида бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги ижарачиси Сунатилла Мирзаев ва Ислом Жумаев етакчилик қилаётган оилавий пудрат аъзолари билан суҳбатлашди, тумандаги болалар спорт мажмуасини бориб кўрди.

Ислом Каримов вилоятда жойлашган ҳарбий қисмда ҳам бўлиб, жанговар тайёргарлик ва ўқув машғулотлари қандай ташкил этилгани, ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароит билан қизиқди. Мутасадди раҳбарларга бу масалалар бўйича амалий топшириқ ва тавсиялар берди.

Президент раҳбарлигида қисм командирлари, тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда Ватанимизнинг жанубий сарҳадлари дахлсизлиги билан боглиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари Ҳайратон божхона постида бўлиб, чегарачилар билан суҳбатлашди.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги биносида воҳа фаоллари ва жамоатчилиги билан бўлиб ўтган учрашувда Президент жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш билан боғлиқ стратегик мақсадлар ҳақида атрофлича сўз юритди.

Қарши шаҳрининг марказида бунёд этилаётган болалар боғи ҳам давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда қолмади. Шу мўъжазгина боғ ва унинг ёнида қад кўтараётган янги бозор қурилиши, бу ердаги улкан бунёдкорлик иншоотлари, вилоят марказини том маънода замонавий шаҳарга айлантириш, Қаршининг 2700 йиллик тўйини ҳар томонлама муносиб нишонлаш ҳақида муҳим фикрлар ва амалий тавсиялар билдирилди.

* * *

20 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшинни қабул қилди.

Фарит Мухаметшин Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мактубини топширди ва самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

* * *

20 июнь. Президент Ислом Каримов «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рагбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 июнь. Президент Ислом Каримов давлатга дон сотиш бўйича шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарган Бухоро вилояти галлакорларига табрик йўллади ва «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 июнь. Президент Ислом Каримов давлатга дон сотиш бўйича шартнома режасини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажарган Сурхондарё вилояти ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

27 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

28 июнь. Президент Ислом Каримов давлатга дон сотиш бўйича шартнома режасини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажарган Фаргона вилояти ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

28-29 июнь. Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлди.

Ислом Каримовнинг Москвага бу галги ташрифи чоғида Россия Президентининг Ново-Огарёво қароргоҳида ўтган музокаралар савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқалар масалалари муҳокамасига бағишланди. Ислом Каримов ва Владимир Путин ҳамкорлик кўлами муттасил кенгайиб, савдо-иқтисодий алоқаларга доир кўрсаткичлар ошиб бораётганини, ушбу ташриф ўзаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Ислом Каримов ва Владимир Путин халқаро ташкилотлар, жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги алоқалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Ислом Каримов 2005 йилнинг 13 май куни Андижонда рўй берган фожиали воқеалар хориждаги экстремистик марказлар томонидан тайёрлангани, унга МДҲ, шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатларида содир бўлаётган жараёнлардан айри ҳодиса сифатида қараш мумкин эмаслигини таъкидлади.

Андижон воқеалари, МДҲ мамлакатларида уюштирилаётган турли «рангли инқилоблар»дан фарқли ўлароқ, мутлақо янги шакл ва қиёфада амалга оширилган мудҳиш фитнадир. Бу гал «сценарий муаллифлари» ва «режиссёрлар» «демократпараст оломон»ни намойишга олиб чиқмади. Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатини кўра олмайдиган, Мар-

казий Осиёда вазиятни издан чиқариш ниятида бўлган бу «раҳнамо»лар оломон ўрнига, қўпорувчилик бўйича яхши тайёргарлик кўрган террорчи ва экстремистларни ишга солди, деди Ислом Каримов.

Владимир Путин Ўзбекистон раҳбарининг ушбу террорчилик ҳаракатлари хорижда тайёрланган тўғрисидаги фикрини тасдиқлаб, ўша кунлари Афғонистонда жангариларнинг ҳаракатга тушиб қолгани ва айрим мамлакатлар чегаралари яқинида қўпорувчи гуруҳлар тўпланган кузатилганини, Россия махсус хизматлари бу ҳақдаги маълумотларга эга эканини таъкидлади.

Россия раҳбари Андижон воқеалари муносабати билан Ўзбекистон халқига ҳамдардлик изҳор этди. Андижонда ҳаёт изга тушгани, вазият барқарорлашгани ва назорат остига олингани бизни қувонтиради, деди Владимир Путин.

Ново-Огарёво учрашувида томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Россия мудофаа вазири Сергей Иванов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий техникавий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбари Россия Президенти билан музокаралар самарали бўлганини, суҳбат очиқ, ўзаро ишонч руҳида, ишчанлик кайфиятида ўтганини қайд этди.

* * *

30 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 июль. Президент Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида иштирок этиш учун Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди.

«Ривьера» саройида ШҲТ саммити қатнашчилари — Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Унда мазкур ташкилот доирасидаги ҳамкорлик, ШҲТ фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 июль. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммити ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг мазкур учрашувида ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг аҳволи ва истиқболлари, хусусан, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ўзаро савдоиқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасидаги амалий ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

ШҲТ давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида ШҲТни ривожлантириш масалаларига оид қарашлар, таклиф ва мулоҳазалар баён этилди.

Президентлар ШҲТнинг Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ишбилармонлар форумини ташкил этишга, Афғонистондаги тикланиш ишларидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Саммит якунлари бўйича ШҲТ давлат раҳбарларининг декларацияси имзоланди. Шунингдек, ШҲТга аъзо давлатларнинг террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлиги тўғрисидаги концепция қабул қилинди, ШҲТга аъзо мамлакатларнинг ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасидаги доимий вакиллари тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар саммит доирасидаги музокаралар самарали ўтгани, эришилган келишувлар аъзо мамлакатлар манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Хитой муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Мўғулистон Халқ Республикаси Президенти Намбарин Энхбаёр билан ҳам учрашди. Унда Ўзбекистон ва Мўғулистон муносабатларининг аҳволи ҳамда мамлакатларимизнинг ШҲТ доирасидаги ҳамкорлигига оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

6 июль. Президент Ислом Каримов давлатга дон тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли адо этган республикамиз ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

14 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Япония ҳукуматининг вакили Кёко Накаямани қабул қилди. Учрашувда Ўзбекис-

тон билан Япониянинг халқаро майдондаги ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди, Ўзбекистон — Япония муносабатларини янада мустаҳкамлашга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

18 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбарининг ўринбосари У И хонимни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг янги босқичига юқори баҳо берилар экан, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш учун ҳали икки мамлакатда имкониятлар кўп экани, алоқаларни ривожлантиришдан томонлар бирдек манфаатдорлиги алоҳида таъкидланди.

* * *

19 июль. Президент Ислом Каримов «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 июль. Президент Ислом Каримов «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 июль. Президент Ислом Каримов «Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 июль. Президент Ислом Каримов «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

27 июль. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида амалга оширилаётган қурилиш ва ободончилик ишлари билан танишди.

Юртбошимиз Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудида жойлашган «Наврўз» саҳнаси мажмуасида амалга оширилаётган реконструкция ишларини ҳам кўздан кечирди. Президентимиз, шунингдек, Бешёғоч майдонида амалга оширилаётган ишлар кўлами ва сифати билан ҳам қизиқди.

Бу ерга аввалги ташрифи чоғида мутасаддиларга берган кўрсатма ва топшириқларининг ижросини таҳлил этди.

Мустақиллик майдони — Ватанимиз юраги. Бу муқаддас масканни зиёрат этиш юртдошларимиз ва мамлакатимиз меҳмонлари учун чуқур рамзий маънога эга. Майдонга кираверишда Эзгулик аркаси бунёд этилаётир. Турмуш қураётган келин-куёвлар ўн олтита оппоқ устунларни туташтириб турган мана шу дарвоза остонасидан ҳатлаб, Мустақиллик майдонига қадам қўядилар. Шоҳона дарвоза тепасидан сайёрамиз тасвири узра парвозга шайланган жуфт-жуфт турналар, халқимизнинг қалбидек, орзуларидек оппоқ лайлаклар жой олади. Эзгулик аркаси ватандошларимиз учун азиз ва муқаддас тимсолга айланишига ишонаман, деди пировардида Ислом Каримов.

* * *

28 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Марк Перрен де Бришамбони қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХҲТ муносабатларига, жумладан, иқтисодиёт, экология, таълим каби соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга, хавфсизликни мустаҳкамлашда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

1 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармонни тасдиқлади.

* * *

5 август. Президент Ислом Каримов «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 август. Президент Ислом Каримов «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раҳбарияти, қўмита ва фракциялари раҳбарлари иштирокида Сенат Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисига тайёргарлик масалалари, мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб муаммолари атрофлича кўриб чиқилди.

Мажлисда Президент Ислом Каримов сўзга чиқди.

* * *

19 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий

хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни тасдиқлади.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Пойтахтимизнинг Шароф Рашидов, Юсуф Хос Ҳожиб ва Миробод кўчалари қисқа муддатда кенгайтирилди, саккиз қатор транспорт бемалол ҳаракат қила оладиган ҳолатга келтирилди. Кўчалар атрофида ободончилик ишлари амалга оширилиб, коммуникация тизими янгиланди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, кўчалар атрофидаги биноларнинг кўриниши, безатилиши ана шундай равон кўчаларга мос бўлиши зарурлигига эътибор қаратди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Тошкент ҳалқа йўлида — Сирғали тумани ҳудудидаги катта чорраҳада барпо этилган йўл ўтказгич билан танишди. Президентимиз мамлакатимиз бўйлаб бу каби кўприк ва йўл ўтказгичлар, равон ва кенг йўллар қурилишига катта аҳамият берилаётганининг сабабларига эътиборни қаратди. Тегишли мутасаддиларга бу борадаги ишлар, галдаги вазифалар юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берди.

* * *

26 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Россия Федерацияси Татаристон Республикаси пойтахти — Қозон шаҳрига жўнаб кетди.

Мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

Президент Ислом Каримов Қозон шаҳрида ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мажлисида иштирок этди. Унда асосий эътибор МДҲни ислоҳ қилиш ва унинг органлари фаолиятини такомиллаштириш масаласига қаратилди.

Президентлар хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари, Ҳамдўстлик мамлакатларида кечаётган жараёнлар юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралардан сўнг Президент Ислом Каримов Қозон Кремлига борди, «Қул Шариф» масжидини зиёрат қилди.

Давлатимиз раҳбари Қозон шаҳрининг 1000 йиллигига бағишланган расмий тантаналарда иштирок этди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» бешинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

30 август. Мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида Тошкент шаҳрида «Байтекс тижарет» хорижий корхонаси ишга тушди. Трикотаж мато тўқиш, бўяш, пардозлаш, тикувчилик каби цехларни ўзида жамлаган мазкур корхона Туркиянинг «Улташ Энтегре текстиль» ва «Баха текстиль» фирмалари томонидан таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Байтекс тижарет» корхонасида бўлиб, унинг фаолияти, иш жараёнлари билан танишди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу корхона атрофида зарур инфратузилмаларни шакллантириш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрининг Эски Жўва қисмида қуриб битказилган янги иншоотлар билан ҳам танишди.

Уч-тўрт ой муқаддам Эски Жўванинг Сағбон, Зарқайнар ва Абдулла Қодирий кўчала-

ри кесишган жойида икки бино — Болалар бадиий ижодиёти уйи ва Ўзбек либослари галереяси барпо этиш ишлари бошланган эди. Қисқа фурсатда бир-биридан гўзал икки иншоот қад ростлади. Кўчалар, йўллар кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати яхшиланди.

Абдулла Қодирий номи билан аталувчи боғ эса пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларининг севимли гўшаларидан бирига айланди. Бу ерда замонавий аттракционлар ўрнатилди, иккита амфитеатр барпо этилди.

Ўзбек либослари галереяси билан танишар экан, Президентимиз мазкур бинонинг замонавий, шу билан бирга, анъанавий услублар асосида бунёд этилганини юқори баҳолади.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуасида ўтган маросимда иштирок этди. Юртбошимиз бу ерда ҳозир бўлган жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашиб, ўзининг айрим фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов Тошкент марказий темир йўл вокзалига ташриф буюрди. Ушбу вокзал тубдан қайта таъмирланиб, бутунлай ўзгача қиёфа касб этди. Асосий бино миллий меъморлик анъаналари асосида таъмирланди. Бу ерда йўловчилар ва транспорт воситалари учун қулай бекатлар, чиптахоналар, кутиш майдончалари, фавворалар барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари бундай гавжум иморатлардаги қурилиш-таъмирлаш ишлари катта масъулият талаб қилишини, шу боис ҳар бир ишни аввалдан пухта ўйлаб амалга ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Тошкент ва Бухоро ўртасида қатнови йўлга қўйилган «Шарқ» тезюрар поездини кўздан кечирди. Уни жиҳозлаш, йўловчи ва поезд хизматчиларига яратилган шароитларни янада яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар берди.

Юртбошимиз Тошкент давлат санъат институти ўқув биноларида амалга оширилган реконструкция ишлари, институт талабаларининг қобилиятини ҳар томонлама юзага чиқариш учун яратилган зарур моддий-техникавий база ва шарт-шароитлар билан танишди.

Ислом Каримов бир гуруҳ ёшлар — институт талабалари билан суҳбатлашди. Уларнинг ўй-фикрлари, орзу-истаклари, яшаш шароити билан қизиқди.

Мамлакатимиз раҳбари Алишер Навоий номидаги Миллий боғда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, пойтахтимиздаги энг катта сув ҳавзаларидан бири бўлган кўлга алоҳида эътибор қаратди. Тўққиз гектарлик улкан майдонни эгаллаган кўлнинг қиргоқлари, кўприклари таъмирланди.

Янги қиёфа касб этган Мустақиллик майдонига кираверишда Президентимиз ғоясининг ҳаётдаги инъикоси бўлмиш Эзгулик аркаси бунёд этилди. Ўн олти мармар устунни туташтириб турган маҳобатли арка томон элтувчи оппоқ йўлак тепасида чарх ураётган турналар, лайлаклар тимсолида катта маъно бор.

«Энди турмуш қураётган келин-куёвларимиз эзгу ният билан шу дарвозадан ўтиб, мўътабар сиймо қаршисида бир зум ўйга толса. Қалбларидаги орзу-истаклари ҳақида ўйласа, ўзларига, ўзгаларга бахт тиласа, — деди Президентимиз. — Назаримда, бу сиймо бағрига гўдагини босиб турган, юзида шукроналик, ҳаётга муҳаббат, ўзининг, фарзандларининг келажагига ишонч балқиб турган ёш ўзбек аёли — бахтли аёл шаклида бўлиши лозим. Негаки, аёл бахтли бўлса, оила бахтли бўлади. Оила бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади».

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

2 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш тизимини ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 сентябрь. Президент Ислом Каримов «2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилгани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»

ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

16 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

21 сентябрь. Президент Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ишлар, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

Президентимиз Кегейли туманининг «Умид» фермер хўжалигида бўлиб, пахтакорлар билан қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самаралари, хусусан, Қорақалпогистонда пахтачилик соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳақида суҳбатлашди.

Ислом Каримов кегейлилик фермерлар эътиборини чорвачиликни ривожлантириш истиқболларига ҳам қаратди.

Президентимиз Нукус туманининг пахтачиликда томчилаб суғориш жорий этилган Нуриддин Орифхўжаев раҳбарлигидаги «Қорақалпоқтомат» корхонасига қарашли тажриба далаларида бўлди. Давлатимиз раҳбари томчилатиб суғориш усулининг афзал жиҳатларини қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари атрофлича ўрганиб, зарур тавсия ва хулоса беришлари лозимлигига эътиборни қаратди.

Президент Нукус шаҳрида янги қурилаётган маданият коллежи биносида бўлди. Бу ердаги қурилиш ишлари билан танишар экан, бу каби касб-ҳунар коллежларида, аввало, таълимнинг мазмунига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Нукус аэропорти яқинида барпо этилган янги иншоот — Болалар спорт саройида баскетбол, гандбол ва волейбол билан шуғулланиш учун барча шароит муҳайё. Давлатимиз раҳбари унинг тренажёр хоналари, илғор технологиялар қўлланган ёритиш ва иситиш тизимларини кўздан кечирди.

Ислом Каримов Нукус болалар аквапарки билан танишиш чогида унинг фаолиятини янада мукаммаллаштириш ва имкониятларини кенгайтириш, шу жумладан, аквапарк ҳудудидаги фавворани болалар руҳиятига мослаштириш, шинам ва салқин шийпончалар сонини кўпайтириш юзасидан мутахассисларга тавсия ва топшириқлар берди.

Президент Ислом Каримов Хўжайлидаги 1-меҳрибонлик уйида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган реконструкция ишлари юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди, Меҳрибонлик уйига «СамКочавто» заводида ишлаб чиқарилган автобус совға қилди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Хоразм вилоятига жўнаб кетди.

* * *

21-22 сентябрь. Президент Ислом Каримов Хоразм вилоятига сафарини «ЎзОлмонхотолз» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси муассислигида барпо этилган Урганч шаҳридаги «Хоразм палас» меҳмонхонасида сайёҳларга яратилган шарт-шароит билан танишишдан бошлади.

Шу куни Юртбошимиз Урганч шаҳри марказидан ўтган Шовот канали устидаги қайта реконструкция қилинган кўприкни бориб кўрди. Бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишган Президентимиз мутасаддиларга зарур тавсиялар берди.

Юртбошимиз Хоразмга ташрифининг иккинчи кунини янгидан бунёд этилган Янгибозор тумани марказий шифохонаси билан танишувдан бошлади. Давлатимиз раҳбари мутахассислар билан суҳбатда бундай муассасалар, аввалambор, замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан ажралиб туриши лозимлигига эътиборни қаратди.

Ислом Каримов шаҳардаги «Гулғунча»-39 болалар боғчасига ташриф буюрди. Тарбияланувчилар давлатимиз раҳбарини қувонч билан қарши олди, Ватан ҳақида шеърлар ўқишди. Президент уларга совғалар улашди.

Президент Маъмун академиясида бўлиб, унинг фаолияти ва 1000 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Хонқа ва Янгиариқ туманларида пахта териминг бориши билан танишди. Президентнинг Хонқа туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг пахта даласида қишлоқдаги янги мулкдорлар вакиллари билан бўлиб ўтган суҳбати чоғида фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз борди.

* * *

22 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

23 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Ивановни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ва Россия ҳарбийларининг

қўшма антитеррор машқлари мамлакатларимизнинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги мақсад ва манфаатлари муштараклигидан далолат экани таъкидланди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

23 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

23 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россиянинг «Газпром» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди. Учрашувда «Ўзбекнефтгаз» билан «Газпром» ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон газ саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди. А. Миллер самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Суҳбат чоғида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

26 сентябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарган Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

27 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ёрдамчиси Дэниел Фридни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ муносабатларининг аҳволи ва истиқболлари хусусида сўз борди. Шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

27 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 58-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 сентябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажарган Бухоро вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

31 сентябрь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

2-4 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Малайзияда бўлди.

Давлатимиз раҳбари Куала-Лумпурга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан суҳбатлашди.

Малайзия пойтахтидаги Парламент майдонида Юртбошимизни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Малайзия Қироли Туанку Саййид Сирожуддин Жамаллуллайл шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Малайзия давлат мадҳиялари янгради. Президент Ислом Каримов фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Куала-Лумпурда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Малайзия Қироли Туанку Саййид Сирожуддин Жамаллуллайл билан бўлган мулоқотда кенг қамровли масалалар юзасидан фикр алмашди.

Мамлакат Бош вазири Абдулла Бадавий билан тор доирада ва кенгайтирилган тартибда ўтказилган музокарада эса барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилиб, тегишли амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Аввало, алоқаларнинг ҳуқуқий пойдевори янада мустаҳкамланди. Президент Ислом Каримов ва Абдулла Бадавийнинг қўшма баёноти қабул қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Малайзия ҳукуматлари ўртасида ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги битим, шунингдек, савдо бўйича қўшма қўмита, сайёҳлик ҳамда минерал ресурсларни ўзлаштириш соҳаларида, хавфсизликни таъминлаш ва террорчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид англашув меморандумлари, алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари соҳасидаги аҳдлашув протоколи имзоланди.

Сафар асносида Президент Ислом Каримов Малайзия парламентида бўлиб, Сенат Раиси Абдул Ҳамид Паванте ва Вакиллар палатаси Спикери Рамли Бин Нга Толиб билан учрашди.

Ташқи ишлар вазири Ҳамид Албар билан мулоқот эса икки томонлама сиёсий ҳамкорлик, АСЕАН, Ислом конференцияси ташкилоти каби тузилмалар доирасидаги кўп томонлама алоқалар билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланди.

Ислом Каримов, шунингдек, Малайзиянинг собиқ Бош вазири Махатхир Муҳаммад билан учрашди. Катта сиёсий нуфузга эга таниқли сиёсат ва жамоат арбоби Махатхир Муҳаммад Ўзбекистон — Малайзия муносабатларига оид масалаларни яхши билади.

Президент Ислом Каримовнинг ташрифи Малайзия раҳбарияти Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларни юксак даражада қадрлашини яна бир бор намойиш қилди.

* * *

5 октябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси Миллий ассамблеяси Спикери Ким Ван Кини қабул қилди.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг яқин ҳамкорларидан. Ўзаро ҳамкорлик алоқалари мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йилларданоқ йўлга қўйилди ва тез орада Корея Республикаси Ўзбекистоннинг асосий савдо шерикларидан бирига айланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажарган Хоразм вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади ҳамда «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

6-7 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб, Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашди.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, аввало, ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий манфаатлари бор ва бу — табиий ҳол.

Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотини ривожлантиришда айрим миллий манфаатларнинг умумминтақавий манфаатлардан устун қўйилиши қарорлар қабул қилишга, эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишга маълум маънода тўсиқ бўлиб келди.

Санкт-Петербург саммитида ўтган даврда қилинган ишлар ана шу нуқтаи назардан сарҳисоб этилди. Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашувида Президентлар сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқалар, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди, шунингдек, халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотининг бу галги саммити Евроосиё интеграциялашув жараёнидаги бурилиш нуқтаси бўлди. Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан Евроосиё маконида иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ва тараққиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилоти ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти негизида Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Саммит доирасидаги музокаралар якунланганидан кейин давлатимиз раҳбарининг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатларнинг аҳволи ва истиқболига оид масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, сафар асносида Президент Ислом Каримов Қирғизистон Президенти Қурманбек Бакиев билан музокара ўтказди. Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

* * *

10 октябрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

11 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерациясининг саноат бўйича федерал агентлиги раҳбари Борис Алёшинни қабул қилди. Меҳмон Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришда, айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини қайд этди. Ҳукуматлараро комиссиянинг Тошкентда ўтган навбатдаги мажлиси юксак савияда ташкил этилгани ва муваффақиятли якунланганини алоҳида таъкидлади.

* * *

13 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли адо этган Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

14 октябрь. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислом Каримовнинг «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида» деб номланган китобини нашрдан чиқарди.

* * *

21 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро алоқалар, мамлакатларимизнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

27 октябрь. Президент Ислом Каримов «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Юй Хунцзюнь, Ҳиндистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Сканд Ранджан Тайал, Корея Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ли Дон Пал ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

2 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент ассамблеяси раиси Элси Хэстингсни қабул қилди. Меҳмон Ўзбекистонга ташрифи самарали кечаётганини таъкидлаб, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХҲТнинг Парламент ассамблеяси ўртасидаги алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

6 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Тошкент ахборот технологиялари университети ташкил этилганининг 50 йиллиги муносабати билан ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган профессор-ўқитувчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 ноябрь. Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Ушбу нутқ «Мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш — муваффақият гарови» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

8 ноябрь. Президент Ислом Каримов Тошкент ахборот технологиялари университетининг ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан мазкур университет профессор-ўқитувчилари ва талабаларига, бутун жамоасига табрик йўллади.

* * *

8 ноябрь. Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузишдан асосий мақсад — истиқлолнинг илк йилларидаёқ белгилаб олинган буюк мақсад-муддаоларимизга, қураётган жамиятимизга муносиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашдир, деб таъкидлади Юртбошимиз.

* * *

9 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Куродани қабул қилди. Учрашувда

Ўзбекистон — ОТБ муносабатларига доир масалалар, қўшма лойиҳалар ижросининг бориши ва янгиларини ишлаб чиқиш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

9 ноябрь. Президенти Ислом Каримов «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 ноябрь. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Россия Федерациясига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари сафар олдидан оммавий ахборот воситалари мухбирларининг саволларига жавоб берди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Россия Федерациясига келди. Кремлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида яккама-якка учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди.

Владимир Путин Ислом Каримовни Россияга ташрифи билан қутлар экан, ўзаро муносабатлар фаол ривожланаётганини қайд этди. Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз Россия билан ҳар томонлама равнақ топиб бораётган икки томонлама ҳамкорликни қадрлашини таъкидлади.

Ислом Каримов ва Владимир Путин мулоқотида кўтарилган масалалар Ўзбекистон ва Россия расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом эттирилди.

Музокаралар якунида Президентлар Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзолади.

Маълумки, Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг 2005 йил октябрь ойида Санкт-Петербургда бўлган учрашувида мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиш учун имкониятлар етарли эканини ва бундай муносабатлар икки томон манфаатларига мос келишини таъкидлаган эди. Президентимизнинг бу таклифи қисқа муддатда ҳаётда ўз инъикосини топди. Бу Ўзбекистон ва Россиянинг мақсад ва интилишлари муштараклигига яққол далилдир.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома икки мустақил давлат ўртасидаги муносабатларни энг ишончли даражага кўтаришини, уларни янада яқинлаштиришини таъкидладилар. Ислом Каримов бу ҳужжат нафақат Ўзбекистон билан Россиянинг мудофаа соҳасидаги стратегик мақсадларига хизмат қилиши, балки ўзаро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш имкониятларини ҳам очиб беришини қайд этди.

* * *

15 ноябрь. Президент Ислом Каримов Россия Федерациясига расмий ташрифи давомида «РУСАЛ» компанияси директорлар кенгаши раиси Олег Дерипаска билан учрашди. Ушбу компания нафақат Россия, балки жаҳон алюминий бозорида ҳам катта ўрин тутади. Учрашувда Ўзбекистоннинг тегишли компаниялари билан «РУСАЛ» ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

15 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Немис иқтисодиётининг шарқий қўмитаси (ГФР) бошқаруви раиси, «Даймлер Крайслер АГ» концерни бошқарувининг маслаҳатчиси Клаус Мангольдни қабул қилди.

Меҳмон самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳадаги Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги катта салоҳиятга эга эканини таъкидлади.

Учрашувда мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва рағбатлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

25 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 декабрь. Президент Ислом Каримов «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россиянинг «РУСАЛ» компанияси директорлар кенгаши раиси Олег Дерипаскани қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасида тузилган иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

2000 йилда ташкил топган «РУСАЛ» компанияси алюминий ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги кучли учликка кирувчи ягона хусусий саноат мажмуи ҳисобланади. Дунёда ишлаб чиқариладиган жами алюминийнинг ўн фоизи «РУСАЛ» ҳиссасига тўғри келади.

Учрашувда Ўзбекистон корхоналари билан «РУСАЛ» ўртасидаги алоқаларга доир масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

7 декабрь. Оқсарой қароргоҳида Мустақиллик байрами муносабати билан фидокорона меҳнати учун тақдирланган юртдошларимизга фахрий унвонлар, орден ва медалларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Президентимиз 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанадаги нутқи «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

10 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Германия федерал Мудофаа вазирлигининг парламент давлат котиби Фридберт Пфлюгерни қабул қилди.

Музокарада ГФР ҳарбий контингентининг Термиз шаҳри инфратузилмасидан фойдаланиши бўйича ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди. Ўзбекистон билан Германия халқаро терроризмга қарши курашда, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда БМТ Хавфсизлик кенгашининг тегишли резолюциялари доирасида ҳамкорлик қилади.

Германиялик юксак мартабали меҳмон Термиз аэропортидан немис ҳарбийларининг фойдаланишига имконият бергани учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдирди.

Германия томони Бундесвер контингентининг Термиз шаҳрида узоқ муддат бўлишини инобатга олиб, 2006 йилнинг январь ойидан шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳасида фаол иштирок этишга тайёр эканини маълум қилди.

Мулоқот якунида томонлар ҳар иккала давлат учун ҳам бирдек манфаатли бўлган соҳаларда ҳамкорликни бундан кейин ҳам давом эттиришга келишиб олдилар.

* * *

14 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 декабрь. Президент Ислом Каримов «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

16 декабрь. Президент Ислом Каримов «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

19 декабрь. Президент Ислом Каримов «Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилгани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 декабрь. Президент Ислом Каримов «Тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш ва уларнинг ҳисобот бериш тизими тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 110, 111, 133 ва 135-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларини тасдиқлади.

* * *

27 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 декабрь. Президент Ислом Каримов пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкор-

лик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Дастлаб Мустақиллик майдонидаги бахтиёр она монументи пойига гулчамбар қўйди. «Биз гўзал пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида, Мустақиллик майдонида истиқлолимизнинг дастлабки кунларида ўрнатилган мазкур монументга Мустақиллик монументи деб ном берганмиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Бугун унинг ёнига бахтиёр она сиймосини ифодалайдиган янги ҳайкал қўйилди. Шу сабабли ўзининг чуқур ва кенг маъно-мазмуни билан барчамиз учун азиз бўлган икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган ушбу мажмуага «Мустақиллик ва эзгулик монументи» деб ном берсак, ўйлайманки, жамоатчилигимиз, халқимиз бу фикрни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Мен мана шундай табаррук маскан, ҳеч шубҳасиз, бутун халқимиз учун, аввалambор, ёшларимиз учун мўътабар қадамжо бўлиб қолишига ишонаман. Айни пайтда у хорижий меҳмонларимиз учун ҳам зиёратгоҳга айланади, деб умид қиламан».

Ислом Каримов ушбу монументнинг Янги йил байрами арафасида очилаётганида ҳам ўзига хос маъно борлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари билан ҳам танишди.

Замон талаблари асосида барпо этилаётган таълим масканлари, уларнинг зарур ўқув жиҳозлари ва техник ускуналар билан таъминланиши, яратилаётган янги ўқув стандартлари, дастур ва қўлланмалар, илғор педагогик технологияларнинг амалиётга жорий этилиши ёшлар камолоти йўлида Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари ёшларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ва унумли ўтказиши учун яратилган қулайлик ва шароитни кўздан кечирди.

Ислом Каримов Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида таҳсил олаётган талабаларнинг тураржойларида бўлиб, уларни қайта жиҳозлаш борасида тегишли тавсия ва йўл-йўриқлар берди.

Президентимиз шаҳарчадаги «Маънавият ва маърифат» марказида бир гуруҳ талаба ёшлар билан учрашди. Уларнинг ўй-фикрлари, орзу-интилишлари ва келажакдаги режалари билан қизиқди.

Юртбошимиз бу ерда ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар, уларнинг қизиқиш ва интилишларига биноан тузилган клублар фаолияти билан танишди. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга доир тавсиялар берди.

Тошкент марказий темир йўл вокзали биноси ва унинг атрофида ҳам тубдан реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллик байрами арафасида бу ерда бўлиб, ушбу иншоотни таъмирлаш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берган эди.

Ўтган вақт мобайнида вокзалнинг асосий биноси, чиптахоналар, кутиш заллари тўла таъмирдан чиқарилди.

Президентимиз вокзал биносидаги шинам ва ёруғ кутиш заллари, ресторан, расмий меҳмонлар хонаси, шунингдек, перрон билан танишди. Вокзал олдидаги фаввора ва асосий бинога туташ очиқ айвонларни кўздан кечирди.

Юртбошимиз бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини бажарганларга миннатдорлик билдирди.

* * *

28 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 декабрь. Президент Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримов «Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди.

* * *

5 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 январь. Президент Ислом Каримов «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10-11 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикасида бўлиб, Президент Нурсултон Назарбоевнинг ўз вазифасини расман бажаришга киришишига бағишланган тантанали маросимда қатнашди.

Президент Ислом Каримов Қозоғистон раҳбари билан учрашиб, уни сайловда эришган ғалабаси билан самимий қутлади, келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилади. Н. Назарбоев юксак эътибор ва самимий табрик учун мамлакатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик изҳор этди.

Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар юзасидан фикр алмашар экан, ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда бундан буён ҳам изчил ривожланиб бораверишига ишонч билдирдилар.

* * *

11 январь. Президент Ислом Каримов «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 январь. Президент Ислом Каримов «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 январь. Президент Ислом Каримов «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси «Жануб» чегара қўшинлари минтақавий штабининг Термиз чегара районини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

* * *

17 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Бош котиби Григорий Рапотани қабул қилди.

Ислом Каримовнинг 2005 йил 6-7 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрига ташрифи чоғида Ўзбекистоннинг мазкур Ҳамжамиятга аъзо бўлиши тўғрисида келишиб олинган эди. Мамлакатимиз раҳбари бунга изоҳ берар экан, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва «Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОҲТ) ташкилотининг мақсад ва вазифалари бир хил эканлигини таъкидлаган эди.

Шу сабабли Ислом Каримовнинг ҳаракатлар такрорланишига, ортиқча сарф-харажат ҳамда ташкилий ишларга йўл қўймаслик учун икки тузилмани бирлаштириш ва янги шаклланган ЕврАзЭС доирасида интеграцияни ривожлантириш тўғрисидаги таклифи бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Оқсаройдаги учрашувда Президент Ислом Каримов Ҳамжамиятнинг навбатдаги саммити кун тартибидаги асосий масала Ўзбекистоннинг унга расман аъзо бўлиб кириши билан боғлиқ бўлишини таъкидлади. Мазкур учрашув ана шу жараён билан боғлиқ ташкилий масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

Г. Рапота самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистоннинг аъзо бўлиб кириши билан Ҳамжамият фаолияти самарадорлигини янада ошириш имкониятлари кўпайишини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида интеграция жараёнларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

20 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Россиянинг «Газпром» очиқ акциядорлик жамияти

бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари «Газпром» билан ҳамкорлик кўлами йилдан-йил кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Стратегик ҳамкорлик битимига мувофиқ 2004 йилда Ўзбекистондан Россияга 7 миллиарддан зиёд, 2005 йилда 8,15 миллиард куб метр газ экспорт қилинди.

«Газпром» Ўзбекистон ҳудудидан ўтувчи «Ўрта Осиё — Марказ» магистрал қувурини таъмирлашда ҳам қатнашади. Унинг Ўзбекистонга киритадиган жами сармояси 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошади.

«Газпром» жаҳондаги йирик компаниялардан биридир. Дунёда қазиб олинадиган газнинг 20 фоизи, Россия газининг 94 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. «Газпром» газ, нефть ва конденсатлар қазиб олиш ва қайта ишлаш, техника ва саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ўнлаб корхона ва компанияларни бирлаштирган.

Бундай йирик компания билан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон учун ҳар томонлама фойдалидир. Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан «Газпром» ҳам манфаатдор. Компания мамлакатимизда газ қазиб олиш ва газ савдоси ҳажмини ошириш, соҳага сармоя жалб этиш, газ саноатидаги хусусийлаштириш жараёнида янада кенг иштирок этиш ниятида.

Оқсаройдаги учрашувда «Ўзбекнефтгаз» билан «Газпром» ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон газ саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди. А. Миллер самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

23 январь. Президент Ислом Каримов «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисидаги қарорга имзо чекди.

* * *

24 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига (ЕврАзЭС) аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг навбатдан ташқари мажлисида иштирок этиш учун Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрига жўнаб кетди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига етиб келди. Оқшом ЕврАзЭСга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

* * *

24-25 январь. Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг Санкт-Петербург саммитида Ўзбекистон Республикаси мазкур ташкилотга расман аъзо бўлди. Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сафидан жой олиши Ҳамжамиятнинг ҳар бир аъзоси учун манфаатлидир. Мамлакатимиз енгил ва оғир саноат, савдо, машинасозлик, самолётсозлик, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, энергетика, коммуникация, жумладан, транзит соҳасида ва бошқа йўналишларда катта имкониятларга эга.

Санкт-Петербург саммити якунида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши тўғрисидаги протокол ҳамда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро кенгашининг «Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши муносабати билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти органлари фаолиятини ташкилий-молиявий таъминлаш тўғрисида», «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш тўғрисида»ги қарорлар имзоланди.

Президент Ислом Каримовнинг Россияга мазкур ташрифи асносида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигига доир ва айни пайтда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги алоқаларнинг ривожига бевосита таъсир этувчи яна бир неча муҳим келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерациясининг «Газпром» очиқ акциядорлик жамияти ўртасида Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Қувонч ва Ақчалак конларини ўзлаштириш тўғрисидаги битимнинг асосий тамойил ва низомлари тўғрисидаги битим, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ОАЖ ўртасида Ўзбекистоннинг Уст-Юрт минтақасидаги сармоявий блоклар ҳудудларида геологик тадқиқотлар ўтказишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги битим имзоланди.

Устюртдаги нефть-газ конларини ўрганиш ва ўзлаштиришни кўзда тутувчи бу ҳужжатларнинг умумий қиймати 660 миллион АҚШ долларига тенгдир. Шу тариқа, «Газпром»нинг Ўзбекистонга киритадиган лойиҳаси умумий ҳисобда 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Саммит якунида бўлган матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон-

нинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириши ушбу тузилманинг салоҳиятини ҳар томонлама оширишини алоҳида таъкидлади.

* * *

3 февраль. Президент Ислом Каримов «Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 февраль. Президент Ислом Каримов «Аҳоли ва ҳудудларни сел-тошқин ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюжани қабул қилди. Учрашувда халқаро ва минтақавий миқёсдаги долзарб масалалар муҳокама этилди. Халқаро террорчилик, экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларнинг олдини олишда, хавф-хатарларни бартараф этишда ҳамжиҳатлик билан иш юритиш зарурлиги қайд этилди.

* * *

10 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди. Ушбу маъруза «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

10 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг «2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

13 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Федерал мажлисининг Давлат думаси раиси Борис Грызловни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон — Россия муносабатларининг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши муносабати билан ушбу тузилма доирасида амалга оширилиши лозим бўлган шартномавий-ҳуқуқий жараёнлар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

24 февраль. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси иш бошлади. Мажлисда Президент Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади. Ушбу нутқ «Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

3 март. Президент Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартномани (Москва, 2005 йил 14 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 март. Президент Ислом Каримов «Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 март. Президент Ислом Каримов Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига табрик йўллади.

* * *

9 март. Президент Ислом Каримов «ГУУАМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масала-

лари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Конвенцияни (Ялта, 2001 йил 7 июнь) денонсация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни мамлакат Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши раиси Ислом Каримов бошқарди.

Йиғилишда Марказий Осиё минтақаси ва унинг атрофидаги вазият тўғрисида фикр алмашилди, мамлакат хавфсизлигига, жумладан, ахборот соҳасидаги замонавий таҳдид ва хавфларга қарши курашга оид чора-тадбирлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши билан боғлиқ долзарб масалалар кўриб чиқилди.

* * *

19 март. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Тантанада Президент Ислом Каримов иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади.

* * *

19 март. Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Тошкент аэропортида мартабали меҳмонни Президент Ислом Каримов кутиб олди.

* * *

20 март. Давлат ташрифи билан мамлакатимизга келган Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевни Дўрмон қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Шундан сўнг Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг яккама-якка учрашуви бошланди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги алоқалар, шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид ҳамда ўзларини қизиқтирган долзарб халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев ўзаро мулоқотни Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом эттирдилар. Музокарада ижтимоий соҳадаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Илм-фан, маданият ва санъат намояндалари, спортчиларнинг борди-келдисини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, оммавий ахборот воситалари тузилмаларининг алоқаларини фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди. Президентлар зиёлиларимиз мунтазам учрашувлар ўтказиб туриши, журналистлар эса ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин қирраларини ёритиб бориши зарурлигини таъкидладилар.

Музокара якунида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари қўшма баёнотга имзо чекдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев «Интерконтиненталь» меҳмонхонасига ташриф буюриб, икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форумида иштирок этдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари Тасвирий санъат галереясини бориб кўрдилар.

Қозоғистон раҳбари мамлакатимизнинг бош майдонидаги «Мустақиллик ва эзгулик монументи» пойига гул қўйди. Нурсултон Назарбоев ҳурриятимиз ва эзгу ниятларимизни ифода этувчи ушбу монументни зиёрат қилган илк олий мартабали меҳмон бўлди.

Қозоғистон Президенти Сенат биносини ҳам кўздан кечирди. Ўзбекистон парламентининг юқори палатаси фаолияти билан танишди.

* * *

20 март. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Наврўз табриги матбуотда чоп этилди.

* * *

23 март. Президент Ислом Каримов «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 март. Президент Ислом Каримов «Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 март. Президент Ислом Каримов давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди. Шу куни давлатимиз раҳбарининг Корея Республикасига расмий ташрифи бошланди. Сеулга етиб келган мамлакатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳга жойлашди.

* * *

28-30 март. Президент Ислом Каримов давлат ташрифи билан Жанубий Корея Республикасида бўлди. Бу Ўзбекистон раҳбарининг Жанубий Кореяга тўртинчи сафари бўлди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ва Жанубий Корея раҳбари Но Му Хён аввал якка-якка, кейин расмий делегациялар иштирокида кенгайтирилган тартибда музокаралар олиб бордилар.

Ўзбекистон раҳбари Тошкентда илгари сурган таклифини, яъни икки томонлама муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш вақти етганини яна бир бор таъкидлади. Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари кўп масалаларда ҳамфикр. Стратегик шериклик борасида ҳам фикрлар бир жойдан чиқди ва музокаралар якунида Президентлар Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шубҳасиз, бу ҳужжат ташриф давомида эришилган энг муҳим келишув бўлди.

29 март куни Ўзбекистон Президенти Корея Республикасининг етакчи иқтисодий ташкилотлари — Саноатчилар федерацияси, Савдо-саноат палатаси, Кичик ва ўрта бизнес федерацияси, Халқаро савдо уюшмаси раҳбарлари ҳамда Миллий ассамблея (парламент) Спикери билан мулоқотда бўлди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида иқтисодий соҳада 1992 йилдаёқ ўзаро энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. Ушбу давлатнинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси эса 1,5 миллиард доллардан ошади. Ўн йилдан буён нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲнинг бир неча мамлакатларида ҳам «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси маҳсулотларининг бозори чаққон. Россияда «ЎзДЭУавто» автомобиллари энг кўп сотиладиган хориж автомашиналаридан саналади.

Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокида тузилган 138 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат ва енгил саноатда, металлни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади.

Сеул музокаралари якунида молия, савдо ва сармоя, саноат, нефть-газ, энергетика, минерал ресурслар, геология, юқори технологиялар, олий таълим, маданият, оммавий ахборот воситалари, аҳолини иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга доир қирқдан зиёд ҳужжат имзоланди. Уларда кўзда тутилган умумий маблағ 1,8 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ташрифнинг учинчи куни ҳам самарали учрашувларга бой бўлди. Президент Ислом Каримов Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Бан Ки Мунни қабул қилди. Унда икки томонлама сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Жанубий Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия ва иқтисодиёт вазири Хан Док Суни ҳам қабул қилди. Мулоқотда ўзаро савдо ҳажмини ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, ишбилармонларнинг ҳамкорлигини рағбатлантириш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ислом Каримовнинг Сеул мэриясидаги учрашуви яна бир тантанага сабаб бўлди. Жанубий Корея Республикаси пойтахтининг мэри Ли Мён Бак Ўзбекистон Президентини «Сеулнинг фахрий фуқароси» деб эълон қилди.

Жанубий Корея оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи кенг ёритиб борилди.

* * *

1 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Бельгия Қироллиги ташқи ишлар вазири Карел де Гюхтни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Бельгия ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ҳамда мамлакатимиз билан ЕХҲТ ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

3 апрель. Президент Ислом Каримов «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси-

нинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 апрель. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлик ишлари билан танишди.

Наврўз байрами кунлари пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Қоратош мавзесида бир йўла учта янги ижтимоий объект — оилавий поликлиника, тикувчилик корхонаси ва маҳалла маркази ишга тушди. 55-оилавий поликлиника Қоратош, Чақар, Чорсу, Гулбозор, Хадра маҳаллаларида истиқомат қиладиган 30 мингга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Ислом Каримов поликлиникадаги шарт-шароитлар билан танишди, тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди.

Шу кунларда ишга тушган «Мурувваттекс» корхонасида 270 нафар ишчи ишлайди. Унда турли трикотаж буюмлари, асосан, болалар кийим-кечаклари, кўйлак ва майкалар тикилади. Корхонада замонавий жиҳозлар ўрнатилган. — Илғор техника ва технологияларга асосланган, кишилар талабига тез мослаша оладиган бундай ихчам фабрикалар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим, — деди Юртбошимиз.

Президент Ислом Каримов пойтахтимизнинг Самарқанд дарвоза маҳалласида бунёд этилган 14-оилавий поликлиника фаолияти билан ҳам танишди. Ҳомийлар маблағлари иштирокида қисқа муддатда қуриб фойдаланишга топширилган мазкур шифо маскани тўртта маҳалланинг 25 минг кишилик аҳолисига хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Самарқанд дарвоза маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда милиция таянч пунктининг янги биносини бориб кўрди. Маҳалла фаоллари билан самимий суҳбатлашди.

Юртбошимиз «Мурувваттекс» корхонасининг Самарқанд дарвоза трикотаж фабрикаси фаолиятини ҳам кўздан кечирди. Фабрикада тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозор билан бир қаторда Германия, Австрия, Венгрия ва Голландия каби хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Президентимиз корхона ишчилари билан мулоқотда бўлиб, улар учун яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида пойтахтимизнинг ҳалқа йўлида — Сергели тумани ҳудудидаги йирик чорраҳада 49 метр узунликдаги йўл ўтказгич барпо этилган эди. Ушбу мураккаб транспорт ечими билан боглиқ яна бир хайрли иш амалга оширилди — йўл ўтказгич Катта ўзбек тракти билан боғланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур йўл ўтказгич ва Эркин қўрғони оралиғида бунёд этилган 3,7 километрлик янги йўлни бориб кўрди.

— Биз Тошкентда кўпдан-кўп янги иморатлар, боғлар, хиёбонлар барпо этяпмиз,— деди Ислом Каримов. — Агар автотранспорт ҳаракати билан боғлиқ мана шундай муаммоларни ҳал қилмаганимизда, амалга ошираётган ишларимиз бесамар кетиши мумкин эди.

Президентимиз мутасаддиларга бу борада амалга ошириладиган ишлар юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.

* * *

4 апрель. Президент Ислом Каримов «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 апрель. Президент Ислом Каримов «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 апрель. Президент Ислом Каримов «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий вице-президенти Шигео Катсуни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги алоқаларга 1993 йилда асос солинган. Айни пайтгача Жаҳон банки томонидан юртимизда амалга оширилаётган лойиҳалар учун 600 миллион АҚШ долларидан зиёд кредит ажратилган.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

6 апрель. Президент Ислом Каримов «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўз-

гартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши раиси Сергей Мироновни қабул қилди.

Меҳмон самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, икки мамлакат сенаторларининг мулоқоти иттифоқчилик муносабатлари анъаналарига мос тарзда фаоллашиб бораверишига ишонч билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Россия парламентлараро алоқалари билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

12 апрель. Президент Ислом Каримов «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Буюк Британия консерватив партияси вакили лорд Роберт Солсберини қабул қилди. Таниқли сиёсатчи Р.Солсбери юртимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, бой маданий тарихимиз билан яқиндан танишди. Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасида, қатор вазирликлар ва олий таълим муассасаларида бўлди. Бўлиб ўтган мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

* * *

25 апрель. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

26 апрель куни Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Манмоҳан Сингх фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Маросимдан кейин Ислом Каримов ва Манмоҳан Сингхнинг яккама-якка учрашуви бошланди. Унда Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди. Суҳбат чоғида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, хусусан, террорчилик ва экстремизмга қарши кураш масалаларига эътибор қаратилди. Томонлар ушбу мавзу муҳокамаси чоғида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазири иштирокидаги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи таҳлил этилди. Айни пайтда савдо ва сармоя соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Жумладан, тоғ-кон, нефть-газ, энергетика, тўқимачилик ва ипакчилик саноатида, қишлоқ хўжалиги ва юқори технологиялар соҳасида сармоявий ҳамкорликни фаоллаштириш ва янги қўшма корхоналар очиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Музокарада фан-таълим, шу жумладан, қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш ва кадрлар малакасини ошириш, шунингдек, маданият ва санъат, сайёҳлик каби соҳалардаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш марказини ташкил этиш тўғрисида англашув меморандуми, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Ҳиндистон Нефть-газ саноати вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан Ҳиндистон Тоғ-кон саноати вазирлиги ўртасида геология ва минерал ресурслар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан GAIL LIMITED компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Ҳиндистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида 2007 йилги иш режаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акционерлик компанияси билан Ҳиндистон савдо корпорацияси ўртасида англашув меморандуми, Тошкент

давлат шарқшунослик институти билан Деҳли университети ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими якунига етгач, Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Манмоҳан Сингх оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Ўзбекистон раҳбари музокаралар очиқлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчанлик кайфиятида ўтганини, томонлар икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли масалалар, минтақавий ва халқаро миқёсдаги ўзларини қизиқтирган муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашганини таъкидладилар.

* * *

26 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2-3 май. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Покистон Ислом Республикасида бўлди. Покистон Президентининг «Айвони Садр» қароргоҳида Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушарраф шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Маросимдан кейин Ўзбекистон ва Покистон раҳбарларининг яккама-якка учрашуви бўлди. Томонлар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар, ўзларини қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Покистон Президентлари иштирокидаги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувлар ниҳоясида Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф Ўзбекистон Республикаси Президентининг Покистон Ислом Республикасига ташрифи якунларига доир Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ўртасида Халқаро террорчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни кучга киритиш учун ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисида протокол, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, Ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида ҳукуматлараро англашув меморандуми, шунингдек, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Покистон Озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик вазирлиги ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси билан Покистон Даромадлар бош бошқармаси ўртасида ташқи савдо божхона статистикаси соҳасида ўзаро услуб ва ахборот алмашишда ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Покистон Савдо-саноат палаталари федерацияси ўртасида Қўшма тадбиркорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Покистон Миллий банки ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Хабиб банк лимитед» ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими якунига етгач, Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Ташриф асносида Президент Ислом Каримов Покистон Бош вазири Шавкат Азиз билан учрашди. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, ўзи учун ажратилган қароргоҳда Покистон Миллий ассамблеяси раиси Чаудри Амин Ҳусайнни қабул қилди.

Ўзбекистон Президенти Покистоннинг федерал сув хўжалиги ва энергетика вазири, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Покистон ҳукуматлараро комиссиясининг ҳамраиси Лаиқат Али Жатойни ҳам қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистон Ислом Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

4 май. Президент Ислом Каримов «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 май. Президент Ислом Каримов мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

5 май. Президент Ислом Каримов «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Дмитрий Медведевни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Россия алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

6 май. Президент Ислом Каримов «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 май. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 61 йиллик байрами муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонига уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Юртбошимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди. Сўнгра журналистлар ва бу ерга йиғилган зиёлилар билан суҳбатлашди.

* * *

11 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 май. Президент Ислом Каримов амалий ташриф билан Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлди. Россия Президентининг «Бочаров ручей» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Музокарада хавфсизлик масалалари, хусусан, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш муаммолари атрофлича муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов 9 май куни Тошкентдаги Хотира майдонида журналистлар билан суҳбатда Ўзбекистон билан Россия ўртасида тузилган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари шу йил 6 март куни «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини имзолади. Сочи учрашуви арафасида Владимир Путин бу ҳужжатнинг Россия томонидан ратификация қилиниши тўғрисидаги қонунни имзолади. Энди шартнома тўлиқ кучга кирди.

Таъкидламоқ жоизки, мазкур шартнома ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини таъминловчи асосий ҳужжатдир. Унда ташқи хавф юзага келганда ўзаро ёрдам кўрсатиш билан бирга, халқаро майдонда ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалалари кўзда тутилган.

Айни пайтда шартнома Россия учун ҳам ғоят муҳим ҳужжатдир. У икки томонлама ҳамкорлик негизида Россиянинг жанубий сарҳадлари хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Мухтасар айтганда, глобаллашув шароитида бундай шартнома тинчлик ва барқарорликнинг мустаҳкамланиши ва таҳдидларнинг олди олинишини, шу билан бирга, ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришни таъмин этади.

Ислом Каримов билан Владимир Путиннинг бу галги учрашувида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг расман кучга кириши муҳим тарихий воқеа эканлиги алоҳида таъкидланди. Президентлар қайд этганидек, мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликни энг ишончли ва энг олий даражага кўтарди. Ўтган йилнинг ноябрида имзоланган бу ҳужжат қисқа муддатда икки томонда ҳам ратификация қилингани Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро муносабатларни кенг кўламда ривожлантириш борасидаги азму шижоатидан далолатдир.

* * *

16 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18-19 май. Президент Ислом Каримов Навоий вилоятида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Юртбошимиз сафарини шаҳар аэропортида

амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишишдан бошлади.

Давлатимиз раҳбари Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфидаги энг йирик саноат корхоналаридан бири «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти билан танишди. Президентимиз мутасадди раҳбарларга корхона фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда модернизациялаш, ишчи-хизматчиларга зарур шароитлар яратиш борасида тавсиялар берди.

Юртбошимиз ташаббуси билан Навоий шаҳрида қад ростлаган, Наврўз тантаналари куни очилган масжид биносида бўлиб, бу ерда вилоят имом хатиби, оқсоқоллар билан суҳбатлашди.

Шу куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Бухорога келди. Давлатимиз раҳбари Бухородаги шаҳар Марказий истироҳат богини кўздан кечирди. Қарийб 72 гектар майдонни эгаллаган, тубдан таъмирланган ва бутунлай янгича қиёфа касб этган мазкур боғда бухороликлар ва шаҳар меҳмонларининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган.

Юртбошимиз бу ерда амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишларига юқори баҳо берди. Боғ, жумладан, жорий йил 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида барпо этилган Хотира хиёбони ён-атрофдаги тарихий обидалар билан уйгунлашиб, яхлит бир мажмуага айланганини таъкидлади.

Президентимиз Бухоро шаҳрида фойдаланишга топширилган диагностика маркази фаолияти билан ҳам танишди. Олтмиш нафарга яқин тиббиёт ходими меҳнат қиладиган ушбу марказда кунига юздан зиёд беморга хизмат кўрсатилади.

Ислом Каримовнинг Бухоро вилоятига сафарининг иккинчи куни Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси зиёратидан бошланди. Давлатимиз раҳбари мажмуани зиёрат қилар экан, бу муборак зот мангу осойиш топган ушбу макон барчани эзгуликка чорловчи маскан бўлиб қолаверишини таъкидлади. —Бундай муқаддас жойларни зиёрат қилиб туриш ҳар бир инсон учун фойдали, — деди Президентимиз. — Чунки бундай пайтда одам ўзида руҳан енгиллик сезади. Кечирган умрини хаёлдан ўтказади, таҳлил қилади, бу дунёда инсон фақат яхшилик қолдириши лозимлигини ҳис қилади. Шундай муқаддас заминда яшаётганига шукроналар келтиради.

Бухоро туманидаги «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролик йигини ҳудудидаги фермер хўжаликлари фаолияти билан танишган Президент Ислом Каримов бир гуруҳ фермерлар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз вилоятда қишлоқ мулкдорлари — фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи билан қизиқди.

Шу куни давлатимиз раҳбари тумандаги «Ҳожи» фермер хўжалиги далаларида меҳнат қилаётган бир гуруҳ хотин-қизлар билан суҳбатлашди. Уларнинг меҳнат ва турмуш шароити, оиласи билан қизиқди. Суҳбат иштирокчилари хотин-қизларнинг, айниқса, қишлоқ аёлларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирдилар.

* * *

23 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Германия Федератив Республикаси Немис иқтисодиётининг шарқий қўмитаси раиси Клаус Мангольдни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Германия Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий шерикларидан эканлигини таъкидлади. — Сизнинг ҳар бир ташрифингиз ўзаро ҳамкорликка янги суръат бахш этмоқда, — деди Ислом Каримов. — Сиз раҳбарлик қилаётган делегация сафида бу гал ёш ишбилармонлар ҳам борлиги эътиборлидир.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

24 май. Президент Ислом Каримов «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 май. Президент Ислом Каримов «Пахтакор» футбол жамоаси аъзолари ва фахрийларига табрик йўллади.

* * *

25 май. Президент Ислом Каримов «Пахтакор» футбол жамоаси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда футболни ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 май. Президент Ислом Каримов «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 июнь. Президент Ислом Каримов «2006/2007 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Бош котиби Григорий Рапотани қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув Ўзбекистоннинг Ҳамжамиятга аъзо бўлиши билан боғлиқ ҳуқуқий жараёнларни якунига етказиш борасидаги масалаларни муҳокама қилиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ўртасидаги кенг қамровли алоқаларнинг бугунги аҳволи ва келажакда биргаликда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар, Ҳамжамиятнинг навбатдаги саммити кун тартиби хусусида фикр алмашилди.

* * *

6 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Компартияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси Доимий қўмитасининг аъзоси Ли Чан-чунни қабул қилди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларнинг истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Парламентлараро ва сиёсий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид фикрлар илгари сурилди. Ижтимоий-маданий алоқалар ва ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик борасида сўз юритилди.

* * *

9 июнь. Президент Ислом Каримов «2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 июнь. Президент Ислом Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммити арафасида Хитой Халқ Республикасининг оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюси ХХРнинг марказий ССТВ-1 телеканали, «Синьхуа» агентлиги, «Жэньминь Жибао» газетаси, Бутунхитой радиоси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Ушбу интервью «ШҲТ ҳамкорликнинг улкан салоҳиятини намойиш этмоқда» сарлавҳаси билан «Халқ сўзи» газетасида чоп этилди.

* * *

12 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюжани қабул қилди.

Оқсаройдаги учрашувда халқаро ва минтақавий миқёсдаги долзарб масалалар муҳокама қилинди. Таҳдидларнинг олдини олишда, хавф-хатарларни бартараф этишда ҳамжиҳатлик билан иш юритиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

* * *

13 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институтини ташкил қилиш тўғрисида» қарорга имзо чекди.

* * *

14 июнь. Президент Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари сафар олдидан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Ана шу интервью «Хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, халқларимиз фаровонлигини ошириш — энг муҳим ва устувор масала» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

14 июнь. Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрига етиб келди. Шу куни давлатимиз раҳбари Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди. Унда Ўзбекистон ва Хитой муносабатларига, ШҲТни янада ривожлантиришга, томонларни қизиқтирган минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шу куни ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилот таъсис этган Ишбилармонлар кенгаши вакиллари билан учрашди. Давлат раҳбарлари мазкур кенгашнинг ташкил этилишини маъқулладилар ва ишбилармонларни ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада фаоллаштиришга чақирдилар. Президент Ислом Каримов, инвестициявий дастурлар ва давлатлараро савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид масалалардаги ҳуқуқий асосни ўзаро уйғунлаштирмасдан туриб, биз кўзлаган мақсадларимизга етишимиз мушкул, деб алоҳида таъкидлади.

* * *

15 июнь. Шанхай шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги саммити бўлди. У давлат раҳбарлари кенгашининг тор

доирадаги учрашуви билан бошланди. Учрашувда ШҲТни янада ривожлантиришга, Котибият, Минтақавий аксилтеррор тузилма ва Ишбилармонлар кенгаши фаолиятини такомиллаштиришга, аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари хавфсизлик муаммолари, дунёда ва ШҲТ минтақасида рўй бераётган воқеалар юзасидан фикр алмашдилар.

Мажлисда Президентлар сармоявий ҳамкорлик, сув-энергетика захиралари, ерости ва ерусти бойликларидан унумли фойдаланиш, коммуникация ва ахборот тизимларини барпо этиш лойиҳалари, автомобиль, темир йўл магистралларини ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамасдан жаҳон таҳдид ва хавф-хатарлардан халос бўла олмаётганини таъкидлади.

— Халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, бугунги кунда дунёда ҳамон «оловли нуқталар», ҳудудий ва минтақавий низолар, миллий ва диний зиддиятлар хавфи, иқтисодий ва ижтимоий таҳдидлар сақланиб турибди, — деди Ислом Каримов. — Афғонистондаги беқарорлик, наркотик ишлаб чиқаришнинг ҳажми ортаётгани, мамлакатлардаги халқаро коалиция кучларининг бу иллатларга қарши ҳаракатлари кутилган натижани бермаётгани жиддий ташвиш туғдирмоқда. ШҲТ қамраган минтақа улкан салоҳиятга эга. Айниқса, транспорт, энергетика, қурилиш каби соҳаларда имкониятлар жуда катта. Мажлисда бу салоҳиятни тўла ишга солиб, имкониятларни амалий натижаларга айлантириш борасида батафсил фикр алмашилди.

Саммит қатнашчилари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

* * *

15 июнь. Президент Ислом Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган саммитида сўзлаган нутқи «Тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг ишончли кафолати» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

17 июнь. Президент Ислом Каримов Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитида қатнашди. Кенгаш оммавий қирғин қуроли бутунлай йўқ қилинишини ёқлайди. Айниқса, ядровий қуролсизланиш устувор масала саналади. Тузилма ядровий ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларидан холи зона барпо этиш ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Шу жиҳатнинг ўзиёқ Ўзбекистоннинг у билан ҳамкорлиги учун яхши асос бўлади. Чунки, мамлакатимиз Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантиришнинг бош ташаббускоридир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида можаро ва келишмовчиликларни бартараф этишда, турли миллатлар ва динлар вакилларининг тотувлигини таъминлашда ўзаро ишонч масалаларига ҳар доим устувор аҳамият бериб келинганини алоҳида таъкидлади.

* * *

19 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 июнь. Президент Ислом Каримов «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 июнь. Президент Ислом Каримов «Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 8, 71-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 июнь. Президент Ислом Каримов «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Кувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси бош директори Абдулваҳоб Аҳмад ал-Бадерни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Кувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

22 июнь. Президент Ислом Каримов Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС)га аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Беларусь пойтахти Минск шаҳрига жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида журналистлар билан суҳбатда давлатимиз раҳбари ташкилот олдида турган асосий масалалар ҳақида тўхталар экан, аъзо давлатлар ўртасида савдо-сотиқни янада ривожлантириш, иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш, сармоялар бозорини ташкил қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

* * *

23 июнь. Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг саммитида қатнашиш учун Минскка ташриф буюрган олий мартабали меҳмонлар Беларусь Миллий кутубхонасининг янги бунёд этилган биносига йиғилдилар. Бу ерда Давлатлараро кенгашнинг тор доирадаги учрашуви бошланди. Ҳамжамият Божхона иттифоқини тузиш ва ягона иқтисодий макон барпо этиш жараёнини жадаллаштириш, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро савдо тизимига интеграциялашишида аъзо давлатларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида савдо-иқтисодий ҳамкорликни, иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ҳақида тўхталар экан, бунда хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлади. Ҳар қандай тузилма доирасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик ривожланиши учун, аввало, у қамраган ҳудудда вазият барқарор бўлиши керак, деди Ислом Каримов.

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги музокаралар якунига етгач, Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Арманистон раҳбарлари иштирокида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда Ўзбекистон ушбу ташкилот ишида қатнашиш тўғрисидаги мораторийни бекор қилгани эълон қилинди.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон раҳбариятининг мазкур қарори коллектив хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Президенти Коллектив хавфсизлик шартномаси 1992 йили Тошкентда имзоланганини, 1998 йил Ўзбекистон у билан ҳамкорликни тўхтатганини айтди. Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот фаолиятида яна иштирок этиш сабаблари эса Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши билан боғлиқ. Иқтисодий ҳамкорлик фақат хавфсизлик таъминлангандагина ривожланади.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти доирасидаги музокаралар натижасида эса ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган сиёсий декларация имзоланди. Хавфсизлик органларининг террорчилик ва наркотаҳдидга қарши ҳамкорликдаги курашига оид дастур қабул қилинди.

Ислом Каримов мулоқотлар мазкур ташкилотларни ривожлантириш, минтақа ва дунёда рўй бераётган воқеалар юзасидан эркин фикр алмашиш, хулоса чиқариш учун яхши имконият яратганини таъкидлади.

* * *

26 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан республика матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

28 июнь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Нодия Иброҳим Каффофий, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Беррах, Фаластиннинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Асад Муним ал-Асад, Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Асқар Мирзаахметов ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

29 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

3 июль. Президент Ислом Каримов «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси корхоналарининг давлатга қарашли акциялари пакетларини хусусий мулк этиб сотиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 июль. Президент Ислом Каримов «Мевасабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун фермер хўжаликларини замонавий ускуналар ва мини-технологиялар билан таъминлаш борасидаги таклифларни тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

10 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг давлат вазири Гернот Эрлерни қабул қилди.

Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит немис ишбилармонларининг мамлакатимизга қизиқишини оширмоқда. Германиянинг «Даймлер-Крайслер», «EADS», «MAH Ferrostaal AG», «LEMKEN GmdH» каби етакчи компаниялар шулар жумласидан. Учрашувда ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

18 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 июль. Президент Ислом Каримов «Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимини (Мадрид, 1891 йил 14 апрель) денонсация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 июль. Президент Ислом Каримов «Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 июль. Президент Ислом Каримов давлатга дон тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли адо этган республикамиз ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

20 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 июль. Президент Ислом Каримов «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21-22 июль. Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий саммитида иштирок этди.

Учрашувда МДҲни ислоҳ қилиш ва Ҳамдўстлик доирасида гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Аъзо давлатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Москва сафари чоғида давлатимиз раҳбари Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиевни ўз қароргоҳида қабул қилди. Қирғизистон раҳбарининг илтимосига биноан бўлиб ўтган мазкур учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига доир масалалар муҳокама қилинди.

* * *

24 июль. Президент Ислом Каримов «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 июль. Президент Ислом Каримов «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 август. Президент Ислом Каримов «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 август. Президент Ислом Каримов «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Ричард Баучерни қабул қилди. Учрашувда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди ҳамда икки томонлама манфаатли муносабатларнинг истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Суҳбат чоғида, минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳамжиҳатлик ва тинч йўл билан ҳал этишнинг муҳимлиги таъкидланди.

* * *

14 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни мамлакатимиз Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши раиси Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда минтақада ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга, мамлакат хавфсизлигига таҳдид солувчи замонавий хавф-хатарларга қарши самарали курашишга оид долзарб масалалар муҳокама этилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди, тегишли вазирлик ва идораларга аниқ топшириқлар берилди.

* * *

15 август. Президент Ислом Каримов Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига (ЕврАзЭС) аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этиш учун Россия Федерациясининг Сочи шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

16 август. Учрашувда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида Божхона иттифоқини тузишга оид масала асосий муҳокама мавзуси бўлди. Саммитда, шунингдек, ҳамжамиятнинг умумий энергетика бозорини барпо этиш, сув-энергетика консорциумини тузиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Музокарада Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу икки тузилманинг Минскда ўтган аввалги саммити чоғида Ўзбекистон Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотидаги фаолиятини давом эттириши эълон қилинган эди. Сочи учрашувида Президентлар Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга аъзолигини расман тасдиқловчи ҳужжатни имзоладилар.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов хавфсизликни таъминламай иқтисодиётни, давлатлараро интеграция жараёнларини ривожлантириш қийинлигини ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти бир-бирини тўлдирувчи тузилмалар эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти ўз қароргоҳида Украина Бош вазири Виктор Януковични қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ислом Каримов ва Виктор Янукович Ўзбекистон билан Украина кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятларга эга эканлигини таъкидладилар.

* * *

18 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Марокаш Подшоҳлиги қишлоқ хўжалиги, тараққиёт ва денгиз балиқчилиги вазири Муҳаммад Лансерни қабул қилди.

Меҳмон самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Марокаш Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади ва Ислом Каримовга Марокаш Подшоҳи Муҳаммад Олтинчининг мактубини топширди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар юзсидан фикр алмашилди.

* * *

21 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлик ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари Тошкент катта ҳалқа йўлининг якуний босқичида амалга оширилган ишларни кўздан кечирди. Усмон Носир, Сирғали, Қўйлиқ ва Отчопар бозорига борадиган кўчалар билан кесишадиган йирик чорраҳада қурилган 49 метр узунликдаги йўл ўтказгич ва Эркин қўрғони ҳудудидан ўтадиган умумий узунлиги олти километрлик янги йўл Тошкент катта ҳалқа йўлини боғлади.

Мамлакатимиз Президенти катта ҳалқа йўлининг 61-километрида амалга оширилган ишлар билан танишар экан, йўлсоз ва қурувчиларнинг меҳнатига юксак баҳо берди.

Ислом Каримов Чилонзор тумани ҳудудидан ўтган кичик ҳалқа йўлининг Халқлар дўстлиги кўчаси билан кесишадиган жойида

ишга тушган улкан транспорт боғламаси билан ҳам танишди.

Истиқлол байрами арафасида пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Саккокий кўчасида бир йўла учта янги ижтимоий объект — 8-оилавий поликлиника, замонавий спорт мажмуи, «Журжоний» маҳалла гузари ишга туширилди.

Президентимиз шифо масканида яратилган шарт-шароит билан танишди, шифокорлар билан суҳбатлашди. Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий натижалари, шифокорларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари янгидан барпо этилган маҳалла гузарини ҳам бориб кўрди, маҳалла фаоллари билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз «Турон» якка кураши билан шуғулланаётган болаларнинг кўргазмали чиқишларига юқори баҳо берди.

— Биз бугун 15 йил илгари экилган дарахтнинг ҳосилини кўряпмиз,— деди Президентимиз пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишув сўнгида. — Қайси ишга қўл урмайлик, аввало, халқимизнинг қадр-қимматини оширишни асосий мақсад қилиб қўймоқдамиз. Бугун биз эришган ютуқлар, биз амалга оширган бунёдкорлик ишлари халқимизнинг қудратидан нишонадир.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ханс-Йоахим Кидерленни унинг ваколат муддати тугаши муносабати билан илтимосига биноан қабул қилди.

Президент Ислом Каримов ГФР элчиси Ўзбекистондаги фаолияти давомида самарали меҳнат қилганини, икки томонлама ҳамкорлик ривожида унинг ҳиссаси катта бўлганини таъкидлади.

Ханс-Йоахим Кидерлен қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, мамлакатимизда ўтган йилларини ҳаётининг унутилмас ва самарали даври сифатида доим ёдда тутишини таъкидлади.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн беш йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан танишишни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғидан бошлади. Истиқлол йилларида мазкур боғнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Унинг янги қурилган 12 устун ва бешта гумбаздан иборат нақшинкор маҳобатли дарвозаси «Бешёғоч» майдонининг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Мамлакатимиз Президенти боғ ҳудудида қурилган Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси биноси билан танишар экан, мазкур иншоотни барпо этишда иштирок этган меъморлар, муҳандислар, қурувчилар ва усталарнинг меҳнати ва маҳоратига юксак баҳо берди. — Ушбу маданият ва санъат кўргазмаси биносининг бунёд этилиши халқимизнинг маънавий такомилига хизмат қилади, — деди давлатимиз раҳбари. Ислом Каримов бу ерда ташкил этилган халқ ҳунармандчилиги маҳсулотларини кўздан кечирди.

Юртбошимиз улкан боғдаги сунъий кўл атрофида амалга оширилган ишлар билан танишар экан, боғ ҳудудини янада кенгайтириш, турли дарахтларни кўпайтириш, унинг ғарбий томонида ҳам янги дарвоза ўрнатиш зарурлигини уқтирди.

Президент Ислом Каримов Юнусободдаги янги қуриб битказилган «Универсал» спорт саройига ташриф буюрди. Сарой замонавий талабларга жавоб берадиган барча зарур спорт инвентарлари, мониторлар ҳамда электрон табло билан жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда машқ қилаётган гандболчи, гимнастикачи ва енгил атлетикачи болалар билан суҳбатлашди. Спортчилар ёш авлодга кўрсатилаётган юксак эътибор учун миннатдорлик билдиришди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида Юртбошимиз ташаббуси билан кенг кўламдаги бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг янги спорт мажмуасини кўздан кечирди, бир гуруҳ спортчи ёшлар —талабалар билан суҳбатлашди.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзуми расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Дўрмон қароргоҳида Япония Бош вазирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзуми шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Жунъичиро Коидзуминиг яккама-якка суҳбати бошланди. Унда Ўзбекистон — Япония муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Ислом Каримов ва Жунъичиро Коидзуми ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканини қайд этдилар. Ўзбекистон ва Япониянинг кўплаб халқаро муаммоларга қарашлари ўхшаш ва яқинлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда асосий диққат-эътибор савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда алоқаларни янада фаоллаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ишга солинмаётган имкониятларни ўрганиб чиқиш ва улардан фойдаланиш, ҳамкорликнинг салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш йўллари муҳокама этилди. Музокара якунида Ўзбекистон — Япония Қўшма баёноти қабул қилинди.

Ўзбекистон вакилларининг Японияда таҳсил олиши учун беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича Алмашув нотолари имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари музокаралар самарали кечганидан мамнуният билдириб, мулоқотлар ишчан кайфиятда, ўзаро ишонч руҳида ўтганини қайд этишди.

Президент Ислом Каримов икки томонлама муносабатлар тарихида Ўзбекистонга илк бор Япония Бош вазири расмий ташриф буюргани, бу ташриф ўзаро алоқалар ва мамлакатларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги улкан воқеа эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари ушбу ташриф алоқалар ривожида муҳим омил бўлишига ишонч билдирдилар.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2005 йил 14 ноябрь куни Москвада Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Кремлда ўтган ана шу тарихий учрашувда Тошкентда М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиалининг очилиши маълум қилинган эди.

Москва давлат университетининг Тошкент филиалига ташриф буюрган Президент Ислом Каримов бу муҳташам бино ён-атрофдаги иншоотлар билан ягона меъморий ансамбль ҳосил қилганини таъкидлади. Президентимиз филиал раҳбарияти ва талабалар билан суҳбат чоғида ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалий математика ва психология соҳаси мутахассисларига эҳтиёж борлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари талабаларнинг ўқиш, машғулотларга тайёрланиш, яшаш шароитлари билан танишди. Компьютер хонаси, ахборот ресурс маркази, конференциялар залини кўздан кечирди.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг бош майдони улкан меъморий ансамблга айланди — Мустақиллик монументи, Хотира майдони барпо этилди. Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси сингари асрлар силсиласига бардош бера оладиган бунёдкорлик намуналари яратилди. Вазирлар Маҳкамаси биноси тўлиқ реконструкция қилинди. Фарзандини бағрига босиб турган Бахтиёр она ҳайкалининг ўрнатилиши майдон меъморий ечимидаги ўзига хос ютуқ бўлди. Мустақиллик монументи ва Бахтиёр она ҳайкали, Эзгулик аркаси оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлак билан бирга яхлит ансамблни ташкил қилади. Мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини уйғунликда ифодалаган бу ёдгорлик, Юртбошимиз таклифига кўра, Мустақиллик ва эзгулик монументи деб аталди.

Президент Ислом Каримов Мустақиллик майдонидаги янги иншоотлар билан танишишни маъмурий бинодан бошлади. 14 қаватдан иборат кўркам маъмурий бино ҳамда унинг ёнида қад ростлаган 7 қаватли муҳташам иморат бир-бирига уйғун ягона мажмуага айланган.

Давлатимиз раҳбари бино билан танишар экан, мазкур иншоотни барпо этишда иштирок этган муҳандислар ва қурувчиларнинг меҳнати ва маҳоратига юксак баҳо берди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида бош майдонга туташ ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг яна бир улкан ҳосиласи — Бизнес марказидир. Мазкур иншоот Мустақиллик майдонига ёндош чорраҳада қад ростлади.

Ислом Каримов бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, меъмор, лойиҳачи, қурувчи ва монтажчилар меҳнатини юқори баҳолади.

Айни пайтда бу бино ўзининг бетакрор қиёфаси билан Мустақиллик майдонининг умумий манзарасини тўлдиради, кўркига кўрк, ҳуснига ҳусн қўшади. Бундай мажмуалар мустақиллигимизнинг тобора мустаҳкамланаётганидан, эл-юртимиз фаровонлиги ортаётганидан яна бир далолатдир.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди. Юртбошимиз бу ерда ҳозир бўлган жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашиб, ўзининг айрим фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

— Бундай ёдгорликни барпо этиб, аввало, бугунги ёруғ кунларга етиш учун курашларда шаҳид бўлган ота-боболаримиз руҳини шод этдик, — деди Юртбошимиз. — «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ҳам шунчаки зиёратгоҳ бўлиб қолмасдан, кишиларни, айниқса, ёшларимизни тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги дориломон кунларимизнинг қадрига етиб яшашга ундовчи севимли масканлардан бирига айланмоғи лозим.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилиб, истиқлол ва эзгулик тушунчаларининг рамзий ифодаси бўлмиш Бахтиёр она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Бундан буён умумхалқ байрамларида, турли тантанали маросимларда ушбу обида пойига гулчамбар қўйиш маросими расмий таомил мақомини олди. Шу куни Мустақиллик майдони ҳар қачонгидан гавжум бўлди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн беш йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

1 сентябрь. Президент Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг норасмий саммитида иштирок этди. Марказий Осиё давлатларининг сув-энергетика консорциумини тузиш ишларини жадаллаштириш мавзуси кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлди.

Маълумки, Президент Ислом Каримов бир неча йил аввал сув-энергетика, озиқ-овқат ва транспорт коммуникациялари бўйича учта консорциум тузиб, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида бу соҳалардаги ҳамкорликни шу тариқа тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва ривожлантириш ташаббусини илгари сурган эди. Норасмий саммитда бу масала атрофлича муҳокама этилди.

* * *

4 сентябрь. Президент Ислом Каримов давлат ташрифи билан Қозоғистон Республикасида бўлди. Қозоғистон Президентининг «Оқўрда» қароргоҳида Ўзбекистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг яккама-якка суҳбати бошланди. Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги алоқалар, шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид ҳамда ўзларини қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида асосий диққат-эътибор ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, жумладан, ишбилармонлар ҳамда маъмурий-ҳудудий субъектларнинг бевосита алоқаларини кенгайтириш ва рагбатлантиришга, божхона ва чегарадан ўтиш тартибларини енгиллаштиришга, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланишга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва етказиб беришга оид масалаларга қаратилди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Қўшма баёнотга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қозоғистон Республикаси Президенти раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг низомига имзо чекдилар.

Президентлар хавфсизлик масалаларини ҳам муҳокама қилганини, замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашда баҳамжиҳат ҳаракатларгина самара беришини таъкидладилар. Абадий дўстлик тамойилларига асосланган иттифоқчилик асосидаги муносабатлар аждодлардан қолган мерос эканлиги қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Остонадаги Ватан ҳимоячилари монументи пойига гул қўйди, Қозоғистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди.

* * *

7 сентябрь. Президент Ислом Каримов «2007—2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Монреаль, 1997 йил 17 сентябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуурани қабул қилди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Коичиро Мацуура Президентимизга ЮНЕСКОнинг «Боробудур» олтин медалини топширди. Ислом Каримовга бу медал халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маданият ва динлараро мулоқотни ривожлантириш, таълим тизимига бағрикенглик ғояларини жорий қилиш йўлидаги улкан хизматлари учун тақдим этилди.

* * *

11 сентябрь. Президент Ислом Каримов «2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Баённомани (Шанхай, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 сентябрь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Саудия Арабистонининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Мансур бин Иброҳим Муҳаммад ал-Мансур, Украинанинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Вячеслав Похвальский, Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Йозеф Мачишак, Афғонистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Фаруқ Ба-

ракий, Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Маттиас Майер ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

14 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Тошкент шаҳрида барпо этилган Маданият ва санъат кўргазмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Микромолиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20-21 сентябрь. Президент Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари, кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Фаргона шаҳрида барпо этилган савдо мажмуини бориб кўрди. Президент ушбу мажмуа ишини янада такомиллаштириш, замон талаблари даражасига кўтариш юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берди.

Юртбошимиз Марғилон шаҳрида бўлиб, юбилейга тайёргарлик ишлари билан танишди.

— Икки минг йиллиги кенг нишонлашга тайёргарлик кўрилаётган Марғилон шаҳрида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш билан бирга, бу ерда яшайдиган аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга хизмат қиладиган янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур, — деб таъкидлади Ислом Каримов.

Президентимиз Марғилон шаҳрида қад ростлаган янги тиббиёт коллежида бўлиб, мазкур таълим маскани ўқувчилари ва педагоглари билан суҳбатлашди. Бундай таълим масканларида, аввало, таълим мазмуни ва маънавий томонларига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Юртбошимиз Маргилонда яқинда қурилиши ниҳоясига етган қирқдан ортиқ оилага мўлжалланган шинам уйларни кўздан кечирди. Хонадонларда яратилган қулай шароитлар билан танишиш чоғида кишиларнинг руҳини кўтарадиган, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган бундай амалий ва хайрли ишларни янада кўпайтириш лозимлигига эътиборни қаратди.

Президентимиз Охунбобоев туманидаги «Шерзодбек» фермер хўжалиги далаларида бўлиб, фермерлар билан қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самаралари, хусусан, Фарғонада пахтачилик соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳақида суҳбатлашди. Мулоқот чоғида фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун фермердан, умуман, деҳқондан нафақат экин экиш ва уни парваришлаш, айни чоғда, етиштирилган ҳосилни сотиш ҳамда даромад олишнинг пухта ҳисоб-китобини юритадиган даражада замонавий фикрлаш ҳам талаб этилади.

Юртбошимиз Фаргона туманининг Бобур номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидаги Фозилжон Элчибоев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги далаларида бўлди. Деҳқон ва механизаторлар билан бўлган суҳбатда давлатимиз раҳбари қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис тизимини ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш зарурлигини қайд этди. Президентимиз шу ерда теримчи қизлар билан суҳбатлашди, уларнинг турмуш шароити билан қизиқди.

Мамлакатимиз раҳбари Қувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамияти ва унинг ҳузурида фаолият юритаётган «Алэста гласс» шўъба корхонаси фаолияти билан танишди. Президент Ислом Каримов юртимизда «Алэста гласс» каби замонавий саноат корхоналарини кўпайтириш лозимлигини таъкидлади.

* * *

21 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сук хонимни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил март ойида Корея Республикасига давлат ташри-

фи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланган. Томонлар бу ҳужжатга катта аҳамият беради.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

27 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

3 октябрь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиев расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Дўрмон қароргоҳида Қирғизистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиев шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларининг яккама-якка учрашуви бошланди.

Ислом Каримов ва Курманбек Бакиев мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, ШҲТ доирасидаги алоқалар, шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид ҳамда ўзларини қизиқтирган долзарб халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани қайд этилди.

Президентлар Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегарасининг назоратини кучайтириш мақсадида чегара, хавфсизлик, божхона хизматларининг яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштиришга келишиб олдилар.

Президентлар ўзаро мулоқотни Ўзбекистон ва Қирғизистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда асосий эътибор ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланишга оид масалаларга қаратилди.

Музокара якунида Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари Қўшма баёнотга ҳамда 2007—2011 йилларда иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва дастурга имзо чекдилар.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳукумат алоқаси тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, фуқароларнинг ўзаро бориб-келиши тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ҳуқуқий ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим имзоланди.

Президент Ислом Каримов бу учрашув икки томонлама муносабатларимизни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очишини, мамлакатларимиз манфаатларига ва ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга хизмат қилишини таъкидлади. Музокараларда ўзаро муносабатларга доир кенг қамровдаги масалалар кўриб чиқилгани, БМТ, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш, хавфсизликни биргаликда таъминлаш борасида фикрлар бир жойдан чиққанини қайд этди.

* * *

4 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 октябрь. Президент Ислом Каримов «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳам-

да уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 октябрь. Президент Ислом Каримов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 октябрь. Президент Ислом Каримов «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 октябрь. Президент Ислом Каримов «2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 октябрь. Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Ушбу маъруза «Тинч-осойишта ҳаётни қадрлаш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимизни ҳар томонлама равнақ топтириш — барчамизнинг асосий вазифамиз» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

13 октябрь. Президент Ислом Каримов «1999 йил 26 февралда Москвада имзоланган Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 октябрь. Президент Ислом Каримов «2003 йил 21 февралда Москвада имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ташқи чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 октябрь. Президент Ислом Каримов «2001 йил 31 майда Минскда имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли адо этган Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

16 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 октябрь. Президент Ислом Каримов «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 октябрь. Халқ депутатлари Фаргона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Ушбу маъруза «Эл-юрт ташвиши билан яшаш, одамларнинг орзу-интилишларига қанот бериш — ҳар бир раҳбарнинг бурчи» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

25 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзэкспомарказ»нинг павильонларида давом этаётган «Uzbekistan Agrominitech Expo — 2006» қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазмасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари кўргазма экспозицияларини кўздан кечирди. Бу ерда мева-сабзавот ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш, ун ва ем ишлаб чиқариш, богдорчилик ва узумчилик учун минитехника ва ускуналар, қадоқлаш-ўраш линиялари, ўсимликлар муҳофазаси учун кимёвий моддалар, қоракўлчилик ва терини қайта ишлаш, иссиқхона хўжаликлари учун ускуналар кенг намойиш этилмоқда.

Президент Ислом Каримов кўргазма доирасида фермерлар учун ташкил этилган семинар иштирокчилари билан учрашди. —Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлардан, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришдан кўзлаган бош мақсадимиз — одамларда ерга, мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш орқали халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат, — деди давлатимиз раҳбари. — Чунки, моддий рағбат инсонни янги ташаббус ва ютуқларга етаклайди.

Мамлакатимиз раҳбари Германия, Австрия, Италия, Франция, Швеция, Польша, Россия компаниялари ва фирмалари маҳсулотлари билан танишиш чоғида улар намойиш этаётган минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни харид қилиш билан кифояланиб қолмай, балки узоқ муддатли ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигига эътиборни қаратди.

Юртбошимиз Хитой, Жанубий Корея, Туркия компания ва фирмаларининг кўргазмасида намойиш этилаётган техника ва ускуналарни ҳам кўздан кечирди. — Бундай кўргазмалар дунё билан, дунёнинг энг илғор технологиялари, замонавий ускуналар билан танишиш имкониятини бериши билан ҳам аҳамиятлидир, — деди Президентимиз. — Ушбу минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни сотиб олиш билан чекланмай, бундай техника воситаларини ўзимизда ҳам ишлаб чиқаришни, уларга сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйишни ўйлашимиз зарур.

* * *

27 октябрь. Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги тантанали нишонланди. Президент Ислом Каримов мазкур шодиёна муносабати билан Қарши шаҳрига ташриф буюрди. Юбилей муносабати билан шаҳарда қад ростлаган, таъмирланган бинолар ва обидаларни бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари Кўкгумбаз масжидида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, обидадаги ёдгорликларни эъзозлаш, азалий қадриятларимизни ёш авлод онгига сингдириш лозимлигини уқтирди.

Байрам тантаналари шаҳар марказидаги Мустақиллик майдонида бўлиб ўтди. Катта ҳудудни эгаллаб ётган бетон қоплама ўрнида яшил майса ўстирилган, манзарали дарахтлар экилган янги майдон серфайз сайилгоҳга айлантирилган. Унинг марказида меҳнаткаш, мард, танти Қашқадарё халқининг тимсоли бўлган ёдгорлик мажмуи қад ростлаган. Юртбошимиз таклифи билан ушбу ёдгорлик монументи «Эл-юрт таянчи» деб аталадиган бўлди. Шу муносабат билан Президентимиз нутқ сўзлади.

Шу куни кечқурун шаҳарнинг Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғидаги янгидан бунёд этилган муҳташам амфитеатрда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига багишланган катта байрам томошаси бўлди.

Президент Ислом Каримов байрам қатнашчиларини, уларнинг тимсолида бутун Қарши шаҳри аҳолисини, қашқадарёликларни табриклаб, нутқ сўзлади.

* * *

1 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Германия Федератив Республикаси федерал ташқи ишлар вазири Франк-Вальтер Штайнмайерни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кенг қамровли алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

2 ноябрь. Президент Ислом Каримов Хива шаҳрида Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига сафари республика ихтисослаштирилган урология марказининг янгидан бунёд этилган Урганч филиали билан танишувдан бошланди. Президентимиз замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган мазкур марказнинг операция хонасини кўздан кечирди.

Юртбошимиз Урганч шаҳри марказини қайта қуриш лойиҳаси билан ҳам танишди. — Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Урганч шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани кишини қувонтиради, — деди Президентимиз. — Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуаси, «Авесто» боғи мажмуаси шаҳар қиёфасига чирой бағишлаб турибди. Урганч янада чирой очмоқда.

Президентимиз шаҳарда барпо этилажак янги майдон қурилиши борасида ўз тавсияларини берди.

Хоразм Маъмун академияси биноси олдида мазкур илм даргоҳининг 1000 йиллик юбилейига багишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари тантанали маросим иштирокчиларини, уларнинг сиймосида Хоразм аҳлини, бутун халқимизни Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи билан қутлади.

* * *

3 ноябрь. Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев амалий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди. «Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг норасмий учрашуви бўлди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон-Қозогистон муносабатларига, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка доир қатор долзарб масалаларни муҳокама қилиб, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кўплаб масалалар юзасидан фикр алмаш-

дилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатор экани қайд этилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокара самарали кечганидан мамнуният билдириб, мулоқот ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар. Мазкур учрашув Президентлар раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг илк мажлиси, деб аталди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев сувдан фойдаланиш, энергетика, коммуникация каби соҳаларга оид масалалар муҳокама қилинганини ҳам таъкидладилар.

* * *

16 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россиянинг Самарали сиёсат жамғармаси президенти Глеб Павловский раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларининг келажаги, хусусан, демократлаштириш, сиёсий ислоҳотлар жараёни билан шуғулланувчи мутахассислар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Г.Павловский самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

* * *

28 ноябрь. Президент Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари Кенгашининг Беларусь пойтахти Минск шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида иштирок этди.

МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарлари Беларусь Республикасининг Миллий кутубхонаси биносига йиғилдилар. Саммит қатнашчилари асосий эътиборни махсус экспертлар гуруҳи тайёрлаган МДҲ самарадорлигини ошириш ва Ҳамдўстликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги ҳисобот муҳокамасига қаратдилар.

Минск саммитида жиноий йўллар билан орттирилган даромадларни қонунийлаштириш ва террорчиликни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги шартнома, одам савдосига қарши кураш бўйича МДҲ мамлакатларининг 2007—2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури каби ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.

Минскка ташрифи чоғида Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган қароргоҳда Украина Президенти Виктор Ющченко билан учрашди. Суҳбат чогида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

* * *

6 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 декабрь. Оқсарой қароргоҳида Мустақиллик байрами муносабати билан фидокорона меҳнати учун тақдирланган юртдошларимизга фахрий унвонлар, орден ва медалларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига багишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Унда Президентимиз 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили», деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанадаги нутқи «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиздир» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россиянинг «Газпром» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди. Учрашувда «Ўзбекнефтгаз» билан «Газпром» ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон газ саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши таъкидланди. А.Миллер самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

12 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённомани (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

12 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Президенти-

нинг ёрдамчиси Жаҳон Поллиева раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашувда давлатимиз раҳбари мамлакатларимизнинг гуманитар соҳадаги алоқаларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Россия Федерацияси Президентининг ёрдамчиси Жаҳон Поллиевага «Дўстлик» орденини, Москва давлат университети ректори Виктор Садовничийга «Фидокорона хизматлари учун» орденини топширди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасида илмий, маданий ва гуманитар соҳалардаги алоқалар изчиллигини таъминлашга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

* * *

13 декабрь. Президент Ислом Каримов «Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Уставига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Конвенциясига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

19 декабрь. Президент Ислом Каримов «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

19 декабрь. Президент Ислом Каримов «Тижорат банкларининг капиталлаштириш даражасини оширишни рагбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 декабрь. Президент Ислом Каримов «2007 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг манзили аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди.

2007 йил

2 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

3 январь. Президент Ислом Каримов «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 январь. Президент Ислом Каримов «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

* * *

12 январь. Президент Ислом Каримов «Тошкент шаҳрида И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 январь. Президент Ислом Каримов «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 январь. Президент Ислом Каримов «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 январь. Президент Ислом Каримов «Геология-қидирув ишларини ташкил қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 январь. Президент Ислом Каримов «Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 январь. Президент Ислом Каримов республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллигига багишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

22 январь. Президент Ислом Каримов «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини ўрганиш ва бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

23 январь. Президент Ислом Каримов «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 январь. Президент Ислом Каримов Сингапур Республикасига давлат ташрифи арафасида шу мамлакатнинг марказий нашрларидан бири «Today» («Бугун») газетасининг мухбирига интервью берди. Ана шу суҳбат «Халқ сўзи» газетасида «Мафтункор ва бетакрор Ўзбекистон» сарлавҳаси билан чоп этилди.

* * *

24-26 январь. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Сингапурга етиб келди. Мамлакатимиз раҳбарининг давлат ташрифига алоҳида эътибор берилиб, катта тайёргарлик кўрилгани «Чанги» халқаро аэропор-

тида яққол кўзга ташланди. Юртбошимиз ўзи учун ажратилган қароргоҳга жойлашди.

Президент Ислом Каримовни Сингапур Президентининг «Истана» саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар Ислом Каримов ва Селлапан Рам Натан фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Сингапур Президентларининг яккама-якка учрашуви бошланди. Ислом Каримов ва Селлапан Рам Натаннинг учрашувида икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида икки томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Сингапур Стандартлар, ишлаб чиқариш ва инновация кенгаши ўртасида стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Сингапур Бизнес федерацияси ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Давлатимиз раҳбарининг Сингапурга ташрифи учрашувларга бой бўлди. Айниқса, Сингапурнинг устоз-маслаҳатчи вазири, «Сингапур давлатчилигининг отаси» деб ном олган шахс Ли Куан Ю билан мулоқоти алоҳида эътиборга моликдир. Сингапур халқи бугунги фаровон ва осойишта ҳаёт учун аввало Ли Куан Юдан миннатдор.

Президент Ислом Каримов Сингапур парламентига ташриф буюриб, Спикер Абдулла Тармуғий билан учрашди. Мулоқот чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашда олий қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Шунингдек, ўзи учун ажратилган қароргоҳда Сингапурнинг «Темасек» холдинг компанияси ижрочи директори Саймон Израэлни қабул қилди. Ўтган асрнинг 60-йилларида тузилган бу компания Сингапур ҳукуматининг ўзига хос сармоядор бўлинмаси ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбари Сингапурдаги Ботаника боғи ҳамда Осиё цивилизациялари музейида ҳам бўлди. 1859 йилда барпо этилган Ботаника боғи шаҳарнинг марказида жойлашган. 52 гектар майдонни эгаллаган ушбу масканни тропик ўсимликлар хазинаси, деб ҳам атайдилар.

Президент Ислом Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи доирасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми ҳам ўтказилди. Унда Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида сармоявий, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг Сингапурга расмий ташрифи икки томон учун ҳам манфаатли бўлган салмоқли натижалар билан якунланди.

* * *

29 январь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшинни қабул қилди. Учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, халқларимиз ўртасида илмий, маданий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги хизматлари учун Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшинга Ватанимизнинг «Дўстлик» орденини топширди.

Фарит Мухаметшин юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада ривожлантириш йўлида бундан буён ҳам куч-гайратини аямаслигини, бу масъулиятли ишни ўзи учун катта шараф, деб билишини таъкидлади.

* * *

29 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил топганининг 15 йиллиги муносабати билан ушбу жамоага табрик йўллади.

* * *

29 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 15 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди. Ушбу маъруза «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш — асосий вазифамиздир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

12 февраль. Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг «2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

15 февраль. Президент Ислом Каримов Гурбангули Маликгулиевич Бердимуҳамедовнинг Туркманистон Президенти этиб сайлангани муносабати билан табрик телеграммаси йўллади.

* * *

20 февраль. Президент Ислом Каримов «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 февраль. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Кувайт давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Одил Муҳаммад Абдурасул Ҳасан Ҳаёт, Индонезия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Шаҳрил Сабаруддин, Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Азиз Мадмаров ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

22 февраль. «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи». Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси ана шу сарлавҳа билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

23 февраль. Президент Ислом Каримов «Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 февраль. Президент Ислом Каримов «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мун Хаёнгни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари элчи билан суҳбатда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда халқаро сиёсатга доир масалаларда мамлакатларимизнинг қарашлари ўхшашлиги икки давлат алоқаларини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Жанубий Кореяни ўзининг энг ишончли шерикларидан, деб билади.

Корея раҳбарияти Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, хориж сармоядорлари учун яратилган қулай шароитни ҳисобга олган ҳолда, ўзаро иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Учрашувда Президент Ислом Каримов икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, халқларимиз ўртасида илмий, маданий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги хизматлари учун Корея Республикаси элчиси Мун Хаёнгга Ватанимизнинг «Дўстлик» орденини топширди.

М.Хаёнг юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

* * *

1 март. Ўзбекистон Республикасининг Польшадаги элчихонасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг поляк тилида нашр этилган «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Маросимда Польшанинг расмий доиралари, илмий-тадқиқот муассасалари. Варшавада аккредитациядан ўтган хорижий дипломатия ваколатхоналари, шунингдек. оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

* * *

2 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Миср Араб Республикасининг халқаро ҳамкорлик вазири Фоиза Абуннажо хонимни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, бу борадаги мавжуд имкониятлардан имкон қадар тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Фоиза Абуннажо хоним Ислом Каримовга Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусний Муборакнинг мактубини топширди.

* * *

6 март. Президент Ислом Каримов билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг телефон орқали сўзлашуви бўлиб ўтди. Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, Марказий Осиё минтақасидаги вазият юзасидан фикр алмашдилар, мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги қарашлар муштарак эканлигини таъкидладилар.

* * *

7 март. Президент Ислом Каримов Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига табрик йўллади.

* * *

7 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раиси Михаил Фрадковни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу ўзаро муносабатлардаги муҳим воқеа эканини таъкидлади.

М. Фрадков Россия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг яқин ҳамкорларидан деб билишини, ташрифдан кўзланган асосий мақсад савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳадаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама этишдан иборат эканини таъкидлади. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, юқори технологиялар соҳасида илмий-амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун икки томонда ҳам катта имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Учрашувда ўзаро муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

7 март. Президент Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шавкат Азизни қабул қилди.

Ўзбекистондаги мавжуд қулай сармоявий муҳит покистонлик ишбилармонларнинг юртимизга қизиқишини тобора оширмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда Покистон сармояси иштирокида тузилган қирққа яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатган хизматларнинг йиллик ўртача қиймати 20 миллиард сўмга, экспорти ҳажми эса 4 миллион АҚШ долларига етади.

Учрашувда Ўзбекистон билан Покистон ўртасида барча соҳалар, жумладан, ўзаро савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш борасида мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, шунингдек, халқаро терроризмга қарши биргаликда курашишни кучайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

14 март. Президент Ислом Каримов «Мамлакатимиз кон-металлургия саноати корхоналарининг бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 март. Президент Ислом Каримов «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 март. Президент Ислом Каримов «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Словакия Республикаси ташқи ишлар вазири Ян Кубишни қабул қилди.

Ян Кубиш кўп йиллик дипломатик тажрибага эга. У қатор нуфузли халқаро ташкилотлар — БМТ, ЕИ ва ЕХҲТ органларида ишлаган. Хусусан, узоқ йиллар ЕХҲТга раислик қилган, 2005—2006 йилларда эса Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили лавозимида меҳнат қилган.

Учрашувда Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

20 март. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий богида Наврўз байрамига багишланган тантаналар бўлиб ўтди. Тантанада Президент Ислом Каримов иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади.

* * *

28 март. Президент Ислом Каримов «Йозеф Блаттер ва Муҳаммад Хаммам Ал-Абдуллани мукофотлаш тўгрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, таълим ва инсон ресурсларини ривожлантириш вазири Ким Шин Илни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида барча соҳаларда, хусусан, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Бу борада таълим соҳасидаги алоқалар алоҳида ўрин тутади.

Ким Шин Ил Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини, хусусан, таълим соҳасида-

ги алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида гуманитар соҳадаги кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

29 март. Президент Ислом Каримов ФИФА президенти Йозеф Блаттерни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, футболни ривожлантиришда ушбу нуфузли ташкилот билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

— Биз Сизни нафақат ФИФА президенти, балки миллий ва халқаро футбол ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган етук арбоб сифатида ҳам яхши биламиз, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда футбол дастурларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қўшган улкан ҳиссаси, ёш соғлом авлодни шакллантиришдаги иштироки ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги самарали фаолияти учун Йозеф Блаттерга «Дўстлик» орденини, Муҳамад Хаммам Ал-Абдуллага «Шуҳрат» медалини топширди.

Меҳмонлар юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон Футбол федерацияси билан ФИФА ва Осиё футбол конфедерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

2 апрель. Президент Ислом Каримов «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 апрель. Президент Ислом Каримов «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённомани (Минск, 2006 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 апрель. Президент Ислом Каримов «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 апрель. Президент Ислом Каримов «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 апрель. Президент Ислом Каримов «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 апрель. Президент Ислом Каримов «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунини тасдиқлади.

* * *

11 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 апрель. Президент Ислом Каримов «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул

қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Испания Қироллигининг ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхель Моратиносни қабул қилди.

ЕХҲТнинг амалдаги раиси Марказий Осиё ушбу ташкилот учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини, Ўзбекистондаги барқарор иқтисодиёт ва ривожланган фуқаролик жамияти, мустаҳкам тинчлик ва осойишталик ҳамда самарали бошқарув Евроосиё ва Трансатлантика минтақаларида хавфсизликни таъминлашда муҳим ҳаётий омил эканини таъкидлади.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон ва ЕХҲТ муносабатларининг бугунги аҳволи ҳамда истиқболлари хусусида атрофлича фикр алмашилди.

* * *

13 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 2411-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 апрель. Президент Ислом Каримов бокс бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаевга табрик йўллади.

* * *

17 апрель. Президент Ислом Каримов «Р.Ш. Чагаевни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 апрель. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Миср Араб Республикасига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари сафар олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

* * *

17-19 апрель. Президент Ислом Каримовни Миср Араб Республикаси Президенти саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ислом Каримов ва Муҳаммад Ҳусний Муборак шоҳсупага кўтарилдилар. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Миср раҳбарларининг якка-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, Ўзбекистон ва Мисрнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар раҳбарлигидаги Ўзбекистон ва Миср расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Кубба» қароргоҳида Миср Бош вазири Аҳмад Назиф билан учрашди. Мулоқот чоғида ушбу ташриф Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариши таъкидланди. Томонлар савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Президент Ислом Каримов Парламент Халқ кенгаши (қуйи палата) раиси Фатҳий Сурурни, Миср ташқи ишлар вазири Аҳмад Абулғайтни қабул қилди. Учрашувда парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, хусусан, маслаҳатлашувларни мунтазам йўлга қўйиш масалалари хусусида сўз борди. Давлатимиз раҳбари Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амир Мусо билан учрашди. Музокарада Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан муносабатларини ривожлантириш масалалари ҳақида фикр алмашилди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги билан Араб давлати лигаси Бош котибияти ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қоҳира марказидаги Номаълум аскар монументи ва Анвар Саодат мажмуини зиёрат қилди, ёдгорликлар пойига гул қўйди.

Миср ҳукумати Аҳмад Фарғонийга эҳтиром ва икки мамлакат халқларининг кўп йиллик илмий-маданий алоқалари тимсоли сифатида буюк алломага ҳайкал ўрнатишга қарор қилди. Президент Ислом Каримовнинг ташрифи доирасида ушбу ҳайкалнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

«Миқёси Нил» бунёд этилган Рода оролига Ўзбекистон расмий делегацияси, Миср ҳукумати аъзолари, жамоатчилик вакиллари, олимлар йиғилди.

Тантанали маросимда Ислом Каримов Ўзбекистон ва Миср халқларининг дўстлиги узоқ даврларга бориб тақалишини, бу дўстликка улуғ аждодларимиз асос солганини алоҳида таъкидлади. Ўзбек заминида етишиб чиққан алломалар, хусусан, Аҳмад Фаргоний жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этди.

Ислом Каримов «Миқёси Нил»ни кўздан кечирди. Қоҳира музейида бўлиб, унинг экспонатлари билан танишди.

Миср оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президентининг ташрифини кенг ёритди, ташриф икки томон учун ҳам манфаатли самаралар беришини алоҳида қайд этди.

* * *

20 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевни, «Юниверсум бокс-промоушн» (Германия) профессионал бокс клуби промоутери Клаус-Петер Коль ва Р.Чагаевнинг ушбу клубдаги менежери Тоймас Ниёзовни қабул қилди ва уларга давлатимизнинг юксак мукофотларини топширди.

* * *

20 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Литва Республикаси ташқи ишлар вазири Пятрас Вайтекунасни қабул қилди. Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳамда долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

23 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 апрель. Президент Ислом Каримов Россия Федерациясининг биринчи президенти Борис Николаевич Ельциннинг вафоти муносабати билан Россия Федерацияси Президенти В.В.Путинга таъзия йўллади.

* * *

25 апрель. Президент Ислом Каримов Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари Россия Федерациясининг биринчи президенти Борис Ельцин вафот этгани муносабати билан Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан Россия халқи ва ҳукуматига таъзия билдирди.

Ислом Каримов Таъзия китобига чуқур ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирди.

* * *

25 апрель. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Ислом Каримов, даставвал, Ҳазрати Имом меъморий мажмуасининг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш борасида қилинаётган ишларни кўздан кечирди.

Қарийб 9,5 гектар майдонни эгаллаган Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси олдидан ўтадиган Кайковус ариги тубдан таъмирланди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг янги биноси замонавий кўриниши билан кўзни қувнатади.

Ислом Каримов қадимий ва ноёб қўлёзмалар сақланаётган кутубхонани кўздан кечирди, унинг ишини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Мажмуага туташ ҳудудда «Истиқлол» маҳалла маркази биноси қад ростлаган. Давлатимиз раҳбари шу ерда маҳалла фаоллари билан мулоқотда бўлди.

Бугун наинки Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси улкан қурилиш майдонига айланган, айни чоғда мажмуа таркибидаги Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тиллашайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидаларда ҳам иш қизғин.

Президентимиз бу ердаги ишлар билан танишиш асносида, ёдгорликлар пештоқидаги нақшларнинг асл ҳолатини тиклаш, айниқса, қадимий ёзувларни тиклашда эҳтиёткорлик билан иш тутиш зарурлигини қайд этди.

Ислом Каримов мажмуада сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий нусхаларидан бўлган Усмон Қуръонини кўрар экан, унинг юртимизга буюк бобокалонимиз Амир Темур томонидан олиб келинганлигига эътиборни қаратди. Мажмуада Президентимизнинг ташаббуси билан қўш гумбазли, икки минорали муаззам масжид қад ростлади. Юртбошимиз иншоотнинг қурилиши, унда шарт-шароитлар яратиш юзасидан тавсиялар берди.

* * *

25 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Украина Бош вазири Виктор Янукович қабул қилди. — Украина ҳукумати аъзолари ва йирик ишбилармонлардан иборат делегациянинг ташрифи мамлакатингизнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдор эканлигидан яна бир далолатдир,— деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосидаги муносабатлар икки томон учун ҳам самарали бўлмоқда.

Виктор Янукович Украина Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларни икки томоннинг салоҳият ва имкониятлари даражасига кўтариш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

26 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Япониянинг иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Акира Амарини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Японияни ишончли ва яқин ҳамкор мамлакат сифатида билишини, ўзаро алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Акира Амари самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Иқтисодий алоқаларни кенгайтириш борасида Ўзбекистон ва Япониянинг имкониятлари катта эканлигини, уларни тўла ишга солишдан икки томон ҳам манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

27 апрель. Президент Ислом Каримов «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 апрель. Президент Ислом Каримов «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикасининг Тараққиёт ва ислоҳот ишлари бўйича давлат қўмитаси раиси Ма Кайни қабул қилди.

— Биз Ўзбекистон билан Хитой ўртасида қарор топган муносабатларни қадрлаймиз, — деди Ислом Каримов. — 2005 йили Пекинда мамлакатларимиз ўртасида стратегик аҳамиятга молик ҳужжат — Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланди. Ана шу ҳужжат асосида ўзаро муносабатларимиз йилдан-йил тобора бой мазмун касб этмоқда.

Ма Кай Хитой Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдори эканлигини таъкидлаб, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик истиқболига доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

1 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда General Motors-DAEWOO Auto and Technology (GMDAT) компанияси президенти Майкл Гримальдини қабул қилди.

GMDAT 2002 йилда General Motors корпорацияси томонидан Корея Республикасининг DAEWOO Motors компанияси заводлари сотиб олиниши натижасида ташкил топган. DAEWOO Motors эса Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг янги соҳаси — автомобилсозликни ўзлаштиришда муҳим ўрин тутган. Унинг сармояси иштирокида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ташкил этилди. 1996 йилдан буён ҳар йили бир неча турдаги ўн минглаб енгил автомобиль ишлаб чиқарилмоқда.

Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу завод энг илғор технологик ускуналар, ноёб техника билан жиҳозланган. Унинг маҳсулотлари нисбатан арзонлиги, қулайлиги, замонавий техник талабларга жавоб бериши билан наинки юртимизда, балки хорижда ҳам жуда харидоргир.

GMDAT компанияси DAEWOO Motorsнинг кўплаб хорижий ҳамкорлари билан алоқаларни давом эттирмоқда. Унинг маҳсулотлари дунёнинг қарийб 150 мамлакатида сотилади.

Музокарада «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти билан GMDAT ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

имкониятларига доир масалалар муҳокама қилинди.

* * *

2 май. Президент Ислом Каримов «Ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

3 май. Президент Ислом Каримов «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 май. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 62 йиллик байрами муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонига уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Юртбошимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди. Сўнгра журналистлар ва бу ерга йиғилган зиёлилар билан суҳбатлашди.

— Мана шундай улуғ кунда ўзининг инсоний бурчини адо этиб, жангу жадалларда ҳалок бўлганлар, бугунгидек тинч ва осойишта кунларга етиб келолмаганлар хотираси олдида ҳамиша бош эгамиз, — деди Ислом Каримов. — Айни пайтда орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди. Уларнинг дуолари эзгу ишларимизда бизга ҳамиша қанот бағишлайди.

Президент Ислом Каримов шу куни пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонига туташ Молия вазирлиги ғазначилигининг янги биноси билан танишди.

* * *

10 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси саноат ва энергетика вазири Виктор Христенкони қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Россиянинг энергетика соҳасидаги ҳамкорлигини янада кенгайтиришга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

17-18 май. Президент Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, қишлоқ хўжалиги тизимида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга сафарини аграр соҳада олиб борилаётган ишлар билан танишишдан бошлади. Хўжайли туманининг «Тошкент» фермер хўжаликлари бирлашмаси, шунингдек, Қанликўл туманидаги «Бескўпир» муқобил машина-трактор паркига қарашли Бахт Назаров раҳбарлигидаги «Худайберган Шаншимай» фермер хўжалиги ҳамда Тожихол Эшқобулова раҳбарлигидаги «Гофир» фермер хўжалиги далаларида бўлди.

Президент Ислом Каримов қорақалпогистонлик фермерлар билан учрашувлари чоғида мураккаб иқлим шароитида фидокорона меҳнат қилаётгани учун уларга самимий миннатдорлик изҳор этди. Кишиларнинг фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришлари учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш уларнинг меҳнат жабҳасида янгидан-янги марраларни эгаллашларида муҳим омил эканига эътиборни қаратди.

Мамлакатимиз саноатида Қорақалпоғистоннинг алоҳида ўрни бор. Ислом Каримов ишлаб чиқариш имкониятлари ва маҳсулотлари билан минтақамизда ягона бўлган Қўнғирот сода заводида бўлиб, марказий бошқарув пульти мутахассислари билан мулоқотда бўлди.

Давлатимиз раҳбари Устюрт саҳросида қад ростлаган ушбу ноёб корхона йирик даромад манбаи, фаровонлик рамзи бўлибгина қолмай. халқимизнинг, аввало, шу заминда истиқомат қилаётган қорақалпоқ элининг ғурур ва ифтихори эканини таъкидлади.

Президентимиз Нукус шаҳридаги Болалар ёпиқ спорт саройини бориб кўрди. Барча замонавий шарт-шароитларга эга мазкур спорт масканида бир кунда 500 нафар бола спортнинг 14 тури билан шуғулланиши мумкин.

Юртбошимиз бу ерда спорт мураббийлари ва спортчилар билан мулоқотда бўлди. Спортчи ўғил-қизларга спорт анжомлари совға қилди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Хоразм вилояти маркази — Урганч шаҳрининг бош майдонида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишган давлатимиз раҳбари лойиҳа муаллифлари, қурувчи ва муҳандислар билан суҳбатлашди. Хоразм вилоятининг тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, марказий майдонни сўлим гўшага — яшил ҳудудга айлантириш юзасидан уларга зарур тавсиялар берди.

Президентимиз сафарининг иккинчи куни Гурлан туманидаги қайта реконструкция қилиниб, яқинда иш бошлаган «Гурлан» акциядорлик жамияти билан танишувдан бошланди.

Юртбошимиз корхонанинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қарат-

ди. Бу ерда тайёрланаётган юқори сифатли маҳсулотларнинг харидорини топиш масаласини ҳал қилиш лозимлигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари корхонанинг ип-йигирув ва тўқув цехларидаги иш жараёни, замонавий дастгоҳларнинг имкониятлари ва ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди.

Президент Ислом Каримов Янгибозор туманидаги «Барҳаёт Матниёз бобо» фермер хўжалиги далаларида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Фермерлар билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз фермерлар замон талабларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бориши, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиши лозим, деди. Бу эса нафақат уларнинг ўзига, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига хизмат қилади. Президентимиз бу борада хоразмлик фермерлар, бутун воҳа аҳлининг ишига ривож тилади.

* * *

18 май. Президент Ислом Каримов «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 май. «Ўзбекистон» нашриётида Президент Ислом Каримовнинг «Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш — барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир» деб номланган китоби чоп этилди.

* * *

29 май. Президент Ислом Каримов таниқли футбол мураббийи «Ю. Саркисянни «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 май. Президент Ислом Каримов машҳур футболчи «М. Қосимовни «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 июнь. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасида ниҳоясига етказилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида бу ерга ташриф буюрди. Ушбу мажмуада ниҳоятда қисқа муддат — 4 ой мобайнида жуда катта бунёдкорлик, таъмирлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугун бу масканда салобат ва маҳобат тўкиб турган Ҳазрати Имом жоме масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи, Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг янги биноси ва бошқа ноёб, бетакрор иморатлар ҳар қандай инсоннинг ҳам кўзини қувонтириб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти ва яратувчилик даҳосини яна бир марта ёрқин намоён этади.

Президент Ислом Каримов Ҳазрати Имом мажмуасини кўздан кечирар экан, бундай улуғвор обидалар Оллоҳ таоло назари тушган муқаддас заминдагина бунёд этилишини, бу эса бизнинг маънавий илдизларимиз нақадар теран ва бақувват эканининг тасдиғидир, деб таъкидлади.

Юртбошимиз ушбу мажмуани барпо этишда жонбозлик кўрсатган қурувчи ва муҳандислар, қўли гул усталар, шу савобли ишга ҳисса қўшган барча инсонлар меҳнатига юксак баҳо бериб, уларга халқимиз номидан миннатдорлик билдирди. «Бизнинг кўнглимиз ҳам, юзимиз ҳам ёруғ, иншоолло, келажагимиз ҳам ёруғ бўлади», — деди давлатимиз раҳбари пировардида.

* * *

6 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Кувайт Давлати Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳни қабул қилди.

Мартабали меҳмон Кувайт Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Кувайт Давлати ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг қамровини янада кенгайтириш, бу борада мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

7 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Шайх Холид бин Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Халифани қабул қилди.

Мартабали меҳмон Ўзбекистонга ташрифи самарали кечаётганини, музокараларда ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилганини таъкидлади. ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинишида Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар,

мамлакатимизнинг тинчликпарварлик сиёсати муҳим омил бўлаётганини эътироф этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Баҳрайн Подшоҳлиги ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

8 июнь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Жанубий Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Кёнг Джэ Мин, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Йан Чарлиз Макдональд Келли ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

9-10 июнь. Президент Ислом Каримов Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлиси ва XI Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форумида иштирок этди.

Санкт-Петербург саммитида Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш, унинг ижро органлари фаолиятини такомиллаштириш, интеграция жараёнларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда ташкилий масала ҳам кўрилди. МДҲ Ижроия қўмитаси раисининг ваколат муддати тугаганлиги муносабати билан бу лавозимга Россия Федерацияси вакили А.Вешняков номзоди қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

Президентлар анжуман доирасида ташкил қилинган «Инновацион муваффақиятлар» кўргазмасини кўздан кечирдилар, «Рақобатбардош Евроосиё — ишонч макони» мавзуида ўтган ялпи мажлисда иштирок этдилар.

Йирик халқаро тузилмаларнинг саммитлари икки томонлама музокаралар ўтказиш учун ҳам яхши имконият яратади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Санкт-Петербург саммити доирасида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорлик барча соҳаларда юксак суръатлар билан ривожланиб бораётгани таъкидланди. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ортганининг ўзиёқ бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Ислом Каримов ва Владимир Путин икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбари Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан ҳам учрашди. Унда Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларининг истиқболи, минтақавий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция ва хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

14-15 июнь. Президент Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, қишлоқ хўжалиги тизимида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида Бухоро ва Навоий вилоятларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Бухоро заминига сафарини Ромитан туманидаги «Саттор-Камол» фермер хўжалиги далаларини кўздан кечириш билан бошлади. Бу ерда меҳнат қилаётган фермер ва механизаторлар билан суҳбатлашди.

Президентимиз Абу Али ибн Сино тугилган Пешку туманидаги Афшона қишлоғида бўлиб, улуғ аллома музейини кўздан кечирди. — Дунё мамлакатларида бугунги кунда ҳам тиббиёт асослари Абу Али ибн Сино қолдирган мерос асосида ўқиб-ўрганилаётгани маълум, — деди Юртбошимиз. — Бу — улуғ бобомизнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган бемисл ҳиссасининг жаҳоний эътирофидир. Шу маънода музейни янгидан-янги экспонатлар билан бойитиш, бунда тарихий ҳақиқат мезонларидан келиб чиқиб иш тутиш зарур.

Ислом Каримов 2006 йилда ишга туширилган Афшона тиббиёт коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди. Юртбошимиз зиёрат давомида, бу муборак зот мангу ором топган ушбу маскан барчамизни эзгуликка чорловчи муқаддас қадамжо бўлиб қолишини таъкидлади. Зиёратгоҳ ҳудудига воҳа иқлим шароитига мос дарахтларни кўпроқ экиш лозимлигини тавсия этди.

Президентимиз Бухоро шаҳрининг янги бош меъморий лойиҳаси билан танишар экан, замонавий бино ва иншоотлар қурилиши қадимий обидаларга уйғун ҳолда олиб борилиши зарурлигига эътиборни қаратди.

Ислом Каримов «Бухоро гилами» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси фаолияти билан ҳам танишди. Ишчилар билан суҳбатда маҳсулот ишлаб чиқариш борасида эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, корхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш зарурлигини қайд этди.

Шаҳардаги деҳқон бозори — Бухоронинг йирик савдо мажмуаларидан. Қайта реконструкция қилингач, у замонавий қиёфа касб

этиб, харидор ва сотувчилар учун зарур шарт-шароитларга эга бўлди.

Президентимиз Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйига ташриф буюриб, тарбияланувчилар ва мураббийлар билан суҳбатлашди. Юзга яқин ўғил-қиз тарбияланаётган мазкур муассасада болаларнинг замон талаблари асосида билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ва спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Юртбошимиз Меҳрибонлик уйига замонавий микроавтобус совға қилди.

Президентимиз сафарининг иккинчи куни реконструкция ва модернизациялаш ишлари амалга оширилаётган Навоий шаҳар аэропорти билан танишувдан бошланди. Давлатимиз раҳбари муҳим стратегик объект ҳисобланган аэропортнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, бир йил аввал Навоий вилоятига ташрифи чоғида билдирган танқидий фикрлари асосида бу ерда салмоқли ишлар бажарилганини таъкидлади.

Юртбошимиз Қизилтепа туманидаги Навбоғ қишлогида бўлиб, деҳқонлар билан суҳбатлашди. Уларнинг яшаш шароити, орзу-режалари билан қизиқди, шунингдек, «Заргарон баракали ҳосил» фермер хўжалигида бўлиб, галла ўрим-йиғимининг бориши билан танишди. Бобожон Каримов раҳбарлик қилаётган хўжалик аъзолари билан мулоқотда бўлди. Давлатимиз раҳбари фермерлик, аввало, масъулият эканини алоҳида таъкидлаб, улар замон талабларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бориши, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши зарурлигини қайд этди.

Кармана туманидаги Ортиқ Сувонов раҳбарлик қилаётган «Парда бобо» фермер хўжалигида бўлиб ўтган учрашувда бугунги фермер ҳам деҳқон, ҳам иқтисодчи, ҳам агроном, ҳам менежер бўлмоғи даркор, деди Юртбошимиз. Ана шундагина у кўзлаган мақсадига эришади.

* * *

21 июнь. Президент Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Наманган ва Андижон вилоятларига ташриф буюрди.

Юртбошимиз реконструкция қилинаётган Наманган аэропортида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Мазкур аэропортни замонавий талабларга мос, юқори даражада сервис хизмати кўрсатадиган, йўловчилар учун барча қулайликларга эга ҳаво портига айлантириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Наманган филиали Тўрақўрғон туманида жойлашган. Давлатимиз раҳбари ушбу илмий марказда олимлар ва бир гуруҳ фермерлар билан суҳбатлашди. Уларнинг меҳнат ва турмуш шароити билан қизиқди.

Президентимиз қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада оширишга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Зеро, халқнинг тўкинлиги кўп жиҳатдан қишлоқларимиз фаровонлиги билан боғлиқ.

Косонсой туманидаги «Тошкент» фермер хўжалиги раҳбари Каримахон Бобохонова, «Чашмаи сафед» фермер хўжалиги бошлиғи Ҳамидхон Мўйдинхўжаев, Мингбулоқ туманидаги «Юсуф бобо» фермер хўжалиги раҳбари Ҳакимжон Юсупов фермерлик соҳасида эришган ютуқлари тўғрисида гапириб, бунинг учун яратилган шарт-шароит учун Юртбошимизга миннатдорлик билдиришди.

Учрашувда Президентимиз унумдорлиги паст ерларда деҳқончилик қилаётган фермерларга муайян имтиёзлар бериш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг тақдири фақат деҳқончилик билан богланиб қолмаслиги, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун уларга янада кенгроқ имкониятлар яратиб бериш лозимлигини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари Наманган шаҳридаги «Saydana» тиббиёт маркази фаолияти билан танишди. Ушбу марказда замонавий лаборатория, радиология, эндоскопия, кардиология бўлимлари мавжуд.

Ислом Каримов шаҳарнинг «Тинчлик» майдонида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Наманганнинг асосий майдони баҳаво ва яшил ҳудудга, вилоят аҳлининг севимли масканига айланиши лозимлигини алоҳида уқтирди.

Президентимиз Ислом Каримов куннинг иккинчи ярмида Андижон вилоятига ташриф буюрди. Юртбошимиз Олтинкўл туманидаги «Ихлос барака» фермер хўжалиги шийпонида фермерлар, туман ҳокимлари, банклар раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашув чоғида бугунги кунда фермерлик ҳаракати вилоятда қандай ривожланаётгани, мулкка, ерга эгалик туйғуси қай даражада шаклланаётгани, шунингдек, фермерларнинг эришган ютуқлари ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш учун ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар билан қизиқди.

Ислом Каримов вилоятнинг Балиқчи туманидаги «Алишер Навоий» акциядорлик жамиятида бўлиб, ушбу корхона фаолияти билан танишди. Бу ерда ҳар куни 25 тонна тола қайта ишланади ва сифатли ип-газлама тайёрланади. Юртбошимиз ишчилар билан

суҳбат чоғида уларнинг иш ва турмуш шароити билан қизиқди.

Мамлакатимиз раҳбари Бобур номидаги вилоят мусиқали драма театрини ҳам кўздан кечирди, театр жамоаси билан мулоқотда бўлди.

* * *

21 июнь. Президент Ислом Каримов «Универсиада — 2007» спорт ўйинлари иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

27 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан республика матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

3 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али раҳбарлигидаги Араб мувофиқлаштириш гуруҳи делегациясини қабул қилди.

Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамгармаси, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси ва Абу Даби тараққиёт жамгармасини бирлаштирувчи Араб мувофиқлаштириш гуруҳи қатор мамлакатлардаги турли устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун шу кунгача жами 75 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратган. Гуруҳ делегацияси Ўзбекистоннинг таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, кимё саноати, коммунал хизмат, қурилиш ва металлургия соҳаларидаги лойиҳаларни кўриб чиқиб, амалга ошириш масалаларини муҳокама қилиш учун ташриф буюрган.

Суҳбат чоғида мазкур тузилмалар билан ҳамкорликда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

4 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Ивановни қабул қилди. С. Иванов Россия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг яқин ҳамкорларидан деб билишини, ташрифдан кўзланган асосий мақсад ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришнинг янги имкониятларини кўриб чиқишдан иборат эканини таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

6 июль. Президент Ислом Каримов «Содиқ хизматлари учун» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси молия вазири Цзинь Женьцинни қабул қилди. Учрашувда Цзинь Женьцин самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришини, анъанавий дўстликни мустаҳкамлаш ва шериклик алоқаларини янада фаоллаштириш учун ҳар томонлама ҳамкорликка тайёр эканлигини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзсидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

10 июль. Президент Ислом Каримов «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумотони дипломатик ваколат муддати тугагани муносабати билан қабул қилди.

Ю.Кусумото ўз миссиясини бажариши давомида кўрсатган ёрдами, мунтазам қўллаб-қувватлаб келгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди. Мамлакатимизда ўтказган йилларини асло унутмаслигини, бой таассуротлар билан юртига қайтаётганини, бундан кейин ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшишини алоҳида таъкидлади.

* * *

12 июль. Президент Ислом Каримов «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 июль. Президент Ислом Каримов давлатга дон тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли адо этган республикамиз ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

17 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли Қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 июль. Президент Ислом Каримов «Н.Кучерскийни «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 июль. Президент Ислом Каримов «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 июль. Президент Ислом Каримов «2007—2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатлари баъзи нормаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимовни қабул қилди. Учрашувда К. Масимов Ўзбекистонга ташрифи самарали кечаётганини, Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлисида эришилган келишувлар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

27 июль. Президент Ислом Каримов «2007—2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 август. Президент Ислом Каримов «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 август. Президент Ислом Каримов «ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейнни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейнни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари учун Майкл Барри Лейнга Ватанимизнинг «Дўстлик» орденини топширди.

М. Барри Лейн юксак эътибор, Ўзбекистонда ишлаган вақтида кўрсатган ёрдами, мунтазам қўллаб-қувватлаб келгани учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ҳар томонлама ривож топганига, мамлакатимиз ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётида кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилганига гувоҳ бўлиб келганини таъкидлади.

* * *

13 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғлини қабул қилди.

Ислом конференцияси ташкилоти таркибидаги тузилма — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилди.

Меҳмон ИКТ Ўзбекистон раҳбарининг маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолашини, Тошкентда ўтаётган анжуман жаҳон ҳамжамиятига ўзбек халқининг бой мероси билан яқиндан танишиш имконини беришини қайд этди.

* * *

13 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

14 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларидан бир гуруҳи билан учрашди ва нутқ сўзлади.

Учрашувда Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғли, Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо, ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳассан, Кувайт Давлати маориф ва олий таълим вазири Нурия ас-Сабиҳ хоним ва Қозоғистон Республикаси мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абсаттор Дербесали ISESCOнинг Тошкентни Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиш ҳақидаги қарори фақат ўтмиш билан боғлиқ эмаслигини, ўзбек халқининг бугунги бунёдкорлик фаолиятига ҳам берилган юксак баҳо эканлигини таъкидладилар.

Учрашув қатнашчилари ислом маданияти ва фанини ривожлантиришда мамлакатимиз муҳим ўрин тутишини, ўзбек халқи ўз даҳоларининг хизматлари билан ислом цивилизациясини ривожлантириш орқали бутун дунё цивилизацияси равнақига ҳам улкан ҳисса қўшганини таъкидладилар. Халқаро анжуман юксак савияда ташкил этилганини қайд этдилар.

Мусо бин Жаъфар Ҳассан Президентимизга ЮНЕСКОнинг «Аристотель» ва «Буюк Ипак йўли» олтин медалларини топширди.

* * *

14 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳассанни қабул қилди. Учрашувда Мусо бин Жаъфар Ҳассан истиқлол йилларида мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида амалга оширилган янгиланишларга юксак баҳо бериб, ЮНЕСКО қадимий тарих, бой маданият, улкан тарихий, маданий ва илмий меросга эга Ўзбекистон билан ҳамкорликни қадрлаши ва бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантириб боришга тайёр эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

14 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Араб давлатлари лигаси (АДЛ) Бош котиби Амр Мусони қабул қилди.

Амр Мусо узоқ йиллар давомида Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазири сифатида фаолият юритган. 2001 йилдан буён АДЛга раҳбарлик қилиб келади. Ушбу ташкилотга 21 араб давлати ва Фаластин миллий мухторияти аъзо. Араб давлатларида сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни фаоллаштириш, араб ҳамжамиятида бирдамлик ва шериклик руҳини кучайтириш орқали хавфсизлик, мудофаа ва ташқи сиёсат масалаларида кўп томонлама мувофиқлаштирилган ҳолда иш тутишни таъминлаш, динлараро мулоқотни ривожлантириш, минтақадаги низоларга барҳам беришга кўмаклашиш АДЛнинг мақсад ва вазифалари сирасига киради.

Учрашувда мамлакатимизнинг ушбу халқаро ташкилот билан ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

15-16 август. Президент Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкек шаҳрига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари шу куни Бишкекка етиб келди.

Саммитнинг асосий воқеаси — Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлиси Қирғизистон Президентининг «Ала Арча» қароргоҳида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Курманбек Бакиев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Президентлар ШҲТ фаолиятини янада такомиллаштириш, сиёсий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Президентлар ШҲТнинг халқаро ташкилотлар билан алоқаларини ривожлантириш масаласи юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Айни пайтда ШҲТ билан МДҲ, АСЕАН ва ЕврАзЭС ўртасида англашув меморандумлари имзоланган. Бу сафни кенгайтириш билан ШҲТнинг ҳамкорлари сони оширилади ва унинг сарҳадларида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланади.

Ислом Каримов ўз нутқида ШҲТ доирасида самарали ҳамкорлик механизмлари йўлга қўйилганини, барча соҳаларда аъзо давлатларнинг салоҳиятини ишга солиш учун платформа яратилганини таъкидлади. Хавфсизликка таҳдид, жумладан, афғон муаммоси, шунинг-

дек, Марказий Осиёда сув захираларидан оқилона фойдаланиш масалаларига эътибор қаратди.

Мажлис якунида Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Бишкек декларацияси, Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳаракат дастури имзоланди.

Саммит доирасида Ишбилармонлар кенгаши билан Банкларараро бирлашма ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳам имзоланди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланиб бораётганини, бу ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ху Цзиньтао Ўзбекистон раҳбарини Хитойнинг яқин дўсти деб билишини, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда Ислом Каримовнинг ҳиссаси улкан эканини қайд этди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланаётганини таъкидладилар.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилишида алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ишчи-хизматчиларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида 2007 йилги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўлининг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Юртбошимиз янги темир йўл бўйлаб дастлабки поездда Бешбулоқ қишлоғи ёнида қад кўтарган замонавий «Деҳқонобод» бекатига етиб келди. Янги вокзал биносида кутиш заллари, она ва болалар хоналари бунёд этилган. Президентимиз бекат ҳудудида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободончилик ишларини кўздан кечирди. Қурувчилар ва темирйўлчиларнинг иш фаолияти, турмуш шароити билан қизиқди.

Ислом Каримов яқин-атрофдаги қишлоқлар оқсоқоллари, қурувчи ва мутахассислар билан мулоқот чоғида янги темир йўлнинг иқтисодиётимизда тутадиган стратегик аҳамияти, хусусан, мамлакатимиз экспорт ва транзит салоҳиятини оширишдаги ўрни ҳақида тўхталди.

Деҳқонобод тумани Қорадаҳна қишлоғи яқинидаги Консой устига қурилган кўприкнинг узунлиги 234,2, баландлиги 45 метрни ташкил этади. Ислом Каримов ушбу кўприкни бориб кўрди, теварак атрофдаги қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳоли учун зарур ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари темир йўлнинг энг баланд нуқтасида барпо этилган «Оқработ» бекатида ҳам бўлди.

Поезд «Дарбанд» бекатида тўхтади. Дарбанд ҳақида тарихий манбаларда жуда кўп ёзилган. Бойсундан ғарб томонда Саримас тоғ тизмасида жойлашган мазкур тор дара «Темир дарвоза» номи билан машҳур. Соҳибқирон Амир Темур салтанатида муҳим стратегик объект ҳисобланган бу тоғ йўлидан Имом Бухорий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз ўтган.

Ана шу қадимий манзил яна тарихий воқеаларга гувоҳ бўлди — «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўл линиясининг Қашқадарё ва Сурхондарё қисмлари ўзаро туташтирилди. Худди шу жойда мазкур темир йўлнинг ишга туширилишига бағишлаб тантанали маросим бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида темир йўл қурилишида иштирок этган барча мутахассис-

ларни улкан зафар билан қутлар экан, аввало, лойиҳачилар, темирйўлчилар, бинокорлар, кўприксозларга, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мутасаддилари ҳамда фаолларига, халқимизнинг буюк ишларига хайрихоҳлик билдирган хорижлик ҳамкорларимизга, ушбу улуғвор ишга ҳисса қўшган барча инсонларга самимий миннатдорлик изҳор этди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Тошкентнинг Юнусобод туманини Мирзо Улугбек тумани билан боғлайдиган Зиёлилар кўчасидаги янги, кенг йўлни ҳамда бу ерда бунёд этилган кўприкни бориб кўрди. Мамлакатимиз раҳбари бу ердаги бунёдкорлик билан танишар экан, у нафақат маблағ, балки теран ақлий меҳнат ва юксак маҳорат, чуқур билим ва тафаккур, юқори технологияларни талаб қилишини таъкидлади.

Президентимизнинг Тошкент шаҳрида И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги 2007 йил 12 январда қабул қилган қарори бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Юртбошимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мазкур йўналишдаги кенг кўламли ишлардан кўзланган мақсад республикамиз нефть-газ тармоги учун малакали кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Юртбошимиз маънавий-маърифий тадбирлар зали, геология, геофизика кабинетлари, мультимедиа, масофадан ўқитиш аудиторияларини кўздан кечирди. Филиал мутахассислари билан суҳбат асносида, бу ерда талабаларга махсус фанлардан сабоқ берадиган профессор-ўқитувчиларга қўйиладиган талаблар ҳақида атрофлича тўхталди.

— Бу олий таълим даргоҳи мураббийлари фидойи, ватанпарвар ва масъулиятли инсонлар бўлишлари шарт, — деди Ислом Каримов. — Зотан, бугунги кунда нефть ва газ конларига бой мамлакатимизда малакали ишчи-хизматчиларга, айниқса, соҳа муҳандислари, менежер ва менежмент масалалари билан шуғулланадиган миллий мутахассисларга талаб катта. Давр ана шундай замонавий касб эгалари — миллий кадрларни тез орада тайёрлаш учун ушбу даргоҳ ва унинг профессор-ўқитувчилар таркиби зиммасига улкан масъулият юкламоқда.

Давлатимиз раҳбари филиалнинг илк талабаларидан бир гуруҳи билан суҳбатлашди. Уларга Ватанимизнинг мазкур соҳа бўйича етук, малакали мутахассислари бўлиб етишишлари йўлида омад тилади.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, бу борада мавжуд имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Р. Мередов Туркманистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига

бағишланган қўшма мажлисида нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» кўргазма экспозициялари билан танишди.

Президентимиз дастлаб мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи тармоқ ҳисобланган автомобилсозлик саноати маҳсулотлари билан танишди. Асакадаги «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган «Ласетти», «Нексия», «Матиз» ва «Дамас» русумли автомобилларга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб катта. Шу боис корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда.

Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган «Исузу» автобуслари ҳам кўриниши, ҳам техник имкониятлари билан эътибор қозонган.

Давлатимиз раҳбари кўргазманинг саноат маҳсулотлари, электрон техника, маиший уй-рўзғор буюмлари, қишлоқ хўжалигига оид экспонатларни кўздан кечирди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида ўтган маросимда иштирок этди.

Юртбошимиз бу ерда ҳозир бўлган жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашиб, ўзининг айрим фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида бунёд этилган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи, Президентимиз таъкидлаганидек, кишиларни, айниқса, ёшларни тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиб яшашга ундовчи маънавий масканлардан бирига айланган.

Музей экспонатларини кўздан кечирган давлатимиз раҳбари музей фаолиятини ҳам шаклан, ҳам мазмунан кенгайтириш, янада такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, ёруғ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган «Мустақиллик ва эзгулик» монументи пойига гул қўйди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

5 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 сентябрь. Президент Ислом Каримов Маргилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари тантана иштирокчиларини, уларнинг сиймосида Фаргона аҳлини, бутун халқимизни Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи билан муборакбод этди. Бугунги кунда Марғилон шаҳри нафақат тарихий маскан, балки навқирон ва замонавий шаҳарга айланганлиги истиқлол берган имкониятлар ва халқимизга хос бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин далили эканлигини алоҳида таъкидлади.

Марғилон тўйига тайёргарлик доирасида амалга оширилган ишлар миқёси ва мазмуни, аввалambор, шаҳардаги тарихий обидаларнинг қайта тикланишида яққол намоён бўлди.

Давлатимиз раҳбари Маргилонга ташрифи чоғида ана шундай иншоотлардан бири — Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасасида бўлди.

1870—1875 йилларда Фарғона меъморчилиги услубида қурилган бу бино айни вақтда марғилонлик ҳунармандлар марказига айлантирилган. Ушбу мажмуада Марғилоннинг 2000 йиллик тўйига бағишлаб ҳунармандлик ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилди. Унда ҳунармандлар ўз маҳсулотлари — мискарлик, зардўзлик, адрас, атлас, гиламчилик буюмлари билан иштирок этди. Юртбошимиз уларни кўздан кечирар экан, атлас, адрас ва гилам нусхалари ўзининг бетакрор миллий нақши, табиий бўёқлари, тоза ипакдан тайёрлангани билан эътирофга сазовор эканини қайд этди.

Марғилондан кўплаб азиз-авлиёлар ва фозил зотлар етишиб чиққан. Ислом дунёсининг буюк алломаси, машҳур «Ҳидоя» асарининг муаллифи Бурҳониддин Марғинонийнинг ҳаёти ва фаолиятини ушбу шаҳарнинг энг қадимий масканларидан бири — Пурсиддиқ

мажмуаси билан боғлаган ҳолда талқин этадилар.

Юртбошимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги билан диёримиздаги кўплаб муборак қадамжолар сингари бу мажмуа ҳам тубдан таъмирланиб, ободонлаштирилди. Қутлуғ тўй муносабати билан бу ерда катта қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Президентимиз Марғилон шаҳридаги замонавий билим даргоҳларидан бири 32-мактабнинг янги биноси билан танишиш чоғида асосий мақсад таълим-тарбия жараёнининг мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштиришдан, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлади.

Юртбошимиз Марғилон шаҳрининг қутлуғ тўйи муносабати билан бунёд этилган Марказий деҳқон бозорида ҳам бўлиб, сотувчи ва харидорлар учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

* * *

13 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

19 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

19 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 сентябрь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Тожикистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Бобохон Маҳмадов, Италия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жованни Риччулли, Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ричард Норланд ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

20 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 сентябрь. Президент Ислом Каримов этник корейслар Ўзбекистонда яшаётганининг 70 йиллиги нишонланиши муносабати билан табрик йўллади.

* * *

24 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 сентябрь. Президент Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни билан танишиш учун Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг Жиззах вилоятига ташрифи Жиззах туманидаги «Қўрғонтепа» фермер хўжалигида мазкур ҳудуддаги фермерлар, теримчилар ва қишлоқ аҳли вакиллари билан учрашувдан бошланди. Юртбошимиз мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўзгаришлар, жамиятимиз ҳаётидаги демократик янгиланишлар одамларнинг онги ва дунёқарашида, турмуш тарзида қандай акс этаётгани билан қизиқди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Қуёшсевар Парда» фермер хўжалиги раҳбари Парда Зиёдов далаларида бўлиб, қандай пахта навларини эккани, пахтачиликдан қанча даромад олаётгани билан қизиқди. Вилоятнинг ўзига хос иқлим шароитини, сув танқислигини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий навларни етиштириш масаласига алоҳида тўхталди.

Мамлакатимиз раҳбари Пахтакор туманидаги «Усмон бобо» фермер хўжалиги даласида бўлган учрашувда пахтанинг эртапишар, серҳосил, тола сифати юқори ва касалликларга чидамли навларини кўпайтириш ҳар томонлама, айниқса, фермернинг даромади ошишида муҳим омил бўлишига эътиборни қаратди.

Юртбошимиз Дўстлик туманидаги «Қаландар Гулбой» фермер хўжалиги далаларида ҳам бўлиб, кузнинг ғанимат кунларидан унумли фойдаланиб, ҳосилни тезроқ териб олиш ҳам деҳқон манфаатлари талаби, ҳам фермер зиммасидаги масъулият эканини таъкидлади.

Ислом Каримов вилоят фермерлари билан мулоқот чоғида Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқларни қайд этиш баробарида, мавжуд муаммоларга ҳам тўхталди.

Ислом Каримов Сирдарё вилоятида иқтисодий салоҳияти, ер-сув шароити бир-биридан фарқ қиладиган уч туман фермерлари билан суҳбатлашди.

Сардоба — чўл ҳудудида жойлашган туман. «Бахмал» фермер хўжаликлари уюшмасида қишлоқ мулкдорлари билан учрашган Президентимиз фермерлик шунчаки ҳавас эмас, машаққатли меҳнат, қунт, чидам ва фидойилик талаб этадиган касб эканини таъкидлади.

Оқолтин туманидаги «Собиржон Сиддиқов» фермер хўжаликлари уюшмасида бўлиб ўтган суҳбатда илгари 16—17 центнер ҳосил берган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган, ҳосилдорлик кескин ошгани қайд этилди.

Бир пайтлар Мирзаобод туманида пахта етиштириб бўлмайди, деган фикр билан ушбу ҳудудда пахта экиш тўхтатилган эди. Шу тумандаги «Бўрибек» фермер хўжалиги далаларида фермерлар билан учрашган Президентимиз суҳбатни шу мавзудан бошлади. — Бугун ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Фидокорона меҳнат қилиб, юқори ҳосилдорлик ва юксак даромад олишга эришаётган мирзаободлик фермерлар эскича қарашлар нотўғри эканини амалда исботламоқдалар.

Юртбошимиз қишлоқ мулкдорлари замон талаблари асосида иш олиб боришлари, ҳудудда чорвачилик ва саноатни ҳам ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Бу нафақат уларнинг ўзига, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишига хизмат қилади.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Халқаро телекоммуникация иттифоқи Бош котиби Хамадун Турени қабул қилди.

Меҳмон Тошкентда навбатдаги Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги саммитида иштирок этиш учун Ўзбекистонга келган. Учрашувда Х.Туре Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва компьютерлаштириш борасида улкан ютуқларни қўлга киритаётганини алоҳида таъкидлади. Ҳафталик юксак савияда ташкил этилиб, саммит самарали бўлганини, Халқаро телекоммуникация иттифоқи Ўзбекистон билан ҳамкорликни бундан буён ҳам изчил давом эттиришини қайд этди.

Суҳбат чоғида мамлакатимизнинг мазкур халқаро ташкилот билан алоқаларини янада кенгайтириш, халқаро ахборот хавфсизлиги муаммолари ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

2 октябрь. Президент Ислом Каримов «2007 йилнинг 1 октябридан муддатли ҳар-

бий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 октябрь. Президент Ислом Каримов «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

3 октябрь. Президент Ислом Каримов «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5-6 октябрь. Президент Ислом Каримов Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида ҳамда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлиси ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясида иштирок этди.

Душанбе саммити Президентларнинг тор доирадаги учрашувидан бошланди. Унда Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш, унинг ижро органлари фаолиятини такомиллаштириш, интеграция жараёнларини жадаллаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, МДҲни янада ривожлантириш концепцияси ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишга доир асосий чора-тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Ушбу масалалар муҳокамаси давлат раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳам давом эттирилди. Давлатлараро ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган мазкур ҳужжатлар лойиҳасида Ҳамдўстликни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланган таъкидланди.

Саммит қатнашчилари миграция билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр алмашиб, бу борада ўзаро келишилган сиёсат юритиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижаси ўлароқ, саммитнинг якуний ҳужжатлари орасидан жиноятчиликка, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига, терроризм ва экстремизмга қарши ҳамкорликда курашиш бўйича 2008—2010 йилларга мўлжалланган қатор дастурлар жой олди.

Журналистлар билан учрашувда музокара самарали бўлгани, очиқлик ва ўзаро ишонч руҳида, ишчан кайфиятда ўтгани таъкидланди.

6 октябрь куни Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) давлатлараро кенгашининг мажлиси ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ҳам бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов хавфсизликни таъминламай иқтисодиётни, давлатлараро интеграция жараёнларини ривожлантириш қийинлигини ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти бир-бирини тўлдирувчи тузилмалар эканлигини таъкидлаб келади.

ЕврАзЭСнинг Душанбе саммитида Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентлари Божхона иттифоқини тузиш ишларини якунига етказиш, ҳамжамиятнинг умумий энергетика бозорини шакллантириш ва сув-энергетика ресурсларидан унумли фойдаланиш концепциялари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

Мажлис якунида кўрилган масалалар, жумладан, Божхона иттифоқининг ҳуқуқий асосини шакллантирувчи ҳужжатлар, сув-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш ва умумий энергетика бозорини тузиш концепциялари, БМТ билан ҳамкорлик, Халқаро авиация қўмитасига ташкилот ҳузурида кузатувчи мақомини беришга оид қарорлар қабул қилинди.

Саммит якунида тинчликни сақлаш фаолияти, ҳарбий аҳамиятга молик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишлатиш, таъмирлаш, модернизация қилиш тўғрисидаги битимлар, Коллектив тинчликни сақлаш кучлари ва Тинчликни сақлаш операцияларини тайёрлаш бўйича тезкор ишчи гуруҳга оид ҳужжатлар имзоланди.

* * *

8 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли адо этган Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари пахтакорларига табрик йўллади.

* * *

9 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «General Motors Europe» (GME) компанияси президенти Карл Петер Фостер ва «GM Daewoo Auto and Technology» (GMDAT) компанияси президенти Майкл Гримальдини қабул қилди.

«GME» ва «GMDAT» компаниялари раҳбарларининг юртимизга ташрифи асносида «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти негизида «Шевроле» автомобилларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича «GM Ўзбекистон» қўшма

корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу ҳужжат уч русумдаги «Chevrolet» — «Captiva», «Epica» ва «Tacuma» автомобиллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан бирга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган лойиҳаларни кенгайтиришни ҳам ўз ичига олади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон корхоналари билан «GME» ва «GMDAT» компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

10 октябрь. Президент Ислом Каримов «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли адо этган Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

16 октябрь. Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Эрон Ислом Республикасидан қайтаётиб, Тошкентда тўхтаб ўтди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг учрашуви бўлди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

18-19 октябрь. Президент Ислом Каримов давлат ташрифи билан Туркманистонда бўлди. Давлатимиз раҳбарини Туркманистон Президентининг Ашхободдаги саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар — Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедовнинг яккама-якка суҳбатида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташрифи ўзаро ишонч ва ҳурмат асосидаги икки томонлама манфаатли ҳамкорликка янги суръат бахш этиши ва уни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди. Ашхобод саммити Ўзбекистон ва Туркманистоннинг ҳамкорлик йўлидаги интилишлари муштарак эканини кўрсатиши қайд этилди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Жумладан, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар ҳамкорлигига, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Президентларнинг мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Ислом Каримов Ашхобод саммити мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги кенгайиб бораётганидан яна бир далолат эканини таъкидлади.

Гурбангули Бердимуҳамедов томонларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қарашлари, кўрилган халқаро муаммоларга муносабати ўхшаш ёки яқинлигини қайд этди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи муносабати билан «Руҳият» саройида тантанали маросим бўлиб ўтди. Бу ерга Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари йиғилдилар.

Гурбангули Бердимуҳамедов Туркманистон — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш, икки мамлакат халқларининг дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги буюк хизматлари учун Ислом Каримов «Ҳурматли эл ёшуллиси» унвони билан тақдирланганини эълон қилди ва мамлакатимиз раҳбарига уни тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Маросимда ўзбек ва туркман санъаткорлари ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистонга давлат ташрифининг иккинчи куни мазкур мамлакатнинг биринчи Президенти Сапармурод Ниёзов мавзолейига ташриф буюрди.

Ислом Каримов Туркманистоннинг биринчи Президенти хотирасига ҳурмат бажо келтириб, унинг мақбараси пойига гул қўйди.

Мамлакатимиз раҳбари Сапармурод Туркманбоши номидаги Миллий маданият марказидаги Туркманистоннинг биринчи Президенти музейини кўздан кечирди.

Юртбошимиз Ашхобод марказида бунёд этилган Мустақиллик монументи пойига ҳам

гул қўйди. Бу ердаги Фахрий меҳмонлар хиёбонига кўчат ўтқазди.

Ислом Каримов Ашхободдаги От спорти мажмуаси билан танишди. Мажмуага ташриф асносида Туркманистон Президенти мамлакатимиз раҳбарига зотдор от совға қилди. Бу Туркманистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга, ўзбек халқига бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромининг амалий ифодасидир.

Ашхобод саммитида Ўзбекистон ва Туркманистоннинг, мамлакатларимиз халқларининг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қиладиган қатор ҳужжатлар, Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартномани, Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги давлатлараро шартномани, Ўзбекистон — Туркманистон қўшма баёнотини имзоладилар.

Матбуот анжуманида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов музокаралар ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, бугун эришилган келишувлар келгусида Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилишини таъкидладилар.

* * *

23 октябрь. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 октябрь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги йўллади.

* * *

26 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) вице-президенти, бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумни қабул қилди.

Бирлашган Араб Амирликларида, хусусан, Дубай амирлигида ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани катта мамнуният билан кутиб олинди. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида» деб номланган китоби араб тилида нашр этилди. Бу воқеалар мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва маънавий яқинликнинг, ўзаро ҳурмат ва ишончнинг ёрқин тасдиғидир.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

29 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси мудофаа вазири Анатолий Сердюковни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим амал қилади. Икки мамлакат мудофаа вазирликлари ҳар йили ҳамкорликка оид дастур ва режалар ишлаб чиқади ва амалга оширади. А.Сердюковнинг мазкур ташрифи асносида Ўзбекистон ва Россия мудофаа вазирликлари ўртасида 2008 йилда икки томонлама ҳамкорлик режаси имзоланди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликка ҳамда минтақавий хавфсизликка оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

29 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Куродани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон дунёдаги аксарият йирик халқаро молия муассасалари билан алоқа ўрнатганини, лекин Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

ОТБ иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг яқин, ишончли ва фаол ҳамкорларидан. Банк мунтазам равишда Ўзбекистон билан ҳамкорлик стратегияси ва дастурини ишлаб чиқиб, ҳаётга изчил татбиқ этиб келмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон — ОТБ муносабатларига доир масалалар, қўшма лойиҳалар ижросининг бориши ва янгиларини ишлаб чиқиш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

2 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Зубковни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида ҳар томонлама ривожланиб бораётганини, давлатларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам самарали алоқаларни йўлга қўйганини таъкидлади.

В. Зубков самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Россия

Ўзбекистон билан ҳамкорликни, барча соҳаларда ривож топаётган шериклик алоқаларини юксак қадрлашини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

2 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябаони қабул қилди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг анъанавий дўстона, ўзаро манфаатли алоқаларида икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор топган ишонч ва ҳурмат-эътибор муҳим аҳамият касб этди. Ҳамкорликнинг барча соҳаларини қамраган Ўзбекистон — Хитой муносабатлари 2005 йилда Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланганидан кейин янги босқичга кўтарилиб, мазмунан бойиб борди.

Давлатларимиз ўртасида имзоланган терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик, ташқи сиёсат маҳкамаларининг ҳамкорлиги ва маслаҳатлашувлари тўғрисидаги битимлар ўзаро ишонч руҳини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаённи қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

5 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 ноябрь. Президент Ислом Каримов бокс бўйича жаҳон чемпиони «А. Атоевни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 ноябрь. Президент Ислом Каримов «О. Муҳамедовга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Япониянинг «Isuzu Motors» компанияси раиси Ида Ёшинори раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Япония давлатимиз мустақиллигининг илк йилларидан Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб келади. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилаётир. Ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён Япония Ўзбекистонга қарийб 2 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритган.

Суҳбат чоғида «Isuzu Motors» билан ҳамкорликда янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари, Ўзбекистон корхоналари билан ушбу компания ўртасидаги техникавий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

16 ноябрь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Цутому Хираока ишонч ёрлиғини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиғини қабул қилиб олар экан, Ўзбекистон — Япония муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлаб, юртимизда бошлаётган фаолиятига муваффақият тилади.

* * *

19 ноябрь. Президент Ислом Каримов «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика

тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг дастури матбуотда эълон қилинди.

* * *

26 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

27 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

28 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Навоий вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

28 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Ивановни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2005 йили имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Учрашувда икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

28 ноябрь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Вьетнам Социалистик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ле Ван Тоан, Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Ҳасиб Азиз, Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Хюг Перне ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

29 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

29 ноябрь. Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари мазкур йиғилишдан мақсад ўтган беш йил мобайнида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилган ишларни атрофлича таҳлил этишдан иборат эканини таъкидлади.

— Спорт — соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим воситасидир, — деди Президентимиз.— Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Юртбошимиз қишлоқ мактабларида спортни ривожлантиришнинг бугунги аҳволи ва истиқболига атрофлича тўхталди. — Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини болалар, ёшлар ташкил этади. Уларнинг асосий қисми эса қишлоқларда яшайди. Биз бугун кўпроқ қишлоқ болалари ҳақида қайғураётганимиз ўз самарасини бермоқда, — деди давлатимиз раҳбари. Мактаблар қуриш, таъмирлаш, умуман мактаблар фаолияти билан шуғулланиш 3—4 йиллик иш эмас, балки доимий, узлуксиз жарёндир.

Президент яна бир муҳим масалага эътибор қаратди. Жойлардаги мутасадди раҳбарлар, аввало Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари мактабларда спортни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларни самарали ҳал этиш наинки ижтимоий, балки давлат аҳамиятига молик сиёсий масала эканини янада теранроқ англамоғи даркорлигини таъкидлади.

* * *

3 декабрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

4 декабрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

4 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикасининг ташқи ишлар ва савдо вазири Сонг Мин Сунни қабул қилди.

Суҳбат чогида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 декабрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 декабрь. Оқсарой қароргоҳида Мустақиллик байрами муносабати билан фидокорона меҳнати учун тақдирланган юртдошларимизга фахрий унвонлар, орден ва медалларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига багишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Унда Президентимиз 2008 йилни «Ёшлар йили», деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанадаги нутқи «Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

10 декабрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Наманган ва Андижон вилоятлари сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

11 декабрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

11 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси президенти Тан Сри Дато Мохд Ҳасан Мариканни қабул қилди. Суҳбат чоғида «Петронас» билан биргаликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларга, янгиларини ишлаб чиқишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

12 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия ва иқтисодиёт вазири Квон О Кюни қабул қилди.

Корея Республикаси Эксимбанки томонидан Ўзбекистонга жами 120 миллион АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли имтиёзли кредит тақдим этилган бўлиб, шундан 14 миллиони телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга, 76 миллиони касб-ҳунар коллежларини ва 30 миллиони эса умумтаълим мактабларини жиҳозлашга йўналтирилган.

Суҳбат чогида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида савдо, иқтисодиёт ва сармоя соҳаларидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

12 декабрь. Президент Ислом Каримов «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 декабрь. Президент Ислом Каримов «ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Муҳаммад Ризо Хуссайнини «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 декабрь. Президент Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 декабрь. Талбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

13 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига қўшимча ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 61-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстона муносабатларни ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида Шартномани (Ашхобод, 2007 йил 18 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 декабрь. Талбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Жиззах ва Сирдарё вилоятлари сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

14 декабрь. Президент Ислом Каримов «Талбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битимни (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 декабрь. Президент Ислом Каримов «Фахрий унвонлар учун тўловлар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартномани (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 декабрь. Президент Ислом Каримов «Бюджет тизими тўғрисида»ги ҳамда «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 декабрь. Талбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

18 декабрь. Президент Ислом Каримов «Аҳолини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар ҳудудида ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситалари, вакцина ва бошқа иммунобиологик дорилар, тиббий буюмлар ва тиббий техника билан таъминлаш тўғрисидаги Битимни (Ашгабат, 1993 йил 24 декабрь) денонсация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 декабрь. Президент Ислом Каримов «Саноат, газ таъминоти ва кон назорати соҳасидаги бошқарув такомиллаштирилгани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 декабрь. Президент Ислом Каримов «Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 декабрь. Президент Ислом Каримов «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этди.

* * *

25 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси, МДҲ Ижрочи котиби Сергей Лебедевни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни нафақат МДҲ Ижроия қўмитаси раиси, айни пайтда МДҲ Кузатувчилари миссияси раҳбари сифатида ҳам ҳурмат қилишини таъкидлади.

МДҲ Кузатувчилари миссияси ўз фаолиятини 10 декабрдан бошлади. Улар пойтахтимизда ва қатор вилоятларда мингдан зиёд сайлов участкасида бўлдилар.

Давлатимиз раҳбари миссия фаолиятига юксак баҳо берди. МДҲ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликка доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

25 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди.

2008 йил

7 январь. Президент Ислом Каримов «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

7 январь. Президент Ислом Каримов «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 январь. Президент Ислом Каримов «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара катерлари алоҳида базасини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

* * *

14 январь. Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайлангани муносабати билан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари орқали барча сайловчиларга, юртдошларимизга кўрсатган юксак ишончи ва йўллаган табриклари учун миннатдорлик билдириб, эзгу тилакларини изҳор этди.

* * *

16 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлислар залига Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи олиб кирилади.

Парламент палаталари раҳбарларининг топшириғига биноан қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов очди. У 2007 йил 23 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлигини қайд этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси залда ҳозир бўлганлар ва сайловчилар номидан Ислом Каримовни юксак масъулиятли лавозим — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлангани билан қизғин табриклади ва Ислом Каримовга Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Ислом Каримов қасамёд қилди: «Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Ушбу маъруза «Биз ўз олдимизга қўйган юксак марраларга албатта эришамиз» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

17 январь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Пьер Морелни қабул қилди.

«Бирлашган Европа» Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, минтақанинг етакчи давлатларидан бўлган Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор. Бунинг иқтисодий сабаби бой табиий ресурслар ва ўсиб бораётган иқтисодий салоҳият бўлса, сиёсий сабаби глобал хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборат.

Суҳбат чогида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

18 январь. Президент Ислом Каримов Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган

ҳарбий хизматнинг замонавий шарт-шароити ҳамда мамлакатимиз Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг тураржой таъминотига бағишланган кўргазма экспозицияси билан танишди.

Мамлакатимиз раҳбари ҳарбий хизматчиларнинг дала шароитида хизмат қилиши ва яшаши учун зарур моддий-техник таъминот бўйича асосий воситалар — 60 кишига мўлжалланган кўчма ошхона, ювиниш ва чўмилиш хоналари, контейнер-музлаткич намуналарини кўздан кечирди. Мутасаддиларга ушбу кўчма воситаларни янада такомиллаштириш бўйича тегишли кўрсатмалар берди.

— Бу кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад, аввалambор, ҳарбий хизматчиларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган яшаш шарт-шароитларини яратишдан иборат, — деди Ислом Каримов. — Бунда, бир томондан, ҳарбийларнинг ҳозирги ҳаётнинг замонавий қулайликларидан фойдаланиш имконига эга бўлиши учун зарур шароит яратиш бўлса, бошқа томондан, ҳарбийларнинг хизмат вазифаси, улар хизмат қилаётган ҳудуд ва унинг ўзига хос иқлимини ҳам назарда тутиш талаб этилади.

Президентимиз мутасаддиларга ушбу кўргазма экспозицияси ва стендларини янада такомиллаштириш, уни бошқа ҳудуд ва ҳарбий округларда ҳам намойиш этиш юзасидан зарур топшириқлар берди.

* * *

24 январь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони адмирал Уильям Фэллонни қабул қилди. Учрашувда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, қўшни Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, шунингдек, халқаро терроризмга, наркотрафикка, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши ва бошқа замонавий таҳдидларга қарши курашиш борасида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот чогида Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар билан боглиқ масалалар ҳақида ҳам сўз борди.

* * *

5-6 февраль. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Кремлда бўлиб ўтган яккама-якка суҳбатида мамлакатларимиз ўртасидаги изчил ривожланиб бораётган муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига, хавфсизликни таъминлаш йўлидаги ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Ислом Каримов ушбу музокара ўзаро алоқаларга доир масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг қўшма баёноти, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида 2008—2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳамда Авиасозлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида 2008 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Владимир Путин музокаралар очиқлик, ўзаро ишонч руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини таъкидладилар.

Москва сафари асносида Президент Ислом Каримов «Лукойл» ОАЖ президенти В.Алекперов ва «Русал» компанияси директорлар кенгаши раиси О.Дерипаскани қабул қилди. Учрашувларда ёқилги-энергетика мажмуи ва кончилик борасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

8 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Ушбу маъруза «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

15 февраль. Урганч шаҳрида Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

19 февраль. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Қозогистон Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Зауитбек Турисбеков ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

20 февраль. Президент Ислом Каримов «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 февраль. Президент Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Москва шаҳрида ўтган норасмий саммитида иштирок этди.

Москва саммитида Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш борасида барча аъзо давлатлар ҳамфикр эканлиги яна бир карра аён бўлди. Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ҳамдўстликни янада ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Президентлар МДҲ ижро органлари фаолиятини такомиллаштириш, интеграция жараёнларини ривожлантиришга доир масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Музокарада Ҳамдўстликни янада ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш билан бир қаторда, МДҲ иқтисодий тараққиёт стратегиясининг лойиҳасига, транспорт соҳасидаги сиёсатни мувофиқлаштиришга, умумий энергетика ва озиқ-овқат бозорларини шакллантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Саммитда Президентлар ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга, халқларимизнинг дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» орденини топширди.

* * *

24-26 февраль. Президент Ислом Каримов Корея Республикасига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари сафарининг иккинчи куни Корея Республикасининг янги сайланган Президенти Ли Мён Бакнинг ўз лавозимини бажаришга расман киришишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Президент Ислом Каримовнинг ушбу маросимда қатнашиши Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланаётганидан, икки томон ҳам ҳамкорликдан манфаатдор экани ва ўзаро алоқаларни юксак қадрлашидан далолатдир.

Шу куни Ислом Каримов ўзи учун ажратилган қароргоҳда — «Lotte» меҳмонхонасида «Korean Air» компанияси президенти Янг Хо Чёни қабул қилди.

«Korean Air» билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўртасида ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз раҳбари «Корея газ корпорацияси» («КОГАЗ») президенти Ли Су Хони ҳам қабул қилди.

Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикасига 2006 йил март ойидаги давлат ташрифи чоғида ушбу корпорация билан «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ўртасида англашув меморандуми имзоланган эди. Бу ҳужжат Устюртдаги Сургил конида геология-разведка ишларини олиб бориш, конларни ўзлаштириш, полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқариш учун қўшма корхона тузишни назарда тутади. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 1,84 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади.

Музокарада «Ўзбекнефтгаз» ва «Корея газ корпорацияси» ҳамкорлигига оид масалалар, биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимизнинг Сеул ташрифи асносида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «DAEWOO International» корпорацияси ўртасида Устюртдаги «Кўскудуқ» ва «Ашибулоқ» инвестиция блокларида геология-разведка ишларини олиб бориш ва ўзлаштириш тўғрисидаги битим, «Ўзбекенгилсаноат» компанияси билан «DAEWOO International» корпорацияси ўртасида савдо шартномаси имзоланди.

26 февраль куни Сеулдаги «Чонг Ва Дэ» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболига доир масалалар, ўзларини қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Сеул яқинидаги Инчон шаҳридаги «GMDAT» заводига ташриф буюрди. Бу ерда ўзлаштирилган технологиялар, ишлаб чиқариш жараёни билан танишди.

«GMDAT» президенти Майкл Гримальди билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида эса автомобилсозлик соҳасидаги ҳамкорликка доир лойиҳалар ижросининг бориши, янгиларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

29 февраль. Президент Ислом Каримов «Ёшлар йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 март. Президент Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 март. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 март. Фарғона шаҳрида Халқ депутатлари Фаргона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

7 март. Президент Ислом Каримов Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги йўллади.

* * *

10 март. Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасига келди.

Дўрмон қароргоҳида Туркманистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан кейин Президентларнинг яккамаякка суҳбати бошланди. Ислом Каримов Туркманистон раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро муносабатларнинг суръат ва сифатини оширишга, ҳамкорликнинг янги қирраларини очишга хизмат қилишини таъкидлади. Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистонга таклиф этгани учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Суҳбат чоғида икки томонлама алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатига баҳо берар экан, мамлакатларимиз ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар кўп асрлик тарихга эга эканлиги, истиқлол йилларида янги мазмун билан бойиб бораётгани, бугунги саммит икки халқнинг вақт синовидан ўтган қардошлик ришталари мустаҳкам эканлигидан ёрқин далолат экани алоҳида таъкидланди.

Музокара якунида Президент Ислом Каримов ва Туркманистон раҳбари Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон — Туркманистон қўшма коммюникесига ҳамда 2007 йил 18 октябрда Ашхобод шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳукумат алоқаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, томонларнинг чегарабўйи ҳудудларида жойлашган хўжалик объектларидан фойдаланиш ва уларда таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, агросаноат мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов музокаралар ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини таъкидладилар.

11 март куни Оқсаройда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовга Тошкент тиббиёт академиясининг Фахрий доктори унвони берилишига бағишланган тантанали маросим бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи самарали бўлганини, ушбу саммит мамлакатларимиз тараққиётига, халқларимиз фаровонлигини оширишга, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги гуманитар алоқалар, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида тўхталди. Туркманистон Президентининг мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасидаги самарали фаолиятини қайд этди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовга Тошкент тиббиёт академиясининг Фахрий доктори унвони берилди. Олий мартабали меҳмонга ушбу юксак илмий унвон дипломи тантанали равишда топширилди ва докторлик мантияси кийгизилди.

Гурбангули Бердимуҳамедов бундай юксак эътибор учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Шу куни Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Туркманистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси янги биносига пойдевор қўйиш маросимида қатнашдилар.

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов янги бинонинг Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов ташаббуси билан тузилган лойиҳасига юқори баҳо берди.

Гурбангули Бердимуҳамедов Туркманистон элчихонасининг янги биносига пойдевор қўйилиши Ўзбекистон — Туркманистон муносабатлари изчил тараққий этаётганидан далолат беришини таъкидлади. Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарлари номидан келажак авлодларга нома битилган капсула бино пойдеворига қўйилди.

* * *

12 март. Президент Ислом Каримов «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» халқаро конференцияси иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

17-18 март. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Бирлашган Араб Амирликларида бўлди.

«Мушриф Палас» саройида Ўзбекистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён ўртасида музокара бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликлари билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришдан манфаатдор эканини, БААга Форс кўрфази бозорларига чиқиш учун робита сифатида қарашини таъкидлади. Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён бу жиҳатдан БАА ҳам Ўзбекистон билан қалин шериклик алоқаларини ривожлантириш, мамлакатимиз орқали Марказий Осиё ва МДҲ давлатлари билан иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш тарафдори эканини қайд этди.

Музокарада Президентлар савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликка, гуманитар алоқаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Учрашувда Ислом Каримов Ўзбекистон ўзаро савдо ҳажмини ошириш, товарлар ва хизматларнинг турларини кўпайтириш мақсадида БААга юк ва йўловчи ташиш самолётлари, кимё саноати маҳсулотлари, ип ва шойи газлама, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, рангли металлар ва улардан ясалган буюмлар етказиб бериши мумкинлигини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган «Эмиратс Палас» меҳмонхонасида Абу-Даби Амирлиги валиаҳди шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Абу-Даби Амирлиги ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифининг иккинчи куни Абу-Даби марказидаги шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён мақбарасига ташриф буюрди. Ислом Каримов мақбара ёнида барпо этилган масжидни ҳам кўздан кечирди.

Шундан сўнг мамлакатимиз раҳбари Дубай шаҳрига келди. «Заабил» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси, янги лойиҳаларни тузиш имкониятлари билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи якунига етди.

* * *

20 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Саудия Арабистони Подшоҳлиги шаҳзодаси Ал-Валид бин Талол бин Абдулазиз Ол Саудни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатлар Ислом конференцияси ташкилоти, Ислом тараққиёт банки ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи доирасида изчил ривожланди. Жумладан, Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг Тошкентда ўтган мажлисида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, таълим,

энергетика, транспорт ва коммунал инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган йигирмага яқин устувор лойиҳани амалга ошириш учун 800 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб қилишга келишиб олинди.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

21 март. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Тантанада Президент Ислом Каримов иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади.

* * *

25 март. Термиз шаҳрида Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

2 апрель. Президент Ислом Каримов «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 апрель. Президент Ислом Каримов Бухарестда НАТО Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этди.

Бу ерда Евроатлантика ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш йўлида кўп томонлама ҳамкорлик, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида, «НАТОнинг тобора сиёсий тузилма шаклини олаётгани бугунги кунда ҳақиқатга айланмоқда, — деб таъкидлади. — Ва бу, ўз навбатида, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши — СЕАПни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг яхши омилидир». Юртбошимиз НАТО билан амалий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини қайд этди.

Президент Ислом Каримов саммит қатнашчиларини кенг кўламли халқаро ҳамкорликка, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида аниқ амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга чақирди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти саммит иштирокчиларини 1997—2001 йилларда БМТ кўмагида самарали фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича музокара жараёнини қайта тиклашга даъват этди.

Ислом Каримов ҳозирги воқеликни ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси албатта иштирок этишини ҳисобга олган ҳолда, «6+2» гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантиришни таклиф этди.

* * *

4 апрель. Президент Ислом Каримов «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 389-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 апрель. Президент Ислом Каримов «Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 апрель. Президент Ислом Каримов «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 апрель. Президент Ислом Каримов «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 апрель. Президент Ислом Каримов «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 2382-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 апрель. Президент Ислом Каримов «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 апрель. Президент Ислом Каримов «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 апрель. Президент Ислом Каримов «Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 апрель. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Шу куни Юртбошимиз Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида жойлашган Имом Бухорий мажмуасига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари бу ерда Имом Бухорий номидаги ҳадис илми маркази ўқитувчи ва талабалари билан суҳбатлашди. Ушбу марказ фаолиятини такомиллаштириш, ўқув ва тарбия жараёнини чуқурлаштириш, талабалар учун ўқув ва яшаш шароитларини янада яхшилаш юзасидан тавсиялар берди.

* * *

16 апрель. Президент Ислом Каримов «Воя га етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 апрель. Президент Ислом Каримов «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 апрель. Президент Ислом Каримов «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 апрель. Президент Ислом Каримов «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 апрель. Президент Ислом Каримов «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22-23 апрель. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи Остонадаги Оқўрда саройида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Юртбошимиз шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Оқўрдадаги суҳбат чоғида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилар эканлар, Ўзбекистон ва Қозогистоннинг бу борадаги салоҳияти ҳали тўла ишга солинмаганини таъкидладилар.

Ислом Каримов минтақавий хавфсизлик масалаларига тўхталиб, таҳдидларни бартараф этишда, муайян сабабларга кўра, асосий масъулият Ўзбекистон ва Қозоғистон зиммасида эканини таъкидлади. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон доимо минтақамиздаги барча мамлакатлар, биринчи навбатда, Қозоғистон билан яқиндан ҳамкорлик тарафдори бўлиб келганини алоҳида қайд этди.

Президентлар мулоқоти Ўзбекистон ва Қозогистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Унда асосий диққат-эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Ислом Каримов савдо-иқтисодий алоқалар давлатлараро муносабатларнинг асосий таркибий қисмларидан, ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилларидан эканини, Ўзбекистон ва Қозоғистон бу борада улкан имкониятларга эгалигини таъкидлаб, товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш учун экспорт-импорт маҳсулотлари номенклатурасини яна бир бор қайта кўриб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Ислом Каримов мамлакатларимиз ҳудудларини сув билан таъминлаш борасидаги муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ўзаро келишилган сиёсат юритишни таклиф этди.

Музокаралар чоғида 2006—2008 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури ижросининг бориши кўриб чиқилди. Бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев музокаралар очиқ ва дўстона руҳда, ишчанлик кайфиятида ўтганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Қозоғистон Республикасига ташрифининг иккинчи куни — 23 апрелда Президент Нурсултон Назарбоев ҳамроҳлигида Остонадаги MEGA савдо марказига, шунингдек, Нейрохирургия марказига ҳам ташриф буюрди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон пойтахтлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Президент Ислом Каримовнинг Остона шаҳри ҳокими Имангали Тасмагамбетов билан бўлган учрашувида бу борадаги алоқалар кўламини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қозоғистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди.

* * *

24 апрель. Президент Ислом Каримов «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 апрель. Президент Ислом Каримов «Лукойл» очиқ акциядорлик жамияти директорлар кенгашининг Тошкент шаҳридаги мажлиси иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

28 апрель. Президент Ислом Каримов «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 апрель. Президент Ислом Каримов «Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 апрель. Президент Ислом Каримов «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 май. Президент Ислом Каримов «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган

тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 май. «Маънавият» нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобини нашрдан чиқарди.

* * *

9 май. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 63 йиллик байрами муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонига уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрдилар.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Сўнгра журналистлар ва бу ерга йигилган зиёлилар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кунининг аҳамияти, Хотира, Қадр тушунчаларининг мазмуни, улар моҳиятан чамбарчас боғлиқ эканлигига тўхталар экан, қуйидагиларни баён этди: — Бундан ўн йил олдин биз 9 майга Хотира ва қадрлаш куни, деб ном берганимиз бежиз эмас. Бунинг замирида катта маъно борлигини вақт ўтиши билан тобора кенгроқ англаяпмиз ва унинг мазмунига теранроқ етяпмиз. Аввало, тарихий хотира билан яшаш, инсон хотирасини ёд этиш, ўтганларнинг хотирасига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш — бу асл миллий қадриятларимизда, анъаналаримизда жуда катта ўрин тутади.

Мамлакатимиз раҳбари инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик, барҳаёт эканини, айниқса, ўтганларнинг хайрли ишларини ёдга олмоқ, қадрламоқ, шу билан бирга, мўътабар кексаларимизнинг дуосини олиш, тинч ва осойишта замоннинг қадрига етиш ва шукроналик туйғуларини ҳис этиш кишига куч-қувват бағишлашини, руҳимизни поклаб, янгидан-янги бунёдкорликларга чорлашини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов шу куни пойтахтимизда бунёд этилаётган Болалар ижодиёти кўргазма марказида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Болалар ижодиёти кўргазма марказида ёш авлоднинг иқтидорини ривожлантириш, ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш ва бу соҳада эришган ютуқларини кенг намоён этиши учун барча шарт-шароитларни яратиш зарурлигини қайд этди. Бу борада мутахассис ва мутасаддиларга тегишли тавсиялар берди.

* * *

10 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Korean Air» авиакомпанияси раиси Янг Хо Чойни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2008 йил февраль ойида Кореяга ташрифи чоғида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан «Korean Air» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган эди. «Korean Air» ҳаво транспортида юк ташиш борасида жаҳонда биринчи ўринда туради.

Суҳбат чоғида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан «Korean Air» ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

12 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири Хан Син Суни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик тамойилларига асосланади. Икки давлатнинг сиёсий масалаларда кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги халқаро сиёсат майдонидаги ҳамжиҳатликни ривожлантириш учун замин яратмоқда.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу борада мавжуд имкониятлардан янада тўлиқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

12 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Индонезия Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳасан Вираюдани қабул қилди.

Индонезия Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Президент Ислом Каримов ташриф буюрган дастлабки хорижий давлатлардандир. Ушбу ташриф асносида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ҳ. Вираюданинг ташрифи чоғида икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум имзолангани Ўзбекистон ва Индонезия барча соҳаларда ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтариш тарафдори эканидан далолатдир.

Мулоқот чоғида ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

16 май. Президент Ислом Каримов «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

21 май. Президент Ислом Каримов «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ёрдамчиси Ричард Баучерни қабул қилди.

Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги халқаро ва минтақавий сиёсатга доир, жумладан, трансмиллий таҳдидларга қарши кураш ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга оид кенг кўламли масалаларни қамраб олади.

Р. Баучер самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, АҚШ Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

4 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Финляндия ташқи ишлар вазири Александр Стуббни қабул қилди.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон — Финляндия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига, мамлакатимизнинг ЕХҲТ билан ҳамкорлигига доир масалалар муҳокама қилинди.

* * *

4 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Франция Медиатори Жан-Поль Делевуани қабул қилди.

Франция Медиаторининг ташрифи асносида икки мамлакат омбудсманлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

6 июнь. МДҲ норасмий саммитида иштирок этиш учун Санкт-Петербург шаҳрига борган Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Ислом Каримов Ўзбекистон учун Россия билан ҳамкорлик доим устувор аҳамият касб этиб келганини, мамлакатларимиз МДҲни ислоҳ қилиш борасида кўп жиҳатдан ҳамфикр эканлигини қайд этди. Президентимиз Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотини (ОДКБ) бирлаштиришни таклиф қилди. Бу улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб таъкидлади.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев ўзаро алоқаларнинг ҳозирги кўламидан мамнуният билдириб, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, жумладан, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, сармоявий, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Шу куни Константин саройида МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий учрашуви бўлди. Унда Президентлар Ҳамдўстликни иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилгача бўлган стратегияси лойиҳасини шакллантириш, гуманитар ҳамкорлик, МДҲни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Президент Ислом Каримов Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида сўз кетганда, ҳамиша «аввал иқтисод — кейин сиёсат» тамойили билан иш кўриш лозимлигини таъкидлаб келади. Зеро, давлатлараро муносабатларнинг асосини иқтисодий алоқалар ташкил этади.

Мамлакатимиз раҳбари ана шу мақсадларни рўёбга чиқариш учун МДҲ доирасида Эркин савдо зонаси барпо этиш ташаббусини илгари сурди.

Санкт-Петербург саммити қатнашчилари МДҲни ислоҳ қилиш, ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ва ўзларини қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилдилар.

* * *

9 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликларининг Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича вазири, «Дубай холдинг» компанияси ижрочи раиси Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовийни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида олий даражадаги мулоқотларнинг изчиллашиб бораётганини, бу икки томонлама ҳамкорликнинг суръат ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўламини янада кенгайтириш,

иқтисодий ва сармоявий соҳада мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

11 июнь. Президент Ислом Каримов атоқли адиб, мутафаккир, жамоат ва сиёсат арбоби Чингиз Айтматовнинг вафоти муносабати билан Қирғизистон Республикаси Президенти Қ.С.Бакиевга чуқур таъзия ва самимий ҳамдардлик билдирди.

* * *

12 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 июнь. Президент Ислом Каримов «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан алоҳида ўрнак кўрсатган профессор-ўқитувчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20-21 июнь. Президент Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари ва кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари сафарини Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги «Ҳусен Болта замини» фермер хўжалиги далаларини кўздан кечириш билан бошлади. Президентимиз бу ерда бир гуруҳ фермерлар ва вилоят фаоллари билан учрашиб, қишлоқ аҳлининг турмуш тарзини янада яхшилаш, фермерлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар хусусида суҳбатлашди.

Учрашувда юрт таянчи ва эртаси — ёшлар масаласи, хусусан, таълим-тарбия соҳасида эришилаётган муваффақиятлар, бу борадаги долзарб вазифалар хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ислом Каримов Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди. Юртбошимиз мажмуани зиёрат қилар экан, буюк аждодлар хотирасини эъзозлаш, улар қолдирган меросни ўрганиш — бу келажакка эътибор эканини, миллат ўзлигини англаши юксак маънавият асосларидан ҳисобланишини таъкидлади.

Бухоро шаҳрида истиқлол йилларида кўплаб замонавий иншоотлар қад ростлади. Мамлакатимиз Президенти 2007 йили Бухорода бўлганида шаҳар марказини янгидан бунёд этиш зарурлигига шаҳар ва вилоят раҳбарлари, архитекторлар эътиборини қаратганди. Юртбошимиз бу борада амалга оширилаётган ишлар билан қизиқди.

Шаҳар марказини ташкил этувчи мазкур объект, лойиҳага мувофиқ, 50 гектардан зиёд майдонни эгаллайди. Президентимиз вилоят ҳокимлиги ва бошқа бинолар мукаммал меъморий ечимга эга бўлиши, Бухоронинг ўзига хос меъморлик анъаналари ва замонавий архитектура андозалари уйғунлигида қурилиши зарурлигини таъкидлади. Унда фавворалар, яшил майдонларга алоҳида эътибор бериш лозимлигини қайд этди.

Шу куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди. Президентимиз Қарши шаҳридаги «Геолог» стадиони негизида қайта қурилган Маданият ва спорт-согломлаштириш марказини бориб кўрди.

Юртбошимиз бу ерда машқ ўтказаётган «Севинч» қизлар футбол жамоаси аъзолари, волейбол, бадиий гимнастика билан шуғулланаётган болалар, уларнинг мураббийлари, шунингдек, шаҳардаги маҳаллалар вакиллари билан мулоқотда бўлди.

Давлатимиз раҳбари жойларда қурилиш-бунёдкорлик ишларини амалга ошириш жараёнида ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларини, қизиқишини алоҳида эътиборга олиш зарурлигини таъкидлади.

Ислом Каримов Қарши туманидаги «Шоҳруҳ Эшқулов» фермер хўжалигида бўлди. Юртбошимиз фермер ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан мулоқот чоғида ғалла ҳосилдорлигини оширишда сара навларнинг аҳамияти ҳақида тўхталди. — Ҳар қайси вилоят, ҳар бир ҳудуд иқлими ва тупроғига мос янги, энг мақбул навларни яратиш, четдан келтирилган навларни эса шароитга мослаштириш ва изчил ўзлаштириб бориш керак,— деди Ислом Каримов. — Айниқса, Қашқадарё вилоятида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Чунки Қашқадарё замини — ғалла кони. Вилоят юртимиз галла мустақиллигини мустаҳкамлашда, бутун Ўзбекистонимизни галла билан таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу боис, бу ерда селекциячиликнинг янги, сифатли ва ҳосилдор навлар яратиш устида изланишлар олиб борадиган узлуксиз тизимини яратиш даркор.

Мамлакатимиз раҳбари мазкур масаланинг ғоят муҳим эканига эътиборни қаратди, бу

борада тегишли ҳужжат қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади.

Президентимиз Қарши туманидаги «Ҳасанов Парда» фермер хўжалиги дала шийпонида вилоятнинг илғор фермерлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутасаддилари ва мутахассислари, тадбиркорлар билан учрашди. Самимий мулоқот чоғида, аввало, вилоятда етиштирилган ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, шунингдек, ғўза парваришига жиддий эътибор қаратиш хусусида сўз борди. Юртбошимиз илгор фермер Парда Ҳасановга «Дамас» автомобили совға қилди.

Ислом Каримов фермернинг мулкдор сифатида ўз оиласи, маҳалласи, қишлоғидаги ҳаёт тарзи янада фаровонлашиши, юртнинг бундан ҳам обод бўлишидаги иштироки муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари одамларнинг, айниқса, қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини янада яхшилаш, маънавиятини юксалтириш, хусусан, ёшларимизга ҳар томонлама ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш зарурлигига алоҳида тўхталди.

* * *

23 июнь. Президент Ислом Каримов «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан республика матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

7 июль. Президент Ислом Каримов «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 июль. Президент Ислом Каримов «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 июль. Президент Ислом Каримов «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 июль. Президент Ислом Каримов «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 июль. Президент Ислом Каримов давлатга дон тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли адо этган Ўзбекистон галлакорларига табрик йўллади.

* * *

17 июль. Президент Ислом Каримов Бухоро вилоятининг Когон туманида бўлди. 2008 йил 10 июль кечаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Бухоро вилояти Когон туманида жойлашган ҳарбий қисмининг ракета-артиллерия омборида ўт чиққан ва у омборда ёнғин юз бериши ҳамда ўқ-дориларнинг портлашига сабаб бўлган эди.

Давлатимиз раҳбари ҳукумат комиссиясининг Когон туманида бўлиб ўтган йиғилишини бошқарди. Йиғилишда фалокат сабабларини аниқлаш билан боғлиқ ишларнинг бориши, содир бўлган воқеа оқибатларини бартараф этиш бўйича кўрилаётган зарур чора-тадбирлар ҳақида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Шу ҳудудда ишлаётган ҳарбий хизматчилар хавфсизлигини таъминлаш, воқеа содир бўлган жойнинг яқинида яшайдиган ва хавф-

сиз жойга кўчирилган аҳолига тегишли моддий ва маънавий кўмак бериш, жабрланганларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар муҳокама қилинди.

Бу борада амалга оширилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилар экан, Ислом Каримов, аввало, мавжуд вазиятни ҳар томонлама чуқур тасаввур қилиш ва рўй бериши эҳтимоли бўлган салбий ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича барча зарур чораларни кўриш лозимлигини уқтирди.

Шундан сўнг Президентимиз Ислом Каримов мазкур ҳудудда жойлашган, Мудофаа вазирлигига қарашли вертолётчилар ҳарбий қисмида бўлиб, бу ерда ҳарбийларнинг хизмат вазифасини ўташи, дам олиши, спорт билан шуғулланиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун яратилган шароитлар билан танишди. Ҳарбий хизматчилар билан суҳбат чоғида уларнинг хизмат фаолияти, оилавий аҳволи билан қизиқди.

Ислом Каримов мутасаддиларга ҳарбий қисм жойлашган ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, тегишли инфратузилмалар яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

* * *

18 июль. Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ҳамда 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олиб борди.

* * *

18 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Япония молия вазири Фукуширо Нукагани қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Япония билан ривожланиб бораётган ўзаро муносабатларни юксак қадрлашини, ушбу учрашув стратегик шериклик тамойилларига асосланган ҳамкорлигимиз икки томонлама манфаатдорликка асосланганидан яна бир далолат эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

21 июль. Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Президент Ислом Каримов кутиб олди.

Дўрмон қароргоҳида Кувайт Давлати Амирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Кувайт Давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг яккама-якка суҳбатида Ўзбекистон — Кувайт муносабатларига доир масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ ўзаро мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт Давлатининг қўшма баёноти қабул қилинди.

Шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида ҳамкорлик бўйича қўшма қўмита тузиш тўғрисида, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар, нефть ва газ соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандумлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамгармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, мамлакатимиз ҳукумати билан мазкур жамғарма ўртасида Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия бўлимини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича кредит шартномаси (12,97 миллион АҚШ доллари), Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Кувайтнинг «Mohammed Abdulmohsin Al-Kharafi & Sons» компанияси ўртасида меҳмонхона қуриш ҳақида меморандум, мазкур вазирлик билан Кувайт инвестиция агентлиги ўртасида англашув протоколи имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, Ислом Каримовнинг 2004 йилдаги Кувайтга расмий ташрифи чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси яратилган бўлса, бу галги Тошкент саммитида ана шу пойдевор янада мустаҳкамланиб, икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган келишувларга эришилди.

* * *

21 июль. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий

нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ричард Норландни қабул қилди. Учрашувда икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

22 июль. Президент Ислом Каримов «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 21 июль куни мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг сафари ниҳоясига етди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 23 июль куни Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни кузатиб қўйди.

* * *

24 июль. Президент Ислом Каримов «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 июль. Президент Ислом Каримов «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 июль. Президент Ислом Каримов «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8-9 август. Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан Пекин шаҳрида бўлиб, XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари 8 август куни оқшом Пекин марказидаги ҳашаматли «Қуш уяси» стадионига ташриф буюрди. Бу ерга кўплаб мамлакатлардан келган давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро олимпия қўмитаси раҳбарияти, фахрий меҳмонлар, минглаб спорт ишқибозлари тўпланди.

Президент Ислом Каримов 9 август куни Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши саройида ХХР Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди. Юртбошимиз Ўзбекистон Хитой билан икки томонлама алоқаларнинг бугунги ҳолатини, ҳамкорлик суръатини юксак баҳолаши ва қадрлашини, мамлакатларимиз ШҲТнинг фаол аъзолари эканлиги ҳам ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашини қайд этди. Муносабатларимиз 2005 йили Пекинда имзоланган стратегик аҳамиятга молик ҳужжат — Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ху Цзиньтао Ислом Каримовни ўзининг дўсти деб атар экан, давлатимиз раҳбарига Ўзбекистон сиёсий ва гуманитар соҳаларда Хитойни қўллаб-қувватлаб келаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Икки давлат раҳбари Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилдилар.

Шу куни Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган «Дяоюйтай» қароргоҳида Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак билан учрашди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон — Корея муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини, бугунги учрашув ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканини таъкидлади.

Ли Мён Бак Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарашини, мамлакатимизни Марказий Осиёдаги асосий шериги деб билишини қайд этди.

Президентларнинг суҳбатида Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик тамойилларига асосланиши, бугунги учрашув икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга интилиши муштараклигидан далолат экани таъкидланди.

Учрашувда Ислом Каримов ва Ли Мён Бак ўзаро муносабатларнинг ҳозирги босқичига юқори баҳо бердилар. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, бу борада мавжуд имкониятлардан янада тўлиқ фойдаланиш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Ислом Каримов Пекиндаги Олимпия шаҳарчасида ушбу нуфузли халқаро спорт мусобақаларида иштирок этаётган мамлакатимиз спортчилари билан учрашди.

Президентимиз спортчиларимизни бардам ва тетик руҳда кўрганидан мамнуният изҳор этиб, уларнинг яшаш, машқ қилиш шароити билан қизиқди. Олимпиаданинг очилиш маросимида Ўзбекистон жамоаси биринчилар қаторида стадионга кириб келгани халқимиз ғурурига ғурур қўшишини таъкидлади.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчилар ва мураббийларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Пекин шаҳрида ўтказилган 2008 йилги XXIX ёзги Олимпия ўйинлари совриндорлари ва қатнашчиларини мукофотлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн етти йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн етти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Korean Air» авиакомпанияси раиси Чо Янг Хони қабул қилди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида авиация соҳасидаги алоқалар кўлами кенгайиб бораётир. Чо Янг Хонинг Ўзбекистонга бу галги ташрифида Навоий шаҳри аэропортида халқаро логистика маркази очиш тўғрисидаги ҳужжатнинг имзолангани ҳамкорликнинг яна бир амалий натижаси бўлди.

Суҳбат чогида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан «Korean Air» ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

27-28 август. Президент Ислом Каримов Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида қатнашди.

Душанбе аэропортида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовни Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон кутиб олди.

Саммит ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Президентлар ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилдилар. Сиёсий соҳадаги алоқалар, савдо-иқтисодий муносабатлар, маданий ва гуманитар ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Президентлар минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Афғонистондаги беқарорликка тўхталиб, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликка эришиш хавфсизликнинг энг муҳим омили бўлиб, бунинг учун, аввало, энг мураккаб ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, бу юртдаги кўп миллатли аҳолининг анъанавий диний ва миллий-маданий қадриятлари ҳамда урф-одатларини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш масалаларига эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

Мажлисда ШҲТ доирасида транспорт, энергетика, таълим, маданият ва қатор бошқа

соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Музокара якунида Президентлар Душанбе декларацияси ва ШҲТ доимий органларининг фаолиятига доир қарорларни имзоладилар. Қўшма баёнот қабул қилинди. Шунингдек, терроризмга қарши қўшма машқларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби, қурол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги битимлар, ШҲТ Банклараро бирлашмаси билан Евроосиё Ривожланиш банки ўртасида шериклик муносабатларининг асослари тўғрисидаги меморандум имзоланди.

ШҲТ саммити ташкилотга аъзо мамлакатларнинг санъат фестивали билан якунланди. Саммит доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев билан учрашди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбари Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан ҳам учрашди. Президентлар ҳамкорликнинг ҳозирги босқичига юқори баҳо бердилар. Сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳадаги алоқаларни янада фаоллаштиришга оид масалалар, ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон билан ҳам учрашди.

Ислом Каримов ўзбек ва тожик халқлари икки тилда сўзлашувчи бир халқ эканини, ушбу учрашув ўзаро муносабатларга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Имомали Раҳмон оғир дамларда Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи кўрсатган ёрдамни Тожикистон халқи асло унутмаслигини қайд этди ва яна бир бор давлатимиз раҳбари билан Тожикистонда учрашиш ниятини билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларига доир масалалар, минтақавий хавфсизлик муаммолари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн етти йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари янги ўқув йилига шай ҳолга келтирилган Сингапур менежментни ривожлантириш институтини кўздан кечирди. Ушбу олий таълим масканида банк иши, бизнесни бошқариш, молия ва туризм, бизнесда замонавий ахборот технологиялари йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланади.

Юртбошимиз институтда талабалар учун яратилган шароит билан танишар экан, мазкур таълим даргоҳидаги ўқув жараёни, аввало, миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ташкил этилмоғи зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари институт талабалар уйида ёшларнинг олган билимини мустаҳкамлаши, бўш вақтини мароқли ва мазмунли ўтказиши учун қулай шароит ва имкониятлар яратиш муҳимлигига эътиборни қаратди.

Ёшлар ижод саройида «Навқирон Ўзбекистон» республика анъанавий ва замонавий санъат кўргазмаси ташкил этилган бўлиб, мазкур кўргазмада икки юз нафардан зиёд ижодкорнинг турли мавзудаги асарлари намойиш этилди.

Президент Ислом Каримов кўргазма билан яқиндан танишди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент ислом университетининг янги биносини ҳам кўздан кечирди. Университет профессор-ўқитувчилари билан мулоқот чоғида таълим жараёнида талабаларнинг маънавий дунёсини бойитиш, дунёқараш ва тафаккурини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз жаҳон андозалари даражасида тубдан реконструкция қилинган «Пахтакор» марказий стадионини ҳам бориб кўрди. Даставвал стадионнинг марказий секторида амалга оширилган ишлар, хусусан, мураббийлар, спортчилар, меҳмонлар учун қурилган заллар ва дам олиш хоналари билан танишди.

Мамлакатимиз раҳбари иншоот дизайнида Шарқ ва Ғарб меъморчилиги намуналарининг анъана ва услублари ўзаро уйғунлашгани эътиборга лойиқ эканини таъкидлади.

Юртбошимиз стадионда юқори мартабали меҳмонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун мўлжалланган секторларни кўздан кечирди.

Президентимиз стадион атрофида барпо этиладиган зарур инфратузилмани ривожлан-

тириш навбатдаги муҳим масала эканини қайд этди. Бу борада мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди.

Анъанага кўра ош тортилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Мамлакатимиз раҳбари «Шаҳидлар хотираси» мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, хусусан, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ҳудудида янгитдан барпо этилган бинолар билан танишди, музейнинг янги экспозициясини кўздан кечирди.

Юртбошимиз бу ерда ҳозир бўлган жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашиб, ўзининг айрим фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн етти йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

2 сентябрь. Президент Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путинни қабул қилди.

Ўзбекистон — Россия муносабатлари иттифоқчилик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда, — деди мамлакатимиз раҳбари учрашувда. — Биз кенг кўламли ўзаро ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. Ушбу учрашув ўзаро алоқаларга доир масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкониятдир.

Владимир Путин Россия Ўзбекистонни ўзининг Марказий Осиёдаги энг муҳим стратегик шериги деб билишини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, сармоявий ҳамкорликни, гуманитар соҳадаги алоқаларни янада кенгайтириш, сиёсий муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

3 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 сентябрь. Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) саммитида иштирок этди.

Дастлаб ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг тор доирадаги сессияси бўлиб ўтди. Унда минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, бу йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Терроризм ва экстремизмга, уюшган трансмиллий жиноятчилик ва наркотрафикка, қурол-яроғ контрабандасига, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши курашни фаоллаштириш, ахборот хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Бу масалалар Коллектив хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги сессиясида атрофлича таҳлил қилинди.

Учрашув якунида Коллектив хавфсизлик кенгаши сессиясининг декларацияси ва ташкилот фаолиятига доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

* * *

5 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган спортчиларимизни, уларнинг устоз ва мураббийларини қабул қилди.

— Биз бугун яқинда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX Олимпиада ўйинларида қатнашган ва юксак ғалабаларга эришган спортчиларимизни қутлаш ва тақдирлаш учун тўпландик, — деди давлатимиз раҳбари. — Бутун Ўзбекистон халқи сизлар эришган ютуқларни, худдики, ўз ғалабасидек қабул қилди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Шу нуқтаи назардан баҳолаганда, мана шу Олимпиадада сизлар қўлга киритган натижалар бутун халқимизнинг, аввалambор, сизларга жону дили билан омад ва муваффақият тилаб турган ёшларимизнинг галабаси бўлди, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади, деди Президентимиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, илгари айтган даъватни яна бир бор такрорлаб айтишга ижозат бергайсиз: бўш келманглар, азиз фарзандларим, эртанги кун бизники, марра бизники.

Барчамиз шу даъват билан яшашимиз керак, шу даъватни амалга ошириш учун ўзимизни аямаслигимиз керак, — деди пировардида Юртбошимиз.

Президент Ислом Каримов истиқлолимизнинг 17 йиллиги арафасида Пекин Олимпиадасида юксак натижаларни қўлга киритган спортчилар ва мураббийларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармонга имзо чеккан эди.

Ислом Каримов уларга давлатимизнинг ана шу юксак мукофотларини топширди.

* * *

10 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11-12 сентябрь. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Озарбайжон Республикасида бўлди.

«Загульба» қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Давлатимиз раҳбари шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Илҳом Алиевнинг якка-якка суҳбати бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи, томонларни қизиқтирган қатор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар хавфсизлик муаммоларига алоҳида эътибор қаратдилар. Халқаро терроризм ва экстремизм, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби иллатларга қарши ҳамкорликда курашишга оид масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентлари иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараси бўлиб ўтди. Унда савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, гуманитар соҳаларда Ўзбекистон — Озарбайжон ҳамкорлигига доир қатор долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида солиқ соҳасида ҳамкорлик ва ахборот алмашиш, махфий ахборотни ўзаро ҳимоя қилиш, гуманитар ҳамкорлик, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, темирйўл транспорти соҳасидаги ҳамкорлик ва комбинациялашган ташувларни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битимлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар бўлиб ўтган суҳбатлар ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтганини, ҳамкорликни ривожлантиришга доир кенг қамровли масалалар муҳокама этилганини, уларнинг барчаси юзасидан фикрлар бир жойдан чиққанини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримовнинг Озарбайжон Республикасига расмий ташрифининг иккинчи куни ўзбек ва озарбайжон халқларининг маданий-маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирадиган муҳим воқеа рўй берди.

Бокуда ғазал мулкининг султони, буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали очилди, шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига улуғ аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек номи берилди.

Ушбу воқеага бағишланган тантанали маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари, адабиётшунос олимлар, шеърият ихлосмандлари, Озарбайжон жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

— Тўрт йил аввал Тошкентда Низомий ҳайкали очилган эди, — деди Ислом Каримов. — Эндиликда Бокуда Навоий ҳайкали қад ростлади. Халқларимиз Навоий ва Низомийни бирдек ҳурмат билан мутолаа қилиб, уларнинг ижодидан илҳомланиб яшайди, бир-бирини таржимонсиз тушунади. Бу бизнинг катта бойлигимиздир. Ўзбекистон кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Лекин Озарбайжон билан муносабатлар мана шундай маънавий яқинлик туфайли алоҳида ажралиб туради.

Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган «Улдуз» қароргоҳида Кавказ мусулмонлари идораси раиси Аллоҳшукур Пошшозодани қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида маърифий соҳада ҳамкорликни кучайтириш, динни ниқоб қилиб олган айрим гараз ниятли кучларга қарши биргаликда курашиш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Президент Ислом Каримов Бокудаги Фахрий хиёбонга ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларини ривожлантиришга, икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга улкан ҳисса қўшган сиёсий арбоб Ҳайдар Алиев мақбарасига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Озарбайжон раҳбари ҳамроҳлигида Ҳайдар Алиев жамғармасига ташриф буюрди. Ислом Каримов жамғарманинг тарихи, фаолияти билан танишди. Озарбайжон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва давлатчилигини ривожлантириш йўлида беқиёс хизмат кўрсатган Ҳайдар Алиевнинг ҳаёти ва фаолиятига доир тарихий экспонатларни кўздан кечирди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида халқимизнинг озодлик учун курашган, ҳуррият йўлида жон берган фидойи фарзандлари хотирасини тиклаб, номларини абадийлаштириш йўлида улкан хайрли ишлар амалга оширилди. Озарбайжон раҳбарияти ҳам айни шундай йўл тутган. Боку сафари асносида Президент Ислом Каримов Шаҳидлар хиёбонида бўлиб, Озарбайжон халқининг жасур фарзандлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбайжон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

12 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ташкил этилганининг 90 йиллиги муносабати билан профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва талабалардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 сентябрь. Президент Ислом Каримов Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ташкил топганининг 90 йиллиги муносабати билан университетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабаларига, бутун жамоасига табрик йўллади.

* * *

26 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 октябрь. Президент Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кенг кўламли ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифини Юқори Чирчиқ туманидаги Дониёр Расулов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги фаолияти билан танишишдан бошлади.

Ислом Каримов қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмасдан, ютуқ ва марраларни изчил янгилаб бориш, хусусан, ер унумдорлигини яхшилаш, ҳосилдорликни ошириш, пировард натижада аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида муттасил изланиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Президентимиз фермерлар, туман ва вилоятнинг мутасадди раҳбарлари билан мулоқот чоғида ҳосилдорликни янада оширишнинг муҳим омиллари, илм билан амалиётнинг ҳамкорлиги ҳақида тўхталди. Жумладан, вилоят, туман тупроқ-иқлим шароитига мос янги ғўза навларини яратиш ва ўзлаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди. Бунда олимлар, агрономлар, соҳа мутасаддиларининг фермерлар билан ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги катта аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Юртбошимиз фермерларнинг қишлоқ хўжалигидан қандай фойда кўраётгани, юртимиздаги янгиланишлар қишлоқ аҳли ҳаёти ва тафаккурида қандай акс этаётгани билан қизиқди.

Президентимиз Ўрта Чирчиқ туманидаги «Аширмат Каримов» фермер хўжалиги далаларида деҳқонлар билан суҳбатлашди.

— Фермерлик ҳаракати инсон манфаатларига хизмат қилмоқда, — деди Юртбошимиз. — Фермер — универсал деҳқон. Ернинг аҳволи, қилинган меҳнат, етиштирилган ҳосил фермер ишига баҳо беришда асосий кўрсаткичлардан саналади. Биз қишлоқ хўжалигида эришаётган ютуқларимиз асосини мана шу омиллардан излашимиз керак.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги ва саноати ривожланган ҳудуд сифатида мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Юртбошимиз Пискент туманидаги «Маҳмуд Қосимов» фермер хўжалигига ташриф буюриб, мазкур хўжалик дала шийпонида вилоят фермерлари ва фаоллари билан учрашди.

— Бугун мамлакатимизни равнақ топтиришда фермерлик ҳаракатининг ўрни ва аҳамияти тобора юксалмоқда, — деди Ислом Каримов. — Фермерлик нафақат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, балки қишлоқларимизни ободонлаштириш, қишлоққа саноатни, замонавий техника ва технологияларни олиб киришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари фермерликни ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига ҳам алоҳида тўхталди.

* * *

3 октябрь. Президент Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, аграр соҳадаги янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Хоразм вилоятида бўлди.

Президентимиз Боғот туманидаги «Боғот» фермер хўжалигида бўлиб, дала ишлари билан танишди. Шийпонда илғор фермерлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, вилоят ва туман жамоатчилиги вакиллари билан учрашди.

Ислом Каримов дунёнинг айрим минтақаларидаги сиёсий ва иқтисодий инқирозлар одамлар учун ташвиш туғдираётган бугунги шароитда мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик ва барқарорлик кишиларимизни бунёдкорликка, эзгу ишларга руҳлантираётганини алоҳида таъкидлади.

Юртбошимиз вилоятда фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйганига эътибор қаратиб, бу борадаги ўзгаришларнинг навбатдаги босқичи ҳақида тўхталди.

— Хоразмда ҳам фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалигининг энг мақбул ва самарали тизими сифатида ўзини намоён этди. Фермерлик туфайли аграр соҳанинг ночор аҳволи барҳам топди, — деди Ислом Каримов. — Шундай экан, бу ҳаракатнинг навбатдаги муҳим босқичини амалга оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Айрим кичик фермер хўжаликларини бирлаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги тизимида иш юритиш маданиятини оширишга, фермерлар имкониятини кенгайтиришга, соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг вилоят фаоллари билан учрашувида ана шулар ҳақида гап борди. Айни вақтда вилоят далаларида етиштирилган мўл пахта ҳосилини вақтида йиғиб-териб олиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари 2007 йили Шимолий-ғарбий ҳарбий округ қўшинларининг Урганч шаҳридаги Сержантлар тайёрлаш мактабида бўлиб, курсантлар учун етарлича шарт-шароит яратиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берган эди.

Президентимиз Сержантлар тайёрлаш мактаби фаолиятини янада такомиллаштириш, курсантлар ва офицерларнинг яшаш ҳамда хизмат қилиши учун яратилган шароитни муттасил яхшилаб бориш юзасидан мутасадди раҳбарларга зарур тавсиялар берди.

* * *

5 октябрь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерс давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ташриф 6 октябрь куни Дўрмон қароргоҳида Латвия Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Валдис Затлерс фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Валдис Затлерс Ўзбекистон — Латвия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов халқларимиз ўртасида дўстона муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганини, ушбу олий даражадаги учрашув ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш масалаларини атрофлича таҳлил қилиш ва муҳокама этиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Валдис Затлерс Ўзбекистонга таклиф этгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Латвия томони ушбу ташрифга алоҳида аҳамият беришини қайд этди.

Президентлар Тошкентдаги олий даражадаги учрашув ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришда муҳим босқич бўлишини, бу борада икки мамлакатда орттирилган бой тажриба ҳамкорликка янги суръат бахш этиш ва мазмунини бойитиш учун пухта асос бўлишини таъкидладилар.

Суҳбат чоғида Афғонистондаги вазият ҳам муҳокама қилинди. Ислом Каримов Афғонистонда фақат ҳарбий йўл билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслигини, аҳолини қуролсизлантириш, тинч ҳаётга йўналтириш, одамларда бунёдкорлик ҳиссини уйғотиш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ислоҳотларни босқичма-босқич олиб бориш ва амалий самаралар беришига эришиш лозимлигини таъкидлади.

Валдис Затлерс Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масалалари борасидаги нуқтаи назари ва таклифларини юксак қадрлашини қайд этди.

Ислом Каримов ва Валдис Затлерс мулоқотни Ўзбекистон ва Латвия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари ўзаро ҳамкорлик ва шериклик алоқалари икки томонлама манфаатдорлик руҳида ривожланаётганини, бугунги музокаралар муносабатларимизга янги суръат бахш этишига қатъий ишонишини таъкидлади.

Музокара якунида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ҳамда солиқ соҳасида қўшма маъмурий ҳамкорлик ва ахборот алмашиш, саноат мулкини муҳофаза қилиш соҳасида ахборот алмашиш, таълим соҳасида ҳамкорлик, аккредитация соҳасида ҳамкорлик, стандартлаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битимлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Валдис Затлерс музокаралар самарали бўлгани ва дўстона руҳда ўтганини қайд этдилар. Эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар икки томонлама муносабатларнинг истиқболи порлоқ эканидан далолат беришини таъкидладилар.

Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерс Латвия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Латвия Республикасининг олий давлат мукофоти — «Уч юлдуз» орденини топширди.

Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерсга Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени топширилди.

* * *

9-10 октябрь. Президент Ислом Каримов Бишкек шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлисларида ҳамда Марказий Осиё давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этди.

Бишкекда 10 октябрь куни МДҲ саммити бўлиб ўтди. Учрашув кун тартибидаги асосий масала келажакда Ҳамдўстликни иқтисодий ривожлантириш стратегияси бўлди.

Ўзбекистон Президенти МДҲни ривожлантиришда «аввал иқтисод, кейин сиёсат» тамойилига асосан иш юритиш зарурлигини аввалдан таъкидлаб келади. Чунки, давлатлараро муносабатлар биринчи навбатда иқтисодий ҳамкорликка асосланиши зарур.

Саммитда Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш, унинг органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар МДҲнинг Душанбе саммитида қабул қилинган қарорлар, 2008 йилнинг транспорт муаммоларини ҳал этиш йили деб эълон қилингани муносабати билан ишлаб чиқилган дастурлар ижросининг боришини муҳокама қилдилар. МДҲни ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш режасининг бажарилиши таҳлил қилинди. Давлат раҳбарлари Ҳамдўстлик Ижроия қўмитасининг МДҲ тузилмалари билан бошқа минтақавий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликка доир ахбороти билан танишдилар.

Саммитда хавфсизликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, халқаро молиявий инқироз, ушбу бўҳрон келтириши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Молия вазирлари раҳбарлигида ишчи гуруҳи тузишга келишиб олинди.

Музокара якунида МДҲни иқтисодий ривожлантириш стратегиясини қабул қилиш тўғрисидаги қарор ҳамда Ҳамдўстлик фаолиятига, қатор соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга оид ҳужжатлар имзоланди. МДҲга раислик Молдова Республикасига ўтди.

ЕврАзЭС Давлатлараро кенгашининг мажлисида асосий эътибор Божхона иттифоқини тузиш ишларини якунига етказиш масаласига қаратилди.

Президентлар транспорт коммуникациялари ва транзитдан унумли фойдаланиш масалаларини кўриб чиқдилар. Агросаноат мажмуида ҳамкорлик, Ҳамжамиятни иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари юзасидан фикр алмашдилар.

Саммитда Президентлар гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар. Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шундан сўнг Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Музокарада сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

15 октябрь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Малайзия Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Абдул Азиз бин Харун, Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Кешоварзода, Исроил Давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Хилель Ньюман ва Беларусь Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Игорь Сокол ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

20 октябрь. Президент Ислом Каримов «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликларининг Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича вазири, «Дубай холдинг» компанияси раиси Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовийни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўламини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

22 октябрь. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 октябрь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг 80 ёшга тўлиши муносабати билан табрик йўллади.

* * *

31 октябрь. Президент Ислом Каримов «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мэри Сезар Майени қабул қилди.

— Ўзбекистонда Бразилияни, унинг тарихи ва бугунини яхши билишади, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бразилия жадал ривожланиб бораётган, жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига тобора кўп жалб этаётган давлатдир. Ўзбекистон шаҳарлари, хусусан, Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарлари билан яқиндан танишиш тўғрисидаги қарорингизни қадрлаймиз.

Рио-де-Жанейро мэри Ўзбекистонга ташриф асносида Самарқанд шаҳрида бўлди. Самарқанд ва Рио-де-Жанейро шаҳарлари ўртасида шериклик алоқалари ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Бразилия ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 ноябрь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

6 ноябрь куни Дўрмон қароргоҳида Болгария Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Георги Парванов фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Болгария Президентларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Ислом Каримов ва Георги Парванов Ўзбекистон ва Болгария муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболи, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Суҳбат чоғида Ислом Каримов ушбу олий даражадаги учрашув ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш масалаларини атрофлича таҳлил қилиш ва муҳокама этиш учун яхши имконият эканини таъкидлади. Болгария Президентининг ташрифи Софиянинг Тошкент билан ҳамкорликни ривожлантиришга улкан иштиёқи ва самимий истак-хоҳишининг амалий далили эканини қайд этди.

Президентлар ушбу олий даражадаги учрашув икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик истиқболига қатъий ишончини кўрсатишини қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Болгария раҳбарлари Афғонистондаги вазиятга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Ислом Каримов бу муаммога Ўзбекистоннинг ёндашуви ҳақида сўзлаб, Афғонистонда тинчлик қарор топиши учун аҳолини қуролсизлантириш, тинч ҳаётга йўналтириш, одамларда бунёдкорлик ҳиссини уйготиш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ислоҳотларни босқичма-босқич олиб бориш ва амалий самаралар беришига эришиш лозимлигини таъкидлади.

Георги Парванов Ўзбекистон раҳбарининг бу муаммога оид нуқтаи назарини юксак қадрлашини, Ислом Каримовнинг амалий таклифлари муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Болгария расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Музокара якунида Ўзбекистон ва Болгария Президентларининг қўшма баёноти қабул қилинди. Ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Георги Парванов музокаралар самарали бўлгани ва дўстона руҳда ўтганини қайд этдилар.

* * *

10 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 ноябрь. Малайзия Бош вазири Абдулла бин Ҳожи Аҳмад Бадавий расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 17 ноябрь куни бўлиб ўтди. Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни кутиб олиш маросими бўлди. Малайзия Бош вазири шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Абдулла Бадавий шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Малайзиянинг давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти ва Малайзия Бош вазирининг яккама-якка суҳбати бошланди. Унда икки томонлама сиёсий муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов Абдулла Бадавий АСЕАН ва ИКТ доирасидаги ҳамкорлик масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон ва Малайзиянинг бу муаммога ёндашуви ўхшаш. Икки мамлакат ҳам Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш, иқтисодиётни оёққа турғазиш, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига устувор аҳамият бериш зарурлигини таъкидлайди.

Ислом Каримов ва Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистон ва Малайзия расмий делегациялари иштирокида ўтган кенгайтирилган тартибдаги музокарасида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Музокарада савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва қўшма корхоналарни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди. Икки мамлакат иш одамларининг банкмолия, транспорт, сайёҳлик, ахборот технологиялари, маиший электроника, кимё, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги бевосита ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов Малайзия томонига транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Навоий аэропорти негизида барпо этилган халқаро логистика марказидан фойдаланишни таклиф этди. Бу Малайзия учун Марказий Осиё давлатлари бозорларига йўл очган бўлур эди. Абдулла Бадавий бу таклифни қўллаб-қувватлаб, ўз навбатида Малайзия Ўзбекистон учун Жанубий-шарқий Осиё бозорларига кўприк вазифасини ўташга тайёр эканини таъкидлади.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик ҳамда илмий ва технологик ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро англашув меморандумлари, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Petronas Carigali» компанияси ўртасида нефть-газ соҳаси учун кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, «Ўзбекнефтгаз» ва «Petronas Carigali Overseas» компаниялари ўртасида тузилган сурхон сармоя блокида геология-разведка ишларини амалга ошириш бўйича битимнинг кучга кириши тўғрисидаги протокол имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий музокаралар ўзаро ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очишини, эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Малайзия халқларининг манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

* * *

18 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшинни ваколат муддати тугаши муносабати билан қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари элчининг Ўзбекистондаги фаолиятига юқори баҳо бериб, келгуси ишларига муваффақият тилади.

Ф. Мухаметшин Ўзбекистондаги фаолияти давомида яхши мактаб ўтаганини, мамлакатимизда кечган йилларини унутмаслигини, бу вақт давомида юртимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мислсиз ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўлганини алоҳида таъкидлади. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон —Россия муносабатлари ривожи-

га улкан ҳисса қўшганини қайд этиб, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

* * *

28 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 декабрь. Президент Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 декабрь. Президент Ислом Каримов «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 декабрь. Оқсарой қароргоҳида Мустақиллик байрами муносабати билан фидокорона меҳнати учун тақдирланган юртдошларимизга фахрий унвонлар, орден ва медалларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

— Фурсатдан фойдаланиб, шу кунларда ҳудуд ва минтақаларимизда юксак мукофотлар топширилаётган барча юртдошларимизни ҳам ўзимнинг энг яқин қадрдонларим каби ғойибона бағримга босиб, «Доимо сог-омон, бахтли бўлинг, азизларим!» деб чин қалбимдан табриклайман, — деди Президентимиз. — Аввало, сизларга, барчангизга ярашиб турган, Ватанимизнинг юксак ҳурмати ва ишончининг рамзи бўлган мана шу унвон, орден ва медаллар ҳаммангизга буюрсин.

* * *

5 декабрь. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Унда Президентимиз 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанадаги нутқи «Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

10 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенцияга (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 декабрь. Президент Ислом Каримов «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18 ва 19-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 декабрь. Президент Ислом Каримов «Болгария Республикаси ва Руминиянинг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баённомани (Брюссель, 2008 йил 20 май) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк. 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбе-

кистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 декабрь. Навоий шаҳрида Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

16 декабрь. Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг маърузаси баёни «Тошкент вилоятининг юксак салоҳиятидан унумли фойдаланиш, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш — долзарб вазифа» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

17 декабрь. Президент Ислом Каримов «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 декабрь. Президент Ислом Каримов «Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллиги муносабати билан ишлаб чиқариш илғорлари ва шаҳар фаолларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 декабрь. Президент Ислом Каримов Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ва Навоий шаҳри аҳолисига табрик йўллади.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов «Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 декабрь. Президент Ислом Каримов «Бюджет ташкилотлари ходимларини бир йўла мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 декабрь. Президент Ислом Каримов «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 декабрь. Президент Ислом Каримов «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримов «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримов «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди.

2009 йил

6 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 январь. Президент Ислом Каримов «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаати эълон қилинди.

* * *

14 январь. Президент Ислом Каримов «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 январь. Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари мазкур йиғилишдан мақсад, ўтган йил мобайнида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилган ишларни атрофлича таҳлил этишдан иборат эканини таъкидлади.

— Спорт — соғлом авлод, соғлом келажак деганидир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари юртимизда ишлаб чиқарилаётган спорт жиҳозларининг сифат кўрсаткичларини баҳолайдиган ягона тизим яратилиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

— Бу борада қилишимиз зарур бўлган ишлар ҳали кўп, — деди Президентимиз. — Жумладан, спорт анжомлари ишлаб чиқариш, мактаб спорт залларини жиҳозлаш нормативларини қайтадан кўриб чиқишимиз лозим. Мамлакатимизда спорт иншоотлари қуриш бўйича катта тажриба тўпланди, яхлит тизим яратилди. Энди асосий вазифа ана шу иншоотларни жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланишдан иборатдир.

Юртбошимиз болалар спортини ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш масаласи алоҳида эътибор қаратишни тақозо этишини таъкидлади.

Президентимиз жойлардаги мутасадди раҳбарлар мактабларда спортни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни самарали ҳал этиш давлат аҳамиятига молик масала эканини янада теранроқ англамоғи лозимлигини қайд этди.

* * *

21 январь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россиянинг «Лукойл» очиқ акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари «Лукойл» компанияси мамлакатимизнинг ишончли шерикларидан бири эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон компаниялари билан «Лукойл» ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди, қўшма лойиҳалар ижросининг бориши, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

* * *

22-23 январь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни Самарқанд аэропортида кутиб олди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Россия Президенти Дмитрий Медведев Улуғбек расадхонасини, Ҳазрати Дониёр ва Гўри Амир мақбараларини зиёрат қилди. Миллий меъморчиликнинг ноёб обидаларидан бири Регистон мажмуини катта қизиқиш билан томоша қилди. Мажмуадаги Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари Россия Президентида унутилмас таассурот қолдирди. Президентлар бу ерда доимий фаолият юритувчи миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирдилар. Икки давлат раҳбарлари Сиёб бозорини бориб кўрдилар.

Қадимий шаҳар билан танишувдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанддаги қароргоҳида Ислом Каримов билан Дмитрий Медведевнинг суҳбати бўлиб ўтди.

Шу куни оқшом Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Россия Президенти Дмитрий Медведев Тошкентга келди.

23 январь куни Дўрмон қароргоҳида Россия Федерацияси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Россиянинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Дмитрий Медведевнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Президентлар Ўзбекистон — Россия муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар. Стратегик шериклик ва иттифоқчилик ўзаро ҳамкорлик тараққиётининг муҳим омили экани қайд этилди.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведевнинг суҳбатида мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида кўп томонлама асосда ҳам ҳамкорликни изчил ривожлантираётгани қайд этилди.

Президентлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини камайтириш борасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, Афғонистондаги вазият муҳокама қилинди.

Президентлар мулоқотни Ўзбекистон ва Россия расмий делегациялари иштирокида Оқсаройда ўтган кенгайтирилган таркибдаги музокарада давом эттирдилар. Унда асосий эътибор иқтисодий-сармоявий, гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Россия Президентларининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш шартлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада ривожлантиришга, икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Россия Президенти Дмитрий Медведев Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Олий мартабали меҳмон мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Дмитрий Медведев Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. Россия Президентига ушбу олий таълим масканининг фахрий доктори унвони берилди.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Олий мартабали меҳмонни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қўйди.

* * *

28 январь. Президент Ислом Каримов «THE KOREA POST» журнали президенти-ноширн Ли Кёнг Сокни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 февраль. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Швейцария Конфедерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Анн Боти хоним, Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Манал Шах Алкадри, Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Роберт Копецки ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

4 февраль. Президент Ислом Каримов Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг Москва шаҳрида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Россия Президенти Дмитрий Медведев, Арманистон Президенти Серж Саргсян, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Курманбек Бакиев, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Саммитда ОДКБнинг коллектив оператив ҳаракат кучларини тузиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масала юзасидан фикр алмашув чоғида Президентлар тузилаётган коллектив оператив ҳаракат кучларининг таркибини, ваколат ва мажбуриятларини чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидладилар.

Мамлакатимиз раҳбари бу борада ОДКБга аъзо давлатларнинг миллий манфаатларини, миллий қонунчилиги талабларини, шунингдек, минтақадаги мавжуд вазиятни инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари сессияси якунида ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги таклифлар асосан маъқулланди.

* * *

13 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Ушбу маъруза «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

13 февраль. Президент Ислом Каримов «2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарорига имзо чекди.

* * *

17 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди.

Ўзбекистон барча мамлакатлар билан тенглик, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида, икки томонлама манфаатдорлик нуқтаи назаридан ҳамкорлик қилиш тарафдоридир. АҚШ билан мавжуд ҳамкорлик ҳам Ўзбекистон манфаатларига тўла жавоб беради.

Учрашувда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, қўшни Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, шунингдек, халқаро терроризм, наркотрафик, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши ва бошқа замонавий таҳдидларга қарши курашиш борасида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

24-25 февраль. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

24 февраль куни кечқурун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов пойтахтимиздаги «Туркистон» саройига ташриф буюрдилар. Бу ерда ўзбек ва туркман санъаткорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Бундай байрамона тадбирларнинг олий даражадаги ташриф кунлари ўтказилиши икки мамлакат раҳбарияти маданият ва санъат арбобларининг алоқаларини ривожлантиришга юксак эътиборидан яна бир далолатдир.

25 февраль куни Дўрмон қароргоҳида Туркманистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистоннинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов яккама-якка суҳбатда Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар. Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидладилар.

Президентлар минтақавий хавфсизлик масаласига тўхталиб, Афгонистондаги вазият юзасидан фикр алмашдилар. Ислом Каримов Афғонистонда фақат ҳарбий куч ишлатиш билан вазиятни барқарорлаштириб бўлмаслигини, кенг кўламли халқаро ёрдам асосида иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, давлатчиликни мустаҳкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш, одамларда бунёдкорлик ҳиссини уйғотиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, минтақада интеграция жараёнларини ривожлантириш, жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини юмшатиш масалалари юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашдилар.

Президентлар музокарани Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар. Музокарада асосий эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон — Туркманистон Қўшма баёнотига имзо чекдилар. Мамлакатларимиз ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазо ўташини давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги шартнома, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик, давлатлар ҳудудларида ғайриқонуний тарзда ҳозир бўлган шахсларни қабул қилиш-топшириш. Ўзбекистон — Туркманистон давлат чегарасида чегара комиссарларининг фаолияти тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати

билан Туркманистон Давлат чегара хизмати ўртасида тезкор-қидирув фаолияти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати билан Туркманистон Миллий хавфсизлик қўмитаси ўртасида ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга протокол, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Туркманистон Давлат туризм ва спорт ишлари қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларини янада ривожлантиришга, икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Мамлакатимиз раҳбари музокарада Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан фойдаланиш масалалари ҳам кўриб чиқилганини маълум қилиб, трансчегаравий дарёлар бўйида ҳар қандай гидротехник иншоот барпо этиш учун қўшни давлатлар билан келишиш, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш зарурлигини таъкидлади.

Дўрмондаги расмий тадбирлар ниҳоясига етгач, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди, мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов «Ўзэкспомарказ»да бўлиб, Туркманистон миллий кўргазмасининг очилиш маросимида иштирок этдилар.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг 2008 йилнинг март ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида ушбу мамлакат элчихонасининг янги биносига пойдевор қўйилган эди.

Ислом Каримов элчихонанинг янги биноси ўзининг кўриниши ва салобати билан ажралиб туришини, ривожланиб бораётган Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларини акс эттиришини таъкидлади.

Гурбангули Бердимуҳамедов Тошкентда Туркманистон элчихонасининг янги биноси фойдаланишга топширилгани ўзаро муносабатларда янги босқич бошланганидан дарак беришини қайд этиб, бундан буён бу ҳамкорлик янги суръатлар билан ривожланишига ишонч билдирди.

Шу билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Олий мартабали меҳмонни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қўйди.

* * *

25 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон — Туркманистон қўшма баёнотига имзо чекдилар.

* * *

27 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Шигео Кацуни қабул қилди.

— Ўзбекистон Жаҳон банки билан ҳамкорликни юксак қадрлайди, — деди давлатимиз раҳбари. — Биз Жаҳон банкини дунё мамлакатларида ислоҳотларни амалга оширишда, иқтисодиётни юксалтиришда ёрдам кўрсатадиган етакчи халқаро молия муассасаси, деб биламиз.

Ўзбекистонда шу кунгача Жаҳон банки билан ҳамкорликда ўн бешдан зиёд лойиҳа амалга оширилди.Уларнинг умумий молиявий қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, амалдаги қўшма лойиҳалар ижросининг бориши ҳамда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари, шунингдек, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга оид ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

5 март. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобини нашрдан чиқарди.

* * *

6 март. Президент Ислом Каримов Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги йўллади.

* * *

21 март. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий богида Наврўз байрамига багишланган тантаналар бўлиб ўтди. Тантанада Президент Ислом Каримов иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади.

* * *

30 март. Президент Ислом Каримов «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 март. Президент Ислом Каримов «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Уммон Султонлиги миллий иқтисодиёт вазири, Молиявий ишлар ва энергетик ресурслар бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Аҳмад бин Абдунаби Маккийни қабул қилди.

Суҳбат чогида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

3 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 661-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

3 апрель. Президент Ислом Каримов «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 апрель. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 апрель. Президент Ислом Каримов «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси президенти Муҳаммад Ҳасан Марикан ва Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси бош ижрочи директори Пэт Дэвисни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистоннинг «Петронас» ва «Сасол» компаниялари билан ҳамкорлиги ривожланиб бораётганини, нефть ва газ захираларини биргаликда ўрганиш, уни қазиб чиқариш, бу борадаги корхоналар қурилишидаги қатор қўшма лойиҳалар муваффақият билан амалга оширилаётгани бунинг тасдиғи эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида биргаликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларга, янгиларини ишлаб чиқишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

7 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 апрель. Президент Ислом Каримов «Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 апрель. Президент Ислом Каримов «Ягона, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 апрель. Президент Ислом Каримов «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 апрель. Президент Ислом Каримов «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 апрель. Президент Ислом Каримов «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 апрель. Президент Ислом Каримов «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 апрель. Президент Ислом Каримов «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 апрель. Президент Ислом Каримов «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Korean Air» авиакомпанияси раиси Чо Янг Хони қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганини, бунга Навоий шаҳри халқаро аэропорти негизида барпо этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар яна бир бор далил эканини таъкидлади.

«Korean Air» билан ҳамкорликда ташкил этилаётган ушбу зонадаги қитъалараро интермодел логистика маркази МДҲда ягонадир. Бу ерда юклар тезкорлик билан туширилади ва ортилади, тақсимланади, махсус омборларга жойлаштирилади. Осиёдан Европага ва Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланадиган ана шу марказдан ўтади.

Суҳбат чоғида қўшма лойиҳалар ижросининг бориши, янгиларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

24 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йигилишни мамлакат Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши Раиси Ислом Каримов бошқарди.

Йиғилишда хавфсизликка нисбатан турли таҳдидлар ва хатарларга қарши курашни кучайтириш ва мамлакатимиз ҳамда минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида кўрилган қўшимча чора-тадбирлар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди ва улар юзасидан зарур қарорлар қабул қилинди.

* * *

27 апрель. Президент Ислом Каримов «Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 апрель. Президент Ислом Каримов Қозогистон Республикасининг Олмаота шаҳрида бўлиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари — Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчиларининг учрашувида иштирок этди. Ушбу жамғармага Маразий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил 4 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида асос солинган.

Орол инқирозининг даҳшатли оқибатлари ҳеч кимга сир эмас. Амударё дельтасининг ўзида кўллар майдонига оид кўрсаткич 26 минг гектарга тушиб қолган. Денгиз атрофида юзлаб километрларга чанг ва туз тарқалмоқда. Шўрхок ерлар майдони кенгайиб, бу борадаги кўрсаткич 85 минг гектардан 273 минг гектарга кўтарилди. Қамишзор ва тўқайлар майдони эса, аксинча, 20—25 баробар қисқарди. Дарёларда сув камайиши ичимлик суви таъминотида муаммолар келтириб чиқарди, денгиз қуриши эса унинг атрофида иқлим ўзгаришларига олиб келди.

Президентлар Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш, бу ҳудудда бажарилиши зарур бўлган долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифалар, сувдан тежамли фойдаланиш технологиялари ҳамда сув ва ўрмон мелиорацияси соҳаларида ҳамкорлик билан боғлиқ ва ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикрлашдилар.

Президентлар сув-энергетика захираларидан фойдаланиш, трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехника иншоотлари барпо этиш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

* * *

28 апрель. Президент Ислом Каримовнинг Оролни қутқариш халқаро жамгармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган нутқи матбуотда эълон қилинди.

* * *

9 май. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабанинг 64 йиллик байрами муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонига уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Соат 8.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Сўнгра журналистлар ва бу ерга йиғилган зиёлилар билан суҳбатлашди.

— Бугун мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда, — деди Ислом Каримов. — Биз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг номлари ва хотирасини ёд этар эканмиз, табиийки, уларнинг ўчмас жасорати олдида бош эгамиз. Бугунги эркин ва озод ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун жон берган, ҳалок бўлган ватандошларимизни эслаш, орамизда яшаб келаётган уруш қатнашчиларини қадрлаш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

* * *

10 май. Президент Ислом Каримов таклифига биноан, Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

11 май куни Дўрмон қароргоҳида Корея Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат байроқлари кўтарилиб, давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Ли Мён Бак фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Президентларнинг яккамаякка суҳбати бўлди. Ислом Каримов ва Ли Мён Бак мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхталдилар. Халқаро терроризм ва экстремизмга, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлик, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Музокара якунида Ислом Каримов ва Ли Мён Бак Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг қўшма баёнотига имзо чекдилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Корея Республикаси ҳукумати ўртасида дипломатик паспортга эга фуқароларнинг визасиз сафар қилиши тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Жанубий Корея Экспорт-Импорт банки ўртасида Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси (Корея Эксимбанки) томонидан «В.Воҳидов номидаги жарроҳлик марказини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан қўшимча равишда жиҳозлаш» лойиҳаси учун 10 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратилиши тўғрисидаги битим. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Корея саноат мажмуалари корпорацияси ўртасида «Навоий» эркин индустриал иқтисодий зонасига Корея сармоясини жалб қилишнинг қўшма чора-тадбирлари тўғрисидаги англашув меморандуми, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Корея миллий нефть корпорацияси ўртасида биргаликда Фарғона минтақасида сармоявий блок ишлаб чиқиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар. Матбуот анжуманида музокаралар самимий руҳда, ишчан кайфиятда ўтгани, эришилган келишувлар икки мамлакат тараққиётига, Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларининг фаровонлигига хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди.

Куннинг иккинчи ярмида Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Икки мамлакат Президентлари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ташриф буюрди. Жанубий Корея раҳбари ушбу олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. университет фаолияти, ўқув жараёни, таълим тизими билан танишди. Университет замонавий жиҳозланганига, талабалар учун яратилган шароитга юксак баҳо берди.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакка Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг фахрий доктори унвони берилди.

* * *

15 май. Президент Ислом Каримов «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 май. Президент Ислом Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» халқаро илмий-амалий конференцияси иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

26 май. Президент Ислом Каримов Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатга жўнаб кетди.

Давлатимиз раҳбари Бразилияга бораётиб, Испания Қироллиги пойтахти Мадрид шаҳрига тўхтаб ўтди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Испания Қироли Хуан Карлос билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларга оид масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов ва Хуан Карлос икки томонлама муносабатларнинг бугунги кўламига юксак баҳо бериб, айни пайтда иқтисодий ҳамкорликка оид кўрсаткичлар икки мамлакат имкониятлари даражасида эмаслигини таъкидладилар. Бу йўналишдаги алоқаларни фаоллаштиришга, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга келишиб олинди.

27 май куни Президент Ислом Каримов Бразилияга келди. Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Бразилиянинг давлат мадҳиялари янгради. Давлатимиз раҳбари шарафига замбараклардан 21 марта ўқ узилди. Ислом Каримов фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

28 май куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Бразилия Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг музокаралари бўлиб ўтди.

Президентларнинг мулоқотида Ўзбекистон — Бразилия муносабатларига доир масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Лотин Америкасининг ушбу етакчи мамлакати билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Луис Инасиу Лула да Сильва Бразилия Марказий Осиёдаги етакчи давлат бўлган Ўзбекистонни ўзининг ишончли ҳамкори, деб билишини қайд этди.

Ислом Каримов ва Луис Инасиу Лула да Сильва Ўзбекистон билан Бразилия ўртасидаги муносабатларга оид масалаларни кенг муҳокама қилдилар. Президентлар Марказий Осиёдаги хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари, Афгонистондаги вазият, Лотин Америкасидаги жараёнлар хусусида фикрлашдилар. Президентлар, шунингдек, халқаро молиявий-иқтисодий инқироз, унинг таъсирини камайтириш, оқибатларини енгиллаштириш ҳақида фикр алмашдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия Федератив Республикаси ўртасида Қўшма декларация қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бразилия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасида техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги, савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги, маданий ҳамкорлик тўгрисидаги, дипломатик паспорт эгаларининг визасиз кириб-чиқиши тўғрисидаги, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўгрисидаги битимлар ҳамда сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Шунингдек, икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Президент Ислом Каримов шу куни Бразилия Миллий конгрессига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Бразилия парламенти фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бразилия Федератив Республикасига расмий ташрифининг учинчи куни — 29 майда Рио-де-Жанейро шаҳрига ташриф буюрди.

Президент Ислом Каримов Рио-де-Жанейро мэри Эдуарду Паэс билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Бразилия ўртасида шаҳарсозлик, қадимий обидаларни асраб-авайлаш ва ободонлаштириш, сайёҳларни жалб қилиш, шаҳар инфратузилмасини такомиллаштириш, шаҳарлараро бевосита ҳамкорлик ва тажриба алмашишни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида Тошкент ва Рио-де-Жанейро шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўгрисидаги битим имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов дунёдаги энг катта «Маракана» стадионига ташриф буюрди. Бу иншоот Бразилияда «мамлакатнинг миллий стадиони» деб аталади.

Стадион 1965 йилда барпо этилган. Унинг ҳажми ҳақида бир мисол орқали яхши тасаввур ҳосил қилиш мумкин: футбол бўйича тўртинчи жаҳон чемпионатининг финалида ушбу стадионда Бразилия — Уругвай учрашувини салкам 200 минг мухлис томоша қилган.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бразилия Фе-

дератив Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Давлатимиз раҳбарининг расмий ташрифи Бразилия оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

* * *

29 май. Президент Ислом Каримов мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

1 июнь. Президент Ислом Каримов «Халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш чогида фидойилик ва мардлик намунасини кўрсатган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ричард Норландни қабул қилди. Учрашувда минтақавий хавфсизлик бўйича ҳамкорликни, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, гуманитар ва бошқа соҳалардаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

4 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Саудия Арабистони Подшоҳлиги молия вазири Иброҳим Абдулазиз Ал-Ассафни қабул қилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар, хусусан, сармоявий ҳамкорлик фаоллашиб бормоқда. Жумладан, Саудия Арабистони Тараққиёт жамғармаси вакиллари ҳам иштирок этган Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг 2007 йил Тошкенда ўтган мажлисида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган йигирмага яқин устувор лойиҳани амалга ошириш учун 800 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб қилишга келишилган эди. Бу лойиҳаларда Саудия Арабистони Тараққиёт жамғармасининг иштироки салмоқли бўлади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Баҳрайн Подшоҳлиги молия вазири шайх Аҳмад бин Муҳаммад Ол Халифани қабул қилди.

Ўзбекистон ва Баҳрайн ташқи сиёсат мақкамаларининг мунтазам маслаҳатлашувлари йўлга қўйилган. Бу халқаро майдонда мамлакатларимиз бир-бирининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлашига хизмат қилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда шайх Аҳмад бин Муҳаммад Ол Халифа Ўзбекистонга ташрифи асносида қатор вазирлик ва идораларда музокара ўтказиб, ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашганини мамнуният билан таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Баҳрайн Подшоҳлиги ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик истиқболларига доир масалалар муҳокама қилинди.

* * *

10 июнь. Президент Ислом Каримов «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган асосий тантаналарни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Президентининг МДҲ давлатлари билан алоқалар бўйича махсус вакили Фарит Мухаметшинни қабул қилди. Суҳбат чогида икки томонлама ҳамда МДҲ доирасида кўп томонлама ҳамкорлик юзасидан батафсил фикр алмашилди. Шунингдек, минтақадаги сув-энергетика манбаларидан оқилона фойдаланишга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Фарит Мухаметшин самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

* * *

14 июнь. Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясида иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон, Россия, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ОДКБнинг Коллектив оператив ҳаракат кучларини (КСОР) тузиш ҳақидаги қарорининг ижроси кўриб чиқилди.

Саммитда ОДКБ қамраган ҳудудда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Президент Ислом Каримов ва Қиргизистон Президенти Курманбек Бакиевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чогида икки томонлама муносабатларга ва минтақада сув-энергетика захи-

раларидан оқилона фойдаланишга оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

15 июнь. Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти саммитида қатнашиш учун Екатеринбург шаҳрига келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

15-16 июнь. Президент Ислом Каримов Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.

Саммит Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги йиғилиши билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Музокарада минтақада ва дунёда кечаётган жараёнлар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. ШҲТга аъзо давлатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий-молиявий барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги қўшма саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва фаоллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Шу билан бирга, хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида ҳамкорлик, жумладан, терроризм, айирмачилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси ва бошқа турдаги уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашиш масалалари муҳокама қилинди.

Афғонистондаги вазият кўриб чиқилди, ушбу мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш ва тикланиш ишларини амалга ошириш борасида фикрлар алмашилди. Ўзбекистон раҳбари бу масалага тўхталиб, Афғонистон муаммосини ечишнинг БМТ шафелигидаги янги халқаро механизми — «6+3» мулоқот гуруҳи тузиш ташаббусини илгари сурди.

Бу гуруҳ Афгонистонга қўшни олти мамлакат ҳамда Россия, АҚШ ва НАТО вакилларидан иборат бўлади. Шунингдек, Ислом Каримов кўп миллатли Афғонистон халқининг чуқур тарихий илдизларига, барча миллатларнинг анъанавий қадриятларига тўла ҳурмат билан муносабатда бўлиш ғоят муҳимлигини, шу асосда ҳамда музокаралар орқали Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга эришиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Президентлар ШҲТни янада ривожлантириш, унинг ҳузуридаги тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, кузатувчи мақомидаги давлатлар ҳамда минтақавий тузилмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Саммит якунида ШҲТнинг Екатеринбург декларацияси, Терроризмга қарши конвенцияси ва қатор қарорлар имзоланди. ШҲТга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтди.

* * *

18 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) фармойиш берувчи директори Доминик Стросс-Канни қабул қилди.

Ўзбекистон 1992 йилда ХВЖга аъзо бўлган. 1993 йилдан мамлакатимизда ушбу халқаро молия муассасасининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасидаги ҳамкорлик банк қонунчилигини, статистик қайд ва ҳисобот тизимини, бюджет таснифотини такомиллаштириш, тўлов тизимини ривожлантириш каби соҳаларда, айниқса, фаол ривожланди.

ХВЖ экспертлари жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамасдан, ижобий иқтисодий кўрсаткичларга эришиш учун Ўзбекистонда барча асослар борлигини таъкидлашган.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

19 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 июнь. Президент Ислом Каримов «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Франциянинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Пьер Лелушни қабул қилди. Учрашувда томонлар халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини кўриб чиқди. Ислом Каримов Афғонистон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслигини, уруш оқибатида барбод бўлган Афгонистон иқтисодиётини, коммуникациялар ва ижтимоий инфратузилмасини тиклаш, бу жараёнга Афгонистон халқини жалб этиш, ички муросага келиш, ҳокимият вертикалини мустаҳкамлаш каби долзарб муаммоларни ҳал этмай, Афонистондаги вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мумкин эмаслигини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига оид масалалар, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

24 июнь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Б.Алимовни қабул қилиб, уюшма фаолиятининг самарадорлигини ошириш, миллий адабиётимизни ривожлантириш бўйича ёзувчилар, адабий жамоатчилик олдида турган долзарб вазифалар ҳақида суҳбатлашди ва ушбу масалалар юзасидан атрофлича фикр билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг фикр-мулоҳазалари «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

26 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан республика матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

28 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбарининг ўринбосари Ли Кэцянни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар ҳақида сўз юритганда, аввало, икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишончли, дўстона муносабат қарор топганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон ва ХХР раҳбарларининг учрашувлари мунтазамлик тусини олган.

Икки давлат раҳбарларининг дўстлиги Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини кенгайтириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Хитой доимо Ўзбекистоннинг ўзи танлаган тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлаб келган. Ўзбекистон Хитой учун муҳим ва долзарб масалаларда ушбу мамлакат нуқтаи назарини ёқлаб келади.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларга доир ҳамда халқаро ва минтақавий ривожланиш йўналишлари билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

2 июль. Президент Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Наманган вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Косонсой туманидаги «Чинор» фермер хўжалиги далаларига ташриф буюрди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари фермерлар билан мулоқотда бўлди.

Ислом Каримов фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз юритар экан, фермерлар наинки иқтисодий, ижтимоий, балки сиёсий ҳаётимизнинг таянчига айланиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтининг Наманган филиалида олимлар ва фермерлар билан учрашди.

Президентимиз филиалда Фаргона водийси далаларида етиштирилаётган ғалланинг йигирмадан зиёд нави намуналарини кўздан кечирди. «Чиллаки» навининг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари билан қизиқди. «Чиллаки» Наманган вилоятининг иқлим ва тупроқ шароитига мослашган, эртапишар, серҳосил нав бўлиб, гектаридан 50—60 центнер ҳосил беради.

— Истиқболли галла навларини яратиш давлат аҳамиятига молик масала, — деди Ислом Каримов. — Биз эртани ўйлашимиз, янги навларни яратишда илмий асосларга таянган ҳолда фермерларнинг маслаҳатлари, таклиф ва тавсияларини инобатга олишимиз даркор.

Мамлакатимиз раҳбари Наманган вилояти фаоллари билан учрашди.

Юртбошимиз «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил ижро этиш қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини оширишда,

қишлоқларни обод этишда, қишлоққа саноатни олиб киришда, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатишни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ислом Каримов Наманган вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб, аскарлар ва офицерлар билан суҳбатлашди. Бу ердаги шароит, ўқув машғулотлар жараёни, ҳарбийларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлиги билан танишди.

* * *

3 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Испания Қироллиги ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхель Моратиносни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон — Испания муносабатлари ривожланиб бораётганини, шу йил май ойида Мадридда Қирол Хуан Карлос билан учрашув чоғида ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган келишувларга эришилганини таъкидлади.

Испания Ўзбекистоннинг ишончли сармоявий шерикларидан. Икки мамлакат компаниялари ва банклари ўзаро ҳамкорликда тиббиёт, инфратузилма ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Испания муносабатларига доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

8 июль. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Уильям Бернсни қабул қилди.

Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари халқаро ва минтақавий сиёсатни, жумладан, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга оид кенг кўламли масалаларни қамраб олган.

Мамлакатларимиз Афгонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш ишларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон ҳудуди орқали Афғонистонга ноҳарбий ва гуманитар юклар етказиб берилмоқда.

Учрашувда У. Бернс самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва АҚШнинг ҳозирги маъмурияти Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

16 июль. Президент Ислом Каримов давлатга дон тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли адо этган Ўзбекистон ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

28 июль. Президент Ислом Каримов «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 июль. Президент Ислом Каримов Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг (ОДКБ) норасмий саммитида иштирок этиш учун Қиргизистон Республикасининг Чўлпонота шаҳрига келди.

Бу ерда ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Арманистон Президенти Серж Саргсян, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Россия Президенти Дмитрий Медведев, Қозогистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Курманбек Бакиев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Музокарада ОДКБ фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга, минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар, шунингдек, ахборот хавфсизлиги соҳасига ҳам эътибор қаратдилар.

Норасмий учрашув доирасида Президент Ислом Каримовнинг Қирғизистон Республикаси раҳбари Курманбек Бакиев билан учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар икки ва кўп томонлама муносабатларнинг истиқболига оид масалаларни муҳокама қилдилар. Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қатор долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

3 август. Президент Ислом Каримов «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 август. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Грузиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлан-

ган Георгий Кублашвили, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Руперт Жой ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

10 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси Президентининг махсус вакили Ан Санг Суни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Жумладан, Жанубий Кореянинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармоясининг умумий ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ан Санг Су Корея Республикаси Президентининг мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистон Президентига йўллаган мактубини топширди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Жанубий Корея Республикаси муносабатларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

18 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий Қўмондонлиги қўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди.

Д.Петреус АҚШнинг ҳозирги маъмурияти Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. У, шунингдек, Афғонистонда барқарорликни мустаҳкамлаш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга Ўзбекистон муҳим ҳисса қўшаётганини қайд этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг истиқболига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

20 август. Президент Ислом Каримов «Тошкент шаҳрини «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотларини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятида бўлди.

Юртбошимиз дастлаб Термиз давлат университетининг янги бунёд этилган асосий биносига ташриф буюрди. Бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, талаба ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароит билан танишди. Университет ўқитувчилари, талабаёшлар билан суҳбатлашди. —Пухта билим ва юксак салоҳиятга эга, жисмоний ва маънавий соғлом инсонда ғурур ва ифтихор баланд бўлади, — деди Президентимиз. — Ўзбекистон ёшлари айнан ана шундай. Улар жамиятимизнинг таянчи ва суянчи бўлиши, истиқболда ҳал қилувчи кучига айланиши керак.

Ислом Каримов Сурхондарё воҳаси бой археологик ва этнографик манба эканини таъкидлаб, бу икки соҳани халқаро миқёсда тарғиб этиш мақсадга мувофиқ эканини қайд этди.

Мамлакатимиз раҳбари Ҳаким Термизий меъморий мажмуини зиёрат қилар экан, мажмуанинг маданий ва маънавий аҳамияти нечоғли катта экани ҳақида сўзлаб, унинг атрофини ободонлаштириш, ташқи қиёфасини янада кўркамлаштириш учун Сурхондарё иқлимига мос дарахтлар ўтқазиш, кўкаламзорлаштириш борасида зарур тавсиялар берди.

Президентимиз Термиз туманидаги «Асадбек Давлатов» фермер хўжалиги далаларига ташриф буюриб, фермерлар билан бўлган мулоқотида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил бажариш қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишда, қишлоқларни обод этишда, қишлоққа саноатни олиб киришда, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» еттинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройини бунёд этишда фаол қатнашган ишчи ва хизматчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳри марказида қад ростлаган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи билан танишди.

Ислом Каримов сарой залларини кўздан кечирар экан, ранглар мутаносиблигига, замонавий меъморий ечимларга уйғун миллий анъана ва услубларга алоҳида эътибор қаратди. — Мазкур сарой халқимиз бунёдкорлигининг яна бир ёрқин тимсоли сифатида қад ростлади, — деди Президентимиз. — Шаҳарларимизда, хусусан, пойтахтимизда бунёд этиладиган ҳар бир бино шаҳарнинг меъморий ечимига мос бўлиши лозим. Мазкур саройни қуришда ҳам ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. Қурилаётган иншоотларимиз, маъмурий бино бўладими, таълим ва тиббиёт муассасаси ёки тураржой биноси бўладими, албатта, келажак авлодларимизга ҳам хизмат қилиши зарур.

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройининг баландлиги 48 метр. У 300 ўринли мажлислар, 300 ўринли қабуллар зали ва 1800 ўринли анжуманлар залига эга.

Давлатимиз раҳбари саройнинг тарҳи, дизайни, ёритиш тизимини юқори баҳолади. Сарой фойесида ранглар мутаносиблигини таъминлаш, томошабинлар учун қўшимча қулайликлар яратиш, бино атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ричард Норландни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида қуйидаги фикрларни билдирди:

— Мана шундай муборак кунларда, шундай муқаддас жойларда туриб, одам беихтиёр бугунги тинч-осуда ҳаёт, бу кунларнинг қадрига етиш ҳақида ўйлаши табиий, албатта.

Халқимиз, миллатимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган минг-минглаб ватандошларимизни эслар эканмиз, улар орзу қилган, улар учун бир умрлик армон бўлиб қолган, бугунги авлодларга насиб этган эркин, обод ва фаровон ҳаётнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ англашимиз шубҳасиз.

Биз мана шундай муборак зиёратгоҳлар ва қадамжоларга бугунги тинч ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синовлар ва машаққатлар эвазига эришганимизни ёш авлодга англатадиган, уларнинг қалби ва онгига миллий мустақиллик ғоясини янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиладиган маънавият ва маърифат ўчоқлари, деб қараймиз.

Биз ҳаммамиз тинчликни истаймиз, тинчликни орзу қиламиз, лекин тинчлик учун курашиш керак, бу ёруғ ҳаётни, фарзандларимизнинг келажагини, уларнинг беғубор кулгисини ҳар қандай хавф-хатардан асрашимиз лозим, — деди Президентимиз. — Мана шундай муҳим, бугунги кунимиз учун ғоят долзарб фикрларни одамларга етказиш, бугунги эмин-эркин ҳаёт, тўкинлик ва фаровонлик ўзўзидан бўлмаётганини тушунтириш зарур.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

1 сентябрь. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг маърузаси «Тарихи бой, бугуни гўзал, келажаги буюк шаҳар» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

4 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «MAN» компаниялар гуруҳи Директорлар кенгаши раиси Хокан Самуэльссонни қабул қилди.

Самарқанддаги «СамАвто» заводи ҳудудида ташкил этилган «JV MAN Auto-Uzbekistan» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси МДҲда биринчи бўлиб жорий йил 4 сентябрдан «MAN» русумидаги юк автомобиллари ишлаб чиқара бошлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон автомобилсозлик саноати корхоналари билан «MAN» компаниялар гуруҳи ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

7 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котибини, МАТТ Ижроия қўмитаси директори ва Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши мажлиси иштирокчиларини қабул қилди.

Учрашувда ШҲТ фаолиятининг устувор йўналишлари ва 2009—2010 йилларга мўлжалланган аниқ режалар муҳокама қилинди. ШҲТ Бош котиби Б.Нургалиев Ўзбекистон раҳбарига самимий қабул учун минатдорлик изҳор этди ва ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан билдирган таклифларини юксак баҳолади.

Мулоқот чоғида ШҲТ Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтган мажлиси юксак самарали бўлгани, ШҲТни ривожлантириш масалалари юзасидан очиқ ва атрофлича фикр алмашилгани қайд этилди.

* * *

14 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 1852-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган бокс бўйича XV Жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

30 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4-5 октябрь. Президент Ислом Каримов давлат ташрифи билан Уммон Султонлигида бўлди.

Уммон Султонининг саройида Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Уммон Султони Қобус бин Саид фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Уммон раҳбарларининг учрашуви бўлди. Унда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов ва Қобус бин Саид музокаралари Ўзбекистон — Уммон муносабатларини икки мамлакат манфаатларига мос тарзда янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Эришилган келишувлар икки томонлама ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга ишонч билдирилди.

Давлатимиз раҳбарининг Уммон Султонлигига расмий ташрифи якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди. Томонлар Тошкентда ва Масқатда ўз элчихоналарини очиш хусусида келишиб олди.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, нефть-газ, кимё, қурилиш, олий таълим, сайёҳлик, сармоя каби соҳаларга оид ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.

Президент Ислом Каримовнинг давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон ва Уммон ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Масқат шаҳридаги Султон Қобус масжиди ва Уммон Қуролли Кучлари Султонлик музейини бориб кўрди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг давлат ташрифи Уммон Султонлиги оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

* * *

6 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 104-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 октябрь. Президент Ислом Каримов «Данияда бўлиб ўтган эркин ва юнон-рум курашлари бўйича Жаҳон чемпионатида юксак натижаларни қўлга киритган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Швейцария Конфедерациясининг Федерал маслаҳатчиси, Федерал ташқи ишлар департаменти раҳбари Мишлин Кальми-Рэй хонимни қабул қилди.

Ўзбекистонда Швейцария сармояси иштирокида юзга яқин қўшма корхона тузилган. Ушбу мамлакатнинг 35 фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

Мулоқот чоғида долзарб халқаро сиёсий ва минтақавий муамолар муҳокама қилинди. Меҳмон Швейцария Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлаши ва изчил ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

* * *

9 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Женерал Моторс Интернейшнл Оперейшнс» президенти, «Женерал Моторс» корпорацияси ижрочи вице-президенти Ник Райлини қабул қилди.

Музокара чоғида янги модель линиясини ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш, экспорт бозорларидаги савдо стратегиясини такомиллаштириш, автомобилсозлик саноатида ҳамкорликни ривожлантириш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

9 октябрь. Президент Ислом Каримов «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди.

Мамлакатларимиз Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, Афғонистонни иқтисодий тиклаш ишларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон ҳудуди орқали Афғонистонга ноҳарбий ва гуманитар юклар етказиб берилмоқда.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини янада ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

13 октябрь. Президент Ислом Каримов «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 октябрь. Президент Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари, кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона шаҳрида барпо этилган Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг янги биносини бориб кўрди. Юртбошимиз бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, талабалар, профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароит билан танишди. Университет ўқитувчилари, талаба-ёшлар билан суҳбатлашди.

Президентимиз Охунбобоев туманидаги «Шерзодбек» фермер хўжалигида бўлиб, фермерлар билан қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, пахтачилик соҳасида эришилаётган ютуқлар, қишлоқ аҳолисининг турмуши ҳақида суҳбатлашди.

Президент Ислом Каримов Қўқон шаҳрига келди. Бу ерда янги барпо этилган «Деҳқон бозори»ни кўздан кечирди. Бозорнинг меъморий ечимида замонавий ва миллий-тарихий анъаналар уйғунлашган. Бу ерга келган киши Қўқоннинг қадимий ва айни пайтда замонавий шаҳар эканини яққол ҳис этади.

Давлатимиз раҳбари бозор атрофини янада кўркамлаштириш, дизайнини такомиллаштириш юзасидан таклиф-тавсиялар берди.

Президентимиз Ўрдада бўлиб, бу ерда амалга оширилган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Қўли гул уста ва меъморларнинг моҳирона хизматлари туфайли обида бугун гўзал қиёфа касб этди.

Ислом Каримов Қўқон шаҳрининг маркази масаласига алоҳида эътибор қаратди. Дарҳақиқат, Қўқонда дам олиш масканлари кўнгилочар жойлар бор. Лекин одамлар, биринчи галда, ёшлар маданий ҳордиқ чиқарадиган замонавий марказ йўқ. Юртбошимиз бундай марказни юзага келтиришга шаҳар аҳлини, аввало, ёшларни кенг жалб этиш зарурлигини таъкидлаб, бу борада аниқ топшириқлар берди.

* * *

23 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соманахалли Кришнани қабул қилди.

Ўзбекистон — Ҳиндистон ўртасидаги турли соҳалардаги муносабатлар ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосига қурилган. Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги самарали мулоқотлар йўлга қўйилган бўлиб, ташқи сиёсат маҳкамалари мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиб туради.

Мулоқот чоғида икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

23 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда МДҲнинг Темир йўл транспорти бўйича Кенгаши раиси, «Россия темир йўллари» ОАЖ президенти Владимир Якунинни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари темир йўлчиларининг ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганини, уларнинг Тошкентда ўтаётган форуми бу фикрнинг яққол далили эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва МДҲ ҳамда Болтиқбўйи давлатлари темир йўл компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

27 октябрь. Президент Ислом Каримов Ҳамдўстликка аъзо давлатлар Темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг 51-мажлиси иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

27 октябрь. Иордания пойтахти Оммон шаҳрида Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарининг араб тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

30 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли адо этган Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

16 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Жонс Хопкинс номидаги университет ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Фредерик Старр раҳбарлигидаги АҚШ экспертлари гуруҳини қабул қилди.

Халқаро экспертлар ҳамжамияти таниқли вакилларининг қайд этишича, Ўзбекистон минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда, Афгонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишда муҳим ўрин тутади.

Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизликка доир ҳамда бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 декабрь. Оқсарой қароргоҳида Мустақиллик байрами муносабати билан давлат мукофотлари билан тақдирланган юртдошларимизга фахрий унвонлар, орден ва медалларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

* * *

5 декабрь. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Унда Президентимиз 2010 йилни «Баркамол авлод йили», деб эълон қилишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанадаги маърузаси «Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

9 декабрь. Президент Ислом Каримов «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

13-14 декабрь. Президент Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бер-

димуҳамедовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Туркманистон Президентининг саройида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташрифи ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосидаги икки томонлама ҳамкорликка янги суръат бахш этиши ва уни янада юқори поғоналарга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масаласи муҳокама қилинди. Трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехник иншоотлар барпо этиш чоғида минтақанинг барча мамлакатлари билан маслаҳатлашиш, мустақил халқаро экспертларнинг хулосасини олиш зарурлиги таъкидланди.

Президентлар музокарани Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон — Туркманистон қўшма баёноти ҳамда фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи ҳудудларда истиқомат қилувчи фуқаролар учун енгиллаштирилган тартиб тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон қўшма комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 2010 — 2011 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманобод шаҳрида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан бирга тўрт мамлакат ҳудудидан ўтувчи халқаро газ қувурини фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этди.

Ашхобод сафари асносида Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.

Музокарада икки томонлама муносабатлар 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

15 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 декабрь. Президент Ислом Каримов «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2009 йил 25 февраль) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёр-

лиғи тўғрисидаги Низомни ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тавсифини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 декабрь. Президент Ислом Каримов «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар изчил ва барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади. Сергей Лавров самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, икки мамлакат раҳбарларининг учрашувлари доирасидаги эришилган келишувлар изчил амалга оширилаётганини қайд этди.

Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

23 декабрь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Вольфганг Нойен, Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Воҳид ал-Ҳасан, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Рамдан Мекдуд, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Владимир Тюрденев ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

24 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 декабрь. Президент Ислом Каримов «Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 декабрь. Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 644-сайлов участкасида овоз берди.

— Бугун ўтказилаётган сайловда, албатта, тенглик, ҳаққонийлик тамойилларига қатъий амал қилинади, деб ишонаман, — деди Президентимиз. — Сайлов — бу ўз ҳуқуқини англаган ҳолда, эркин танлаш ва онгли овоз беришдир. Сайловда қатнашиш билан ҳар биримиз нафақат Конституциямизда кафолатланган овоз бериш ҳуқуқимиздан фойдаланамиз, айни пайтда фуқаролик бурчимизни чуқур англаган ҳолда ўзимиз, фарзандларимиз, Ватанимиз тақдири олдида масъул эканимизни янада теранроқ тушуниб етамиз.

Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат шаклланган ва сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишининг далолатидир, деди давлатимиз раҳбари.

* * *

28 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Қиргизистон Республикаси Бош вазири Данияр Усеновни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Қиргизистон муносабатларини конструктив асосда оптималлаштириш зарурияти икки томонлама ҳамкорликда устувор аҳамиятга эга. Жумладан, қўшни мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, минтақавий сув ва энергетика мувозанатини таъминлашга доир халқаро мустақил экспертизани ўтказиш ўта муҳимдир. Шу билан бирга, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалалари долзарб ҳисобланади.

Суҳбат чоғида ўзаро манфаатдорликка асосланган икки томонлама ҳамкорликни ри-

вожлантириш истиқболлари ва бошқа муҳим масалалар муҳокама этилди.

* * *

30 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 декабрь. Президент Ислом Каримов «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 декабрь. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди.

2010 йил

11 январь. Президент Ислом Каримов «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 январь. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрида барпо этилган «Ватанга қасамёд» ҳайкалининг очилишига багишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Қасамёд — шунчаки расмий тадбир эмас, ҳар бир инсон ҳаётидаги унутилмас воқеадир. Шу боис Президентимизнинг ғояси ва ташаббусига асосан бунёд этилган ушбу мажмуа «Ватанга қасамёд» деб номланди.

Давлатимиз раҳбари «Ватанга қасамёд» монументини очиб, унинг пойига гул қўйди ва маросимда нутқ сўзлади.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

* * *

18 январь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари Игорь Шуваловни қабул қилди.

Икки мамлакат сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда.

Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

19 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоларини тайинлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 январь. Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

— Аввалambор, бугун сизлар билан мана шу муҳташам залда учрашиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, сизларни халқимизнинг катта ишончига, яъни Олий Мажлисимизнинг юқори палатасига аъзо бўлиб, сенатор деган юксак номга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман,— деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Сенат қўлга киритган барча ютуқларга муносиб ҳисса қўшган, бу борада ўзини аямасдан меҳнат қилган Сенатнинг олдинги таркиби аъзоларига чуқур миннатдорлик билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари Сенат фаолиятида йўл қўйилган айрим камчиликлар, эътибордан четда қолган масалалар, унинг олдида турган энг муҳим вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига биноан, Сенат раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимига номзодларни тақдим этди.

* * *

27 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг маърузаси «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

27 январь. Президент Ислом Каримов «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Ушбу нутқ «Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

1 февраль. Баҳрайн давлат университетида Президент Ислом Каримовнинг «Юксак

маънавият — енгилмас куч» ва «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

10-12 февраль. Президент Ислом Каримов давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.

Давлатимиз раҳбарини «Чонг Ва Дэ» қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Ли Мён Бак шоҳсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Президентларнинг яккама-якка суҳбатида Ислом Каримов ва Ли Мён Бак мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар хавфсизлик масалаларини муҳокама қилдилар. Халқаро терроризм ва экстремизмга, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлик, оммавий қиргин қуроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов ва Ли Мён Бак икки томонлама муносабатлар 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида ривожланиб бораётганини таъкидладилар. Ушбу ташриф Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришига ишонч билдирилди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан биридир. Унинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси шу пайтгача 2 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ҳукуматлари ўртасида 2008 йил 12 майда имзоланган 2008—2011 йилларда Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармасининг (EDCF) имтиёзли кредитларини тақдим этиш тўғрисидаги ҳадли битимга ўзгартиш киритиш тўғрисидаги битим, муқобил энергия манбалари ва энергия тежаш технологияларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуини қуриш ва конни ўзлаштириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича сармоявий битим имзоланди.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифи доирасида икки мамлакатнинг турли вазирлик ва идоралари ўртасида жами 16 та ҳужжат имзоланди. Уларда инфратузилма, тиббиёт, атроф-муҳит муҳофазаси, ўсимликлар карантини, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ва қатор бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Тошкентда Сеул боғини барпо этиш кўзда тутилган.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Корея Республикаси Бош вазири Чон Ун Чан билан учрашди. Мулоқот чогида ташриф асносида эришилган келишувларни амалиётга тўла ва муваффақиятли татбиқ этиш учун икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш, уларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш билан боглиқ масалалар муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов Корея Республикаси Миллий ассамблеяси (парламенти) Спикери Ким Хёнг О билан ҳам музокара ўтказди. Давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда олий қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Корея Республикаси Миллий ёдгорлик мажмуига ташриф буюрди. Жанубий Кореянинг озодлиги йўлида жон фидо қилганлар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гул қўйди.

Президент Ислом Каримов Корея Республикасига давлат ташрифининг учинчи куни «Korean Air» компанияси раиси Чо Янг Хони қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат авиакомпаниялари ҳамкорлигини, жумладан, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва логистика марказини ривожлантириш борасидаги алоқаларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари Корея Республикаси стратегия ва молия вазири Ю Жин Хённи ҳам қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида банк-молия соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф натижаларининг аҳамияти ҳақида унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар, хусусан, Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуини қуриш ва конни ўзлаштириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича сармоявий битимдан келиб чиқиб ҳам етарлича хулоса чиқариш мумкин. Унинг молиявий қиймати 3 миллиард АҚШ долларидан ошади.

...Президентимиз Ислом Каримовни кутиб олиш маросимида бир гуруҳ болалар ҳам бор эди. Қўлига Ўзбекистон ва Жанубий Корея байроқларини тутган болалар «Ассалому алайкум» деган ўзбекона калом билан Ўзбекистон раҳбарини кутиб олди. Демак, Президент Ислом Каримовнинг ташрифи Кореяда ўзига хос байрам сифатида қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг Корея Республикасига давлат ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди.

* * *

16 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Харухико Куродани қабул қилди.

Мамлакатимиз 1995 йилда ОТБнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Ўтган даврда транспорт инфратузилмаси, энергетика, қишлоқ хўжалиги, таълим тизими, кичик бизнес ва бошқа кўплаб соҳаларни ривожлантириш бўйича стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларидан ортиқ кредит ресурслари муваффақият билан ўзлаштирилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

19 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШнинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Ричард Холбрукни қабул қилди.

Ўзбекистон Афғонистонга электр энергияси ва озиқ-овқат таъминотида, транспорт коммуникациялари барпо этиш борасида амалий ёрдам кўрсатиб, унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишида иштирок этмоқда. Ўзбекистонлик мутахассислар Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўлини қурмоқда. Мамла- катимиз ҳудуди орқали Афғонистонга катта миқдорда гуманитар юк етказиб берилмоқда.

АҚШ маъмурияти минтақавий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чогида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

26 февраль. Президент Ислом Каримов «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 март. Президент Ислом Каримов «Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 март. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Борибай Жексембин, Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Меҳмет Сертач Сунмезай, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Чон Дэ Ван ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

5 март. Президент Ислом Каримов Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги йўллади.

* * *

10 март. Президент Ислом Каримов раислигида Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди. Мажлисда спорт иншоотлари барпо этиш, мактабларда спорт заллари қуриш, уларни таъмирлаш, жиҳозлаш билан боғлиқ ишлар изчил амалга оширилаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, Юртбошимиз болалар спортини ривожлантиришнинг бошқа жиҳатларига эътибор қаратди.

— Спорт ёш авлодга сог-саломат, бардам-бақувват, ҳурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради, — деди мамлакатимиз раҳбари. —Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади. Спорт Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўйини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади.

Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган шиор негизида ҳам спорт, жумладан, болалар спорти тушунчаси мужассам эканини таъкидлади.

Албатта, табиий бойликлар, иқтисодий салоҳият, давлат ва жамият қурилиши йўлидаги ютуқлар буюк келажакнинг асоси ҳисобланади, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Шу билан бирга, буюк келажакнинг бир омили борки — бу ёш авлоднинг саломатлиги, жисмонан ва маънан етук инсон бўлиб етишишидир.

Юртбошимиз болалар спортини ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун, айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш масаласи алоҳида эътибор қаратишни тақозо этишини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов жорий йилда мусиқа ва санъат мактабларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш мақсадлари учун 36 миллиард сўм ажратилишини айтиб, давлат томонидан ёш авлод тарбиясига қаратилаётган эътибор туфайли болалар спорти ва санъат комплекс тарзда ривожланиб бораётганини қайд этди.

* * *

12 март. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 март. Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

17 март куни Кўксарой қароргоҳида Қозоғистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, хақаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхталдилар. Терроризм, экстремизм, наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши каби таҳдидларнинг олдини олишда, уларга қарши курашишда ҳамжиҳатликда иш юритиш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз раҳбари Афғонистон можаросига эътибор қаратиб, Марказий Осиёда ва, ҳатто, минтақамиз чегараларидан ташқарида ҳам хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш эканини таъкидлади.

Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ўзаро мулоқотни давом эттирдилар. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Музокарада таъкидланганидек, ишбилармонлар, ишлаб чиқариш корхоналари, вилоятлар ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш зарур.

Музокарада Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехника иншоотларини барпо этишда минтақадаги ҳамма давлатларнинг манфаатларини, хавфсизлигини инобатга олиш, бу иншоотларнинг лойиҳасини мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Музокара якунида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг қўшма баёнотига имзо чекдилар. Шунингдек, Дипломатик ваколатхоналар биноларини қуриш учун ер участкаларини тақдим этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2010—2011 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, 2010—2012 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокара очиқ, дўстона руҳда, ишчан кайфиятда ўтганини таъкидладилар.

Куннинг иккинчи ярмида Президентлар Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу орзу-умидларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

* * *

17 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев тасдиқлаган қўшма баёнот матбуотда эълон қилинди.

* * *

22 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Уммон Султонлиги савдо ва саноат вазири Мақбул бин Али бин Султонни қабул қилди. Уммон делегациясининг ташрифи доирасида икки мамлакат ишбилармонлари иштирокида бизнес-форум ўтказиш режалаштирилган. Бизнес-форум ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада фаоллаштириш, Ўзбекистон ва Уммоннинг сармоявий салоҳияти билан яқиндан танишиш, биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин бўлган янги лойиҳалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкониятдир. Уммон ишбилармонлари «На-

воий» эркин индустриал-иқтисодий зонасига катта қизиқиш билан қарамоқда.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

* * *

23 март. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Тантанада Президент Ислом Каримов иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади.

* * *

24 март. Президент Ислом Каримов «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 март. Президент Ислом Каримов «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 март. Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Абу Даби шаҳрида Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асари араб тилидаги нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

31 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари Сергей Ивановни қабул қилди.

«Халқларимиз ўртасидаги узоқ тарихга эга анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистонда юксак қадрланади. Ўзбекистон Россия билан икки ва кўп томонлама муносабатларнинг ҳали тўла ва самарали фойдаланилмаётган улкан салоҳиятини ишга солишга доимо тайёр. Шу боис ҳукуматлараро комиссиянинг бу галги мажлиси ҳамкорликнинг икки томон ҳам манфаатдор бўлган стратегик муҳим йўналишларини белгилаш учун яхши имконият, деб биламиз», деди давлатимиз раҳбари.

Мулоқот чоғида давлатимиз раҳбарининг Россия Федерациясига ташрифига тайёргарликнинг боришига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

1 апрель. Президент Ислом Каримов «Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мунни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон минтақавий ривожланишнинг кўплаб долзарб йўналишлари бўйича БМТ билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади.

— Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги умумий масалаларни ҳал этиш доирасида ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан биргаликда ишлашдан мамнунман. Орол денгизини кўриб, бу фалокатнинг бутун минтақа экотизимига етказган салбий таъсири кўлами нечоғли катта эканига ишонч ҳосил қилдим. Мураккаб экологик шароитда яшаётган одамлар билан учрашдим. Қарийб бутун минтақа аҳолиси бошидан кечираётган офатни тасаввур қилишнинг ўзи оғир, деб қайд этди Пан Ги Мун.

БМТ Бош котиби мамлакатимиз Президентининг минтақавий ва халқаро ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этиш борасидаги изчил ва самарали ёндашувига юксак баҳо берди.

Учрашув якунида БМТ билан ШҲТ Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди.

* * *

6 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди.

Меҳмон АҚШ маъмурияти икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ташаббуслари муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

12 апрель. Президент Ислом Каримов «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

19 апрель. Президент Ислом Каримов «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган

ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19-20 апрель. Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 20 апрель куни Кремлда Ислом Каримов ва Дмитрий Медведевнинг яккама-якка учрашувидан бошланди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада ривожлантириш, халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Россия Ўзбекистоннинг ишончли сиёсий, иқтисодий ва сармоявий шеригидир. Ўзбекистон ташқи савдосининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади.

Суҳбат чоғида Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Минтақанинг трансчегаравий дарёларида гидротехника иншоотлари қуришда қўшни мамлакатлар билан маслаҳатлашиш, бундай лойиҳаларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев мулоқотни Ўзбекистон ва Россия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон ва Россия Президентларининг қўшма баёноти қабул қилинди.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Ҳарбий-техника соҳасидаги ҳамкорлик бўйича 2010—2012 йилларга мўлжалланган тадбирлар режасини амалга оширишга кўмаклашиш масалаларига оид ўзаро англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Россия Федерацияси Федерал божхона хизмати ўртасида Олдиндан хабардор этиш бўйича эксперимент ўтказиш тўғрисидаги протокол, Маданий-гуманитар соҳада 2010—2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқ, дўстона руҳда ўтганини, эришилган келишувлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Владимир Путин билан учрашди. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

23 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котиблари, шунингдек, ШҲТ Бош котиби М. Имоналиев ва ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Ж. Жуманбековни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари минтақавий ва глобал хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда, халқаро терроризм, айирмачилик, экстремизм ва наркотрафикка, шунингдек, стратегик муҳим минтақа бўлган Марказий Осиёдаги бошқа таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда ШҲТнинг роли тобора кучайиб бораётганини қайд этди.

Суҳбат чоғида ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисига тайёргарликнинг бориши тўғрисида, умумминтақавий аҳамиятга эга бўлган бошқа масалалар хусусида фикр алмашилди.

* * *

23 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Мэн Цзяньчжуни қабул қилди. Учрашувда ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида ташкилот ва унинг тузилмавий бўлинмаларининг нуфузини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилиш механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

30 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси арафасида ОТБ президенти Харухико Куродани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз билан кўп йиллардан буён яқин ҳамкорлик қилиб келаётган ОТБ ҳақли равишда энг нуфузли ва етакчи халқаро молия муассасаларидан бири эканини таъкидлади.

ОТБ президенти Харухико Курода самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига мин-

натдорлик билдириб, ОТБ иқтисодиёт ва ижтимоий тараққиётнинг турли соҳаларида Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантиришдан ғоят манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

* * *

30 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Филипп Ле Уэйруни қабул қилди. Мулоқот чоғида қўшма лойиҳалар ижросига, Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

3 май. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мажлисда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг маърузаси «Ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

3 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси молия вазири Се Сюйжэнни қабул қилди.

Меҳмон иқтисодиётни ривожлантириш бўйича «ўзбек модели» асосий тамойилларининг аҳамияти ва самарадорлигига, шунингдек, Ўзбекистоннинг муваффақият билан амалга ошираётган Инқирозга қарши чоралар дастури натижаларига юксак баҳо берди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

3 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Япония Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Наото Канни қабул қилди.

Меҳмон Ўзбекистон Республикасида муваффақият билан амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурига, барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли модернизация ишларига юксак баҳо берди.

Суҳбат чогида ОТБнинг Тошкентда ўтаётган халқаро анжумани минтақавий ва халқаро аҳамият касб этадиган долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, сармоявий соҳада ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун яхши имконият экани қайд этилди.

* * *

4 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби Кунио Микурияни қабул қилди.

Мазкур халқаро ташкилот 1947 йилда тузилган ва бугунги кунда 176 давлатни бирлаштиради. Савдо соҳасига доир меъёрларни ишлаб чиқиш, халқаро божхона қоида ва тартибларини такомиллаштириш, аъзо давлатлар божхона органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ташкилотнинг асосий вазифаларидандир.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Жаҳон божхона ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

4 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси стратегия ва молия вазири Чжин Хён Юнни қабул қилди.

Корея Республикаси қатор стратегик муҳим лойиҳаларни рўёбга чиқаришда Ўзбекистоннинг энг ишончли шерикларидан биридир. Бунга Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона ва халқаро интермодал логистика маркази яхши мисол бўла олади. «КОГАЗ» корпорацияси билан Устюрт газкимё мажмуи қурилиши лойиҳасида нафақат конларни юқори технологик ўзлаштириш, балки полиэтилен ва полипропилен каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мазкур лойиҳаға 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ сармоя жалб этиш мўлжалланган.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 май. Президент Ислом Каримов «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 май. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 65 йиллик байрами муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонига уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Юртимизда муқаддас Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган бу қутлуғ байрам билан, аввало, бугун сафимизда соғ-саломат ҳаёт кечираётган уруш қатнашчиларини, нуроний отахонларимизни, барча-барча юртдошларимизни бағримга босиб, чин қалбимдан самимий табриклайман, — деди Ислом Каримов.

Ўтганларнинг номларини ёд этиш, хотирасини ҳурмат билан эслаш, уларнинг руҳларини шод қилиш муқаддас одат сифатида қонқонимизга сингиб кетган.

Шу билан бирга, бир фикрни такрор ва такрор айтишга тўғри келади. Ишончим комил, бизнинг ота-боболаримиз суронли уруш майдонларида қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш, унга қизил байроқ ўрнатиш эмас, хаёлида, аввалambor, ўз ота-онаси, болалари, севимли ёри учун, уларнинг келажаги ва тинч ҳаёти учун жон фидо қилган, – деди давлатимиз раҳбари.

Бугун нишонлаётган байрамимиз шундай бир кунки, у шу юртда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадон учун бевосита дахлдор бўлган, уларнинг ҳаётида қандайдир чуқур из қолдирган тарихий санадир.

Айни шу кунда мен эл-юртимиз билан бирга бўлиб, шу куннинг ҳам хурсандчилигини, ҳам изтиробини уруш қатнашчилари, муҳтарам фахрийларимиз билан баҳам кўриб, ғойибона бўлса ҳам уларнинг барчасини бағримга босиб, яна ва яна бир бор бутун халқимизни ана шу тарихий сана билан табриклашни ўзимнинг муқаддас бурчим, деб биламан.

* * *

14 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Ўмон Султонлиги ташқи ишлар бўйича давлат вазири Юсуф бин Алавий бин Абдуллани қабул қилди.

Ўмон Ўзбекистонни Маразий Осиёдаги энг муҳим давлатлардан бири сифатида тан олади. Мамлакатимиз билан ҳамкорлик Ўмон учун минтақавий иқтисодий муносабатларда иштирок этиш борасида кенг имкониятлар очади.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

14 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси билан Ўмон Султонлиги ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари тўғрисидаги Битимни (Масқат, 2009 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

19 май. Президент Ислом Каримов «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10- ва 11-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 май. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 180- ва 275-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ян Цзечини қабул қилди.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

22 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлисининг иштирокчиларини қабул қилди.

Учрашувда ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкентда бўлажак мажлисига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга доир долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ШҲТнинг турли тузилмалари томонидан қарорлар қабул қилиш механизмларини оптималлаштириш ва янада такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратди.

* * *

24 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 май. Президент Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Андижон вилоятида бўлди.

Президентимиз сафарини вилоятдаги ҳарбий қисмлардан биридан бошлади. Юртбошимиз ҳарбийларнинг яшаш шароити билан қизиқди. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ҳар доим долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

2009 йили вилоят туманларида саккизта замонавий савдо мажмуалари ишга туширилди. Жумладан, Хўжаобод туманида бунёд этилган савдо мажмуаси ўзининг кўркам қиёфаси, сервис ва хизмат кўрсатиш шароитининг юқорилиги билан Андижондаги энг гавжум масканлардан бирига айланди. Президентимиз мазкур мажмуа фаолияти билан танишди.

Юртбошимиз Олтинкўл туманидаги «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган замонавий уйларни кўздан кечирди ва бу уйларга кўчиб кирган хонадон соҳиблари билан суҳбатлашди.

Президентимиз Андижон шаҳрининг Шўрбулоқ даҳасида бунёд этилган, халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуасини бориб кўрди ва мажмуа номини Андижон футбол коллеж-интернати деб аташни таклиф этди.

Андижон вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Болалар шаҳарчасини 16 та замонавий уй-жой, сузиш ҳавзаси, бокс ва гимнастика заллари, стадионни ўз ичига олган спорт мажмуаси, ёзги амфитеатр ва мусиқа залига эга ҳақиқий шаҳарча, дейиш мумкин. Ушбу масканда 112 нафар бола тарбияланмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур шаҳарчада бўлиб, болалар билан суҳбатлашди, уларнинг ўқиши, келажакдаги режалари билан қизиқди, яшаш шароитини кўздан кечирди.

Ислом Каримов Болалар шаҳарчасига Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган автобус совға қилди.

28 май куни Андижонда «Универсиада — 2010» ўйинлари бошланади. Универсиада мусобақалари олдидан Андижон шаҳрида улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Президентимиз «Универсиада — 2010» мусобақаларининг очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтадиган «Соғлом авлод» стадионидаги тайёргарлик ишлари билан танишди.

Юртбошимиз Андижон вилоятида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини таъкидлар экан, ҳали қилиниши зарур бўлган вазифаларга алоҳида эътибор қаратди ва тегишли топшириқлар берди.

* * *

27 май. Президент Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Фарғона вилоятида бўлди.

Юртбошимиз Фарғона вилоятига сафарини Фарғона туманидаги Миндонобод қишлоғидан бошлади. Давлатимиз раҳбари бу ерда намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган икки қаватли 20 та уй-жойни кўздан кечирди. Бундай уй-жойлар меъморий ечими, лойиҳалаш жараёнида табиий иқлим шароити ҳисобга олингани, шу қаторда муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда қад ростлаётгани ғоят аҳамиятли эканини таъкидлади.

Ислом Каримов янги уйларга кўчиб кирган хонадонлар соҳиблари билан суҳбатлашди.

— Қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, замонавий уйлар қуриб, коммуникация тизимларини барпо этишдан кўзлаган эзгу мақсадимиз қишлоқда яшайдиган одамларга ҳеч кимдан кам бўлмаган, муносиб шароит яратишдан иборатдир, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Президентимиз вилоятдаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб, ҳарбийларнинг жанговар тайёргарлиги, уларнинг ва оила аъзоларининг яшаш шароити билан қизиқди.

Ватан ҳимоячисидек шарафли ва масъулиятли вазифани бажараётган ҳарбий хизматчилар учун барча қулайликларни яратиш, уларнинг уй-жой шароитларини янада яхшилаш лозимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Фарғона шаҳрининг бош режаси билан танишар экан, мавжуд саноат корхоналарини модернизациялаш, хусусан, замонавий шаҳарсозлик анъаналарига, ландшафт дизайнига қатъий амал қилиш, меъморий тарҳи бири иккинчисини такрорламайдиган, айни пайтда уйғун бинолар қуриш лозимлигини таъкидлади. Шаҳар марказига эътибор қаратиш зарурлигини, боғ ва хиёбонлар яратиш масалаларини алоҳида қайд этди. Шунингдек, нафақат Фарғона, балки республикамизнинг барча шаҳарларида йўл-транспорт тизимларининг қатнов ва юк ташиш им-

кониятларини замон талабларига мос ҳолда кенгайтириш, коммуникация, хусусан, ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси тармоқлари ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берди.

* * *

28 май. Президент Ислом Каримов «Универсиада — 2010» спорт ўйинлари иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

28 май. Президент Ислом Каримов «2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 июнь. Президент Ислом Каримов «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

1 июнь. Президент Ислом Каримов «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Президентининг Қирғизистон Республикаси билан муносабатларни ривожлантириш бўйича махсус вакили Владимир Рушайлони қабул қилди. Учрашувда минтақадаги вазият ривожига, ШҲТ ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорликка доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

7 июнь. Президент Ислом Каримов «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 июнь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида ХХР Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Хитойнинг давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтаонинг тор доирадаги суҳбатида томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов Ўзбекистон Хитой билан ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосида ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади. Ху Цзиньтао эса Хитой Ўзбекистонга вақт синовидан ўтган ишончли дўст ва муҳим шерик сифатида қарашини қайд этди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари музокарани икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибида давом эттирдилар. Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, техникавий-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда дипломатик паспорт эгаларининг ўзаро визасиз қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, нохомашё ва юқори технологиялар соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро дастур, нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум, аккредитация соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, «Ўзсаноатқурилишбанк» билан Хитой Эксимбанки ўртасида кредит битими, табиий газ савдоси тўғрисидаги ҳадли битим, энергетик материал етказиб бериш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао мулоқотлар ўзаро ишонч ва дўстлик руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

* * *

10 июнь. Президент Ислом Каримов ва давлат ташрифи билан юртимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, эзгу ниятларимиз ва порлоқ истиқболимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

ХХР Раиси Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида Мустақиллик майдонида амалга оширилган кенг кўламли, улкан бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

* * *

10 июнь. Президент Ислом Каримов Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентда бўладиган саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев билан учрашди.

Мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикасининг ШҲТга раислиги якунларига юксак баҳо берди ва саммит асносида бўладиган музокаралар самарали ва сермазмун ўтишига, халқаро барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Президентлар Ўзбекистон — Россия муносабатларига доир кенг кўламли масалалар ҳамда минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

10 июнь. Президент Ислом Каримов Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентда бўладиган саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашди.

Музокарада ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиш учун олий даражадаги Ўзбекистон — Қозоғистон мулоқотларини изчил давом эттириш масалалари муҳокама қилинди. Икки давлат раҳбарлари Марказий Осиёдаги сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш, халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

10 июнь. Президент Ислом Каримов Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Мўғулистон Президенти Цахиагийн Элбэгдорж билан учрашди.

Мўғулистон Президенти самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ШҲТ Саммити юксак савияда ташкил этилганини таъкидлади. Меҳмон мамлакатимиз билан савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтиришнинг янги имкониятлари икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлишига ишонч билдирди.

* * *

11 июнь. Президент Ислом Каримов Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Покистон Ислом Республикаси Президенти Осиф Али Зардорий билан учрашди.

Учрашувда томонлар Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги ҳамкорлик ғоят долзарб масалалардан эканини таъкидладилар. Чунки икки мамлакат ҳам Афғонистонда тинч ҳаёт қарор топиши ва ушбу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланишидан манфаатдордир.

Покистон Президенти ШҲТ Саммитида қатнашишга таклиф этгани учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди.

* * *

11 июнь. Президент Ислом Каримов Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити доирасида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон билан учрашди. Учрашувда ташкилот олдида турган вазифаларни бажаришда унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида Имомали Раҳмон самимий қабул ва ШҲТ саммити доирасидаги тадбирлар юксак савияда ташкил этилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

* * *

11 июнь. Президент Ислом Каримов Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотида кузатувчи мамлакат вакили сифатида иштирок этган Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соманахалли Малайя Кришнани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини, икки мамлакат халқларининг тарихи, маданий ва маънавий яқинлигини таъкидлади.

Меҳмон самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Ҳиндистон мамлакатимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

* * *

11 июнь. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тартиб-қоидаларига биноан, ҳар йили аъзо мамлакатлардан бири унга раис бўлади. 2009 йили Екатеринбург (Россия) саммитидан кейин ШҲТга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтди. Таомилга биноан, раислик қилувчи давлат ўз ҳудудида навбатдаги саммитни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Кўксарой қароргоҳида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари

кенгашининг навбатдаги, ўнинчи мажлиси бўлиб ўтди.

ШҲТ саммити ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Руслан Казакбаев иштирок этди.

Музокарада ШҲТ ва унинг органлари фаолиятини такомиллаштириш, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм ва айирмачиликка, наркотик моддалар ва қурол-ярог контрабандасига, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши биргаликда курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари, Афғонистондаги вазият муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ўзбекистон Республикасининг ШҲТга раислик давридаги фаолиятига юксак баҳо берилди. Бу вақт мобайнида Ўзбекистон ШҲТ нинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ШҲТ Хартиясидаги мақсадлар, вазифалар ва тамойилларга мувофиқлигини сақлаган ҳолда, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, Ўзбекистон Президенти ШҲТ доирасида қарорлар қабул қилиш механизмларини, ташкилот ва унинг тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифларни илгари сурди. Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида кўп томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар кўриб чиқилди.

Саммитда Қирғизистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Иштирокчилар Қирғизистон Республикасига зарур ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашга тайёрликларини билдирдилар. «Энг муҳими, — деди Ислом Каримов, — ҳуқуқий асосдаги ечимини топиш ва кескинлик ёйилиб кетишининг олдини олишдир».

Мажлисда хавфсизлик масалалари, жумладан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хуружларига қарши биргаликда курашиш муаммолари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Музокаралар якунида ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши ўнинчи мажлисининг декларацияси, ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШҲТ процедуралари қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШҲТ Бош котибининг Ташкилотнинг ўтган йил мобайнидаги фаолиятига оид ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШҲТ МАТТ Кенгашининг МАТТнинг 2009 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор имзоланди. ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши ўнинчи мажлиси якунлари тўғрисидаги ахборот қабул қилинди. Шунингдек. ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ва жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида. ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар ШҲТга аъзо давлатлар ва кузатувчи мамлакатлар манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади. Президентимиз ШҲТ тузилганидан буён ўтган даврдаги бутун фаолиятига баҳо берар экан, Ташкилотнинг очиқлик, блокка айланмаслик хусусияти мустаҳкамланиб бораётганини, минтақавий ва халқаро ривожланишнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда зиддиятли ёндашувларга йўл қўйилмаётганини алоҳида қайд этди.

* * *

11 июнь. Президент Ислом Каримовнинг ШҲТ давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқи матбуотда эълон қилинди.

* * *

15 июнь. Президент Ислом Каримов «Архив иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 июнь. Президент Ислом Каримов «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 июнь. Президент Ислом Каримов билан АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида кейинги вақтларда Қирғизистон жанубида, Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида юз берган фожиали воқеалар муҳокама қилинди.

Қирғизистон жанубидан ўтган қочқинларни қабул қилиш, уларни жойлаштириш, барча эҳтиёжмандларга тиббий хизмат кўрсатиш, улар учун зарур маиший шароитлар яратиш, озиқ-овқат билан таъминлаш, шунингдек, қочқинлар лагерлари учун зарур ёрдамни ташкил қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Шу билан бирга, юзага келган мураккаб вазиятдан чиқиш йўллари ва аввало, Қирғизистондаги вазиятни барқарорлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

* * *

18 июнь. Президент Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Бухоро вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Вобкент туманидаги «Музаффар Зайниддинов» фермер хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Президентимизнинг бу ерда бир гуруҳ фермерлар ва вилоят фаоллари билан мулоқоти чоғида шаҳар ва қишлоқларимизни замонавий меъморлик талаблари асосида қуриш, уларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, инфратузилмаларни ривожлантириш, қишлоқ аҳлининг турмуш фаровонлигини янада ошириш, фермерларга ўз фаолиятини кенгайтириши, қишлоққа саноатни олиб кириши, янги иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида янада кенг имкониятлар яратиш ҳақида атрофлича суҳбатлашди.

— Биз истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ўз олдимизга ғалла мустақиллигига эришишни бош мақсад қилиб қўйган эдик. Ўтган йили деҳқонларимиз мамлакатимиз галлачилиги тарихида энг юқори натижага эришиб, 7 миллион тоннадан зиёд дон етиштирди. Яқин ўтмишда ўз эҳтиёжи учун четдан буғдой олган Ўзбекистон энди ғаллани экспортга чиқармоқда, — деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари фермерлар билан суҳбатда уларнинг турмуш шароити, келгуси режалари билан қизиқди.

Президентимиз Бухоро давлат университетининг гидромелиорация факультети фаолиятини янада такомиллаштириш, бу борада мамлакатимизда тўпланган бой тажрибадан унумли фойдаланиш, юксак билим ва малакали мутахассислар тайёрлаш орқали вилоятга хос бўлган ерларнинг шўрланиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга эътиборни қаратди.

Юртбошимиз ёшларни, хусусан, қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг муайян касб-ҳунар эгаси бўлиб, жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш лозимлигини таъкидлади.

Суҳбат асносида Президентимиз сўнгги кунларда Қирғизистоннинг Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида юз берган воқеаларга ҳам тўхталиб ўтди.

— Бу воқеалар ҳақида гапиришнинг ўзи оғир. Бегуноҳ одамларни, болаларни, ҳомиладор аёлларни ўлдириш — бу ваҳшийликдан бошқа нарса эмас, деди Ислом Каримов. — Бундай қонли жиноятларнинг тагига етишга, уларга қонуний баҳо берилишига ишонаман.

Мен илгари ҳам айтган эдим — бугунги кунда ўзининг қадр-қиммати, ғурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга қодир давлат ва жамиятнигина дунё аҳли тан олади ва ҳурмат қилади. Ўз кучига ишонган, келажаги буюк халқнинг бағри кенг бўлади. Халқимиз доимо бошқаларга бағрини очиб, ҳамдард бўлиб келган.

Бугунги мураккаб даврда огоҳлик, сезгирлик, ҳушёрлик ҳар қачонгидан кўра муҳим. Чунки узоқ ва яқин мамлакатларда ўзини бизга дўст сифатида кўрсатадиганлар ҳам йўқ эмас.

Қирғизистондаги воқеаларга муносабат масаласида ҳам шундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Уларнинг фикрича, бу воқеаларнинг туб сабабларини қидириш шарт эмас. Гўё бу ўзбек ва қирғиз этник гуруҳлари ўртасидаги қарама-қаршилик эмиш. Мен бундай фикрларга мутлақо қаршиман, деб таъкидлади Ислом Каримов. Ўзбек ҳам, қиргиз ҳам бунга айбдор эмас. Бу четдан туриб уюштирилган, бошқарилган қўпорувчилик ҳаракатидир.

Бу қўпорувчиликни уюштирган кучларнинг нияти Ўзбекистонни ҳам бу қарама-қаршиликка тортишдан иборат бўлган.

Биз буюк халқмиз, асрлар давомида ёнмаён яшаб келган қиргиз халқи билан тил топишга, муаммоларни ўзимиз ечишга қодирмиз, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

* * *

25 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан республика матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

30 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 июль. Президент Ислом Каримов «Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чек-

канларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда алоҳида хизмат қилган Андижон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 июль. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Индонезия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Моҳамад Асрухин, Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Абдулқодир ал-Ҳашшоб, Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Франсуа Готье ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

9 июль. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Германия Федератив Республикаси вице-канцлери, ташқи ишлар вазири Гидо Вестервеллени қабул қилди.

Меҳмоннинг сўзларига кўра, бизнинг мамлакатимиз Афғонистондаги вазиятни ноҳарбий воситалар билан барқарорлаштиришга изчил ёндашиб, минтақада тинчликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шунингдек, Германия вазири Қирғизистон жанубида содир этилган воқеалар муносабати билан Ўзбекистоннинг вазмин ва оқилона позициясини юқори баҳолади.

Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

17 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг биринчи ўринбосари Жеймс Стайнбергни қабул қилди.

Меҳмон давлатимизнинг минтақада тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашдаги конструктив сиёсатининг, айниқса, Қирғизистонда юз берган воқеалар муносабати билан ушбу республика жанубидан келган жабрланганларга ва қочқинларга тезкор тарзда кенг кўламли, ҳар томонлама ёрдам кўрсатишдаги Ўзбекистон раҳбариятининг оқилона ва чуқур ўйланган ёндашувининг аҳамиятини яна бир бор алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

20 июль. Президент Ислом Каримов давлатга дон тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли адо этган Ўзбекистон ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

20 июль. Президент Ислом Каримов «Р. Irматовга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 июль. Президент Ислом Каримов «Р. Ильясовни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 июль. Президент Ислом Каримов «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 июль. Президент Ислом Каримов «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазири Кацуя Окадани қабул қилди.

Япония мамлакатимизнинг вақт синовидан ўтган шерикларидан ҳисобланади. Унинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган сармоялари ҳажми 2,3 миллиард АҚШ долларидан ортади.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) раҳбарияти Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтган 43-йиллик мажлисидаги иштироки мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қашқадарё вилоятидаги Таллимаржон иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш лойиҳаси бўйича қиймати 300 миллион АҚШ долларига тенг битимни имзолади. Бу Ўзбекистон — Япония алоқалари нечоғли мустаҳкам эканини яна бир бор тасдиқлади.

Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

12 август. Президент Ислом Каримов «Андижон шаҳрида футбол бўйича ихтисослаш-

тирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов истиқлолимизнинг ўн тўққиз йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган таълим муассасалари билан танишди.

Юртбошимиз В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг капитал реконструкция қилинган ўқув биносини бориб кўрди.

Ушбу мусиқа даргоҳи эндиликда 900 ўқувчига мўлжалланган 4 ўқув биноси, 200 ўринли ётоқхона ва 210 ўринли 3 ошхонага эга бўлди. Барча ўқув хоналари 64 номдаги замонавий мусиқа чолғулари ва жиҳозлари билан таъминланди. Лицей мусиқий таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминловчи 12 йиллик таълим муассасаси бўлиб, 9 йиллик мактаб ва 3 йиллик лицейдан иборат.

Давлатимиз раҳбари бу ерда ўқув жараёнида фойдаланиладиган ноёб мусиқа асбоби — орган ва унинг аҳамиятига алоҳида тўхталди.

Президентимиз ёш мусиқачиларимизга ҳар доим буюк аждодларимизга муносиб бўлишга интилишлари, буюк халқнинг фарзанди эканликларини чуқур ҳис этган ҳолда саҳнага чиқишлари лозимлигини ва бу улар эришадиган муваффақиятларнинг асосий омили бўлишини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов Тошкентдаги Турин политехника университетига ҳам ташриф буюрди. Университет фойесида Асакадаги автомобиль заводида 2010 йил август ойида ишлаб чиқарила бошлаган янги русумдаги «Спарк» замонавий енгил автомобилини кўздан кечирди.

— Бизга мустақиллик шундай улкан имкониятларни яратиб берди, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Мана шу автомобиллар мисолида биз эзгу ниятларимизнинг ижобатини кўрамиз. Айни пайтда биз миллий автомобиль саноатимизни ривожлантиришда назарий жиҳатлар билан чекланиб қолмасдан, бу борада амалий ишларга устувор аҳамият беришимиз, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларни замон талаблари даражасида такомиллаштиришга қодир мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Президентимиз университетдаги ўқув ва амалий таълим жараёнлари билан танишди, талабаларнинг билим ва тажрибасини янада ошириш юзасидан зарур маслаҳатлар берди.

* * *

30 август. Президент Ислом Каримов Бухоро шаҳрига ташриф буюрди.

Юртбошимиз ташаббуси ва ғояси асосида барпо этилган «Бухоро маданий маркази» деб ном олган 107 гектардан иборат мажмуада йирик иншоотлар — 700 ўринли вилоят мусиқали драма театри, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи қад ростлаган. Мазкур объектлар Бухоронинг ўзига хос меъморчилик анъаналари ва замонавий архитектура андозалари уйғунлигида барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи билан танишди.

Монумент марказида уч авлод — бахтиёр ёш оила — ота, она ва бола, ниҳол ўтқазаётган бобо ва набира ҳамда уй қураётган ота ва ўғилнинг барельефли ҳайкаллари акс эттирилган. Бунда чуқур фалсафа бор: ҳаёт абадий, умр ўткинчи, инсоннинг эзгу амаллари мангу қолади, бу дунёда инсон эзгу ишлар қилмоғи лозим, фарзандлари келажагини, эл-юртининг эртасини ўйламоги даркор.

— Бухорога келган, бухороликлар ҳаёти билан танишаман, деган одам монументда ифодаланган бу гоялардан хулоса чиқаради, — деди Президентимиз. — Бу ғояларни барчага, биринчи навбатда, ёшларимизга кенг ва чуқур тушунтиришимиз керак. Баркамол авлод тарбиясида унинг аҳамияти катта. Буюк келажагимизни яратишда, аввало, мустақил фикрлайдиган фарзандларимизга, шу юртни

ягона, бетакрор Ватан, деб билган ёшларимизга суянамиз. Бугун Ўзбекистонимиз эришган буюк марраларда, оламшумул ютуқларда ёшларимизнинг ўрнини, уларнинг ҳал қилувчи кучга айланганини кўрамиз.

Президентимиз театрнинг янги биносини кўздан кечирар экан, бундай замонавий санъат саройлари томошабинларнинг бадиий диди ва савиясини ўстиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Президентимиз мажмуа ҳудудида вилоят иқлим шароитига мос дарахтларни кўпайтириш ва яшил ҳудудларни янада кенгайтириш юзасидан тавсиялар берди.

Юртбошимиз шу куни Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди.

* * *

31 август. Пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган инсонларни ёд этиш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Президент Ислом Каримов иштирок этди. Юртбошимиз Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари юртимизнинг ўн тўқиз йиллик мустақил тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар, мамлакатимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган бетимсол ўзгаришлар, бугунги кунда жаҳондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият ҳақида гапирди. «Шаҳидлар хотираси» мажмуасининг ҳаққоний тарихимизни тиклаш, халқимиз маънавиятини янада юксалтиришдаги аҳамияти, ёш авлод тарбиясида тутган ўрни хусусида тўхталди.

Биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлмиш мустақиллигимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб муҳрланмоқда. Мана шундай дориломон кунларга етиш йўлида қанчадан-қанча юртдошларимиз курашган, ҳатто ўз жонини ҳам аямаган. Маънавият ва маърифат орқали эзгу мақсадларни илгари сурган кўплаб ватандошларимиз қатағон қурбонларига айланган. Бу муқаддас маскан ана шундай инсонлар хотирасини доимо ёдда тутишга, ёшларимиз уларнинг жасоратини теран англашига хизмат қилиши шубҳасиз. Айни пайтда бугунги тинчосуда ҳаётимиз, фаровон кунларимизнинг қадрига етиш ҳақида ўйлашимиз табиий, албатта, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

3 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Малайзиянинг «Petronas» компанияси президенти Шамсул Азҳар Аббосни қабул қилди.

Айни пайтда «Petronas» Устюрт ва Сурхондарёдаги бир неча сармоявий блокларда геология-разведка ишларини олиб бормоқда. «Petronas» компанияси раҳбариятининг мамлакатимизга ташрифи доирасида Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги «Гажак» конини ўзлаштириш бўйича маҳсулот тақсимотига оид битим имзоланди.

Суҳбат чоғида амалдаги лойиҳалар ижросининг бориши ва ҳамкорликда истиқболли дастурлар ишлаб чиқиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

17 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1781-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

19 сентябрь. БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида қатнашиш учун Нью-Йоркка йўл олган Президент Ислом Каримов Буюк Британия пойтахти Лондонда тўхтаб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари бу ерда «Британия — Ўзбекистон» жамияти раиси, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши ҳамраиси Хартли Бут ва «Британия — Ўзбекистон» парламент гуруҳи раиси Жон Вейверли билан учрашди.

Учрашувда Хартли Бут Президент Ислом Каримовнинг айнан Лондон шаҳрида тўхтаб ўтиши чуқур рамзий маънога эга эканини таъкидлаб, Буюк Британия Бош вазири Дэвид Кэмероннинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мактубини топширди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга, парламентлараро алоқаларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

20 сентябрь. Президент Ислом Каримов БМТ Бош Котиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари мазкур саммитда нутқ сўзлади.

Президент Ислом Каримов БМТ минбаридан сўзлаган нутқида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон можаросига алоҳида тўхталди.

Ўзбекистон раҳбарининг илгари сурган таклиф ва ташаббуслари БМТ Бош Ассамблеясининг олий даражадаги мажлиси иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

* * *

20 сентябрь. Президент Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қароргоҳида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун билан учрашди. Музокара аввалида мамлакатимиз раҳбари БМТнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан БМТ ҳузуридаги Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Болалар жамғармаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби тузилмалар ўртасида яқин алоқалар ўрнатилгани ва бу ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Учрашувда Пан Ги Мун БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини, мамлакатимиз билан муносабатларга ва умуман, Марказий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

20 сентябрь. БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида қатнашиш учун Нью-Йоркка келган Президент Ислом Каримов АҚШнинг «General Motors» корпорацияси раисининг ўринбосари Томас Стивенсни қабул қилди.

Учрашувда Томас Стивенс самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, «General Motors» Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини ва ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ҳамкорликни кенгайтиришнинг устувор йўналишлари, яқин ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган режалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

20 сентябрь. Президент Ислом Каримов АҚШнинг «Sikorsky Aircraft» компанияси президенти Жеффри Пинони қабул қилди.

Мазкур компания самолётсозликнинг пешқадамларидан ҳисобланади. Дунёдаги мавжуд вертолётларнинг 90 фоизи шу компаниянинг дастлабки модели асосида ишлаб чиқарилади. Ушбу компанияда тайёрланган техника кўтариладиган юк вазни, тезлик ва бошқарувнинг нисбатан қулайлиги билан халқаро миқёсда кенг эътироф этилган. Кўплаб давлатларнинг тез ёрдам, қутқариш ва қидириш хизматлари шу компания техникасидан фойдаланади.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

20 сентябрь. Президент Ислом Каримов АҚШнинг «Honeywell» корпорацияси раиси ва ижрочи директори Дэвид Коутни қабул қилди.

«Honeywell» кўп тармоқли саноат-технология корпорацияси бўлиб, дунёнинг етакчи юзта компанияси сафида туради. У аэрокосмик техника, маъмурий, саноат ва тураржой биноларини бошқариш технологиялари, автомобилсозлик техникаси, трубокомпрессорлар ва кўплаб турдаги бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Қатор мамлакатлардаги йирик нефтни қайта ишлаш заводлари «Honeywell»нинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлайди. Йирик музей, галерея ва театр биноларида, парламент бинолари ва ҳукумат уйларида «Honeywell»нинг хавфсизлик тизимлари ўрнатилган. Корпорация хизматлари ва маҳсулотларининг юқори сифати бутун дунёда эътироф этилган.

Суҳбат чоғида «Honeywell» билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш масалалари, қўшма сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби икки томонлама фойдали бўладиган устувор йўналишлар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

21 сентябрь. БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этган Президент Ислом Каримов БМТ Бош қароргоҳида Германия Федератив Республикаси Канцлери Ангела Меркель билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Германия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ҳамкорларидан эканини, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Учрашувда Ангела Меркель Германиянинг тинчликпарвар сиёсати Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланаётгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги кўламини янада кенгайтиришга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

21 сентябрь. Президент Ислом Каримов БМТ Бош қароргоҳида Бельгия Бош вазири Ив Летерм билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Бельгия Ўзбекистоннинг Ғарбий Европадаги ишончли ҳамкорларидан эканини, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Бельгия муносабатларига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

21 сентябрь. Президент Ислом Каримов БМТ Бош қароргоҳида Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт билан учрашди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Венгрияни ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган давлатлараро муносабатлар, халқларимизнинг маънавий яқинлиги бир-бирига боглаб туришини, ушбу учрашув икки томонлама ҳамкорликка оид барча долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Учрашувда Пал Шмитт Венгрия барча соҳаларда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

* * *

21 сентябрь. Президент Ислом Каримов АҚШнинг «Boeing» корпорацияси катта вице-президенти Марти Бентротни қабул қилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўз самолётлари паркини янгилаш доирасида 1995 йилдан буён «Boeing» корпорацияси билан ҳамкорлик қилиб келади. Шу кунгача миллий авиакомпаниямиз 11 та «Boeing» русумли самолётни харид қилган. Миллий авиакомпаниямиз билан «Boeing» корпорацияси ўртасида имзоланган битимларга кўра, ушбу корпорация 2011—2013 йилларда Ўзбекистонга яна тўртта «Boeing-767-300 ER» самолёти етказиб беради. 2016 йилда эса яна иккита «Boeing-787-8» самолётининг янги авлоди келиб қўшилади.

Суҳбат чоғида авиация ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

22 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 сентябрь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида Озарбайжон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Илҳом Алиев шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг давлат мадҳиялари янгради ва Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Икки мамлакат раҳбарларининг яккамаякка суҳбатида Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, шунингдек, томонларни қизиқтирган кўплаб бошқа масалаларни муҳокама қилдилар.

Шундан сўнг Президентлар музокарани икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги иштирокида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

Кўксарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ислом Каримов ва Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Озарбайжон Республикаси Президентининг Қўшма декларациясини имзоладилар. Шунингдек, 2011—2015 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, телерадиокомпаниялар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Бадиий академияси билан Озарбайжон Миллий фанлар академиясининг Меъморлик ва санъат институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳамда икки томонлама ҳамкорлик янада ривожланиб бораётганидан далолат берувчи бошқа қатор ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Илҳом Алиев музокаралар ўзаро ишонч ва дўстлик руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Куннинг иккинчи ярмида Президентлар Ислом Каримов ва Илҳом Алиев Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Озарбайжон раҳбари ҳурриятимиз, эзгу ниятларимиз ва порлоқ истиқболимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Илҳом Алиев Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида Мустақиллик майдонида амалга оширилган кенг кўламли, улкан бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

Ислом Каримов ва Илҳом Алиев 2009 йили Тошкентда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройига ташриф буюрди. Сарой йирик халқаро конференциялар, маданий-маърифий тадбирлар, концертлар ўтказиш борасида жаҳон андозаларига тўла мос келади. Бу муаззам бино атрофидаги ландшафт дизайни унга алоҳида кўрк бахш этиб турибди. Озарбайжон Президенти саройнинг миллий меъморлик анъаналари ва замонавий архитектура усулларини ўзида мужассам этган меъморий ечими ва дизайнига юксак баҳо берди. Илҳом Алиев ушбу муҳташам сарой Ўзбекистоннинг ҳар жиҳатдан юксак салоҳиятга эга давлат эканидан яна бир далолат бўлишини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарлари Ҳазрати Имом мажмуини зиёрат қилдилар. Бу ерда Илҳом Алиев муқаддас Қуръоннинг энг нодир қўлёзмаси — Усмон Мусҳафини кўздан кечирди ва мажмуанинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак

кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

5 октябрь. Президент Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Қорақалпогистон Республикасида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Кегейли туманидаги «Давлат» фермер хўжалигида бўлиб, фермерлар, ёшлар вакиллари билан суҳбатлашди. Мураккаб экологик шароитда яшаб, меҳнат қилаётган Қорақалпоғистон халқининг иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида, хусусан, пахтачилик ва ғаллачиликда эришаётган ютуқларига юксак баҳо берди. Давлатга пахта сотиш шартнома-мажбуриятини биринчилардан бўлиб бажарган Оролбўйи миришкорларини самимий табриклади.

Юртбошимиз сувсизликка чидамли, эртапишар пахта навлари устида чуқур илмий изланишлар олиб бриш, уларни Қорақалпогистон шароитида районлаштириш юзасидан тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг турмушини янада яхшилаш, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаётга эришиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталар экан, бу борада барча тоифадаги раҳбарлар масъулиятини янада ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Юртбошимиз Кегейли тумани Халқобод шаҳарчасидаги гўштни қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан танишди.

Президентимиз Нукус шаҳар марказий майдонида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда Нукус шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар қиёфаси бутунлай янгиланмоқда. Шаҳар марказидаги майдонда барпо этилган яшил майдон ва унга кўрк бағишлаб турган олти фаввора Нукус қиёфасига ўзгача тароват бағишлади. Майдон ўртасида атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ ҳайкали қад ростлагани қорақалпоқ миллий маънавияти ва маданияти ривожи, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз шаҳар марказий майдонининг умумий кўринишига монанд замонавий меъморлик услубида бунёд этилган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг янги биносини кўздан кечирар экан, ушбу майдон ва унинг атрофидаги бинолар бир-бирига уйғун, муайян маъно-мазмунга эга яхлит композиция ташкил этганини таъкидлади. Майдонга маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитига мос дарахт кўчатлари ўтқазиш, ландшафт дизайни устида янада пухтароқ ишлаш юзасидан тавсиялар берди.

Ислом Каримов Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида бўлиб, таълим жараёни, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишди, талабалар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз ахборот асри деб номланган XXI асрда ҳаётни информацион технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини, қорақалпоқ ёшлари ўз салоҳияти билан дунёга янада фаолроқ чиқиши, бошқалардан кам эмаслигини исботлаши лозимлигини таъкидлади.

* * *

6 октябрь. Президент Ислом Каримов «Монополияга қарши давлат органи қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Бош котиби Талеб Рифаини қабул қилди.

Мамлакатимиз Жаҳон сайёҳлик ташкилотига 1993 йилда аъзо бўлган. ЮНВТО БМТ Тараққиёт дастурининг ижрочи агентлиги ва жаҳонда сайёҳлик соҳасидаги етакчи институт бўлиб, маданият соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш ва халқларнинг маънавиятини бойитишга фаол кўмаклашади. Ташкилот 150 дан зиёд давлатни бирлаштиради, дунёнинг аксарият мамлакатларида ушбу йўналишдаги кўплаб лойҳаларни молиялаштиради ва амалга оширади. Ўзбекистон билан ЮНВТО ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЮНВТО ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

15 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли адо этган Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

19-20 октябрь. Президент Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бер-

димуҳамедовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Мамлакатимиз раҳбарини Ашхобод шаҳрининг халқаро аэропортида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов кутиб олди. Шу ернинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистоннинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

«Ўғузкент» қароргоҳида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедовнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Президентлар Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан самарали фойдаланиш, минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларини юмшатиш масалалари юзасидан ҳам батафсил фикрлашдилар.

Президентлар мулоқотни Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар. Музокарада асосий эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон — Туркманистон қўшма баёнотига имзо чекдилар. Мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2011—2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларини янада ривожлантиришга, икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Ташрифнинг иккинчи куни Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Туркманистоннинг Тошҳовуз шаҳрига бордилар. Бу ерда 18 октябрь куни Ўзбекистон ва Туркманистон халқларининг дўстлик фестивали бошланган эди. Унда Ўзбекистон ва Туркманистондан уч юздан зиёд санъаткор иштирок этаётгани анжуманнинг кўлами нақадар кенг эканидан далолат беради.

Бу ерда Президентлар халқ амалий санъати буюмлари, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари кўргазмаси билан танишдилар. Чавандозлар, полвонлар ўз маҳоратини намойиш этди.

Туркманистон Президенти мамлакатимиз раҳбарига жаҳондаги энг ноёб ахалтеки зотидан бўлган «Ғайрат» лақабли от совға қилди.

Тошҳовуздаги «Руҳият» саройида дўстлик фестивалининг асосий воқеаси — Ўзбекистон — Туркманистон санъат усталарининг гала-концерти бўлди.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов мамлакатларимиз муносабатлари тарихида илк бор ташкил қилинган ушбу ижодий анжуман ўзбек ва туркман халқлари ўртасида маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Туркманистонга расмий ташрифи якунига етди.

* * *

22 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Қатар Давлати Бош вазирининг ўринбосари, энергетика ва саноат вазири Абдулла бин Ҳамад ал-Атияни қабул қилди.

— Тошкентга келишдан аввал Сизнинг китобларингиздан бирини катта қизиқиш билан ўқиб чиқиш шарафига муяссар бўлдим. Унда Сиз суверен давлат қуришнинг кўплаб муҳим жиҳатларини беш бош тамойил асосида атрофлича кўрсатиб бергансиз. Шу билан Сиз, Президент Жаноби Олийларининг доно ва прагматик раҳбар эканлигингизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, деди меҳмон.

Қатар Давлати Ўзбекистон билан қарор топаётган муносабатларга устувор аҳамият бериб, мамлакатимиз раҳбариятининг минтақавий ва халқаро миқёсда юритаётган оқилона ва самарали сиёсатини юксак қадрлайди. Ўзбекистон ва Қатарнинг икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга интилиши муштарак бўлиб, бу савдо, сармоя, энергетика, ахборот технологиялари, телекоммуникациялар ва сайёҳликни қамраб олади.

Суҳбат чоғида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

2 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Эстония Республикаси Бош вазири Андрус Ансипни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Эстония ўртасида ўзаро муносабатларни ривожлантириш Марказий Осиё мамлакатлари билан Болтиқбўйи ва Европа Иттифоқи давлатларининг ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларни, энергетика ва транспорт коммуникациялари тармогини қамраб олади. Пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Эстония бизнес-форуми якунлари бунинг ёрқин тасдиғидир.

Учрашувда ўзаро муносабатларни ривожлантириш истиқболларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

3 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг маърузаси «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

15 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европа Иттифоқининг (ЕИ) тараққиёт бўйича комиссари Андрис Пиебалгс раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Мамлакатимиз билан Европа Иттифоқи ўртасида турли соҳалардаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим аҳамият берилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ва Европа сармояси иштирокида тузилган корхоналар сони ошиб бораётгани бунинг тасдиғидир. Хусусан, Европа Иттифоқи ишбилармон доиралари «Навоий» эркин-индустриал иқтисодий зонасининг сармоявий салоҳиятига катта қизиқиш билдирмоқда.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

15 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзуидаги халқаро конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

23-24 ноябрь. Президент Ислом Каримов Қатар Давлати Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

24 ноябрь куни Қатар Давлати Амирининг саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президент Ислом Каримов ва Амир шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қатарнинг давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Президенти ва Қатар Амири фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Қатар раҳбарларининг музокарасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, жумладан, транспорт коммуникациялари соҳасидаги, шунингдек, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Қатар БМТ. Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилаётгани таъкидланди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг музокарасида Ўзбекистон билан Қатар ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, гуманитар ҳамкорлик, жумладан, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, спорт ва маданият каби соҳалардаги алоқаларга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Музокара якунида қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси ва Қатар Давлатининг қўшма баёноти, Савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан «Қатар хол-

динг» сармоявий компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси билан «Қатар Петролиум Интернэшнл лимитед» компанияси ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон ва Қатар савдо-саноат палаталари ўртасида Тадбиркорлар қўшма кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим шулар жумласидандир.

Куннинг иккинчи ярмида мамлакатимиз раҳбари ислом санъати музейига ташриф буюрди. Музейдаги қимматли тарихий материаллар орасида Темурийлар даврига оид экспозицияга алоҳида ўрин ажратилган. Давлатимиз раҳбари ушбу музей Қатарда ислом цивилизацияси қадриятлари алоҳида эъзозланишидан далолат эканини таъкидлади. Музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Президент Ислом Каримов Доҳа марказидаги «Таълим шаҳарчаси» — замонавий илм-фан ва таълим мажмуасига ҳам ташриф буюрди. Бир неча университет ва илмий марказларни ўз ичига олган бу мажмуа юз гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Таъкидлаш жоизки, бу ерда дунёдаги кўплаб йирик университетларнинг филиаллари жойлашган.

Ташриф асносида Президент Ислом Каримов Қатар Давлати Бош вазирининг ўринбосари, энергетика ва саноат вазири Абдулла бин Ҳамид ал-Атияни қабул қилди. Суҳбат чогида икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Қатар Давлатига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

2 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Ҳиллари Клинтонни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари кўплаб соҳаларда ҳамкорлик ва ўзаро англашув руҳида изчил ривожланиб бораётганига юксак баҳо берди.

Давлат котиби самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, АҚШ маъмурияти икки томонлама муносабатларда ўзаро ҳурмат тамойилларига содиқ эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида кўплаб йўналишларда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларига доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

6 декабрь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Ҳариб Бирид ал-Муҳайрибий, Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Моҳамад Имран, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муваффақ Муҳаммад Аҳмад Ажлоуний ва Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ёсихиса Курода ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

7 декабрь. Оқсарой қароргоҳида Мустақиллик байрами муносабати билан давлат мукофотлари билан тақдирланган юртдошларимизга фахрий унвонлар, орден ва медалларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

— Аввало, мана шу муҳташам залда тўпланиб турган сиз, азизларни халқимиз кенг нишонлаётган Конституция куни билан табриклашдан, сизларга ўзимнинг самимий ҳурматимни билдиришдан хурсанд эканимни изҳор этмоқчиман, деди Президентимиз. — Бугун сизлар учун, оила аъзоларингиз, яқинларингиз, ҳамкасб дўстларингиз учун катта тантана, катта хурсандчилик. Сизларга юксак унвон, орден ва медалларни топширар эканман, бамисоли барчангизнинг қадди-қоматингиз янада баланд бўлиб, юзларингиз янада яшнаб-яшариб кетгандек туюлмоқда. Худдики ўзимни ҳам сизларнинг қаторингизда мукофот олгандек ҳис қиляпман.

Ватанимиз, халқимизнинг улкан ҳурмат ва эътибори рамзи бўлган бу юксак мукофотлар ҳаммангизга буюрсин, деди пировардида Юртбошимиз.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Унда Президентимиз 2011 йилни мамлакатимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили», деб эълон қилишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанадаги маърузаси «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

10 декабрь. Президент Ислом Каримов Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ва МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Кремлда дастлаб ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси бўлди. Унда мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар Президентлари иштирок этди.

Музокарада ОДКБ доирасида хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларни бартараф этиш, коллектив хавфсизлик тизимини шакллантириш борасида ҳамкорликни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар жорий йилнинг июнь ойида Қирғизистон жанубида юз берган воқеалар юзасидан фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбари ОДКБнинг энг муҳим вазифаси — аъзо давлатларни, аввало, ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборат эканини таъкидлади.

ОДКБ муҳим минтақавий ташкилот сифатида фавқулодда вазият юзасидан бирор-бир чора-тадбир қўллашдан аввал муаммонинг сабабларини, эҳтимолдаги ташкилотчиларини аниқлаши, бундай ҳаракатларнинг оқибатларини олдиндан кўра билиши ва тўғри хулосалар чиқариши зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда ОДКБ фаолиятига доир ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида МДҲга аъзо мамлакатлар Президентлари иштирок этди. Томонлар МДҲни ривожлантириш, унинг органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид масалаларни кўриб чиқди.

Мажлисда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримовнинг Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи матбуотда чоп этилди.

* * *

13 декабрь. Президент Ислом Каримов «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 декабрь. Президент Ислом Каримов «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 декабрь. Президент Ислом Каримов «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15- ҳамда 18-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 декабрь. Самарқанд шаҳрида Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

20 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли Қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 декабрь. Президент Ислом Каримов «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 декабрь. Президент Ислом Каримов «Спортда допингга қарши кураш тўғрисида»ги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 декабрь. Президент Ислом Каримов «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди.

4 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 январь. Президент Ислом Каримов «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ўзбекистон Қуролли кучларининг 19 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

* * *

21 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Ушбу нутқ «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

24 январь. Президент Ислом Каримов Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозонинг таклифига биноан Брюсселда бўлди.

Бельгия Қироллиги пойтахтига ташриф асносида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозо, ЕИнинг энергетика бўйича комиссари Гюнтер Эттингер, НАТО Бош котиби Андерс Фог Расмуссен билан учрашди.

Дўстона ва очиқлик руҳида кечган музокаралар чоғида томонлар Ўзбекистон — ЕИ, Ўзбекистон — НАТО муносабатларининг бугунги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Ислом Каримовнинг Еврокомиссия Президенти Жозе Мануэл Баррозо билан тор доирадаги ва кенгайтирилган таркибдаги учрашувлари белгиланган вақтдан анча узоқ давом этди. Очиқ ва конструктив ўтган ушбу учрашув чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга оид ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинди.

Жозе Мануэл Баррозо ташриф асносида Энергетика соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган истиқболда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш учун, жумладан, ёқилғи-энергетика мажмуи тармоқларини модернизация қилиш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда минтақалар ўртасида транспорт-коммуникация ва транзит йўлакларини ривожлантириш борасида улкан имкониятлар очишини таъкидлади.

Еврокомиссия раҳбари Президент Ислом Каримовнинг Қирғизистон жанубида 2010 йил июнь ойида рўй берган фожиали воқеалар чоғидаги вазмин ва конструктив позицияси чуқур ҳурмат-эҳтиром уйғотганини алоҳида қайд этди.

Музокаралар чоғида Афғонистондаги вазият ривожига баҳо берилиб, турли манфаатдор томонларни мулоқотга жалб этиш орқали бу мамлакатдаги ички вазиятни барқарорлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Еврокомиссия раҳбари Ўзбекистон Афғонистоннинг иқтисодиёти ва инфратузилмасини тиклашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириб келаётгани учун мамлакатимиз Президентига самимий миннатдорлик билдирди.

Ташриф асносида имзоланган Ўзбекистонда Европа Иттифоқи Делегациясини таъсис этиш тўғрисидаги битимга юқори баҳо берилди ва ушбу ҳужжат эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун пухта замин яратиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг НАТО Бош котиби Андерс Фог Расмуссен билан учрашуви томонларнинг Ўзбекистон билан Альянс ўртасида конструктив ҳамкорликни ривожлантириш борасида муштарак манфаатларга эга эканини намоён этди.

Афғонистондаги ўта мураккаб вазият шароитида ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўлларини топиш муҳим аҳамият касб этиб бораётгани қайд этилди. Ўзбекистон раҳбарининг фикрича, БМТ шафелигида Афғонистонга қўшни мамлакатлар ҳамда АҚШ, НАТО ва Россия

вакилларидан иборат «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш мақсадга мувофиқ.

Президент Ислом Каримовнинг Брюссель шаҳрига ташрифи Европа Иттифоқи, НАТО ва Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида турли соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги фикри муштараклигини намоён этди.

* * *

7 февраль. Президент Ислом Каримов «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8-10 февраль. Президент Ислом Каримов Япония Бош вазири Наото Каннинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Токиода Япония Императори Акихито, Япония Бош вазири Наото Кан, Япония Парламентининг юқори ва қуйи палаталари раислари — Т. Нишиока ва Т. Йокомичи, ташқи ишлар вазири С. Маехара, «Япония демократик партияси — Ўзбекистон» ва «Япония Либерал-демократик партияси — Ўзбекистон» парламент дўстлик лигалари раҳбарияти ва аъзолари билан учрашди.

Музокаралар чоғида томонлар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари юзасидан, ҳамкорликнинг кенг кўламли йўналишлари бўйича самарали ва батафсил мулоқот ўтказдилар.

Ташриф доирасида Президент Ислом Каримовнинг Япония Бош вазири Наото Кан билан учрашуви ва музокаралари Ўзбекистон — Япония муносабатларига хос анъанавий дўстона, очиқ ва амалий руҳда ўтди. Томонлар сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликка оид кенг қамровли масалаларни муҳокама қилиш билан бир қаторда, халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Япония томони минтақамизда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил ривожланишни таъминлашда Ўзбекистон ҳал қилувчи ўрин тутишини қайд этди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг минтақамизга оид, жумладан, Ўрта Осиёдаги сув ресурсларидан фойдаланишга доир масалаларни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари асосида, минтақа давлатлари манфаатларини инобатга олган ҳолда ечиш борасидаги саъй-ҳаракатларини эътироф этади.

Ўзбекистон ва Япония Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ушбу мамлакатда вазиятни барқарорлаштиришга салмоқли ҳисса қўшаётгани таъкидланди.

Музокаралар чоғида савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Ислом Каримовнинг ташрифи доирасида Япониянинг юқори технологиялар соҳасига ихтисослашган йирик компаниялари билан қатор битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Япониянинг етакчи «Токио — Мицубиси» ва «Сумитомо — Мицуи» банклари билан қўшма лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этиш тўғрисида битим имзолади.

«Тараққиётга расмий ёрдам» дастури доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувга эришилди. Икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури доирасида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Унда, жумладан, «Қарши — Термиз» темир йўли участкасини электрлаштириш лойиҳасини амалга ошириш учун Ўзбекистонга узоқ муддатли имтиёзли иенли кредит ажратиш назарда тутилган.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Япония Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги ўртасида имзоланган ташқи савдо ва сармояларни ривожлантириш тўғрисидаги меморандумда ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда Япония юқори технологиялари ва ноу-хауларини мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш, энергия ва ресурс тежашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Расмий ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Япония Бош вазири Наото Кан Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги қўшма баёнотни имзоладилар.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон — Япония муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболларига берилган баҳо, шунингдек, халқаро майдондаги ҳамкорликка муштарак ёндашувлар ўз ифодасини топган.

Томонлар эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар серқирра ҳамкорликнинг асосини мустаҳкамлашини ва стратегик шерикликни янги, янада юқори поғонага кўтариш учун кенг имкониятлар яратишини таъкидладилар.

* * *

18 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Палата раиси К. Лэмм хоним Америка — Ўзбекистон савдо палатаси Президент Ислом Каримовга Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини самарали бошқариладиган бозор иқтисодиётига изчиллик билан ўтказишни таъминлагани учун фахрий мукофотни тақдим этганини таъкидлади.

Учрашувда иштирок этган АҚШнинг етакчи «Боинг» ва «Хоневелл» корпорациялари раҳбарлари Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг беш тамойилига асосланган иқтисодий янгиланишларнинг «ўзбек модели» саросима ва бўҳронларсиз макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, туб тузилмавий ислоҳотларни амалга ошириш ва Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш учун шарт-шароит яратиш имконини берганини таъкидладилар.

Суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари мазкур Палата икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим роль ўйнашига ишонч билдирди.

* * *

25 февраль. Президент Ислом Каримов раислигида Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ушбу тузилма ташкил этилганидан буён ўтган даврда амалга оширилган кенг кўламли ишлар, уларнинг аҳамияти, моҳияти ва амалий натижалари ҳақида сўз юритиб, Жамғарма фаолияти ривожига давлат ва ҳукумат идоралари, ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик ва фермерлик субъектлари, нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилик ўз ҳиссасини қўшаётгани, уларнинг бу борадаги ишларни қўллаб-қувватлаши туфайли бу ташкилот қисқа муддатда умуммиллий ҳаракатга айланганини қайд этди.

Мажлисда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган болалар спорти иншоотларининг, айниқса, сузиш ҳавзаларининг замонавий талаблар даражасида бўлишини таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

Президент Ислом Каримов йиғилишда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ёндашувни талаб этишини таъкидлади. Болалар спортини ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун, айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш масаласига атрофлича тўхталди.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, спорт билан шуғулланган қиз бола эртага она бўлади, соғлом зурриётни дунёга келтиради. Айни пайтда ўз фарзандига спортга меҳр туйғусини сингдиради. Қайд этиш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» дастурининг асосий маъно-мазмуни ҳам ана шундан иборатдир, деди Юртбошимиз.

Йигилишда болалар спорти объектларини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган зарур спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

28 февраль. Президент Ислом Каримов «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганлигининг 15 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 март. Президент Ислом Каримов Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан вазирлик ходимларига байрам табриги йўллади.

* * *

5 март. Президент Ислом Каримов Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги йўллади.

* * *

18 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва Марказий ҳарбий кенгаши аъзоси, мудофаа вазири Лян Гуанлени қабул қилди. Учрашувда минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда савдо-иқтисодий, сармоявий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омилига айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Музокарада сиёсий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

21 март. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Тантанада Президент Ислом Каримов иштирок этди ва табрик нутқи сўзлади.

* * *

23 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШнинг «Honeywell» корпорацияси раиси ва ижрочи директори Дэвид Коут раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Корпорация вакиллари Ўзбекистоннинг қудратли иқтисодий ва сармоявий салоҳия-

ти, ривожланган инфратузилмаси, транспорт коммуникациялари, мустаҳкам банк-молия тизими ва юқори малакали кадрларига асосланган мамлакатимиздаги иқтисодий ўсишнинг жадал суръатлари ва тузилмавий ислоҳотларга юксак баҳо бердилар. Айни шу боис ҳам «Honeywell» корпорацияси учун Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Мулоқот чоғида «Honeywell» корпорацияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида нефть-газ, кимё, авиация ва саноатнинг бошқа тармоқларига доир лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қатор ҳужжатлар имзолангани мамнуният билан қайд этилди.

* * *

24 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Юсуф Ризо Гилонийни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Покистон Афғонистоннинг яқин қўшнилари сифатида бу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши ва барқарорлик таъминланишидан ғоят манфаатдордир. Бу Ўзбекистон билан Покистон ўртасида тўғридан-тўғри транспорт тармоқларини барпо этиш, иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун имкон яратади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Покистон муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

29 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда ЕХҲТнинг камсонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари Кнут Воллебекни қабул қилди.

Меҳмон 2010 йилнинг июнь ойида Қирғизистоннинг жанубий ҳудудида юз берган фожиали воқеалар пайтида Ўзбекистон тутган позицияга юксак баҳо бериб, бундай ҳар томонлама пухта ўйланган оғир-вазмин ёндашув можаронинг авж олиши ва давлатлараро қарама-қаршиликка айланиб кетишининг олдини олиш имконини берганини алоҳида қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХҲТнинг камсонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари идораси ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар кўриб чиқилди.

* * *

31 март. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Кувайт Давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Халаф Мижбал Бузахир, Тожикистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Музаффар Ҳусейнов, Украинанинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Юрий Савченко ва Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Мариан Пшезьдзецки ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

4 апрель. Президент Ислом Каримов «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 апрель. Президент Ислом Каримов «Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 апрель. Улуғ аждодимиз Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асари мустақиллик йилларида миллий маданий меросимизнинг ноёб намунаси сифатида қайта тикланиб, бир неча бор нашр қилинди.

Соҳибқироннинг 675 йиллик таваллуд тўйи арафасида Юртбошимиз таклифига кўра, бу китоб мукаммал ҳолда, юксак сифат билан янгитдан чоп этилди. Халқаро Амир Темур жамғармаси ва Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан нашрга тайёрланган ушбу китоб Президент Ислом Каримовнинг сўзбошиси билан очилади.

Давлатимиз раҳбарининг ана шу сўзбошиси матбуотда чоп этилди.

* * *

13 апрель. Президент Ислом Каримов «Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 апрель. Президент Ислом Каримов «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлашти-

риш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 апрель. Президент Ислом Каримов «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 апрель. Президент Ислом Каримов «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 245- ва 246-моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 апрель. Президент Ислом Каримов «Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19-20 апрель. Президент Ислом Каримов ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.

Ташриф дастури тадбирларга бой бўлиб, кетма-кет қатор учрашувлар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг самолёти Пекин шаҳри аэропортига қўнганидан кейин бир соат ўтар-ўтмас, Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши биносида Ислом Каримовни тантанали расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан сўнг икки мамлакат делегациялари иштирокида Ислом Каримов ва Ху Цзиньтаонинг музокаралари ўтказилди ва кўплаб ҳужжатлар имзоланди.

Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч руҳида ўтган суҳбатида икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан, сиёсий соҳада, хавфсизлик муаммолари борасида, савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Сиёсий ва иқтисодий соҳаларда муҳим келишувларга эришилди, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президент Ислом Каримов ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Вэнь Цзябао билан учрашди. Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг музокарасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни яқин йилларда тубдан кенгайтириш бўйича эришилган келишувларни амалиётга жорий этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Раиси У Банго билан учрашди. Мулоқот чоғида давлатлараро ҳамкорлик ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган қароргоҳда ХХР Ташқи ишлар вазири Ян Цзечини қабул қилди. Конструктив ва ўзаро манфаатдорлик руҳида ўтган суҳбат асносида Ўзбекистон ва Хитойнинг сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорлигига доир ғоят муҳим масалалар, минтақавий ва халқаро сиёсатга оид долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ташриф дастурига мувофиқ давлатимиз раҳбари ХХР савдо вазири Чэнь Дэминь ҳамда Хитойнинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашди. Юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳалар ижросининг истиқболлари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига Хитой сармоясини жалб этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Ташрифнинг яна бир муҳим натижаси Ўзбекистон билан ХХР ўртасида олий даражадаги ҳамкорлик қўмитаси тузиш тўғрисидаги келишув бўлди. Бу билан икки мамлакат ўртасида ўзаро муносабатларнинг барча йўналишлари бўйича ҳамкорликни тизимли

ривожлантириш учун ишончли институционал асос яратилади.

Расмий сафар якунларига доир энг муҳим ҳужжат давлатлар раҳбарлари имзолаган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги қўшма декларация бўлди. Унда ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни узоқ муддатли асосда ривожлантириш истиқболларига берилган баҳо ўз аксини топган.

Умуман, ташриф асносида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги 25 дан зиёд ҳужжат имзоланди. Эришилган келишувлар доирасида бир қатор сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Уларнинг умумий қиймати 5 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов самимий қабул ва меҳмондўстлик учун ХХР Раиси Ху Цзиньтаога миннатдорлик билдириб, уни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди ва бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

* * *

21 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 апрель. Президент Ислом Каримов «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

22 апрель. Президент Ислом Каримов «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 апрель. Президент Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Сурхондарё сафарини Ҳаким Термизий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади. Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари натижасида улуғ бобомиз мангу қўним топган макон мутлақо янгича қиёфага эга бўлди. Боғ-роғлар барпо этилди, зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

— Ҳаким Термизий каби буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, уларнинг бой меросини ўрганиш халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавий оламини бойитишда муҳим ўрин тутади, — деди Ислом Каримов. — Бу муқаддас қадамжони зиёрат қилган ҳар бир киши руҳан покланади. Бундай муборак жойларга тез-тез келиб туриш, зиёрат қилиш, Яратгандан юртимизга, халқимизга, фарзандларимизга тинчлик-омонлик, файзу барака тилаш ҳар биримиз учун фарздир.

Ислом Каримов мажмуада амалга оширилган ишларни кўздан кечирар экан, бу ерда зиёратчилар учун янада кўпроқ қулайликлар яратиш, Сурхондарёнинг иссиқ иқлимига мос, яхши манзара берадиган дарахтлар кўчатларини кўпроқ экиш борасида тавсиялар берди.

Юртбошимиз Термиз туманидаги Шуҳрат Чоршанбиев раҳбарлик қилаётган «Ат-Термизий Намуна» фермер хўжалиги фаолияти билан танишди. Вилоят фермерлари билан суҳбатлашди. Давлатимиз раҳбари ғалладан мўл ҳосил тўплаш, ғўза ривожи масалалари, мавсумда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим агротехника тадбирлари билан қизиқди.

Термиз шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларига қизғин тайёргарлик кўрилди. Вилоят тарихида илк бор ўтказилаётган бундай йирик мусобақага сурхондарёликлар пухта ҳозирлик кўрди.

Ислом Каримов Термиз шаҳрида барпо этилган «Сурхон» спорт мажмуасини бориб кўрди. Бу ерда шуғулланаётган бадиий гимнастикачи қизлар, қўл тўпи устаси бўлишни ният қилган йигитлар билан суҳбатлашди. — Ўзбек йигит ва қизлари истеъдод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмас. Уларнинг қобилиятини юзага чиқариш, интилишларини қўллаб-қувватлаш доим эътиборимизда бўлмоғи лозим, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари ёшларимиз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканликларини чуқур ҳис этиб яшаши, бор билим ва тафаккурини, маҳорат ва истеъдодини Ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга, шуҳратига-шуҳрат қўшишга йўналтириши лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз мажмуа билан танишар экан, лойиҳачи ва қурувчиларга уни янада такомиллаштириш юзасидан тавсия ва топшириқлар берди. Қурилиш ва пардозлаш ишларида илғор хорижий тажриба ва миллий меъморчилик анъаналаридан, замонавий дизайндан унумли фойдаланиш, ранглар уйғунлигига эътибор бериш даркорлигини қайд этди.

Ислом Каримов вилоят марказида барпо этилган «Бахт уйи» мажмуаси билан ҳам танишди.

Икки қаватли кўркам бинода ёшлар учун барча қулайликлар мавжуд. Бўлажак келинкуёвлар учун маросимларни ўтказиш ва банкет заллари, ошхона ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари фарзандларимиз ҳаётидаги энг бахтли воқеанинг ана шундай кўркам масканда ўтказилиши уларда унутилмас таассурот қолдиришини таъкидлади.

* * *

26 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 апрель. Президент Ислом Каримов «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

5 май. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг бу галги Тошкент учрашуви олий даражадаги самарали ва фаол мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедовнинг яккама-якка суҳбатида Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Туркманистон раҳбарининг ушбу ташрифи ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, яхши қўшничилик тамойиллари асосидаги икки томонлама ҳамкорликка янги суръат бахш этиш борасида томонларнинг саъй-ҳаракат ва интилишлари муштарак эканининг тасдиғи бўлгани таъкидланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани турли соҳаларда имзоланган ҳужжатлар ҳаётга самарали татбиқ этилаётганида ҳам кўриш мумкинлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Туркманистон БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида изчил ҳамкорлик қилиб келаётгани, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммоларга ёндашувлари, муносабат ва қарашлари ўхшаш ва яқин экани таъкидланди. Суҳбат чоғида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик каби таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир масалаларни ҳам муҳокама этдилар.

Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилар экан, бу мамлакатда фақат ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги яна бир бор қайд этилди.

Ўрта Осиёда сув-энергетика захираларидан самарали фойдаланиш, минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди. Сув-энергетика соҳасига оид масалалар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва тамойиллари асосида, минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ташкилотлар иштирокида кўриб чиқилиши зарурлиги таъкидланди.

Президентлар музокарани Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар. Бу музокарада икки мамлакатдан асосий вазирлик ва идоралар, йирик компания ва ташкилотлар мутасаддилари иштирок этгани томонларнинг ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги кучли интилиш ва азму шижоатидан далолат бўлди. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Музокара якунида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон — Туркманистон қўшма баёнотига имзо чекдилар. Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ҳукуматлари ўртасида Савдо ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Илмий-технологик ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим эса энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳалардаги муносабатларни ривожлантиришни кўзда тутади. Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Туркманистон Миллий маданият маркази Миллий кутубхонаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларини янада ривожлантиришга, икки мамлакат халқлари фаровонлигини оширишга хизмат қилишини таъкидладилар.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди, мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширил-

ган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Президентлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йили пойтахтимизда бунёд этилган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройига ташриф буюрдилар. Сарой йирик халқаро конференциялар, маданий-маърифий тадбирлар, концертлар ўтказиш борасида жаҳон андозаларига тўла мос келади. Бу муаззам бино атрофидаги ландшафт дизайни унга алоҳида кўрк бахш этиб турибди. Туркманистон Президенти саройнинг миллий меъморлик анъаналари ва замонавий архитектура усулларини ўзида мужассам этган меъморий ечими ва дизайнига юксак баҳо берди.

* * *

6 май. Президент Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Бухоро шаҳрига ташриф буюрдилар.

Икки давлат раҳбарлари Бухоронинг шарифлик мақомига кўтарилишига улкан ҳисса қўшган буюк алломалардан бири Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуасини зиёрат қилдилар.

Таомилга биноан бу ерда Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳи поки ҳақига тиловат қилинди.

Президентлар Сомонийлар мақбарасини зиёрат қилдилар. Бу ёдгорлик ўз меъморий ечимига кўра мутлақо бетакрор обидадир. Нафис меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган бу иншоот ўта аниқ симметрик ўлчамлар, ғоят мураккаб геометрик ҳисоб-китоблар асосида бунёд этилган.

Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарлари Пойи Калон мажмуасида бўлдилар. Масжиди Калон, Минораи Калон ва Мир Араб мадрасасидан иборат бу ансамбль Туркманистон раҳбарида катта таассурот қолдирди.

Лаби Ҳовуз мажмуасида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов дастлаб Нодир Девонбеги мадрасасига кирдилар. Бу ерда миллий ҳунармандларимиз томонидан тикилган дўппи ва зарчопонлар, зардўзларнинг гилам ва кашталари, сопол ва темирдан ясалган нафис буюмлар, миллий миниатюра услубидаги расмлар, жарангдор чолғу асбоблари ва бошқа маҳсулотлар кўздан кечирилди. Ҳунармандлар билан самимий суҳбатда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, айниқса, миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон — Туркманистон олий даражадаги учрашувларининг яна бир гўзал анъанаси бор. 2010 йилда Президент Ислом Каримовнинг Туркманистонга сафари асносида Юртбошимизга зотдор от совға қилинган эди. Мамлакатимиз раҳбари Туркманистон Президентига Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида ўзлаштирган ўта мураккаб ишлаб чиқариш саноати маҳсулоти — «Captiva» русумли замонавий автомобиль совға қилди.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан барпо этилган «Бухоро маданий маркази» мажмуига келдилар. Мажмуанинг бир томонидан амфитеатрга, иккинчи томонидан вилоят мусиқали драма театрига йўл солинган. Бу театрда Ўзбекистон — Туркманистон олий даражадаги учрашувларининг ажралмас бўлагига айланган дўстлик фестивали — икки мамлакат санъат усталарининг биргаликдаги концертига қизғин тайёргарлик кўрилди.

Театрда йиғилганлар икки мамлакат раҳбарларини гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди.

Ўзбекистон ва Туркманистон санъаткорлари юксак маҳорат билан икки халқнинг куй-қўшиқлари, рақсларини ижро этдилар.

Шу билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди. Туркманистон раҳбари Ўзбекистонга ташрифи самарали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул ва дўстона муносабат учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди ва давлатимиз раҳбарини ўзи учун қулай вақтда Туркманистонга ташриф буюришини таклиф этди.

* * *

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун бутун халқимиз 9 май санасини — фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 66 йиллик байрамини кенг нишонламоқда. Бу қутлуғ сана билан, аввалambор, сафимизда соғ-омон яшаб келаётган уруш қатнашчиларини, муҳтарам фахрийларимизни, барча-барча юртдошларимизни чин қалбимдан самимий табриклайман, — деди Ислом Каримов.

Хотира деганда, барчамиз қон-қонимизга, суяк-суягимизга сингиб кетган муқаддас туйғуни тушунамиз. Чиндан ҳам, ўтганларни хотирлаш, уларнинг руҳини ёд этиш халқимиз учун асрлар давомида эзгу анъана, эзгу одатга айланиб қолган.

Президентимиз шу куни пойтахтимиз марказида бунёд этилаётган Алишер Навоий но-

мидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биносида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва гояси асосида бунёд этилаётган ушбу бино архитектуравий муҳандислик ечимига кўра ноёб иншоотдир.

* * *

12 май. Президент Ислом Каримов «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 май. Президент Ислом Каримов VI Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик бўйича Тошкент минтақавий конференцияси иштирокчиларига қутлов мурожаати йўллади.

* * *

12 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Испания Парламенти қуйи палатаси (Депутатлар конгресси) депутати, ушбу мамлакатнинг собиқ ташқи ишлар вазири Мигель Анхель Моратиносни қабул қилди. Учрашувда изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон — Испания муносабатларининг барча йўналишлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Икки мамлакатнинг халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамжиҳатлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

17 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17-18 май. Президент Ислом Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди.

Ташрифнинг расмий қисми Ўзбекистон Президенти шарафига Ҳиндистон Президентининг «Раштрапати Бхаван» саройи олдидаги майдонда ўтказилган тантанали кутиб олиш маросими билан бошланди. Ўзбекистон раҳбарига олий даражада иззат-икром кўрсатилди. Шу ернинг ўзида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда Ислом Каримов матбуот учун қисқача баёнот бериб, саммитнинг юксак савиясини намоён этувчи ушбу давлат ташрифидан кўзланган мақсад ҳамда вазифалар ҳақида сўзлади.

Ташриф расмий қисмининг дастлабки воқеаси Бош вазир Манмоҳан Сингх билан тор доирадаги учрашув бўлди. Унда икки мамлакат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболини атрофлича муҳокама қилиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига бевосита тааллуқли бўлган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, шунингдек, БМТ, ШҲТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги самарали ҳамкорлик юзасидан ўзаро ишонч ва очиқлик руҳида фикрлашдилар.

Музокарада икки томонлама, минтақавий ва глобал даражадаги деярли барча масалалар бўйича ёндашувларнинг ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди. Ўзбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам тенг ҳуқуқлилик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш асосида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Томонлар қўшни Афгонистондаги вазиятни муҳокама қилиб, ушбу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик қарор топиши муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Манмоҳан Сингхнинг расмий делегациялар аъзолари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган таркибдаги икки томонлама музокарасида ҳам шу ва бошқа масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Олий даражадаги музокарада савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодиёти юқори суръатларда ўсаётган Ўзбекистон ва Ҳиндистон учун икки томонлама товар айирбошлашнинг бугунги ҳажми қониқарли эмаслиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Ҳиндистоннинг бошқа олий мартабали раҳбарлари — Президент Пратибҳа Патил, Вице-президент, Парламентнинг юқори палатаси Спикери Ҳамид Ансари, ташқи ишлар вазири Соманахалли Малайя Кришна билан учрашиб, самарали музокаралар ўтказди. Ҳиндистон протоколига биноан Парламент қуйи палатасидаги мухолифат етакчиси Сушма Сварж билан мулоқотда бўлди.

Ўзбекистон раҳбари Маҳатма Ганди ёдгорлик мажмуига ташриф буюрди ва бутун умрини миллий озодлик курашига бахшида қилган ҳинд халқининг буюк фарзанди хотирасига ҳурмат бажо келтириб, гулчамбар қўйди.

Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма баёнотда таъкидланганидек, икки томонлама муносабатлар тенглик ва ўзаро англашув тамойиллари асосидаги узоқ муддатли стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Стратегик ҳамкорлик кенг кўламли йўналишларда, жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, терроризмга қарши кураш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, инсон ресурсларини, илм-фан

ва технологияларни, сайёҳлик ва маданиятни ривожлантириш соҳаларида ҳамкорликни фаоллаштиришни назарда тутади.

Ташриф асносида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик доирасида ёқилғи энергетикаси, ахборот технологиялари, тўқимачилик, фармацевтика, банк соҳаси ва савдо-сотиқни ривожлантириш борасида алоқаларни тубдан кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ташрифи асносида имзоланган иқтисодий соҳага оид ҳужжатларнинг умумий қиймати 2,2 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Томонларнинг умумий эътирофига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи якунлари, ўтказилган музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларнинг ҳамкорликнинг барча йўналишларида узоқ муддатга мўлжалланган стратегик шериклик тамойилларига асосланган янги босқичи учун мустаҳкам замин бўлади.

* * *

20 май. Президент Ислом Каримов «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Лукойл» компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Мулоқот чогида газ, газ конденсати ва нефть конларини ўзлаштириш борасида муайян объектлар бўйича имзоланган битимлар ўзининг юксак самарасини бераётгани таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистон Россия билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун «Лукойл» компаниясининг салоҳиятидан фойдаланишдан манфаатдор экани қайд этилди.

Учрашувда қўшма лойиҳалар ижросининг бориши ва ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

23 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Ҳелен Кларкни қабул қилди.

Меҳмон Ўзбекистон Республикасининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, Мингйиллик ривожланиш мақсадларида белгиланган асосий вазифаларни бажариш борасида эришаётган ютуқларига юксак баҳо берди.

Очиқлик ва ўзаро манфаатдорлик руҳида ўтган суҳбат чогида Ўзбекистон Республикаси билан БМТ Тараққиёт дастури ўртасидаги муносабатлар, жорий қўшма лойиҳаларни самарали амалга ошириш ва янгиларини ишлаб чиқиш билан боглиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

27 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотирасига Тошкент шаҳрида ҳайкал ўрнатиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 май. Президент Ислом Каримов «2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Денис Макдонани қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликка оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Меҳмон давлатимиз раҳбарига АҚШ Президенти Барак Обаманинг шахсий мактубини топширди ва АҚШ Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклашдаги иштирокини юксак қадрлашини қайд этди.

* * *

31 май. Президент Ислом Каримов «Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Литва Республикаси ташқи ишлар вазири Аудронюс Ажубалисни қабул қилди. Учрашувда ЕХҲТ олдида турган вазифалар, Литванинг ушбу тузилмадаги раҳбарлиги, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Шунингдек, ЕХҲТни тубдан ислоҳ қилиш ва ушбу ташкилот доирасида давлатларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш нуқтаи назаридан

томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мулоқотда савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик, жумладан, Ўзбекистонда Литва компаниялари иштирокида юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш учун салмоқли захиралар мавжудлиги таъкидланди.

* * *

13 июнь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Президенти Дмитрий Медведев амалий ташриф билан Тошкентга келди.

Кўксарой мажмуасида икки давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Юртбошимиз меҳмонни юртимизга ташрифи билан самимий қутлар экан, Россия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи юксак даражадаги ўзаро муносабатларнинг яққол далили эканини таъкидлади.

Томонлар бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини қайд этди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ўз самараларини бермоқда.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Россия учрашувида икки томонлама ҳамкорликка оид муҳим масалалар билан бир қаторда, халқаро сиёсатга доир долзарб муаммолар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, Марказий Осиёда сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Минтақанинг трансчегаравий дарёларида гидротехник иншоотлар қуриш учун қўшни мамлакатларнинг розилигини олиш ҳамда бундай лойиҳаларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Томонлар минтақадаги вазиятни ҳам муҳокама қилдилар. Барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши давлатлараро ва минтақалараро ҳамкорликнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев икки томонлама муносабатларга доир муҳим масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар. Олий даражадаги мазкур учрашув ўзаро муносабатлар ва томонларни қизиқтирган бошқа кўплаб долзарб масалалар юзасидан ёндашувларни солиштириб олиш учун яхши имконият бўлди.

* * *

14 июнь. Президент Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига келди. Ушбу учрашув Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон давлатлари томонидан 2001 йил 15 июнда асос солинган ШҲТнинг юбилей саммитидир. Давлатимиз раҳбари ўтган саммитлардан бирида таъкидлаганидек, «ШҲТ умумий чегаралар, яқин тарихий-маданий, анъанавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларга эга давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилмаган ва қарама-қаршилик қиладиган блок хусусиятига эга эмас».

Саммитнинг биринчи куни дастури доирасида ШҲТга аъзо давлатлар, кузатувчи давлатлар раҳбарлари ва бошқа иштирокчилар учун «Қозоғистон» марказий концерт залида юбилей концерти намойиш этилди.

* * *

15 июнь. ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши расмий дастури Мустақиллик саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Роза Отунбоева, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирокида тор доирадаги учрашувдан бошланди.

Мажлисда ШҲТ доирасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатга оид долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти ШҲТнинг ўн йиллик фаолиятига баҳо берар экан, тарихан қисқа вақт ичида Ташкилот эътиборли ва нуфузли халқаро тузилма сифатида шаклланганини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари Ташкилот доирасидаги ҳамкорлик истиқболларига тўхталар экан, бунда ШҲТ хартиясидаги мақсадлар, вазифа ва тамойилларга тўла мос равишда синовдан ўтган сиёсатни давом эттириш, «Шанхай жараёни»нинг барча иштирокчилари манфаатларига бирдек жавоб берадиган ҳамкорликнинг асосий йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш устувор жиҳатлар эканини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов ШҲТни янада муваффақиятли ривожлантириш аъзо давлатларнинг муайян амалий натижаларга эришишига, аввало, барқарор тараққиётни таъминлаш ва бутун минтақа мамлакатлари аҳолиси фаровонлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларига боғлиқ эканини қайд этди.

Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо берар экан, дунёда хавфсиз-

этиб, харидор ва сотувчилар учун зарур шарт-шароитларга эга бўлди.

Президентимиз Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйига ташриф буюриб, тарбияланувчилар ва мураббийлар билан суҳбатлашди. Юзга яқин ўғил-қиз тарбияланаётган мазкур муассасада болаларнинг замон талаблари асосида билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ва спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Юртбошимиз Меҳрибонлик уйига замонавий микроавтобус совға қилди.

Президентимиз сафарининг иккинчи куни реконструкция ва модернизациялаш ишлари амалга оширилаётган Навоий шаҳар аэропорти билан танишувдан бошланди. Давлатимиз раҳбари муҳим стратегик объект ҳисобланган аэропортнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, бир йил аввал Навоий вилоятига ташрифи чоғида билдирган танқидий фикрлари асосида бу ерда салмоқли ишлар бажарилганини таъкидлади.

Юртбошимиз Қизилтепа туманидаги Навбоғ қишлоғида бўлиб, деҳқонлар билан суҳбатлашди. Уларнинг яшаш шароити, орзу-режалари билан қизиқди, шунингдек, «Заргарон баракали ҳосил» фермер хўжалигида бўлиб, ғалла ўрим-йиғимининг бориши билан танишди. Бобожон Каримов раҳбарлик қилаётган хўжалик аъзолари билан мулоқотда бўлди. Давлатимиз раҳбари фермерлик, аввало, масъулият эканини алоҳида таъкидлаб, улар замон талабларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бориши, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши зарурлигини қайд этди.

Кармана туманидаги Ортиқ Сувонов раҳбарлик қилаётган «Парда бобо» фермер хўжалигида бўлиб ўтган учрашувда бугунги фермер ҳам деҳқон, ҳам иқтисодчи, ҳам агроном, ҳам менежер бўлмоғи даркор, деди Юртбошимиз. Ана шундагина у кўзлаган мақсадига эришади.

* * *

21 июнь. Президент Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Наманган ва Андижон вилоятларига ташриф буюрди.

Юртбошимиз реконструкция қилинаётган Наманган аэропортида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Мазкур аэропортни замонавий талабларга мос, юқори даражада сервис хизмати кўрсатадиган, йўловчилар учун барча қулайликларга эга ҳаво портига айлантириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Наманган филиали Тўрақўрғон туманида жойлашган. Давлатимиз раҳбари ушбу илмий марказда олимлар ва бир гуруҳ фермерлар билан суҳбатлашди. Уларнинг меҳнат ва турмуш шароити билан қизиқди.

Президентимиз қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада оширишга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Зеро, халқнинг тўкинлиги кўп жиҳатдан қишлоқларимиз фаровонлиги билан боғлиқ.

Косонсой туманидаги «Тошкент» фермер хўжалиги раҳбари Каримахон Бобохонова, «Чашмаи сафед» фермер хўжалиги бошлиғи Ҳамидхон Мўйдинхўжаев, Мингбулоқ туманидаги «Юсуф бобо» фермер хўжалиги раҳбари Ҳакимжон Юсупов фермерлик соҳасида эришган ютуқлари тўғрисида гапириб, бунинг учун яратилган шарт-шароит учун Юртбошимизга миннатдорлик билдиришди.

Учрашувда Президентимиз унумдорлиги паст ерларда деҳқончилик қилаётган фермерларга муайян имтиёзлар бериш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг тақдири фақат деҳқончилик билан боғланиб қолмаслиги, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун уларга янада кенгроқ имкониятлар яратиб бериш лозимлигини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари Наманган шаҳридаги «Saydana» тиббиёт маркази фаолияти билан танишди. Ушбу марказда замонавий лаборатория, радиология, эндоскопия, кардиология бўлимлари мавжуд.

Ислом Каримов шаҳарнинг «Тинчлик» майдонида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Наманганнинг асосий майдони баҳаво ва яшил ҳудудга, вилоят аҳлининг севимли масканига айланиши лозимлигини алоҳида уқтирди.

Президентимиз Ислом Каримов куннинг иккинчи ярмида Андижон вилоятига ташриф буюрди. Юртбошимиз Олтинкўл туманидаги «Ихлос барака» фермер хўжалиги шийпонида фермерлар, туман ҳокимлари, банклар раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашув чоғида бугунги кунда фермерлик ҳаракати вилоятда қандай ривожланаётгани, мулкка, ерга эгалик туйғуси қай даражада шаклланаётгани, шунингдек, фермерларнинг эришган ютуқлари ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш учун ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар билан қизиқди.

Ислом Каримов вилоятнинг Балиқчи туманидаги «Алишер Навоий» акциядорлик жамиятида бўлиб, ушбу корхона фаолияти билан танишди. Бу ерда ҳар куни 25 тонна тола қайта ишланади ва сифатли ип-газлама тайёрланади. Юртбошимиз ишчилар билан

ят касб этишини тажрибали деҳқонларимиз яхши билади, — деди Ислом Каримов. — Бу йил ҳавонинг нисбатан қуруқ келгани деҳқонларимиз учун бирмунча қийинчиликлар туғдирган бўлса-да, улар ўз тажрибаси, маҳорати ва бетиним меҳнати билан барча машаққатларни енгиб, мўлжалдаги ҳосилни олиш чораларини кўрмоқдалар.

Президентимиз мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, муаммоларни вақтида ҳал этиш зарурлигига эътиборни қаратар экан, намликни сақлаш борасида тажрибали деҳқонларимиз қўллаб келган усул — ерни маҳаллий ўғитга тўйдириш, шарбат усулида суғоришдан самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Юртбошимиз Қарши туманидаги «Бахт» фермер хўжалиги ҳузурида ташкил этилган Фермерларга илмий-амалий маслаҳат бериш маркази фаолияти билан танишди. Хўжалик дала шийпонида фермерлар, вилоят фаоллари, ёшлар билан суҳбатлашди.

Ислом Каримов фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз юритар экан, фермерлар наинки иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ҳам таянчига айланиб бораётганини таъкидлади.

Президентимиз суҳбат асносида одамларнинг онгу тафаккуридаги, турмушидаги ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратди. Ижтимоий-маънавий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларига тўхталди. Фарзанд тарбияси, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳақида сўз юритди.

— Энг илғор фан ютуқлари, замонавий технологиялар, ёшларимизнинг юксак интеллектуал салоҳияти мамлакатимиз буюк келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, — деди Юртбошимиз. — Ёшларимиз замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллаша олишлари лозим. Чунки бизнинг ёшларимиз ҳеч кимдан кам эмас, кам бўлмайди ҳам.

* * *

27 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан республика матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

28 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерациясининг Ҳарбий-техникавий ҳамкорлик бўйича федерал агентлиги директори Михаил Дмитриевни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, бу соҳадаги икки томонлама алоқаларнинг устувор йўналишлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Меҳмон самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тарафдори эканини таъкидлади.

* * *

5 июль. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Чжао Сяо, Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жорж Крол, Вьетнам Социалистик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ле Мань Луан ва Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Анварбек Мокеев ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

7 июль. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 июль. Президент Ислом Каримов «Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

22 июль. Президент Ислом Каримов давлатга дон тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли адо этган Ўзбекистон ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

26 июль. Президент Ислом Каримов «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 август. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланган янги китоби нашр этилди. Китобдан Юртбошимизнинг мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва мустақилликнинг дастлабки даврида (1989—1991 йилларда) олиб борган жўшқин ва серқирра сиёсий-ижтимоий фаолиятини акс эттирадиган маъруза ва нутқлар, суҳбат, мақола ва интервьюлар ўрин олган.

* * *

23 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 август. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Кўксарой қароргоҳида Корея Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президент Ислом Каримов ва Президент Ли Мён Бак шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Давлатлар раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Ли Мён Бакнинг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда икки томонлама муносабатларга доир масалалар, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди.

Давлатимиз раҳбари Президент Ли Мён Бакнинг ушбу давлат ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихидаги муҳим воқеа эканини, қарор топган сиёсий мулоқот мантиқий ва изчил давом этаётганидан ҳамда давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги шериклик ва ҳамкорликка янада кучли суръат бахш этиш борасидаги қатъий азму шижоатнинг муштараклигидан далолат сифатида баҳоланишини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида муваффақиятли ва ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорлик борасида катта тажриба тўпланди. Корея Республикаси мамлакатимизнинг энг йирик савдо шерикларидандир. Ўзаро ҳамкорлик даврида Корея Республикаси томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган сармоянинг умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларидан ошди, ўзлаштирилган, асосан тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил қилади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Жанубий Корея Президенти Ли Мён Бакнинг ташрифи доирасида икки томонлама сармоявий ҳамкорликка оид ғоят муҳим лойиҳанинг амалий ижроси — Устюрт газ-кимё мажмуи қурилиши бошланишини, унга рамзий тамал тоши қўйилишини алоҳида таъкидлади. Бу мажмуани барпо этиш ишларига 2,6 миллиард доллардан ортиқ тўғридан-тўғри сармоя киритиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистонда Навоий шаҳрида эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш ҳамда қитъалараро логистика марказини барпо этиш лойиҳаларининг Жанубий Корея ҳукумати ва ишбилармон доиралари томонидан қўллаб-қувватланаётгани юксак қадрланади. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги дастлабки маҳсулот айнан кореялик шериклар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилганида, шубҳасиз, чуқур маъно бор.

Музокарада томонлар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида маданий-гуманитар соҳаларда серқирра алоқалар қарор топганини таъкидлаб, келгусида таълим, жумладан, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) йўналиши бўйича, тиббиёт, сайёҳлик, спорт соҳаларида, шунингдек, талабалар алмашуви ва илмий-академик доираларнинг муносабатлари каби соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун барча қулай шарт-шароитни яратишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ўз аксини топган.

Шунингдек, саноат ва энергетика соҳасида ҳамкорлик, инжиниринг хизмати, ускуна етказиб бериш ва қурилишга оид қатор ҳужжатлар имзоланди. Умуман олганда, ташриф доирасида умумий ҳисобда йигирмадан зиёд ҳужжат имзоланиши режалаштирилган бўлиб, улар Ўзбекистон — Жанубий Корея стратегик шериклигини кўплаб соҳаларда янги мазмун билан бойитиш ва ўзаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Ли Мён Бак музокаралар самарали, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини тубдан оширишга, икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Ислом Каримов Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида босиб ўтган барча йиллар давомида Корея Республикаси мамлакатимизнинг вақт синовидан ўтган ва ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шериги бўлиб келгани ва

бўлиб қолишини, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва чуқур модернизациялаш бўйича кенг кўламли миллий дастурларимизни амалга оширишда юртимизни қўллаб-қувватлаётганини таъкидлади.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар.

Мартабали меҳмон халқимизга ҳурмат-эҳтиромини изҳор этиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз, эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ли Мён Бак бу майдон муҳташам бинолари, кўркам боглари, гўзал фавворалари билан яхлит ансамбль ҳосил қилганини таъкидлади. Олий мартабали меҳмон бу ерда яратилган меъморий асарлар табиатнинг гўзал инъомлари билан моҳирона уйғунлаштирилгани ўзида катта таассурот қолдирганини алоҳида қайд этди.

Шу куни «Ўзэкспомарказ»да Ўзбекистон — Жанубий Корея сармоявий ҳамкорлигининг энг йирик ва истиқболли лойиҳаси ижроси — Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши бошланишига бағишланган маросим бўлди.

Президент Ислом Каримов ушбу улкан лойиҳанинг амалга оширилиши муҳим тарихий воқеа эканини, айниқса, қурилиш ишлари Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида бошланаётгани унинг аҳамиятини янада оширишини таъкидлади.

Ли Мён Бак Устюрт газ-кимё мажмуи Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигида амалга оширилаётган энг йирик қўшма лойиҳа эканини, инжиниринг, ускуналар етказиб бериш, қурилиш ишларида Корея Республикасининг йирик компаниялари иштирок этаётганини таъкидлади. Бу ўзаро ишонч ва ҳамкорликдан манфаатдорликнинг ёрқин намунасидир.

Устюрт газ-кимё мажмуи ишга тушгач, йилига 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқарилади. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши билан Қорақалпоғистонда МДҲда ушбу соҳадаги энг йирик мажмуа қад ростлайди. Натижада Қорақалпоғистон мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бирига айланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Муса Ерниязов ва Корея Республикаси газ корпорацияси президенти Чу Канг Су мажмуа қад ростлайдиган жойга ўрнатилган эсдалик тамал тоши устидан пардани туширдилар. Унга қуйидаги сўзлар битилган: «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг ташаббуси билан 2011 йил 24 август куни Сурғил кони негизидаги Устюрт газ-кимё мажмуи пойдеворига тамал тоши қўйилди».

Корея Республикаси Президентининг ташрифи ва мана шу тарихий воқеа Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланадиган кунларга тўғри келганида ҳам чуқур маъно бор. Бу икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорликка муштарак интилишларини кўрсатиш баробарида, халқларимизнинг миллий-маънавий қадриятларига юксак ҳурмат-эътиборни ҳам намоён этади.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Сенатининг қатор нуфузли қўмиталари аъзоси, Жанубий Каролина штатидан сайланган республикачи-сенатор Линдсей Грэхемни қабул қилди.

Мулоқот чоғида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кенг кўламли масалалар юзасидан фикр алмашилди. Жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш муаммоси муҳокама қилинди. Ўзбекистон Афғонистонда тинч ҳаётни тиклаш ишларида фаол иштирок этмоқда.

Учрашувда Афғонистоннинг иқтисодий тикланиши мамлакатда сиёсий барқарорлик

ўрнатилиши ва аҳолининг бунёдкорлик фаолиятига жалб қилинишининг муҳим шарти эканлиги таъкидланди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан хорижий давлатларнинг бир гуруҳ фуқароларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

27 август. Эл-юртимиз, бутун халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллик қутлуғ байрамини нишонлаш арафасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида том маънода улкан воқеалар юз берди.

Ана шу воқеалар силсиласида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг нашр этилиши моҳият эътибори билан, ҳеч шубҳасиз, алоҳида ўрин эгаллади. Қанчақанча аждодларимизнинг асрий орзуси бўлган, кўпмиллатли халқимиз учун энг улуғ, энг азиз қадриятга, барча эзгу мақсад ва ҳаракатларимиз, бунёдкорлик ишларимизнинг ҳаётбахш манбаига айланган мустақилликка эришиш йўлида 1989—1991 йиллар мобайнида олиб борилган ўта оғир ва машаққатли курашлар тарихи бу китобнинг бош мавзусини ташкил этади. Ушбу китоб ҳақидаги фикр-мулоҳазалар «Истиқлолимиз тарихининг ёрқин кўзгуси» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов Тошкентдаги автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхона ва аэровокзалда амалга оширилган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ҳудудида барпо этилган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган «General Motors Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонаси ва Тошкент аэропорти маҳаллий авиалинияларининг янги аэровокзали ҳам энг улуғ, энг азиз байрамимизга муносиб туҳфа бўлди.

Юртбошимиз «General Motors Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонасига ташриф буюрди ва унинг фаолияти билан танишди.

Мазкур йирик қўшма корхонага давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 16 декабрда қабул қилинган хорижий инвестициялар иштирокида куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган «General Motors Powertrain Uzbekistan» корхонасини ташкил қилишга оид қарори асосида пойдевор қўйилган эди. Умумий қиймати 521,8 миллион АҚШ долларини ташкил қиладиган ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида ўтган қисқа вақт ичида юртимизда ноёб ва мураккаб ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилди. Бундай корхоналар дунёнинг саноқли мамлакатидагина мавжуд.

Янги корхона 40 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, шундан 44,7 минг квадрат метрида бевосита ишлаб чиқариш қувватлари жойлашган.

Қўшма корхонада йилига 1,5 литр (115 от кучига эга) ва 1,2 литр (82 от кучига эга) сиғимдаги 225 минг дона BDOHC янги авлод двигателлари ишлаб чиқарилади. Кичик ҳажмдаги двигателларнинг бу янги авлодлари «General Motors» томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу компаниянинг глобал моделларига ўрнатилади. Корхона маҳсулотларидан нафақат Ўзбекистондаги, балки «GM»нинг глобал тармоғига кирувчи хориждаги бошқа автомобилсозлик корхоналари ҳам фойдаланади.

Давлатимиз раҳбари корхонада фаолият кўрсатаётган хорижлик мутахассислар, мамлакатимиз ёшлари билан суҳбатлашди.

— Ушбу йирик лойиҳа истиқлол йилларида асос солинган мамлакатимиз автомобиль ишлаб чиқариш саноати ривожидаги янги қадамдир, — деди Ислом Каримов. — Замонавий стандартлар асосида, энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган мана шундай мураккаб ишлаб чиқариш объектларида ёшларимизнинг меҳнат қилаётгани ҳаммамизга катта қувонч бағишлайди.

Президентимиз двигателларга ишлов бериш жараёнида ўта аниқликни, юқори сифатни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Деталларнинг сифат назоратини юқори масъулият билан ташкил этиш, энг замонавий синов-рентген аппаратларидан унумли фойдаланиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Юртбошимиз шундай мураккаб технологик ускуналарни маҳорат билан бошқараётган ёшлар билан суҳбатлашди.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёни тўла компьютер технологиялари ёрдамида бошқарилади. Шу сабабли мамлакатимиз раҳбари ягона электрон ахборот тизими хавфсизлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини уқтирди.

Ислом Каримов Тошкент аэропортида истиқлолимизнинг 20 йиллик байрами арафасида қурилиши ниҳоясига етказилган маҳаллий авиалинияларнинг янги аэровокзали билан танишди.

Бу ерда яратилган шарт-шароит билан танишар экан, йўловчилар хавфсизлигини кафолатли таъминлаш устувор аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Йўловчилар учун барча қулайликлар муҳайё этилган ушбу замонавий аэровокзал юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонларга жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатиш имконини беради.

* * *

31 август. «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида халқимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиш маросими ўтказилди. Анъанага кўра ош тортилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Президент Ислом Каримов иштирок этди.

— Биз мустақиллик, тинчлик-осойишталик каби неъматларнинг нақадар улуғ ва қадрли эканини, аввало, ана шу йўлда курашган, керак бўлса, жонини фидо қилган инсонлар тимсолида, уларнинг мураккаб ҳаёт йўлида кўрамиз. Ёшлар ўз юртини севиши учун, аввало, ота-боболарининг жасоратини, ҳозирги ёруғ кунларга қандай машаққат ва қийинчиликлар эвазига эришилганини теран англаши, шунга муносиб бўлиши лозим, деди давлатимиз раҳбари.

Шу куни Президентимиз Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари билан танишди. Юртимизнинг бош майдони ва унга туташ бўлган Анҳорбўйи сўнгги йилларда ғоят кўркам ва сўлим масканга айланди. Серсоя дарахтлар, турфа гуллар, оқаётган зилол сув — бу бетакрор манзара майдонга ўзгача гўзаллик ва осудалик бағишлаган.

Пойтахтимиз ва юртимизнинг барча жойларида яратилаётган мана шундай гўзал ва хушманзара масканлар, аввало, юртимиз тинчлиги ва осойишталигининг ўзига хос кўркидир, деди Ислом Каримов. Бундай масканлар инсонни эзгуликка ундайди. Гўзаллик эса яхшилик, эзгулик туйғусини яратади, одамлар қалбида меҳр-оқибат, ўзаро ҳамкорлик ришталарини ривожлантиради. Шунинг учун бундай хушманзара жойларни юртимизнинг барча ҳудудларида янада кўпайтириш даркор.

Президентимиз майдон атрофини ободонлаштириш, ландшафт-дизайнини янада такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий богида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

6 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Саккизинчи қўшимча баённомани (Женева, 2008 йил 12 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси билан Қатар Давлати ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш тўғрисидаги Битимни (Доҳа, 2010 йил 24 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 сентябрь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Юрай Сивачек, Саудия Арабистони Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Абдураҳмон бин Абдулла бин Абдураҳмон аш-Шае, Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Анумула Гитеш Сарма ва Италия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Риккардо Манардан ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

13 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш тўғрисида Озарбайжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Битимни (Остона, 2006 йил 24 июль) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

19 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Сасол» компанияси (Жанубий Африка Республикаси) бош ижрочи директори Дэвид Констебль ва «Петронас» корпорацияси (Малайзия) президенти Дато Шамсул Азҳар Аббосни қабул қилди.

Мамлакатимизда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси «Сасол» ва «Петронас» компаниялари билан биргаликда Шўртан газкимё мажмуида ишлаб чиқариладиган метан газидан синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқарадиган завод қуриш бўйича қўшма лойиҳани амалга оширмоқда. Ушбу лойиҳа МДҲ ва Европада ягона бўлиб, юқори технология ва инновациялар асосида экологик тоза синтетик суюқ ёнилги, аввало, Евро-IV, Евро-V стандартларига мос дизель ёқилгиси ва авиакеросин ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этишни назарда тутади.

Мулоқот чогида қўшма лойиҳалар ижросининг бориши кўриб чиқилди, сармоя ва юқори технологиялар соҳаларида шериклик алоқаларини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

* * *

22 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси Раиси У Бангони қабул қилди.

Меҳмон давлатимиз раҳбарини Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги билан самимий қутлаб, пухта ўйланган ва самарали ислоҳотлар туфайли халқимиз тарихан қисқа муддатда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида улкан ютуқларга эришганини қайд этди. Хитой учун Ўзбекистон яқин шерик эканини ва ХХР мамлакатимиз билан муносабатларни узоқ муддатли асосда ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстона муносабатларни, жумладан, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов билан АҚШ Президенти Барак Обаманинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. АҚШ Президенти Барак Обама Президент Ислом Каримов ва Ўзбекистон халқини Мустақилликнинг 20 йиллиги билан табриклади ва ўзининг равнақ ва фаровонлик билдирилган самимий тилакларини изҳор этди.

Америка Қўшма Штатлари Президенти Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёт даврида эришган ютуқларига юксак баҳо берди. Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги роли муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шунингдек, АҚШ мамлакатимиз билан кенг кўламли савдо-иқтисодий ва инвестиция лойиҳалари бўйича ҳамкорликни изчил давом эттириш, икки мамлакат фуқаролик жамиятлари ўртасида мулоқотни йўлга қўйиш тарафдори экани қайд этилди.

Давлатлар раҳбарлари нафақат кенг кўламли икки томонлама ҳамкорлик доирасида, балки минтақавий ва халқаро муаммолар юза-

сидан истиқболли ўзаро ҳамкорлик йўналишлари нуқтаи назаридан ҳам умумий манфаатлар мавжудлигини таъкидладилар.

Президент Барак Обама Ўзбекистоннинг афғон муаммосини ҳал этишда ва Афгонистонга мамлакатни тинч йўл билан тиклашда кўрсатаётган ёрдами учун АҚШ ҳукуматининг миннатдорлигини изҳор этди.

Икки давлат раҳбарлари очиқ ва кенг кўламли сиёсий мулоқотни давом эттиришга тайёр эканликларини, ўзаро ҳурмат ва ишонч принциплари асосида Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигини янада ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидладилар.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Жиноят ишини юритиш чогида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

30 сентябрь. Президент Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Наманган ва Андижон вилоятларида бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов вилоятга сафарини Наманган туманидаги «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойлар билан танишишдан бошлади.

Давлатимиз раҳбари намунавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш масаласига комплекс ёндашиш, бундай янги қишлоқларда аҳолининг эҳтиёжларини, узоқ истиқболни ҳисобга олган ҳолда мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, маданий-маиший объектлар қуришга алоҳида эътибор қаратди.

Президентимиз янги лойиҳада уй-жой қурилиши учун ажратилган ер майдони 4 сотихдан 6 сотихга кўпайтирилгани, автомобиль учун алоҳида дарвоза ва уни сақлаш учун махсус айвон кўзда тутилгани, хоналар халқимизнинг менталитети ва турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилгани ҳамда улар майдони кенгайгани одамларимизнинг талаб ва истакларига жавоб беришини қайд этди.

Юртбошимиз янги уй соҳибларидан бири — Зокиржон Fозиев хонадонида бўлиб, янги, такомиллаштирилган лойиҳа асосида қурилган ана шундай уй-жой, бу ерда яратилган қулайликлар билан танишди, хонадон соҳибларининг ҳаёти, орзу-истаклари билан қизиқди.

— Янги уй-жойларни пухта лойиҳа асосида шундай мустаҳкам қурайликки, бундай уйларда келгуси авлодлар ҳам роҳат-фароғатда ҳаёт кечирсин, — деди Юртбошимиз. — Фаровон ҳаёт одамларимизнинг умумий турмуш маданияти, маънавиятининг янада юксалишига хизмат қилади. Чунки, изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг пировард мақсади ҳам аввало халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдан иборатдир.

Ислом Каримов Наманган туманидаги «Барака» фермер хўжалиги далаларида фермерлар билан суҳбатлашди. Мулоқот чоғида Президентимиз фермерлик ҳаракати давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат иқтисодий, ижтимоий, балки сиёсий ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутаётганлигини таъкидлади.

Ислом Каримов Наманган туманидаги «Истиқлол» ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан танишди. Туманнинг Қумқўргон қишлогида фаолият кўрсатаётган мазкур корхонада замонавий технология асосида ўнлаб турдаги костюмлар, куртка, пальтолар тикилмоқда.

— Либос — инсон зийнати, — деди Ислом Каримов. — Чиройли кийинган кишининг кайфияти ҳам шунга яраша бўлади, албатта. Бугун халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг кийинишга, кийим танлашга, модага бўлган эътибори, эҳтиёжи ва талаби тамомила ўзгарган. Бугунги ёшларимиз гўзалликда, дид билан кийинишда дунёнинг манаман деган мамлакатлари ёшларидан ҳеч ҳам кам эмас. Шу маънода, халқимизнинг, фарзандларимизнинг ўсиб бораётган талабини ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий ва сифатли маҳсулотлар ҳисобидан қондириш муҳим вазифа. Мана бундай корхоналарни янада кўпайтириш, истеъдодли, замон талабларию бозор эҳтиёжини чуқур биладиган,

яратувчанлик қобилиятига эга ёш тадбиркорларимизни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг йўлини янада кенгроқ очиш, қўллаб-қувватлаш лозим.

Ислом Каримов Наманган шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Наманган шаҳрининг Дўстлик шоҳкўчасида қурилган йўл ўтказгич билан танишди. Ушбу иншоот қурилиши натижасида шаҳарнинг марказий кўчаларида транспорт воситалари тирбандлиги бартараф этилиб, хавфсиз ва узлуксиз ҳаракат таъминланди. Шунингдек, бу ерда пиёдалар учун йўлаклар, ўтиш йўллари, ёритиш тизими ва замонавий бекатлар барпо этилди.

Президентимиз қурилиш-ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш юзасидан мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарларига тегишли кўрсатма ва топшириқлар берди.

Ислом Каримов Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» спорт мажмуасида ёшлар билан мулоқотда бўлди. Президентимиз бу ерда бокс, стол тенниси, бадиий гимнастика, қўл тўпи, сузиш билан шуғулланаётган спортчилар билан суҳбатда фарзандларимизнинг халқаро мусобақаларда эришаётган муваффақиятлари барчамизга ғурур ва ифтихор бахш этаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, фарзандларимизнинг замонавий билимларни эгаллаш борасидаги интилишларига оид фикр-мулоҳазалар Президентимизнинг шаҳардаги «Ёшлар маркази»да бир гуруҳ иқтидорли ёшлар билан суҳбати чоғида ҳам давом этди.

Президент Ислом Каримов Наманган шаҳар ҳокимлигида вилоят фаоллари билан учрашди.

Мулоқот чогида вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, Наманган шаҳрини 2009—2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури, вилоятда саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид Президент қарорларининг ижроси муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов шу куни Андижон вилоятига келди.

Андижон вилоятида Президентимиз Ислом Каримовнинг ғояси ва ташаббуси билан бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда. Шаҳар ва қишлоқлардаги ободонлаштириш ишлари, бунёд этилаётган кўркам уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар, боғ ва хиёбонлар вилоят қиёфасини бутунлай ўзгартириб, аҳоли фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Президентимиз Андижон тумани Ўрикзор маҳалласида қад ростлаган намунавий лойиҳадаги уй-жойлар билан танишди.

Ислом Каримов янги уй-жойлардан бирида — «Омад-97» фермер хўжалиги раҳбари Омадхон Ҳомидова хонадонида бўлиб, у ердаги шароит, қулайликлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари уйларнинг қурилишида энг кичик деталларни жойлаштириш ҳам инобатга олинганини юксак баҳолади.

Юртбошимиз Андижон шаҳрининг янгидан барпо этилган Ўзбекистон кўчаси ва унда қад ростлаган замонавий бинолар билан танишди.

— Андижон ўзига хос шаҳарсозлик анъанасига, ўз қиёфасига эга бўлиши лозим, — деди давлатимиз раҳбари. — Ҳар бир йўлни қуриш, реконструкция қилишда автомобилларнинг ҳаракатланиши ва уларнинг йилдан-йилга кўпайиб боришини ҳисобга олиш зарур.

Юртбошимиз шаҳардаги транспорт воситаларининг ҳаракатини янада такомиллаштириш, аҳолининг савдо ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларидан фойдаланишлари учун янада кенгроқ шароит яратиш, кўчаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

* * *

3 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Вьетнам Социалистик Республикаси Бош вазири Нгуен Тан Зунгни қабул қилди. Учрашувда томонлар умумий мақсад — ўзаро савдони муттасил ошириш ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш учун барча имкониятлар ва шарт-шароитлар мавжудлигини таъкидлади.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Петровьетнам» компанияси ўртасида сармоявий ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. 2010 йилнинг январь ойида имзоланган битим доирасида Устюрт минтақасидаги Коссор сармоявий блокида геология-қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Томонлар атрофлича ва очиқ фикр алмашув чоғида ўзларини қизиқтирган кенг кўламли масалаларни муҳокама қилдилар.

* * *

4 октябрь. Президент Ислом Каримов «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 октябрь. Президент Ислом Каримов «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 октябрь. Президент Ислом Каримов «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 октябрь. Президент Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Фаргона вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга сафарини Олтиариқ туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узоқ муддат ва сифатли сақлашга ихтисослашган корхона фаолияти билан танишишдан бошлади.

Президентимиз Учкўприк туманидаги «Файз» фермер хўжалиги далаларида илғор фермерлар билан мулоқотда бўлди. Юртбошимиз фермерлар наинки иқтисодий, ижтимоий, балки сиёсий ҳаётимизнинг ҳам таянчига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари фермер фаолияти фақат ғалла ёки пахта етиштириш билан чекланиб қолмаслиги кераклигини, улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш, шу орқали қишлоққа саноатни олиб кириш ва пировардида аҳоли фаровонлигини оширишда, қишлоқ ҳаётини тубдан ўзгартиришда етакчи кучга айланиши лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз Қўқон шаҳрида барпо этилган «Индорама Қўқон текстиль» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

Умумий қиймати 43 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон толасидан халқаро стандартларга мос, сифатли йигирилган ип ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсулотлари Испания, Бельгия, Франция, Италия, Туркия, Бразилия, Аргентина, Перу, Венесуэла, Доминикан Республикаси ва Бангладеш каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Корхонадаги суҳбат чогида хорижлик сармоядорлар ўзбек пахтаси аъло сифати, микронейр кўрсаткичлари юқорилиги, тозалиги билан бутун дунёда машҳурлиги ва унга талаб катта эканлигини таъкидлади.

Ислом Каримов бу ерда ишлаётган ёшларнинг меҳнат шароитлари, уларга яратилган қулайликларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Қўқон шаҳрида амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишар экан, Ўрда майдонида амалга оширилган ишларга юқори баҳо берди. Бу маскан қўқонликлар ва меҳмонлар дам оладиган гўзал ва файзли гўшага айланганини таъкидлади. Шаҳарнинг ўзига хос тарихи ҳақида тасаввур берувчи обидаларни асраб-авайлаш, унинг серқирра маданиятини намойиш этиш учун турли тарихий экспонатлардан фойдаланиш, шаҳар шароитига мос дарахт ва гуллар экиш юзасидан тавсиялар берди.

Президентимиз янги қиёфа касб этган Истиқлол кўчаси, Жоме меъморий мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишди. Қўқонликлар билан мулоқотда бўлди.

— Амалга оширилаётган бундай улкан бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳаларнинг барчаси ягона мақсадга — юртимиз, жумладан, Қўқон шаҳри иқтисодиётини юксалтириш, халқимиз ҳаётини янада фаровон этишга қаратилган, — деди Ислом Каримов. —Фарғона аҳлининг, Қўқон аҳлининг бундай эзгу орзу-интилишлари, келажакка катта ишонч билан яшаётгани барчамизни хурсанд қилади. Бошлаган эзгу ишларимизни изчил давом эттириш доимий вазифамиздир.

Давлатимиз раҳбарининг Қўқонда янги бунёд этилган Болалар спорт мажмуаси билан танишуви ва ёш авлод вакиллари билан суҳбати чогида бу масалаларга яна бир бор эътибор қаратилди.

Ислом Каримов бундай замонавий спорт мажмуалари ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан соглом вояга етиши, уларнинг интилишларига қанот бағишлаши, фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топиши учун яратилаётган кенг имконият ва шароитларнинг яққол намоёни эканини таъкидлади.

Президентимиз Фаргона вилояти фаоллари билан учрашди. Вилоятни ҳар томонлама тараққий эттириш, Фаргона ва Қўқон шаҳарлари инфратузилмасини, транспорт-коммуникация тизимларини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва бу борадаги устувор вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

* * *

11 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШнинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Марк Гроссман ҳамда ГФР ҳукуматининг Афгонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Михаэль Штайнерни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш борасида уларнинг зиммасига юкланган вазифанинг нечоғлик муҳим ва масъулиятли эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонда умуммиллий ярашувга эришишдаги иштирокига оид масалалар ҳамда Ўзбекистоннинг АҚШ ва Германия билан ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболлари хусусида батафсил фикр алмашилди.

* * *

12 октябрь. Президент Ислом Каримов «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 октябрь. Президент Ислом Каримов «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли адо этган Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

22 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Ҳиллари Клинтонни қабул қилди.

Ислом Каримов Ҳиллари Клинтон билан суҳбат чоғида АҚШ Президентининг мамлакатларимиз ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттириши лозим, деган фикрини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

АҚШ Давлат котиби, ўз навбатида, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирар экан, АҚШ Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

Америка маъмуриятининг юқори мартабали вакили Ўзбекистон минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида конструктив сиёсат олиб бораётганини ва бу ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини қайд этди. Икки давлат раҳбарлари ўртасида яқинда бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот чоғида ҳам мамлакатларимиз минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлиги таъкидланган эди. Ҳиллари Клинтон Афғонистон муаммосини ҳал этиш ҳамда Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши йўлида Ўзбекистон кўрсатаётган катта ёрдам учун Президент Ислом Каримовга АҚШнинг миннатдорлигини изҳор этди.

Томонлар икки мамлакат фуқаролик жамиятлари ўртасида мулоқотни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Автомобилсозлик соҳасида изчил ривожланаётган ўзаро манфаатли алоқалар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг яққол намуналаридан биридир. Хусусан, энг замонавий экологик ва техник талабларга жавоб берадиган ва сўнгги технологиялар асосида йилига 200 минг донадан ортиқ автомобиль двигателларини ишлаб чиқарадиган «GM Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонаси тўла ишга туширилди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида томонлар, шунингдек, ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар хусусида ҳам фикр алмашдилар.

* * *

31 октябрь. Президент Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 ноябрь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 7 ноябрь куни Кўксаройда олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Маросимда икки давлат расмий делега-

циялари аъзолари, мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг раҳбарлари иштирок этди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Пал Шмитт шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Икки томонлама музокаралар Ислом Каримов ва Пал Шмиттнинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди.

Давлатимиз раҳбари Венгрия Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихидаги муҳим босқич, бугунги тез ўзгарувчан замон шароитида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатдорликка асосланган кенг кўламли ҳамкорлик ва шериклик ривожига амалий суръат бахш этиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Президент Пал Шмитт Венгрия Ўзбекистонни Ўрта Осиё минтақасидаги муҳим ҳамкор деб билишини ва унинг дунё сиёсатида ортиб бораётган ролини юксак эътироф этишини таъкидлади.

Ислом Каримов ва Пал Шмиттнинг очиқ ва конструктив руҳда ўтган мулоқоти чоғида Ўзбекистон — Венгрия муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболларига доир кенг кўламли масалалар атрофлича муҳокама қилинди, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Муҳокама қилинган масалалар бўйича томонларнинг қарашлари яқин ёки ўхшаш экани таъкидланди.

Хусусан, Афғонистондаги можаронинг кескинлашиши ва кенгайиши томонларни бирдек жиддий ташвишга солаётгани қайд этилди. Бугунги кунда Афғонистонда кечаётган воқеалар афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини аниқ намоён этаётганлиги таъкидланди. Фақат қарама-қарши томонлар ўртасида ўзаро муроса ва келишувга эришиш, бу жараёнга афғонларнинг ўзини жалб этиш йўли билангина мазкур мураккаб вазиятдан чиқиш мумкин.

Президентларнинг ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган мулоқоти икки мамлакат расмий делегациялари аъзоларининг иштирокида — кенгайтирилган таркибда давом этди.

Унда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Венгрия Республикасининг Қўшма баёноти имзоланди. Унда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик дипломатия муносабатлари ўрнатилган 1992 йилдан буён кенгайиб бораётгани ва ҳар икки томоннинг узоқ муддатли миллий манфаатларига хизмат қилаётгани мамнуният билан қайд этилган. Шунингдек, ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Венгрия раҳбари Пал Шмитт билан музокаралар конструктивизм ва очиқлик, ўзаро ишонч руҳида ўтганини, уларнинг натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши ва ривожланишига, Ўзбекистон ва Венгрия халқларининг дўстлиги ва фаровонлигига хизмат қилишини таъкидлади.

Куннинг иккинчи ярмида Венгрия Республикаси раҳбари Мустақиллик майдонига ташриф буюрди ва ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Пал Шмитт Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Ўзбекистоннинг бош майдони мамлакатимизнинг буюк тарихи ва 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлида эришган улкан марраларига мос ҳолда улуғвор қиёфа касб этгани таъкидланди.

Шу куни Пал Шмитт пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Амир Темур ва темурийлар ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирди ва музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

* * *

16 ноябрь. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрида бунёд этилган «Маърифат маркази» биноси билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва гояси асосида пойтахтимиз марказида бунёд этилган «Маърифат маркази» халқимиз учун муносиб туҳфа бўлди. Ушбу замонавий муҳташам бинодан Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олган.

Ушбу улкан кошона истиқлол йилларида пойтахтимиз марказида барпо этилган Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, Пойтахт бизнес маркази каби бетакрор иншоотларга ҳамоҳанг тарзда яхлит композицияни ташкил қилган. Ватанимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонига туташ ушбу ҳудуд бетакрор ландшафт дизайни билан ғоят гўзал қиёфа касб этган.

Ислом Каримов дастлаб Симпозиумлар саройи билан танишди.

Йирик илмий анжуманлар, халқаро симпозиумлар ўтказиладиган маҳобатли сарой ўзининг кўрку салобати, бетакрор меъморий ечими, безаклари билан нафақат минтақамизда, балки жаҳонда ҳам ноёб ҳисобланади.

Ушбу мажмуа миллий меъморлик санъатимизнинг ажойиб намунаси бўлиб, унинг муҳандислик ечимлари, ҳар қайси устуни, ички ва ташқи безаклари ўз кучимиз, моҳир уста, қурувчи ва мутахассисларимизнинг меҳнати билан бунёд этилгани ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари бундай бетакрор бино ва иншоотларни барпо этишга эришаётганимиз Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти, куч ва имкониятлари барча соҳаларда бўлгани каби қурилиш ва бунёдкорлик борасида ҳам тобора юксалиб бораётганининг яққол исботи эканини алоҳида қайд этди.

«Тошгипрогор» акциядорлик жамияти лойиҳаси асосида «12-Трест» акциядорлик жамияти бунёдкорлари томонидан барпо этилган «Маърифат маркази» биносига кириб боришнинг ўзидаёқ кўз олдингизда гўзал манзара намоён бўлади — марказ атрофидаги ўзига хос ландшафт дизайни асосида яратилган ямяшил майсазорлар, марказнинг ҳар икки томонида бунёд этилган фавворалар ташқи умумий манзарани бойитиш баробарида ҳудудда микроиқлим ҳосил қилади.

Давлатимиз раҳбари саройнинг вестибюли, дизайни, замонавий меъморий ечимларга уйғун миллий анъана ва услубларни, ёритиш тизимини, деворда ноёб тошлардан ишланган улкан панноларни, бу ерга келувчилар учун яратилган шароитларни юқори баҳолади.

Симпозиумлар саройининг 1000 ўринли катта зали ўз салобати ва маҳобати билан ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Меъморий ечимига кўра дунё тажрибасида ҳали учрамаган гумбаз атрофи бўйлаб жойлаштирилган 36 дераза залда кун давомида табиий ёруғликни таъминлайди.

Президентимиз «Маърифат маркази»да жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан танишди.

Мамлакатимиз раҳбари ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало юксак маданияти, маърифат ва маънавияти, баркамол ёшлари билан кучли эканлигини таъкидлади. Шу маънода, ушбу зиё маскани авваламбор ёшларимизни юксак интеллектуал билим ва салоҳиятга эга, эркин фикрловчи инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

Президентимиз кутубхона фаолияти билан танишар экан, унинг ишини мазмун жиҳатдан янада мукаммаллаштириш, мавжуд тузилмани замон талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, бунда энг тараққий этган давлатларнинг илгор тажрибасини ўрганиш лозимлигини таъкидлади. Кутубхона фондидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш, китобхонларга хизмат кўрсатишда аҳоли турли ёш қатламларининг талаб ва эҳтиёжлари, қизиқишларини эътиборга олиш, кўрсатилаётган қўшимча хизматлар турларини янада кенгайтириш ва сифатини ошириш юзасидан тавсиялар берди.

* * *

24 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Маргарет Ченни I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 ноябрь. «Маърифат маркази» мажмуидаги Симпозиумлар саройида «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ҳамкорлигида ўтказилди.

Симпозиумда ЖССТ, ЮНИСЕФ, ЮНФПА ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, АҚШ, Хитой, Россия, Канада, Буюк Британия, Германия, Италия, Испания, Франция, Финляндия, Швейцария, Чехия, Дания, Жанубий Корея каби қирққа яқин мамлакатлар соглиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт ва таҳлилчилардан иборат қарийб 300 нафар мутахассис иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ, Жаҳон соглиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш ва бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ривожлантириш, Хотин-қизлар ва болалар соғлиғини сақлашнинг глобал стратегиясини амалга ошириш борасидаги улкан хизматлари учун I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Маргарет Ченга мамлакатимизнинг ушбу юксак мукофотини топширди.

Халқаро анжуманда мамлакатимиз раҳбари нутқ сўзлади. Ушбу маъруза матбуотда чоп этилди.

* * *

26 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Ченни қабул қилди.

Ўзбекистонда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан муносабатларга муҳим аҳамият берилади. Ўзбекистон билан ЖССТ ўртасидаги ҳамкорликнинг биргаликда белгиланадиган стратегик йўналишлари икки йиллик битимларда ўз ифодасини топади. 2012—2013 йилларга мўлжалланган навбатдаги ҳужжат жорий йил сентябрь ойида имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси 2011 йил май ойида 2011—2014 йиллар учун ЖССТ Ижроия қўмитаси таркибига сайланди.

Оқсаройдаги учрашувда Тошкентда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий моделига багишлаб ташкил қилинган йирик халқаро симпозиумда илм-фаннинг нуфузли намояндалари, ушбу соҳадаги етакчи халқаро ташкилотлар вакиллари, ўнлаб мамлакатлар соғлиқни сақлаш вазирликларининг мутасаддилари қатнашгани Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишдаги муваффақиятлари жаҳонда кенг эътироф этилишидан яна бир далолат экани таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

26 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда А. Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий маркази директори, Россия тиббиёт фанлари академияси академиги Лео Бокерияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Лео Бокерия Ўзбекистонда, айниқса, унинг ноёб иқтидори ва тажрибаси туфайли қайтадан ҳаёт нашидасини сураётганлар орасида ҳамиша ардоқланиб келаётган инсонлардан бири эканини таъкидлади.

Таъкидлаш жоизки, Лео Бокерия нафақат замонавий тиббиётнинг етук намояндаси эканлиги, балки Ўзбекистон ва Россия тиббиёт муассасаларининг ҳамкорлигига улкан ҳисса қўшиб келаётгани билан ҳам машҳурдир. У раҳбарлик қилаётган илмий марказда 1994 йилдан буён Ўзбекистоннинг юзга яқин мутахассиси таълим олди ва малака оширди.

Оқсаройдаги учрашувда Лео Бокерия самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан, юрак-қон томир касалликларини ташхислаш ва даволаш борасида катта ютуқларни қўлга киритганини таъкидлади. Тошкентда дунёга машҳур олимлар, қарийб қирқ мамлакат ҳамда турли халқаро ташкилотлар мутахассислари иштирокида ўтказилган нуфузли симпозиум Ўзбекистон тиббиёт соҳасида, аввало, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида эришган муваффақиятларнинг кенг эътирофи бўлганини қайд этди.

Суҳбат чогида Ўзбекистон ва Россиянинг кардиожарроҳлик соҳасида фаолият юритувчи мутахассислари ўртасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боглиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

28 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 ноябрь. Қарши шаҳрида халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

— Конституциямиз байрами арафасида ўз фидокорона ва ибратли меҳнати билан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган сиз, азизларни чин қалбимдан табриклаб, шу мукофотларни топшириш мен учун катта шарафдир, — деди Ислом Каримов.— Ҳар қандай мукофот аввалambор инсоннинг қадрини улуглаш, унинг эл-юрт олдидаги муносиб хизматларини тақдирлаш демакдир. Тақдирлаш сўзининг негизида аввало қадр деган маъно мужассам экани бежиз эмас. Мен ҳозир сизларнинг юз-кўзингизга, чеҳрангизга боқиб, мустақиллигимизнинг энг улуғ мақсади ҳам аслида инсон қадрини эъзозлаш, меҳнаткаш, олижаноб халқимизнинг иззат-ҳурматини жойига қўйишдан иборат эканини ва бугун ана шундай ёруг, эркин ва озод ҳаёт кечириш барчамизга насиб этганини чексиз шукроналик ва мамнуният билан яна бир бор таъкидлашни истардим.

Менинг ниятим, менинг тилагим битта — кўксингизга ярашиб турган мана шу юксак

унвон ва нишонлар ҳаммангизга буюрсин, ҳаёт йўлларингизда сизларга янги-янги куч-ғайрат бахш этсин, деди пировардида Юртбошимиз.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Унда Президентимиз 2012 йилни мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили», деб эълон қилишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанадаги маърузаси «Бизнинг йўлимиз — демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

13 декабрь. Президент Ислом Каримов «Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги Битимни (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 декабрь. Президент Ислом Каримов «Халқаро электр алоқаси иттифоқининг 2006 йилги (Анталия) ва 2010 йилги (Гвадалахара) Ваколатли конференциялари томонидан Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Устави ва Конвенциясига доир қабул қилинган Тузатиш ҳужжатларини ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 декабрь. Президент Ислом Каримов «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 декабрь. Президент Ислом Каримов Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олий органларининг сессияларида иштирок этди.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси Кремлда давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Шундан сўнг аъзо мамлакатлар расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибдаги мажлис бўлиб ўтди.

Мажлис якуни бўйича ОДКБга аъзо давлатлар раҳбарларининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг 20 йиллиги ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг 10 йиллиги муносабати билан баёноти қабул қилинди, қатор ҳужжатлар имзоланди.

Шу куни МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг ҳам мажлиси бўлди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида МДҲ ва унинг таркибидаги институтларнинг ўтган 20 йил давомидаги фаолиятини батафсил таҳлил қилар экан, кескин тарихий бурилиш палласида ўз умрини яшаб бўлган тизимни тинч йўл билан тугатишда ушбу тузилма муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Мажлисда Ислом Каримов Ҳамдўстлик унга аъзо мамлакатлар халқларининг манфаатлари ва фаровонлиги йўлида кўп томонлама ҳамкорлик учун ишончли платформа яратишдан бирдек манфаатдор бўлган суверен давлатларнинг бирлашмаси эканини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари МДҲ тузилмаганида собиқ Иттифоқ ҳудудида кўплаб муҳим ҳаётий йўналишларда, аввалambор савдо-иқтисодий муносабатларни, коммуникация ва транспорт соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш ва гуманитар соҳалар каби устувор йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қандай имкониятларга эга бўлишимиз мумкинлигини тасаввур қилишнинг ўзи мушкул эканини қайд этди.

МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига оид ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгаши ва МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлислари якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

21 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26- ва 27-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 декабрь. Президент Ислом Каримов «Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳуж-

жатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 декабрь. Президент Ислом Каримов «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 декабрь. Президент Ислом Каримов «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди.

3 январь. Президент Ислом Каримов «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 январь. Президент Ислом Каримов «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 январь. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 январь. Президент Ислом Каримов «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 январь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг махсус вакили сифатида мамлакатимизга келган Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси Раисининг ўринбосари Чэнь Чжили хонимни қабул қилди.

Мамлакатимизда ХХР капитали асосида тузилган 380 дан зиёд, жумладан, тўлалигича Хитой сармояси ҳисобига ташкил этилган 58 та корхона фаолият юритмоқда. Ўзбекистонда очилган ХХРнинг 65та йирик компанияси ваколатхоналари ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Оқсаройда бўлиб ўтган суҳбат чоғида томонлар Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

* * *

10 январь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Хи Тэни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари учрашувда Корея Республикаси Ўзбекистон учун вақт синовидан ўтган ва ҳар томонлама ишончли стратегик ҳамкор бўлиб келгани ва шундай ҳамкор бўлиб қолаётганини, мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда чуқур модернизациялаш бўйича йирик миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этишда изчил қўллаб-қувватлаб келаётганини таъкидлади.

Учрашувда юқори даражадаги парламентлараро алоқалар Ўзбекистон — Корея муносабатларини изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Томонлар савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик барқарор кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокида тузилган 350 дан зиёд корхона фаолият юритмоқда.

Мулоқот чогида Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларининг истиқболли йўналишлари бўйича атрофлича фикр алмашилди.

* * *

12 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

* * *

19 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Ушбу нутқ «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

20 январь. Президент Ислом Каримов «Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 январь. Президент Ислом Каримов Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллигига багишланган тантанали йигилиш иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

27 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан авиакомпания жамоасига табрик йўллади.

* * *

27 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Украина ташқи ишлар вазири Константин Гришченкони қабул қилди.

Ўзбекистон ва Украина сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда самарали ҳамкорлик борасида улкан тажриба тўплаган. Учрашувда иқтисодий ҳамкорлик, икки томонлама савдо номенклатурасини кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. 2011 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 665,9 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Украина сармояси иштирокида тузилган 48 корхона фаолият кўрсатмоқда.

Музокарада Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

* * *

10 февраль. Президент Ислом Каримов раислигида Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

— Биз мазкур жамғарма орқали аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни кўзлаганмиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Чунки бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, энг муқаддас мақсад, деб билган мамлакатгина халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олади.

Мамлакатимизда ҳар йили турли соҳаларда юзлаб янгидан-янги объектлар бунёд этилмоқда, аммо фарзандларимиз келажагига, уларнинг баркамол улғайишига хизмат қиладиган болалар спорти объектларини қуриш мазмун-моҳиятига кўра — алоҳида масала. Чунки бу ерда фарзандининг спорт билан шугулланиб, ҳар томонлама соғлом улгаяётгани, фикрлаши, ақлий салоҳияти, жисмоний имконияти ошиб бораётганини кўрган ота-она борки, ўзини бахтли ҳис этади, ҳаётидан рози бўлиб яшайди, — деди давлатимиз раҳбари.

2011 йилда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатларнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

— Болаларни 3—5 ёшдан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга, — деди Ислом Каримов. — Чунки айни шу даврда ҳар бир боланинг характери шакллана бошлайди, ҳаётга теран кўз билан қарашга ўрганади. Спортга меҳр қўйган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоялайди, характерини тоблайди.

Мамлакатимизда қарийб 30 замонавий корхонада спорт товарлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш натижасида болалар спорти иншоотларини жиҳозлашда ишлатиладиган 120 турдаги спорт ускуна ва анжомларининг 113 тасини мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз спорт анжомларини ўзимизда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан бирга, уларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш, кўриниши болаларни ўзига тортадиган, қулай ва хорижникидан қолишмайдиган спорт инвентарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда болалар спорт иншоотларини қуриш, уларни жиҳозлаш борасида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам кўрсатилиб, уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

* * *

16 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференцияда қатнашиш учун мамлакатимизга келган Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Харухико Куродани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз билан кўп йиллардан буён яқин ҳамкорлик қилиб келаётган ОТБ ҳақли равишда энг нуфузли ва етакчи халқаро молия муассасаларидан бири эканини таъкидлади. Самарали икки томонлама ҳамкорлик ҳамда бунинг натижасида Осиё тараққиёт банки томонидан умумий қиймати 8,6 миллиард АҚШ долларига тенг 35 қўшма лойиҳанинг маъқулланган бунинг тасдигидир. Ушбу лойиҳаларни молиялаштиришда ОТБнинг улуши 3,8 миллиард долларни ташкил қилади.

Ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати кенг кўламли йўналишларда жадал ҳамкорлик қилинаётгани билан диққатга сазовордир. Сўнгги йилларда ОТБнинг Ўзбекистондаги операциялари ҳажмининг йиллик ўсиши бир миллиард долларга етди. Хусусан, ОТБ президентининг ушбу ташрифи асносида умумий қиймати қарийб 950 миллион долларлик тўртта лойиҳа бўйича 508 миллион долларга тенг заём битимлари имзолангани рамзий маънога эга. Шу билан бирга, Осиё тараққиёт банки томонидан 2012 йил 17 январь куни «Сургил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш ва конни жиҳозлаш» лойиҳасини молиялаштиришда умумий қиймати 400 миллион АҚШ долларини ташкил қиладиган кредит ва кафолатлар билан иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилингани катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорлигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшгани, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар дастурини амалга оширишга, минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга фаол ёрдам кўрсатгани учун ОТБ раҳбари Харухико Куродага давлатимизнинг юксак мукофотини — «Буюк хизматлари учун» орденини топширди.

ОТБ президенти самимий қабул ва юксак эътибор учун мамлакатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдириб, Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

* * *

17 февраль. Тошкентдаги Симпозиумлар саройида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

Форумда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Конференция узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга багишланди. Чунки, мамлакатимизда фаол, ўз мақсади сари интилувчан, серқирра истеъдод ва юксак маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда касбларни эгаллаган — бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни тарбиялаш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Халқаро форумнинг очилишида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

17 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Франция Республикаси транспорт вазири, ушбу мамлакат Президентининг махсус вакили Тьерри Марианини қабул қилди.

Суҳбат аввалида меҳмон давлатимиз раҳбарига Франция Президенти Николя Саркозининг Ўзбекистон билан Франция ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан қутлов мактубини тақдим этди.

Ўзбекистон Президенти табрик учун самимий миннатдорлик изҳор этди ва Франция раҳбарига эзгу тилаклар билдирди. Мамлакатимизда Францияга ўзаро ҳамкорлигимиз чуқур тарихий илдизларга эга бўлган ва бугунги кунда ҳам турли даражада муваффақиятли ривожланаётган узоқ муддатли ва ишончли ҳамкор сифатида қаралиши таъкидланди.

Франция — мамлакатимизнинг Европадаги муҳим савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидандир. 2011 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 350 миллион АҚШ долларидан ошди.

Т. Мариани самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этиб, Франция раҳбарияти ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Франция муносабатларини истиқболда ҳам мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашувда халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

27 февраль. Президент Ислом Каримов «Мустаҳкам оила йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Буюк Британия парламенти депутати, мудофаа вазири Филипп Ҳаммондни қабул қилди.

Ўзбекистон Буюк Британияга жаҳоннинг улкан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар салоҳиятга, қадимий бой тарих ва маданиятга эга етакчи мамлакатларидан бири сифатида қарайди.

Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим иқтисодий ҳамкорларидан биридир. Мамлакатимизда Буюк Британия сармояси иштирокида тузилган 419 корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда, 95 компаниясининг ваколатхоналари рўйхатдан ўтказилган.

Маданий-гуманитар йўналишдаги, биринчи навбатда, таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланмоқда. Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университети мамлакатимизнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда. Кембриж университети билан ҳамкорликда пойтахтимизда Юқори технологиялар марказини ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масалалари, икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари муҳокама этилди.

* * *

7 март. Президент Ислом Каримов Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги йўллади.

* * *

16 март. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

22 март. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Тантанада Президент Ислом Каримов иштирок этди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқини қутлуғ айём — Наврўзи олам билан табриклаб, нутқ сўзлади.

* * *

29 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Жеймс Мэттисни қабул қилди. Учрашувда минтақадаги мавжуд вазият, Афғонистон муаммосини ҳал қилиш, шунингдек, ўзаро муносабатларни ривожлантириш ва кенгайтириш борасида томонларни қизиқтирган масалалар, жумладан, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Ж. Мэттис самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари икки томон учун ҳам фойдали Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигини ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

* * *

3 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошқарди. Унда қуйидаги масалалар муҳокама қилинди: жорий ишларнинг таҳлили, Ўзбекистон ва минтақадаги хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарлар, шунингдек, бу таҳдидларни бартараф этиш чора-тадбирлари.

Йиғилишда ҳукумат ва тегишли идоралар раҳбарлари иштирок этди.

* * *

10 апрель. Президент Ислом Каримов «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 апрель. Президент Ислом Каримов «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар кири-

тиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 апрель. Президент Ислом Каримов «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 апрель. Президент Ислом Каримов «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 апрель. Президент Ислом Каримов «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Лукойл нефть компанияси» очиқ акциядорлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Учрашувда «Лукойл НК» ОАЖнинг Ўзбекистондаги қатор сармоявий блокларда геология-разведка ишларини бажариш ва углеводород конларини ўзлаштириш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, Бухоро вилоятида газни қайта ишлайдиган янги завод қурилишининг бориши муҳокама қилинди.

Юртбошимиз «Лукойл» ОАЖ геология-разведка ишларини самарали амалга оширгани туфайли Қандим гуруҳи ва Хавзак-Шоди конларида, Ҳисор минтақаси ҳудуди ва Қўнғирот участкасида, шунингдек, Сармоядорлар консорциуми таркибида Орол денгизининг Ўзбекистонга қарашли қисмида углеводород захиралари ҳажмини оширишни таъминлаш имконига эга бўлганини таъкидлади.

Учрашувда қайд этилганидек, «Лукойл» ОАЖнинг учта инвестицион лойиҳа бўйича Ўзбекистон нефть-газ мажмуига киритган тўғридан-тўғри сармояси ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Умуман, «Лукойл» компанияси иштирокидаги барча лойиҳаларни ижро этиш даврида 5 миллиард доллардан зиёд сармоя жалб этиш режалаштирилмоқда. Ўзбекистон углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

* * *

20 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 апрель. Президент Ислом Каримов «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича Ҳадли конвенциясига (Женева, 2003 йил 21 май) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 апрель. Президент Ислом Каримов «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

1 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги Ваколатхонаси (Делегацияси) раҳбари — элчиси этиб тайинланган Норбер Жустендан ишонч ёрлиғини қабул қилди.

Ўзбекистон жаҳон ва минтақавий сиёсатда муҳим ўрин тутадиган, улкан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳиятга эга бўлган Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли ва конструктив ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратади.

Ислом Каримов элчини юксак лавозимга тайинлангани билан табриклаб, шарафли ва масъулиятли миссиясини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Норбер Жустен самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этди ва Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Ваколатхонасининг илк раҳбари сифатида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишини таъкидлади.

* * *

2 май. Президент Ислом Каримов «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 май. Пойтахтимиздаги табаррук масканлардан бири — Хотира майдони ҳар қачонги-

дан гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, сенаторлар, депутатлар ва ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун мамлакатимизда буюк тарихий сана, яъни Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалаба қозонилган куннинг 67 йиллиги нишонланмоқда, — деди Ислом Каримов. — Пойтахтимиз Тошкентда, шаҳар ва қишлоқларимизда халқимиз Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимларни бажо келтирмоқда. Аввало ана шу аёвсиз урушда қатнашганлар, жанг майдонларидан қайтмаган барча юртдошларимиз хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилмоқда.

Бугун сафимизда эсон-омон, бардам бўлиб, барчамизга маънавий мадад бериб, ибрат бўлаётган уруш қатнашчиларини чин қалбимдан табриклаш, уларга узоқ умр тилаб, ўзимнинг самимий ҳурматимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Фашизм устидан қозонилган ғалабага 67 йил бўлишига қарамасдан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётганини сезмаслик, кўрмаслик, бундай хавф-хатарларга бепарво бўлиб яшаш кутилмаган оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Президентимиз бундай офатларнинг олдини олиш, бартараф қилиш йўлида яна бир муҳим масалага жамоатчилик эътиборини жалб қилиш зарурлигини қайд этди.

Бугун нишонланаётган Хотира ва қадрлаш маросимининг маъно-мазмуни, яъни ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларни қадрлаш, Ватанни ҳимоя қилиш, уни дахлсиз сақлаш каби олижаноб фазилатларни ёш авлодимизнинг онгу тафаккурига сингдириш, фарзандларимиз, болаларимизнинг биз киммиз, кимнинг авлодимиз деб, ота-боболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, мана шу мусаффо осмонни, она юртимизни биз асрамасак, ким асрайди, деган эътиқод билан яшаши, ҳеч шубҳасиз, бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун жуда катта аҳамиятга эга, деди Ислом Каримов.

Пировардида Президентимиз бугунги кундаги энг долзарб вазифаларимиз ҳақида алоҳида тўхталди.

Аввало дунёда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарво, лоқайд бўлмасдан, бошқаларнинг дардини ўзимизга яқин олиб, доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб, халқ ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшашимиз зарур.

Биз ўз олдимизга ота-боболаримиз орзу қилган, керак бўлса, жонини ҳам аямаган улуғ мақсадни, яъни Ўзбекистонимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасига эришиши ва буюк давлат қуриш вазифасини қўйганмиз.

Ана шу йўлда Яратгандан халқимизни, Ватанимизни ёмон кўзлардан сақлашда ўзи мададкор бўлишини сўраймиз. Биз ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз, деди Ислом Каримов.

* * *

9 май. Президент Ислом Каримов пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда иштирок этиб, оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, жаҳонда ва ён-атрофимиздаги мавжуд вазият ҳақида ўта муҳим ва долзарб фикрларни баён этди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу чиқиши, унинг барча нутқ ва маърузалари каби, ўзининг долзарблиги, кенг қамрови, теран мантиқий асоси, амалий хулоса ва таклифлари билан халқимиз, жамоатчилигимиз ўртасида катта қизиқиш уйготди.

Мазкур нутқ «Тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш — бугунги ҳаётнинг ўткир талаби» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

15 май. Президент Ислом Каримов Москва шаҳрида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг юбилей сессияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлисида иштирок этди.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси Кремлда давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Сўнгра ташкилотга аъзо мамлакатлар расмий делегациялари вакиллари иштирокида кенгайтирилган мажлис ўтказилди.

Сессия якунлари бўйича ОДКБга аъзо давлатлар раҳбарларининг декларацияси ва қатор бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу куни МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлиси ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон томони Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кўп томонлама ҳамкорлик

учун шарт-шароит яратишдан манфаатдор суверен мамлакатлар бирлашмаси сифатида қарайди.

Ҳамдўстлик кўп қиррали ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи вазифасини бажариши мумкин ва зарур. Шунингдек, у бевосита музокара ва давлатлараро мулоқотлар, жумладан, турли даражадаги икки томонлама учрашувлар майдони бўлиб қолиши керак.

Учрашувда МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Ислом Каримов Москвага ташрифи доирасида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Ўзбекистон раҳбари Владимир Путинни сайловолди кампанияси муваффақиятли ўтказилгани ва Россия Федерацияси Президенти юксак лавозимига сайлангани билан самимий табриклади.

Томонлар дунёда вазият шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда, аввало, олий даражадаги доимий музокаралар жараёни, сиёсий мулоқот зарурлигини ҳамда юзага келаётган янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши туришда, халқаро хавфсизликнинг кўплаб кескин муаммоларига ечим топишда ўзаро келишилган позицияларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар.

Владимир Путин, ўз навбатида, Россия томони Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги улкан салоҳиятини юксак баҳолашини, Ўзбекистонни минтақадаги етакчи мамлакатлардан бири, деб билишини таъкидлади. Халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари замон талаб қилаётган суръат ва сифат билан илгари одимлашимиз учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

16 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) президенти Йозеф Блаттерни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистонда Йозеф Блаттерни ўз ҳаётини жаҳон ва миллий футболни ривожлантиришга бағишлаган таниқли жамоат арбоби сифатида билишларини таъкидлади. Бу — ФИФА раҳбарининг Ўзбекистонга учинчи ташрифи.

Учрашувда Ўзбекистонда футболни ривожлантириш истиқболлари, мамлакатимизнинг ушбу нуфузли халқаро тузилма билан самарали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Бугунги кунда футбол Ўзбекистонда энг оммавий спорт турларидан бирига ва миллионлар ўйинига айланган. Ушбу спорт тури айниқса, ёш авлод ўртасида кенг оммалашган. Давлатимиз томонидан футболни янада оммалаштиришга улкан эътибор ва ёрдам кўрсатилмоқда.

ФИФА раҳбари самимий қабул учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор қилди ва мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги муваффақиятларига, шу жумладан, Ўзбекистон спортчиларининг жаҳон майдонларидаги улкан ютуқларига юксак баҳо берди.

* * *

23 май. Президент Ислом Каримов мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

28 май. Президент Ислом Каримов «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 июнь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент аэропортида Ислом Каримов ва Владимир Путин ўртасида қисқача суҳбат бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари ўртасидаги мулоқотларнинг асосий қисми Кўксарой қароргоҳида, икки давлат раҳбарларининг расмий суратга тушиш маросими билан бошланди.

Учрашувда томонлар ўзларини қизиқтирган долзарб аҳамиятга эга минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Музокараларда қўшни Афғонистондаги вазият ва воқеаларнинг эҳтимолдаги ривожи таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши, унинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация қабул қилин-

ди. Мазкур ҳужжатда ҳамкорликнинг янги босқичдаги истиқболли йўналишлари белгилаб берилган. Имзоланган декларация кўп томонлама Ўзбекистон — Россия муносабатларини ривожлантириш жараёнидаги навбатдаги мантиқий босқич бўлиб, ўзаро алоқалар узлуксиз ва изчил равнақ топаётганининг яна бир далилидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартномага қўшилиши бўйича истиқболдаги қўшма чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

* * *

4 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5-7 июнь. Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан расмий ташриф билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.

Пекин шаҳрининг «Шоуду» халқаро аэропортида Ўзбекистон раҳбари шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди.

Юртбошимиз мамлакатимиз делегацияси учун ажратилган «Дяоюйтай» давлат қароргоҳига жойлашди.

Ташрифнинг иккинчи куни Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши саройида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими билан бошланди, шундан сўнг Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао раҳбарлигида икки мамлакат делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари икки ва кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашув якунида Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида Стратегик ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Мамлакатларимизнинг глобал ва минтақавий аҳамиятга молик кўплаб долзарб, кечиктириб бўлмайдиган масалаларга қарашлари ва уларни ечишга ёндашувлари ўхшаш ва яқиндир.

Хитой томони Хитой раҳбариятининг ҳар томонлама пухта ўйланган ва ўзгармас сиёсий йўли, унинг ягона Хитой, жумладан, Тайвань ва Тибет бўйича принципиал сиёсати, «уч ёвуз куч — терроризм, экстремизм ва айирмачилик»ка қарши олиб бораётган муросасиз кураши Ўзбекистон томонидан қатъий ва изчил қўллаб-қувватлаб келинаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Хитой раҳбари томонидан Ўзбекистон — Хитой муносабатларини барқарор ва соғлом ривожлантириш жараёнидаги ижобий тенденцияларни изчил давом эттириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Томонлар ташриф доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг қирқдан зиёд савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий битим ва шартномалар имзоланганини мамнуният билан таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов ташриф доирасида ХХР олий сиёсий раҳбарияти вакиллари — ХХР раиси ўринбосари Си Цзиньпин, ХХР Давлат кенгаши Раиси Вэнь Цзябао, Давлат кенгаши Раисининг ўринбосари Ли Кэцань билан ҳам учрашди.

Мазкур учрашувлар чоғида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги кенг кўламли алоқаларнинг стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилиши шароитидаги ҳолати ва истиқболлари, шунингдек, икки томонлама муносабатлар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига ташрифи чоғида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлисида иштирок этди. Саммитда минтақадаги ва умуман, жаҳондаги бугунги вазият, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар, шунингдек, ШҲТни янада ривожлантиришнинг истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Давлат раҳбарлари ШҲТнинг минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таҳдид остида қолдирувчи вазиятларда сиёсий-дипломатик чора-тадбирлар кўриш ва муносабат билдиришга оид низомнинг янги таҳририни, ШҲТга аъзо давлатларнинг 2013—2015 йилларга мўлжалланган терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича ҳамкорлик дастурини тасдиқладилар. Мазкур ҳужжатлар Ташкилотга аъзо давлатларнинг хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини кенгайтиради.

Ўзбекистон ШҲТга Хитой Халқ Республикаси раислик қилган, «Яхши қўшничилик ва дўстлик йили» шиори остида ўтган вақт мобайнидаги эришилган натижаларга юксак баҳо берди.

Хитой томони ХХРнинг ШҲТга раислиги даврида у Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланганини юқори баҳолади.

* * *

12 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари Уильям Бернсни қабул қилди.

Учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишлари, икки томонлама муносабатларга оид энг долзарб масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистонда АҚШ сармояси иштирокида тузилган 240 корхона фаолият кўрсатмоқда. АҚШнинг 48 етакчи компанияси ваколатхоналари мамлакатимизда рўйхатдан ўтказилган.

Суҳбат чоғида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

15 июнь. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари, аввало, мустақиллик йилларида бутун юртимиз қатори Сурхон заминида ҳам улкан тарихий ишлар амалга оширилгани ҳақида тўхталди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда, жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам катта-катта ўзгаришлар юз берди. Тараққиётимизнинг ўсиш суръатлари тобора ошиб боряпти. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда яшаётган ҳар қайси оила ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар барчамизни қувонтириб, олдимизда турган мақсадлар сари янги-янги қадамлар қўймоқдамиз, деди Юртбошимиз.

Президент Ислом Каримов шу куни Термиз туманидаги «Сурхон сарвари» фермер хўжалиги далаларига ташриф буюриб, фермерлар билан мулоқотда бўлди. Ғалла ўримйиғимининг бориши билан қизиқди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади.

— Фақат деҳқончиликнинг ўзи билангина халқни боқиб, фаровонликка эришиб бўлмайди, — деди Президентимиз. — Фермер нафақат деҳқон, балки иқтисодчи, менежер, агроном, саноатчи бўлиши керак. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоққа саноатни жадал олиб кириши лозим. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, аҳоли фаровонлигини оширишга, ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўшиши лозим.

Давлатимиз раҳбари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ғўзанинг серҳосил навларини танлаш, ҳосилдорликни ошириш ҳақида тўхталар экан, бугун деҳқончиликни рентабеллик даражаси билан ўлчаш энг тўғри йўл эканини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмга ташриф буюриб, офицер ва аскарлар билан мулоқотда бўлди. Хизмат жараёни, ҳарбийларнинг яшаш ва оилавий шароити билан қизиқди.

— Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар Ўзбекистоннинг фахри, ишончи ва суянчидир, — деди Президентимиз. — Улар ҳар доим Ватанимиз ҳимоясига шай. Уларнинг доимо ҳушёр ва сезгирлиги туфайли сарҳадларимиз дахлсиз, юртимиз тинч, халқимиз осойишта ҳаёт кечирмоқда. Ҳарбийларнинг ҳам ўз ҳаёти, оиласи, қувончу ташвишлари бор. Улар учун муносиб шарт-шароит яратиб бериш доимий эътиборимизда бўлиши лозим.

* * *

27 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан республика матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

5 июль. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси қуйи қўмитаси раиси Дэн Бертон ва конгрессмен Грегори Миксни қабул қилди.

Суҳбат чоғида кенгайиб бораётган парламентлараро алоқалар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, ўзаро англашув ва ишончни мустаҳкамлашда, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, гуманитар соҳалардаги кўп қиррали шерикликни, шунингдек, демократия ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли асосда ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди.

* * *

9 июль. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 июль. Президент Ислом Каримов давлатга дон тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли адо этган Ўзбекистон ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

16 июль. Президент Ислом Каримов «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 июль. Президент Ислом Каримов «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Франция Республикаси мудофаа вазири Жан-Ив Ле Дрианни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва муҳим йўналишлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари мамлакатларимизнинг конструктив ҳамкорлик борасидаги тажрибасини алоҳида таъкидлади ва Франция раҳбарияти билан қарор топган самарали мулоқотдан мамнунлик изҳор этди.

Франция мудофаа вазири Афгонистондаги вазиятга тўхталар экан, Ўзбекистоннинг ушбу кўп йиллик можарони ҳал қилишдаги принципиал позициясига ва мамлакатимизнинг мазкур қўшни давлатни тинчлик йўли билан тиклаш борасидаги ишларга қўшаётган салмоқли ҳиссасига юксак баҳо берди.

Мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

18 июль. Президент Ислом Каримов «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Жанубий Африка Республикасининг энергетика ва кимё бўйича «Сасол» компаниялар гуруҳи президенти Дэвид Констеблни қабул қилди.

Учрашувда Қашқадарё вилоятида табиий газдан режалаштирилган номинал ишлаб чиқариш қуввати кунига 38 минг баррел (йилига 1,5 миллион тонна)ни ташкил этувчи «GTL» — синтетик суюқ ёнилги ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилишининг бориши муҳокама қилинди.

«Сасол» компанияси президентининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида мазкур лойиҳа брендининг расмий тақдимот маросими бўлиб ўтди ва тадбирда қўшма корхона томонидан амалга оширилаётган лойиҳага «Oltin yo‘l GTL» номи берилди.

«Сасол» компанияси раҳбари самимий қабул ва қўшма лойиҳани қўллаб-қувватлагани учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик изҳор этди.

* * *

24 июль. Президент Ислом Каримов «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили этиб тайинланган Патриция Флор хонимни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида турли даражалардаги ҳамкорликни ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида янада кенгайтиришга икки томон ҳам тайёр экани таъкидланди. Парламентлар ҳамкорлиги ва ҳамкорлик бўйича «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» қўшма қўмиталарининг навбатдаги мажлислари якунлари сиёсий ва иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни изчил кенгайтириш йўлидаги муҳим қадамлар, деб баҳоланди.

* * *

2 август. Президент Ислом Каримов «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 август. Президент Ислом Каримов «Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ

ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи даврасида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Америка давлат ташкилотлари ва хусусий компаниялари вакилларидан иборат нуфузли делегация раҳбари АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари биринчи марта ҳар икки томондан вазирлик ва идоралар, етакчи иқтисодий тузилмалардан иборат кенг таркибдаги делегациялар иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи давраси доирасидаги музокараларга муваффақият тилади.

* * *

16 август. Президент Ислом Каримов «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 август. Президент Ислом Каримов «Н.Ш. Жабборовни «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм раҳбарлигидаги АҚШ ишбилармон доиралари делегациясини қабул қилди.

Учрашувда АҚШнинг етакчи компаниялари ва уларнинг ўзбекистонлик шериклари ўртасидаги ўзаро манфаатли бизнес муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этишга қаратилган иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Америка — Ўзбекистон савдо палатаси ва АҚШ ишбилармон доиралари вакилларига ўзбекистонлик шериклари билан самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда муваффақиятлар тилади.

* * *

23 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпия ўйинларида медалларни қўлга киритган спортчиларимиз ва уларнинг устоз-мураббийларини қабул қилди.

— Албатта, ушбу беллашувларда муносиб қатнашиш, ғолибликка эришиш осон эмас. Агарки бугунги кунда дунёда 7 миллиард аҳоли яшаётганини ва улар орасидан фақат ўн ярим минг нафар одам бу мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур ўйинларнинг нақадар кучли рақобат муҳитида ўтганини англаш, сезиш қийин эмас.

Президент Ислом Каримовнинг шу йил 14 августдаги фармонига мувофиқ, Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун бронза медаллари соҳиби бўлган Ришод Собиров «Ўзбекистон ифтихори», Аббос Атоев «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвонлари билан тақдирланди.

Лондон Олимпиадаси чемпиони Артур Таймазов юртимизнинг спорт соҳасидаги шоншуҳратини юксалтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани учун «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Президентимиз спортчиларга давлатимизнинг ана шу юксак мукофотларини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Артур Таймазовга машҳур курашчимизнинг Ўзбекистон байроғини баланд тутиб турган олтин суви юритилган ҳайкалчасини совға қилди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг Кардиожарроҳлик мажмуасига ташриф буюрди.

Тўрт қаватли мазкур марказ кардиология жарроҳлиги йўналишида фойдаланиладиган барча замонавий техника ва технология билан таъминланган. Мажмуанинг биринчи қаватида кунига икки юз беморни кўрикдан ўтказишга мўлжалланган поликлиника, қон қуйиш станцияси, стационар шароитда даволанадиган беморларни қабул қилиш хонаси, конференция зали ва бошқа хизмат хоналари жойлашган.

Бинонинг иккинчи қаватида уч ёшгача бўлган болаларнинг туғма юрак нуқсонларини даволаш бўлими, интервенцион кардиология ва юрак уриш ритми бузилиши бўлими ҳамда ангиографик жарроҳлик хоналари мавжуд.

Учинчи қаватда кардиожарроҳлик бўлимининг палата, гемодиализ ва трансплантация бўлимлари, клиник диагностика лабораторияси ва диагностика хоналари жойлашган. Тўртинчи қават эса реанимация бўлими ва иккита кардиожарроҳлик хоналарига эга.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишар экан, жарроҳлик амалиёти жараёнида фойдаланиладиган замонавий тиббиёт техникаси ва технологияларининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

Президентимиз «Бунёдкор» футбол мажмуасидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактаби фаолияти билан танишди. Мазкур мактаб ўқувчилари бошланғич, тайёрлов, такомиллашув каби уч босқичда таҳсил олади. Болаларга тажрибали, профессионал мураббийлар таълим беради.

Юртбошимиз бу ерда таҳсил оладиган болалар ва ўсмирларнинг нафақат футбол бўйича маҳоратини оширишга, балки бошқа фанлар юзасидан ҳам билим ва кўникмаларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди. Бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорликда ушбу мактаб учун махсус дастур тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов янги қурилган «Бунёдкор» стадионини бориб кўрди. 34 минг ўринли стадион трибуналарида томошабинлар учун мўлжалланган ўринлар пастки ва юқори қаватларга бўлинган. Шунингдек, бу ерда ногиронлар учун мўлжалланган алоҳида сектор мавжуд. Давлатимиз раҳбари стадионда хавфсизликни таъминлаш, томошабинлар маданияти масалалари хусусида алоҳида тўхталди.

Ислом Каримов стадионда бир гуруҳ ёш футболчилар билан суҳбатлашди. Уларнинг орзу-интилишлари билан қизиқди, уларга ўз совғаларини тақдим этди.

Истиқлолимиз шарофати билан бундай муҳташам иншоотларни бунёд этиш имкониятига эга бўлдик. Бу барчамизни қувонтиради, деди давлатимиз раҳбари. Энг улуғ, энг азиз айёмимиз — Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилган, илгари тасаввур қилишимиз ҳам қийин бўлган ушбу янги замонавий футбол мажмуи барчамиз учун, бутун халқимиз учун ажойиб байрам совғаси бўлди.

* * *

31 август. Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни хотирлаш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди. Анъанага кўра ош тортилди.

Маросимда Президент Ислом Каримов иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда тарихий хотира, мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар, эл-юртимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришлар, жаҳондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида суҳбатлашди.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида, хусусан, араб мамлакатларида содир бўлаётган нохуш воқеалар ҳар қандай соғлом фикрли инсонларни чуқур ташвишга солади, деди давлатимиз раҳбари. Турли можаролар, ўзаро қарама-қаршиликлар, қон тўкилишлар жаҳоннинг қайси мамлакатида рўй бермасин, бундан кўнглимиз ғаш тортади.

Улуғ неъмат — мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикдан хотиржамликка берилиш, огоҳлик ва сезгирликни йўқотишга мутлақо ҳаққимиз йўқ, деди Ислом Каримов. Тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш фақат муайян соҳалар ходимларининг вазифаси, деганлар қаттиқ янглишади. Бу йўлда барчамиз, бутун халқимиз янада жипс бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз керак. Ўз уйингни ўзинг асра, деган гапда ҳикмат кўп, унинг маъноси кенг. Чунки, тинчлик учун курашиш керак, уни ҳеч ким яратиб бермайди.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

6-7 сентябрь. Президент Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан расмий ташриф билан Қозогистон пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди.

Шаҳар аэропортида олий мартабали меҳмонни Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Қозоғистон Президентининг «Оқўрда» саройида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат раҳбарлари шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қозогистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Икки давлат раҳбарлари тор доирадаги ва кенгайтирилган таркибдаги музокараларда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини, Марказий Осиё ва унинг атрофидаги вазият, шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммоларни атрофлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг кўриб чиқилган икки ва кўп томонлама хусусиятга эга деярли барча масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқин экани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари таъкидлаганидек, халқларимизнинг умумий тарихий меросини, шунингдек, уларнинг бугуни ва келажагини ҳам бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз ҳар доим ўзаро яқин бўлганмиз ва ҳамиша бир-биримизга суянамиз.

Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон Афгонистондаги вазият тезроқ изга тушишидан манфаатдор эканини таъкидладилар ҳамда давлатларимизнинг ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклашга қўшаётган ҳиссасини ижобий баҳоладилар. Томонларнинг Афғонистон муаммосини бартараф этиш ва мазкур мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашга қаратилган ташаббуслари муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Икки давлат раҳбарлари Марказий Осиё сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича ҳамкорликдаги ва принципиал позицияга алоҳида эътибор қаратдилар, ушбу соҳадаги барча масалаларни, шу жумладан, трансчегаравий дарёларда янги гидротехник иншоотлар қуриш масаласини халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва минтақадаги барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш зарурлигини таъкидладилар.

Музокаралар якуни бўйича Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев қўшма баёнот имзоладилар. Шунингдек, шахсларни реадмиссия қилиш тўғрисида ҳукуматлараро битим ва бошқа қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мазкур ташриф ва имзоланган муҳим ҳужжатлар икки томонлама муносабатларда кенг имкониятлар очишини, ҳамкорликнинг ҳали фойдаланилмаган улкан салоҳиятини амалга оширишга кўмаклашишини, икки қардош халқнинг туб манфаатларига мос келишини таъкидладилар.

Ташриф чоғида Президент Ислом Каримов Остона шаҳридаги Ватан ҳимоячилари монументи пойига гулчамбар қўйди, Ватан мустақиллиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ушбу ташриф, унинг давомида бўлиб ўтган амалий фикр алмашиш ва самарали музокаралар, имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз, халқларимиз манфаати йўлида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

* * *

10 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 сентябрь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Қирғиз Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Эмилбек Узакбаев, Туркманистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Шири Шириев, Руминиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ромео Станчу, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жорж Эдгар ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

11 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Мардлик» орденини таъсис этиш тўғриси-

да»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазирининг ўринбосари Хуэй Ляньюйни қабул қилди.

2012 йил август ойидан ХХРга Ўзбекистон табиий газини мунтазам етказиб бериш бошланди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, мамлакатимиз билан Хитой ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 44,5 фоиз ўсиб, 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Хуэй Ляньюй самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдириб, ХХР ҳукумати Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди. Ушбу ташриф асносида қабул қилинган жами қиймати 535 миллион АҚШ долларига тенг ҳужжатлар иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришини алоҳида таъкидлади.

* * *

12 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг узоқ муддатли аҳил қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 сентябрь. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

18 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

19-21 сентябрь. Президент Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон Президентига юксак ҳурмат ифодаси сифатида, Ислом Каримовнинг буюк етакчилик фазилатлари ва Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига қўшган улкан ҳиссасининг эътирофи сифатида Жанубий Корея раҳбарининг ташаббуси билан ушбу ташрифга яна давлат ташрифи мақоми берилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилган қарийб 170 минг одам хоки пойи осойиш топган Миллий ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиш билан бошланди.

Давлатимиз раҳбари юрт озодлиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, Миллий ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди.

Икки мамлакат давлат мадҳиялари ижро этилиши ва фахрий қоровул ротаси томонидан олий мартабали меҳмонга юксак ҳарбий эҳтиром кўрсатиш каби таомилларни кўзда тутувчи расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ислом Каримов ва Ли Мён Бак ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Президентларнинг расмий учрашуви Корея Республикасининг қароргоҳи жойлашган «Чонг Ва Дэ» («Мовий сарой») тарихий мажмуасида ўтди.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак Президент Ислом Каримов билан яна учрашиб турганидан ғоят мамнун эканини, улар ўртасидаги муносабатлар ўзаро дўстлик ва ишончга асосланганлигини таъкидлади. Корея раҳбари мазкур ташриф Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллиги нишонланаётган йилда амалга оширилаётгани унинг аҳамиятини янада оширишини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларининг музокаралари якуни бўйича томонларнинг ўзаро манфаатли соҳаларда икки мамлакат халқларининг туб ва узоқ муддатли манфаатларига хизмат қилувчи ҳамкорликни истиқболда ҳам ривожлантириш мақсади тасдиқланган Қўшма баёнот имзоланди.

Президентлар Ислом Каримов ва Ли Мён Бак ҳуқуқий соҳада, сайёҳлик ва молия йўналишларида ҳамкорлик бўйича қатор ҳужжатлар имзоланганидан, шунингдек, қиймати 5 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган ва бунда Кореянинг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 3 миллиард доллардан ортиқни ташкил қилувчи шартномалар тузилганидан мамнуният изҳор қилдилар.

Мазкур лойиҳаларда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини, Навоий шаҳри аэропорти базасидаги халқаро интермодал логистика маркази ва «Ангрен» эркин индустриал зонасини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Ташриф доирасида Президент Ислом Каримов Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Кан Чхан Хи билан учрашди. Мамлакатларимизда амалга оширилаётган парламент ислоҳотлари ҳақида фикр алмашилди, ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни кенгайтиришдан томонлар манфаатдор эканлиги таъкидланди.

Президент Ислом Каримов Корея Республикаси Бош вазири Ким Хван Сик билан ҳам учрашди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Корея Республикаси Бош вазири икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланаётганини юксак баҳолади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 400 дан зиёд қўшма корхона, жумладан, юз фоиз Корея капитали иштирокида 64 корхона ташкил этилган. Кореялик бизнес вакилларининг фаол иштироки натижасида мамлакатимизда қатор стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда, хусусан, Сурғил кони негизида қиймати 4 миллиард долларлик Устюрт газ-кимё комплекси ва Навоий шаҳрида интермодал логистика мажмуи барпо этилмоқда.

Ташриф асносида Президент Ислом Каримов Корея Республикаси давлат бошқаруви ва хавфсизлиги вазири Менг Хюнг Кю, «ПОСКО» компаниялари гуруҳи президенти Чунг Жунг Янг, «Ханжин групп» ва «Кореан эйр» компаниялари раиси Чо Янг Хо билан ҳам учрашди. Учрашувларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, Кореянинг етакчи компанияларини янги минерал хомашё конларига ишлов бериш, транспорт, логистика ва ахборот технологиялари соҳасига оид лойиҳаларга жалб этиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Корея Республикасига давлат ташрифи Ўзбекистон билан Корея муносабатлари тарихида янги саҳифа очди.

* * *

24 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 сентябрь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

28 сентябрь. Тошкентда «Бунёдкор» спорт комплексининг очилишига багишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тадбирда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Бугун биз ўзбек спорти ҳаётида, қолаверса, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдираётган катта воқеа — «Бунёдкор» деб ном олган янги, замонавий, гўзал ва бетакрор спорт мажмуасини ишга киритиш маросимига тўпландик, деди Ислом Каримов.

Бундай улуғвор ва ҳашаматли, ўзида 7 та замонавий футбол майдонини, болалар ва ўсмирлар футбол мактаби, ётоқхоналар, бассейн ва бошқа бир қатор объектларни мужассам этган, жами 56 гектар ерни эгаллаган бу мажмуа пойтахтимиз — азим Тошкентимизда қисқа даврда қад ростлагани, ҳақиқатан ҳам барчамизга мўъжизадай туюлади.

Дунёдаги энг замонавий спорт масканларидан кам жойи йўқ, йирик халқаро турнирларни юқори савияда ўтказишга мослашган бу буюк иншоотга боқиб, биз ким эдик, бугун ким бўлдик, мустақил бўлиб тараққиёт йўлида нималарга, қандай юксак марраларга эришдик, деган шукроналик ҳиссиёти беихтиёр қалбимизни тўлдиради, десам, адашмаган бўламан, деди давлатимиз раҳбари.

* * *

1-2 октябрь. Президент Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Икки давлат раҳбарларининг очиқлик ва ўзаро ишонч руҳида ўтган музокаралари чоғида томонлар мамлакатларимиз манфаатлари муштарак эканлигини ва икки давлатда ҳам кенг кўламли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун сиёсий хоҳиш-ирода мавжудлигини, шунингдек, муҳокама қилинган халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга де-

ярли барча муаммолар юзасидан Ўзбекистон ва Туркманистоннинг позиция ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқин эканини тасдиқладилар.

Президентлар терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ва бу борада биргаликда чора-тадбирлар кўриш, шунингдек, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Музокараларда минтақа сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар ушбу масала бўйича умумий позицияни баён қилдилар — сув-энергетика соҳасига доир масалаларни ҳал қилишда, трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмида гидроэнергетика мажмуаларини барпо қилиш БМТ конвенцияларида мустаҳкамлаб қўйилган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ амалга оширилиши шарт, деган тамойилдан келиб чиқиб иш юритиш лозим. Ушбу ҳужжатлар трансчегаравий дарёлар ресурсларидан фойдаланишда атроф-муҳитга ва қўшни давлатлар манфаатларига зарар етказмаслик тамойилига амал қилишни талаб этади. Ушбу талаблардан келиб чиқиб, гидроиншоотлар қурилиши лойиҳасини нуфузли халқаро экспертизадан ўтказиш зарур.

Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. 2011 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 69 фоиз ошиб, 500 миллион АҚШ долларига яқинлашганини таъкидлаш жоиз.

Музокаралар якуни бўйича Президентларнинг Қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, 2013—2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик шартномаси, Ўзаро етказиб беришлар тўғрисидаги битим, Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 2013—2014 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар ушбу ташрифни икки давлат ўртасида ўзаро ишончга асосланган олий даражадаги самарали мулоқотнинг мантиқий давоми, икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, шунингдек, минтақавий ва халқаро миқёсдаги муҳим муаммолар юзасидан фикр алмашиш имконияти сифатида баҳолаганликларини таъкидладилар. Музокаралар очиқлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги анъанавий тенг ҳуқуқлилик ва икки мамлакат халқлари манфаати йўлидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Туркманистон Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Гурбангули Бердимуҳамедовни ўзи учун қулай вақтда мамлакатимизга расмий ташриф билан келишга таклиф этди.

* * *

9 октябрь. Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари шу куни Хонқа туманидаги «Истиқлол» фермер хўжалиги далаларида фермерлар билан мулоқотда бўлди. Пахта йиғим-теримининг бориши билан қизиқди.

— Бу йил пахтачилик учун қулай йил бўлди. Бу соҳада эришаётган муваффақиятларимизни чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, аввалambор, ерни ҳақиқий эгаларига топширганимиз, фермерларимизда эгалик ҳисси шаклланган, йил давомида бажарилиши лозим бўлган агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилаётгани, деҳқонларимизга унумли меҳнат қилиши учун яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлар бугунги ютуқларимизнинг муҳим омили бўлмоқда, — деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дефолиация тадбирлари ҳосилнинг тез, бир текис ва сифатли пишиб етилишида катта ўрин тутиши тўғрисида тўхталар экан, бугун фермерларимиз фаолияти натижасини юқори самарадорлик билан ўлчаш энг тўғри йўл эканини таъкидлади.

Бугун фермерлик ҳаракати ривожланишнинг янги босқичига қадам қўймоқда, деди Президентимиз. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоқда саноатни жадал тараққий эттириши лозим. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, ҳудудларимизнинг ижтимоий-иқтисодий равнақига, аҳоли фаровонлигини оширишга, одамларни, биринчи навбатда ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўшиши лозим.

Президентимиз Урганч шаҳри марказий қисмини реконструкция қилиш дастурига асосан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Қурилиш ва шаҳарсозлик ишларида Хоразмнинг ўзига хос табиий иқлим шароитини эътиборга олиш лозим, деди Ислом Каримов. Ер остидаги сувларни қочириш, унинг сатҳини пасайтириш учун коллекторлар тизимини такомиллаштириш зарур. Шу билан

бирга, ландшафт архитектурасидан кенг фойдаланиш, кўкаламзорлаштириш ишларини воҳа тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб тизимли ташкил қилиш шаҳарни ривожлантириш йўлидаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жараёнида эътибор марказида бўлиши даркор.

* * *

11-12 октябрь. Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Озарбайжон Республикасида бўлди.

Ўзбекистон делегациясининг Озарбайжонга ташрифининг илк дақиқалариданоқ қадим озарбайжон заминига хос бўлган анъанавий меҳмондўстлик, самимийлик, дўстона муносабат туйғулари ҳамда мамлакатимизга катта ҳурмат-эҳтиром намоён бўлди.

Ўзбекистон Президентининг ташрифи доирасидаги расмий тадбирлар 12 октябрь куни бўлиб ўтди. Озарбайжон раҳбарининг «Зуғулба» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Озарбайжон давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Илҳом Алиев фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Президентларнинг яккама-якка учрашувида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги икки ва кўп томонлама муносабатларга тааллуқли кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва глобал аҳамиятга эга муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Сўнгра давлат раҳбарлари музокараларни расмий делегациялар аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар жараёнида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро муносабатлар билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг Озарбайжонга расмий ташрифи арафасида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, илгари эришилган келишувларни тўла амалга ошириш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли устувор йўналишларини белгилаб олишга қаратилди.

Президент Ислом Каримовнинг Озарбайжонга ташрифи доирасида ўтказилган бир қатор тадбирлар, озарбайжонлик ҳамкорлар билан ташкил этилган икки томонлама учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга доир кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон — Озарбайжон бизнес-форуми ўтказилди. Озарбайжоннинг етакчи компанияларидан юздан ортиқ вакиллар иштирок этган мазкур анжуманда томонлар мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли савдо алоқаларини кенгайтириш учун катта салоҳият мавжуд эканини таъкидладилар ва кенг турдаги маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш бўйича аниқ таклифларни муҳокама қилдилар.

Мисол учун, Озарбайжонда «GM Ўзбекистон» корхонасида «Шевроле» бренди остида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларга талаб катта. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги беш йилда Озарбайжонга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қарийб 4,5 минг автомобиль етказиб берилди ва яқин йилларда яна 3,3 минг автомобиль етказиб бериш тўғрисида келишувга эришилди.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Илҳом Алиев Қўшма баёнотни имзоладилар. Шунингдек, 2012—2015 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликка доир ҳукуматлараро дастурни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ва икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури имзоланди.

Икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар самарали ва мазмунли ўтганини таъкидладилар, ташриф асносида имзоланган ҳужжатлар анъанавий дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга янги суръат бахш этишига ишонч билдирдилар.

Президент Ислом Каримов ташриф доирасида Фахрийлар қабристонини зиёрат қилди ва озарбайжон халқининг буюк фарзанди Ҳайдар Алиев қабрига гулчамбар қўйди. Давлатимиз раҳбари Шаҳидлар хиёбонидаги Шаҳидлар хотираси монументига гулчамбар қўйди. Ўзбекистон Президенти Озарбайжон давлат байроғи майдони, Ҳайдар Алиев номидаги марказ билан танишди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбайжон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

17 октябрь. Президент Ислом Каримов «Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 октябрь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Аристид Эмиль Фенстер, Ўмон Султонлигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад бин Саид бин Муҳаммад ал-Лаватий, Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор эл-

чиси этиб тайинланган Гинэк Пейха, Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Али Мардоний Фард ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

22 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 октябрь. Президент Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европа Иттифоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Кэтрин Эштонни қабул қилди.

Ўтган йиллар давомида турли соҳаларда ҳамкорлик бўйича салмоқли тажриба тўпланди, унинг мустаҳкам институционал асоси яратилди, бу икки ва кўп томонлама тузилмалар фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. 1996 йили Флоренцияда имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжатдир.

Учрашувда долзарб минтақавий муаммолар, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, жумладан, Афғонистондаги вазият ривожи билан боглиқ айрим масалалар муҳокама қилинди.

* * *

5 декабрь. Президент Ислом Каримов Туркманистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлди ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Саммит бошланишидан аввал Ўзбекистон ва Туркманистон Президентларининг суҳбати бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов дўстона муҳитда, ўзаро ишонч ва очиқлик руҳида ўтган суҳбатда Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболларини, мамлакатларимизнинг МДҲ доирасидаги ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилдилар.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иқтисодий ва гуманитар соҳаларда, хавфсизликни таъминлашда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган қатор ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

Ашхобод саммити иштирокчилари МДҲ доирасидаги мавжуд кўп томонлама ҳамкорлик механизмларининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодиётини янада ривожлантиришга, халқлари фаровонлигини таъминлашга эришиш учун Ҳамдўстлик фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Саммит якунлари бўйича МДҲ Давлат раҳбарларининг Ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги декларацияси қабул қилинди. Шунингдек, МДҲда 2013 йилни Экологик маданият ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йили деб эълон қилиш тўғрисида, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича илгари эришилган келишувларнинг амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

* * *

7 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

— Аввалambор, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган сиз азизларни Конституциямизнинг йигирма йиллик қутлуғ байрами билан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиш менга катта хурсандчилик етказади, — деди Ислом Каримов. — Ҳар йили Конституция куни арафасида мана шу муҳташам саройда тўпланиб, Ватанимиз равнақи йўлида ўзининг фидойи ва ҳалол меҳнати билан бошқаларга ибрат ва намуна бўлиб келаётган, юксак унвон, орден ва медалларга муносиб бўлган юртдошларимизга ушбу мукофотларни тантанали равишда топшириш яхши анъанага айланиб қолди.

Ҳар бир инсон, у қайси ёшда бўлмасин, қайси соҳа ёки лавозимда ишламасин, ота-

онаси, фарзандлари олдида, ўз Ватани, келгуси авлодлар олдида ҳалол ва виждонан қилган меҳнатининг ҳосилини, ўз хизматининг тан олинишини, қадр топганини кўрар экан, мен ўйлайманки, бундай инсон ўзини албатта бахтли деб ҳис қилади, — деди Президентимиз. — Бугун сизларнинг кўзларингизга, чеҳрангизга боқиб, худдики ўзимни ҳам сизлар қатори мукофот олгандек сезмоқдаман.

Менинг ниятим, эзгу тилагим битта: доимо эл-юрт ардоғида бўлиш сизларга насиб этсин. Кўксингизга ярашиб турган мана шу юксак нишонлар барчангизга буюрсин, сизларга янги куч-қувват, ғайрат-шижоат бағишласин. Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ёр бўлсин, деди пировардида Юртбошимиз.

* * *

7 декабрь. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг йигирма йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Президент Ислом Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди ва кириб келаётган янги — 2013 йилни мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанадаги маърузаси «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир» сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

10 декабрь. Президент Ислом Каримов «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.

Меҳмоннинг мамлакатимизга ташрифи давомида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия сармоявий ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда. Бугун Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида ташкил этилган 858 корхона фаолият кўрсатмоқда, Россиянинг 106 фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Нефть-газ соҳаси иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим ва кенг кўламли йўналишларидан биридир. Жумладан, «Лукойл» ва «Газпром» компаниялари томонидан Ўзбекистон ҳудудида углеводород конларини қазиш бўйича қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Оқсаройда ўтган музокаралар чоғида томонлар иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

14 декабрь. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқларда замонавий уйлар барпо этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий соҳаларда салмоқли натижаларга эришилаётганини таъкидлади.

Юртбошимиз ўз нутқида вилоятда амалга оширилаётган улкан ишларни қайд этиш билан бирга олдинда турган вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Президент Ислом Каримов шу куни Фарғона шаҳри марказий қисмини реконструкция қилиш дастурига асосан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Қурилиш ва шаҳарсозлик ишларида Фарғонанинг ўзига хос табиий иқлим шароитини эътиборга олиш лозим, — деди Ислом Каримов. — Шу билан бирга, ландшафт архитектурасидан кенг фойдаланиш, кўкаламзорлаштириш ишларини тизимли ташкил қилиш шаҳарда олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жараёнида доимий эътибор марказида бўлиши даркор.

Давлатимиз раҳбари янги барпо этилаётган стадион ва санъат саройи қурилиши билан ҳам танишиб, мазкур иншоотлар қурилишини янада такомиллаштириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берди.

* * *

17 декабрь. Президент Ислом Каримов «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, мамлакатларимиз манфаатларига тааллуқли долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар кўриб чиқилди.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик, бугунги кундаги умумий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасида биргаликда чора-тадбирлар қабул қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Меҳмон самимий қабул ҳамда икки ва кўп томонлама ҳамкорлик истиқболларини атрофлича муҳокама қилиш имконияти учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик изҳор этди, шунингдек, Россия раҳбариятининг Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва конструктив ҳамкорликка тайёр эканини тасдиқлади.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

19 декабрь. Президент Ислом Каримов «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 декабрь. Президент Ислом Каримов «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Қозогистон Республикаси Бош вазири Серик Ахметовни қабул қилди.

Ўзбекистонда Қозоғистонга вақт синовидан ўтган ишончли ҳамкор ва яқин қўшни мамлакат сифатида қаралади.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ҳамкорларидан биридир. Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ва барқарор ривожланмоқда. Сўнгги йилларда давлатларимиз долзарб масалалар бўйича кўп томонлама тузилмалар доирасида бир-бирининг принципиал позицияларини доимий равишда қўллаб-қувватлаши тенденцияси кузатилмода.

Мамлакатларимиз минтақада сувдан оқилона фойдаланиш тизимини ривожлантириш масаласида келишилган ягона позицияга эга бўлиб, у икки мамлакат Президентларининг 2012 йил 7 сентябрда имзоланган қўшма баёнотида мустаҳкамлаб қўйилган.

Учрашувда мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлиги ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

24 декабрь. Президент Ислом Каримов «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 декабрь. Президент Ислом Каримов «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 декабрь. Президент Ислом Каримов «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди.

2013 йил

10 январь. Президент Ислом Каримов «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

* * *

18 январь. Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг «2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

19 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Ушбу нутқ «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

25 январь. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

5 февраль. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Швейцария Конфедерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Николя Брюль, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Нур Усмон Юсуф Балқар, Афғонистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Содиқ Даудзай, Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Гусейн Кулиев ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

19 февраль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатасининг Европа ва Евроосиё бўйича қуйи қўмитаси раиси Дэйна Рорабахер ҳамда конгрессменлар Пол Кук, Тед По ва Брайан Хиггинсдан иборат делегацияни қабул қилди.

Томонлар давлатлараро миқёсда ва икки мамлакат ишбилармонлари доирасида узоқ муддатли Ўзбекистон — АҚШ алоқаларини янада ривожлантиришдан бирдек манфаатдор эканликларини қайд этиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, илгор технологиялар ва мавжуд ресурсларни жалб қилган ҳолда ўзаро манфаатли сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашдилар.

Меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш борасида кўрсатаётган ёрдами АҚШ томонидан юксак қадрланишини қайд этдилар.

* * *

1 март. Президент Ислом Каримов «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Франция Республикаси ташқи ишлар вазири Лоран Фабиусни қабул қилди.

Учрашувда савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларига, хусусан, Франциянинг етакчи компаниялари иштирокида ўзаро манфаатли юқори технологияли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар мазкур ташриф доирасида имзоланган Ўзаро англашув меморандумига мувофиқ, мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаётган Франция тараққиёт агентлиги йўналиши бўйича ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга доир долзарб муаммолар, аввало, Афғонистонда кўп йиллардан буён давом этиб келаётган можарони тинч йўл билан ҳал қилиш, Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига ёрдам бериш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

* * *

7 март. Президент Ислом Каримов Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги йўллади.

* * *

15 март. Президент Ислом Каримов раислигида Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

— 2005 — 2012 йиллар мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан қарийб 4 минг нафар бола 333 та халқаро спорт тадбирида, турли фестиваль ва ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этганини айтиб ўтиш ўринлидир. Ана шу мусобақаларда қатнашганларнинг асосий қисми — қарийб 2400 нафари қишлоқ жойларда яшаётган ўғил-қизларимиздир, — деди Президент.

— Биз барпо этган спорт объектларида спортчи сифатида шаклланиб, камолга етган бу ёшлар дунёнинг 34 тадан ортиқ мамлакатида бўлиб, спортнинг 30 тури бўйича Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилгани ҳақида ҳар қанча ғурурланиб гапирсак арзийди, албатта.

Ана шундай ёш спортчиларимиз ўтган даврда ўз маҳорати, азму шижоатини намоён этиб, 922 та медални, жумладан, 363 та олтин, 282 та кумуш ва 277 та бронза медални қўлга киритгани алоҳида таҳсинга сазовордир. Биргина 2012 йилнинг ўзида спортчи йигит-қизларимиз 204 та медаль соҳиби бўлдилар. Уларнинг 81 таси олтин, 61 таси кумуш ва 62 таси бронза медалидир.

Мухтасар айтганда, спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим воситаси бўлиб келмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши муқаррар. Чунки спорт — соғлом авлод, соғлом келажак дегани. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади, деб таъкидлади Ислом Каримов.

* * *

18 март. Президент Ислом Каримов «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 март. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Ушбу тантанали маросимда Президент Ислом Каримов иштирок этиб, Ўзбекистон халқини қутлуғ айём — Наврўзи олам билан табриклаб, нутқ сўзлади.

* * *

27 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисовни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз яқин қўшнилар ва вақт синовидан ўтган шериклар сифатида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан, бир-бирининг ва бутун минтақанинг бардавом ривожланиши ва тараққиётидан бирдай манфаатдор экани қайд этилди. 2011 йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,75 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистон ва Қозоғистон минтақадаги энг йирик савдо шериклар сифатида ушбу ғоят муҳим соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор.

Учрашувда минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

1 апрель. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг маърузаси «Мамлакатимизнинг тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг обрў-эътиборини янада ошириш йўлида меҳнат қилиш — муқаддас бурчимиз» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

3 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Сеул, 2012 йил 20 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби Сергей Лебедевни қабул қилди.

Савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, трансмиллий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш масалалари Ўзбекистон Республикаси учун МДҲ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишидир. Ҳамдўстликка аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг етакчи савдо ҳамкорларидир. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари буни яққол тасдиқлайди. 2012 йилда бу борадаги кўрсаткич 12,4 миллиард АҚШ долларини ёки мамлакатимиз умумий ташқи савдо ҳажмининг 47,2 фоизини ташкил этди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида томонларни қизиқтирган масалалар, шу жумладан, Ҳамдўстлик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, кўп томонлама интеграция жараёнларини ривожлантириш истиқболлари ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти, Халқаро олимпия қўмитаси аъзоси Томаш Аянни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистонда оғир атлетикани ривожлантириш истиқболлари, мазкур нуфузли ташкилот билан самарали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда МДҲ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Суҳбат чоғида томонлар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг муҳим масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Томонлар Ўзбекистон ва Россия манфаатларига доир минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

* * *

10 апрель. Президент Ислом Каримов «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14-15 апрель. Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 14-15 апрель кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Президент Ислом Каримовнинг Россияга расмий ташрифининг асосий тадбирлари 15 апрель куни Кремлда бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг тор доирадаги учрашувида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар, жумладан, Афғонистондаги вазият ривожи, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликнинг тарқалишига қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари давлатларимизнинг БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлиги масалаларини кўриб чиқдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги муҳокамаларда асосий эътибор иқтисодий ҳамкорлик масалаларига қаратилди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон — Россия муносабатларининг мустаҳкам асосини ташкил этиши таъкидланди. 2012 йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 12,6 фоиз ўсди ва 7,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Музокаралар якуни бўйича Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида битим, 2013—2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик дастури имзоланди. Шунингдек, ташриф доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муассасалари, божхона ва солиқ хизматлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар қабул қилинди.

* * *

16-17 апрель. Президент Ислом Каримов пойтахтимизда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этди.

Анжуманда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Испания, Италия, Ҳиндистон, Россия каби олтмишдан зиёд давлатдан 300 дан ортиқ олим, мутахассис ва эксперт, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижлик дипломатлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ушбу халқаро форумнинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

* * *

17 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Алини қабул қилди.

Ушбу нуфузли халқаро молия ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида қиймати 186,4 миллион АҚШ долларига тенг 10 лойиҳа амалга оширилди. Ҳозирги вақтда қиймати 640,9 миллион долларлик яна 10 лойиҳанинг ижроси давом этмоқда. 9 лойиҳани амалга оширишга тайёргарлик кўрилмоқда, уларнинг молиявий қиймати 877,9 миллион долларга тенг. Шунингдек, техникавий ҳамкорлик доирасида ИТБ томонидан Ўзбекистонга 12 лойиҳа учун 2,7 миллион долларлик грантлар ажратилган.

ИТБ раҳбарининг Ўзбекистонга бу галги ташрифи асносида қиймати 36 миллион АҚШ долларига тенг «Тошкент шаҳрининг ташқи ёритиш тизимларини модернизация қилиш ва уларга энергия тежайдиган технологияларни татбиқ этиш» лойиҳаси бўйича молиявий битим имзоланди.

Музокарада муносабатлар истиқболи ҳамда янги ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

* * *

18 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиао Жаони қабул қилди.

Ўзаро ҳамкорлик ўрнатилганидан буён, 2013 йил 1 апрель ҳолатига кўра, ОТБ Ўзбекистонга қиймати 13,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ лойиҳалар учун 48 заём пакети ажратишни маъқуллаган. Шунинг қарийб 4,5 миллиард долларлик қисми ОТБ томонидан молиялаштирилади. Хусусан, 2012 йилда қиймати 876 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳаларни молиялаштириш маъқулланди. Жорий йилда эса 837 миллион долларлик лойиҳаларни молиялаштиришни маъқуллаш кўзда тутилмоқда.

ОТБ қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган комплекс дастурни амалга оширишда катта ёрдам кўрсатмоқда ва шу мақсад учун 500 миллион доллар маблаг ажратган. Ушбу дастурнинг юксак натижалари — қишлоқ ҳудудларида 23 мингдан зиёд замонавий, шинам ва қулай уйлар барпо этилди, 70 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди, қарийб 700 ижтимоий инфратузилма объекти қурилди.

Оқсаройдаги учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

18 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 апрель. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 апрель. Президент Ислом Каримов «Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 апрель. Президент Ислом Каримов «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 апрель. Президент Ислом Каримов «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган «Соғлом авлод — миллат келажаги» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

24 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди.

Суҳбат чоғида томонлар долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар, жумладан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

25 апрель. Президент Ислом Каримов «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 апрель. Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон дунёда кўпчиликнинг ҳавасини келтираётган ютуқ ва марраларга эришиши йўлида бутун мамлакатимиз қатори Андижон вилояти меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини, кўп соҳаларда Андижон етакчи ўринларни эгаллаб келаётганини алоҳида таъкидлади.

— Иқтисодиётимизнинг локомотиви ҳисобланган йирик корхоналар, биринчи навбатда, Асака шаҳридаги автомобиль заводи фаолияти ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди, — деди Юртбошимиз. Президент ўз нутқида Андижон вилоятида сўнгги йилларда қайта ишлаш саноатини тараққий эттириш бораси-

да ҳам салмоқли ютуқларга эришилганини таъкидлади.

Президентимиз Андижон вилоятида турли соҳаларда эришилган ютуқларни қайд этган ҳолда, ишга солинмаган имкониятларни таъкидлаб, галдаги устувор вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

* * *

30 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, сенаторлар ва депутатлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун халқимиз Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 68 йиллигини, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонламоқда, — деди Ислом Каримов. — Айни шу кунларда барча-барча юртдошларимиз ўз инсоний бурчини бажо этиб, Ватанимиз озодлиги, мусаффо осмон учун жон бериб, қурбон бўлганларнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб таъзим қилади.

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгариб, ён-атрофимизда қарама-қаршилик, хавф-хатарлар кучайиб бораётган нотинч замонда яшаётганимизни кузатиш ва англаш қийин эмас.

Шулар ҳақида гапирар экан, Президентимиз Афғонистонда ўттиз йилдан кўпроқ давом этаётган уруш ҳозирги кунда бизнинг ҳудудимизда, бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар эканини алоҳида таъкидлади.

— Менинг истагим: ана шу гўзал ва бетакрор юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон бахтли бўлсин, ҳар қайси оилага тинчлик-хотиржамлик, файзу барака доим ёр бўлсин, — деди пировардида Ислом Каримов.

* * *

16 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Эдгарс Ринкевични қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари мунтазамлик касб этган кенг кўламли Ўзбекистон — Латвия давлатлараро мулоқоти нафақат икки ва кўп томонлама аҳамиятга молик амалий масалаларни кўриб чиқиш, балки долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан очиқча фикр алмашиш ва уларни баҳолаш учун ҳам имкон яратаётганини таъкидлади.

Учрашувда томонларни қизиқтирган қатор масалалар муҳокама қилинди.

* * *

16 май. Президент Ислом Каримов «2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорини тасдиқлади.

* * *

22 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Ҳиндистон Республикаси Вице-президенти Ҳамид Ансорийни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. 2012 йил якунига кўра, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми аввалги даврдаги кўрсаткичга нисбатан анча юксалиб, 201 миллион АҚШ долларидан ошган.

Томонлар Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклигига доир бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

* * *

23 май. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарнинг раҳбарлари этиб тайинланган — Европа Иттифоқи Делегацияси раҳбари, Элчи Юрий Штерк ва Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Фумихико Като ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

6 июнь. Президент Ислом Каримов «Универсиада — 2013» спорт ўйинлари иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

12 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 июнь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Тошкентга келди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 14 июнь куни Кўксаройда бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Икки давлат раҳбарлари тор доирадаги музокараларида Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини, минтақадаги ва халқаро майдондаги бугунги ҳолатни атрофлича муҳокама қилдилар.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев минтақавий хавфсизлик масалаларини муҳокама қилар эканлар, Ўзбекистон ва Қозоғистон Афғонистондаги вазият тезроқ изга тушишидан манфаатдор эканини таъкидладилар. Президентлар терроризм, наркотрафик, диний экстремизм, сепаратизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳим эканини таъкидладилар.

Президентлар маънавий яқинлик ва кўп асрлик анъанавий муносабатларга асосланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини ҳам муҳокама этдилар.

Музокаралар якунлари бўйича Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат ички ишлар вазирликлари ва божхона хизматлари ҳамкорлигига доир ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ўртасида маданият соҳасида 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қабул қилинди.

Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасининг янги биноси ва қозоқ адабиётининг буюк намояндаси Абай Қунонбоев ҳайкалининг очилиши Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистонга ташрифининг ёркин воқеаси бўлди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳрида бунёд этилган «Маърифат маркази»га ташриф буюрдилар.

Қозоғистон Президентининг мамлакатимизга ушбу ташрифи икки давлат ўртасидаги самимий дўстлик ва узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро манфаатли муносабатлар ривожидаги муҳим тарихий воқеа бўлди.

* * *

19 июнь. Президент Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилоятига сафарини «Жиззах пластекс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси фаолияти билан танишишдан бошлади.

— Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу фабрика мамлакатимизда енгил саноатни изчил тараққий эттириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг яна бир амалий натижасидир, — деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари енгил саноатни ривожлантириш орқали пахта толасини қайта ишлаш кўрсаткичларини мунтазам равишда кенгайтириш масаласининг аҳамиятига атрофлича тўхталди.

Президентимиз ҳар бир шаҳарнинг бош режаси устида ишлашда узоқ истиқболни ўйлаб иш юритиш лозимлигини таъкидлади. Шаҳарда айланма ҳалқа йўлини барпо этиш, кўп тасмали магистраль йўлларни қуриш, коммуникацияларни ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш, замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берди.

Юртбошимиз Пахтакор туманидаги «Жавлонбек» фермер хўжалиги далаларида бўлиб, фермерлар ва вилоят фаоллари билан суҳбатлашди. Мулоқот чоғида ғалла ҳосилини қисқа фурсатларда йиғиштириб олиш чораларини кўриш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов шу куни Сирдарё вилоятига келди. Оқолтин туманидаги «Авазбек Умаров» фермер хўжалиги даласида бўлиб, фермерлар билан суҳбатлашди.

— Ғаллачилик ва пахтачиликда муҳим бўлган кунларда деҳқонларимизга ҳорманг, дейиш, уларга куч-қувват тилаш менга катта мамнуният бағишлайди, — деди давлатимиз раҳбари. — Сиз каби инсонларнинг фидойилиги билан мамлакатимиз улкан ютуқларга эришмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларига сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини ва Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини яққол кўрсатади.

* * *

26 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан республика Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

2 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси хавфсизлик ва давлат бошқаруви вазири Ю Чон Бокни қабул қилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя киритиш бўйича етакчи давлатлардан бири бўлган Корея Республикаси Осиё-Тинч океани минтақасида Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шеригидир. 2012 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 31 фоиз ортиб, 2,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси миқдори эса 6 миллиард доллардан ошди.

Юртимизда кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 401 корхона, Корея Республикасидаги 88 йирик компанияларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Кореянинг АКТ соҳасидаги муносабатларига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

* * *

11 июль. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Риаз Ҳусайн Бухари, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ли Ук Хён ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

11 июль. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ван Ини қабул қилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда, шунингдек, БМТ, ШҲТ каби нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида изчил ривожланмоқда.

Мулоқот чоғида томонлар мамлакатларимизда маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

* * *

16 июль. Президент Ислом Каримов давлатга дон тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли адо этган Ўзбекистон галлакорларига табрик йўллади.

* * *

18 июль. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби «Ўзбекистон» нашриёти томонидан лотин графикасига асосланган ўзбек ёзувида нашрдан чиқарилди.

2011 йили эълон қилинган бу китоб мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистоннинг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиш арафасида ва ундан кейинги дастлабки ойларда олиб борган жўшқин ва серқирра фаолиятини акс эттиради.

Ўзида сиёсий-иқтисодий, ғоявий-мафкуравий, тарихий-маънавий тафаккур ва таҳлил усулларини ўзаро уйғунликда мужассам этган бу кенг қамровли асар халқимиз ҳаётининг вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган саҳифаларини тиклаб, истиқлол тарихимизни ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни ҳар томонлама ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратади.

* * *

24 июль. Президент Ислом Каримов «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Ллойд Остинни қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга, жумладан, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, Афгонистондаги вазиятни тинч йўл билан барқарорлаштириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

25 июль. «Маънавият» нашриёти томонидан «Президентга мактублар» китобининг учинчи жилди нашрдан чиқарилди.

Китобнинг янги — учинчи жилдидан мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари, хорижий давлатлар етакчилари, атоқли сиёсат ва маданият намояндалари томонидан давлатимиз раҳбари Ислом Каримов номига 2009 — 2013 йиллар давомида келган хатлардан намуналар ўрин олган.

* * *

7 август. Президент Ислом Каримов «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 август. Президент Ислом Каримов «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Боинг — фуқаро самолётлари» компа-

нияси президенти, «Боинг» корпорацияси вице-президенти Рэймонд Коннерни қабул қилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Боинг» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 15 самолётдан фойдаланмоқда. Авиаташувларнинг ярмидан кўпи, жумладан, АҚШ ва Япония каби узоқ мамлакатларга парвозлар ушбу замонавий ҳаво кемаларида амалга оширилмоқда. 2016 йилда яна иккита «Боинг 787—800 Дримлайнер» самолёти етказиб бериш режалаштирилган.

Суҳбатда Рэймонд Коннер ўзи раҳбарлик қилаётган компания ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини билдирди.

* * *

14 август. Президент Ислом Каримов «Республика олий таълим муассасаларининг рейтингини баҳолаш бўйича ишчи комиссиясини тузиш тўғрисида»ги фармойишни имзолади.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотларини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан Фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан Давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО Бош директори Ирина Боковани қабул қилди.

Меҳмон Ўзбекистоннинг бутун дунёда тан олинаётган ютуқлари барча соҳаларда узоқни кўзлаб амалга оширилган ислоҳотлар, Ўзбекистон раҳбарининг маданият ва таълимни ривожлантириш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратаётган доимий эътибори самараси эканини алоҳида таъкидлади.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Хадра майдонига ташриф буюрди. Аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида бу ерда улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Фурқат кўчасини Зарқайнар ва Себзор кўчалари билан боғлайдиган ер ости автомобиль йўли реконструкция қилинди. Навоий шоҳкўчасида 46 метрлик ер ости йўлаги қурилди. Фурқат кўчасидан ўтувчи 82 метрлик пиёдалар йўлаги таъмирланди.

Президентимиз мазкур объект билан танишар экан, бундай йирик иншоотларни лойиҳалаштириш ва қуришда шаҳарнинг иқлим шароитини ҳисобга олиш, рельефидан оқилона фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Юртбошимиз «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг реконструкция қилинган Қуюв-механика заводи фаолияти билан ҳам танишди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишар экан, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган замонавий техника ва технологияларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

Президентимиз корхонада ёш мутахассислар билан суҳбат асносида бугунги кунда ўзбек ёшлари ақл-заковат, иқтидор ва қобилият, интилиш ва ташаббус бобида хорижда

ҳам кўпчиликнинг ҳавасини тортаётганини қайд этди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳридаги «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни ёд этиш маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда бугунги кунда мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, олдимизда турган муҳим вазифалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали тадбирда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

8-9 сентябрь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида ХХР Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Си Цзиньпин шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Хитойнинг давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги суҳбатида томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар.

Кўксарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, иқтисодий, молиявий, нефть-газ, таълим соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

* * *

10 сентябрь. Президент Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Самарқанд шаҳрига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қадим шаҳарнинг тарихий обидалари билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Икки давлат раҳбарлари Амир Темур мақбараси ва Регистон мажмуини бориб кўрдилар.

Олий мартабали меҳмон қадим маданиятимиз ва миллий давлатчилигимиз тимсоли, меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган Самарқанд обидалари унутилмас таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади.

* * *

12-13 сентябрь. Президент Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрига келди.

ШҲТга аъзо Давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси тор доирадаги учрашув билан бошланди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди. Мажлисда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, шунингдек, ШҲТни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Давлат раҳбарлари ШҲТга аъзо мамлакатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қоидаларини амалга ошириш бўйича 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган ҳаракат режасини имзоладилар. Саммитда ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Президент Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги иштироки доирасида давлатимиз раҳбари ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликка доир масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

20 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 сентябрь. Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Қашқадарё, ҳақиқатан ҳам, бағри дарё, беқиёс ўлка. Бу воҳа одамлари билан бирга ишлаш насиб этгани, ҳаётимнинг энг жўшқин, энг ҳаракатчан даврида мард ва танти Қашқадарё аҳли билан бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилганим, менга шундай ҳаёт мактабини ўташ бахтини бергани учун тақдирдан миннатдорман, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари шу куни Касби туманидаги «Шоназар ота Авазмуродов» фермер хўжалиги далаларида фермерлар билан мулоқотда бўлди. — Бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирилди, — деди Юртбошимиз. — Бу соҳада эришаётган муваффақиятларимизни чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, аввалambор, ерни ҳақиқий эгаларига топширганимиз, фермерларимизда эгалик ҳисси шаклланган, деҳқонларимиз унумли меҳнат қилиши учун яратилаётган кенг шарт-шароит ва имкониятлар бугунги ютуқларимизнинг муҳим омили бўлмоқда. Ислом Каримов пахтачиликда ҳудуд иқлими ва тупроқ шароитига мос серҳосил, сифатли тола берадиган янги навларни яратиш масаласига алоҳида тўхталди.

* * *

27 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

4 октябрь. Президент Ислом Каримов «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 октябрь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Павол Иван, Фаластин Давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Абдулла Таршаҳаний, Исроил Давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Кармела Шамир, Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Масуд Маннан, Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жак-Анри Ольс ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

8 октябрь. Президент Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Украина ташқи ишлар вазири Леонид Кожарани қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон Украинага иқтисодиёт, саноат ва интеллектуал соҳаларда катта салоҳиятга эга, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ижтимоий инфратузилмаси ривожланган, вақт синовидан ўтган муҳим ҳамкор сифатида қараши қайд этилди.

Томонлар ҳамкорлик ҳажмини изчил кенгайтириш ва диверсификация қилиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишдан бирдек манфаатдор экани таъкидланди.

* * *

16-17 октябрь. Президент Ислом Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Латвия Президенти қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чогида Президентлар икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини муҳокама қилди, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашди. Музокаралар ёрқин воқеа билан бошланди: Ўзбекистон Республикаси Президентига Латвиянинг олий давлат мукофоти — биринчи даражали «Эътироф крести» ордени топширилди. Латвия Республикаси Президенти мамлакатимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Латвия Республикаси Президентининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва юклар транзити, савдо алоқаларини кенгайтириш, туризм ва инвестициявий ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Президент Ислом Каримов Латвия Сеймига ташриф буюриб, Спикер Солвита Аболтиня билан музокаралар ўтказди. Давлатимиз раҳбари Латвия парламенти фаолияти билан танишди.

Ислом Каримовнинг Латвия Бош вазири Валдис Домбровскис билан учрашуви бўлиб ўтди. Музокаралар чогида ташриф давомида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов Латвия Президенти Андрис Берзиньш ҳамроҳлигида Озодлик монументи пойига гул қўйиб, Латвия озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

23 октябрь. Президент Ислом Каримов «Гаров реестри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24-25 октябрь. Президент Ислом Каримов Белоруссия пойтахти Минск шаҳрида бўлиб, МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Минск учрашувида Ҳамдўстлик фаолиятини янада такомиллаштириш, аъзо мамлакатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентлар минтақавий ва халқаро муаммолар, хусусан, терроризм, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-ярог контрабандаси каби таҳдидларни бартараф этишда ҳамкорлик борасида фикр алмашдилар.

Президент Ислом Каримов МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлисида нутқ сўзлади. Жумладан, Афгонистондаги вазият ҳақида тўхталиб, бу муаммонинг ҳарбий ечими йўқ экани, қуролли можарога муроса ва музокаралар йўли билан барҳам бериш мақсадга мувофиқ эканини қайд этди.

Давлат раҳбарлари жиноятчилик, одам савдоси, наркобизнес, терроризмга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисидаги дастурларни тасдиқладилар.

* * *

25 октябрь. Президент Ислом Каримов пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятларини муваффақиятли адо этган Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

* * *

29 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Белоруссия пойтахти Минск шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлисида сўзлаган нутқи матбуотда чоп этилди.

* * *

30 октябрь. Президент Ислом Каримов «Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришган спортчиларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ҳамраиси, ХКП МҚ Сиёсий бюроси аъзоси Мэн Цзяньчжуни қабул қилди.

Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишлари имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувларни амалга ошириш, икки давлат раҳбарлари эътиборида бўлган ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш эканлиги учрашувда алоҳида таъкидланди.

Учрашув чогида минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

* * *

13 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенкони қабул қилди.

Суҳбат чоғида томонлар иқтисодий ҳамкорлик барқарор кенгайиб, ўзаро савдо таркиби сифат жиҳатидан яхшиланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган маданий-гуманитар ҳамкорликка оид масалалар, айрим минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

13 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Такехико Накаони қабул қилди.

ОТБ президентининг ушбу ташрифи доирасида «Самарқанд шаҳрида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станциясини барпо этиш», «Аму-Бухоро ирригация тизимини реабилитация қилиш» ҳамда «Кичик ва микромолиялашни ривожлантириш» лойиҳалари бўйича умумий қиймати 380 миллион АҚШ долларига тенг молиявий битимлар имзоланди.

Учрашувда Такехико Накао ОТБ томонидан кўп томонлама ҳамкорликда амалга оширилаётган, бутун минтақа учун катта аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик билдирди.

* * *

22 ноябрь. Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилиши бошланди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг маърузаси 23 ноябрь куни матбуотда чоп этилди.

* * *

25 ноябрь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан кейин Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедовнинг яккама-якка суҳбатида Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Давлат раҳбарлари музокарани Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Музокаралар якунида Президент Ислом Каримов ва Президент Гурбангули Бердимуҳамедов Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Маданий-гуманитар соҳада 2014 — 2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Жиноий йўл билан орттирилган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Шунингдек, икки мамлакатнинг кимё саноати ва туризм компаниялари, ахборот агентликлари, товар-хом ашё биржалари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов ва Президент Гурбангули Бердимуҳамедов пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Президентлар давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилган «Маърифат маркази»ни бориб кўришди.

* * *

26 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов «General Motors Powertrain Uzbekistan» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонасига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти, шарт-шароитлари билан танишди.

Туркманистон Президенти мамлакатимиз автомобиль саноати ривожидаги улкан муваффақиятлардан бири бўлган, замонавий стандартлар асосида, энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхона фаолиятини юқори баҳолади. Меҳмон завод ҳудудида кўргазмага қўйилган, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий енгил автомобиллар, юк машиналари, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси билан ҳам танишди.

Шу билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди.

* * *

28 ноябрь. Президент Ислом Каримов Кўксаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцянни қабул қилди.

Ўзбекистон учун Хитой ишончли ва муҳим шерик бўлиб, ушбу мамлакат билан ҳамкорлик ҳар икки давлатнинг узоқ муддатли манфаатларини эътиборга олган ҳолда ўзаро ҳурмат асосида йўлга қўйилган.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигига оид долзарб масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

29 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Тошкентга келган Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Дмитрий Медведевни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Россия бир-бири учун ҳар доим очиқлиги, қарор топган дўстлик ва ҳамкорлик ришталари юксак қадрланиши қайд этилди. Мулоқот чоғида жаҳон молиявий инқирози давом этаётганига қарамай, томонлар ўзаро савдо-сотиқнинг юқори кўрсаткичларини сақлаб қолишга эришгани ва 2012 йилда унинг ҳажми 12 фоиздан кўпроқ ошиб, 7,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани мамнуният билан таъкидланди.

Россия ҳукумати Раиси самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

* * *

2 декабрь. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Лукойл нефть компанияси» очиқ акциядорлик жамияти Президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Компаниянинг Ўзбекистон нефть-газ комплексига тўғридан-тўғри инвестициялари 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларини, жорий йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича эса қарийб 500 миллион долларни ташкил этди.

Учрашувда 2014 — 2020 йилларда Бухоро — Хива ва бошқа ҳудудлардаги конларда қатор йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши узоқ муддатли шерикликка янги суръат бағишлаши таъкидланди. Компаниянинг яқин 5 йилдаги инвестиция дастури қарийб 5 миллиард долларни ташкил этади.

Вагит Алекперов самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

* * *

3 декабрь. Президент Ислом Каримов «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

— Аввалambор, бугун мана шу муҳташам залда сиз, азизларни Конституция куни билан табриклаб, сизларга чуқур ҳурматимни изҳор этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, янги-янги омадлар тилашга ижозат бергайсиз, — деди Ислом Каримов. — Сиз, муҳтарам юртдошларимизни давлат мукофотлари билан шу байрам арафасида қутлаш, табриклаш яхши бир одатга, анъанага айланиб қолди.

Сўнгра Президентимиз Ислом Каримов давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Бугун мен сизларнинг очиқ чеҳрангиз, бахтиёр кўзларингизни, сизлардаги баланд руҳни кўриб, очиғини айтсам, гўёки ўзим ҳам мукофот олгандек хурсанд бўлиб турибман, — деди Президентимиз. — Менинг ниятим, тилагим битта: кўксингизга ярашиб турган бу мукофотлар барчангизга буюрсин, сизларни янги-янги зафарларга руҳлантирсин.

* * *

6 декабрь. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Президент Ислом Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди ва кириб келаётган янги — 2014 йилни мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанадаги маърузаси «Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

12 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чжан Сяони дипломатик ваколат муддати тугагани муносабати билан қабул қилди.

2012 — 2013 йилларда ўтказилган олий даражадаги учрашувлар ва музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари томонидан Страте-

гик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация имзоланди.

Пекин ва Тошкентга амалга оширилган ташрифлар доирасида умумий қиймати 20 миллиард АҚШ долларидан ортиқ, қарийб 80 савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий битимлар имзоланди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар, айниқса, олий таълим, фан ва технологиялар, соғлиқни сақлаш, санъат, туризм ва бошқа кўплаб соҳалардаги ҳамкорликка юксак баҳо берилди.

* * *

19 декабрь. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Бугунги кунда бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Сурхондарёда ҳам эътиборга лойиқ беқиёс ўзгаришлар юз бермоқда, — деб таъкидлади Юртбошимиз. — Кейинги йилларда барпо этилган замонавий корхоналар, коммуникация тармоқлари, хизмат кўрсатиш инфратузилмалари, ижтимоий соҳа объектларини — янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, мусиқа ва санъат мактаблари, соғлиқни сақлаш ва спорт масканларини кўрганда, бу кўҳна ва бетакрор замин янада гўзал ва обод бўлиб бораётганига ишонч ҳосил қиламиз.

Ислом Каримов вилоятда эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, йўл қўйилган айрим камчилик ва нуқсонлар, мавжуд муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Президентимиз шу куни «Ҳайратон» чегара мажмуасига ташриф буюриб, офицер ва аскарлар билан мулоқотда бўлди.

* * *

20 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2013 йил 14 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2013 йил 9 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 декабрь. Президент Ислом Каримов «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунни, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини тасдиқлади.

* * *

27 декабрь. Президент Ислом Каримов «2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги Шартномани унинг Томонлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида қўллаш ҳақидаги Баённомани (Минск, 2013 йил 31 май) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 декабрь. Президент Ислом Каримов «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди.

2014 йил

2 январь. Президент Ислом Каримов «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

10 январь. Президент Ислом Каримов «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

* * *

17 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Ушбу нутқ «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

17 январь. Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг «2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

* * *

20 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

22 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 январь. Президент Ислом Каримов раислигида Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

— Болалар спорти объектларини қуриш ҳеч қачон тўхтамайди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Азиз болаларимиз камол топадиган бу мажмуаларни шундай чиройли ва мустаҳкам этиб қурайликки, бу биздан ўзига хос бир эсдалик, уларга меҳримизнинг ифодаси бўлсин, — деди Президент. — У ерда шуғулланган болалар шундай имкониятлардан мамнун бўлиб, эзгу мақсад ва интилишлар билан яшасин. Зеро, фарзандларимизни хурсанд қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун шароит яратиш бизнинг бурчимиз, — деб таъкидлади Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб қилиш зарурлигини, бунинг учун маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллигини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

— Оила қачон бахтли бўлади? Аёл бахтли бўлса! Аёл қачон бахтли бўлади? Фарзандлари сог-саломат бўлса! Бунинг учун оилада соғлом муҳит шаклланиши, аввало, ота-она спорт билан шуғулланиши керак, — деди Ислом Каримов.

Йигилишда 2014 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўриб чиқилди. 115 спорт объекти ва 48 болалар мусиқа ва санъат мактабини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

* * *

7 февраль. Президент Ислом Каримов Сочи (Россия) шаҳрида XXII қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.

Ушбу Олимпия ўйинлари учун махсус қурилган «Фишт» стадионида жаҳоннинг етакчи мамлакатлари раҳбарлари иштирокида мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Олимпиада машъаласининг ёқилиши маросимнинг энг ҳаяжонли дамлари бўлди.

Президент Ислом Каримов Сочига сафари доирасида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан учрашди. Музокарада Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Сочидаги тадбирлар давомида Ўзбекистон Президентининг Туркия Республикаси Бош

вазири Ражаб Таййиб Эрдўғон билан ҳам учрашуви бўлиб ўтди.

* * *

24 февраль. Президент Ислом Каримов «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 февраль. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Беларусь Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Николай Клакевич, Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Эдгарс Бондарс, Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Найтхарт Хёфер-Виссинг, Грузиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Константин Жгенти, Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Намик Гунер Эрпул, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Сунь Лицзе ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

7 март. Президент Ислом Каримов Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги йўллади.

* * *

19 март. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрамига багишланган тантаналар бўлиб ўтди. Ушбу тантанали маросимда Президент Ислом Каримов иштирок этиб, Ўзбекистон халқини қутлуғ айём — Наврўзи олам билан табриклаб, нутқ сўзлади.

* * *

15 апрель. Президент Ислом Каримов «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 апрель. Президент Ислом Каримов «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 апрель. Президент Ислом Каримов Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Испания Қироллигининг ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Хосе Мануэль Гарсиа-Маргальони қабул қилди.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва устувор йўналишлари, халқаро ҳаёт, жумладан, Афғонистондаги вазият билан боғлиқ минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон бозорида Испаниянинг «Тальго», «Максам», «Инитек энергия» каби етакчи компаниялари фаол иш юритаётгани икки томонлама самарали ҳамкорликнинг муваффақиятига мисол бўла олади.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликка оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

* * *

22 апрель. Президент Ислом Каримов «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 апрель. Президент Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикасида бунёд этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

— Бундай йирик ва муҳим лойиҳани Корея Республикаси билан ҳамкорликда амалга ошираётганимиз бежиз эмас, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўзбекистон Корея Республикасига улкан иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга ривожланган давлат сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган мустаҳкам ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни юксак қадрлайди.

Сургил кони негизида бунёд этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси Ўзбекистон ва

Жанубий Корея ҳамкорлигининг юксак намунасидир. Ушбу Лойиҳанинг умумий қиймати 3,9 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Унинг амалга оширилиши йилига 4,5 миллиард куб. метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб. метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассислар билан суҳбатлашди. — Меҳнатсеварлик, самимийлик, бағрикенглик каби фазилатлар ўзбек ва корейс халқларига бирдек хос, — деди Юртбошимиз.

Мажмуа қурилишида 6 минг 400 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 3 минг 500 дан зиёди юртимиз мутахассислари бўлиб, аксарияти ёшлардир.

* * *

5 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Япония Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Таро Асони қабул қилди.

Япония Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади. 2013 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 215,2 миллион АҚШ долларидан ошган. Япония томонидан Ўзбекистонга киритилган молия воситаларининг умумий ҳажми 2,32 миллиард долларни ташкил этади.

Учрашувда энергетика, кон саноати, нефть-газ, кимё, электротехника, автомобилсозлик ва коммуникация соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

5 май. Президент Ислом Каримов «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 май. Президент Ислом Каримов «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари Уильям Бёрнсни қабул қилди.

Суҳбат давомида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинди. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, хусусан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

* * *

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун барча ватандошларимиз, бутун халқимиз Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган улуғ айёмни, фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 69 йиллигини кенг нишонламоқда, — деди Ислом Каримов. — Шу кунларда барчамиз ўз инсоний бурчимизни адо этиб, бугунги тинч ҳаётимиз учун, мусаффо осмонимиз учун жанг майдонларида жон бериб урушдан қайтмаганларни эслаймиз, уларнинг арвоҳларини шод этиб, ўчмас хотираси олдида бош эгамиз.

— Бугун орамизда соғ-саломат ҳаёт кечираётган, барчамиз учун азиз ва муҳтарам бўлган нуроний отахон ва онахонларимизга, урушда қатнашган мардларга, шу билан бирга, фронт ортида меҳнат қилиб, Ғалаба кунини яқинлаштиришга муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизга чин қалбимдан ҳурматимни билдираман ва уларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан бардамлик, узоқ умр, бахтли ҳаёт тилайман, — деди давлатимиз раҳбари. — Бизнинг халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Кўпни кўрган халқимиз яхши билади, фақат тинчлик ва осойишталик бўлган, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳукм сураётган давлатда, жамиятда фаровон ва бахтли ҳаёт қуриш мумкин, эзгу ниятларга, орзу-мақсадларга етиш мумкин.

* * *

14 май. Президент Ислом Каримов «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 май. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 май. Самарқанд шаҳридаги Қабуллар уйида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзуида халқаро конференциянинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Сингапур, Малайзия, Кувайт, Миср, Саудия Арабистони, Россия, Озарбайжон каби элликка яқин давлатдан нуфузли ташкилотлар ҳамда таълим тизими раҳбарлари, олимлар, мутахассислар, экспертлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқаро конференциянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

* * *

15 май. Президент Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий согломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20-21 май. Президент Ислом Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммити йиғилишида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасига ташриф буюри.

Президент Ислом Каримов ва ХХР Раиси Си Цзиньпин Хитой раҳбарининг Шанхай шаҳридаги қароргоҳида учрашув ўтказди. Суҳбат чоғида томонлар ўзаро ҳамкорликка доир қатор масалаларни, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш масаласини атрофлича муҳокама қилди. Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Президент Ислом Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган IV саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, бугун дунёда рўй бераётган таҳликали, беқарор сиёсий ва иқтисодий воқеалардан хавотирга тушмаган давлат, жамият бўлмаса керак. Бу, ўз навбатида, халқаро хавфсизликка ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик хавфи, миллатлараро ва конфессиялараро қарама-қаршиликлар, барқарорликни издан чиқарувчи омиллар — куч ишлатиш ва зўравонлик хавфи тобора кучайиб бораётганини афсус билан қайд этмоқ лозим.

Давлатимиз раҳбари саммит қатнашчилари эътиборини муҳим масала — ишонч масаласига қаратди. Ўзбекистон раҳбари қарама-қарши томонларни муросага келтириш учун, аввалambор, улар ўртасида юзага келган муаммони ҳал этишга қаратилган ўзаро хайрихоҳликка эришиш зарурлигини таъкидлади.

* * *

27-28 май. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Президентлар тор доирадаги суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этдилар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кўксарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг Қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, Дипломатик паспорт эгаларининг ўзаро визасиз сафарлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги меморандум, 2014 — 2016 йилларга мўлжалланган Маданий ҳамкорлик дастурига оид ҳужжатлар имзоланди.

ОАВ вакиллари билан учрашувда икки давлат раҳбарлари музокаралар ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Латвия муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

* * *

29 май. Президент Ислом Каримов «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

6 июнь. Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзуида халқаро конференция ўз ишини бошлади.

Халқаро конференцияда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари, дипломатик миссия раҳбарлари, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Австрия сингари қирқдан ортиқ мамлакатдан етакчи эксперт ва ишбилармонлар иштирок этди.

Халқаро форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

6 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Жозе Грациану да Силвани қабул қилди.

Учрашувда озиқ-овқат таъминоти, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат экинларининг қурғоқчиликка чидамли янги навлари ва деҳқончиликнинг замонавий усулларини жорий этиш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

13 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Президентининг махсус ёрдамчиси, АҚШ миллий хавфсизлик кенгашининг Россия ва Евроосиё бўйича катта директори Селест Анна Уолленderни қабул қилди.

Мулоқот чогида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик айрим муаммолар атрофлича муҳокама қилинди. Афғонистондаги вазият, унинг минтақадаги жараёнларга таъсири, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

16—18 июнь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ илк давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 17 июнь куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Дастлаб Корея Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ислом Каримов билан Пак Кин Хэнинг тор доирадаги учрашувида икки томонлама муносабатларга доир масалалар, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Биз Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг мамлакатимизга илк давлат ташрифини Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлиги тарихидаги муҳим сиёсий воқеа, томонларнинг олий даражадаги анъанавий мулоқотларни давом эттиришга, дўстлик ва стратегик ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қатъий интилиш ифодаси, деб биламиз, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон Корея Республикасига юксак даражада ривожланган, улкан иқтисодий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида қарайди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Томонлар савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Музокаралар якунида Президент Ислом Каримов ва Президент Пак Кин Хэ икки давлат ўртасида Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, 2014 — 2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси кредитлари тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳадли келишув, Икки томонлама инвестициявий ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Корея Республикаси Экспорт-импорт банки ўртасида молиявий битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

ОАВ вакиллари билан учрашувда давлат раҳбарлари музокаралар самарали, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга, икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

18 июнь куни Президент Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ Самарқанд шаҳрига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қадим шаҳарнинг муаззам тарихий обидалари билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари «Афросиёб» музейида бўлдилар. Мартабали меҳмон Регистон мажмуини ҳам диққат ва ҳаяжон билан томоша қилди. Президент Пак Кин Хэ Амир Темур мақбарасини зиёрат қилиб, Соҳибқироннинг сўнмас хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шу билан Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига илк давлат ташрифи якунига етди. Олий мартабали меҳмон самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга чуқур миннатдорлик билдирди.

* * *

24 июнь. Президент Ислом Каримов «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26-27 июнь. Президент Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Фарғона вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташрифни Фарғона халқаро аэропортида қурилган янги бино фаолияти билан танишувдан бошлади. Президентимиз ушбу бинони кўздан кечирар экан, уни янада кўркамлаштириш, йўловчиларга қулайлик яратиш бўйича кўрсатма берди.

Президент Ислом Каримов вилоят марказида қуриб битказилган минг ўринли Санъат саройи ва бу ерда томошабинлар учун яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди. Сарой атрофидаги 40 гектар майдонга 10 минг туп манзарали дарахт экилиб, сўлим хиёбон барпо этилган. Мусиқали фавворалар иқлим мўътадиллигини таъминламоқда. Санъат саройига туташ ҳудудда муҳташам спорт кошонаси — Сув спорти мажмуаси бунёд этилган.

Президентимиз бу ерда машғулот ўтаётган болалар билан суҳбатлашди. Уларнинг ўқиши, келажакдаги режалари билан қизиқди, уларга спорт анжомлари совға қилди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона шаҳрида бунёд этилган 20 минг ўринли стадионни бориб кўрди. Президентимиз стадионда спортчилар, томошабинлар учун қулай шарт-шароит яратиш, ёш спортчилар, хусусан, футболчилар тарбиялашга эътиборни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов Фарғона вилоятига сафарининг иккинчи куни Қува туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалиги далаларига ташриф буюрди. Бу ерда фермерлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан мулоқотда фермерлик ҳаракатининг самаралари, уни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида тўхталди. Бу ҳақда гапирар экан, фермерлар қишлоқ хўжалиги соҳасининг ҳал қилувчи кучи бўлиши лозимлигини таъкидлади.

— Ҳар бир инсон ўзига оилам мендан розими, дея савол бериб туриши керак. Чунки, бахтнинг асосий омили, бу — оила. Оилалар бахтли бўлса, жамият ҳам бахтли бўлади, — деди Юртбошимиз.

* * *

27 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан республика Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

1 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Аҳмет Давут ўғлини қабул қилди.

Суҳбат чоғида маданий-гуманитар соҳадаги алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Сайёҳлар алмашишни ривожлантиришдан ҳар икки томон манфаатдор экани қайд этилди. Учрашувда айрим минтақавий халқаро муаммолар, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди.

* * *

16 июль. Президент Ислом Каримов давлатга дон тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли адо этган Ўзбекистон ғаллакорларига табрик йўллади.

* * *

18 июль. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳридаги Минор мавзесида барпо этилаётган Минор масжиди биносининг қурилиш ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда моҳир қурувчи ва усталарнинг фаолияти билан танишар экан, амалга оширилган кенг кўламли қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида фикр билдирди, мажмуани янада такомиллаштириш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берди.

Ислом Каримов мазкур қадамжо атрофида олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ҳам синчиклаб кўздан кечирди. Ҳар бир дарахт, ҳар қайси майдон, фаввора ва йўлак шаҳарсозликнинг энг юксак талабларига уйғун бўлиши зарурлигини уқтирди.

Президентимиз бундай муқаддас жойларда, аввало, пок ният, соф интилиш билан иш олиб бориш, ҳар бир ғиштни қўйишда етти ўлчаб бир кесиш кераклигини, токи биз бунёд этган муҳташам иморатлар асрлар давомида авлодларимизга ҳайрат ва ғурур-ифтихор бағишлаб туриши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

* * *

22 июль. Президент Ислом Каримов «Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 июль. Президент Ислом Каримов «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 июль. Президент Ислом Каримов «Р. Ирматовни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Ллойд Остинни қабул қилди.

Суҳбат чоғида турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликка оид долзарб масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим муаммолар муҳокама қилинди.

Л. Остин Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг бугунги ҳолати ва бу муносабатларни ўзаро манфаатли йўналишларда ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлади.

* * *

31 июль. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Тошимицу Мотэгини қабул қилди.

Япония Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шерикларидан биридир. 2013 йил якунига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 215 миллион АҚШ долларидан ошган. Япония томонидан Ўзбекистонга киритилган молиявий-техникавий воситаларнинг умумий ҳажми 2 миллиард доллардан зиёддир.

Учрашувда энергетика, нефть-газ, кимё ва кон саноати, электротехника, автомобилсозлик ва телекоммуникация соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

* * *

19-20 август. Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Пекин шаҳрига келди.

Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими ўтказилди. Шундан сўнг Ислом Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари музокарани Ўзбекистон ва Хитой расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада Буюк Ипак йўли тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган узоқ тарихга эга иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ҳозирги замон руҳи ва талаблари асосида янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида техникавий-иқтисодий, энергетика, юқори технологиялар, банк-молия каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. 2014 — 2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастури қабул қилинди.

ОАВ вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Си Цзиньпин бўлиб ўтган музокаралар ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик руҳида ўтганини, муҳокама қилинган масалалар бўйича томонларнинг ёндашув ва қарашлари ўхшаш ва яқинлигини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов давлат ташрифининг иккинчи куни ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан учрашди.

Суҳбат чоғида Юртбошимизнинг ушбу ташрифи давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилиши, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини изчил кенгайтиришга янги суръат бағишлаши қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Пекин музокаралари доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳалар бўйича йигирмадан зиёд ҳужжат, шунингдек, 800 миллион доллар миқдорида савдо шартномалари имзолангани ва шу тариқа жами 6 миллиард долларлик келишувга эришилганини таъкидлади.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлик кўламини изчил кенгайтириш учун Ўзбекистон ҳам, Хитой ҳам юксак салоҳиятга эга экани, Президент Ислом Каримовнинг давлат ташрифи бу борада янги имкониятлар очгани алоҳида таъкидланди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Шэньси провинциясидаги қадим Сиань шаҳрига ташриф буюрди. Сианнинг қадимий обидалари билан танишувни терракота армияси музейидан бошлади. Бу ердаги саккиз мингдан зиёд аскар, гарчи сополдан бўлса-да, ҳақиқий жанговар от-аравалари ва қурол-аслаҳалари билан ўз даврининг энг қудратли армиясини намоён этади.

Мамлакатимиз раҳбари музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди. Шундан сўнг Президент Ислом Каримов Сианда қадимий шаҳар деворини кўздан кечирди.

Шаҳарга ташриф асносида давлатимиз раҳбари Шэньси провинцияси партия қўмитаси котиби — Халқ вакиллари кенгаши раиси Чжао Чжэнюн ва провинция ҳокими Лоу Циньцзянь билан учрашди.

Президент Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи сиёсий, иқтисодий натижалар билан бир қаторда, юксак инсонийлик ютуқлари туфайли ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихидан муҳим ўрин эгаллаши ва ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши муқаррар.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан Фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан Давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 август. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Дастлаб Шайхонтоҳур туманининг Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари кесишган чорраҳада барпо этилган янги замонавий кўприкни бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, улар юксак маҳорат, чуқур билим, юқори технологиялар асосида амалга оширилганини алоҳида қайд этди.

Юртбошимиз Абдулла Қодирий ва Себзор кўчалари кесишадиган майдонда бўлиб, бу ерда бунёд этиладиган йўл ўтказгич лойиҳаси билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида қурилган янги йўлни ҳам бориб кўрди.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, йўлсоз ва қурувчиларнинг меҳнатига юқори баҳо берди.

— Эски шаҳар аҳолиси асрлар давомида шундай қийин шароитларда яшаб келган, бу муаммони ҳеч ким ўйламаган, — деди Ислом Каримов. — Бу масалани атрофлича ўрганиб, Эски шаҳарнинг бош режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, бу ерда янги йўллар, кўприклар, замонавий уйлар, коммуникация тармоқлари барпо этилади. Бу ишларимизнинг дастлабки самарасини халқимиз кўриб турибди. Ушбу янги йўл аҳоли учун катта қулайлик яратиш билан бирга, Эски шаҳарни ҳамма ҳавас қиладиган замонавий шаҳарга айлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очади.

Истиқлол байрами арафасида Тошкент шаҳрида шахмат бўйича ихтисослаштирилган республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаби барпо этилди. Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан ҳам танишди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг янги биносини бориб кўрди. Президентимиз ташаббуси билан Давлат бошқаруви академияси биноси замонавий меъморлик ва технологик талабларга мувофиқ тўлиқ реконструкция қилинди.

Ислом Каримов академия биноси, у ердаги конференция заллари, Ахборот-ресурс марказида яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, амалий ва ташкилий муҳитни янада такомиллаштириш бўйича зарур тавсиялар берди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳридаги «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни ёд этиш маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда бугунги кунда мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, олдимизда турган муҳим вазифалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, озодлигимиз, ёруғ келажагимиз ва пок ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий богида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига багишланган тантанали тадбирда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

4 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

11-12 сентябрь. Президент Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари 11 сентябрь куни ШҲТда кузатувчи мақомида иштирок этган Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Руҳоний билан учрашди.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни изчил ривожлантириш, савдо-иқтисодий соҳада икки томон учун ҳам манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этдилар.

Шу куни Ислом Каримов Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон билан учрашди. Давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорлик ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан ҳам музокара ўтказди. Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасида мунтазам фикр алмашиш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар.

12 сентябрь куни ШҲТнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Саммитда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Афғонистонда юзага келган вазият, жаҳон иқтисодиётидаги вазиятга тўхталди, шунингдек, Украинадаги муаммони бартараф этишга доир ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Саммит якунида ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарларининг Душанбе декларацияси, ШҲТга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатларнинг мажбуриятларига тааллуқли қарор ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

* * *

12 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

25 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

26 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

2 октябрь. Самарқанд шаҳридаги «Форумлар мажмуаси»да БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси очилди.

Ушбу халқаро форумда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари, шунингдек, АҚШ, Франция, Испания, Германия, Хорватия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Миср, Индонезия, Сингапур, Таиланд каби ўнлаб мамлакатлардан мутахассислар, халқаро туризм ташкилотлари раҳбарлари, экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессиянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

* * *

6 октябрь. Президент Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Олтинкўл туманидаги «Кўҳна водий баҳори» фермер хўжалиги далаларида бўлиб, фермерлар, вилоят фаоллари билан суҳбатлашди. Президентимиз пах-

тачиликда муайян ҳудуд иқлими ва тупроқ шароитига мос серҳосил, сифатли тола берадиган янги навларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Ислом Каримов Олтинкўл тумани «Далварзин» маҳалла фуқаролар йигини ҳудудида бунёд этилган замонавий уй-жой массивини бориб кўрди.

Юртбошимиз қишлоқ аҳли ҳеч кимдан кам бўлмай яшашга ҳақли эканини ва бу йўлда амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш лозимлигини таъкидлади. Президентимиз бу ерда кўча қиёфасини янада яхшилаш, биноларга безак беришда ранглар мутаносиблигини таъминлаш, йўл бўйларини ободонлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

* * *

9-10 октябрь. Президент Ислом Каримов Белоруссия пойтахти Минск шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Президентлар хавфсизликни таъминлаш, гуманитар соҳадаги алоқаларни кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов ўз нутқида саммит қатнашчилари эътиборини Ҳамдўстлик маконида тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш ва уни тезроқ ишга тушириш заруратига қаратиб, бу ўзаро савдо ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш учун имкон қадар етарли шарт-шароит яратишини қайд этди.

Минскка ташриф асносида Президент Ислом Каримов Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан музокара ўтказди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада юқори поғонага кўтариш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

13 октябрь. Президент Ислом Каримов «1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 октябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастурининг раҳбари Ҳелен Кларкни қабул қилди.

Суҳбат чоғида сўнгги 20 йилда мамлакатимизда БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда умумий қиймати 184 миллион АҚШ долларидан зиёд 211 лойиҳа амалга оширилгани қайд этилди.

БМТ Бош котибининг ўринбосари Ўзбекистоннинг иқтисодий ютуқларига, яъни мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш даражаси кейинги 10 йил давомида йилига 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётганига юксак баҳо берди.

Учрашувда Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

22 октябрь. Президент Ислом Каримов «Туркманистон Президенти Гурбангули Мяликгулиевич Бердимуҳамедовни «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23-24 октябрь. Президент Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Расмий кутиб олиш маросимидан кейин Президентларнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Давлат раҳбарларининг очиқлик ва ишонч руҳида ўтган суҳбатида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинар экан, мамлакатларимиз манфаатлари муштараклиги, икки томонда ҳам кўп қиррали муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун хоҳиш ва ирода мавжудлиги, давлатларимиз бунинг учун улкан салоҳият ва имкониятларга эга экани таъкидланди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида Президент Ислом Каримов ва Президент Гурбангули Бердимуҳамедов Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ўртасида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси воситалари етказиб беришга, ташқи сиёсат маҳкамалари ва савдо-саноат палаталари ўртасидаги муносабатларга, экология соҳасида ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Саммит якунида Президент Ислом Каримов Туркманистоннинг Махтумқули номидаги халқаро мукофоти билан тақдирланди. Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовга Ўзбекистон Республикасининг «Мустақиллик» ордени топширилди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов «Халқ хотираси» хотира мажмуига ташриф буюриб, Иккинчи жаҳон урушида ҳамда Гўктепа жангида (1880-1881 йй.) ҳалок бўлганлар, Ашхобод зилзиласи (1948 й.) қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гул қўйди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркманистонга расмий ташрифи якунига етди.

* * *

29 октябрь. Президент Ислом Каримов «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзуидаги халқаро конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

31 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ташкил топганининг 20 йиллиги муносабати билан компания жамоасига табрик йўллади.

* * *

11 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг (АЎСП) навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АЎСП Раиси Кэролин Лэммни қабул қилди.

Учрашувда иқтисодиёт ва инвестициялар соҳасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш истиқболлари бўйича ҳам фикр алмашилди.

* * *

21 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Швейцария Конфедерацияси Президенти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси Дидье Буркхальтер билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Швейцария муносабатларининг муҳим масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

21 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24-25 ноябрь. Президент Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Икки давлат раҳбарлари анъанавий дўстлик ва очиқлик руҳида ўтган музокаралар чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг асосий масалалари, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалаларни муҳокама этдилар.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Марказий Осиёда мустаҳкам тинчлик ва барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашда Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг умумий масъулиятини инобатга олган ҳолда, терроризм, экстремизм, наркотиклар ва қурол-яроғнинг ноқонуний айланиши, шунингдек, минтақавий ҳамда халқаро хавфсизликнинг бошқа хавф ва таҳдидларига қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олдилар.

Президентлар музокаралар чоғида иқтисодий муносабатларни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Музокаралар жараёнида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолияти ҳам кўриб чиқилди.

Халқларимизнинг маънавий яқинлиги ва кўп асрлик анъанавий муносабатларига асосланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ташриф асносида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Қозоғистон Президенти ҳамкорлигида Остона шаҳрида очилган «Назарбоев-марказ» кўп тармоқли илмий-таҳлилий ва ижтимоий-маърифий давлат муассасасини бориб кўрди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Президентининг Қозогистонга ушбу ташрифи мамлакатларимиз ўртасида-

ги муносабатларда янги имкониятлар очади, халқларимизнинг манфаатларига хизмат қиладиган ҳамкорликнинг янги қирраларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

* * *

26 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.

Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш икки томонлама муносабатларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Россия Ўзбекистоннинг бу соҳаларда муҳим шеригидир. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 7 миллиард АҚШ долларидан ошган. Жорий йилнинг 9 ойида ўзаро савдо ҳажми 4,55 миллиард долларни ташкил этган.

Мулоқот чогида бу кўрсаткичлар мамлакатларимизнинг мавжуд салоҳияти даражасида эмаслиги қайд этилди.

* * *

27 ноябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги муносабати билан театр ижодкорларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 ноябрь. Президент Ислом Каримовнинг 2014 йил 22 августдаги фармонига мувофиқ, Термиз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланган эди. Термиз шаҳрида ушбу юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

28 ноябрь. Президент Ислом Каримов Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги муносабати билан театр жамоасига табрик йўллади.

* * *

1 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Го Шэнкунни қабул қилди.

Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналиши — бу турли таҳдид ва хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш бўйича чора-тадбирларни янада фаоллаштиришдан иборатлиги қайд этилди.

Суҳбат чогида кўп қиррали ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар бўйича фикр алмашилди.

* * *

2 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувларнинг бешинчи раундида иштирок этиш учун Тошкентга келган АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича ёрдамчиси Ниша Десаи Бисвални қабул қилди.

Мулоқот чоғида халқаро масалалар, жумладан, минтақамиз ва унинг ташқарисида ҳам хавфсизликка таҳдид солаётган Афғонистон муаммосига алоҳида эътибор қаратилди. Давлат котиби ёрдамчиси АҚШ Ўзбекистон раҳбарининг Афгонистондаги вазиятни ўнглаш борасидаги саъй-ҳаракатларини, давлатимизнинг ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклашда кўрсатаётган ёрдамини юксак қадрлашини таъкидлади.

* * *

3 декабрь. Президент Ислом Каримов «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

4 декабрь. Президент Ислом Каримов «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

5 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

— Аввалambор, сиз, азизлар билан бугун мана шундай яхши кайфиятда шу муҳташам залда кўришганимдан, сизларга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишдан хурсандман, — деди Ислом Каримов. — Сизларга маълумки, одатга айланиб қолган анъанага кўра, ҳар йили Конституция куни арафасида Ватанимизнинг юксак унвон, орден ва медалларига сазовор бўлган юртдошларимиз билан учрашиб, уларни шу буюк сана билан табриклаш, ана шу мукфотларни топширишни ўзим учун ҳақиқатан ҳам катта шараф деб биламан.

Сўнгра Президентимиз Ислом Каримов давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Бугун сизларнинг ҳар бирингиз учун, ҳақиқатан ҳам, унутилмас кун, қутлуғ айём, — деди Ислом Каримов. — Ватанимизнинг сизларга берилган нуфузли мукофотлари халқимиз, давлатимизнинг барчангизга билдирган юксак ишончидан, олижаноб меҳнатингиз муносиб қадр топганидан далолат беради.

* * *

5 декабрь. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 22 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Президент Ислом Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди ва кириб келаётган янги — 2015 йилга мамлакатимизда «Кексаларни эъзозлаш йили» деб ном беришни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанадаги маърузаси «Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

9 декабрь. Президент Ислом Каримов «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

10 декабрь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Кўксарой қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан сўнг икки давлат раҳбарлари тор доирада музокара ўтказди.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Афғонистон муаммоси, шунингдек, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

— Биз 35 йилдан буён биродаркушлик уруши давом этаётган қўшни Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратдик, — деди Ислом Каримов. — АЙСАФ тинчликпарвар кучларининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши ушбу мамлакат билан чегарадош ва яқин қўшни давлатлар учун жиддий синов бўлиши ва минтақа хавфсизлиги ҳамда барқарорлигига таҳдидлар юзага келиши билан боғлиқ масалалар бўйича ёндашувларимиз бир хил бўлди.

Президентлар музокарани икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Музокаралар якунида 2015 — 2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари, молиявий талаб ва мажбуриятларни тартибга солишга оид ҳукуматлараро битимлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ислом Каримов ва Владимир Путин ОАВ вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқ ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилганини таъкидладилар.

* * *

11 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тасдиқлади.

* * *

15 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж Кролни мамлакатимиздаги дипломатик миссияси тугаётгани муносабати билан қабул қилди.

Америкалик дипломат самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистондаги фаолияти давомида муҳим сиёсий воқеалар, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги самарали ўзгаришлар гувоҳи бўлганини таъкидлади.

* * *

21 декабрь. Президент Ислом Каримов овоз бериш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 644-сайлов участкасига ташриф буюрди ва ўзига муносиб номзодга овоз берди.

* * *

26 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди.

2015 йил

7 январь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Fада ал-Fаннам, Вьетнам Социалистик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Фам Ван Фао, Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Викрам Дораисвами, Индонезия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Алит Сантика ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

12 январь. Президент Ислом Каримов «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 январь. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

* * *

16 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Ушбу нутқ «2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш — устувор вазифамиздир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

20 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини тайинлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Сенатни шакллантириш очиқлик ва транспарентлик каби демократик принциплар асосида, миллий сайлов қонунчилигимиз талабларига тўла мувофиқ ўтгани таъкидланди. Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг қўшма мажлисларида 84 сенатор сайланди. Президентимиз томонидан 16 нафар Сенат аъзоси тайинланди.

Мажлисда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

23 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Юртбошимиз Олий Мажлис кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Шавкат Мирзиёев номзодини тавсия этди.

Парламент аъзолари кўрсатилган номзодни маъқуллади ва Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлади.

* * *

27 январь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Памела Спратлен ишонч ёрлигини топширди.

* * *

4 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 февраль. Президент Ислом Каримов Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VII съездида маъруза қилди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқи «Бизнинг мақсадимиз аниқ ва равшан — ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ва бахтли ҳаёт барпо этиш» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

11 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 февраль. Президент Ислом Каримов «Кексаларни эъзозлаш йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 февраль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 февраль. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

* * *

20 февраль. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

* * *

24 февраль. Президент Ислом Каримов раислигида Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди.

— Болалар спортини ривожлантириш, шу орқали уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилгани ҳар жиҳатдан тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди, — деди Президентимиз.

Мажлисда спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари атрофлича таҳлил этилди. Спорт мажмуаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, болаларни, айниқса, қизларни спортга янада кенгроқ жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Жамғарма фаолиятини замон талаблари асосида янада ривожлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

— Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, замон ўзгаргани сари талаб ҳам, рақобат ҳам ўзгариб бораверади. Шу боис, спортни ривожлантириш борасидаги ишларимизга танқидий кўз билан қарашимиз, замон билан ҳамқадам бўлмоғимиз зарур, — деди Юртбошимиз.

Мажлисда профессионал спортчиларни тайёрлаш ва халқаро мусобақаларда улар иштирокини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда 2015 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўриб чиқилди. Спорт объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

* * *

25 февраль. Президент Ислом Каримов «2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 февраль. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.

* * *

27 февраль. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Бухоро ва Навоий вилоятлари сайловчилари билан учрашди.

* * *

2 март. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.

* * *

5 март. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Жиззах ва Сирдарё вилоятлари сайловчилари билан учрашди.

* * *

6 март. Президент Ислом Каримов Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги йўллади.

* * *

6 март. Президент Ислом Каримов «1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 март. Президент Ислом Каримов «2015 — 2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳи-

ни камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

10 март. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Андижон вилояти сайловчилари билан учрашди.

* * *

11 март. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Наманган ва Фарғона вилоятлари сайловчилари билан учрашди.

* * *

16 март. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.

* * *

17 март. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

* * *

21 март. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Ушбу тантанали маросимда Президент Ислом Каримов иштирок этиб, Ўзбекистон халқини қутлуғ айём — Наврўз билан муборакбод этиб, нутқ сўзлади.

* * *

6 апрель. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил 29 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари тўғрисидаги қарорига кўра Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига тайинланди.

* * *

10 апрель. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов очди. У 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлигини қайд этди ва залда ҳозир бўлганлар ҳамда сайловчилар номидан самимий табриклаб, Ислом Каримовга Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Ислом Каримов қасамёд қилди: «Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

14 апрель. Президент Ислом Каримов «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири Чой Кёнг Хванни қабул қилди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, инвестиция ва технология соҳаларидаги асосий шеригидир. Сурғил конида бунёд этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси, машинасозлик, электр энергетикаси, нефть-газ, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик саноати ва бошқа соҳалардаги ўнлаб лойиҳалар муваффақиятли инвестицион ҳамкорлигимизнинг ёрқин намунасидир.

Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган тўғридан-тўғри инвестициялари умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестицион ва молиявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

* * *

8 май. Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан Москва шаҳрига ташриф буюрди ва Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига багишланган тадбирлар доирасида

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида жангоҳларда жонини фидо қилиб, Ер юзида тинчлик ва озодликни ҳимоя қилган барча инсонларнинг мислсиз жасорати, қаҳрамонлиги ва матонати хотирамизда ҳамиша сақланиб қолишини таъкидлади.

МДҲ давлат раҳбарларининг Москва учрашувида томонлар Ҳамдўстлик олдида турган масалаларни, олий даражада ўтказиладиган тадбирлар режасини кўриб чиқди, қатор долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун Ватанимиз, халқимиз Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигини кенг нишонламоқда, — деди Ислом Каримов. — Ана шу буюк сана муносабати билан, аввало, урушда қатнашган, мардлик ва жасорат кўрсатган барча уруш фахрийларини, шулар қаторида фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизни, бутун халқимизни табриклаш, уруш майдонларидан қайтмаган, бугунги мусаффо осмонимиз учун жон берган ватандошларимиз хотираси олдида бош эгиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Ўзбекистонда ўша пайтда 6,5 миллион халқ яшаган бўлса, шунинг 1,5 миллиондан кўпроги урушда қатнашганининг ўзи, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, барча эркаклар қўлига қурол олиб, душманга қарши курашганидан далолат беради.

— Халқимиз ана шундай оғир вазиятда кунни — кун, тунни — тун демасдан, машаққатли меҳнат қилиб, фронт учун, ғалаба учун муносиб ҳисса қўшгани ҳеч эсимиздан чиқмайди, — деб таъкидлади Президентимиз.

* * *

12 май. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Юртбошимиз Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтган янги кўприкни бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу ерда эни 26, узунлиги қарийб 500 метр бўлган замонавий кўприк бунёд этилди. Абдулла Қодирий кўчасининг ҳар бир йўналиши тўрт полосали қилиб кенгайтирилди. Бу ерда яна бир янгиликка қўл урилган. Кўприкнинг икки томонида пиёдалар учун 102 ва 111 метрлик иккита ер усти ўтиш йўлаги барпо этилди. Уларга чиқиб-тушиш учун зинапоя билан бирга эскалатор ҳам қурилган.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, йўлсоз ва қурувчиларнинг меҳнатига юксак баҳо берди.

Президентимиз шу атрофда истиқомат қилаётган фахрийлар ва ёшлар билан суҳбатлашди.

— Эски шаҳар аҳолиси асрлар давомида кўримсиз уйларда яшаб келган, у ерда бирорта янги қурилиш бўлмаган, — деди Ислом Каримов. — Бу масалани атрофлича ўрганиб, Эски шаҳарни қайта қуришнинг бош режасини ишлаб чиқдик. Яқин йиллар ичида бу жой ҳамма ҳавас қиладиган замонавий масканга айланади.

Давлатимиз раҳбари ушбу майдоннинг қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг, аввало, болаларнинг дам олиши учун яратилган қулайликларни кенгайтириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тавсиялар берди.

* * *

15 май. Президент Ислом Каримов «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 май. Президент Ислом Каримов «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 май. Президент Ислом Каримов «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27-29 май. Президент Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.

Президентимизнинг ташрифи Корея Республикаси мустақиллиги йўлида жон фидо қилган қарийб 170 минг одам хоки қўйилган Миллий ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиши билан бошланди. Давлатимиз раҳбари ватан-

парварлар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

Корея Республикаси раҳбарининг «Чонг Ва Дэ» («Мовий сарой») қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ислом Каримов ва Пак Кин Хэнинг тор доирадаги музокарасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг узоқ истиқболига мўлжалланган устувор йўналишлари, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Учрашув якунида Президентлар ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолатига муносиб баҳо берилган ва истиқболдаги устувор йўналишлари белгиланган Қўшма декларацияни имзоладилар.

Президент Ислом Каримовнинг ташрифи доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларга оид умумий қиймати қарийб 7,7 миллиард АҚШ долларига тенг 60 ҳужжат имзоланди.

Президентлар ушбу ташриф давомида давлат, ҳукумат ва идоралараро имзоланган салмоқли ҳужжатлар Ўзбекистон — Жанубий Корея ўртасидаги стратегик шериклик асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Президент Ислом Каримов ташриф доирасида Корея Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчи Чой Кёнг Хван, Жанубий Корея газ корпорацияси президенти Ли Жонг Хо, «Лотте групп» компанияси раиси Шин Донг Бин, «Лотте Кемикал» компанияси президенти ва бош ижрочи директори Ху Су Ёнг, «Ханжин групп» ва «Кореан Эйр» компаниялари раиси Чо Янг Хо, Корея Республикаси Экспорт-импорт банки президенти Ли Дук Хун ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги президенти Ким Ёнг Мокни қабул қилди. Музокаралар чоғида иқтисодий ҳамкорлик ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, Корея Республикаси Миллий ассамблеяси спикери Чон Ий Хва ва депутатлар билан ҳам учрашди.

* * *

2 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги серқирра муносабатлар бугун изчил ривожланаётгани, бу ҳамкорлик барқарорлиги ва самарадорлиги билан муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ўзбек ва туркман халқларининг кўп асрлик умумий тарихи, муштарак маънавий ва маданий қадриятлари, яқин қўшничилик, ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида муваффақиятли ривожланиб келаётгани қайд этилди.

* * *

3 июнь. Президент Ислом Каримов «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

3 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Ияд Амин Маданийни қабул қилди.

Учрашувда Ислом ҳамкорлик ташкилотига 1996 йилда аъзо бўлган Ўзбекистон унинг серқирра фаолияти ва тадбирларида фаол иштирок этиб келаётгани, жаҳонда ташкилотнинг ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиб келаётгани таъкидланди. Мартабали меҳмон мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан тараққиётга эришаётганини юқори баҳолади.

* * *

9 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 июнь. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Кўксарой қароргоҳида Президент Ислом Каримов билан БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг учрашуви бўлди.

— Аввало, радикаллашув, зиддият ва зўравонликнинг авж олаётгани, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликнинг кучайиб бораётгани, жаҳон молиявий инқирозининг ҳамон давом этаётгани жиддий ташвиш туғдирмоқда. Дунёдаги аҳвол тобора чигаллашиб бораётган бир шароитда биз БМТни глобал хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш бўйича ягона универсал халқаро ташкилот, кўплаб мураккаб давлатлараро ва халқаро муаммоларни ҳал этадиган ноёб тузилма деб биламиз, — деди Ислом Каримов.

Бош котиб БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Музокаралар чоғида томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга кенг кўламли маса-

лаларни муҳокама этиб, Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослаштирилган институт ҳамда агентликлари билан ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилади.

* * *

12 июнь. Президент Ислом Каримов «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Халқаро олимпия қўмитаси президенти Томас Бах ва Осиё миллий олимпия қўмиталари ассоциацияси ва Осиё олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ал-Сабоҳни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ташкилий асослари такомиллаштирилгани, жисмоний-согломлаштириш машғулотлари аҳоли ўртасида кенг оммалашгани, соҳани молиялаштириш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш тизими юксалгани, моддий-техник база мустаҳкамлангани қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентига спортни ва олимпия ҳаракатини ривожлантиришдаги буюк хизматлари учун Халқаро олимпия қўмитасининг медали, шунингдек, Ўзбекистонда ва Осиёда футболни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Осиё олимпия кенгашининг мукофоти топширилди.

* * *

16 июнь. Президент Ислом Каримов «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан республика Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

30 июнь — 1 июль. Президент Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятида бўлди.

Президентимиз вилоятга сафарини Қарши ҳалқа йўлининг Қашқадарё дарёсининг кесиб ўтадиган қисмида узунлиги 108, эни 27 метрлик янги кўприкни ва унинг ёнида реконструкция қилинган Амир Темур кўпригини кўришдан бошлади.

Давлатимиз раҳбари кўприклар атрофини ободонлаштириш, йўл ва дарё бўйларига ҳудуднинг табиий иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар ўтқазиш, аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун зарур бўладиган барча шароит ва қулайликларни яратиш зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз Қарши шаҳрининг Ўзбекистон кўчасида бунёд этилган кўп қаватли уйларни ҳам бориб кўрди.

Ислом Каримов қурилиш ва ободонлаштириш ишларини изчил давом эттириш, шаҳар қиёфасини янада яхшилаш, йўл бўйларини кўкаламзорлаштириш ва фавворалларни замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига сафарининг иккинчи куни Касби туманидаги «Камол Султон» фермер хўжалиги даласида, шунингдек, Косон туманидаги «Пудина массиви» фермер хўжалиги далаларида бўлди.

— Ғаллачиликда, айтиш мумкинки, пахтачиликда ҳам муҳим бўлган мана шу кунларда сизлар каби меҳнаткаш деҳқонларимиздан ҳол-аҳвол сўраш, ҳормангланг, деб уларга мададкор бўлиш менга катта мамнуният бағишлайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Юртбошимиз учрашувда пахта ҳосили ривожига кенг аҳамият қаратиб, Қашқадарё иқлими ва тупроқ шароитига мос серҳосил навларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

* * *

6 июль. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири расмий ташрифининг асосий тадбирлари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ислом Каримов ва Нарендра Моди тор доирада музокара ўтказди.

— Сизнинг Ўзбекистонга ушбу дастлабки расмий ташрифингизни мамлакатларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида азалдан қарор топган дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда янги босқич деб биламиз, — деди Ислом Каримов.

Давлат раҳбарлари музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масалалари музокараларнинг асосий мавзуси бўлди.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси-

нинг Қўшма баёноти қабул қилинди. Туризм, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар, маданият соҳасида 2015 — 2017 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Ислом Каримов ва Нарендра Моди оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳар томонлама муҳокама қилинганини, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилганини таъкидладилар.

* * *

9-10 июль. Президент Ислом Каримов Россия Федерациясининг Уфа шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси тор доирадаги учрашув билан бошланди. Унда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, ШҲТни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари мажлисни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар. Унда Президентимиз ўз нутқида тобора глобал тус олаётган таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш, ШҲТ фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштириш масалалари бўйича ўз мулоҳазаларини билдирди.

Саммит якунида Уфа декларацияси, ШҲТ ни 2025 йилгача ривожлантириш стратегияси ва 2016 — 2018 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури қабул қилинди. Ҳиндистон ва Покистонни ШҲТга қабул қилиш жараёнини бошлаш, Беларусь Республикасига кузатувчи, Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа, Непал давлатларига мулоқот бўйича шерик мақомини бериш бўйича қарорлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти саммит доирасида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашди. Томонлар ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Президентлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар. Минтақавий хавфсизликка доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

14 июль. Президент Ислом Каримов «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам стратегик шерикликка асосланган бўлиб, ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча йўналишлари бўйича изчил ривожланиб бормоқда.

Суҳбат чоғида долзарб халқаро муаммолар, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари кўриб чиқилди.

* * *

17 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Ллойд Остинни қабул қилди.

Учрашувда айрим халқаро муаммолар, жумладан, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди. Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш жараёнлари хусусида фикр алмашилди.

* * *

29 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Isuzu Motors Ltd.» компанияси раиси Сусуми Хосоини қабул қилди.

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва «Isuzu Motors Ltd.» ўртасида Япониянинг ушбу компанияси «СамАвто» масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари таркибига кириши тўғрисида битим имзоланган.

Томонлар «СамАвто» масъулияти чекланган жамиятини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш, ишлаб чиқарилаётган машиналар турини янгилаш ва кўпайтириш, маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш, Япониянинг илғор ишлаб чиқариш технологияларини янада кенг жорий этишга келишиб олди.

* * *

7 август. Президент Ислом Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодат-

дир» номли китоби «Ўзбекистон» нашриёти томонидан кўп минг нусхада чоп этилди.

* * *

10 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида шаҳарнинг эски шаҳар қисмида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, янги йўллар, кўприклар, замонавий уйлар, коммуникациялар барпо этиш, аҳолининг яшаши ва дам олиши учун қулай шароитлар яратиш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Президентимиз Нурафшон кўчаси бўйича бунёд этилган кўп қаватли тураржой биноларини бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, қурувчиларнинг меҳнатига юқори баҳо берди.

— Тураржойларни қуришда инсон манфаатларини инобатга олган ҳолда иш тутиш зарур, — деди Ислом Каримов. — Унда яшайдиганлар ҳаётидан рози бўлиб яшасин. Айниқса, аёлларимиз учун зарур шароит ва қулайликлар яратиш даркор.

Давлатимиз раҳбари тураржойлар, йўл ва кўприклар атрофини, маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича зарур тавсиялар берди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Президент Ислом Каримов Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» ўнинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов анъанага мувофиқ Тошкент шаҳридаги «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни ёд этиш маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда тарихий хотира, мамлакатимизда эришилган улкан ютуқлар, эл-юртимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришлар, жаҳонда ва яқин атрофимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида фикр юритди. Бугунги нотинч замон доимо огоҳ,

ҳушёр ва сезгир бўлишни талаб этишини алоҳида таъкидлади.

— Биз ҳаётдан доимо яхшилик кутиб, бошқаларга ҳам яхшилик тилаб яшайдиган халқмиз, — деди Ислом Каримов. — Шунинг учун ҳам эртанги кунимизнинг бугунгидан кўра ёруғ, тинч ва фаровон бўлишини орзу қиламиз, шу йўлда ўзимизни аямасдан, бор куч ва имкониятимизни сафарбар этамиз.

Президент Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Шу куни давлатимиз раҳбари Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабини ҳам бориб кўрди. Миллий меъморлик ва замонавий архитектура намуналарини уйғунлаштирган ҳолда барпо этилган бу иншоотнинг халқаро мусобақалар ўтказиладиган залида, умуман, мазкур мактабда спортчилар учун яратилган шароитлар билан танишди ва уларни янада такомиллаштириш бўйича мутасаддиларга тавсиялар берди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига багишланган тантанали тадбирда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

2-3 сентябрь. Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан расмий ташриф билан Пекин шаҳрида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Пекин шаҳрида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимларда иштирок этди.

Ташриф асносида Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётгани, сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, молия, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият соҳаларидаги кенг кўламли ҳамкорлик изчил ривожланаётгани қайд этилди.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан биридир. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бораётир. Хусусан, 2014 йилда бу кўрсаткич 4,7 миллиард АҚШ долларига етган. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо айланмаси 11,7 фоиз ўсган.

Давлатимиз раҳбари ташрифи доирасида ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан учрашди.

Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримовнинг ушбу ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Томонлар олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

* * *

4 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 сентябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси Экспорт-импорт банки (Эксимбанк) президенти Ли Дук Хунни қабул қилди.

Корея Республикаси Эксимбанки Ўзбекистон Республикасининг Осиё-Тинч океани минтақасидаги асосий шерикларидан биридир. 1999 йилдан буён Ўзбекистонда мазкур банк маблағлари ҳисобидан 935 миллион АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳалар амалга оширилди. 2012 йилдан буён умумий қиймати қарийб 1,2 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда, яна 900 миллион доллар миқдоридаги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон билан Корея Республикаси Эксимбанки ўртасидаги инвестициявий шерикликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Наманган ва Фаргона вилоятларида бўлди.

Президентимиз Наманган вилоятига сафарини Мингбулоқ туманидаги «Барака» фермер хўжалиги билан танишишдан бошлади. Ислом Каримов мазкур хўжалик даласида фермерлар билан суҳбатлашди.

— Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун муҳим мавсум бўлган шу кунларда сизлар билан дийдор кўришиш, ҳорманг деб, барчангизга куч-қувват тилаш менга катта мамнуният бағишлайди, — деди Президентимиз.

Юртбошимиз Уйчи туманидаги «Обод замин» фермер хўжалиги далаларига ҳам ташриф буюрди. Бу ерда фермерлар билан мулоқот чоғида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ривожи учун кенг имкониятлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Президентимиз куннинг иккинчи ярмида Фарғона вилоятига ташриф буюрди. Ислом Каримов Фарғона шаҳрининг бош режаси бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Ислом Каримов Марғилон шаҳридаги «Наримтекс» қўшма корхонаси фаолияти билан танишди. Учрашувда ички ва жаҳон бозорида муносиб ўрин топиш учун мунтазам изланиш, янги-янги маҳсулот турларини ўзлаштириш зарурлиги қайд этилди.

— Бугун халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг замонавий кийинишга эҳтиёжи ва талаби тобора ошиб бормоқда, — деди Ислом Каримов. — Уларнинг ўсиб бораётган талабини юртимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий ва сифатли маҳсулотлар ҳисобидан қондириш муҳим вазифадир.

Президентимиз корхона ишчиларининг ҳаёти, корхонада яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари шу куни Фарғона туманидаги «Мустақиллик шукронаси» фермер хўжалиги далаларида бўлиб, вилоят фермерлари ва фаоллари билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, хомашё етиштириш билан кифояланмасдан, уни қайта ишлашни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини кўпайтириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади.

* * *

29 сентябрь. Президент Ислом Каримов «Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

7 октябрь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида Туркманистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Гурбанғули Бердимуҳамедов шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов тор доирадаги музокаралар чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этдилар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Икки давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашар экан, Афғонистонда ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслигини яна бир бор таъкидладилар.

Шунингдек, сув-энергетика соҳасига оид масалалар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва тамойиллари асосида, минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ташкилотлар иштирокида кўриб чиқилиши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, транспорт, божхона, туризм, фан-техника, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги алоқаларни изчил ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Икки давлат раҳбарлари «Бунёдкор» стадионини бориб кўрдилар. Ушбу мажмуанинг кўрку салобати, меъморий ечими, спортчилар ва томошабинлар учун яратилган замонавий шарт-шароитлар олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Президентлар пойтахтимизда бунёд этилган «Минор» масжидига ташриф буюрди.

Гурбангули Бердимуҳамедов масжид миллий ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этганини таъкидлади.

* * *

15-16 октябрь. Президент Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Қозогистон Республикасида бўлди.

Саммитда МДҲ давлат раҳбарлари Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини муҳокама этиб, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар бўйича фикр алмашдилар.

Учрашувда хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги ғоят мураккаб вазиятда ҳар қандай учрашув ва фикр алмашиш, юзага келаётган таҳликали вазиятдан чиқиш йўлини биргаликда излаш фақат фойдали бўлишини алоҳида қайд этиб, саммитнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, МДҲ бу борада муҳим ўрин тутиши лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз ўзаро имтиёз ва преференциялар бериш, келишилган ва самарали тариф сиёсатини юритиш, шунингдек, ўзаро манфаатли янги транспорт йўналишларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш орқали транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш МДҲ аҳамиятини белгилайдиган энг муҳим омиллардан эканини таъкидлади.

Ислом Каримов минтақамизга бевосита дахлдор бўлган Афғонистондаги вазиятга алоҳида тўхталди.

Биродаркушлик уруши 35 йилдан ортиқ давом этаётган ушбу мамлакатдаги бугунги аҳвол қарама-қарши томонлар ўртасидаги низо чўзилиб кетаётганини кўрсатмоқда.

— Афғонистондаги вазият қандай кечишидан қатъи назар, шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Афғонистон муаммосини фақат бир йўл, яъни БМТ шафелигида тинч сиёсий музокаралар ўтказиш ва ўзаро курашаётган томонларни муросага келтириш орқалигина ҳал этиш мумкин. Бошқа йўл йўқ, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

* * *

21 октябрь. Президент Ислом Каримов ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини муваффақиятли адо этган Ўзбекистон деҳқонлари ва фермерлари, барча меҳнаткашларига табрикнома йўллади.

* * *

22 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 октябрь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Япония Бош вазири Шиндзо Абэ расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида Япония Бош вазирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Япония Бош вазири Шиндзо Абэ шоҳсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Шиндзо Абэнинг тор доирадаги учрашувида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Томонлар савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро савдо айланмаси ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Музокаралар якунида Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Шиндзо Абэ Ўзбекистон ва Япония ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнотни имзоладилар. Ташқи ишлар вазирликлари ва молия муассасалари ўртасида, энергетика, илм-фан, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланди. Энергетика ва транспорт тизимини модернизация қилиш, минерал хомашё ресурсларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш, автомобилсозлик, нефть-газ ва кимё саноати, телекоммуникация ва бошқа замонавий соҳаларда 8,5 миллиард доллардан ортиқ қийматдаги қўшма инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Япония Бош вазири Шиндзо Абэ мамлакатларимиз ишбилармон доираларининг бизнес-форуми очилишида иштирок этдилар.

* * *

27 октябрь. Президент Ислом Каримов «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 ноябрь. Президент Ислом Каримов Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида Америка Қўшма Штатлари давлат котиби Жон Керрини қабул қилди.

Учрашувда минтақавий долзарб муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Афғонистондаги вазият, хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

АҚШ давлат котиби самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига чуқур миннатдорлик изҳор этиб, АҚШ раҳбарияти икки мамлакат манфаатларига асосланган муносабатларни изчил ривожлантиришга тайёр эканини билдирди.

* * *

5 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси саноат, савдо ва табиий ресурслар вазирининг биринчи ўринбосари Ли Хван Сопни қабул қилди.

Учрашувда Жанубий Кореянинг нуфузли делегацияси Тошкентда ўтаётган Халқаро инвестициявий форумда иштирок этиши мамлакатларимиз ўртасида стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва олий даражадаги музокаралар чогида эришилган келишувларни амалга оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Суҳбат чоғида жанубий кореялик инвесторларнинг мамлакатимиздаги давлат корхоналари ва активларини хусусийлаштириш жараёнида иштироки, етакчи саноат ва инфратузилма тармоқларида янги инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

6 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Халқаро инвестициявий форумда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Сирил Мюллер ҳамда Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорациясининг вице-президенти Димитрис Цицирагосни қабул қилди.

Меҳмонлар Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш жараёнида фаол иштирок этишдан манфаатдор эканини таъкидлади. Шунингдек, асосий соҳалар бўйича қабул қилинган дастурлар ва қўшма инвестициявий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилишини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг устувор соҳалари юзасидан фикр алмашилди, шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболли янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

10 ноябрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда «Лукойл» нефть компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Мулоқот чоғида жаҳон ва минтақа углеводород хомашёси бозоридаги бугунги вазият юзасидан фикр алмашилди, узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг асосий истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

* * *

17 ноябрь. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида Покистон Ислом Республикаси Бош вазирини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ислом Каримов ва Навоз Шариф учрашувида асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон ва Покистон Афғонистоннинг яқин қўшнилари сифатида бу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши ва барқарорлик таъминланишидан манфаатдор. Афғонистон муаммосини фақат бир йўл — БМТ шафелигида тинч сиёсий музокаралар ўтказиш ва ўзаро курашаётган томонларни муросага келтириш орқалигина ҳал этиш мумкинлиги ҳақида якдил фикр билдирилди.

Минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, терроризм, экстремизм, наркотрафик каби таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Навоз Шариф Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасидаги Қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, ўзаро савдо муносабатларини ривожлантириш, солиқ соҳасида қўшимча имтиёзлар яратиш, ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

* * *

26 ноябрь. Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида вилоятда охирги йилларда иқтисодий ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши натижасида субвенция, яъни марказ бюджетидан ёрдам улуши камайган бўлса-да, унинг ҳажми ҳалигача юқори даражада сақланиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратди. Маҳаллий харажатларнинг 41 фоизи мамлакатимиз бюджети ҳисобидан қопланиб келинаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Энг ачинарлиси, вилоятдаги 11 та тумандан 10 тасида бу кўрсаткич 60 фоиздан ошиб кетган.

Ҳолбуки, Наманганда ҳали ишга солинмаган шундай беҳисоб имкониятлар борлигини инобатга оладиган бўлсак, ўзингиз айтинг, бундай ҳолат сизларга ярашадими, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Мажлисда вилоятда маъмурий-ҳудудий тузилиш масаласида юзага келган жиддий муаммолар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди. Баъзи жойларда қаерда шаҳар, қаерда туман бошланадию, қаерда тугашини аниқ билиб бўлмайди. Бу борада, айниқса, Наманган тумани ва Наманган шаҳрининг маъмурий чегарасини қайтадан кўриб чиқиш талаб этилади.

* * *

5 декабрь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

— Бугун мана шу муҳташам залда сиз, азизларни Конституция куни билан табриклаб, сизларга самимий ҳурматимни изҳор этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, янги-янги омадлар тилашга ижозат бергайсиз, — деди Ислом Каримов. — Бугунги учрашувимиздан асосий мақсад — сиз, азизларга Ватанимизнинг мукофотларини — юксак унвон, орден ва медалларни топшириш, сизларни табриклаш мен учун ўта шарафли вазифани адо этишдир.

Сизларнинг тимсолингизда давлат мукофотларига сазовор бўлган барча юртдошларимизга ҳам, гойибона бўлса-да, чин қалбимдан чуқур ҳурматимни, эзгу тилакларимни билдириш ва қутлаш менга катта мамнуният ва хурсандчилик етказади.

Сўнгра Президентимиз Ислом Каримов давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Бугун сизларнинг очиқ чеҳрангиз, бахтиёр кўзларингизни, сизлардаги баланд руҳни кўриб, очиғини айтсам, гўёки ўзим ҳам мукофот олгандек хурсанд бўлиб турибман, — деди Ислом Каримов. — Менинг ниятим, тилагим битта: кўксингизга ярашиб турган бу мукофотлар барчангизга буюрсин, сизларни янги-янги ютуқ ва марраларга руҳлантирсин.

* * *

5 декабрь. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Президент Ислом Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди ва кириб келаётган янги — 2016 йилга мамлакатимизда «Соғлом она ва бола йили» деб ном беришни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанадаги маърузаси «Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

9 декабрь. Президент Ислом Каримов «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 декабрь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Солиҳ Аҳмад ал-Жаварнеҳ, Швейцария Конфедерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Штефан Клёцли, Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Баҳман Оғаразий Дўрмоний, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Кристофер Аллан, Қувайт Давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Аҳмад Холид Абдулла ал-Жийрон ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

11-12 декабрь. Президент Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан Туркманистон бетарафлигининг 20 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этиш учун ушбу мамлакатда бўлди.

Президентимиз хорижий давлатлар раҳбарлари билан бирга Бетараф Туркманистон майдонига ташриф буюрди. Ушбу мамлакатнинг бетарафлиги тимсоли бўлган Бетарафлик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ушбу сананинг 20 йиллиги муносабати билан Ашхободда «Бетарафлик сиёсати: тинчлик, хавфсизлик ва тараққиёт йўлида халқаро ҳамкорлик» мавзуида халқаро конференция бўлди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўзбек ва туркман халқининг тарихи, тили, дини ва анъаналари бир, мақсадлари муштарак эканини қайд этди. — Бетарафлик мақоми нафақат Туркманистон халқининг узоқ муддатли манфаатларига, балки минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини исботлашнинг зарурати йўқ, — деди Ислом Каримов.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Туркманистон муносабатларига юқори баҳо берилди. Ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

23 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 декабрь. Президент Ислом Каримов «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримов «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримов «Р. Ирматовни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 декабрь. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди.

2016 йил

4 январь. Президент Ислом Каримов «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 январь. Президент Ислом Каримов «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

* * *

15 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди. Ушбу нутқ «Бош мақсадимиз — мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб борилаётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

20 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 январь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 февраль. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Бу заминда жойлашган Ўзбекистон металлургия комбинати, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, дунёга машҳур «Женерал моторс» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган ноёб замонавий корхона, Янги Ангрен ҳамда Тошкент иссиқлик электр станциялари ва бошқа йирик саноат корхоналари республикамиз иқтисодиётининг локомотивлари, десак, адашмаган бўламиз, — деди Ислом Каримов.

Президентимиз ўз нутқида Тошкент вилоятининг азим пойтахтимиз Тошкент шаҳри билан ёнма-ён жойлашгани катта имкониятлар бераётгани, айни вақтда, алоҳида масъулият ҳам юклаши, шунингдек, вилоятнинг эришаётган ютуқлари билан бир қаторда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

* * *

11 февраль. Президент Ислом Каримов раислигида Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Жамғарма ташкил этилганидан буён, хусусан, 2015 йилда амалга оширилган ишлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида атрофлича фикр юритди. Бу борада мамлакатимизда эришилаётган натижалар аниқ мисоллар асосида кўрсатиб ўтилди.

— Айниқса, фарзандларимиз биз учун мутлақо янги бўлган бадиий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис, таэквондо, дзюдо, ватерпол, эшкак эшиш каби спорт турлари бўйича мунтазам шуғулланаётгани, жаҳон ва қитъа миқёсидаги нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, юқори шоҳсупаларга кўтарилаётгани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратда қолдиради, — деди Президентимиз.

Ўзингиз айтинг, эски тузум даврида жаҳон миқёсида ўтадиган бирон та мусобақада «ўзбек», «Ўзбекистон» деган номлар бугунгидек жаранглаб, миллионлаб инсонлар қалбида акс садо берганини биров эшитганми, Ватанимиз байроги шунчалар баланд кўтарилганини илгари биров кўрганми, деб алоҳида таъкидлади Юртбошимиз.

Президентимиз спорт жиҳозлари ва кийимлари ишлаб чиқаришда уларнинг сифатли, қулай, халқаро стандартларга мос бўлиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

— Соғлом авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг ролини ошириш, бу борадаги мавжуд моддий-техник база ва кадрлар салоҳиятини жаҳон стандартлари асосида янада мустаҳкамлаш, энг муҳими, спортга меҳр ҳар бир бола, ҳар қайси оила ҳаётига чуқур кириб боришига эришиш энг муҳим, доимий вазифамиз бўлиб қолади, — деди сўзининг якунида Президентимиз.

* * *

19 февраль. Президент Ислом Каримов «2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 март. Президент Ислом Каримов Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги йўллади.

* * *

5 март. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Германия Федератив Республикаси федерал ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Франк-Вальтер Штайнмайерни қабул қилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётига кейинги 15 йилда Германиянинг 784 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри инвестициялари ва кредитлари жалб этилган. «MAN» концерни билан ҳамкорликда Самарқандда замонавий завод барпо этилган. Шунингдек, «CLAAS» концерни билан ҳамкорликда замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигига доир маданий-гуманитар алоқаларни изчил ривожлантириш, таълимга оид қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим масалалар муҳокама қилинди.

* * *

21 март. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Ушбу муаззам майдонга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари таклиф этилди.

Ушбу тантанали маросимда Президент Ислом Каримов иштирок этиб, Ўзбекистон халқини қутлуғ айём — Наврўз байрами билан муборакбод этиб, нутқ сўзлади.

* * *

11 апрель. Президент Ислом Каримов «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 апрель. Президент Ислом Каримов «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 апрель. Президент Ислом Каримов «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 апрель. Президент Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари раҳбарлари, шунингдек, ШҲТ Бош котиби ва ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари ҳудудида терроризм, экстремизм ва сепаратизм кўринишлари, шунингдек, бошқа таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш борасида муҳим қарорлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳам алоҳида ўрин тутаётганини таъкидлади.

Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон делегациялари раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг Тошкентда ўтказилган ўн биринчи йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикр билдирди, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди.

* * *

14-15 апрель. Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги ҳамкорлигининг

бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Музокарада савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб, 2015 йил якунларига кўра, бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан зиёдни ташкил қилган.

Учрашувда ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Очиқ ва дўстона руҳда ўтган музокарада ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинди.

* * *

18 апрель. Президент Ислом Каримов «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 апрель. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25-26 апрель. Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

25 апрель куни Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Президентларнинг самимий ва сермазмун суҳбати узоқ давом этди. Томонлар Ўзбекистон — Россия муносабатлари, жаҳоннинг турли минтақаларида содир бўлаётган воқеалар хусусида атрофлича фикр алмашдилар.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 26 апрель куни Кремлда бўлиб ўтди. Давлат раҳбарларининг учрашувида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, ҳарбий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Ислом Каримов ушбу ташриф ўзаро алоқалар ривожига янги суръат багишлашини, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳар томонлама фикр алмашиш учун қулай имконият эканини алоҳида таъкидлади.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Афғонистон муаммоси, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм соҳалари бўйича ўзаро алоқаларни кенгайтириш масалалари юзасидан ҳам фикрлашиб олинди.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида маданий-гуманитар, ташқи сиёсат, олий таълим, жисмоний тарбия ва спорт каби қатор соҳаларда ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россияга расмий ташрифи якунига етди. Ушбу музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва истиқболлари белгилаб олинди.

* * *

8 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Шу кунларда юртимизда, қишлоқ ва шаҳарларимизда, ҳар бир оила ва хонадонда каттаю кичик — барча ватандошларимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 71 йиллигини кенг нишонламоқда, — деди Ислом Каримов. — Ана шу буюк ғалабани қўлга киритишда мардлик ва жасорат кўрсатган фахрийларимизни, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизни табриклаш, уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаш мен учун катта шарафдир.

Шу билан бирга, уруш майдонларидан қайтмаган, мана шундай мусаффо осмон, тинч-осойишта ҳаёт учун жон бериб, қурбон бўлган юртдошларимизнинг муқаддас хотиралари олдида бош эгиб таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир деб биламан.

Уруш бошланган пайтда Ўзбекистонимиз аҳолиси 6,5 миллион кишига яқин бўлган бўлса, шундан 1,5 миллиондан кўпроқ киши, яъни қурол кўтаришга қурби етадиган одамлар урушда қатнашган. Уларнинг орасидан 500 мингдан кўпроғи жанг майдонларида ҳалок бўлганини, яна қанча-қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанчаси бедарак йўқолганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу галаба бизга нақадар қимматга тушгани ўз-ўзидан аён бўлади, деб таъкидлади Юртбошимиз.

— Фурсатдан фойдаланиб, муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни ушбу қутлуғ

байрам билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман, — деди Президентимиз.

* * *

13 май. Президент Ислом Каримов «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Болгария Республикаси Бош вазири Бойко Борисовни қабул қилди.

Ўзбекистон Болгарияни анъанавий ва ишончли иқтисодий ҳамкор деб билади, ўзбек ва болгар халқлари узоқ йиллик дўстлик алоқаларига эга.

Учрашувда иқтисодий ҳамкорликнинг кенг кўламли масалалари — саноат, транспорт коммуникациялари, туризм, шунингдек, замонавий қўшма саноат корхоналарини ташкил этишнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

* * *

20 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Анни қабул қилди.

Учрашув чоғида нефть-газ соҳаси, транспорт инфратузилмаси, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича истиқболли инвестициявий лойиҳаларни биргаликда тайёрлаш ва амалга оширишга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар кимё, озиқ-овқат, фармацевтика, машинасозлик саноати ва бошқа соҳаларда янги корхоналар ташкил этиш, Ўзбекистонда давлат корхоналари ва активларини хусусийлаштириш жараёнида Жанубий кореялик инвесторлар иштирокини кенгайтириш масалаларини ҳам кўриб чиқдилар.

* * *

23 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ван Ини қабул қилди.

Учрашувда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг мамлакатимизга бўлажак давлат ташрифи ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим босқич бўлиши таъкидланди. 2015 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,1 миллиард АҚШ долларини, Ўзбекистонга жалб этилган Хитой инвестицияси ҳажми 6,5 миллиард долларни ташкил этган.

Мулоқотда Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида бўлиб ўтадиган тадбирларда Хитойнинг иштироки ва Ўзбекистон — Хитой ўзаро ҳамкорлигига доир бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

24 май. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболи, халқаро сиёсатга доир долзарб масалалар муҳокама этилди.

Томонлар 2015 — 2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига оид битим доирасида рақобатбардош ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги инвестициявий лойиҳаларни биргаликда амалга оширишдан манфаатдор экани таъкидланди.

* * *

26 май. Президент Ислом Каримов мамлакат талаба ёшларининг «Универсиада — 2016» спорт ўйинлари иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

26 май. Президент Ислом Каримов «2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 июнь. Президент Ислом Каримов «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 июнь. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 июнь. Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Жозеф Вотелни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, аввало, ўзаро манфаатга, жумладан, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга асосланган таъкидланди.

Учрашувда айрим халқаро ва минтақавий муаммолар, жумладан, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш масалалари муҳокама этилди.

* * *

21-22 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига

биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида ХХР Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Си Цзиньпин шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Хитойнинг давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги суҳбатида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокарада сиёсий мулоқотларни изчил давом эттириш, савдо, саноат, иқтисодиёт, энергетика, фан-таълим, маданият каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро таҳдид ва хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, техникавий, энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро савдо айланмаси ҳажмини оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Кўксарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг қўшма баёнотини имзоладилар. Шунингдек, икки давлат ҳукуматлари ва идоралари ўртасида техникавий-иқтисодий, инвестициявий, савдо ва нефть-газ соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, интеллектуал мулк ҳуқуқини муҳофаза қилишга оид ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини таъкидладилар.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюрдилар. Хитой Раиси ва Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида нутқ сўзладилар.

Давлат раҳбарлари Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

* * *

22 июнь. Президент Ислом Каримов мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлиб, депутатлар ва сенаторлар билан учрашди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур учрашувда сўзлаган нутқи 30 июнь куни матбуотда эълон қилинди.

* * *

22 июнь. Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик ва истиқболли лойиҳаси ижроси — Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари мазкур гоят улкан лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон учун катта ютуқ, муҳим ва унутилмас тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади.

Қурилиш давомида Ўзбекистон ва Хитой қурувчилари, муҳандислари, мутахассислари аҳил ҳамкорликда меҳнат қилиб, юксак касб маҳоратини намоён этди. — Ушбу иншоот энг юксак халқаро нормаларга жавоб беради ва жаҳон амалиётида ноёб лойиҳадир, — деди Президентимиз.

Президент Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл тизимида ҳаракатланадиган «Ўзбекистон» йўловчи поездининг Қамчиқ туннелидан ўтишига рухсат берувчи семафорни ёқиш учун махсус тугмани босдилар.

Маросимда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг улкан самараси, халқларимиз ўртасидаги яқин дўстликнинг яна бир ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

* * *

23 июнь. Президент Ислом Каримов Кўксарой қароргоҳида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан учрашувлар ўтказди.

Ислом Каримов Владимир Путин билан мулоқот чогида ушбу учрашув Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорликнинг мантиқий давоми, мамлакатларимиз стратегик шерикликни ривожлантириш йўлидан бораётганининг яққол намоёни эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги барча соҳада изчил ривожланиб бораётгани, 2015 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,4 миллиард АҚШ долларидан ошгани қайд этилди.

Ислом Каримов Туркманистон Президенти билан суҳбатда унинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида фахрий меҳмон сифатида иштирок этиши мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорликнинг яна бир ифодаси эканини қайд этди.

Гурбангули Бердимуҳамедов ШҲТ саммитига таклифи учун Ислом Каримовга самимий миннатдорлик изҳор этди. Туркманистон Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини билдирди.

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон билан учрашувда ўзбек ва тожик халқларини азалий дўстлик ва қўшничилик ришталари, маданият ва анъаналар уйғунлиги боғлаб туриши таъкидланди.

Имомали Раҳмон Тожикистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини, ушбу учрашув ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиш учун яхши имконият бўлганини таъкидлади. Мазмунли учрашув учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан суҳбатда ушбу учрашув олий даражадаги сиёсий мулоқотларнинг мантиқий давоми, эришилган келишувлар ижросини муҳокама қилиш ва ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаб олиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Президентимиз Ўзбекистон Ҳиндистоннинг ШҲТга аъзо давлат бўлишга интилишини қўллаб-қувватлашини, бу ташкилотнинг нуфузини янада ошириши ҳамда минтақа халқлари тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилишини қайд этди.

* * *

23 июнь. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент саммити иштирокчилари учун концерт дастури намойиш қилинди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти учун бундай тадбирларнинг ўтказилиши анъанага айланган.

Соат 18.00. Залга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қиргизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Афгонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Мўғулистон Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов кириб келадилар.

Йиғилганлар олий мартабали меҳмонларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Олий мартабали меҳмонлар эътиборига ўзбек халқининг миллий ашула ва рақслари, шунингдек, жаҳон опера санъатининг энг сара асарларидан намуналар ҳавола этилди.

Ижро этилган ҳар бир куй-қўшиқда инсонга меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, миллий ва умумбашарий қадриятларга эҳтиром юксак пардаларда тараннум этилди. Концерт ниҳоясида «Жон Ўзбекистон» композицияси янгради.

* * *

23-24 июнь. Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис Ўзбекистон Республикаси раислигида ўтди.

ШҲТ саммити ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида ўтган учрашувда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш, ШҲТ фаолиятини кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига учинчи маротаба раислик қилмоқда.

Мамлакатимиз ШҲТга 2003—2004 ҳамда 2009—2010 йилларда раислик қилган.

Давлат раҳбарлари ШҲТнинг 15 йиллик фаолияти асосий натижаларини кўриб чиқдилар. Ташкилот нуфузли ва аҳамиятли тузилма сифатида халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллагани алоҳида таъкидланди.

Мажлисда халқаро терроризм, экстремизм ва унинг бошқа кўринишлари бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдек хавф солаётгани алоҳида таъкидланди. Ушбу таҳдидларга фақат ҳамкорликда, жаҳон ҳамжамияти ҳаракатларини бирлаштириш орқали қарши курашиш мумкинлиги қайд этилди.

ШҲТ Хартияси қоидалари ва бошқа ҳужжатларига мувофиқ терроризм, сепаратизм ва экстремизмга, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши, қурол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи моддалар билан ноқонуний савдо, оммавий қирғин қуроллари ва уларни етказиб бериш воситалари тарқалишига қарши биргаликда курашиш ШҲТ доирасидаги ўзаро ҳамкорликнинг устувор вазифаларидан бири экани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида кузатувчи мақомидаги мамлакатлар делегациялари раҳбарлари — Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Зариф, саммит меҳмони — Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов ҳам иштирок этди.

Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасининг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзолангани Тошкент саммитининг муҳим воқеаларидан бўлди.

Давлат раҳбарлари Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Камбоджа Қироллиги ва Непалга ШҲТнинг мулоқот бўйича шериклари мақомини бериш тўғрисидаги меморандум имзоланишини маъқулладилар.

Музокаралар якунида ШҲТ ўн беш йиллигининг Тошкент декларацияси, ШҲТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016—2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШҲТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг ШҲТга раислик давридаги фаолиятига юксак баҳо берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар ШҲТга аъзо ва кузатувчи давлатлар манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

* * *

24 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур учрашувда сўзлаган маърузаси 28 июнь куни матбуотда эълон қилинди.

* * *

24 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича оммавий ахборот воситалари учун уюштирилган брифингда нутқ сўзлади.

Юртбошимизнинг мазкур брифингда сўзлаган маърузаси 1 июль куни матбуотда эълон қилинди.

* * *

24 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Кўксаройда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн, Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбегдорж билан учрашувлар ўтказди.

Ислом Каримов Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан учрашувда унинг юртимизга илк ташрифи мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон ҳамиша «Қўшнинг тинч — сен тинч», деган ҳикматга амал қилиб, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, унинг иқтисодиётини тиклаш тарафдори бўлиб келмоқда. Мамлакатимиз Афғонистонга электр энергияси, мева-сабзавотлар, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар экспорт қилиб келади.

Учрашувда ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз Ислом Каримов билан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев учрашувида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон минтақада тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли бунга яққол мисолдир. Ушбу замонавий транспорт йўлаги мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг янада кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

Алмазбек Атамбоев самимий учрашув учун давлатимиз раҳбари Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, ШҲТ саммити ўрнак оладиган даражада юқори савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Қирғизистон Ўзбекистон билан яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга интилишини қайд этди.

Ислом Каримов Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн билан мулоқотда унинг юртимизга илк ташрифини мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожида муҳим воқеа, деб билишини таъкидлади.

Покистон Ўзбекистонга яқин қўшни, улкан иқтисодий салоҳиятга эга давлат. Мамлакатларимиз ҳамкорлиги минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Покистоннинг ШҲТга аъзо давлат сифатида қабул қилинишини қўллаб-қувватлаб, ташкилотга раислиги даврида бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Бу борада Ҳаракат дастурини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Саммит доирасида ШҲТда аъзо давлат мақомини олиш мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланиши унинг амалий натижаси бўлди.

Мамнун Ҳусайн ўзбекона меҳмондўстлик ва мазмунли суҳбат учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Покистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбегдорж билан учрашувда унинг мамлакатимизга ташрифи ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришга кенг йўл очишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Мўғулистонда ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар кўп. Турли соҳаларни ўрганиш, фойдаланилмаётган ресурсларни ишга солиш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатига хизмат қилади.

Мўғулистон Президенти самимий учрашув учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, ШҲТ саммити юксак савияда ташкил этилганини қайд этди. Мўғулистон мамлакатимиз билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

* * *

24 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин атоқли рус шоири Александр Сергеевич Пушкин ҳайкали қад ростлаган майдонга ташриф буюрдилар.

Икки давлат раҳбарлари Пушкин ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар.

Россия Федерацияси Президенти Ўзбекистонда жаҳон адабиётининг буюк намояндалари қатори Александр Сергеевич Пушкин ижоди, адабий мероси юксак қадрланиши, шоир хотирасига бунёд этилган ёдгорлик халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик муносабатларининг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади.

Владимир Путин Ўзбекистонга ташрифи ғоят самарали бўлганини алоҳида таъкидлаб, самарали музокаралар учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида ташкилот фаолиятини янада фаоллаштириш бўйича мамлакатимиз амалга оширган ишларга юксак баҳо берди. Ишчанлик руҳида ўтган Тошкент саммити ШҲТ давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, уни янги мазмун билан бойитишга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Тошкент халқаро аэропортида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кузатиб қўйди.

* * *

27 июнь. Президент Ислом Каримов касб байрами муносабати билан республика Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

29 июнь. Президент Ислом Каримовга Оқсаройда Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Петр Ивашкевич, Венгрия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Петер Санто, Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ерик Утембаев, Тожикистон Республикасининг мамлакатимиз-

даги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Содиқ Имомий, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Квон Ён У ва Афгонистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Сайид Шаҳобиддин Темурий ишонч ёрлиқларини топширди.

* * *

30 июнь — 1 июль. Президент Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлди.

Ислом Каримов Сурхондарёга сафарини Термиз шаҳрида миллий ва замонавий меъморлик услублари асосида барпо этилган Хотира майдони билан танишишдан бошлади.

Давлатимиз раҳбари мазкур майдоннинг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида тўхталди.

Юртбошимиз Термиз туманидаги «Янгиариқ пахтакори» фермер хўжалиги даласида бўлиб, вилоят фаоллари ва фермерлари билан суҳбатлашди.

Президентимиз учрашувда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари парваришида замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш, истиқболли навларни экиб, ҳосилдорликни янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ислом Каримов Термиз шаҳридаги Ҳаким ат-Термизий мажмуасини зиёрат қилди ва ушбу мажмуани таъмирлаш юзасидан тегишли тавсиялар берди. Бунда воҳанинг ўзига хос анъаналари, замонавий меъморлик усулларидан фойдаланиш зарурлигини қайд этди.

Юртбошимиз куннинг иккинчи ярмида Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди. Капитал таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этган Қарши темир йўл вокзалига ташриф буюрди. Президентимиз вокзал биносини кўздан кечирар экан, уни янада кўркамлаштириш, бино пештоқини Қашқадарё тарихига оид нақшлар билан безатиш, йўловчиларга замонавий қулайлик яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари «Насаф» марказий стадионини бориб кўрди. Стадионни реконструкция қилиш, спортчилар ва томошабинлар учун қулайликларни кенгайтириш, хавфсизлик чораларини кучайтириш бўйича зарур тавсиялар берди.

Президентимиз Қарши шаҳрининг Мустақиллик ва Ўзбекистон кўчалари чорраҳасида бунёд этилган курантни кўздан кечирди. Қарийб 30 метрлик курант оқ мармар билан қопланган, миллий колорит билан безатилган.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллик кўчаси бўйидаги хиёбонга ташриф буюрди. Шаҳар қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг дам олиши учун яратилган қулайликларни тобора ошириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича зарур тавсиялар берди.

Ислом Каримов 2015 йили Қашқадарёга ташрифи чоғида Амир Темур тарихий кўпригини таъмирлаш, дарё атрофини дам олиш масканига айлантириш бўйича зарур тавсиялар берган эди.

Ўтган вақт давомида бу ерда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Амир Темур кўприги замонавий талаблар асосида реконструкция қилинди.

Президентимиз ушбу кўприк ва хиёбон билан танишди.

— Собиқ тузум даврида Қашқадарё вилояти қолоқ ҳудудлардан эди. Одамлар ҳар томонлама эзилган, ҳаётдан норози бўлиб яшарди. Ўша пайтда вилоят раҳбари сифатида уларнинг дардини кўп эшитганман, «қачон бу замон ўзгаради, қачон кўксимизга шамол тегади», деб куюнганларни кўп кўрганман. Мана, ўша орзу қилинган кунлар келди. Мустақиллик шарофати, халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли мамлакатимиз ҳар томонлама обод бўлиб бормоқда, одамлар ҳаётидан рози бўлиб яшамоқда. Бугунги замонавий шароитлар биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз деган эзгу мақсадимизнинг амалий ифодасидир, — деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари қурилиш ва ободонлаштириш ишларини изчил давом эттириш, шаҳар қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг дам олиши учун бунданда кўпроқ қулайликлар яратиш бўйича зарур тавсиялар берди.

Президентимиз шу куни Қарши туманидаги «Шукрона» фермер хўжалиги даласига ташриф буюрди. — Фермер ва деҳқонларимиз учун масъулиятли бўлган шундай кунларда сизларнинг ёнингизга келиб, дилдан суҳбатлашиш, ҳол-аҳвол сўраш, ҳорманг, дейиш менга катта мамнуният бағишлайди, — деди Юртбошимиз.

Шаҳрисабзда ҳам кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Оқсарой мажмуаси атрофидаги майдон кенгайтирилиб, Чорсу бозори, Кўкгумбаз, Доруттиловат, Дорус-саодат обидаларини боғловчи сўлим хиёбон барпо этилди.

— Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларини ҳар томонлама обод қилиш учун катта маблағ ва ресурслар ажратилган, — деди Ислом Каримов.—

Шаҳарлар қиёфаси, инфратузилмаси шунга мос бўлиши керак. Мақсадимиз — аҳолимиз учун барча замонавий шароитларни яратиш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришдир. Шу билан бирга, бугун амалга ошираётган ишларимиз келажак авлодларимизга ҳам хизмат қилсин.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар, уларда билдирилган фикрлар амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини муттасил юксалтиришга хизмат қилаётганини яна бир бор намоён этди.

* * *

1 июль. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 июль. Президент Ислом Каримов «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 июль. Президент Ислом Каримовнинг «Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди» ва «Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир» номли китоблари «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди.

* * *

15 июль. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) президенти Чинг-Куо Вуни қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда ҳаваскор боксни ривожлантириш, мамлакатимизнинг AIBA билан самарали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентига спорт ва олимпия ҳаракатини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш йўлидаги улкан хизматлари учун, шунингдек, боксни халқаро ва миллий даражада ривожлантириш борасидаги фидокорона меҳнати эътирофи сифатида AIBAнинг юксак мукофоти — «Хизматлари учун» ордени топширилди.

* * *

17 август. Президент Ислом Каримов Оқсаройда Корея Республикаси давлат бошқаруви ва ички ишлар вазири Хон Юн Сукни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон Корея Республикаси билан стратегик шериклик муносабатларини юксак қадрлаши ва бу муносабатларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишини қайд этди.

Хон Юн Сук самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Корея Ўзбекистон билан кенг кўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

* * *

22 август. Президент Ислом Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 август. «Маънавият» нашриёти томонидан «Президентга мактублар» китобининг навбатдаги — тўртинчи жилди чоп этилди. Ушбу китобдан 2013 — 2016 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбоблари томонидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган.

* * *

23 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 август. Президент Ислом Каримов «Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари голибларини пул мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан Фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан Давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси давлат муста-

қиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма беш йиллиги нишонланиши муносабати билан дам олиш кунини кўчириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 август. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги йўллади.

Давлатимиз раҳбарининг байрам табриги 1 сентябрь куни матбуотда чоп этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Азиз ватандошлар,

Барчамиз учун қадрли бўлган Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов вафот этганини юрагимизда чуқур қайғу билан маълум қиламиз. Ислом Абдуғаниевич 2016 йил 2 сентябрда Тошкент шаҳрида бош мияда қайта тикланмайдиган ўзгаришларга ва полиорган етишмовчилигига олиб келган мия қон айланишининг ўткир бузилиши (инсульт) оқибатида вафот этди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳақиқатан буюк тарихий шахс эди. Ислом Каримовнинг қатъияти ва жасорати билан республикамиз мустақилликка эришди ва ўз тараққиёт йўлида улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Ёш давлатимиз учун ғоят мураккаб ва масъулиятли даврда вазият беқарорлашувининг олди олингани ва халқимизнинг уруш даҳшатларини кўрмасдан эсон-омон ўтиши бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ.

Халқимизнинг чексиз муҳаббатини қозонган, мустақил мамлакатимизнинг Биринчи Йўлбошчиси Ислом Абдуғаниевич Каримов қалбларимизда абадий қолади ва келажак авлодлар хотирасида тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва тараққиёт раҳнамоси, буюк давлат арбоби сифатида мангу яшайди.

Барчамиз учун қадрли бўлган Президентимиз ўзининг васиятига кўра, шу йил 3 сентябрда ота-онаси мангу ором топган она шаҳри Самарқандда мусулмон урф-одатларига биноан дафн этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти билан видолашув маросими 2016 йил 3 сентябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади.

Барчамиз учун ўта огир жудолик муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, бутун Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тошкент шаҳри,
2016 йил 2 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг дафн маросимини ўтказиш бўйича Давлат комиссиясини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов вафот этгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг дафн маросимини ўтказиш бўйича Давлат комиссияси ташкил этилсин.

2. Давлат комиссияси:

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг хоҳиш-иродасига мувофиқ дафн маросимини Самарқанд шаҳрида 2016 йил 3 сентябрда ташкил этсин;

2016 йил 3 сентябрдан Ўзбекистон Республикасида уч кунлик мотам эълон қилинсин ва республиканинг барча ҳудудларида мотам тадбирлари ўтказсин;

корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилик, халқимизнинг фикрини ҳисобга олиб, бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 2 сентябрь

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг касаллиги ва вафоти сабаблари тўғрисида

ТИББИЙ ХУЛОСА

Бемор Ислом Абдуғаниевич Каримов, 78 ёшда, 27 август куни эрталаб соат 09.00 да ҳушсиз ҳолатда зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт-санитария бирлашмасининг Марказий клиник шифохонасига олиб келинди.

Ўтказилган текширувлар, жумладан, бош мия компьютер томографияси беморда бош мия қон айланиши ўткир бузилиши субарахноидал қон қуйилиш асорати билан (инсульт) аниқланди. Артериал қон босими 250/120 мм. симоб устунига тенг. Беморда юрак фаолиятининг тўхташи кузатилди. 20 дақиқа давомида олиб борилган реанимацион муолажалар натижасида юрак фаолиятини тиклашга эришилди. Бемор мия ўзаги фаолияти бузилиши оқибатида атоник кома ҳолатига тушди ва сунъий нафас олиш аппаратига ўтказилди.

27 августдан 28 августга ўтар кечаси бемор етакчи хорижий клиникаларининг нейрохирурглари, кардиолог ва реаниматологлари — А.Н. Бакулев номидаги Юрактомир хирургияси илмий маркази директори, академик Л. Бокерия, Н.Н. Бурденко номидаги нейрохирургия илмий маркази директори, академик А.А. Потапов (Россия), Ганновер халқаро нейрохирургия институтининг вице-президенти ва ижрочи директори, профессор Амир Сами (Германия), Кардиоторакал марказ директори, профессор Жилли Дрейфус (Монако), Хейдельберг университети клиникасининг кардиология бўлими раҳбари, профессор Хьюго Катус (Германия), Хельсинки университети Марказий госпиталининг нейрохирургия бўлими профессори Юка Хернисниеми (Финляндия) томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ўзбекистон мутахассислари билан ҳамкорликда ўтказилган консилиум натижасида кейинги даволаш режаси белгилаб олинди.

Беморнинг неврологик ҳолати аввалбошдан атоник кома сифатида қайд этилди. Неврологик статусда диффуз мушак атонияси, арефлексия кузатилди. Беморга уч маротаба динамик электроэнцефалографик текширув ўтказилиб, унда бош миянинг биоэлектрик фаоллигининг сусайиши аниқланди.

Ўтказилган интенсив терапия жараёнида беморнинг ички аъзолари (қон томир, нафас олиш, қон ивиш тизимлари, буйрак ва жигар) фаолиятининг аста-секин бузилиши — полиорган етишмовчилиги кузатилди.

Юқорида қайд этилган тўлиқ ҳажмдаги диагностика-даволаш муолажалари ва интенсив терапия чора-тадбирлари ўтказилганига қарамасдан 2016 йил 2 сентябрь куни соат 20.15 да юрак фаолияти тўхтади.

Амалга оширилган интенсив реанимация тадбирлари натижа бермади ва беморда соат 20.55 да биологик ўлим ҳолати қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш вазири	**А. Алимов**
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, профессор	**Ш. Каримов**
Тиббиёт фанлари доктори, профессор	**В. Аваков**
Тиббиёт фанлари доктори, профессор	**Б. Ғафуров**
Тиббиёт фанлари доктори, профессор	**Ғ. Қориев**
Тиббиёт фанлари доктори, профессор	**Р. Қурбонов**
Тиббиёт фанлари доктори, профессор	**К. Маҳкамов**
Тиббиёт фанлари доктори, шахсий шифокор	**П.Черниш**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 2 сентябрь



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов

Ватанимиз, бутун ўзбек халқи ўта оғир жудоликка учради. Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов шу йил 2 сентябрь куни оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Ўрта Осиё политехника институти ва Тошкент халқ хўжалиги институтини муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликлари бўйича тугатди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошлади. 1961 йилдан 1966 йилгача Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, мутахассисликдан Республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1983 йилда Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

У 1986—1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби лавозимида ишлаб, ўзининг катта раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилияти, фидойилиги ва қатъияти, эл-юрт дардини, одамларнинг ташвиш ва муаммолари, уларнинг талаб ва манфаатларини юракдан ҳис қилиши билан ғоят оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволга тушиб қолган вилоятдаги вазиятни қисқа вақт ичида тубдан ўзгартиришга эришди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1989 йилнинг июнидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.

Ўша пайтда республикамиз фуқаролар уруши, қон тўкиш, миллатлар ва конфессиялараро можаролар ёқасида турган эди. Худди шундай воқеалар қўшни мамлакатларда амалга оширилган эди. Ана шундай ўта оғир даврда у ўзининг воқеаларни олдиндан кўра билиш қобилияти, кучли иродаси ва қатъияти билан халқимиз ва мамлакатимизни шундай ачинарли қисматдан сақлаб қолди.

Айнан ўша даврда халқимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов тимсолида мард, букилмас ирода эгаси ва содир бўлаётган фавқулодда мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини давлат манфаатлари нуқтаи назаридан кўра оладиган, ўз Ватани ва халқи, ҳар бир юртдошининг тақдири учун алоҳида масъулиятни ҳис эта оладиган ҳақиқий раҳбарга эга бўлди.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида Ислом Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди. 1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти этиб сайланди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 25 йил давомида мустақил Ўзбекистонни бошқариб, очиқ фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва уни амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида мамлакатимизда ва халқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозонди.

Ўзбекистоннинг суверенитети ва мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлаш Президент Ислом Каримов учун ҳамиша энг олий устувор вазифа бўлиб келди ва у олиб борган сиёсатнинг асосий ўзак тамойили бўлиб қолди.

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча оламшумул ютуқлар ва натижаларни мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ деб билади.

У ҳақли равишда демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи бўлиб, уни амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ этишнинг ҳақиқий кафолатига айланди.

1991 йилда Ўзбекистон пахта яккаҳокимлигининг ҳалокатли таъсири оқибатида иқтисодиёти бирёқлама, мўрт ва ночор ривожланган, аҳолининг ҳаёт даражаси гоят ачинарли аҳволга тушиб қолган қолоқ аграр мамлакат эди. Республика ҳаётий муҳим товарларнинг кўпгина турларини, биринчи навбатда ғалла ва энергия ресурслари бўйича маҳсулотларни ўзида ишлаб чиқармас ва бу борадаги ўз эҳтиёжларини таъминлай олмас эди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаш мумкин эмас, деган фикрнинг қатъий тарафдори эди. Айнан шунинг учун ҳам Юртбошимиз томонидан машҳур беш тамойил асосида бутун дунёда тараққиётнинг «ўзбек модели» деб эътироф этилган Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан ислоҳ этиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш дастури ишлаб чиқилди. Бу моделнинг туб негизини «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» деган стратегик йўналишни амалга ошириш ташкил этади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистонда кенг кўламли таркибий ислоҳотлар амалга оширилди, нефть кимёси, кимё, автомобиль саноати, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик саноати, замонавий қурилиш материаллари саноати каби юқори технологияларга асосланган мутлақо янги саноат тармоқларига асос солинди.

Устюрт ва Шўртан газ-кимё мажмуалари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар корхонаси, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги автомобиль заводлари сингари дунё миқёсидаги ноёб саноат объектлари барпо этилди.

Республикамизда замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари, жумладан, Қамчиқ тоғ довони орқали ўтадиган ноёб туннелни ўз ичига олган Ангрен — Поп темир йўл тармоғи, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли бунёд этилди. Тошкентдан Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарлари йўналишлари бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатнови йўлга қўйилди, халқаро аэропортлар модернизация қилинди, «Навоий» аэропорти негизида халқаро логистика маркази ташкил этилди ва Ўзбек миллий автомагистрали қурилиши якунига етказилди.

Ўзбекистоннинг дунёда энг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган иқтисодиётга эга бўлган бешта давлат қаторидан жой олгани Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан олиб борилган ислоҳотларнинг амалий ифодаси бўлди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов қишлоқ хўжалигидаги чуқур ўзгаришларни амалга ошириш, ернинг ҳақиқий эгаси бўлган янги мулкдорлар синфи — фермерлик ҳаракатини шакллантиришнинг ташкилотчиси эди. Унинг ташаббуси билан жаҳон амалиётида ўхшаши бўлмаган, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган, қишлоқ аҳлининг ҳаёт даражаси ва сифатини шаҳардагидан кам бўлмаслигини таъминлайдиган намунавий уй-жойлар қуриш дастури амалга оширилмоқда.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони сифатида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган замонавий Қуролли Кучларни тубдан ислоҳ этиш, уларнинг жанговар салоҳияти ва қудратини оширишни таъминлади.

У туб негизида бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва вужудга келаётган қарама-қаршилик ва можароларни фақатгина тинч, сиёсий йўл билан ҳал этишга асосланган тинчликпарвар сиёсат мужассам бўлган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсат концепциясини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Давлатимиз раҳбари минтақамизда ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлашга улкан ҳисса қўшди.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси асосида, эски қолип ва мезонлардан бутунлай воз кечган ҳолда, кенг миқёсдаги Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим-тарбия тизимини энг замонавий халқаро стандартлар бўйича тубдан ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунининг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган ёшларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини бутунлай ўзгартирган, навқирон авлодни тарбиялаб вояга етказишнинг янги принципиал тизимини ташкил қилиш ва уни ҳаётга жорий этиш ишларига бевосита раҳбарлик қилди.

Мамлакатимиз раҳбари миллий-маънавий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшди.

У фуқаролик жамияти институтлари, аввало, маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузини ошириш, уларнинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Биринчи Президентимизнинг пойтахтимиз Тошкент шаҳри, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари қиёфасини замонавий меъморлик талаблари асосида тубдан ўзгартириш борасидаги кенг кўламли бунёдкорлик ишларини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ислом Абдуганиевич Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатгани учун Ўзбекистон Қаҳрамони унвони, «Мустақиллик» ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси эди. Айни вақтда у иқтисодиёт, илм-фан, таълим-тарбияни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун кўплаб хорижий мамлакатлар университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиги этиб сайланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан ҳам мукофотланган эди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз халқини чексиз меҳр-муҳаббат билан севар эди ва ўзининг сўнгги кунларига қадар бутун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, ўзбек халқининг буюк фарзанди Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сўнмас хотираси барча миннатдор юртдошларимизнинг, бутун халқимизнинг қалбида абадий сақланиб қолади.

Ш.М. Мирзиёев, Н.Т. Йўлдошев, Н.М. Исмоилов, Р.Р. Иноятов,
Д.А. Назармуҳамедов, Х.М. Султонов, Ш.И. Солиҳов, И.М. Мирзаалиев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ БИЛАН ВИДОЛАШУВ

Мамлакатимиз, бутун халқимиз оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов 2016 йил 2 сентябрь куни вафот этди. Шу муносабат билан 2016 йил 3 сентябрдан мамлакатимизда уч кунлик мотам эълон қилинди. Мамлакатимизда ва хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси элчихоналарида Ўзбекистоннинг давлат байроқлари туширилди.







Минг-минглаб ватандошларимиз чуқур қайғу ва кўз ёшлари билан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти билан видолашди.



Тошкент шаҳри аҳолиси чуқур қайғуда.





Фахрий қоровул бўлинмаси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентини сўнгги йўлга кузатмоқда.



Самарқанд шаҳри, Регистон майдони, видолашув маросими.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида 3 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов билан видолашув маросими бўлиб ўтди.



Маросимни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев очиб, Ислом Каримовнинг оила аъзоларига, бутун халқимизга чуқур ҳамдардлик билдирди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Н. Йўлдошев, Қонунчилик палатаси спикери Н. Исмоилов, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан вакиллар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Маросимда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Россия Федерацияси Бош вазири Дмитрий Медведев, Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири ўринбосари Чжан Гаоли, Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари Ли Жун Сук, Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кобяков, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Октай Асадов, Грузия Республикаси Бош вазири Георгий Квирикашвили, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сооронбай Жээнбеков, Туркия Республикаси Бош вазири ўринбосари Туғрул Йилдирим,

Украина Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Степан Кубов, Бирлашган Араб Амирликлари давлат вазири Рашид бин Аҳмад бин Фаҳад, Арманистон Республикаси парламенти вице-спикери Эрмине Нагдалян, Япония парламент вазири Мотомэ Такисава, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф, МДҲ Ижрочи котиби Сергей Лебедев ва бошқалар қатнашди.

«Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Я. Иноятов, Ўзбекистон халқ шоири Э. Сиддиқова ва бошқалар Ислом Каримовнинг халқимиз бахт-саодати йўлида амалга оширган буюк ишлари ҳақида сўз юритди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов том маънодаги ватанпарвар инсон ва буюк давлат арбоби, доно сиёсатчи Ислом Каримовнинг барча ташаббуслари халқаро майдонда қўллаб-қувватланганини, Туркманистонда ёшу қари у кишини чин дилдан ҳурмат қилишини таъкидлади. Ислом Каримов Туркманистон — Ўзбекистон ҳамкорлигини изчил ривожлантиришга катта ҳисса қўшганини қайд этиб, Туркманистонда майдон ва кўчаларга Ислом Каримов номи берилишини маълум қилди.

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан халқимизга ҳамдардлик билдириб, Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ўз халқи ва Ватанига фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунаси эканини таъкидлади. Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати натижасида Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик қарор топгани, тараққиётнинг «ўзбек модели» самарасида мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 6 баробар ўсгани ва аҳоли турмуш даражаси юксалганини алоҳида қайд этди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани Афғонистон ва Ўзбекистон халқлари азалдан яхши қўшничилик муносабатларида яшаб келаётганини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирди. Ислом Каримов Афгонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганини, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган ШҲТ саммитида Президентимиз билан учрашуви ғоят мазмунли бўлганини алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси Бош вазири Дмитрий Медведев Ислом Каримовнинг оила аъзолари ва Ўзбекистон халқига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин номидан таъзия билдирди. Ислом Каримов буюк давлат арбоби бўлганини, ўз халқига, Ватанига хизмат қилишни юқори даражага кўтарганини таъкидлади. Ислом Каримов Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар иттифоқчилик даражасига кўтарилишига катта ҳисса қўшганини алоҳида қайд этди.

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири ўринбосари Чжан Гао Ли Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон Республикасининг асосчиси эканини, ўтган йилларда Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланганини таъкидлади. Ислом Каримов бошлаган буюк ишлар давом этиши ва мамлакат янада равнақ топишига ишонч билдирди. Ислом Каримовнинг улкан хизматлари билан жорий йилнинг июнь ойида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилганини, Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни изчил ривожлантиришга тайёр эканини қайд этди.

Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг халқимизга ҳамдардлик билдирилган мактубини ўқиб берди. Унда Қозогистон халқи Ислом Каримов вафот этгани тўғрисидаги машъум хабарни чуқур қайғу билан қабул қилгани айтилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳаётида рўй берган кенг кўламли ўзгаришлар, мамлакатнинг иқтисодий

салоҳияти ва халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи юксалгани, аҳоли турмуш даражаси ошгани бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ экани таъкидланган. Қозогистон ва Ўзбекистон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган Ислом Каримовнинг оила аъзоларига, бутун халқимизга ҳамдардлик билдирилган.

Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кобяков Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко ва беларусь халқи номидан Ислом Каримовнинг оила аъзолари, яқинларига, бутун халқимизга чуқур ҳамдардлик билдирди. Буюк инсон, улуғ Йўлбошчи бўлган Ислом Каримов бутун куч ва имкониятларини ўз халқи, Ватани равнақига сарф этганини таъкидлади. Президентимизнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» деган ҳикматли сўзлари мустақил ва қудратли Ўзбекистон Республикасини барпо этишда асос бўлганини, бугун мамлакатимиз кўп тармоқли иқтисодиётга эга, тинчлик элчиси бўлган давлатга айланганини қайд этди.

Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сооронбай Жээнбеков Қиргизистон Президенти Алмазбек Атамбоевнинг Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти вафоти муносабати билан халқимизга чуқур таъзия билдирилган мактубини ўқиб берди. Унда буюк давлат арбоби, доно сиёсатчи Ислом Каримовнинг қатъий саъй-ҳаракатлари билан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларга ижобий ечим топилгани, бу бугунги кунда ҳам халқларимиз манфаатларига хизмат қилаётгани таъкидланган.

Мусулмончилик урф-одатларига биноан Регистон мажмуасидаги Тиллакори мадрасасида жаноза намози ўқилди.

Ислом Каримов ўзининг васиятига биноан ота-онаси мангу ором топган Шоҳи Зинда қабристонида дафн этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мамлакатимиз мустақиллиги ва янги давлатчилигининг асосчиси, буюк сиёсатчи, тинчликпарвар ва халқпарвар давлат раҳбари, доно ислоҳотчи ва комил инсон Ислом Каримовнинг сўнмас хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади. Бу видолашув маросимида иштирок этган ўн минглаб ватандошларимиз, бутун халқимиз дилидаги сўзлардир.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов билан видолашув маросимидаги сўзи

Азиз юртдошлар!

Ҳурматли дўстлар!

Халқимиз, Ўзбекистонимиз бошига мисли кўрилмаган оғир мусибат тушди. Шафқатсиз ўлим мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, халқимизнинг буюк ва ардоқли фарзанди, тогдек таянчимиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовни орамиздан олиб кетди.

Шу муносабат билан Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг оила аъзолари ва яқинларига яна бир бор чуқур таъзия билдирамиз.

Бугун қалбларимиздаги чексиз қайғу ва айрилиқ изтиробини ҳеч қандай сўз билан ифода этиб бўлмайди.

Бутун онгли ҳаёти ва фаолиятини Ўзбекистонимиз учун, унинг мустақиллиги, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай равнақ топиши учун бахшида этган буюк Юртбошимизни миллий тарихимизнинг энг кескин ва таҳликали, туб бурилиш даврида халқимизнинг дардига дармон бўлсин, деб, Яратганнинг ўзи майдонга чиқарди.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ана шу буюк вазифани ҳамма вақт, ҳар қандай вазиятда ҳам шараф билан адо этди, бу йўлда беқиёс куч-гайрати ва ақл-заковатини ҳам, керак бўлганда ҳатто азиз жонини ҳам аямади.

У бир умр ўзи ўртага ташлаган «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деган даъватга амал қилиб, шу йўлда биз учун, келажак авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратиб кетди.

Бу ҳақда гапирганда, истиқлол арафасида ва унинг дастлабки йилларида халқимизнинг бошига тушган машаққатли синовларни яна бир бор эслашимиз табиийдир.

Ҳали мустабид тузум ўз ҳукмронлигини ўтказиб турган 1989 йилда Фаргона водийсида вазият ёниб, портлаб кетиш даражасига етган эди. Юртбошимиз 1989 йил 23 июнда Ўзбекистон раҳбари этиб сайланган бўлса, 25 июнда, яъни, орадан бир кун ўтиб бу қонли фожиани тўхтатиш, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларга, адолатсизликка барҳам бериш учун Фарғонага келганини кўпчилигимиз яхши биламиз.

1991 йил 31 август куни Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди ва орадан қанча йиллар, асрлар ўтса ҳамки, бу воқеа Ватанимизнинг шонли тарихида буюк ва ўчмас саҳифа бўлиб қолади. Лекин жаҳон харитасида янги пайдо бўлган ёш, мустақил давлатимиз олдида қандай мураккаб ва огир вазифалар турганини ўша пайтда кўпчилик тасаввур қилолмас эди.

Ўша таҳликали даврда юртимизда бор-йўғи бир ҳафта-ўн кунга етадиган буғдой ва ун захираси қолган, мамлакат амалда очарчилик остонасига келиб қолган эди.

Бу ўринда гап битта оила, битта жамоа ёки маҳалла ҳақида бораётгани йўқ. Ўша кезлари — 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошларида 22 миллионлик халқ, бутун бошли бир мамлакатнинг тақдири ва келажаги қил устида турган эди.

1991 йилнинг декабрь ойида юз берган Наманган воқеалари, 1999 йили Тошкент шаҳрида содир бўлган февраль воқеалари, 2000 йили Сурхондарё вилоятида рўй берган воқеалар, 2005 йилги Андижон воқеаларида Юртбошимизнинг беқиёс жасорат ва мардлик намунасини кўрсатиб, Ўзбекистон мустақиллигини, тинч ва осойишта ҳаётимизни, болаларимизнинг бахтли келажагини сақлаб қолганини эл-юртимиз яхши эслайди ва ҳеч қачон унутмайди.

Республикада хавфсизликни таъминлаш тизимида бўшлиқ вужудга келгани, миллатлар ва динлараро, ҳудудий ва турли гуруҳлар, уруғ-аймоқлар ўртасидаги зиддиятларнинг авж олиб кетгани, радикал кайфиятларнинг айниқса ёшлар ўртасида кучайгани жиддий хатарга айланган эди.

Вужудга келган бундай ўта мураккаб ва қалтис шароитда Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзини йўқотмасдан, босиқлик, чидам ва бардош билан иш тутди, қатъий сиёсий иродасини намоён этиб, мамлакатни чуқур таназзулдан олиб чиқишга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегияни ишлаб чиқди ва уни амалга ошириш учун жамиятдаги барча соғлом кучларни ягона мақсад йўлида сафарбар этишга эришди.

Юртбошимиз ҳар қандай вазиятда ўз вақтида тўғри ва оқилона қарор қабул қилиш, узоқни кўра билишдек ноёб салоҳиятга эга бўлган буюк давлат раҳбари эди. Президентимиз халқ қалбига кириб бориб, унинг орзу-интилишлари, дарду ташвишларини юракдан ўтказиб, энг мураккаб ва оғир вазиятларда ҳам одамларнинг қалбига малҳам бўладиган зарур ва тўғри сўзни топиб айта олар эди.

Эл-юртимиз бу ҳақиқатга ёвуз террорчи кучлар осойишта ҳаётимизга таҳдид солишга уринган қалтис кунларда, давлатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш жараёнида, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин олишига хизмат қиладиган, мамлакатимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилинган масъулиятли пайтларда қайта-қайта ишонч ҳосил қилган эди.

Халқимиз, юртдошларимизнинг ўз Президентига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромига сабаб у кишининг юксак мартабаси эмас, балки «Ватанга фарзандлик садоқати билан хизмат қилиш — олий саодат» деган эътиқодни ўз ҳаётининг мазмуни деб билгани ва шу йўлда амалга оширган буюк, тарихий ишлари эди.

Азиз дўстлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов хотирасини ёд этишга багишланган маросимни очиқ деб эълон қилишга рухсат бергайсиз.

Январь Иноятов, «Нуроний» жамғармасининг Қашқадарё вилояти бўлими раиси:

Азиз дўстлар, ҳурматли ватандошлар!



Бугун ҳаммамизнинг юрагимизда аламли кун. Чунки Улуг Устозимиз, меҳрибон отамиз, дўстимиз азиз Ислом Абдуғаниевичдан ажралдик. Биз Ислом Абуғаниевич давлатимиз учун қилган ниҳоятда улкан меҳнатини, у кишининг олиб борган сиёсатини ёшу қари, ҳаммамиз биламиз. Ислом Абдуганиевич бундан 30 йил олдин Қашқадарёга биринчи раҳбар бўлиб бордилар. У кишига нима мерос бўлиб қолган эди? Қашқадарёда ишлаб чиқариш тўхтаган ҳисоби, иқтисодиёти ўтириб қолган, одамларнинг боши энкайган, бели букчайган, инсоний қадриятлари оёқ ости қилинган эди. Чунки «пахта иши», «ўзбек иши» деб, гдлянчилар келиб, текшириш-

ни бошлаган эдилар. Ўша вилоятнинг ўн битта шаҳар ва районларининг биринчи раҳбарлари қамоққа олинган эди. Битта вилоятда 3 мингдан ортиқ одам «сенлар ўғрисан» деган тамга билан қамоққа олинган эди. Ислом Абдуғаниевич мана шуларни кўргандан кейин қамоққа олинганларнинг минглаб оилалари билан, болалари билан учрашди. Халқнинг ўртасида юрди. Уларнинг букилган қаддини кўтарди. Қаттиққўллик билан ишни бошлади. Ўтириб қолган вилоят тез орада ўз ўрнини топиб, юқори поғоналарга кўтарилди. Ислом Абдуғаниевич республикага раҳбар бўлиб келган вақтида нима мерос тегди, у кишига? Миллатлараро жанглар, тўполонлар, одамлар бир-бирининг уйини ёқиб, давлат ташкилотларининг ишини тўхтатиб ташлаган, у ерда ундай бўляпти, бу ерда бундай бўляпти, деган гап-сўзлар кўпайиб кетган. Ҳаттоки, оломон ўртасига отга миниб чиқди, Ислом Абдуғаниевич.

Азизлар, республикамизда ниҳоят даражада ажойиб ишларни ташкил қилгандан кейин Ислом ака айтди: «Биз эски йўлдан бормаймиз, биз бундай эскича усулда ишлай олмаймиз. Бунга жамиятнинг ўзи ҳам бизга йўл қўймайди». Тез орада Ислом Абдуғаниевич 700 минг гектар ерни икки ярим миллион оилага тарқатиб бердилар. Томорқа қилиб тарқатиб берди, одамларни уйли-жойли қилди. Томорқачилик ҳаракати бошланиб, одамларни бой қилди.

Азизлар, Ислом Абдуғаниевич фақатгина Қашқадарёнинг ўзида «Шўртангазкимё» мажмуасини, Деҳқонобод калий ўгитлари заводини, Таллимаржон ГРЭСини, тоғни ёриб Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини барпо этишга бош бўлдилар. Чекка ҳудудларимизни темир йўл билан боғладилар. Ислом Абдуганиевич қанчадан-қанча уйлар қурдирдилар. Қарши шаҳрини бир марказ қилишга ният қилган эдилар. Шаҳрисабзни дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан биттаси қилиб, қурилишини бошлаган эдилар. Ислом Абдуғаниевич мана шу нарсаларга эришдилар. Қарши ҳам гуллаб-яшнаган бир марказга айланди. Шаҳрисабз бир муъжизавий, дунёга кўз-кўз қиладиган шаҳарга айланди. Агар республикамиз бўйлаб юрсак, қурилган шунча уйлар, мактаблар, минг-минглаб иншоотларни кўриб, буларнинг сон-саноғи йўқдек кўринади. Буларнинг ҳаммаси Ислом Абдуганиевичнинг ташаббуси билан, раҳбарлиги билан қилинди. Улар Ватаним деб, халқим деб ишладилар. У кишининг битта ажойиб гаплари бор эди: «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат». Бу шиор, бу даъват ҳар бир юртдошимизнинг қулоғига ўрнашиб қолган. Албатта, Ўзбекистоннинг келажагини буюк қиладиган халқнинг вакиллари мана шу ерда туришибди. Мен ўйлайманки, Ислом Абдуғаниевичнинг хотираси Жалолиддин Манғуберди ва Амир Темур каби қаҳрамонларимиз, Улуғбек ва Ибн Сино каби алломаларимиз қаторида халқимизнинг юрагида абадий қолади.

Азиз дўстлар, қашқадарёликлар номидан Ислом Абдуғаниевичнинг оила аъзоларига, у кишининг қавми-қариндошларига, дўстларига, шогирдларига қашқадарёликларнинг чуқур таъзиясини, ҳамдардлигини айтмоқчиман.

Алвидо, Ислом Абдуғаниевич, бизнинг раҳбаримиз, азиз халқимизнинг отаси, азиз дўстимиз, ётган жойингиз жаннатда бўлсин.

Энахон Сиддиқова, Ўзбекистон халқ шоири:



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Ўзбек халқи бугун оғир жудоликка учради. Бу даҳшатли мусибатдан юрак-юракларимиз чуқур қайғуга, ларзага тушиб турибди. Она Ўзбекистон ўз халқини зулм ва ҳўрлик исканжасидан, жар ёқасидан, ўт-оловлар орасидан омон олиб чиққан, унинг асрий орзусига, бугунгидек дориламон, ҳур, мустақил кунларга етказган буюк фарзандини, мард, жасур ўғлонини сўнгги йўлга кузатиб турибди.

Отажон, Сизнинг сочларингиз шу миллат қайгусида, шу эл дардида оқарди. Кўзларингизнинг нури рўшнолик нелигини кўрмаган халқингизнинг орзу-умидларини оқлаш учун тўкилди. Умрингизни, жонингизни шу азиз юрт учун тикдингиз. Энг оғир дақиқаларда ўзингизни ўйламасдан, ўтга, сувга кирдингиз. Миллат учун отилган тошларга, маломатларга, туҳматларга кўксингизни фидо қилдингиз, балогардон бўлдингиз. Сиз Ўзбекистонни ёруғ кунларга, янги тараққиёт йўлига, янги асрга олиб келдингиз. Бугун дунё уруш-адоватлардан, хунрезликлардан қалқиб турибди. Шундай синовли, шундай имтиҳонли кунларда мустақиллигимизни, тинчлигу осойишталигимизни асрашга, Сиз бошлаб берган адолатли йўлни давом эттиришга ўзбек халқининг жасорати, қудрати, матонати етади! Аллоҳ ўзи азиз қилган, яратувчилик қудрати улуг бўлган халқни Яратганнинг ўзи асрайди. Бундай халқни ҳеч ким, ҳеч қачон танлаган йўлидан қайтара олмайди!

Азиз Отажон, биз қанчалик муножот қилмайлик, Аллоҳ Сизни ўзига азиз қилди. Сиз шарафлаган, ҳурматини, эъзозини, рутбасини баланд қилган ўзбек оналари, аёллари Сиздан мингдан минг рози. Илоҳим, борар манзилингиз биҳишти анбар, жаннатлар бўлсин, Отажон.

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон:



— Ҳурматли ўзбекистонлик қадрдонлар, дўст Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг бевақт вафоти туфайли оғир жудоликка учраганингиз муносабати билан Тожикистон Республикаси халқи ва ҳукумати номидан чуқур ҳамдардлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Мустақиллик шароитидаги янги Ўзбекистон тараққиёти Ислом Абдуғаниевичнинг номи билан бевосита боғлиқ. Унинг бутун ҳаёт йўли ўз халқи ва Ватанига садоқат билан хизмат қилишнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Бу улуғ инсон тараққиётнинг ўзбек моделини ишлаб чиқиш ва

ҳаётга татбиқ этишга улкан ҳисса қўшди. Танлаган йўлидан огишмасдан, мамлакатда барқарорлик ва миллий тотувликни таъминлади. Ўзбекистон халқининг кейинги чорак асрда эришган ютуқлари таҳсинга лойиқдир.

Ўтган ана шу даврда Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 баробар ўсди. Аҳоли фаровонлиги ҳам сезиларли равишда яхшиланди. Ислом Абдуғаниевич Ўзбекистон халқининг маънавий ҳаётини қайта тиклаш ва давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш ва халқаро майдонда унинг позициясини мустаҳкамлаш йўлида тинимсиз меҳнат қилди.

Шу маънода, Ислом Абдуғаниевич буюк давлат арбоби ва кенг миқёсдаги сиёсатчи сифатида ўз халқининг ҳурматини қозонди, Ўзбекистон ташқарисида ҳам юксак обрў-эътиборга эга бўлди. Тожикистонда уни донишманд раҳбар, минтақа ва жаҳон ҳамжамиятида тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашнинг доимий тарафдори сифатида яхши билишарди. Бу улуғ зот мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларининг кўп асрлик анъаналарини ривожлантиришга ҳамиша интилиб келди. Биз Ислом Абдуганиевич билан ҳамкасблар сифатида 24 йил ёнма-ён ишладик. Шу йиллар давомида бизни дўст Ўзбекистон халқи раҳбари доимо қўллаб-қувватлади, кўплаб масалаларда ёрдам берди, Тожикистонда тинчликни таъминлашга катта ҳисса қўшди.

Ушбу қайғули дамларда Ислом Абдуғаниевич билан Тошкентда, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида бўлган охирги учрашувимизни эсга олмоқчиман. Саммитда мамлакатларимиз ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболини самимий ва дўстона муҳитда ҳар томонлама ўзаро манфаатли асосда муҳокама қилган эдик. Минтақавий ва глобал ишлар ҳақида атрофлича суҳбатлашдик. Биз халқларимизни азалдан жипслаштирган самимийлик, хайрихоҳлик ва ўзаро ҳурмат туйғуларини қадрлаймиз. Мамлакатларимиз тараққиёти ва фаровонлиги, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасида серқирра ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш йўлида зарур барча саъй-ҳаракатларни биргаликда амалга оширишга тайёрмиз. Ўзбекистон халқининг бугунги ва келгуси авлодлари Ислом Абдуғаниевич томонидан амалга оширилган беқиёс ва буюк бунёдкорлик ишларининг муносиб давомчилари бўлишига ишонаман. Бу улуғ зотнинг эзгу хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов:

— Қадрли ўзбекистонлик биродарлар, дўстлар, бугун биз мустақил Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур қайғудамиз.



У ўз халқи, Ватанини қаттиқ севарди ва унинг гуллаб-яшнаши ва тараққиёти учун кўп ишларни амалга оширди. У қалби кенг инсон, ҳақиқий ватанпарвар, буюк сиёсатчи ва давлат арбоби эди. Унинг деярли барча халқаро ташаббуслари халқаро майдонда қўллаб-қувватланди. Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакат янги ҳаёт қуриш билан боғлиқ жиддий муаммоларни ҳал этди,

барча соҳаларда, жумладан, иқтисодиётда ҳам салмоқли муваффақиятларга эришди. Ислом Абдуғаниевич Туркманистон—Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш учун кўп ишларни амалга оширди. Биз уни жуда яхши кўрардик, у Туркманистоннинг фахрий оқсоқоли эди. Уни катта-кичик барча ҳурмат қиларди. Халқларимиз ўртасида буюк аждодларимиз томонидан асос солинган тарихий дўстлик ва яқин қўшничилик ришталари мустақиллик даврида янада мустаҳкамланди.

Мен Ислом Абдуғаниевичнинг барча фикр-мулоҳазалари ва чиқишларини яхши эслайман. Унинг чуқур маъноли сўзлари биз учун қадрли эди. Айниқса, «Биз қадрлашимиз ва юксалтиришимиз зарур бўлган муҳим бойлик — мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишончдир», деган сўзларини кўп эслайман.

Туркманистон халқи қардош ўзбек халқининг энг яқин дўсти сифатида бугун сизлар билан бирга чуқур мотамда, сизларнинг қайгунгизга шерик. Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов номини ҳамиша қадрлаймиз, уни қалбимизда абадий сақлаймиз. Нафақат Ўзбекистонда, балки бизнинг мамлакатимиздаги майдон ва боғлар ҳам келгусида Ислом Каримов номи билан аталади. Буюк давлат арбоби ва ўз Ватанининг садоқатли фарзанди бўлган Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳақида илиқ хотираларни доимо юрагимизда сақлаймиз. Энг муҳими, мен Ислом Абдуғаниевичнинг номи халқларимизнинг ўсиб келаётган авлодлари қалбида абадий яшаши учун дўст Ўзбекистон халқига сабр-бардош, сиҳат-саломатлик тилайман.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани:



— Ҳурматли дўстлар, менинг чуқур таъзиямни қабул қилгайсиз. Минг афсуски, бугун ўзбек халқи чуқур изтироб ва қайғуда. Афғонистон ҳукумати ва халқи сизлар билан ҳамдарддир. Минг йиллар мобайнида халқларимиз дўстона муносабатда бўлиб келган.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, ҳозирги кунга келиб икки томонлама алоқаларимизда янги саҳифалар очилди. Биз айнан шу муносабатларнинг ривожланиши ва янада мустаҳкамланиши йўлида изчил ҳаракат қиламиз. Минтақамиз давлатларини тенгсиз ва зукко инсон — Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитида бирлаштирган эди. Айнан у илгари сурган таклифлар асосида ташкилотнинг барча иштирокчилари минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлашга киришди. Ишонч билан айтаманки, Ўзбекистон ўзининг биринчи давлат раҳбари бошлаб берган улкан тараққиёт йўлида мустаҳкам одимлаб бормоқда.

Марҳумнинг оила аъзоларига, Ўзбекистон Ҳукумати ва халқига яна бир бор чуқур таъзия изҳор этаман.

Россия Федерацияси Ҳукумати раиси Дмитрий Медведев:



— Муҳтарама Татьяна Акбаровна, ҳурматли Лола Исломовна, ҳурматли хонимлар ва жаноблар, ҳамкасблар, дўстлар!

Бугун Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти, буюк давлат арбоби, бутун умрини ўз халқига хизмат қилишга бағишлаган Ислом Абдуғаниевич Каримов билан видолашмоқдамиз. Аввало, мамлакатимиз Президенти Владимир Владимирович Путиннинг, Россия Федерацияси ҳукуматининг чин дилдан йўллаган таъзиясини, шахсий ҳамдардликлари ва бутун Россия халқининг таъзиясини етказмоқчиман.

Ислом Абдуғаниевич ўз фаолияти давомида мамлакатини ривожлантириш учун тинимсиз меҳнат қилди. Биз кўп мулоқот қилардик ва бу мулоқотлар Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш ва яқинлаштиришга қаратилган бўлиб, ҳар доим самарали ўтарди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти айнан шуни хоҳлаган эди ва бу интилиш амалга ошди.

Бундан буён ҳам Биринчи Президентнинг васиятларини рўёбга чиқариб, Россия Федерацияси билан Ўзбекистоннинг шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини айнан шу йўналишда ривожлантиришимизга ишонаман.

Ҳали олдинда қиладиган ишлар кўп. Янги авлод вакиллари — Ўзбекистон ёшлари ўз Ватанига садоқат билан хизмат қилган инсон — Биринчи Президентининг муносиб ворислари бўлишига ишончим комил.

Бутун Ўзбекистон халқига яна бир бор ҳамдардлик билдираман. Ушбу қайғули кунларда биз сиз билан биргамиз ва бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг гоялари, васиятлари рўёбга чиқиши учун биргаликда ҳаракат қиламиз. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовни ҳамиша хотирамизда сақлаймиз.

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири ўринбосари Чжан Гао Ли:



— Президент Ислом Каримовнинг муҳтарам оила аъзолари, ҳурматли делегация раҳбарлари, хонимлар ва жаноблар, дўстлар!

Хитой Халқ Республикаси раҳбарияти, ҳукумати ва халқи Президент Ислом Каримовнинг вафоти ҳақидаги хабарни чуқур қайғу билан қабул қилди. ХХР Раиси Си Цзиньпин, Хитой ҳукумати ва халқи номидан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига, Президент Ислом Каримовнинг оила аъзоларига чин дилдан чуқур ҳамдардлик билдираман.

Ислом Каримов — Ўзбекистон Республикасининг асосчиси, буюк йўлбошчиси ва раҳбаридир. У Ўзбекистон халқининг чуқур ҳурмати ва муҳаббатини қозонди. Ўтган сўнгги 25 йилда Ислом Каримовнинг оқилона раҳбарлигида Ўзбекистонда мустаҳкам ижтимоий барқарорлик, жадал иқтисодий тараққиёт ва халқ фаровонлиги таъминланди. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги позицияси ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Мамлакат барча йўналишларда оламшумул муваффақиятларга эришди.

Президент Ислом Каримов Хитой халқининг яқин дўсти, у Хитой билан Ўзбекистоннинг янги муносабатларига мустаҳкам асос яратди ва уларни ривожлантиришга ёрдам берди. Президент Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик алоқалари ва серқирра ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта куч ва меҳнат сарфлади. Хитой халқи буни ҳеч қачон унутмайди. Биз унинг хотирасини ҳамиша ҳурмат билан эсга оламиз. Президент Ислом Каримов ҳаётдан кўз юмган бўлса-да, у бошлаган буюк бунёдкорлик ишлари давом этади.

Хитой томони Ўзбекистон халқи Ислом Каримовнинг ишларини албатта давом эттиришига, давлат қурилиши ва миллий тикланиш йўлидан дадил ва оғишмай боришига, улкан муваффақиятларга эришишига ишонади. Хитой томони Ўзбекистон билан муносабатларга катта аҳамият беради ва уни самимий дўст ва ишончли шерик, деб билади. ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2016 йил июнь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи давомида Ислом Каримов билан ҳамкорликни ҳар томонлама чуқурлаштириш ва биргаликдаги ривожланишни жадаллаштириш, Хитой ва Ўзбекистон ўртасида ҳар томонлама стратегик шериклик ўрнатиш борасида янги муҳим келишувларга эришди.

Бугунги қайғули дамда Хитой халқи Ўзбекистон халқи билан бирга ва унга ҳамдард. Эътиборингиз учун ташаккур.

Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов:



— Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоев номидан йўлланган ушбу мактубни ўқиб эшиттиришга ижозат бергайсиз:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг вафоти тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу билан қабул қилдик. Қозоғистонликлар дўст Ўзбекистон халқига ушбу огир дамларда ҳамдард. Қарийб 30 йил ёнма-ён ишлаган дўстимни йўқотганимдан қаттиқ қайгудаман. Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг мустақил бўлишига эришди ва унинг Биринчи Президенти бўлди. Амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар унинг номи билан боғлиқ бўлиб, бу мамлакат иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш, унинг халқаро нуфузини юксалтириш ва жамият фаровонлигини ошириш имконини берди. У бутун ҳаётини жонажон халқига сидқидилдан хизмат қилишга бағишлади. У ҳамиша Қозогистоннинг ишончли дўсти эди ва халқларимиз ўртасида дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди. Ислом Абдуганиевич Каримовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади. Унинг қариндошлари ва яқинларига, мамлакат раҳбариятига ва дўст Ўзбекистон халқига чуқур таъзиямни билдираман. Нурсултон Назарбоев».

Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сооронбай Жээнбеков:



— Ҳурматли дўст Ўзбекистон халқи, Ислом Абдуғаниевичнинг қариндошлари ва яқинлари, хонимлар ва жаноблар!

Қирғизистон Республикаси номидан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг таъзиясини ўқиб эшиттиришга рухсат бергайсиз:

«Буюк давлат арбоби, ёрқин ва азму шижоатли сиёсатчи, мустақил Ўзбекистоннинг садоқатли раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг вафоти ҳақидаги хабарни чуқур қайғу билан қабул қилдим. Ислом Абдуғаниевич СССР давридаёқ тажрибали раҳбар ва улкан ташкилотчи сифатида ўзини намоён этди. Мустақил Ўзбекистоннинг қарор топишида бу инсон мам-

лакатнинг халқаро позициясини мустаҳкамлаш, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Ислом Абдуганиевич Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида икки томонлама ҳамкорликни ўрнатишга ҳақиқатан улкан ҳисса қўшди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлик масалалари ижобий ҳал этилди. Бугунги кунда жиддий ташвиш туғдирадиган масалалар ҳам ўз ечимини топди. Биз Ислом Абдуғаниевични Қирғизистон—Ўзбекистон муносабатларини мустаҳкамлаш учун чин дилдан куюнадиган буюк дўст деб билар эдик. Дўстлик ва шерикликни сақлаш ва мустаҳкамлаш асосий мақсадимиз эканига, муносабатларимиз Қирғизистон ва Ўзбекистон халқларининг ҳақиқий хоҳиш-истакларига мос келишига ишонаман. Ислом Абдуғаниевич айнан шу мақсадда ҳормай-толмай меҳнат қилди.

Дўст Ўзбекистон халқи ва раҳбариятига ўзимнинг чуқур ва самимий таъзиямни изҳор этаман.

Қайғу билан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев».

Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кадаков:



— Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко номидан оғир йўқотиш — Ўзбекистон Республикасининғ Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг вафоти муносабати билан чин дилдан чуқур таъзия билдиришга ижозат бергайсиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг вафоти тўғрисидаги қайғули хабар Белоруссияда катта қайғу билан қабул қилинди.

Бор куч-гайрати, шижоатини халқи ва давлатиға хизмат қилишга сарфлаган буюк инсон, ажойиб йўлбошчи оламдан ўтди. Муҳтарам Ислом Абдуганиевич «Янги уйни қурмасдан туриб эскисини бузманг» деб ўргатар эди. Унинг ана шу доно ўгити янги ва суверен Ўзбекистонни қуришда асос бўлди. Бугун Ўзбекистон Республикаси қудратли ва режали иқтисодиётга эга, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик таянчи бўлган, жадал ривожланаётган давлатдир.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич ҳамюртлари ва дўстлари хотирасида нафақат дунё миқёсидаги йўлбошчи, балки Ўзбекистон халқининг буюк вакили сифатида сақланиб қолади.

Беларусь халқи оғир жудолик дамларида Ўзбекистон халқи билан ҳамдард бўлиб, Ислом Абдуғаниевичнинг оила аъзолари, қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг якунловчи сўзи

Азиз дўстлар!

Биз бугун халқимизнинг улуғ фарзанди Ислом Абдуғаниевич Каримовни чексиз қайғу билан сўнгги йўлга кузатдик. Ҳали барчамиз Ислом акани жуда кўп эслаймиз, у кишининг меҳр тўла кўзларини, ҳикматли сўзларини доимо соғиниб яшаймиз.

Ислом Абдуғаниевич мустақилликка эришганимизнинг илк кунларида «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!» деган эзгу даъватни илгари сурган ва бу шиор барчамизнинг, бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган эди.

Мана шу мусибатли дамларда кўнглимизга таскин берадиган бир ҳақиқат борки, у ҳам бўлса, улуғ Йўлбошчимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов бизларга, Ўзбекистоннинг келгуси авлодларига озод ва обод Ватан қолдириб, дунёдан кўз юмди.

У киши ўз ҳаётини багишлаган миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун доимо масъул бўлиб яшаш, Юртбошимиз қолдирган эзгу ғоя ва дастурларни амалга ошириш учун бир ёқадан бош чиқариб иш олиб бориш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши зарур.

Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ёркин хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Азиз Ислом акамизнинг, меҳрибон устозимизнинг охиратлари обод бўлсин!

Шунинг билан бугунги хотира маросими ёпиқ деб эълон қилинади.

2017 йил 3 сентябрь

ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келди. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислом Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Қуйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

БМТ Бош котиби — Пан Ги Мун
Америка Қўшма Штатлари Президенти — Барак Обама
Россия Федерацияси Президенти — Владимир Путин
Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси — Дмитрий Медведев
Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири — Сергей Лавров
Хитой Халқ Республикаси Раиси — Си Цзиньпин
Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири — Ли Кэцян
Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири — Ван И
Қозоғистон Республикаси Президенти — Нурсултон Назарбоев
Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажилиси Раиси — Нурлан Нигматулин
Туркманистон Президенти — Гурбангули Бердимуҳамедов
Тожикистон Республикаси Президенти — Имомали Раҳмон
Қирғизистон Республикаси Президенти — Алмазбек Атамбоев
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти — Муҳаммад Ашраф Ғани
Озарбайжон Республикаси Президенти — Илҳом Алиев
Беларусь Республикаси Президенти — Александр Лукашенко
Беларусь Республикаси ташқи ишлар вазири — Владимир Макей
Украина Президенти — Пётр Порошенко
Корея Республикаси Президенти — Пак Кин Хе
Корея Республикаси Бош вазири — Хван Гё Ан
Корея Республикаси ташқи ишлар вазири — Юн Бён Се
Япония Бош вазири — Шиндзо Абэ
Япония Бош вазири рафиқаси — Акиэ Абэ
Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири, парламентдаги Ўзбекистон билан дўстлик лигаси раиси — Таро Асо
Япония ташқи ишлар вазири — Фумио Кисида
Ҳиндистон Республикаси Президенти — Пранаб Мукержи
Туркия Республикаси Президенти — Режеп Таййип Эрдўғон
Туркия Республикаси Бош вазири — Бинали Йилдирим
Покистон Ислом Республикаси Президенти — Мамнун Ҳусайн
Покистон Ислом Республикаси Бош вазири — Муҳаммад Навоз Шариф
Эрон Ислом Республикаси Президенти — Ҳасан Руҳоний
Сингапур Республикаси Президенти — Тони Тан Кенг Ям
Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — Йоахим Гаук
Бельгияликлар Қироли — Филипп
Латвия Республикаси Президенти — Раймондс Вейонис

Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири — Эдгарс Ринкевичс
Латвия Республикаси Сейми Президиуми аъзоси — Андрей Клементьев
Словения Республикаси Президенти — Борут Пахор
МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби — Сергей Лебедев
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Котибияти
КХШТ Бош котиби — Николай Бордюжа
БМТ Тараққиёт дастури администратори — Ҳелен Кларк
«МАКСАМ» компаниясининг президенти ва ижрочи директори — Хосе Фернандо Санчес-Хунко
Испания Археологлар уюшмаси бош котиби — профессор Хесус Хил
Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси — Кэролин Лэмм
Америка — Ўзбекистон савдо палатаси президенти — Стивен Надерни
«Туркистон — Америка ассоциацияси» раиси — Абдулла Хўжа
Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори — Виктор Гришин
Халқаро болалар фондлари ассоциацияси Президенти — Альберт Лиханов
Европа Кенгаши Президенти — Дональд Туск
Франция Республикаси Президенти — Франсуа Олланд
Италия Республикаси Президенти — Сержо Маттарелла
Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Вазирлар Кенгашининг Раиси — Рауль Кастро Рус
Кувайт Давлати Амири — Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти — Абдул Ҳамид
Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири — Шайх Ҳасина Вазед
Бруней Доруссалом Султони — Ҳожи Ҳассанал Болкияҳ
Бруней Доруссалом Бош вазирининг офиси вазири ва иккинчи ташқи ишлар ва савдо вазири — Пехин Дато Лим Жок Сенг
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти — Чан Дай Куанг
Исроил Давлати Президенти — Реувен Ривлин
Қатар Давлати Бош вазири, ички ишлар вазири — Шайх Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний
Буюк Британия Парламенти аъзоси, ташқи ишлар вазири — Борис Жонсон
Малайзия Қироли — Абдул Халим Муадзам Шоҳ Янг ди-Пертуан Агонг XIV
Малайзия Бош вазири — Дато Сри Мохд Нажиб
Малайзия ташқи ишлар вазири ўринбосари — Дато Сри Риизал Мерикан бин Найна Мерикан
Малайзия ишбилармонлар ва саноатчилар ассоциацияси президенти — Дато Муҳаммад Изат Амир
Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби — Ийяд Амин Маданий
«Газпром» компанияси бошқаруви раиси — Алексей Миллер
Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ижрочи директори, «Дойче Кабель АГ Тошкент» қўшма корхонаси инвестори — Фальк Порше
Испания Конгресси депутати — Хосе Мария Чикийо Барбер
Саудиялик ватандошлар
Ҳиндистон Республикаси Бош вазири — Нарендра Моди
Таиланд Қироли — Пумипон Адулядет
Финляндия Республикаси Президенти — Саули Нийнистё

Словакия Республикаси Президенти — Андрей Киска
Миср Араб Республикаси Президенти — Абдулфаттоҳ Саид Ҳусайн Ас-Сиси
Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси — Маҳмуд Аббос
Лаос Халқ Демократик Республикаси Бош вазири — Тхонглун Сисулит
Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби — Жон Керри
Афғонистон Ислом Республикаси Парламенти Қуйи палатаси раиси — Абдул Рауф Иброҳимий
Кувайт Давлати Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири — Шайх Сабоҳ ал-Холид ал-Хамад ас-Сабоҳ
Токио шаҳри губернатори — Юрико Коикэ
Хигашикава шаҳри мэри (Япония) — Мацуока Ичиро
БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори — Жозе Грациану да Силва
«Транснефть» компанияси вице-президенти — Владимир Рушайло
«Мицубиши Корпорейшн» бошқаруви раиси — Кен Кобаяши
«НЭК Корпорейшн» компанияси президенти — Нобухиро Эндо
Франция ривожланиш агентлиги бош директори — Рэми Рию
Жаҳон Бухоро яҳудийлари конгресси президенти — Лев Леваев
АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти — Борис Кандов
«Сока Гаккай Интернэшнл» президенти — Дайсаку Икеда
Нагоя университети президенти — Сеичи Мацуо
Васеда университети президенти — Каору Камата
Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси бош котиби — Владимир Шербаков
Марокаш Қироли — Муҳаммад VI
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти — Абдулазиз Бутефлика
Чехия Республикаси Президенти — Милош Земан
Польша Республикаси Президенти — Анджей Дуда
Польша Республикаси ташқи ишлар вазири — Витольд Вашиковски
Мальдив Республикаси Президенти — Абдулла Ямин Абдул Гаюм
Мўғулистон Республикаси Президенти — Цахиагийн Элбэгдорж
Грузия Президенти — Гиоргий Маргвелашвили
Грузия Бош вазири — Георгий Квирикашвили
Грузия ташқи ишлар вазири — Михеил Жанелидзе
Руминия ташқи ишлар вазири — Лазар Комански
БМТ Бош котибининг ўринбосари, ЭСКАТО ижрочи котиби — Шамшад Ахтар
Осиё тараққиёт банки президенти — Такэхико Накао
Жаҳон банки гуруҳи ижрочи директори — Йорг Фриден
Энергетика хартияси бош котиби — Урбан Руснак
Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти — Сума Чакрабарти
Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитаси бошқаруви раиси — Вольфганг Бюхеле
«Хаят интернейшнл» компаниясининг Европа, Осиё ва Яқин Шарқ бўйича минтақавий президенти — Питер Фултон
«ЛЕМКЕН» компанияси ижрочи директори — Антони ван дер Лей
«Уайт энд Кейс» компанияси президенти — Жейсон Керр
«ИНДОРАМА» корпорацияси бошқаруви аъзоси — Пракаш Кежривал

«Сумитомо Корпорейшн» президенти ва катта ижрочи директори — Кунихару Накамура
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти минтақавий директори — Жужанна Якоб
Европа Парламентининг Марказий Осиё бўйича делегацияси раиси — Ивета Григуле
Россия телевидение ва радиоэшиттиришлар уюшмаси раҳбари — Эдуард Сагалаев
Цукуба университети президенти — Кёсукэ Нагата
Бремен университети профессори — Хаген Лихтенберг
Озарбайжон Республикаси Бош вазири — Артур Раси-зода
Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг биринчи ўринбосари, армия генерали — Абдурашид Дўстум
Чили Республикаси Президенти — Мишель Бачелет Херия
Таиланд Қироллиги Бош вазири — генерал Прают Чан-Оча
ЮНЕСКО Бош директори — Ирина Бокова
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳи — Абдуллоҳ II бин Ҳусайн
Жанубий Африка Республикаси Президенти — Жейкоб Зума
Швейцария Конфедерацияси Президенти — Йоханн Н. Шнайдер-Амманн
Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи — Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд
Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ички ишлар вазири — Муҳаммад бин Нойиф бин Абдулазиз Ол Сауд
Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси раисининг иккинчи ўринбосари, мудофаа вазири — Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд
Болгария Республикаси Президенти — Росен Плевнелиев
Таиланд Қироллиги ташқи ишлар вазири — Дон Прамудвинай
Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерацияси Кенгаши раиси — В. Матвиенко
Татаристон Республикаси Президенти — Р. Миннихановв
Кувайт Амирлиги Девонхона ишлари вазири — Шайх Носир Сабоҳ ал-Аҳмад ас-Сабоҳ
Франция Республикаси ташқи ишлар ва халқаро ривожланиш вазири — Жан-Марк Эйро
Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазири — Петер
Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазири — Самех Шукри
Қирғизистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Тўрагаси — Чиннибой Турсунбеков
Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири — Эрлан Абдилдаев
Латвия 12-чақириқ Сейми спикери ўринбосари — Инессе Либиня Эгнере
Япония ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари — Кэнтаро Соноура
Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЖАЙКА) президенти — Шиьичи Китаока
«Исудзу Моторс Лимитед» компанияси бошқаруви раиси — Сусуми Хосои
«Мицуи И Ко., Лтд» компаниясининг президенти, Бош ижрочи директори — Тацуо Ясунага
Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиуми раиси — Ким Ен Нам

Арманистоннинг БМТ бўлими ва Женевадаги бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий вакили — Шарл Азнавур
Ислом тараққиёт банки Президенти — Аҳмад Муҳаммад Али
Ислом тараққиёт банки директори, Олмаота шаҳридаги минтақавий вакили — Ҳишом Толиб Маъруф
Германиянинг Европарламентдаги депутати, Европарламентнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича делегацияси аъзоси — И. Эртуғ
Мальтанинг Европарламентдаги депутати — М. Мицци
Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича Европа ташқи ҳаракатлар хизматининг бошқарувчи директори ўринбосари — Л. Девин
Иттифоқ давлати давлат котиби — Г. Рапота
«Эйрбас Груп» компаниясининг Канада, Европа ва МДҲ минтақаси бўйича раҳбари — Марко Миклис
«Эйрбас Груп» компаниясининг МДҲ бўйича вице-президенти — Сильвер Дэлонэ
Россия Бош раввини — Берл Лазар
Қурғоқчил минтақаларда «ICARDA» халқаро қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари маркази бош директори — Маҳмуд Солиҳ
Туркиянинг собиқ ташқи ишлар вазири — Ҳикмет Четин
АҚШ ва Исроил яҳудийлар жамоалари ассоциацияси президенти — Нерри Юшваев-Кавалер
«BUDMEX» компанияси президенти — Павел Цеслицкий
Эрон ва Евроосиёни ўрганиш бўйича «ИРАС» маркази директори ўринбосари — Довуд Киёний
Малайзиянинг «RHA MEDIA Sdn.Bhd» компанияси директори — Дато Р. Ражендран
«Maitri Enterprise» компанияси президенти — Виктора Вии
Малайзиянинг Халқаро ислом университети профессори — Шейла Айнон Юсуф
Аичи префектураси Миллий университети ректори — Масанори Аикйо
Аичи префектураси Санъат университети ректори — Кожи Мацумура
«Мицубиши Корпорейшн» бошқарувининг катта корпоратив маслаҳатчиси, собиқ раиси, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония—Ўзбекистон қўмитаси раиси — Микио Сасаки
«JGC Corporation» раиси ва ваколатли директори — Масаюки Сато
«Фукуока—Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси президенти — Масару Накамура
MDIS президенти — Эрик Куан
MDIS бош котиби — Р. Тейвендран
Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси — Мосуд Маннап
Б.Н. Ельцин номидаги Қиргизистон—Россия Славян университети ректори — В.И. Нифадьев
«КЛААС» компанияси — Хельмут Класс, Ян-Хендрик Мор
«Альфа» компанияси ижрочи директори — Томас Краузе
Берлин-Бранденбург ери Новоапостол черкови раҳбари — Вольфганг Надольний
Осиё муносабатлари қироллик жамияти раиси — Сэр Дэвид Жон
Британия кенгашининг бош ижрочи директори — Сэр Чиаран Деване
«White&Case» компанияси — Кэролин Лимм

«Бритиш Американ Тобако» компаниясининг бош ижрочи директори — Никандро Дуранте
Швейцария — МДҲ/Грузия қўшма савдо палатаси президенти — Марсел Павличек
Швейцария — МДҲ/Грузия қўшма савдо палатаси бошқарувчи менежери — Доррит Слис
Туркия ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари — профессор Сулаймон Қизилтупроқ
«АЛ-ШАЪФАР ГРУПП» компанияси (Дубай, БАА) бошқаруви раиси — Аҳмад Абдуллоҳ ал-Шаъфар
Венгрия Бош вазири — Виктор Орбан
«ЛУКОЙЛ» нефть компанияси президенти — В.Ю. Алекперов
«Россия кон саноатчилари» нотижорат шериклик ассоциацияси олий кон кенгаши раиси, «СоюзНефтеГаз МКНК» ЁАЖ директорлар кенгаши раиси — Ю.К. Шафраник
«Россия кон саноатчилари» нотижорат шериклик ассоциацияси бош директори, Олий кон кенгаши аъзоси — А.П. Вержанский
«Ғарбий Урал машинасозлик концерни» корхоналари гуруҳи президенти, Олий кон кенгаши раиси ўринбосари — А.А. Поздеев
«Вектор» халқаро стратегик тадқиқотлар институти бош директори — Андрей Хриенко
Москва Патриархи Ташқи черков алоқалари бўлими раиси, митрополит — Волоколамский Иларион
Россия Федерацияси Москва шаҳри, Марказий минтақа ва Чувашия муфтийси, Россия Федерацияси Жамоат палатаси аъзоси — Альбир ҳазрат Курганов
«Единая Родина» халқаро муносабатларни ривожлантириш маркази» минтақавий жамоатчилик ташкилоти директори — А.В. Яндиев
Бенин Республикасининг Россия Федерациясидаги элчиси — Пьер Колли
Туркиянинг ҳамкорлик ва координация агентлиги (ТИКА) раҳбари — Сердар Гам
«Чалик холдинг» компанияси бошқаруви раиси — Аҳмад Чалик
Канада генерал-губернатори — Дэвид Жонсон
ТРАСЕКА ҳукуматлараро комиссиясининг доимий котибияти бош котиби — Мирча Чиопрага
Марказий Осиё Минтақавий экологик маркази ижрочи директори — И.Х. Абдуллаев
Афгонистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири — Салоҳиддин Раббоний
Руминия Президенти — Клаус Вернер Йоханнис
Тунис Республикаси Президенти — Муҳаммад ал-Божий Каид ас-Сибсий
Афғонистон Ислом Республикаси миллий бирлик ҳукумати Ижроия кенгаши раиси — доктор Абдулла Абдулла
Инҳа университети президенти — Чве Сун Жа
«Hyndai Engineering» компанияси президенти ва бош ижрочи директори — Ким Ви Чуль
«Hyndai Engineering & Construction Co.,Ltd.» компанияси президенти ва бош ижрочи директори — Со Хюн Жун
Бутунжаҳон таэквондо федерацияси президенти — Чунг Вон Чо
Ислом Бизнеси халқаро ассоциацияси президенти — Марат Кабаев

Рим-католик черкови раҳбари — Франциск (Пьетро Паролин Муқаддас тахти давлат котиби)
Европа парламенти ассамблеяси кенгаши раиси — Педро Аграмунт
«ИНИТЕК-ЭНЕРГИЯ» компанияси бошқарувчилари кенгаши раиси — Хавьер Гомес Гарсия
«ИНИТЕК-ЭНЕРГИЯ» компаниясининг Тошкентдаги ваколатхонаси менежери — Оскар Ломбера Вильота
Хитой Халқ Республикаси Раисининг рафиқаси — Пэн Люиань
Сербия Республикаси Президенти — Томислав Николич
Руминия Бош вазири — Дачиан Чолош
Грузия парламенти раиси — Давид Усупашвили
«ЛИБХЕР» концерни бошқарув кенгаши раиси, техника фанлари доктори — Вилли Либхерр
«Xinjiang Yinlong International Agricultural Cooperation Co., Ltd» компанияси бошқарув раиси — Лян Вэньин
«Indorama» корпорацияси бошқаруви аъзоси — Пракаш Кежривал
Халқаро валюта жамгармаси президенти — Кристиан Лагард
Россия Федерацияси «РУСАЛ» бирлашган компанияси президенти — О.В. Дерипаска
Хельм шаҳри президенти — Агата Фиш, Польша
Литва Республикаси Президенти — Даля Грибаускайте
Жибути Республикаси Президенти — Исмоил Омар Гелле
Сьерра-Леоне Республикаси Президенти — Эрнест Бай Корома
Нидерландия Қироли — Виллем-Александр
Эфиопия Федератив Демократик Республикаси Президенти — Мулату Тешоме
Тошкент ва Ўзбекистон Митрополити, Ўрта Осиё митрополия округи раҳбари — Викентий
Хорватия Республикаси Президенти — Колинда Грабар-Китарович
«Боинг — фуқаро самолётлари» компанияси президенти ва бош ижрочи директори, «Боинг» корпорацияси вице-президенти — Рэймонд Л. Коннер
Женева дипломатик округи президенти — Роберт Ф. Блюм
Греция Республикаси Президенти — Прокопиос Павлопоулос
Мали Республикаси Президенти — Иброҳим Бубакар Кейта
Буркино-Фасо Президенти — Роч Марк Кристиан Каборе
Арманистон Республикаси Президенти — Серж Саргсян
Молдова Республикаси Президенти — Николе Тимофти
Молдова Республикаси Бош вазири — Павел Филип
Эквадор Республикаси Конституцион Президенти — Рафаэль Корреа Дельгадо
«Американейрс» Америка ноҳукумат ташкилоти вице-президенти — Рэйчел Грэнжер
Афғонистон Ислом Республикасининг Ислоҳотлар ва бошқарув масалалари бўйича махсус вакили — Аҳмад Зиё Маъсуд
Сейшель ороллари Республикаси Президенти — Жеймс Аликс Мишель
БМТ Бош котибининг Ироқ бўйича махсус вакили — Ян Кубиш
Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси — В. Тюрденев

Артемис госпиталининг болалар кардиологияси бўлими директори — доктор Вареш Махажан (Ҳиндистон)
Инҳа университети клиникаси бош шифокори — Ким Ян Мо
Туркиянинг ҳамкорлик ва координация агентлиги (ТИКА) раҳбари — Сердар Чам
Индонезия Республикаси Президенти — Жоко Видодо
Москва ва Бутунроссия Патриархи — Кирилл
Кипр Республикаси Президенти — Никос Анастасиадис
Миср Араб Республикаси Бош вазири — Шариф Исмоил
Австралия Бош вазири — Малколм Тернбулл
Мальта Президенти — Мари-Луиз Колейро Прека
Камерун Республикаси Президенти — Поль Бийя

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ МЕЪМОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хотирасига багишланган маросим бўлди.

Президентимиз портрети пойига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси ходимлари, вазирлик ва идоралар жамоалари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари юксак ҳурмат бажо келтириб, гуллар қўйди.

— Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз, — деди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе. — Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов мустақилликка эришиш, давлатни ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди. Ислом Каримов бошлаган буюк ишлар давом этишига, Ўзбекистон янада равнақ топишига ишонамиз. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон — Хитой муносабатларини изчил ривожлантириш йўлидаги ишлари ва амалга оширган ислоҳотларини давом эттириб, ўзаро ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлайверамиз.

— Ислом Каримовнинг вафоти нафақат Ўзбекистон халқи, балки бошқа мамлакатлар, хусусан, Россия учун ҳам оғир йўқотиш бўлди, — деди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев. — Ислом Каримов Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари ва стратегик ҳамкорликнинг ривожланиши ҳамда мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон босиб ўтган тараққиёт йўли Ислом Каримов номи билан боғлиқ экани барчамизга аён. Унинг хотираси Ўзбекистон халқи юрагида умрбод муҳрланиб қолади. Ўзбекистон халқи Ислом Каримов танлаган йўлдан оғишмай олга боришига ишонамиз. Унинг оила аъзоларига, Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

— Барчамиз қаттиқ қайғудамиз, — деди Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен. — Ислом Каримов оиласига ва Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз. АҚШ Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ҳамкоридир. Ўзаро алоқаларни давом эттириш тарафдоримиз. Халқингизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва барқарорлик тилаймиз.

— Шанхай ҳамкорлик ташкилоти номидан бутун Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдираман, — деди Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев. — Ислом Каримовни юксак ҳурмат қилар эдик. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ШҲТнинг ташкил этилиши, фаолияти кўлами кенгайишига ҳар доим алоҳида эътибор қаратар эди. Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси 13 йилдан буён муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунгизга шерикмиз.

Нигоҳларида қатъият, ишонч ва меҳр балқиб турган Ислом Каримовнинг суратига қараб, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон буюк Президентимиз амалга оширган эзгу ишлар — халқимиз учун дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитлар яратилгани, қудратли давлатчилигимиз барпо этилгани, давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлганини яна бир бор ҳис қилиб, буларни кўз қорачиғидек асраш, бошланган эзгу ишларни давом эттиришга масъул эканини теран англамоқда.

— Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон тараққиёти, халқимиз манфаати йўлида амалга оширган ишлари, ислоҳотлари йиллар оша қадри ошиб боришига шубҳа йўқ. Бу инсоннинг хотирасини нафақат бугунги, балки келажак авлодлар ҳам

мустақиллигимиз меъмори сифатида юксак қадрлайди. Ислом Каримов — тинчлик-парвар сиёсатчи, буюк давлат асосчиси сифатида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирди, — деди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Навоий номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Саъдулла Насриддинов.

— Президентимизнинг «Бизга тинчлик ва омонлик керак» деган эзгу даъвати Ўзбекистон оналарининг дилидаги, тилидаги орзу-нияти бўлиб келган, — деди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари Мухлиса Акромова. — Ана шундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқарган Ислом Каримов юртимизда миллатлар ва фуқароларо ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини қарор топтирди, мустаҳкамлади. Бу барқарор муҳит юртимизда барча соҳаларда юксак ютуқ ва натижаларга эришилишига пухта замин яратди. Биз буни кўз қорачигидек асраб-авайлаб, келажак авлодимизга тинч ва обод Ватан қолдириш йўлида фидойилик кўрсатишимиз шарт.

— Президентимиз Ислом Каримов биз, ёшларни фарзандларим, деб атаганларидан доим фахрланганмиз, — деди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети 2-босқич талабаси Омонулла Собиров. — «Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз», деган даъватлари бизни доим олға интилишга ундайди. Юртбошимизнинг пок руҳи, ўгитлари биз, ёшларга мустаҳкам таянч бўлади. Биз у кишининг муносиб издошлари бўлишга ваъда берамиз.

Н. АБДУРАИМОВА,
Б. БОЗОРОВ,
ЎзА мухбирлари

ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАМИША ХАЛҚИМИЗ ЮРАГИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган маросим давом этди. 5 сентябрь куни вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар, таълим муассасалари жамоалари, жамоатчилик вакилларининг қадами узилмади.

Бу ерга келувчилар Сенат биносига ўрнатилган Президентимизнинг портрети олдида бош эгиб, пойига гуллар қўйди. Турнақатор бўлиб тизилган одамлар юз-кўзида, нигоҳида ўз раҳнамосига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, юксак ҳурмат-эҳтиром билан бирга огир йўқотиш туфайли чуқур қайғу ва аччиқ кўз ёшлар...

— Президентимиз Ислом Каримов халқимизни нафақат мустақилликка олиб чиқди, балки уни мустаҳкамлаш йўлида бутун борлигини бахшида қилди, — дейди пойтахтимизнинг Олмазор тумани Қорақамиш даҳасида истиқомат қилувчи Абдумўмин Каримов. — Ёшим тўқсонга яқинлашди, лекин бундай халқпарвар, доно ва довюрак раҳбарни кўрмаганман. Собиқ тузум даврида вайрон бўлган қадамжолар Юртбошимиз раҳнамолигида қайта тикланди. Дину диёнатимиз ўзимизга қайтди. Бундай савобли ишлари билан Ислом Каримов ҳаётлигидаёқ ўзига боқий ҳайкал ўрнатганди. У кишини нафақат биз, балки неча асрлар давомида авлодларимиз ҳам юксак эҳтиром билан хотирасида сақлайди.

— Мустақиллик туфайли халқимиз ўзлигини топди, дунёда ўз ўрнига эга бўлди, — дейди Шайхонтоҳур тумани Кўкча дарвоза маҳалласида яшовчи Бону Раҳимова. — Бугун байроғимиз халқаро майдонда, жаҳон ареналарида ҳилпираганда кўксимиз ғурурга тўлади. Буларнинг барида доно давлат раҳбаримиз Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёс. Ҳозир юракларимизда шундай чексиз қайғу борки, буларни сўз билан ифода этиш қийин.

— Президентимиз Ислом Каримов халқимизнинг ҳар бир вакилини чин юракдан яхши кўрарди, — дейди юнусободлик Людмила Проценко. — Буни ҳис қилганмиз, биз ҳам уни доим яхши кўрганмиз, қадрлаганмиз. Айниқса, миллатлараро тотувлик муҳитини яратгани, бу масалага юксак даражада доим эътибор қаратгани мамлакатимизда тинчлик, осудалик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлади. Юздан зиёд миллатни бир байроқ остига бирлаштирди, бир мақсад сари бошлади. Бу борада Ислом Каримов бошлаб берган хайрли анъаналарни давом эттириш, уларнинг «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» деган даъватини авлодлардан-авлодларга етказиш бизнинг бурчимиз.

— Президентимиз Ўзбекистонни дунёда тенглар ичра тенг қилиш билан бирга, бу табаррук заминда истиқомат қилаётган барча элу элатларни бирдек қадрлади, эъзозла-



ди, — дейди Қорақалпоғистон халқ артисти Кенгесбой Сержанов. — Хусусан, қорақалпоқ халқига эътибори бўлакча эди. Оғир глобал экологик муаммолар гирдобида қолган бу тупроқ истиқлол туфайли эътибор топди, гуллаб-яшнади. У ерда туғилиб ўсган истеъдодлар жаҳон саҳналарига, спорт ареналарига чиқди. Бу йўлда қилинган хайрли ишлари ҳеч қачон унутилмайди, асрлар оша яшайди.



— Юртбошимиз ҳар бир ўғил-қизга оталарча меҳр-эътибор кўрсатгани, уларга дунёда тенги йўқ шарт-шароитларни яратиб бергани тарих зарварақларига мангу муҳрланади, — дейди Учтепа туманидаги 251-мактабнинг тарих ўқитувчиси Муҳайё Пирматова. — Чунки мустақиллигимизнинг йигирма беш йили давомида бу йўлда қўйилган мустаҳкам пойдевор йиллар ўтгани сари ўз самарасини бераверади. Фарзандларимиз халқаро фан олимпиадалари, олимпиада ўйинларида ўнлаб медалларни қўлга киритмоқда, бу муваффақиятларимизнинг салмоғи бундан кейин янада ошиб бораверади. Халқимизнинг нафақат бугунги, балки келажакда эришажак галабалари ҳам Ислом Каримов номи билан боғлиқ бўлади.

— Президентимиз бизга доим азиз фарзандларим, деб мурожаат қилганлари қалбимиздан чуқур жой олган, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Орифжон Асқаров. — Биз буюк Юртбошимизга ўхшашга, у кишининг ишончини оқлашга ҳаракат қилганмиз. Бизнинг келажагимиз йўлида доим куйинган, барча шароитни муҳайё этган Президентимиз бошлаган ишларнинг муносиб давомчилари бўлишга интиламиз.

— Ўзбекистонда истиқлол туфайли тадбиркорлик ривожланиши, хорижий инвестицияларга кенг йўл очилиши Президент Ислом Каримов номи билан боғлиқ, — дейди Германиянинг «Siemens» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Искандар Бўронов. — Мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, қулай ишбилармонлик муҳити хорижлик ҳамкорларни жалб этиб келмоқда. Компаниямиз ҳозирги кунда Устюрт газ-кимё мажмуаси ва бошқа йирик корхоналар билан самарали технологик ҳамкорликни амалга оширмоқда. Бу буюк инсон бошлаган хайрли ишлар янада самарадорлик билан давом этишига ишонамиз.

— Ўзбекистоннинг дунё давлатлари ичида ўз ўрнига эга бўлишида Президент Ислом Каримовнинг ўрни ва роли беқиёс, — дейди Жанубий Кореянинг «Neworold» компанияси раиси Ли Сунг Ҳи. — Бугун Ўзбекистон ҳар жиҳатдан тараққий этмоқда. Муҳташам бинолар, обод кўчалар, халқнинг фаровон турмуши шундан далолат беради. Ислом Каримовнинг вафоти Ўзбекистон халқи учун оғир йўқотиш бўлди. Чунки халқ ўз Президентини севарди, ҳурмат қиларди. Бугунги маросимлар, одамлар юзидаги маҳзунлик буни кўрсатиб турибди. Биз ҳам дардингизга шерикмиз.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ВЛАДИМИР ПУТИН ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг порлоқ хотирасини ёд этиш маросимлари давом этмоқда.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 6 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.



Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

Владимир Путин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйди ва унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Россия Федерацияси раҳбари Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислом Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримова ва қизи Лола Каримова-Тиллаевага чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасини ёд этиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун миннатдорлик билдирди. Ушбу ташриф Владимир Путиннинг Ислом Каримовга, Ўзбекистон халқига юксак ҳурматидан далолат беришини қайд этди. Ўзбекистон Ислом Каримов ва Владимир Путин асос солган мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини давом эттириши ва янада мустаҳкамлашини алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон учун, ўз халқининг фаровонлиги учун улкан ишлар қилгани, энг мураккаб пайтларда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлагани, бу мамлакат тараққиётига хизмат қилганини алоҳида таъкидлади. Россия Президенти давлатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини давом эттириш ва ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

Анвар САМАДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДАГИ ВАКОЛАТХОНАЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

2016 йил 2 сентябрь куни Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи оғир жудоликка учради: машҳур давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳаётдан кўз юмди. Бу қайғули воқеа нафақат мамлакатимизни, балки бутун дунёни ҳам қалқитди.

Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан мотам изҳори сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳи биноси ёнидаги БМТ байроги туширилди. Худди шундай тадбирлар БМТ бўлимлари жойлашган Женева (Швейцария) ва Рим (Италия) шаҳарларида ҳам ўтказилди. Шу билан бирга, ташкилотга аъзо барча давлатларнинг байроқлари туширилди.

Ўзбекистоннинг Латвия Республикасидаги элчихонасига мазкур мамлакат Президенти Раймонд Вейонис ташриф буюриб, қуйидагиларни қайд этди:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига латвияликлар ва ўз номимдан чуқур ҳамдардлигимни билдираман.

Ислом Каримов 25 йил давомида давлат раҳбари сифатида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни жадал ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшди.

Биз Латвия ва Ўзбекистоннинг икки томонлама ҳамкорлик муносабатлари изчил ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш учун бундан кейин ҳам мамлакатингиз билан биргаликда саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш ниятидамиз».

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Ўзбекистоннинг Бокудаги элчихонасига ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан ўзбек халқига ҳамдардлик изҳор этиш асносида қуйидагиларни баён қилди:

«Ислом Каримов мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти сифатида тарихдан жой олди, — деди И. Алиев. — Мамлакат мустақиллиги ва суверенитетининг қўлга киритилиши, ривожланиши ҳамда мустаҳкамланиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда эришилган муваффақиятлар, қардош Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви унинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Ислом Каримовни Озарбайжонда кўп асрлик дўстлик ва бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлаш анъаналарини мустаҳкамлашга, икки томонлама муносабатларни шакллантириш ҳамда изчил ривожлантиришга ҳисса қўшган самимий дўст сифатида билишади ва чуқур ҳурмат қилишади.

Ислом Каримовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу сақланиб қолади».

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Кэцян Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонасига ташриф буюрди. У Президентимиз вафоти муносабати билан Ислом Каримов портрети пойига Хитой ҳукумати номидан гулчамбар қўйди ва таъзия китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб, чуқур қайғудалигини изҳор этди.

«Ислом Каримовнинг вафоти нафақат Ўзбекистон халқи учун улкан йўқотиш, балки Хитой халқи учун ҳам самимий дўстдан жудо бўлишдир. Хитой ҳукумати ва халқи унинг вафоти муносабати билан чуқур қайғуда. Биз Хитой ва Ўзбекистоннинг кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланишини бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш ниятидамиз», деди Ли Кэцян.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан мамлакатимизнинг Исломободдаги элчихонасига Покистон Бош вазири Навоз Шариф ташриф буюрди. У таъзия изҳор этар экан, қуйидагиларни таъкидлади:

«Президент Ислом Каримов мустақил сиёсат йўлидан борди ва ўз халқининг ҳақиқий Йўлбошчисига айланди. Унинг донолиги, узоқни кўра билганлиги туфайли Ўзбекистон улкан муваффақиятларга эришди. Ислом Каримовнинг республика тараққиёти ва фаровонлигига қўшган ҳиссаси мамлакат аҳлининг қалбидан алоҳида жой эгаллаган.

Ислом Каримов билан 1992 йилнинг июнь ойидаги биринчи учрашувимиздан буён унга ишончли ҳамкор сифатида муносабатда бўлиб келдим. Унинг ҳаётдан кўз юмиши Покистон учун буюк ва самимий дўстдан жудо бўлишдир.

Унинг оиласига ва ўзбек халқига бу мусибатни енгиб ўтиш йўлида сабр-бардош тилайман».

Мамлакатимизнинг Кобулдаги элчихонасига Афғонистон Ислом Республикаси миллий бирлик ҳукумати Ижроия кенгашининг раиси Абдулла Абдулла ташриф буюрди:

«Ислом Каримов ўз халқининг фаровонлиги учун жуда кўп меҳнат қилган нуфузли раҳбар ва севимли арбоб эди.

Ўзбекистон халқига сабр-тоқат, бардамлик ва фаровонлик тилайман».

Республикамиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти тўғрисидаги хабар Японияда ҳам чуқур қайғу билан қабул қилинди. Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонасига Бош вазир ўринбосари, молия вазири Таро Асо ташриф буюриб, қуйидагиларни таъкидлади:

«Жуда қаттиқ қайғудаман. Ислом Каримов буюк инсон ва Япониянинг ҳақиқий дўсти эди. Мамлакатингизга бир неча маротаба борганман ва у киши билан суҳбатлашганман. Бизга чин дўст бўлган Ўзбекистоннинг шаклланиши ва изчил ривожланиши буюк давлат арбоби Ислом Каримовнинг номи билан боғлиқдир. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатда ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорлик сақланиб турибди. Республика бундан кейин ҳам муваффақиятларга эришишига ва Япония билан дўстона муносабатларини сақлаб қолишига ишонаман».

Таиланд Қироллиги Бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири Правито Вонгсуван бошчилигидаги ҳукумат аъзоларининг бир гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг Банкокдаги Бош консулхонасига ташриф буюрди.

Бош консулхона вакиллари билан бўлиб ўтган суҳбат чогида Ўзбекистон мустақиллик йилларида Ислом Каримов раҳбарлигида эришган муваффақиятларга юқори баҳо берилди. Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаган сиёсати туфайли мамлакатимиз жаҳонда ҳукм сураётган мураккаб шароитда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларига эришганлиги таъкидланди.

Ўзбекистоннинг Ашхоободдаги элчихонасига Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов ташриф буюрди. «Бугун бутун Туркманистон халқи қардошлари — Ўзбекистон фуқаролари билан бирга мотам тутмоқда. Ислом Каримов мамлакатимиз ва халқимизнинг катта дўсти эди. У давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги тарихий, анъанавий қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президентини дунёда нуфузли ва машҳур сиёсатчи, деб билишар эди. Унинг халқаро миқёсдаги ташаббус ҳамда таклифлари глобал ва минтақавий аҳамиятга молик кенг қамровли ва узоқ муддатли дастурларга асос бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг порлоқ хотираси Туркманистон халқининг қалбида абадий сақланиб қолади».

Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов мамлакатимизнинг Душанбе шаҳридаги элчихонасида бўлиб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти сиймосига юксак баҳо берди.

«Ислом Каримов янги суверен давлат вужудга келган муҳим паллада республикага етакчилик қилгани ҳолда, мамлакат ривожланишининг хусусияти ва мазмунини белгилаб берган машҳур давлат арбоби сифатида тарихдан жой олди. Донишмандлиги ва узоқни кўра олгани туфайли юксак эътирофга сазовор бўлди ва мамлакат ташқарисида дунё тан олган сиёсатчи номини қозонди», деди Тожикистон ташқи ишлар вазири.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Пекиндаги Котибиятида ушбу қайғули воқеа муносабати билан мотам маросими ташкил этилди. ШҲТ Котибияти жамоаси бир дақиқа сукут сақлагани ҳолда, Ислом Каримовнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонасига ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов ташриф буюрди. У атоқли давлат арбоби вафоти муносабати билан чуқур қайғу изҳор этар экан, қуйидаги фикрларни билдирди:

«Ислом Каримов ўз халқининг қалбида ва жаҳон сиёсатида жуда чуқур из қолдирди. Биз унинг номини, эзгулиги ва оқиллигини доимо ёдимизда сақлаймиз. Тарих ва авлодлар бу машҳур давлат арбобининг юксак салоҳиятига муносиб баҳо беришига ишонамиз.

Биз Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда самарали сиёсий тизим яратилиши ва кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилишидаги хизматларини қадрлаймиз. Ана шундай омиллар туфайли республика дунёнинг изчил ривожланиб бораётган мамлакатига айланди. Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни сақлашда Ўзбекистон раҳбари катта ўрин тутганини алоҳида таъкидлаш керак.

Ўзбекистон Биринчи Президентининг ШҲТ ривожига қўшган ҳиссаси юқори баҳога сазовордир. Унинг сиёсатчи сифатида узоқни кўра билиши ва дипломатик маҳорати Ўзбекистоннинг 2015—2016 йиллари ШҲТдаги раислиги даврида ҳамда ташкилотнинг Тошкент саммити юқори савияда ўтказилганида яққол намоён бўлди. Ҳиндистон ва Покистоннинг ШҲТга аъзо-давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланиши Тошкент саммитининг муҳим воқеаларидан бўлди».

Ўзбекистон Республикасининг Париждаги элчихонасига ЮНЕСКО Бош директори ўринбосари Эрик Фолт ташриф буюриб, қуйидагиларни айтди:

«Ислом Каримовнинг ҳаётдан кўз юмгани ҳақидаги хабарни чуқур қайғу билан қарши олдим. Бу ўрнини тўлдириб бўлмас йўқотиш муносабати билан ЮНЕСКО Бош директори ва ўз номимдан Ўзбекистон халқига ва Президент оиласига чуқур ҳамдардлик билдираман.

ЮНЕСКО Ўзбекистон ва ташкилот ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликни ривожлантириш бўйича Президент Ислом Каримовнинг кўп йиллик саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Давлатингиз раҳбари ташаббуси билан ижтимоий жабҳа, шу жумладан, таълим тизимини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг бой маданий меросини дунёга кенг тараннум этиш борасида муваффақиятларга эришилгани эътиборга сазовордир».

Япония мудофаа вазири Томоми Инада Ўзбекистон Йўлбошчисининг хотирасини ёдга олиб, республикамизнинг Токиодаги элчихонасига келди.

«Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Биринчи Президент раҳбарлиги остида мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Бундай йўқотишга қарамасдан, биз Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни бундан кейин ҳам янада мустаҳкамлашга интиламиз.

Халқингизнинг қайгусига шерикмиз ва японияликлар номидан Президентнинг оила аъзолари ҳамда Ўзбекистон халқига чуқур таъзия изҳор этаман».

Ўз навбатида, Сингапур Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг давлат вазири Жозефин Тео Ўзбекистон Республикасининг Сингапурдаги элчихонасига келиб, ҳамдардлик китобига ўз таъзияномасини ёзиб қолдирди.

Корея Республикасининг собиқ Президенти Ли Мён Бак бир гуруҳ ҳукумат вазирлари ҳамроҳлигида Ўзбекистоннинг Сеулдаги элчихонасига келди. Мамлакатнинг собиқ раҳбари шундай деди:

«Менинг чуқур таъзиямни қабул этгайсизлар. Мен ҳеч қачон дўстимни унутмайман. Яратган унинг оиласи ва Ўзбекистон халқини ўз ҳимоясида асрайди.

Биз Ислом Каримов билан яқин дўст эдик, тез-тез кўришиб турардик. Рўй берган ҳодиса мен учун сира кутилмаган воқеа бўлди. Мен яқин дўстимдан айрилдим».

Ислом Каримов вафоти муносабати билан Қирғизистон Республикасининг собиқ Президенти Роза Отунбаева ҳам чин дилдан таъзия билдирди:

«Сўнгги 25 йил давомида биз мураккаб тарихий йўлни босиб ўтдик. Бугун минтақамиз умумжаҳон миқёсида катта аҳамиятга молик эканлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Ислом Каримов минтақамизнинг энг машҳур сиёсатчиларидан бири, десак, хато қилмаган бўламиз. Мен у билан Қирғизистон ва Ўзбекистонда, хорижий давлатларда, нуфузли тадбирлар, олий даражадаги учрашувларда кўп марта учрашганман. Хусусан, биз Қиргизистон учун қийин ва хатарли даврлар — 2005 — 2010 йиллар оралиғида бир неча бор юзма-юз мулоқотда бўлганмиз. Президент Ислом Каримовнинг қарорлари биз учун ўта муҳим аҳамиятга молик эди. Қиргизистоннинг ўша мушкул вазиятдан чиқиб кетишига Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти шароит яратди, десам, асло хато қилмаган бўламан. Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг тиним билмай ишлаганига қойил қоламиз. Биз минтақамизда шундай раҳбар бўлгани билан фахрланишимиз керак».

Мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонасига ташриф буюрган Япониянинг собиқ Бош вазири, 2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпиада ўйинларини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси Йоширо Мори Ислом Каримов портрети олдида бош эгиб, гул қўйди ҳамда ўз ҳамдардлигини таъзия китобида ёзиб қолдирди ва қуйидагиларни таъкидлади:

«Мустақиллик йилларида Ислом Каримов республикани самарали бошқарди ва халқнинг катта ишончини қозонди. Шахсан мен Ўзбекистон Президенти билан бир неча марта учрашганман ва у кишини матонатли ҳамда буюк сиёсатчи сифатида ҳурмат қилганман. Ислом Каримов менга ҳадя этган иккита миллий зарчопон бор. Ҳанузгача уларни асраб-авайлайман, шахсий музейимда бебаҳо бойлик сифатида сақлаяпман.

Ўзбек дўстларимнинг қайғусига шерикман. Ислом Каримовнинг қариндошларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлигимни билдираман».

Республикамизнинг Мадриддаги элчихонасига келган Испаниянинг собиқ ташқи ишлар вазири Михель Анхель Моратинос қуйидаги фикрларни билдирди:

«Мен хизмат юзасидан турли даврларда Ислом Каримов билан учрашганман ва ҳамиша унинг халқаро майдондаги вазиятни чуқур билиши ҳамда турли маданиятлар ўртасида келишувни топиш ва мулоқот қилиш қобилиятига қойил қолганман. У замонамизнинг бутун дунёга оид мураккабликларидан, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий хавф-хатарларидан воқиф эди. Ислом Каримов мамлакатда ва минтақада хавфсизликни таъминлаш йўлларини тинимсиз қидирган. Унинг вафоти — буюк йўқотиш».

Шу кунларда Ўзбекистон Президентининг вафоти муносабати билан Греция жамоатчилиги ҳам ўзбек халқининг қайғусига шерик. Ушбу давлатнинг ижтимоий-сиёсий, илмий-академик, ишбилармон доираларининг кўплаб вакиллари мамлакатимизнинг Афинадаги Бош консулхонасига келиб турибди. Улардан миллий парламент депутати, «Греция — Ўзбекистон» парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Хайза Зейбек қуйидаги сўзларни изҳор этди:

«Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан ўзимнинг чуқур таъзиямни билдираман. Мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва Ўзбекистон халқининг фаровонлиги йўлида давлат раҳбари бошлаган эзгу ишлар келажакда ҳам давом этишини тилаб қоламан».

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонасига келган Бирлашган Қироллик парламентининг Лордлар палатаси аъзоси, Британия — Ўзбекистон жамияти президенти Фредерик Понсонби Ўзбекистон раҳбари хотирасига ҳурмат бажо келтириб, қуйидагиларни айтиб ўтди:

«Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда етакчи давлат бўлиб шаклланишида Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёсдир. Мамлакат бой маданий меросга эга, ўзининг демократик институтларини ривожлантирмоқда. Мустақилликнинг 25 йили давомида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда улкан тараққиётга эришилди. Ўзбекистоннинг айнан ўзи Президент Ислом Каримовга қўйилган ҳайкалдир».

Буюк давлат арбобидан жудо бўлган ўзбек халқининг мусибатига шерик бўлган Женева Дипломатия клуби президенти Роберт Блум БМТ Женева бўлими ҳузуридаги мамлакатимизнинг доимий ваколатхонасига келиб, Ўзбекистон суверен давлат сифатида шаклланишида Ислом Каримовнинг хизматларига юқори баҳо берар экан, қуйидаги фикрларни айтди:

«Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти мамлакатни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича улкан ишларни амалга оширдики, ўша даврнинг реалликлари ҳисобга олинадиган бўлса, бу шубҳасиз, мураккаб ва фавқулодда аҳамиятга молик бўлган миссия эди. Қисқа давр ичида Ислом Каримов республикани том маънодаги мустақил мамлакатга айлантирди.

Ўзбекистон Биринчи Президентининг вафоти республика аҳолиси учун жуда катта йўқотишдир. Ўзбек халқига мамлакатда мустаҳкам тинчликни асрагани ҳолда, ўзининг Етакчиси аниқ-равшан белгилаб берган йўлни давом эттиришини тилайман».

Шаҳриёр ТУРҒУНБОЕВ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси.

НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов замонамизнинг улуғ сиёсатчиси, узоқни кўра оладиган ва стратегик фикр юритадиган буюк шахс сифатида бутун дунёда юксак обрў-эътибор қозонган эди. Хорижий мамлакатларнинг давлат ва сиёсат арбоблари, фуқаролари у кишининг вафотини чуқур қайғу билан қабул қилди, халқимизга ҳамдард бўлди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида 12 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

Нурсултон Назарбоев ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйдилар ва унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Ислом Каримов руҳи покларига Қуръон тиловат қилинди.

Нурсултон Назарбоев Ислом Каримов қадрдон дўсти бўлганини, бир-бирини ҳамиша яхши тушунгани ва қўллаб-қувватлаганини, биргаликда халқларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаганини, Президентимиз Ўзбекистонда тинчлик ва фаровонликни таъминлаганини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистонликларнинг барча авлодлари Ислом Каримовни ҳурмат билан ёдга олишига ишончим комил. Унинг улуғвор мероси, давлат раҳбари сифатидаги фаолияти ўзбек халқи, Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилади, асрлар давомида ўрганилади. Ўзбекистоннинг тикланиши ва ҳар томонлама ривожланиши, аҳоли фаровонлиги ошиши унинг номи билан боғлиқ. Ислом Каримов ўзбек халқини, Ўзбекистонни замонавий дунёга танитди. Биз ана шундай буюк инсондан айрилдик, — деди Қозоғистон Президенти.



Олий мартабали меҳмон Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислом Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримовага чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевга халқимизнинг буюк фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун миннатдорлик билдирди. Ушбу ташриф меҳр-оқибат ва аҳиллик айёми — Қурбон ҳайити кунларида амалга оширилгани Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоевнинг муносабатлари, дўстлиги юксак даражада бўлганини намоён этди. Бу дўстлик халқларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорликка асос бўлганини, бундай яқин муносабатлар бундан кейин ҳам изчил давом этишини алоҳида таъкидлади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, унинг иқтисодиёти ва сиёсатини белгилаб берган улуғ давлат арбоби, ўзбек халқининг буюк фарзанди, дунё миқёсидаги лидер бўлганини алоҳида таъкидлади. Ислом Каримов халқаро анжуманларда ҳар доим ҳал қилувчи ўрин тутганини, энг мураккаб пайтларда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлаганини, Қозогистон ва Ўзбекистон ҳамкорлиги ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этди. Мамлакатларимиз ўртасидаги бу алоқаларни изчил давом эттириш муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Анвар САМАДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

2016 йил 16 сентябрь Бишкек шаҳри

Биз, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг вафоти муносабати билан мустақил Ўзбекистон тарихидаги мураккаб даврда дўст Ўзбекистон халқини қатъий қўллаб-қувватлашимизни билдирамиз.

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш, халқаро нуфузини ошириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилган кенг кўламли ислоҳотлар буюк давлат арбоби Ислом Каримов номи билан боғлиқдир. У ўзининг бутун ҳаётини халқига садоқат билан хизмат қилишга бағишлади.

Ислом Абдуганиевич Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг асосчиларидан бўлиб, Ҳамдўстлик давлатларининг халқлари ўртасида иқтисодий алоқалар, дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлида жуда кўплаб ишларни амалга оширди. Ўзбекистон раҳбари сифатида Марказий Осиёда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, минтақани хавфсиз ва барқарор ривожланаётган ҳудудга айлантиришга бениҳоя катта ҳисса қўшди.

Ўзбекистон бундан буён ҳам изчил ривожланиши ва Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари билан дўстлик, яқин қўшничилик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ишларини қатъий давом эттиришига ишонч билдирган ҳолда, Ўзбекистон халқининг тинчлик, барқарорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш борасидаги ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг тарихий мероси Ҳамдўстлик халқларининг аҳил оиласида дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доимо хизмат қилишига ишонамиз.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 71-сессияси мажлиси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовни ёд этиш маросими билан бошланди. Ушбу нуфузли анжуман иштирокчилари — БМТ вакиллари, 193 мамлакат делегатлари, давлат раҳбарлари, сиёсатчилар, дипломатлар ва бошқалар Президент Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун, Бош Ассамблеянинг 71-сессияси раиси Питер Томсон ва қатор давлатлар вакиллари жаҳоннинг энг юксак минбаридан Ислом Каримовнинг Ўзбекистон фаровонлиги, минтақамиз тинчлиги ва барқарорлиги йўлида амалга оширган улкан ишлари ҳақида сўз юритди.

Пан Ги Мун Президент Ислом Каримовнинг оила аъзолари ва Ўзбекистон халқига яна бир бор ҳамдардлик билдирди.

— Ислом Каримов Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларини бажаришда муҳим ютуқларга эришди ва барқарор ривожланишнинг янги вазифаларини қўллаб-қувватлади. Давлат раҳбари раҳнамолигида минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга улкан ҳисса қўшилди. Ислом Каримов ташаббуси билан 2009 йилда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этилгани жаҳон ҳамжамиятининг муҳим ютуқларидан бири бўлди, — деди Пан Ги Мун.

Тадбирда БМТнинг беш минтақавий гуруҳи — Осиё, Африка, Шарқий Европа, Ғарбий Европа, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси гуруҳлари вакиллари сўзга чиққан. Улар Ислом Каримовнинг тинчликпарвар сиёсати, асосли ташаббуслари ва амалий ишлари улкан минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаганини эътироф этган.

Қозоғистоннинг БМТдаги Доимий вакили Қайрат Абдрахманов Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов қатъиятли, мард ва тўғрисўз лидер, тенгҳуқуқли ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик тарафдори бўлганини таъкидлаган. Шарқий Европа давлатлари номидан сўзга чиққан Эстония вакили Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон юритган сиёсат Марказий Осиёда барқарорлик ва халқаро муносабатлар ривожига хизмат қилганини баён этган.

Ўзбекистоннинг БМТдаги Доимий ва мухтор вакили Музаффар Мадраҳимов ватандошларимиз учун огир бўлган паллада ҳамдардлик билдиргани ва қўллаб-қувватлагани учун анжуман иштирокчиларига миннатдорлик билдирган. Ислом Каримов эркин фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуришнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида юксак обрў-эътибор қозонган эди, дея таъкидлаган.

Аввалроқ, 6 сентябрь куни Ислом Каримов вафотига мотам белгиси сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк, Женева ва Рим шаҳарларидаги бинолари ёнидаги БМТ байроқлари туширилган эди.

Қиргизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов замонамизнинг буюк сиёсатчиси, узоқни кўра оладиган ва стратегик фикр юритадиган нодир қобилият соҳиби, тинчликпарвар ва халқпарвар давлат раҳбари, доно ислоҳотчи ва комил инсон сифатида бутун дунёда юксак обрў-эътибор қозонганидан далолат беради.

АЛЕКСАНДР ЛУКАШЕНКО ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов буюк давлат арбоби, улуг сиёсатчи ва комил инсон сифатида халқимиз орасида, бутун дунёда алоҳида ҳурмат қозонган эди. Юртбошимиз мангу қўним топган маскан бугун барча учун муқаддас зиёратгоҳга айланди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида 6 октябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

Александр Лукашенко ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйдилар ва унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Олий мартабали меҳмон Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислом Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримовага чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенкога миннатдорлик билдирди.



Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов бутун фаолиятини ўз халқи, Ватани равнақига бағишлагани, бугун Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланган, тинч ва барқарор давлатга айланганини қайд этди. Ислом Каримов вафотидан кейинги синовли кунларда Ўзбекистон халқи донолигини, юксак маданиятини ва ҳамжиҳатлигини яна бир бор намоён этганини, шундай буюк заминга ташриф буюрганидан мамнунлигини таъкидлади.

Анвар САМАДОВ,
Голиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон 18 ноябрь куни Ҳазрати Хизр мажмуига ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти қабрини зиёрат қилди ва Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Ислом Каримов руҳи покига Қуръон тиловат қилинди.

Шундан сўнг Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон ўртасида музокара бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислом Каримов вафоти муносабати билан самимий ҳамдардлик йўллагани учун Туркия Президентига миннатдорлик билдирди. Режеп Эрдўғон Самарқандга ташриф буюриб, Юртбошимизнинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтиргани Ўзбекистон халқига юксак эҳтиром ифодасидир.

Ўзбек ва турк халқлари кўп асрлик умумий тарих, ягона тил ва дин, муштарак қадриятлар ва ўхшаш урф-одатлар билан бир-бирига чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган.

Куннинг иккинчи ярмида олий мартабали меҳмон Имом Бухорий ва Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуалари, Амир Темур мақбарасини зиёрат қилди, Регистон майдонини кўздан кечирди.

Режеп Эрдўғон истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида бу эзгу масканлар тубдан қайта таъмирланиб, мутлақо янги қиёфа касб этганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон аждодларимизнинг бой маънавий меросини тиклаш, ўрганиш ва дунёга танитишда юксак натижаларга эришаётганини қайд этди.

Анвар БОБОЕВ,
Анвар САМАДОВ,
ЎзА махсус мухбирлари



Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев 24 декабрь куни амалий ташриф билан Самарқандга келди

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан яқин қўшни сифатида тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келган. Халқларимиз тарихи, маданий ва диний қадриятлари муштарак, анъана ва урф-одатлари ўхшаш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев Ҳазрати Хизр мажмуига ташриф буюриб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди ва унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Ислом Каримов руҳи покига Қуръон тиловат қилинди.

Форумлар мажмуаси саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қиргизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев ўртасида музокара бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Алмазбек Атамбоевга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиргани учун миннатдорлик изҳор этди. Ислом Каримовнинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтиргани Ўзбекистон халқига бўлган юксак ҳурмат ифодасидир.

Давлат раҳбарлари яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва уни сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитиш зарурлигини таъкидладилар.

А. САМАДОВ, А. ЎРОЗОВ,
ЎзА махсус мухбирлари



ЧЕТ ЭЛ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ҚАЙҒУСИГА ШЕРИКДИР

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг бевақт ҳаётдан кўз юмгани ҳақидаги хабар бутун дунёни қалқитди. Хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган мақолалар бу мусибат муносабати билан чуқур ҳамдардликлар билдирилаётгани баробарида замонавий Ўзбекистон тарихида Ислом Каримов тутган ўрин, мамлакатимизнинг суверен, демократик ва гуллаб-яшнаётган давлат сифатида шаклланишига Ислом Каримовнинг қўшган ҳиссаси ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилмоқда.

Масалан, **Францияниng «TV5Monde»** телеканали Ўзбекистон миллий етакчисининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган махсус кўрсатувни намойиш этди. Теледастурда, жумладан, «Ислом Каримов чорак аср мобайнида ўз мамлакати барқарорлигини таъминлаган», дея таъкидланади.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президентини «минтақа барқарорлигининг кафолати», дея таърифлар экан, **Испанияда нашр этиладиган «La Gaceta» газетаси** Ислом Каримов нафақат ўз мамлакатида, балки хорижий элларда ҳам катта обрў-эътиборга эга бўлгани, минтақавий ва дунё сиёсати масалаларининг ҳал этилишида катта ўрин тутганини қайд этди. Нашрнинг бош мақоласида эътироф этилганидек, Ислом Каримовнинг фаол саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон терроризм ва диний экстремизм сингари хавф-хатарларни енгиб ўтди, барқарор тараққиётни намойиш этди, жаҳоннинг кўпгина давлатлари билан тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатди ва қўллаб-қувватлади.

Испаниянинг «El DiarioYa» электрон журналида эълон қилинган публицист-диншунос Понсе Алегре қаламига мансуб мақолада «Ислом Каримов нафақат буюк етакчи ва машҳур сиймо, балки яхши инсон ҳам эди. У ўз халқига улкан меросни — сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлган давлатни қолдирди. Сайёрамизнинг айрим ҳудудларида рўй бериб турган бугунги нотинч кунларда дунё Ислом Каримовдек етакчига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож эканлиги аён бўлмоқда».

Ўз навбатида, Италияда нашр этиладиган «Corriere Nazionale» газетаси ҳам Ислом Каримовнинг бунёдкорлик фаолияти натижалари билан ўз ўқувчиларини таништирди. Газетанинг ёзишича, «у туфайли Ўзбекистон тарихан қисқа давр ичида демократик сиёсий тизимни бунёд этди, иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлишини таъминлади ва эркин бозорни яратди... Саноат тармоқлари, айниқса, кимё, тўқимачилик ва автомобилсозлик индустрияси изчил ривожланмоқда. Республикада самарали таълим тизими йўлга қўйилган, қатор нуфузли хорижий олий ўқув юртларининг филиаллари, жумладан, Турин политехника университетининг бўлими очилган... Ўзбек халқи келажакка ишонч билан қарамоқда».

Худди шундай мақолалар мамлакатда чоп этиладиган **«La Repubblica» ва «Ansa»** сингари бошқа оммабоп нашрлар саҳифаларида ҳам босилиб чиқди.

Германиянинг «Berlin City Report» газетасида ёзилишича, Ислом Каримов халқнинг кенг қўллаб-қувватлашига ноил бўлган эди. Нашр эътироф этганидек, 2015 йилнинг март ойида бўлиб ўтган президент сайловлари якунлари бўйича давлат раҳбари сайловчиларнинг 90 фоиздан зиёдининг овозини тўплагани бу фикрнинг тасдигидир. «У Президент бўлган йиллар ичида республика ривожланишнинг муваффақиятли йўлини босиб ўтди, — дея хулоса қилади журналист. — Шубҳа йўққи, унинг иши давом эттирилади».

«Yonhap» ахборот агентлиги (Жанубий Корея) Ўзбекистон Президенти билан видолашиш маросимида иштирок этиш учун Корея Республикаси ҳукумати Бош вазир ўринбосари, таълим вазири Ли Жун Сук бошчилигидаги делегацияни юборгани ҳақидаги хабарни тарқатди.

«Корея бу буюк раҳбарни йўқотиш изтироби ва қайғусини Ўзбекистон халқи тез вақт ичида енгиб ўта олишига ишонади», дея қайд этади агентлик.

Япониянинг оммабоп **«The Japan News» газетаси** Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов билан видолашув маросимидан репортажни эфирга узатди:

«Тилла Кори мадрасасида мусулмон урф-одатларига мувофиқ равишда жаноза намози ўқилди, видолашув маросими иштирокчилари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон, Марказий Осиё ва бутун МДҲ макони олдидаги хизматларини алоҳида қайд этдилар. Дарҳақиқат, Ўзбекистон етакчиси мамлакатда ва халқаро майдонда очиқ фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича чуқур ўйланган стратегияни ишлаб чиққан ва ҳаётга татбиқ этган зукко, узоқни кўра оладиган сиёсатчи сифатида жуда юксак обрў-эътибор қозонган эди», деб ёзади нашр.

Япониянинг «NHK» телерадиокомпанияси Ислом Каримов ҳақидаги махсус кўрсатувни намойиш этди. Телетомошабинлар эътибори Ислом Каримовнинг мувофиқлашган ташқи сиёсат олиб бориш асносида минтақада тинчлик ва барқарорликнинг сақланишига қўшган улкан ҳиссасига қаратилди. Мазкур кўрсатувда Ислом Каримовнинг ҳатто дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳам тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга имкон берган оқилона дипломатиясига юқори баҳо берилади.

Ислом Каримовнинг тўсатдан бевақт вафот этгани ҳамда республикамизда бўлиб ўтган мотам маросимлари ҳақидаги хабарлар **«Nikkei Shimbun», «Yomiuri Shimbun», «Mainichi Shimbun», «Asahi Shimbun», «The Sekai Nippo»** сингари етакчи газеталар саҳифаларида ҳам чоп этилди. Худди шундай ахборотлар **«JIJI Press», «Kyodo News»** ва бошқа ахборот агентликлари томонидан ҳам ёритилди.

Сингапурда нашр этиладиган нуфузли **«The Straits Times» газетаси** эълон қилган махсус мақолада қайд этилганидек, «Ислом Каримов машҳур сиёсатчи, узоқни кўра оладиган ва стратегик фикрлайдиган раҳбар эди, у ўз халқи ва давлатига доимо ғамхўрлик қилган. Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганидан кейинги ўта мураккаб ва кескин даврда у мамлакатда барқарорлик ва тинчлик ҳукм суришига эришди. У БМТ минбаридан биринчилардан бўлиб Афғонистон ва терроризм муаммосига эътибор қаратди. Терроризм балосига қарши жипслашган ҳолда кураш олиб бориш зарур эканлиги юзасидан Ислом Каримов ҳақ бўлганлиги вақт ўтиши билан ўз тасдиғини топди».

Хитойнинг марказий «Синьхуа» ахборот агентлиги ҳам Ислом Каримов ҳақидаги бош мақолани ўз ўқувчиларининг эътиборига ҳавола қилди. Унда қайд этилганидек, Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида мамлакатда тинчлик ва осойишталик қўллаб-қувватланди, иқтисодий ривожланиш таъминланди, халқ фаровонлиги юксалди, республиканинг халқаро обрў-эътибори сезиларли даражада ошди.

«Ислом Каримов Ўзбекистонда барқарорликни таъминлади. Марказий Осиёдек мураккаб ва қарама-қаршиликларга тўла минтақада мустаҳкам давлат ҳокимиятисиз сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш мумкин эмас», деб ёзади «Синьхуа» шарҳловчилари.

Таиландда чоп этиладиган «Thai Rath» газетаси эълон қилган салмоқли мақолада эса Ислом Каримов Президентлиги йилларида Ўзбекистон эришган муваффақиятлар атрофлича қаламга олинади. Унда бизнес юритиш, иқтисодиётни диверсификациялаш, саноат салоҳиятини ошириш, аҳоли фаровонлиги даражасини юксалтириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича ўтказилган ислоҳотлар натижалари — мамлакатимизнинг иқтисодиёт соҳасида қўлга киритган марралари алоҳида қайд этилади.

Исроилда нашр этиладиган нуфузли **«Jerusalem Post» газетасида** чоп қилинган мақолада қайд этилганидек, машҳур давлат арбоби, замонамизнинг миллий етакчиларидан бири Ислом Каримов ўзидан кучли ва гуллаб-яшнаётган мамлакатни қолдирди. «Чорак аср давомида у мамлакат қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлади, Ўзбекистон суверенитетини чеклайдиган ҳар қандай уринишларнинг олдини олди ва хавфсизликка таҳдидларга қарши муваффақиятли кураш олиб борди», деб ёзилади мазкур мақолада.

Ушбу мавзуни давом эттирар экан, мамлакатнинг бошқа бир нашри — **«Mepora» газетаси** эълон қилган бош мақолада «Ўзбекистон Президенти билан учрашган ҳар бир инсон унинг ўткир нигоҳи, мавзу моҳиятини зудлик билан илғаб олиб, теран таҳлил қилиши ва аниқ натижалар чиқариши хусусиятларини хотирлашлари керак. У серқирра сиймо эди, миллатнинг эътироф этилган ва нуфузли етакчиси эди, халқ ва давлат манфаати йўлида хизмат қилган Ислом Каримов ўз ҳаётини мустақил, кучли ва фаровон Ўзбекистон йўлига бағишлади», деб ёзади.

Ҳиндистоннинг оммабоп «Hindi» газетаси «Ислом Каримовнинг вафоти бутун жаҳон ҳамжамияти учун улкан йўқотишдир. Ўзбекистон раҳбари Ҳиндистон билан кўп асрлик дўстона ва бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш тамойилларига асосланган муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун жуда кўп ишларни амалга оширди», деб таъкидлади. Нашр журналистларининг фикрича, Ислом Каримов ўзининг шахсий имкониятларига таянган ҳолда кучли ва мустақил давлатни барпо этишга муваффақ бўлди. Мамлакатда ва умуман, минтақада тинчлик ҳамда барқарорликнинг мавжудлиги Ўзбекистон Биринчи Президентининг асосий хизматлари сирасига киради.

Ўз навбатида, «Millennium Post» газетаси (Ҳиндистон) ёзишича, Ислом Каримов ва суверен Ўзбекистон ҳаёти билан боғлиқ бутун бир давр тарихга айланди. «Ўзбекистон Президенти ўз фаолияти мобайнида аҳоли турмушини юксалтириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ва, энг муҳими, Афғонистон муаммосини ҳал этишга йўналтирилган ва чуқур ўйланган саъй-ҳаракатлари билан бутун дунёда катта обрў-эътибор қозонди», деб ёзади газета.

Покистоннинг марказий «Dayli Ittihad» нашри ўзининг таҳлилий мақоласида қуйидагиларни қайд этади: «Ислом Каримов нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёда тан олинган афсонавий сиймо. Мустақиллик эълон қилингандан кейин унинг беқиёс меҳнатлари натижасида Ўзбекистон минтақанинг энг илғор мамлакатлари қаторидан ўрин олди. Ушбу давлат етакчиси ўз ҳаётини республика манфаатларига бағишлади, унинг барқарор тараққиётини таъминлади, ташқи таҳдидлардан сақлайдиган жиддий тўсиқни қўйди. Унинг республика тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги хизматлари ушбу давлат аҳолиси қалбидан алоҳида жой олган».

Россия оммавий ахборот воситалари ҳам Ўзбекистон Биринчи Президенти фаолиятига катта эътибор қаратди. Федерал телеканалларда Ислом Каримов, унинг ҳаёт йўли тўғрисидаги махсус кўрсатувлар намойиш этилди. Ушбу мавзуда **«Россия 1», «НТВ», «ТВ Центр», «Петербург-Пятый канал», «РЕН-ТВ»** ва бошқа каналларда таҳлилий дастурлар тайёрланиб, эфирга узатилди.

Бундан ташқари, **«Российская газета» нашри** ҳам бу мавзуда қатор туркум мақолаларни чоп этди. Уларда қайд этилишича, Ўзбекистоннинг янги тарихи Ислом Каримовнинг номи билан бевосита боғлиқдир. «Республика Президенти мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг жуда мустаҳкам асосини яратиб кетди, уларни стратегик ҳамкорлик даражасига олиб чиқди».

Эксперт Зураб Тодуа «Независимая газета»да чоп этилган мақоласида «Ислом Каримов 1991 йили кўплаб муаммоларга эга бўлган Ўзбекистонни қабул қилиб олди, ўзидан кейин эса изчил ривожланаётган, тинч ва барқарор давлатни қолдириб кетди... Қийинчиликларни енгиб ўтишда ва муаммоларни ҳал этишда унга ўзининг шахсий тажрибаси ва билими, ўткир заковати, вазминлик билан иш тутиши, мардлиги ва мушкул ҳолатларда намоён бўладиган қатъияти кўмаклашди», дея урғу беради муаллиф.

«РИА Новости», «РосБалт», «РБК», «Регнум», «Интерфакс» ахборот агентликлари, «Коммерсантъ», «Известия», «Комсомольская правда», «Ведомости», «Эксперт», «Московский комсомолец», «Взгляд», «Аргументы и факты» ва Россиянинг бошқа медиа-тизимлари ҳам Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ҳамда Ислом Каримов фаолиятига бағишланган кўплаб таҳлилий материалларни эълон қилди.

Озарбайжоннинг «Тренд» ахборот агентлиги тарқатган салмоқли мақолада қуйидаги фикрлар қаламга олинган: «Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлиги остида миллий давлатчилик, фуқаролик жамияти, тинчлик ва барқарорлик, аҳоли хотиржамлигининг асослари яратилди, мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва равнақ топиши, янги юзйилликда кўп миллатли Ўзбекистон халқи фаровонлиги юксалишининг муҳим тамойиллари ва йўналишлари белгилаб олинди».

Ўзбекистонни Марказий Осиё мамлакатлари билан кўп асрлик қардошлик ва дўстлик ришталари боғлаб туради. Шу сабабли республикамиз Президентининг вафоти тўғрисидаги хабар қўшни давлатларда ҳам катта қайгу билан қарши олинди.

Қозоғистоннинг «Казинформ» ахборот агентлиги ёзишича, Ислом Каримов мустақилликнинг илк йилларидаёқ мамлакатни бирлаштириб, кучли давлатни барпо этди. У юритган оқилона сиёсат билан республика мустақил тараққиёт йўлида катта муваффақиятга эришди, хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли алоқаларни ўрнатди, кўплаб халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Агентлик жаҳонда ҳамон давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллий иқтисодиёт деярли 6 баробарга ўсгани, унда саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга ошгани, ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари сўнгги 11 йил ичида 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланиб қолаётганига, бу эса жаҳоннинг кўп бўлмаган давлатларида кузатилаётганига ўз ўқувчиларининг эътиборини қаратган.

Қозоғистон ОАВнинг таъкидича, Ислом Каримов вафоти мамлакатда катта йўқотиш, деб қабул этилган. «Қозоғистон аҳолиси ва меҳмонлари Ўзбекистон Республикасининг Олмота шаҳридаги элчихонаси биносига гуллар келтирмоқдалар, ҳамдардлик китобига таъзия сўзлари ёзиб қолдирмоқдалар».

«Казахстанская правда» газетаси Ислом Каримов кўп миллатли давлатда тинчлик ва барқарорликни сақлай олган раҳбар сифатида тарихда қолади, дея таъкидлайди. «Унинг миллатлараро ва динлараро масалаларни ҳал этишдаги пухта ўйланган ёндашуви кўп сонли миллатлар ва элатлар, шу қаторда, мамлакатда истиқомат қилаётган бир миллиондан зиёд қозоқ миллатига мансуб аҳолини ҳам ўзини ҳузур-ҳаловатда ҳис этишлари учун замин яратди».

Туркманистоннинг марказий нашри — «Нейтральный Туркменистан» газетаси эса қуйидаги фикрга эътибор қаратади: «Машҳур давлат арбобини сўнгги манзилга куза-

тиш учун нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки ўн етти мамлакат ҳукуматлари делегацияларининг аъзолари ҳам ҳозир бўлдилар. Таъзия тадбирида Туркманистон, Афғонистон, Тожикистон Президентлари, Россия Федерацияси, Беларусь, Грузия, Қозоғистон ва Қирғизистон бош вазирлари, Хитой, Корея Республикаси, Украина бош вазири ўринбосарлари ва бошқа мамлакатларнинг расмий вакиллари қатнашдилар».

«Слово Кыргызстана» газетаси ўз саҳифаларида Қирғизистон Республикаси Миллий фанлар академияси президенти Абдиғани Эркебаев мақоласини эълон қилган. Унда қуйидагилар таъкидланади: «Қардош ўзбек халқи билан биргаликда биз ҳам ушбу буюк давлат арбоби билан хайрлашмоқдамиз... У нафақат ўз мамлакати учун, балки биз — қирғизистонликлар учун ҳам жуда кўп ишлар қилган. Биргина унинг мамлакатимиз жанубида қонли тўқнашувлар юз берган пайтдаги буюк хизматларини эслашнинг ўзи кифоя. Бунинг учун ундан миннатдор бўлишимиз лозим».

Шаҳриёр ТУРҒУНБОЕВ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сазовор бўлган давлат мукофотлари

1.	**«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Олтин Юлдуз» медали**	Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 05.05.1994 йилдаги 1048-XII-қарори асосида
2.	**«Мустақиллик» ордени**	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 йилдаги 269-I-қарори асосида
3.	**«Амир Темур» ордени**	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 26.12.1997 йилдаги қарори асосида

Совет даврида олган давлат мукофотлари

1.	**«Халқлар дўстлиги» ордени**	СССР Олий Кенгаши Президиумининг 29.01.1981 йилдаги 8409-XI-фармони асосида
2.	**«Меҳнат Қизил байроқ» ордени**	СССР Олий Кенгаши Президиумининг 12.06.1981 йилдаги 5057-X-фармони асосида

Чет эл давлатлари мукофотлари ва фахрий унвонлари

№	Мамлакат (ташкилот) номи	Мукофот (фахрий унвон)	Сана
1.	Сеулдаги «Соганг» университети (Корея Республикаси)	Фанлар фахрий доктори	1992 йил, июнь
2.	«Ал-Азҳар» университети (Миср)	Фахрий доктор	1992 йил, декабрь
3.	Жавоҳарлал Неру номидаги университет (Ҳиндистон)	Фахрий ҳуқуқ доктори	1994 йил, январь
4.	«Руҳоният» маънавиятни қайта тиклашга кўмаклашиш ассоциацияси	«Халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик учун» медали ва дипломи	1994 йил, январь
5.	Корея Республикаси Ҳукумати	Катта «Могунхва 2» ордени	1995 йил, февраль
6.	Евроосиё халқаро кикбоксинг федерацияси	Хотира кубоги	1995 йил, март
7.	Халқаро фан, саноат, таълим ва санъат академияси (АҚШ)	Академия фахрий аъзоси	1996 йил, январь
8.	Халқаро олимпия қўмитаси	Олтин медаль	1996 йил, февраль
9.	ЮНЕСКО (БМТ)	«Авиценна» олтин медали	1996 йил, апрель
10.	Боку давлат университети (Озарбайжон Республикаси)	Фахрий доктор	1996 йил, май
11.	Осиё олимпия кенгаши	Олтин медаль	1997 йил, май
12.	Қозоғистон Республикаси	«Алтин иран» («Олтин бургут») ордени	1997 йил, июнь

13.	Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси (Россия Федерацияси)	Фанлар фахрий доктори	1998 йил, январь
14.	Рус Православ Черкови номидан Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси	I даражали Князь Даниил ордени	1998 йил, февраль
15.	Украина Республикаси	I даражали «Ярослав Мудрий» ордени	1998 йил, февраль
16.	Россия Федерацияси Авиация ва ҳавода сузиш фанлари академияси	Академик	1998 йил, декабрь
17.	Фанлар олий мактаби халқаро академияси (Россия Федерацияси)	Академик	1999 йил, май
18.	Халқаро ҳаваскорлар кураш ассоциацияси	Олтин занжир	1999 йил, май
19.	Кураш бўйича I халқаро турнир (Россия Федерацияси)	Кубок	1999 йил, сентябрь
20.	«Эй-Ти-Пи» (Профессионал теннисчилар ассоциацияси)	Биллур ракетка	1999 йил, сентябрь
21.	«Фонтис» университети (Нидерландия)	Фахрий доктор	2000 йил, сентябрь
22.	Ўзбек кураши бўйича халқаро турнир (Россия Федерацияси)	Кубок	2000 йил, октябрь
23.	М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия Федерацияси)	Фахрий профессор	2001 йил, январь
24.	Мериленд университети (АҚШ)	Терроризмга қарши курашдаги улкан ҳиссаси учун «Халқаро етакчи» мукофоти	2002 йил, март
25.	Миллий олимпия қўмиталари ассоциацияси	«Беш қитъа белгиси» олтин ордени	2001 йил, июль
26.	Яҳудийлар миллий маркази (АҚШ)	Терроризмга қарши курашдаги улкан ҳиссаси учун «Халқаро етакчи» мукофоти	2002 йил, март
27.	Америка — Ўзбекистон савдо палатаси (АҚШ)	Давлатни бошқариш соҳасидаги хизматлар эътирофи мукофоти	2002 йил, март
28.	«Эй-Ти-Пи» (Профессионал теннисчилар ассоциацияси)	Биллур глобус	2001 йил, сентябрь
29.	Халқаро кураш ассоциацияси	Олтин орден	2002 йил, апрель
30.	«Васеда» университети (Япония)	Фахрий ҳуқуқ доктори	2002 йил, июль
31.	Алкада де Энарес университети (Испания)	«Сиснерос» медали ва фахрий диплом	2002 йил, август
32.	Литва Республикаси	Буюк Витаутас ордени	2002 йил, сентябрь

33.	Будапешт шаҳри мэрияси (Венгрия)	Будапешт шаҳри «Олтин калит»и	2002 йил, октябрь
34.	«Сока» университети (Япония)	Фахрий доктор	2002 йил, декабрь
35.	Испания қироли	«Фуқаролик хизматлари учун» ордени	2003 йил, январь
36.	Испания Сенати	Медаль ва Испания Конституциясининг 1978 йилги нусхаси	2003 йил, январь
37.	Мадрид шаҳар мэрияси (Испания)	Мадрид шаҳри «Олтин калит»и	2003 йил, январь
38.	«Андрей Первозванный» фонди (Россия Федерацияси)	«Андрей Первозванный» олтин ордени	2003 йил, май
39.	Сорбонна-4 университети, Париж-Сюд-2 университети (Франция)	Президентлик фаолияти учун фахрий дипломи	2003 йил, январь
40.	Польша Республикаси	«Хизматлари учун» I даражали ордени	2003 йил, июль
41.	Грузия Республикаси	«Золотое руно» ордени	2003 йил, октябрь
42.	Болгария Республикаси	«Стара Планина» ордени	2003 йил, ноябрь
43.	«Россия кон саноатчилари» кончилик фанлари академияси (Россия Федерацияси)	Кончилик фанлари академиясининг фахрий аъзоси, «Россия кончиси» олтин белгиси	2004 йил, февраль
44.	Т. Шевченко номидаги Киев миллий университети (Украина Республикаси)	Университет фахрий доктори	2004 йил, апрель
45.	Халқаро мукофотлар фонди (Латвия Республикаси)	«Кароматгўй муқаддас Николай» ордени	2004 йил, апрель
46.	Сеул шаҳри мэрияси (Корея Республикаси)	Сеул шаҳри фахрий фуқароси	2006 йил, март
47.	ЮНЕСКО (БМТ)	«Борободур» олтин медали	2006 йил, сентябрь
48.	ЮНЕСКО (БМТ)	«Аристотель» олтин медали	2007 йил, август
49.	ЮНЕСКО (БМТ)	«Буюк ипак йўли» олтин медали	2007 йил, август
50.	Туркманистон	«Хорматли ил яшулуси» фахрий унвони	2007 йил, октябрь
51.	Латвия Республикаси	«Уч юлдуз» ордени	2008 йил, октябрь

52.	Америка — Ўзбекистон савдо палатаси (АҚШ)	Ўзбекистон Республикасини давлат томонидан самарали бошқариладиган бозор иқтисодиётига барқарор ўзгартиришни таъминлаганлик учун фахрий мукофоти	2011 йил, февраль
53.	Америка – Ўзбекистон савдо палатаси (АҚШ)	«Дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун» мукофоти	2012 йил, август
54.	Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети	«Университет олдидаги хизматлари учун» фахрий кўкрак нишони	2013 йил, январь
55.	Сербия Республикаси	II даражали «Сербия Республикаси ордени»	2013 йил, февраль
56.	Латвия Республикаси	«Эътироф хочи» ордени	2013 йил, октябрь
57.	Грузия Республикаси	«Жасорат» ордени	2013 йил, октябрь
58.	Туркманистон	Махтумқули номидаги халқаро мукофот	2014 йил, октябрь
59.	Исроилнинг «Нацистларга қарши уруш жангчилари ва партизан-ногиронлари иттифоқи» ташкилоти	«II жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги» юбилей медали	2015 йил, март
60.	Халқаро олимпия қўмитаси	Халқаро олимпия қўмитасининг «Спорт ва Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун» медали	2015 йил, июнь
61.	Осиё миллий олимпия қўмиталари ассоциацияси ва Осиё олимпия кенгаши	Ўзбекистон ва Осиёда футболни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Осиё олимпия кенгаши мукофоти	2015 йил, июнь
62.	Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (АИБА)	«Хизматлари учун» ордени	2016 йил, июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуг ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанимизни узоқ йиллар давом этган мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Буюк Йўлбошчимиз ғоят оғир ва таҳликали вазиятда турли қийинчилик ва машаққатларга қарамасдан, тарихан қисқа давр мобайнида Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди. У нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди.

Халқимизнинг самимий истаклари ва хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда, она Ватанимиз тараққиёти, эл-юртимиз манфаати йўлидаги унутилмас буюк тарихий хизматларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси ва кенг жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича Халқаро ижодий танловни (кейинги ўринларда Халқаро танлов деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича Халқаро ижодий танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда ташкилий қўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (А. Арипов) ўн беш кун муддатда Халқаро танловнинг тадбирлар режаси, харажатлар сметаси, низоми, регламенти ва дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ Халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Бадиий академиясининг 2016–2017 йиллар учун харажатлар сметасида назарда тутилган бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги ва хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари орқали Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан тақдим қилинган Халқаро танлов ҳамда унда иштирок этиш тартиби тўғрисидаги маълумотларни тегишли хорижий ижодий ташкилотларга йигирма кун муддатда етказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташкилий қўмита буюртманомаларига биноан Халқаро танлов ўтказилиши жараёнида таржимонлар иштирокини таъминласин.

6. Ўзбекистон Бадиий академиясининг буюртманомаларига биноан Халқаро танлов доирасида хорижий давлатлардан келтириладиган юклар божхона тўловларидан озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Халқаро танловнинг хорижий қатнашчиларига кириш визаларининг консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

8. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Халқаро танловнинг хорижий қатнашчиларини ва унга алоқадор юкларни тўловларнинг барча турларидан озод қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халқаро танловнинг ғолибларини тақдирлаш билан боғлиқ тадбир ўтказиладиган жойларда жамоат тартибини ҳамда унинг қатнашчилари ва меҳмонларига хизмат кўрсатувчи автотранспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминласин.

10. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Халқаро танлов жараёнларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 2 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Буюк Йўлбошчимиз ғоят қалтис ва таҳликали бир вазиятда оғир қийинчиликлар ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. У нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг қалбидан чуқур жой олган Биринчи Президентимизнинг сўнмас хотирасини абадийлаштириш бўйича вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мамлакатимиз фуқароларидан кўплаб таклифлар тушмоқда.

Халқимизнинг самимий тилаклари ва хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, она Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз равнақи йўлидаги буюк тарихий хизматларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2016 йил октябрь ойида Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилгани;

Тошкент шаҳар, Яшнобод туманининг Фарғона йўли кўчасида жойлашган жоме масжидга «Ислом ота жоме масжиди» деб ном берилгани;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда «Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича Халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилингани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш чора-тадбирлари режасини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқсин.

Шу муносабат билан қуйидаги вазифалар топширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов дафн этилган ҳудудда ёдгорлик мажмуасини барпо этиш;

тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймосини яратиш бўйича халқаро ижодий танловда ғолиб деб топилган ҳайкалларни мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Ислом Каримов туғилиб ўсган Самарқанд шаҳрида ва у киши биринчи раҳбар бўлиб ишлаган Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ўрнатиш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти ҳокимликлари биргаликда: Биринчи Президентимиз кўп йиллар давомида фаолият олиб борган Тошкент шаҳридаги Оқсарой қароргоҳида (Ўзбекистон кўчаси, 45) Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш ва Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фондини ҳам ушбу манзил бўйича жойлаштириш; Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов музейини ташкил этиш;

қуйидаги муассаса ва объектларга:

Тошкент давлат техника университетига;

Асака шаҳридаги автомобиль заводига;

Фарғона шаҳридаги Санъат саройига;

Тошкент халқаро аэропортига;

Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги марказий кўчаларга (маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таклифлари асосида) Ислом Каримов номини бериш;

ҳар йили Биринчи Президентимиз таваллуд топган сана — 30 январь кунини кенг нишонлаш, 2 сентябрь кунини Хотира куни сифатида ёд этиш. Ушбу саналар муносабати билан оммавий ахборот воситаларида Ислом Каримов ҳаёти ва фаолиятини кенг ёритиш;

олий ўқув юртлари талабалари учун Ислом Каримов номидаги давлат стипендиясини жорий этиш;

Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадиий асарлар, ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратиш;

Ислом Каримов сиймоси акс эттирилган махсус почта маркаларини чиқариш.

3. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ тадбирлар кенг ёритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 25 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Улкан давлат арбоби, ўз ҳаётини мустақил давлатимиз қурилиши ва шаклланишига, унинг жаҳондаги мавқеини мустаҳкамлашга бағишлаган, юртимиз ва халқаро майдонда катта обрў-эътибор қозонган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасининг илмий-тарихий концепцияси ва экспозиция лойиҳасини тайёрлаш тўғрисида»ги 2017 йил 16 февралдаги ПҚ-2785-сонли қарори билан ташкил этилган Республика комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини (кейинги ўринларда Ёдгорлик мажмуаси деб аталади) Тошкент шаҳридаги Оқсарой қароргоҳида ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда бинонинг бир қисмида Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фондини бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Ёдгорлик мажмуасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг хотирасини, унинг мустақилликни қўлга киритишга, давлатчиликни қуришга қўшган улкан ҳиссасини ва Ислом Каримов шахсининг тарихий ролини абадийлаштириш, шунингдек, унинг меросини оммалаштириш;

Ислом Каримовнинг буюк шахс, эркин фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат асосчиси ва бунёдкори сифатидаги ҳаёти ва серқирра фаолиятини ўрганиш;

аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшларимизни, шунингдек, хорижий меҳмонларни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланиши ва мустаҳкамланиши тарихи билан таништириш;

ёш авлодни тарихий ва сиёсий маданият, ватанпарварлик ва ўз Ватани учун масъулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялаш;

Ислом Каримов меросини тадқиқ этиш юзасидан илмий-тадқиқот, таълим ва маънавий-маърифий фаолиятни йўлга қўйиш;

конференциялар, семинарлар, маҳорат дарслари, ижодий кечалар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ китоблар, каталоглар, буклетлар, йўл кўрсаткичлар ва бошқа материаллар нашр этилиши, тарқатилишини ташкил этиш;

Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятига тегишли коллекциялар ва ашёларни сақлаш, ҳисобга олиш, экспонатга қўйиш;

музейнинг коллекциялари ва ашёлари маълумотлар базасини шакллантириш, юритиш ва янгилаш, шунингдек, музейнинг бутун фонди реестрини, йўл кўрсаткичини, каталоглаштириш ишларини ташкил этиш;

музейнинг коллекциялари ва ашёларини босма ва электрон вариантда Ўзбекистон Республикаси Миллий музей фондига киритиш юзасидан таклифлар киритиш;

Ёдгорлик мажмуаси фаолиятига багишланган ҳар чораклик ахборот бюллетенини нашр этиш, шунингдек, унинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, реклама маҳсулотлари ва бошқа материаллар чоп этиш.

3. Қуйидагилар:

Ёдгорлик мажмуасининг Васийлик кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ёдгорлик мажмуасининг ташкилий тузилмаси, аппарати тузилмаси, штат жадвали ва ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар 2, 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

Ёдгорлик мажмуаси Устави 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ёдгорлик мажмуаси фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари, шунингдек, хўжалик фаолиятидан тушадиган, халқаро ташкилотларнинг грантлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблаглари ҳисобига амалга оширилиши белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2017 йил учун 2017 йилдаги Давлат бюджети параметрларининг «Ижтимоий соҳа» бўлимида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан, 2018 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида Ёдгорлик мажмуасини сақлаш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, техник жиҳозлаш ва унинг асосий вазифаларини амалга ошириш учун харажатларнинг бошқа турларига зарур бюджет маблаглари ажратишни назарда тутсин;

4 та енгил автотранспорт воситасига, жумладан, 1 тадан шахсан бириктирилган ва навбатчи енгил автотранспортга, шунингдек, 1 тадан юк транспорти ва автобусга лимит ажратсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Ёдгорлик мажмуаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобот берадиган мустақил юридик шахс ҳисобланади;

Ёдгорлик мажмуаси фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси зиммасига юкланади;

Ёдгорлик мажмуаси фаолиятининг устувор йўналишларини белгилайдиган Васийлик кенгаши унинг юқори органи бўлиб ҳисобланади;

Ёдгорлик мажмуаси раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Ёдгорлик мажмуаси раҳбари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти шартлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосарига, Ёдгорлик мажмуаси раҳбарининг ўринбосарлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг шуъба мудирларига тенглаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ходимлари учун белгиланган моддий рагбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари Ёдгорлик мажмуаси ходимларига татбиқ этилади.

7. Ўзбекистон Бадиий академияси ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бир ой муддатда Ёдгорлик мажмуаси логотипини ишлаб чиқиш юзасидан танлов ўтказилишини таъминласин ҳамда унинг натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мажмуа логотипини тасдиқлаш бўйича таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати биноларидан фойдаланиш бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республи-

каси Президенти Девони Ишлар бошқармасининг Уй-жой-коммунал ва меҳмонхона хўжалиги бошқармаси бир ой муддатда тегишли равишда 6—8-иловаларга мувофиқ бино ва иншоотларни, шунингдек, инвентарь ва бошқа мол-мулкни белгиланган тартибда бепул берсин, Ёдгорлик мажмуаси эса қабул қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ёдгорлик мажмуасига берилаётган бино ва иншоотлар кадастр ҳужжатларининг бир ой муддатда белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фондининг буюртманомалари бўйича фонднинг экспозицияларини, матн, график ва мультимедия интерактив материаллари мавжуд бўлган экспонатларининг рақамлаштирилган нусхаларини ҳисобга олиш, сақлаш учун ахборот тизимини ташкил этиш юзасидан махсус дастурий маҳсулотларни яратишда кўмаклашсин.

11. Ёдгорлик мажмуасига ёндош ҳудудни ободонлаштириш ва тозалаш учун Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармасининг Ҳукумат объектларига хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган бошқармаси масъул этиб белгилансин.

12. Ёдгорлик мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

музейнинг илмий-тарихий концепцияси лойиҳасини;

музей экспозицияси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ҳомийлик кенгашига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ экспонатлар ва ашёларга эга бўлган давлат идоралари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа давлат ташкилотлари уларни икки ой муддатда Ёдгорлик мажмуасига белгиланган тартибда берсин.

Нодавлат нотижорат ташкилотларига, юридик ва жисмоний шахсларга мулкидаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ экспонатлар ва ашёларни Ёдгорлик мажмуасига белгиланган тартибда бериш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ экспонатлар ва ашёларни йигиш ва қабул қилиш ишларини ташкил этишда Ёдгорлик мажмуасига ёрдам кўрсатсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Маданият ишлари вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқарувчиси З. Ҳайдаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2017 йил 25 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳридаги халқаро аэропортга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номини бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 январдаги ПҚ-2744-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш ҳамда аэропорт инфратузилмаси фаолияти самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, Тошкент халқаро аэропортида замонавий талабларга мувофиқ йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. «Тошкент» халқаро аэропорти» давлат унитар корхонасига Ислом Каримов номи берилсин.

2. Тошкент халқаро аэропорти инфратузилмаси фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастурининг ҳар томонлама тайёрланишини ва асосланишини таъминлаш мақсадида иловага мувофиқ таркибда Махсус комиссия ташкил этилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда қуйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган Комплекс чора-тадбирлар дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун тақдим этсин:

– режим-кўриқлаш чора-тадбирлари тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, аэропортда замонавий, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига йўловчиларнинг божхона, чегара ва иммиграция тартиботларидан ўтиш вақтини қисқартириш;

– мавжуд таркибни танқидий таҳлил қилиш ҳамда божхона, чегара ва иммиграция хизматлари, ички ишлар органлари ва аэропортда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ходимлари барча тоифаларини танлашга нисбатан талабчанликни ошириш, улар томонидан хизмат ваколатларининг ҳар қандай тарзда суиистеъмол қилинишининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш;

– пойтахтга ва республикага келадиган йўловчилар, меҳмонлар ва хорижий делегацияларга хизмат кўрсатишнинг юқори даражасини таъминлаш, Ўзбекистоннинг бош ҳаво бандаргоҳида ўзбек халқига қадимдан хос бўлган самимий илтифот ва меҳмондўстлик муҳитини яратиш;

– зарур қулай шарт-шароитларни яратишни назарда тутган ҳолда аэропортнинг тегишли инфратузилма хизматлари фаолияти самарадорлигини таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг багажи билан ишлашнинг технологик жараёнини оптималлаштириш;

– кузатиб қолувчилар ва кутиб олувчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, махсус ажратилган ҳудудда автотранспортлар тўхташ жойларини ташкил этиш, ободонлаштириш масалаларини комплекс ҳал этиш;

– аэропортнинг барча хизматлари фаолияти самарадорлиги ва сифатини ошириш, шунингдек, йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг янада қулай шарт-шароитларини яратиш учун илгор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий этиш.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2017 йил 4 май

Ў-16 **Солнома . Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов фаолияти хроникаси: 1989—2016 йиллар** / нашр учун масъул Х. Султонов; тўпловчи ва тузувчи З. Мирзақулов; муҳаррирлар М. Қаршибоев, И. Бўрибоев. — Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. — 616 б.

ISBN 978-9943-25-444-2

УЎК: 323(575.1)(093.3)
КБК 66.3(5Ў)8

Расмий нашр

СОЛНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ФАОЛИЯТИ ХРОНИКАСИ

1989—2016 йиллар

Нашр учун масъул *Х. СУЛТОНОВ*

Тўпловчи ва тузувчи *З. МИРЗАҚУЛОВ*

Муҳаррирлар: *М. ҚАРШИБОЕВ, И. БЎРИБОЕВ*

Нашриёт муҳаррири *Б. Худоёрова*
Бадиий муҳаррир *Ҳ. Қутлуков*
Техник муҳаррир *Б. Каримов*
Мусаҳҳиҳ *М. Ишонхонова*
Компьютерда саҳифаловчилар: *Г. Қулназарова, Ф. Ҳасанова*

Нашриёт лицензияси AI № 158. 14.08.09. Босишга 2018 йил 6 январда рухсат этилди.
Офсет қоғози. Бичими $60\times84^{1}/_{8}$ Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоқ 71,61. Нашр табоги 68,66. Адади 3000 нусха.
Буюртма № 18-9. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: *uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz*
www.*iptd-uzbekistan.uz*